ISBN: 978-9910-724-01-5

2355

II

O‘ZBEKISTON RESPUBLIKASI
OLIY TA’LIM, FAN VA INNOVATSIYALAR VAZIRLIGI
TERMIZ DAVLAT UNIVERSITETI
SURXONDARYO VILOYATI TURKMAN MILLIY
MADANIYAT MARKAZI



MAXTUMQULI FIROG‘IY

tavalludining 300 yilligiga bag‘ishlangan

“MAXTUMQULI-DO‘STLIK KUYCHISI”

mavzusidagi xalqaro ilmiy-amaliy

KONFERENSIYA MATERIALLARI

2024-yil 20-aprel
Termiz shahri

O‘ZBEKISTON RESPUBLIKASI
OLIY TA’LIM, FAN VA INNOVATSIYALAR VAZIRLIGI

TERMIZ DAVLAT UNIVERSITETI
SURXONDARYO VILOYATI
TURKMAN MILLIY MADANIYAT MARKAZI

MAXTUMQULI FIROG‘IY TAVALLUDINING 300 YILLIGIGA BAG‘ISHLANGAN «MAXTUMQULI – DO‘STLIK KUYCHISI»

mavzusidagi xalqaro ilmiy-amaliy konferensiya materiallari

2024-yil, 20-aprel

Termiz-2024

MAXTUMQULI FIROG‘IY TAVALLUDINING 300 YILLIGIGA BAG‘ISHLANGAN «MAXTUMQULI – DO‘STLIK KUYCHISI» MAVZUSIDAGI XALQARO ILMIY-AMALIY KONFERENSIYANI TASHKIL ETISH VA O‘TKAZISH BO‘YICHA

TASHKILIY QO‘MITA

Toshqulov A.H.	Termiz davlat universiteti rektori, tashkiliy qo‘mita raisi
Shaydullayev A.Sh.	Termiz davlat universiteti ilmiy ishlar va innovatsiyalar bo‘yicha prorektor, rais o‘rinbosari
Shofiyev O.B.	Termiz davlat universiteti, yoshlar masalalari, ma’naviy-ma’rifiy ishlar bo‘yicha prorektor
Axmedov H.Y.	Termiz davlat universiteti o‘zbek filologiyasi fakulteti dekani
Amonturdiyev N.R.	Termiz davlat universiteti o‘zbek tilshunosligi kafedrasi mudiri
Arslonov A.K.	Termiz davlat universiteti o‘zbek adabiyotshunosligi kafedrasi mudiri
Eshmuminov A.A.	Termiz davlat universiteti o‘zbek tili va adabiyoti kafedrasi mudiri
Maxmaraimova Sh.T.	Termiz davlat universiteti o‘zbek tilshunosligi kafedrasi professori
Umurkulov B.	Termiz davlat universiteti o‘zbek tilshunosligi kafedrasi professori
Avazov E. X.	Termiz davlat universiteti iqtisodiyot va turizm fakulteti moliya va moliyaviy texnologiyalar kafedrasi dotsenti
Yo‘ldoshev N.T.	Termiz davlat universiteti o‘zbek adabiyotshunosligi kafedrasi dotsenti
Turdiqulov Sh.D.	Termiz davlat universiteti o‘zbek tilshunosligi kafedrasi katta o‘qituvchisi
Nadim Muhammad Humoyun	Termiz davlat universiteti o‘zbek tili va adabiyoti kafedrasi katta o‘qituvchisi

TAHRIR HAY’ATI

Maxmaraimova Sh.T.	filologiya fanlari doktori, professor (mas’ul muharrir)
Turdiqulov Sh.D.	filologiya fanlari bo‘yicha falsafa doktori (mas’ul kotib)
Arslonov A.K.	filologiya fanlari bo‘yicha falsafa doktori
Amonturdiyev N.R.	filologiya fanlari bo‘yicha falsafa doktori
Humoyun Nadim Muhammad	filologiya fanlari bo‘yicha falsafa doktori

Mazkur to‘plam Termiz davlat universiteti Kengashining 13-apreldagi 7-son qarori bilan tasdiqlangan.

Maxtumquli – do‘stlik kuychisi / Xalqaro ilmiy-amaliy konferensiya materiallari to‘plami. – Termiz: Termiz davlat universiteti NMM, 2024.

© Maxtumquli Firog‘iy tavalludining 300 yilligiga bag‘ishlangan «Maxtumquli-do‘stlik kuychisi» mavzusidagi xalqaro ilmiy-amaliy konferensiya materiallari to‘plami
Termiz davlat universiteti, 2024.

Anjumanimizning muhtaram ishtirokchilari, aziz qardoshlarimiz va hamyurtlarimiz!

Ushbu to‘plam Termiz davlat universiteti va Surxondaryo viloyati turkman milliy madaniyat markazi bilan hamkorlikda O‘zbekiston Respublikasi Prezidentining «Buyuk turkman shoiri va mutafakkiri Maxtumquli Firog‘iy tavalludining 3O0 yilligini keng nishonlash to‘g‘risida» 2024-yil 19-fevraldagi PQ-76-son Qarori, Surxondaryo viloyati hokimining 2024-yil 4-martdagi 01-14/141-son Qarorining amaldagi ijrosiga bag‘ishlab o‘tkazilgan «Maxtumquli – do‘stlik kuychisi» mavzusidagi xalqaro ilmiy-amaliy konferensiya materiallaridan tashkil topgan.

Anjuman bahona do‘st va birodar xalqlar madaniyatiga bir qadar nazar tashlash imkonini beruvchi ushbu to‘plamga tartib berish hamda tahrir jarayonida xorij davlatlaridan yuborilgan qo‘lyozmalarning til xususiyatlarini saqlashga harakat qilindi. Tabiiyki, har bir zabon egasi o‘zi anglagan, bilgan, idrok etgan olamning o‘ziga qadrli chizgilarini o‘zigagiga mos, xalqiga, madaniyatiga xos yo‘sinda payqaydi, tasavvur qiladi. Milliy manzaralararo bo‘y ko‘rsatgan shoir timsoliga e’tirofning betakror, go‘zal namunalari bor bu qo‘lyozmalarda. Zotan, qardosh xalqlarning yetuk shoiri, o‘zidan keyingi shoirlarning ustozi – Maxtumquli bilan bog‘liq tarixiy voqealar, ijodiga doir jihatlar ushbu maqolalarda o‘zgacha talqin qilingan, tilga olingan. Bu bilan to‘plam bilan tanishayotgan hurmatli o‘quvchimizga maqola tilining uslubiy bo‘yoqdor qirralarini anglatish, shu tildan foydalanuvchilar nafasini yetkazish maqsad qilinganini ma’lum qilamiz. Zotan, o‘zbek, turkman, ozarbayjon, qoraqalpoq, qozoq, rus, afg‘on, fors qardoshlarimiz yuborgan bitiklar aynan shu – dunyo tillarining kamalak rangini ifoda etarkan, bu jihat shuuringizda xalqlar mushtarakligining nafaqat adabiy-estetik, balki yaxlit lisoniy-madaniy manzarasini-da gavdalantirishiga shubhamiz yo‘q. Binobarin, muhtaram o‘quvchilarimiz hamda anjuman qatnashchilari mazkur adabiy-ma’rifiy, falsafiy-irfoniy talqinga yo‘g‘rilgan mo‘jaz tadqiqotlarga munosib baho beradilar, shoir she’rlaridan bahramand bo‘ladilar.

To‘plam materiallaridan filolog mutaxassislar, ona tili va adabiyoti o‘qituvchilari hamda magistratura va bakalavriat talabalari foydalanishlari mumkin.

Maqolalarning ilmiy saviyasi, keltirilgan dalillarning haqqoniyligi uchun mualliflarning o‘zlari mas’uldirlar.

To‘plam bilan tanishayotgan aziz birodarlarimizga yoqimli mutolaa va tan-sihatlik tilab qolamiz.

Hurmat bilan, tahrir hay’ati

Абдуқодир ТОШҚУЛОВ,
Термиз давлат университети ректори

Тил – маданият, шеърият – ботинга сари ташланган йўл. Дунё тан олган қалам соҳибларидаги абадиятга дахл қилгулик хислат Яратганнинг буюк неъмати – сўз қудрати орқали воқе бўлади. Алишер Навоий, Рўдакий, Фирдавсий, Низомий, Гёте, Пушкин, Шекспир сингари Махтумқули шеърияти ҳам нафақат туркман миллатининг, балки инсоният маънавий тараққиётининг гултожларидан бўлиб қолажак. Сўзки руҳиятнинг тилмочи экан, унда олам тасвирини ёрқин ва гўзал чизгиларга буркаш ва аксинча, ботиннинг зулматли бурчакларига назар ташлаш имкони бор. Токи шу зулматни эзгуликнинг нури билан енгиш мақсадида қалбларнинг туб-тубини гуман ғоялар билан ёритиб, жунбушга келтира олган ижодкоргина авлодлар хотираси ва маънавий меросидан жой олишга ҳақли.

Шоир ижодидаги халқчиллик ахлоқ, инсонийликнинг ўзига хос намунасигина эмас, дунёни теран англашнинг ўзига хос усули, ҳаётнинг жўн фалсафасидан тортиб, ижодкор шууридаги тасаввуфий ғояларни тушунтира олувчи ўзига хос тафаккур тарзи ҳам. Етук алломалар, илм арбоблари, тариқатчилар ватани, қўҳна тамаддунлар бешиги – ўзбек юртида Махтумқули ижодининг юқори пардаларда эътироф этилиши шундан. Шоир шеърий тўпламларининг йигирманчи асрнинг биринчи ўн йиллигидан бошлаб Хива, Тошкент, Самарқанд, Бухоро шаҳарларида илк литографик тарзда босмадан чиқарилиши, унинг таҳсил йиллари Бухоро ва Хивада ўтганлиги Махтумқули ҳаёт ва ижод йўлининг ўчмас излари дастлаб Ўзбекистонга тегишли эканини тасдиқлайди. Ҳазрат Алишер Навоийни ўзига устоз билган шоир у каби ўз миллий классик адабиётининг асосчиси саналади. Она тилининг нуфузини юксалтириш мақсадида

туркман тилининг халқчил шаклларига мурожаат қилган Махтумқулининг ижодий-фалсафий қарашларида мутафаккир Алишер Навоий инжу ғояларининг пайқалиши бежизга эмас. Бинобарин, қардошларининг хурсандчилигини ўз шодлиги боиси билиб келган ўзбек халқи учун бу етук мутафаккир билан боғлиқ ҳар бир жиҳат аҳамиятлидир.

Муҳтарам Президентимиз Ш.М.Мирзиёевнинг “Буюк туркман шоири ва мутафаккири Махтумқули Фироғий таваллудининг 300 йиллигини кенг нишонлаш тўғрисида” 2024 йил 19 февраль, ПҚ-76-сон Қарори халқлар дўстлиги тимсолидаги шоир сиймосига берилган энг юксак баҳодир. “Ўзбекистон ва Туркманистон ўртасидаги дўстлик ҳамда яхши қўшничилик муносабатлари тарихида янги давр бошланган ҳозирги пайтда Махтумқули Фироғийнинг ўлмас бадиий мероси халқларимиз учун янада муҳим аҳамият касб этмоқда. Икки қардош эл учун бирдек ардоқли бўлган шоирнинг баркамол асарлари мамлакатимизда мунтазам равишда, йирик ададларда нашр этилмоқда. Тошкент ва Хива шаҳарларида шоир хотирасига бағишлаб бунёд этилган ёдгорлик мажмуалари табаррук зиёратгоҳларга айланган” дейилади қарорда.

Ушбу тадбирларга дахлдорлик Термиз университети учун ҳам юксак масъулият. Дунёнинг турли бурчаклари: АҚШ, Швеция, Туркия, Туркманистон, Озарбайжон, Қозоғистон, Афғонистон ҳамда ватандошларимиздан биз томон йўлланган битиклар масъулиятимизга шараф ҳиссини юклайди.

Термиз давлат университетининг шонли 70 йиллик юбилейини нишонлашга бағишланган тадбирлар доирасида шоирга эҳтиром тимсолидаги халқаро илмий конференцияга мезбонлик қилаётган университетимиз жамоаси номидан ушбу шарафли муносабат ила ҳурматли меҳмонларимизга

ХУШ КЕЛИБСИЗ дейман!

I SHO‘BA. MAXTUMQULI FIROG‘IY – XALQLAR DO‘STLIGI KUYCHISI

МАХТУМҚУЛИ ИЖОДИДА РУҲИЙ ҲАЁТ ВА МАЪРИФИЙ-МАЪНАВИЙ МАВЗУЛАР ТАЛҚИНИ

Мирзо КЕНЖАБЕК,
Вазирлар маҳкамаси ҳузуридаги Ўзбекистон Ислом цивилизацияси маркази бўлим бошлиғи,
Ёзувчилар уюшмаси аъзоси, Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган ёшлар мураббийси,
Бобур номли халқаро мукофот соҳиби,
Махтумқули таржимони

Ҳақиқий дўстликни ифода этувчи тарихий ҳужжат

Бисмиллаҳир-Роҳманир-Роҳийм

Давлатимиз раҳбарининг “Буюк туркман шоири ва мутафаккири Махтумқули Фироғий таваллудининг 300 йиллигини кенг нишонлаш тўғрисида”ги қарорининг эълон қилиниши юртимиздаги барча адабиётсевар ва маърифатсевар мухлислар қалбида улуғ ва қувончли таассурот уйғотди. Чунки туркман халқининг буюк ва беназир шоири Махтумқули барча туркий халқлар орасида шеърияти севиб ўқиладиган шоирлар сирасига киради. Иккинчидан эса бу қарор ўзбек–тукман халқларининг ҳақиқий дўстлигини ифода этувчи тарихий ҳужжатга айланди. Учинчидан эса Махтумқули ўзбек халқининг ўз шоирига айланиб кетган, унинг кўплаб шеърлари қўшиққа айланган, унинг шеърияти Ўзбекистонда кенг ёйилган шеъриятдир.

Махтумқули асарлари қўлёзмаларининг энг кўпи Ўзбекистонда сақланаётгани ҳам бу муҳаббатга улкан далилдир. Тошкентда, Абу Райҳон Беруний номидаги Шарқшунослик илмий-тадқиқот институти кутубхонасида 13 та қўлёзма ва тошбосма асарлари сақланади. Ашхободда 2 та, Бокуда 2 та, Истанбулда 1 та асари сақланмоқда.

Ўзбек ва туркман халқлари дўстлиги

Жаҳондаги турли халқлар, жумладан, ўзбек ва туркман халқлари дўстлигининг илдизи инсон зоти яралган энг қадимий даврга бориб тақалади. Чунки ер юзидаги барча миллатлар қардошлиги ва ҳамкорлигининг пойдевори муқаддас Қуръони каримда равшан баён қилинган. Яратган Зот Ҳужурот сурасининг 13-оятида инсонларни бир ота ва бир онадан – Одам Ато алайҳиссалом билан Момо Ҳавводан яратганини эълон қилади ва инсонлар бир-бирлари билан танишишлари, дўстлашиб, ўзаро ҳамкорлик қилишлари учун уларни турли халқлар, эл ва элатлар қилиб қўйганини билдиради. Бу билан барча халқлар туғишган ака-ука, қон-қариндош экани уқтирилмоқда.

Ўзбек ва туркман халқларининг қадимий дўстлиги ҳазрати Алишер Навоий билан ҳазрати Махтумқули сатрларида ҳам ўз тавсифини топгандир. Навоий ҳазратлари “Фарҳод ва Ширин” достони ниҳоясида чиройли эътироф билан айтадилар:

Кўнгул бермиш сўзумга турк, жон ҳам,
Не ёлғуз турк, балким туркмон ҳам!

Бунда туркман халқининг ўзига хос бир миллат эканига равшан ишорат бор.

Махтумқули ҳазратлари ҳам Хивадаги Шерғозихон мадрасасида таълим олгани ва у ерда Қуръони каримни хатм қилганини таъкидлаб, ҳазрати Шоҳ Баҳоуддин Нақшбанд, ҳазрати Саййид Амир Кулол, ҳазрати Занги ота каби маънавият дарғаларига улуғ муҳаббат ва эътимодини ошкор баён қиладилар ва ҳақиқий дўстлик ва қардошликнинг олий намунасини кўрсатадилар:

Деҳистоннинг байиринда
Боди сабони кўрсам.
Баҳоуддин, Мир Кулол,
Занги Бобони кўрсам.

Мамнуният билан эслаймиз, Шавкат Мирзиёев Ўзбекистон Республикаси Президенти сифатида илк марта Туркманистонга

ташриф буюрганида қардош давлат раҳбарига ўзбек тилида чоп этилган Махтумқули китобини совға қилган эди. Ўша илк эҳтиром бугунги кунда Махтумқулининг таваллуд анжумани Ўзбекистонда алоҳида байрам қилинишига асос бўлмоқда.

Икки халқни бирлаштириб турган омиллар

Икки давлат раҳбарларининг мақсад ва ғояси ҳам, умид ва ташвиши ҳам асосан тинчлик неъматини бардавом сақлаш, халқлар дўстлиги тамойилларини муҳофаза қилишдан иборат эканлиги равшан ҳақиқатдир. Албатта, ўзбек ва туркман халқларини бирлаштириб турган омиллар кўп.

Энг биринчи омил – пок ва муқаддас динимиз бирлиги, эътиқодимиз муштараклигидир. Бу оламшумул бирдамлик ҳамиша яхши натижалар берган ва тинчлик-осойишталикнинг гарови бўлиб келган.

Иккинчи муҳим омил, маданият, адабиёт ва санъатимиз бирлигидир. Буюк туркман адиби – Махтумқулининг отаси Давлатмуҳаммад Озодий фақат атоқли шоир бўлиб қолмасдан, балки замон алломаси, тақво ва маърифат аҳлининг пешвоси, Алишер Навоий ижоди билимдони, айниқса, «Маҳбуб ул-қулуб» асаридан яхши баҳра топган ориф ва ошиқ зот эканлиги унинг шеърий “Баёз”и ва «Ваъзи Озод» асаридан маълумдир.

Давлатмуҳаммад Озодий, Мулланафас, Махтумқули, Андалиб, Камина сингари туркман мумтоз адабиёти вакиллари ҳазрат Навоий асарларини ўз адабиётидек севиб, баҳраманд бўлганлар, у зотни ўзларига устоз деб билганлар. Айни вақтда, Махтумқули ва бошқа мутмоз туркман шоирлари шеърияти ўзбек халқининг ўз мулкига айланиб кетган.

Учинчи муҳим омил, қадимдан аҳил ва тотув яшаб келган ён қўшни эканлигимиз, бир дарёдан сув ичган, қадимий Жайҳун – Амударё сувидан баҳраманд бўлган, ўзаро савдо-тижоратни йўлга қўйган, бир-бирининг маданияти ва маънавиятини бойитган халқлар эканимиздир.

Тўртинчи муҳим омил, асрлар давомидаги тарихимизнинг бирлиги, зафар ва озодлик даврларини ҳам, мустамлака ва истибдод жабрларини ҳам бирга кечирган, дарддош, ғоядош

яшаб, ниҳоят, янги истиқлол даврига ҳам бирга эришганимиздир. Ана шундай бирдамлик омиллари икки давлат раҳбари янги босқичга кўтараётган дўстлик ва ҳамкорлик сиёсати негизида янгича мазмун билан давом этмоқда. Махтумқули Фироғий таваллудининг 300 йиллигини Ўзбекистонда кенг нишонлаш тўғрисидаги қарор бу янгича мазмун далилларидан биридир.

Махтумқули шахсияти

Махтумқули отаси сингари бошланғич таълимни қишлоқ мактабида олади. Кейин Марказий Осиёнинг улкан маданият ва илм-фан марказларидан бўлмиш кўҳна Хива шаҳридаги «Шерғозихон» мадрасасида уч йил ўқиб, муҳим илмларни ўзлаштиради, ўзи айтганидек, дили очилади, оқ-қорани, ҳақ-ноҳақни, дўст-душманни ажратадиган бўлади. Ёш олим мадраса билан хайрлашув шеърида шукрона туйғуларини бундай ифода этади:

Ажратарман энди оқу қарони,
Дўст-рақиб, қардошим, Ҳақни, ёронни,
Ўқидим, кўтардим Китоб – Қуръонни,
Кетар бўлдим, хуш қол, гўзал «Шерғози».

Махтумқули араб, форс тилларини пухта ўзлаштирган, чиғатой – эски ўзбек тилини мукаммал билган. Бу ҳол унинг ижодидаги сўз бойликларидан ҳам аёндир. Ижодидан маълум, Махтумқули Марказий Осиё ва Яқин Шарқнинг бир қанча диёрларини кезган, Бухоро, Хива, Афғонистон, Озарбайжонда бўлган. «Занги Бобони кўрсам», дейишига кўра, Тошкентга ҳам келгани тахмин қилинади.

Мадинаи мунавварада ҳазрати Пайғамбаримиз алайҳиссаломнинг муборак равзаларини зиёрат қилмоқ ниятида экани, яна: «Иймоним йўлдош бўлса, Борсам, Каъбани кўрсам» ёки: «Ниятим Каъбадир, хаёлим ҳаждир, Ихлосим бор ҳаж

тавофин этмоққа» дейишига қараганда, муборак ҳаж ибодатини адо этмоқни ният қилгани англашилади.

Таниқли шарқшунос олим Е.Э.Бертельс Махтумқулининг «Тургил, дедилар» номли шеърини А.С.Пушкиннинг «Пророк» («Пайғамбар») номли шеъри билан таққослаб, муштарак ва фарқли жиҳатларини топишга уринган. Чунки Пушкиннинг «Пайғамбар» шеъри ҳазрати Муҳаммад алайҳиссалом васфларини ифода этса, Махтумқулининг “Тургил дедилар” номли шеъри бир неча авлиё зотлар васфини баён этади. Махтумқули шеъридаги тафсилот зоҳиран А.С.Пушкин ифода этган воқеага ўхшагани учун Бертельснинг эътиборини тортган.

Нурли шеърият

Махтумқули шеърияти – нурли шеърият. Унинг ижодида дунёвий ва ухровий илм-маърифатдан хабар берувчи сермазмун шеърлар алоҳида мавқени ташкил этади. Мутафаккир шоирнинг бутун маърифати, исломий муҳаббати, ишқи, шавқи, қайғуси шеърларида акс этади. Шеърият шоир қалбининг кўзгусидир. Махтумқули шеърияти бутун инсониятга қаратилган маърифий хитоблардан иборат. Махтумқули шеърияти эзгуликка чақириқдир. Шоирнинг ҳазрати Баҳоуддин Нақшбанд ҳақларидаги эҳтиромли ва муҳаббатли шеърларидан ҳаётбахш нақшбандия таълимотига эҳтироми кучли эканини англаш мумкин.

Барча туркий адабиёт учун бир мўътадил адабий тил

Махтумқули шеъриятининг барча туркий халқлар орасида таржимасиз ҳолда севиб ўқилишининг сабаби нимада?

Алишер Навоийдан кейин жаҳон туркий адабиёти шоирлари барча туркий халқлар бемалол тушуниб ўқий оладиган мўътадил адабий бир тилни танлашга ҳаракат қилганлар. Муҳаммад Фузулий (Озарбайжон), Мунис Хоразмий, Муҳаммад Ризо Огаҳий (Хоразм), Давлатмуҳаммад Озодий, Махтумқули (ота-ўғиллар – Туркманистон), Мулла Нафас, Андалиб, Бобораҳим Машраб (Фарғона-Наманган) ижодлари бу сўзнинг ёрқин далилидир.

Бу зотларнинг асарларини ҳар бир туркий миллат ўз ёзувига табдил қилса, бемалол ўқиб тушунаверади. Илгари ягона ёзув ҳисобланган араб имлоси барча туркий адабиётларни бирлаштириб турган, улуғ шоирларнинг асарларини ҳар бир халқ ўзига мослаб ўқийверган. Бу кун имлолар хилма-хиллиги ҳам адабиётлар бирлигига салбий таъсир етказиб туради. Туркий кенгаш анжуманида барча туркий халқлар учун бир имлони танлаш таклифининг ўртага ташлангани бежиз эмас.

Махтумқули шеърияти таржимами, табдилми?

Биз бу кун Махтумқули асарларини таржима қиляпмиз, деган даъвога тушиб қолдик. Ҳолбуки, бизнинг таржималаримиз асосан имлодан имлога табдил қилиш ва ўз тилимизга мувофиқлаштиришдан иборатдир.

Шунинг учун камина Махтумқули сайланмаларида “таржима қилувчи” деган сўздан тийилиб, **“Туркман тилидан табдил этиб нашрга тайёрловчи”** деган ифодани қўллаганман.

Бу кун Махтумқули таржимонлари кўпайди. Махтумқули асарларини етук, профессионал ижодкорлар таржима ва табдил қилсинлар. Яхши олим, яхши доктор, яхши профессор бўлишимиз мумкин. Лекин Махтумқулининг маърифий истилоҳлари ва атамаларини ўзгартириш ва бузишга ҳаққимиз йўқ!

Махтумқули ва Машраб

Ҳазрати Бобораҳим Машраб Махтумқулидан олдинроқ яшаб ўтган. Машраб XVII асрнинг ўрталарида (1650 йиллар атрофида) туғилиб, 1711 йилда вафот этган бўлса, Махтумқули (янги маълумотга кўра) 1724 йилда туғилиб, XVIII асрнинг 80-йилларида вафот этган.

Илм аҳлларига маълум, ҳаётимизда турли мумтоз шоирларнинг шеърлари жамланган баёзлар бўлган. Шундай баёзларда Махтумқули шеърлари орасига Бобораҳим Машраб шеърлари ҳам аралашиб қолган. Термизлик Абдумўмин Жумаев ва Жуманазар Зулпиев деган икки таржимон Махтумқули шеърларини таржима қилганда, ижодга берилиб кетиб,

Бобораҳим Машрабнинг машҳур шеърларини ҳам туркманчадан таржима қилиб юборганлар.

Машраб Девонидаги ўзбекча банд:

Эй сифотингдин такаллум ҳар тил узра минг сано,
Подшоҳи анбиёсан, тожи фарқи авлиё,
Дину оининг эрур гумроҳларга раҳнамо,
Барчанинг уммеди Сандин тонгла ул Дорул-қазо,
Осий умматга шафоъат, ё Муҳаммад Мустафо!

Машраб мухаммасининг туркманчадан таржимаси:

Эй, сифатингдан такаллум ҳар тил узра минг сано,
Подишоҳи-анбиё сан, тожи-Фурқони-авлиё.
Дин анинг дини эрур, гумроҳларга раҳнамо,
Барчанинг уммиди сендан тонгла ул дорул-қазо,
Осий умматга шафоат, ё Муҳаммад Мустафо.

Машраб Девонида:

Машраби бечора бўлмиш кўп гунаҳ бирлан малул,
Истиъонат қил анга, ё Саййиди хатми русул,
Бенаволарнинг дуосини Худо қилғай қабул,
Мақсуди мажмуъи уммат бўлғуси Сиздин ҳасул,
Осий умматга шафоъат, ё Муҳаммад Мустафо!

Машраб сатрларининг туркманчадан таржимаси:

Махтуми бечора бўлмишдир гуноҳ бирла асир,
Истиғонат қил анга, ё Саййиди-хатми-расул.
Бенаволарнинг дуосини Худо қилгай қабул,
Мақсуди-мажмуи-уммат бўлғуси сендан ҳусул,
Осий умматга шафоат, ё Муҳаммад Мустафо.

Бу икки таржимон ижодида Машраб шеъри туркманчадан таржима қилинганда қандай хароб бўлган бўлса, Махтумқули шеърлари таржимаси ҳам шундай хароб бўлган ўринлар бор.

Мажоз тариқи ва ҳақиқат тариқи

Мумтоз шеъриятда мажоз тариқи ва ҳақиқат тариқи деган ифода бор. Мажоз тариқи тасаввуфий истилоҳларга таянган тагдор шеъриятдир. *Май, шароб, бода, жом, қадаҳ, лаб,*

лаби ширин, лаби лаъл каби юзлаб мажозий истилоҳларнинг ўз ҳақиқий маънолари бор. Ҳазрати Алишер Навоий айтадилар:

Ваҳдате бўлғай муяссар май била жом ичраким,
Жому май лафзин деган бир исм ила қилғай адо.

Яъни: «Жому май истилоҳлари ичида кишига ваҳдат – Ҳақ таъолонинг якка-ю ягоналиги шавқи ва илми муяссар бўлади, шеъриятда «жом» ва «май» сўзларини ишлатган киши ваҳдат таълимотини бир ном билан ифодалайди, холос».

Яна айтадилар:

Сен гумон қилғондин ўзга жому май мавжуд эрур,
Билмайин нафй этма бу майхона аҳлин, зоҳидо.

Яъни: «Сен гумон қилгандан бошқа жом ва май мавжуддир, май – сен гумон қилгандек, маст қилгувчи ичимлик эмас, жом фақат унинг идиши эмас. Бу мажозий ифодаларни қўлловчи ишқ ва тавҳид аҳлини билмасдан инкор қилаверма».

Мумтоз шеъриятда ортида ҳақиқат яширилмаган шеърлар мақбул саналган эмас, яъни соҳа арбоблари тарафидан қабул қилинган эмас. Жаҳон мумтоз (классик) шеъриятининг асосий қисмини мажоз тариқида битилган шеърият ташкил этади.

Шу билан бирга ҳамма нарсани ўз номи билан атайдиган ҳақиқат тариқида ҳам кўплаб буюк шоирлар ижод қилганлар. Улар дунёни дунё деб, охиратни охират деб, Аллоҳни Аллоҳ деб, пайғамбар алайҳиссаломни пайғамбар деб ўз ҳақиқий номи билан атайдилар. Хожа Аҳмад Яссавий, Юнус Эмро, Сулаймон Боқирғоний, Сўфи Аллоҳёр, Бобораҳим Машраб, Давлат Муҳаммад Озодий, Махтумқули каби шоирлар ҳақиқат тариқининг беназир ижодкорларидир.

МАХТУМҚУЛИ ШЕЪРИЯТИДА ҚУРЪОНИ КАРИМ ОЯТЛАРИ ВА МУБОРАК ҲАДИСЛАРНИНГ МАЪНОЛАРИ

Махтумқули ижодининг таянган манбалари

Махтумқули ижоди буюк маърифатга, муқаддас оятлар ва муборак ҳадисларга, тасаввуф таълимоти, валийлар ҳикматига ҳамда илми ладуннийга асосланган.

Махтумқули айтар: барча насиҳат –
Аллоҳга қул бўлинг, Расулга – уммат,
Билсангиз, дунёнинг барчаси ҳасрат,
Ҳасрат билан бир-бир кетиб бородир.

Мана шу байтда Махтумқул шеъриятининг барча маънавий ғоя ва мақсадлари ифодаланган.

Оғизлар муҳрланиб, қўл ва оёқларнинг гувоҳлик бериб гапириши

Махтумқули, йиғларман бу бахти сиёҳимдан,
Қўрқарман жон офати – қўл-оёқ гувоҳимдан,
Умидим ҳосил бўлмас, бу умри табоҳимдан,
Жон куйди жасад ичра, бу оташи оҳимдан,
Қўлим чўзиб, тиларман ҳожатим Аллоҳимдан,
Бандаман, умид шулки Ул карамли Шоҳимдан,
Айлагай аросатда гул каби иймон пайдо.

«Қўрқарман жон офати – қўл-оёқ гувоҳимдан» – Қуръони каримнинг бир нечта ояти карималарига ишора.

Ёсин сураси, 65-ояти маъноси: **«У Кун** (қиёматда) **Биз уларнинг оғизларини** (ёпиб) **муҳрлаб қўюрмиз; қилган ишлари ҳақида қўллари Бизга сўзлар ва оёқлари гувоҳлик берур».**

Нур сураси, 24-оят маъноси: **“У кун** (қиёматда) **тиллари, қўллари ва оёқлари** (дунёда) **қилиб ўтган ишларидан уларга қарши гувоҳлик берур”.**

Фуссилат сураи, 20-оят маъноси: **“Ниҳоят, у ерга келган вақтларида** (дунёда) **қилиб ўтган амаллари ҳақида қулоқлари, кўзлари ва терилари уларга қарши гувоҳлик берур”.**

Осмонларнинг ва ернинг нури

Замин, осмон, ғарбу шарқ нуринг ила гардондир,

Замона Сендан юрар, замон Сендан бехабар.

“Аллоҳ таоло энг биринчи менинг нуримни яратди” деган хабарларга ва Нур сураси, 35-оятига ишора; маъноси **“Аллоҳ осмонларнинг ва ернинг нуридир** (ҳамма нарсанинг нури-ёруғлигини бергувчи, борлиқни ёритгувчи Зотдир)”.

Мўъминларга жаннатда пок шароб ичирилиши, Жон-жонзодларнинг тупроққа айланиб кетиши

Тутсалар қилкўприкда, турмаса анда тобан,
Сўралган вақт хайру шарр, йассирлана ҳисобан,
Мўъминга хуш вақтидир «Ва сақоҳум шаробан!»
Деса ул вақт кофирлар: «Йа лайтаний туробан!»
Ё Раб, ул кун лутф айлаб, отмагил ўт-а бизни!

Йассирлана ҳисобан – (Ё Аллоҳ!) Яхши-ёмон ишларимиз сўраладиган қиёмат кунида ҳисоб-китобимизни осон қил!

Ва сақоҳум шаробан – “Ва уларга пок шароб ичиради”.

Инсон сураси, 21-оятидан: **“Ва сақоҳум Роббуҳум шаробан тоҳурон”**.

Маъноси: “**Устларида яшил ипакдан юпқа ва қалин либослар бордир;** (жаннат аҳли) **кумуш билакузуклар билан зийнатлангандирлар. Раббилари уларга беҳад пок бир** (охират) **шароб**(и)**ни ичирур.**

«Йа лайтаний кунту туробан» – **«Эҳ, кошки эди, тупроққа айланиб кетсам!»** – Қуръони карим, Набаъ сураси, 40-оятидан; қиёмат куни куф аҳллари айтадиган сўз.

Маъноси: “**Албатта, Биз сизларни яқин бир азобдан огоҳлантирдик. У Кун киши ўз** (қўллар)**и олдиндан юборган** (яхши-ёмон, савобу гуноҳ) **нарсаларга қарайди ва кофир** (ҳамда бир вақт тупроқдан яралган Одамга сажда қилишдан ор қилган Иблис энди) **эса: «Эҳ, кошки мен** (бу азобни кўрмай) **тупроқ бўлиб кетсам эдим!» – деб қолади”.** (Қ: 18:49.)

Бир бандда ўндан ортиқ улуғ ва азиз зотлар номи

Ул Хизр, Илёс билан Аҳмад, Сулаймон анда бор,

Ул Салим шоҳ, Макка хони – Ибни Султон анда бор,
Боязид, Султон Увайс, Харқону Суфён анда бор,
Бир неча Мажнун каби чоки гиребон анда бор,
Таянар Мусо асоси – мори кўрдим – шундадир.

Хизр – Қуръони каримда номи келган пайғамбар. У зотга узоқ ва пайғамбарли, Аллоҳнинг ҳузуридан илм ато қилинган.

Илёс (алайҳиссалом) – Қуръони каримда номи келган пайғамбар.

Аҳмад – Аҳмад Ҳадравийя, “Тазкиратул-авлиё” китобида зикр қилинган валий зот.

Сулаймон (алайҳиссалом) – Қуръони каримда номи келган пайғамбар, у зотга қуш тили ва бошқа жонзодлар тили ўргатилган.

Боязид – Султонул-орифийн (Орифлар – валийлар султони) Боязид ал-Бистомий.

Султон Увайс – Яманлик Ҳақ ошиқи Увайс Қарнаний. У киши ҳақларида Имом Муслимнинг ҳадис китобларида бир қанча ҳадислар бор. Жаноб Пайғамбаримиз алайҳиссалом у зот ҳақларида: “Ямандан менга Аллоҳнинг ошиғининг иси келяпти” деб марҳамат қилганлар.

Харқону – ҳазрати Шайх Абул-Ҳасан ал-Харақоний, Хожагон-Нақшбандия силсиласининг Боязид Бистомийдан кейинги ҳалқаси.

Суфён – Суфёний Саврий, авлиёларнинг улуғларидан, илм, хусусан, фиқҳ оламидан насибалари улуғ зот. “Тазкиратул-авлиё” китобида зикр қилинган зотлардан.

Таянар Мусо асоси – мори кўрдим, шундадир. Бу сатр Бани Исроил пайғамбарларидан ва улул-азм – улуғ шижоат ва матонат соҳиби бўлган пайғамбарлардан бири, Ҳақ таоло асони тўққиз мўъжизадан бири қилиб берган. Бу сатрда Қуръони каримнинг Тоҳо сураси, 17–20-оятларига ишорат бор. Маъноси:

“**17. У ўнг қўлингдаги нимадир, эй Мусо?» 18.** (Мусо) **деди: «У асоимдир. Мен унга суянаман, у билан қўйларимга япроқ қоқиб бераман ва унда менинг яна бошқа** (бир қанча) **ишларим ҳам бор». 19.** (Аллоҳ) **деди: «Уни** (ерга) **ташла, эй**

Мусо!» 20. Бас, у уни ташлади. Ногаҳон у (ҳаракатланиб) **югуриб турган бир илонга айланди!”**

Махтумқули ҳазратнинг маърифати қисқа сўзларда кенг маъноларни ифодалашда намоён бўлади.

Бир неча пайғамбарларнинг тавсифлари

Баҳр аро балиқ ичинда роҳат айлаб ухлаган,
Имтиҳон учун унга ғурми калонлар беклаган,
Дўст бўлиб Аллоҳига, душман қўлида сақлаган,
Манжаниққа боғланиб, бир оташ ичра отлаган,
Каъба бунёд айлаган меъмори кўрдим – шундадир.

“Баҳр аро балиқ ичинда роҳат айлаб ухлаган” – Ҳазрати пайғамбар Юнус алайҳиссалом кўзда тутилганлар. Соффат сураси, 139-147-оятларига ишора; маъноси:

«**142.** (У – Юнус): «Эгасидан изнсиз қочган қул менман», дея айбини эътироф этгач,) **маломат қилинган ҳолида** (денгизга ташланди ва Бизнинг амримиз билан) **уни балиқ ютди. 143-144. Агар у кўп тасбиҳ айтгувчилардан бўлмаса эди, то инсонлар қайта тириладиган** (қиёмат) **кунгача, албатта, балиқ қорнида қолиб кетар эди”.**

У зот Нийнова (Мусул) ва унинг атрофига пайғамбар қилиб юборилганлар».

“Имтиҳон учун унга ғурми калонлар беклаган” – ҳазрати пайғамбар Айюб алайҳиссалом кўзда тутилган; ғурми калонлар – катта азоблар, оғир қийноқлар. У зот оғир дардлар билан имтиҳон қилинганлар. Анбиё сураси, 83-84-оятларига ишорат бор; маъноси:

“**83. Аййубни ҳам** (эсланг). **Вақтида у Раббига: «Дарҳақиқат, мени** (бу бедаво) **дард ушлади, Сен эса раҳмлиларнинг энг раҳмлисисан!» – дея нидо-илтижо қилган эди. 84. Биз унинг дуосини мустажоб қилдик, унинг дардини кетказдик ва унга Ўз ҳузуримиздан бир раҳмат ва ибодат қилгувчиларга бир эслатма-ибрат бўлсин дея унинг аҳли оиласини ва улар билан бирга** (бошқа йўқотганларининг) **яна бир мислини** (қўшиб) **бердик”.**

“Дўст бўлиб Аллоҳига, душман қўлида сақлаган” – ҳазрати пайғамбар Мусо алайҳиссалом кўзда тутилганлар. У киши Мусо алайҳиссаломнинг ва барча иймон аҳлининг ашаддий душмани бўлган золим Фиръавннинг қўлида, унинг оиласи ичида ўсиб-улғайганлар. Бунда бир қанча оятларга ишоратлар бор.

“Манжаниққа боғланиб, бир оташ ичра отлаган” – ҳазрати Иброҳим алайҳиссалом кўзда тутилганлар. Золим подшоҳ Намруд у зотни манжаниққа солиб, улкан оловга ташлаган, лекин олов гулзорга айланиб, у зот саломат чиққанлар. Бунда Анбиё сураси, 68 – 70-оятларига ишорат бор; маъноси:

“**68.** (Шунда Намруднинг одамлари:) **«Агар** (бир иш) **қилгувчи бўлсангизлар, уни** (Иброҳимни) **ўтга ёқинглар ва** (шундай қилиб) **илоҳларингизга ёрдам бер**(ган бўл)**инглар!» дедилар.** (Қ: 29:24.) (У зотни манжаниққа солиб, улкан бир оловга ташладилар. Ҳазрати Иброҳим алайҳиссаломга зулм қилишга қарор этган бу бутпарастларга қарши: «Аллоҳ менга етарлидир!» – дея таслимият кўрсатдилар.) **69. Биз: «Эй олов! Иброҳим учун салқин ва саломатлик бўл!» – дедик. 70. Улар унга ҳийла қилмоқчи** (тузоқ қуриб, ҳалок этмоқчи) **бўлдилар. Биз эса ўзларини** (дунё ва охиратда) **баттар зиёнга йўлиқгувчилар**(дан) **қилиб қўйдик”.**

“Каъба бунёд айлаган меъмори кўрдим – шундадир” – бу ўринда ҳазрати пайғамбар Иброҳим алайҳиссалом назарда тутилганлар. Бақара сураси, 127-оятига ишорат бор; маъноси:

“**127. Вақтида Иброҳим Байт**(уллоҳ)**нинг** (Одам Ато давридан қолган) **пойдеворларини Исмоил билан бирга кўтарар экан,** (бундай дуо қилган эди:) **«Ё Раббимиз! Биздан** (бу хайр амални) **қабул эт! Албатта, Сен** (сўзларимизни ҳаққоний) **эшитгувчисан ва** (ниятларимизни) **билгувчисан!»**

Якка Ўзи қолгувчи Зот

Барҳам бўлар, қолар жойинг,
Бузилар кўшку саройинг,
Яратган қодир Худойинг
Танҳо Ўзи қолажакдир.

Қасас сураси, 88-оят (маъноси): “**У** (Аллоҳ)**нинг Зотидан бошқа** (моддий) **ҳамма нарса ҳалок бўлгувчидир. Ҳукм ва** (мутлақ ҳукмронлик) **ёлғиз Уникидир ва сизлар фақат Унгагина қайтарилгайсизлар”.**

Жудий тоғи ҳақиқати

“Озодий билан айтишув” (ота-ўғил мусоҳабати) шеъридан:

– Недир, қалқиб, ҳаво учди,
Нимасиндан ерга тушди?
Неча кунда Нуҳнинг кишти
Жунуд тоғига етишди?

– Дарё қалқиб, ҳаво учди,
Кўпигиндан ерга тушди,
Етмиш кунда Нуҳнинг кишти
Жудий тоғига етишди.

Жудий тоғи – Қуръони карим, Ҳуд сураси, 44 оятига ишора; маъноси: “(Ниҳоят:) **«Эй Ер! Сувингни ют! Эй осмон! Сувингни тўхтат!» – дейилди. Сув тортилди,** (ҳалок бўлишлари ҳақида) **иш битирилди,** (Нуҳ алайҳиссалом кемаси) **Жудий** (тоғи) **устига қўнди. Ва золимлар қавми ҳақида: «Узоқ бўлсин** (йўқ бўлиб кетсин)!» **дейилди”.**

«Қоба қавсайн» (“Икки ёй”) ибораси

Онҳазрат – ҳақ Расул Меърожга ошди,
Осмонлар дар-бадар эшигин очди,
«Қоба қавсайн» бориб, Ҳаққа қовушди,
Шул сарвари икки жаҳон кечибдир.

Қоба қавсайн – икки ёй яқинлиги ораси. Меърожда Пайғамбаримиз алайҳиссалом Аллоҳ таолога шунчалик яқинлашган, дейилади.

Нажм сураси, 9-10-оятлари маъноси: **“Ўртадаги масофа икки ёй миқдорича, ҳатто янада яқинроқ бўлди, шу аснода** (Аллоҳ) **ваҳий этган нарсани** (Жаброил орқали) **бандасига ваҳий қилди”.**

Жоҳилия арабларида бирлик тимсоли учун икки ёйни бирлаштириб, бир ўқ отилар эди. Бу моддий-маънавий яқинлик ишорати эди. (Элмалили, VI, 4576-4577).

Меърож воқеаси ҳижратдан бир йилча олдин (м. 621 йили) юз берган. Меърож ҳақида ҳазрати Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи ва салламнинг саҳиҳ ҳадисларида қандай баён қилинган бўлсалар, айнан шундай деб иймон келтирамиз. Бундан бошқа муҳокамалар иймон учун хатарлидир.

Лайлатул-меърож тавсифи

Кимлари шоҳ айлабон, берди мурассаъ тож анга,
Кимлари фақру фанода айлади муҳтож анга,
Нечаларга берди давлат, нечалар ғаллож анга,
Дўст дея лутф айлади лайлатул-меърож анга,
Мустафонинг дўстларини Чор ёр этган Карим!

Мурассаъ – дурру гавҳарлар, қимматли тошлар.

Лайлатул-меърож – меърож (осмонларга юксалиш) кечаси. Бунда бир нечта оятларга ишоратлар бор.

Исро сураси, 1-оят маъноси: **“Ўз бандаси** (Муҳаммад алайҳиссалом)**ни** (жасади ила) **кечаси Масжиди Ҳаромдан Биз атрофини баракотли қилиб қўйган Масжиди Ақсога олиб борган Зот** (Аллоҳ ҳар қандай нуқсонлардан) **пок-муназзаҳ ва шаъни олийдир;** (буни) **унга оятларимиздан бир қисмини кўрсатмоғимиз учун** (қилдик). **Дарҳақиқат, У** (ҳаққоний) **эшитгувчидир, кўргувчидир.**

Нажм сураси, 11-18-оятлар маъноси: **11.** (Пайғамбарнинг кўзи) **кўрган нарсани кўнгил**(и) **ёлғонга чиқармади. 12. Сизлар у билан ўзи кўрган нарсалар ҳақида тортишасизларми? 13-14. Қасамки, уни** (Жаброилни) **бошқа бир карра** (меърождан қайтишда) **Сидраи мунтаҳо** (еттинчи осмон) **ёнида кўрди. 15. Жаннатул-маъво** (тақво соҳиблари ва шаҳидларнинг руҳлари турадиган жаннат) **ҳам унинг ёнидадир. 16. У** (кўрган) **вақт Сидрани ўрагувчи** (Аллоҳнинг нури ва тажаллийси) **ўраб олур эди. 17.**(Пайғамбарнинг) **кўзи** (кўрган нарсасидан) **оғмади ва ҳаддан ҳам ошмади. 18. Қасамки, у**

Раббининг энг буюк оятларидан (далилларидан) **бир қисмини кўрди.** (Қ: 20:23.)

Номи келган Сидратул-мунтаҳо – охирги дарахт, тугаш дарахти, дегани бўлиб, моддий оламнинг ва уларга оид илмнинг сўнгги нуқтасидир. Ундан нарёғи Аллоҳнинг ғайб оламидир (Ҳасан Таҳсин)

Бир банддаги Қуръоний сўз ва иборалар

Қомати сарву тубо,
Қадди, ўзи Мунтаҳо,
Важҳи-рўйи – «Ваз-зуҳо»,
Сарви равоним келди.

Мунтаҳо – интиҳога етган; бу ўринда Сидратул-Мунтаҳо кўзда тутилиб, Меърож воқеасига ишорат қилинмоқда.

«Ваз-зуҳо» – чошгоҳ вақтига қасам; Қуръони каримдаги Зуҳо сурасига ишора қилинмоқда. Унда Аллоҳнинг Ҳазрати Пайғамбаримизга хос марҳамати бор.

Сабр жаннат калитидир

Эй аҳли дарвиш, билгил,
Ас-сабру мифтоҳул-жинон.
Сабр ила амал қилгил,
Ас-сабру мифтоҳул-жинон.

Ас-сабру мифтоҳул-жинон – Сабр жаннат калитидир (ҳадиси шариф).

Бақара сураси, 153-оят маъноси: **“Эй иймон келтирганлар! Сабр ва намоз-дуо билан** (Аллоҳдан) **мадад сўранглар. Албатта, Аллоҳ сабр қилгувчилар билан биргадир”** (Т:2:45-46)

Бақара сураси, 155-оят маъноси: “(Эй Расулим!) **Сабр қилгувчиларга** (Менинг лутфу эҳсонимдан) **хушхабар беринг!”.**

Сабр жасорат, машаққатларга бардош бериш маъносидаги ахлоқий бир интизомдир.

Оли Имрон сураси, 146-оят маъноси: **“... Аллоҳ сабрли** (ва саботли банда)**ларни севар”.**

Мана улуғ хушхабарлар сабабли сабр жаннатнинг калити деб ҳукм қилинди.

Сижжийн таърифи

Ҳолинг кўриб, ҳайрон бўлиб йиғларлар,
Сени Сижжийн отли жойда боғларлар,
Тилинг тортиб, темир билан доғларлар,
Қора бўлар ул Кун кунинг, ғийбатчи!

Сижжийн – 1) қаттиқ зиндон; 2) шайтонларнинг ва мужрим-жиноятчиларнинг амаллари битилган китоб; 3) фожирлар ва кофирларнинг номи қайд этилган мавзеъ; 4) дўзахдаги бир водий; 5) ернинг еттинчи қаватида турадиган қаттиқ тош.

Мутаффифийн сураси, 7–10-оятлар (маъноси): “**7. Йўқ!** (Сақланинг ҳийла ишлатишдан ва ҳисобга ишонмасликдан)! **Дарҳақиқат, фожирларнинг** (Аллоҳнинг амридан чиққанларнинг) **китоби, муҳаққақкк, Сижжийндадир. 8. Сижжийн нима эканини сизга нима билдирди? 9.** (У) **ёзил**(иб муҳрлан)**ган бир китобдир**(ки, ёмон амалларнинг қароргоҳидир)**. 10.У кун** (буни) **ёлғон дегувчиларнинг ҳолига вой!”**

Коинот бир сўз билан яралди

“Кун!” лафзидан оламни
Мавжуд этган Аллоҳсен!
Жаброилнинг қўлинда
Кавнни тутган Аллоҳсен!

“Кун!” – “Бўл” демакдир.

«Наҳл сураси», 40-оят маъноси: **“Биз қачон бирор нарсани**(нг бўлишини) **хоҳласак, сўзимиз фақат «Бўл!» демоқдир, бас,** (у нарса) **дарҳол бўлур”.** (тқ. 31:28; 36:82; 54:50)

«Анъом» сураси, 73-оят маъноси: **“Осмонларни ва ерни ҳақ** (ва ҳикмат билан) **яратган Зот Удир. «Бўл!» деган куни** (ҳар нарса шу онда мавжуд) **бўлур… Унинг сўзи ҳақдир”.**

Тур тоғининг чилпарчин бўлиши

Ошиқлар бош бўлиб, ишққа минганда,
Тургa назар тушиб, тоғлар ёнганда,
Буроқ кўкдан келиб, ерга инганда,
Раф-раф миниб, Аршга учди Муҳаммад.

«Аъроф» сураси, 143-оятига ишора; маъноси: **“Мусо Биз** (ибодат учун) **белгилаган муддатда келганида ва Рабби унга** (ҳотифдан, илоҳий калом ила) **сўзлаганида** (Мусо муножот қилиб)**: «Ё Раббим! Менга** (Ўзингни) **кўрсат, Сенга қарайин», деди.** (Аллоҳ:) «(Сен тоқат қилиб дунё кўзи билан)**Мени асло кўра олмассан. Лекин тоққа назар сол, агар у ўз ўрнида барқарор қола олса, сен ҳам Мени кўрурсан», деди. Рабби**(нинг жамоли) **у тоққа тажаллий этганида уни чилпарчин қилиб юборди ва Мусо беҳуш бўлиб** (ерга) **йиқилди. Ҳушига келгач: «Сен пок ва муназзаҳсан!**(Олийсан! Ноўрин сўровим учун) **Сенга тавба қилдим ва мен иймон келтирганларнинг аввалиман!» – деди”.**

Салсабил, Занжабил тавсифлари

Микоил, Исрофил, Азроил билан,
Келдилар, турдилар Жаброил билан,
Сайр этди Салсабил, Занжабил билан,
Кавсар анҳоридан ичди Муҳаммад!

«Инсон» сураси, 17-19-оятларига ишорат; маъноси: **У ерда аралашмаси занжабил бўлган** (тўла) **қадаҳларда** (жаннат шароби) **ичирилур. 18.** (У занжабил) **у ерда бир чашмадирки, у Салсабил деб номланур. 19.** (Жаннат аҳлига хизмат қилиш учун) **атрофларида ҳамиша бир хил ёшда қоладиган ўлим билмас ёшлар айланиб турурки, уларни кўргач, бир-бир сочилган марварид деб ўйларсиз”.**

Қуёш ўралганида, юлдузлар тўкилганида,
тоғлар юргизилиб йўқ қилинганида

Дарёлар қурийди, сувлар чекилар,

Ой, Кун ҳам тутилар, юлдуз тўкилар,
Буюк тоғлар эриб, ер, кўк йиқилар,
Ёлғиз Мавлом Ўзи қолса керакдир.

Таквир сурасининг 1-14-оятлари мазмунидан; маъноси: **“1. Қуёш ўрал**(иб нури сўндирил)**ганида, 2. Юлдузлар тўкилганида, 3. Тоғлар юргизил**(иб йўқ бўл)**ганида, 4. Ўн ойлик бўғоз туялар** (даҳшатдан) **қаровсиз қўйиб юборилганида, 5. Ваҳший ҳайвонлар** (ҳар ёнда ҳуркиб) **тўпланганида, 6. Денгизлар қайнатил**(иб олов кесил)**ганида, 7. Нафслар** (жонлар) **жуфтланганида** (руҳлар жасад билан бирлашганида ёки кишилар ўз жамоаси билан синф-синф жамланганида), **8.9. Тириклай тупроққа кўмилган қиз, қайси гуноҳи сабабли ўлдирилди? – деб сўралганида, 10.** (Амаллар битилган) **дафтарлар очилиб тарқатилганида, 11. Осмон** (ўрнидан) **сидирил**(иб ўраб йиғиштирил)**ганида, 12. Жаҳаннам янада ловуллатиб қиздирилганида, 13. Жаннат** (мўъминларга) **яқинлаштирилганида, 14.** (Ҳар бир) **нафс** (шунда яхшилик ва ёмонликдан) **нима ҳозирлаганини билгайдир”.**

Яна Мурсалот сурасининг 8-11-оятларига ишора, маъноси: “**Бас, вақтики юлдузлар** (нури) **ўчирилганида, осмон ёрилганида, тоғлар** (ўрнидан) **кўчирилиб совурилганида, пайғамбарлар** (умматларига гувоҳлик бериш учун) **муайян вақтда бир жойга жамланганида,** (бас, шунда қиёмат қўпгандир).

Қасас сураси, 88-оятига ишора: “**У** (Аллоҳ)**нинг зотидан бошқа ҳамма нарса ҳалок бўлгувчидир. Ҳукм ёлғиз Уникидир ва сизлар фақат Унгагина қайтарилгайсизлар”.**

Забоний малаклар – азоб фаришталари

Забоний малаклар гурзини тутмиш,
Тарозу қурилмиш, кун нури кетмиш,
Ҳар кимки дунёда тўн эҳсон этмиш,
Тўни ҳулла бўлиб келса керакдир.

Махтумқули қаламга олган Забоний малаклар – азоб фаришталари. Қуръони каримнинг Алақ сураси, 17-18-оятларига ишора, маъноси: **“Бас, у** (ўзига ёрдам берадиган) **тоифасини** (қариндош-уруғ, ёр-дўстларини) **чақирсин. Биз эса забонияларни** (азоб фаришталарини) **чақирурмиз”.**

Яна Таҳрим сураси, 6-оятининг маъноси: “**Эй иймон келтирганлар! Ўзларингизни ва оилангиз аҳлларини ёқилғиси инсонлардан ва** (ёнувчи) **тошлардан бўлган дўзахдан сақланглар. Унинг бошида** (вазифадор) **улкан жасадли, қўпол табиатли, Аллоҳ ўзларига буюрган нарсаларга саркашлик қилмайдиган ва амр этилган нарсаларни бажарадиган** (ўн тўққиз нафар забоний) **фаришталар бордир”.**

“Бизни ким тиргизди?” – дея сўрарлар

Фиръавн, Ҳомон, Шаддод, неча кофирлар,
“Ўлгандик!” – деб ҳайрон бўлиб шошурлар,
“Бизни ким тиргизди?” – дея сўрарлар,
Мўъмин қуллар жавоб берса керакдир.

“Бизни ким тиргизди?” – дея сўрарлар... – Ёсин сураси, 51-52-оятларига ишора, маъноси: **“**(Ниҳоят, иккинчи бор) **сур чалинди. Бирдан** (қарабсизки), **улар қабрларидан** (туриб) **Раббилари сари югуриб кетурлар. Дерлар: «Э вой бизнинг ҳолимизга! Ким бизни ётган жойимиздан турғизди?! Бас, Раҳмон ваъда қилган нарса ва пайғамбарлар рост сўзлаган** (кун) **мана шудир!»**

Яна Исро сураси, 51-оятининг маъноси: “**Улар яна: «Бизни ким** (у ерда) **қайта тирилтирур?» – дерлар. Айтинг: «Сизларни илк марта яратган Зот** (қайта тирилтирур)**!»**

Киши ўз амалининг гаровида экани

Ўн қат олов тўшак тушар ўрнига,
Навҳагарнинг боши тушар бурнига,
Тили ҳам чўзилиб, тушар қорнига,
Амалга боғланиб келса керакдир.

“Амалга боғланиб келса керакдир” – бир қараганда бу сатрни одиий ўқиб кетасиз. Лекин бу сатрнинг ортида буюк бир оят бор.

Муддассир сураси, 38-39-оятлари (маъноси): **“Ҳар бир нафс ўз қилмишига боғлангандир** (ўз амалининг гаров-тутқунидир). **39. Фақат ўнг томон эгалари** (дафтари ўнгдан бериладиганлар) **ундоқ эмас** (улар иймон келтириб, яхши амаллар билан қутулгандирлар)”.

«Ҳар бир нафс қилмиши (гуноҳлари) **сабабли гаровдадир».** “Ҳар бир жон охиратда ўз қилган ишининг тутқни-раҳийнасига айланиб қолади. Аллоҳ таолонинг Ҳузурида гаровга олиниб, тутқун бўлиб туради. Бу дунёда қилган амали уни тутқунликдан кўтариб олиши зарур бўлади. Ўша ерда азоб ва уқубатлардан қутулиш учун гаровдан озод қилувчи нарса бу дунёдаги яхши амалдир” (“Тафсири Ҳилол”).

Фақиҳ Абул-Лайс Самарқандий бу оят шарҳида айтадилар: **«Ҳар бир нафс қилмиши** (гуноҳлари) **сабабли гаровдадир. Фақат ўнг томон эгалари ундоқ эмас».** Қиёмат кунида ҳар бир нафс нимаики амал қилган бўлса, ўша амалларининг гаровида, арқонидадир. Қилган яхши-ёмон ишларининг ҳисобини бир-бир беради. Фақат Мийсоқ кунида (аҳду паймон кунида) (руҳлар оламида “Аласту бироббикум?” – “Мен эмасманми сизларнинг Раббингиз?” деган хитобга “Қолу “Бала” – “Албатта, Сен Раббимизсан!” деган жавобларига мувофиқ) Одам алайҳиссаломнинг ўнг тарафида турганлар бундан мустасно бўлиб, уларнинг номаи аъмоллари Аршнинг ўнг тарафидан берилади”.

«Киши (охиратда) севган кишиси билан бирга бўлгайдир!»

Йигитлар яшил тож қўяр бошида,
Юсуф жамолида, Ийсо ёшида,
Довуднинг ўрнида – ўттиз бешида,
Ҳар ким ўз севганин олса керакдир.

Ийсо алайҳиссалом ўттиз уч ёшда дунёдан юқорига кўтарилганлар, бу ўринда ҳамма ёшартирилиб, ўттиз ёш

атрофида жаннатга киритилиши ҳақидаги илмларга ишора қилинмоқда.

“Ал-маръу маъа ман аҳаббаҳу” – **“Охиратда ҳар ким севган кишиси билан бирга бўлади”** деган ҳадиси шарифга ишора.

“Саҳиҳи Бухорий”, Адаб китоби, 96-боб. “Аллоҳ азза ва жаллага бўлган муҳаббатнинг аломатлари ҳақида”.

6168-ҳадис. *Абдуллоҳ (ибн Масъуд – розияллоҳу анҳу) ривоят қиладилар:* «Жаноб Расулуллоҳ: «**Киши (охиратда) ўзи севган кишиси билан бирга бўлгайдир**», – дедилар».

6169-ҳадис. *Абдуллоҳ ибн Масъуд ривоят қиладилар:* «Бир одам Расулуллоҳ саллаллоҳу алайҳи ва салламнинг ҳузурларига келиб: «Ё Расулуллоҳ, бир қавмни севиб, унга етиша олмаган киши ҳақида не дегайсиз?» – деди. Жаноб Расулуллоҳ: «Киши (охиратда) ўзи севган одами билан бирга бўлгайдир», – деб жавоб бердилар».

Ҳазрати Махтумқули бу гўзал ва теран илмлардан хабардор бўлганлар.

Адолат тарозуси

Анда мезон тарозусин қурарлар,
Аъмолларинг ўшал ерда сўрарлар,
Осийларни дўзах сари сурарлар,
Малик бору дўзах бору ҳам ўт бор.

Анбиё сураси, 47-оятига ишора, маъноси: **“Биз қиёмат куни учун адолат тарозуларини ўрнатурмиз, бас,** (шу сабабли) **ҳеч кимга ҳеч бир шаклда ҳақсизлик қилинмас.** (Қилинган иш) **бир хардал дони оғирлигича бўлса ҳам, Биз уни келтирурмиз. Ҳисоб олгувчи ўлароқ Биз кифоя қилурмиз”.**

Яна Муъминун сураси, 102-103 оятлари маъноси: **“Бас, кимларнинг** (савобда) **мезонлари оғир келса, ана ўшалар нажот топгувчиларнинг худди ўзларидир. Кимларнинг мезонлари енгил келса, ана ўшалар ўз-ўзларига зиён қилгувчилардан бўлиб, улар жаҳаннамда абадий қолурлар”.**

Таҳташ-шажар – дарахт тагидаги мақом

Калла келди даргоҳингга дод билан,
Низом бердинг сарҳадларга хат билан,
Қамъ-қамъ қилич билан, Дулдул от билан
Таҳташ-шажаргача борган Алдур.

Қамъ – 1) тўполонни, исённи бостириш, ўтни ўчириш; 2) тобеъ қилиш, бўйсундириш; 3) синдириш.

Таҳташ-шажар – дарахт таги деган маънода бўлиб, Қуръони каримнинг «Фатҳ» сураси, 18-оятида келган иборадир; оят маъноси: “(Эй Расулим!) **Муҳаққақ,** (Ҳудайбийяда) **дарахт тагида сизга байъат қилган вақтларида Аллоҳ у мўъминлардан рози бўлди”.**

Бу мисранинг “Таҳтас-саро” деган нусхаси ҳам мавжуд бўлиб, исломий эътиқод жиҳатидан “Таҳташ-шажар” (“дарахт тагида”) ибораси ҳазрати Али розийаллоҳу анҳунинг мақомларига мувофиқдир. “Таҳтас-саро” сўзи эса Тоҳо сураси, 6-оятида келади; “Ер остидаги бор нарсалар” деган маънодадир: “**Осмонларда, ерда, иккисининг орасида ва Ер остидаги бор нарсалар**(нинг ҳаммаси) **фақат Уники** (Аллоҳники)**дир”.**

Абобил қушлари

Дажжол ҳалқа улар, Каъба эврилар,
Булутлар кўпириб, тўфонлар турар,
“Тойрон Абобил”дан кофир қирилар,
Ҳайҳот кундан, зулмат кундан омон, ҳей!

“Ва арсала ъалайҳим тайрон абобил” “Тайрон-абобил” – Фил сурасида келган ибора, Каъбани бузишга келган фил эгаларини тўда-тўда ҳолдаги қушлар сопол тошларни ёғдириб ҳалок қилганлиги ҳақидаги воқеага ишора. Фил сураси, 3-4-оятлар маъноси: **“Уларнинг устига гала-гала қушларни юборди.** (Бу қушлар) **уларга қаттиқ сополдан бўлган тошларни отар эди”.**

Даббатул-арз – ер ҳайвонининг моҳияти

Даббатул-арз отли дажжол сўнгидан

Марвадан, Сафодан бир баён келар.
Етти кун ўтганда унинг жангидан,
Уч кунда оламга бу нишон келар.

Даббатул-арз – ер ҳайвони, ислом эътиқодига кўра, қиёмат яқинлашганда ердан чиқиши ҳақ бўлган ҳайвон. Бу ҳақда Қуръони каримнинг Намл сураси, 82-оятида айтилади; маъноси: “(Қиёмат қоим бўлиши ҳақидаги) **сўз уларнинг бошига келган вақтда Биз улар учун ердан бир ҳайвон** (ажиб ва ғаройиб бир махлуқ) **чиқарурмизки, у инсонларнинг оятларимизга қатъий ишонмаганликларини айтиб уларга гапирур.** (Бас, шунда тавба эшиги ёпилур, ҳақиқий мўъминлар билан иймонсизлар маълум бўлур.)”

«Руҳул-баён» тафсирида айтилишича, Ер ҳайвони чиқишидан олдин Сафо тепалигининг Марвага қайтадиган қисми бир неча кун титраб-қимирлаб туради, кейин у ер ёрилиб, ичидан даббатул-арз чиқади. Махтумқули шунга ишора қилмоқда.

Фақиҳ Абул-Лайс Самарқандий «Тафсийрул-Қуръон»да айтадилар: «Ваъда қилинган азоб вақти кофирларнинг бошига келган вақтда ердан бир Дабба (жонвор) чиқадики, инсонлар Аллоҳнинг оятларига қатъий ҳолда ишонмаганликларини айтиб, гапиради. Бу қиёмат аломатларидан биттасидир… Кофирлар бу ҳайвонни кўзлари билан кўрмагунларича Аллоҳнинг оятларига ишонмайдилар, фақат ўша вақтда ишонадилар. Аммо Даббанинг чиқиши тавба эшигининг ёпилажагига далолат қилганидан, шундан кейин қилинган тавбалар Аллоҳ ҳузурида қабул бўлмайди» (4-жилд, 431-саҳифа).

Мусо алайҳиссалом асоси,
Сулаймон алайҳиссалом муҳри

Қочиб ундан ҳеч ким топмас халоси,
Мўъминлар хушланар, ҳавл этар осий,
Ўнг қўлида бўлар Мусо асоси,
Чап қўлида муҳри Сулаймон келар.

Ҳавл этмоқ – қўрқмоқ, даҳшатга тушмоқ.

Гап Доббатул-арзнинг, яъни Ер ҳайвонининг сифати ҳақида кетаётир. Имом Термизийнинг «Ал-Жомиъ ас-саҳиҳ» («Сунани Термизий») китобида ушбу ҳадиси шариф келтирилади:

Ҳазрати Абу Ҳурайра розийаллоҳу анҳудан ривоят қилинади; жаноб Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам айтдилар: «Даббатул-арз (ер ҳайвони) ўзи билан бирга Сулаймон (алайҳиссалом)нинг узуги (муҳри) ва Мусо (алайҳиссалом)нинг асоси бўлган ҳолда чиқади, (асо билан) мўъминнинг юзини нурлантиради, муҳр билан кофирнинг бурнисини муҳрлайди. Ниҳоят, бир зиёфатда ўтирганлар жамланадилар ва бу: «Эй мўъмин!», ва бу: «Эй кофир!» деб (бир-бирига) хитоб қиладилар».

Махтумқули ана шу ҳақиқатга ишора қилмоқда.

Бир хил ёшдаги дилбарлар

Юз шарбатдан маъжум бўлиб қотилган,
Қора сочлар оқ тўпиқда чатилган,
Бир хил ёшда, тенгқур, янги етилган,
Нозланар, солланар қизи биҳиштнинг.

“*Бир хил ёшда, тенгқур, янги етилган”* – бу сатрда Махтумқули «Набаъ» сурасида тақво соҳиблари учун билдирилган хушхабарларга ишора қилади, шунинг учун маъносини ифодалашга уриндик. Набаъ сураси, 31-34-оятлари маъноси: “**Албатта, тақво соҳиблари учун эса** (ҳар қандай қўрқув ва қайғудан) **қутулиш** (ва жаннатда) **боғлар ва узумзорлар, яна кўкслари камолга етган, бир хил ёшдаги дилбарлар ва тўла-тўла қадаҳ**(лар бордир)”**.**

Мусо – Калимуллоҳ тавсифлари

Муҳаммаддан аввал ўтган,
Аллоҳнинг сиррига етган,
Тур тоғида маскан тутган
Ул Мусо Калимуллоҳдир.

Калимуллоҳ – Аллоҳ билан сўзлашган зот, дегани бўлиб, ҳазрати Мусо алайҳиссаломнинг лақабларидир. Бунга далил

«Нисо» сурасининг 164-оятидир, маъноси: **“Ва Аллоҳ Мусога хитоб қилиб, у билан сўзлашди”.**

Яна «Бақара» сурасининг 253-ояти ҳам бунга далил, маъноси; **“Биз ушбу** (номи ўтган) **пайғамбарларнинг баъзиларини** (Ўзимиз ато этган хислатлар билан) **баъзиларидан устун қилдик. Аллоҳ улардан баъзиси билан сўзлашди, баъзисини эса даражалар билан юксалтирди”.**

Жаннотул-маъво тавсифи

Бисмиллоҳ, деб ўқиб Қуръону Ёсин,
Кўнглингдан чиқарма Ҳақнинг саносин,
Махтумқули, Ҳақ кечиргай гуносин,
Жаннотул-маъводек жойлари бордир.

Жаннотул-маъво – Қуръон ибораси бўлиб, Маъво жаннатлари, демакдир. Сажда сураси, 19-оятига ишора, маъноси: “**Иймон келтирган ва солиҳ** (Аллоҳ ризосига мувофиқ) **амалларни қилганлар эса, улар учун** (бу амалларига мос) **иззат-икром маскани ўлароқ Маъво жаннатлари бордир”.**

Яъжуж-Маъжуж воқеаси

Болдандир, сутдандир оққан булоғи,
Мўъминларнинг Буроқ бўлар улови,
Яъжуж-Маъжуж – ерга тегар қулоғи,
Дўстим, шундай нишонали хар чиқар.

“Болдандир, сутдандир оққан булоғи” – Қуръони каримнинг Муҳаммад сураси, 15-оятида келган хушхабарлар; оят маъноси: “**Муттақийларга** (Аллоҳнинг амрларига мувофиқ яшайдиган ва қарши боришдан сақланадиган зотларга) **ваъда қилинган жаннатнинг сифати** (будир): **унда** (ҳеч хусусияти) **бузилмаган сувдан анҳорлар, таъми ҳеч ўзгармаган сутдан анҳорлар, ичган кишиларга** (ҳар он) **лаззатлар бахш этувчи шаробдан анҳорлар ва мусаффо асалдан анҳорлар бордир. Ва унда барча мевалар ва яна Раббилари тарафидан бир мағфират улар учундир”.**

“Яъжуж-Маъжуж – ерга тегар қулоғи” – Каҳф сураси, 93-94-оятлар (маъноси): **93. Ниҳоят, икки тоғ ўртасига етган вақтида у икки тоғ этагида** (ҳали-ҳануз) **ҳеч бир сўзни** (тилни) **тушунмайдиган бир қавмни топди. 94. Улар** (тилмочлари орқали)**: «Эй Зулқарнайн! Дарҳақиқат, Яъжуж ва Маъжуж** (бу) **ерда** (турли ёмонликлар билан) **бузғунчилик қилмоқдалар. Биз сенга бир тўлов берайликми, токи биз билан уларнинг орасига бир девор қуриб берсанг?» – дедилар.**

“Лавлок” ҳадисининг ҳақиқати

Ҳурмат айлаб Ҳақ салом берган Сафиййуллоҳ каби,
Олами ғарқ айлаган Нуҳи Набийюллоҳ каби,
Кўкда кунга ёр ўлан Ийсои Руҳуллоҳ каби,
Неча минг пайғамбар, ул Мусо Калимуллоҳ каби,
Қолдилар ҳайратда, “Лавлок” хилъатинг кўргач, Расул.

“Олами ғарқ айлаган Нуҳи Набийюллоҳ каби” – Аъроф сураси, *Оятига 64-ишорат: “***Шунда уни** (Нуҳни яна) **ёлғончига чиқардилар. Биз уни** (Нуҳни) **ва у билан** (Нуҳ билан) **бирга кемада бўлганларни қутқардик, оятларимизни ёлғонга чиқарганларни эса** (тўфонда) **ғарқ қилдик. Чунки улар** (ҳақиқатларга нисбатан) **кўр бир қавм эдилар”. (**Т: 11:24:49.)

“Кўкда кунга ёр ўлан Ийсои Руҳуллоҳ каби” – Нисо сураси, **158-оятига ишора; маъноси: “Балки, аксинча, Аллоҳ уни** (Ийсони) **Ўз ҳузурига кўтарди** (ва асради). **Аллоҳ** (ҳар ишида) **мутлақ ғолиб, ягона ҳукм ва ҳикмат соҳибидир.** Оятлардан кўринмоқдаки, ҳазрати Ийсо алайҳиссалом Аллоҳ тарафидан бошқа замонда ўлдирилган бўлса эди, у пайтдаги «рафъ» (кўтариш) сўзининг бирор маъноси бўлмас эди. Бу сўз баъзилар айтганидек, «маънавий кўтарилиш» маъносида келмайди. Юқорига кўтариш иши қандай бўлмасин, воқеъ бўлгандир. Энг муҳими, душманлар у зотни ўлдирганлари ҳам йўқ, осганлари ҳам йўқ. У зот ҳаётдирлар.

“Қолдилар ҳайратда, “Лавлок” хилъатинг кўргач, Расул” – “Лавлока” – “Сен бўлмасанг” дегани. Ҳадис: **“Лав лока ламо холақтул-афлока”** , яъни: **“(Эй Русулим! Агар сиз бўлмасангиз эди, мен бу коинотни (фалакларни, борлиқни) асло яратмаган бўлар эдим”** деган муборак ҳадиси қудсийга ишора. Бу сўзни Аллоҳ таъоло ҳазрати Пайғамбаримиз алайҳиссаломга нисбатан айтган. (Маъноси Аллоҳдан, лафзи ҳазрати Расулуллоҳ алайҳиссаломдан бўлган ҳадислар ҳадиси қудсий дейилади.)

Саҳобалар юлдузлар кабидирлар

Эй, зотингдан дунё жон топди, акбар,
Мўъминга миръотинг, миръотга манзар,
Сен гўё – моҳтобсан, асҳобинг – ахтар,
Топди олам анинг бирла иҳтидо.

“Сен гўё – моҳтобсан, асҳобинг – ахтар, Топди олам анинг бирла иҳтидо” – “Асҳобий кан-нужум, биаййиҳим иқтадайтум – иҳтадайтум” - “Менинг саҳобаларим (осмондаги) юлдузлар кабидирдирлар, қайси бирига эргашсангизлар, ҳидоятни (тўғри йўлни) топасизлар” деган муборак ҳадиси шарифга ишора. Иҳтидо – тўғри йўлга йўналиш, тўғри йўлдан бориш, ҳидоят топиш.

Осмондаги юлдузларнинг баъзилари “Сироаи корвонкуш” (“Карвонни ўлдирувчи юлдуз”) дейилади. Демак, улар орасида йўловчи инсонларни адаштирувчи юздуз ҳам бўлиши мумкин экан. Лекин саҳобаи киромларнинг буюк сифати шуки, киши улардан қайси бирига эргашса, шубҳасиз, тўғри йўлни топади, ҳидоятга эришади.

Ким зарра оғирлигича яхшилик қилса, ёки ёмонлик қилса, унинг оқибатини кўради

Бир тарафдан келар – мезон қурилар,
Бир тарафдан ўтли гурзи урилар,
Бир тарафдан зарра-зарра сўрилар,
Ҳар ким ўз ҳисобин берса керакдир.

Залзала сураси, 7, 8-оятларига ишора, маъноси: “**Бас, ким зарра оғирлигича яхшилик қилса, уни**(нг натижасини) **кўрур. Ва ким зарра оғирлигича ёмонлик қилса, уни**(нг оқибатини) **кўрур.**

Бобилдаги сеҳрни ўргатувчи Ҳорут ва Морут исмли икки фаришта воқеаси

Махтумқули таассуб этди бир ишда,
Ер юзини тутмоқ учун саришта,
Ҳорут, Морут отли икки фариишта
Бобил қудуғида – чоҳга тушдилар.

Таассуб – эргашмоқ, ҳимоя қилмоқ, берилмоқ.

Ҳорут, Морут – инсонларга сеҳрни ўргатган икки фаришта. Одамларга синов-имтиҳон учун юборилган бу икки фаришта бирор нарсани ўргатар экан, мўъжиза билан сеҳрнинг фарқини билдириш учун, токи: «Биз фақат фитнамиз – имтиҳон учун юборилганмиз; зинҳор сеҳр қилиб, яъни сеҳрни ҳақ деб эътиқод қилиб кофир бўлма!» демасдан туриб, ҳеч кимга бирор нарсани ўргатмас эдилар».

“*Ҳорут, Морут отли икки фариишта, Бобил қудуғида – чоҳга тушдилар”* сатрлари Бақара сураси, 102-оятига ишорадир.

Маъноси: **“...Лекин у шайтонлар инсонларга Бобилдаги Ҳорут ва Морут исмли икки фариштага туширилган** (илҳом билан билдирилган) **нарсани –** (яъни) **сеҳрни ўргатиб, кофир бўлдилар. Ҳолбуки, у икковлари** (мўъжиза билан сеҳрнинг фарқини билдирар ва) **токи: «Биз фақат фитнамиз – имтиҳон** (учун юборилган)**миз; зинҳор** (сеҳр қилиб) **кофир бўлма!» демасдан туриб, ҳеч кимга** (бирор нарсани) **ўргатмас эдилар...”.**

*** * ***

Махтумқули ўз даврининг ижтимоий ҳаёти билан яшаган, ижтмоий-сиёсий тарих воқеалари у зотнинг шеърларида акс этган. У зотнинг шеърларида бир қанча сиёсий арбобларга муносабатлар ҳам ифодаланган. Махтумқули “Жайҳун била Баҳри Ҳазар ораси” дея туркман элининг сиёсий чегарасини ҳам белгилаб берган зотдир.

Лекин Махтумқулининг бош ғояси ва ижодининг ўзаги – маърифат, ишқи Илоҳий, охират ҳозирлиги масалаларидир. У зотнинг таянган манбалари эса – Қуръони карим, ҳадиси шарифлар ва валий зотларнинг ҳикматларидир.

Махтумқули туркман халқининг шарафини жаҳон минбарига олиб чиққан буюк шахс, барча туркий халқларнинг севимли шоири, улуғ маърифат ва маънавият раҳнамосидир! Қуръондан нур олган шеърият, шубҳасиз, ўлмас шеъриятдир. Бас, Махтумқули шеърияти дунё тургунча турадиган ўлмас шеъриятдир.

2024, апрель.
1445, рамазон-шаввол.

МАХТУМҚУЛИ МЕНИНГ ТАҚДИРИМДА

Қуромбой МАТРИЗОЕВ (Қурбон Муҳаммадризо),
Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси аъзоси,
Халқаро «Махтумқули Фироғий» медали соҳиби

Ўлмас асарлари билан жаҳон адабиётининг олтин хазинасидан ўрин олиб, умумбашарий маънавиятга салмоқли ҳисса қўшган қалам соҳиблари асрлар оша инсониятнинг буюк даҳолари сифатида қадрланиб келади. Форс-тожик адабиётининг мумтоз шоири Фирдавсий, озар халқининг буюк шоири Низомий, ўзбек адабиётининг тенгсиз намоёндаси Алишер Навоий, рус шоири А.С.Пушкин, украин халқининг фахри Т.Шевченко, олмон халқининг беназир шоири Гёте, инглизларнинг буюк адиби В.Шекспир, французларнинг мумтоз шоири Мольер ва бошқа халқларнинг мумтоз вакиллари шулар жумласидандир.

Ушбу даҳолар орасида маърифий шеъриятнинг буюк дарғаларидан бўлган туркман халқининг улуғ соҳиби, ҳикмат шоири Махтумқули (Фироғий) ҳам муносиб ўрин тутади.

Шу ўринда Ўзбекистоннинг биринчи Президенти муҳтарам И.А.Каримовнинг 1996 йил 28 ноябрида Хива шаҳрида Махтумқули ҳазратларига ҳайкал қўйилиши муносабати билан сўзлаган нутқини эслатиб ўтишни жоиз топдим. У шундай деган эди: «Дунёда элу элатларни, халқларни бир-бирига ҳамкору ҳамқадам қиладиган восита ва омиллар кўп. Ўзбек ва туркман халқлари тарихида ҳам бундай мисолларни кўплаб келтириш мумкин. Аммо Махтумқулининг икки халқнинг дарду аламларини, орзу-армонларини, маънавияти ва қисматини яқинлаштиришдаги, яъни икки халқ қалбини бир-бирига пайванд этишдаги хизматлари, айниқса, беқиёс ва унутилмасдир».

Махтумқули ижодига баҳо берар экан, Туркманистоннинг собиқ Президенти Гурбонгули Бердимуҳамедов Ашхободда чоп этилган «Туркман дили» газетасининг 2011 йил 18 май сонида шундай ёзади: «Фироғийнинг ажойиб шеърлари барча насллар учун буюк таълимот, катта мактабдир.

Улуғ шоирнинг шеърий девонларининг жаҳондаги ўнларча халқлар тилларига таржима этилиши, унинг туркман маданияти, руҳияти, одоб-ахлоқи, турмуш тарзи билан танишишларига имкон яратади».

Шоирнинг инсон ҳаётининг энг нозик, энг муҳим муаммолари ҳақида баҳс юритувчи ёлқинли ижоди, мардона шахсияти жаҳоннинг таниқли сиймолари, маданият ва маърифат арбоблари томонидан ҳам муносиб баҳоланиб келинмоқда. Яъни бу фикр дунёнинг таниқли олимлари-ю шоирларидан: академик В.Бартольд, венгер олими А.Вамбери, рус ёзувчиси Н.Тихонов, қирғиз халқи адиби Ч.Айтматов, ўзбек шоири А.Мухтор, туркман ёзувчиси Б.Сейтаков ва бошқаларнинг шоир ижоди ҳақидаги таърифларида ўз исботини топади.

Махтумқули шеърлари мажмуасининг 1842 йилда Англияда, 1862 йилда Қозон ва Петербургда, 1879 йилда Германиянинг Лейпциг шаҳрида нашр қилиниши адабиёт майдонида катта воқеа бўлди.

Шу фикрдан келиб чиқиб айтиш мумкинки, ҳазрат Навоий билан ўзбек ва туркман халқлари қандай фахрланса, Махтумқули билан ҳам бу икки қондош халқ шундай фахрланади.

Махтумқули (тахаллуси Фироғий) шоир Давлатмамад Озодийнинг ўғли, 18-асрда яшаб ўтган туркман шоири ва мутаффаккири. У аввал мактабда, сўнгра Бухоро, Хива мадрасаларида таҳсил кўрган. Жаҳоннинг кўпгина шаҳарларида бўлган. Эрон, Ҳиндистон, Сурия, Озарбайжон ва Марказий Осиёнинг кўпгина ҳудудларида, Ўзбекистонда, шу жумладан Андижон, Марғилон, Бухоро, Самарқанд, Хива ва бошқа шаҳарларида бўлган. Низомий Ганжавий, Алишер Навоий, Фирдавсийлар ижодидан баҳраманд бўлган. Ундан ниҳоятда кўп лирик шеърлар, лиро-эпик достонлар ва ғазаллар мерос қолган.

Шоирнинг ўзбек адабиёти ва санъати, ўзбек ва қорақалпоқ шоирлари ижоди, уларнинг адабий мероси билан боғлайдиган омиллар жуда кўп ва ранг-баранг бўлиб, бу ҳақда филология фанлари доктори, таниқли адабиётшунос олим, профессор Каримбой Қуромбоев кўп йиллар тадқиқотлар одиб бориб, қатор

илмий-публицистик мақолалар ёзди ва буларни жамлаб, 2012 йилда «Махтумқули – илҳом чашмаси» деган китобини нашр қилдирди.

Дарҳақиқат, Махтумқули ижодий мероси шундай тубсиз чашма, олмосдек кўпқирралики, ундан яна минглаб мақолаларга мавзу келиб чиқаверади.

Раҳматлик дадам Ғуломмирза Муҳаммадризо ўғли Махтумқули шеъриятининг билимдони ва шоирнинг бениҳоят ихлосманди эдилар. У иштирок этган бирор маърака, тўй, ўтиришма (яқин дўстлар гурунги) бўлмаганки, Махтумқули шеърларидан бир парча келтирилмаган бўлсин. Падари бузругимиз ҳатто биз-фарзандларига берган насиҳатини ҳам Фироғий шеърлари либосига ўраб онгимизга сингдирарди. Кейинчалик дадамизнинг бу «касали» менга ҳам юқди. Шу сабаб бўлгандирки, Аллоҳ туркман халқининг улуғ донишманди ҳақида асар битиш ниятини кўнглимга солгандир.

Дарвоқе, менинг драматург-ёзувчи сифатида элга танилишим мумтоз шоир ҳақида «Махтумқули» тарихий мусиқали драмасини яратишим билан бевосита боғлиқ. Бу пьесса менинг дастлабки саҳна асарим эди. Спектаклда Махтумқули тимсолида улуғ файласуф шоирнинг ҳақиқат, адолат учун олиб борган кураши, ўзбек, туркман, қозоқ, қирғиз, тожик ва қорақалпоқ халқининг азалий дўстлигини мустаҳкамлаш йўлида кўрсатган жонбозлиги тарихий лавҳалар мисолида бадиий бўёқларда акс эттирилади.

Махтумқули халқлар дўстлиги мавзусини шеърларидагина куйлаб қолмасдан, балки бутун умр фаолияти давомида шу ғоянинг амалга ошиши йўлида хизмат қилди. Бутун Марказий Осиё халқларининг бирлигини, жипслигини мустаҳкамлаш борасида қайғурди. Спектаклда Махтумқули тилидан шундай сатрлар айтилади:

Махтумқули айтар, кўнгиллар тўлсин,
Қорақалпоқ, ўзбак, туркман бир бўлсин.
Тожик, қозоқ, туркман бир сафда юрсин,
Ҳеч ғубор етмасин аҳду паймона.

Ёки:

Айтинг, Фироғийнинг икки эли бор,
Биттаси этрагу бири Хоразм.
Айтинг, Фироғийнинг икки кўзи бор,
Бири туркман бўлса, бири – ўзбегим.

Шоир ҳаётига бағишланган бу мусиқали драма 1966 йилда Огаҳий номли Хоразм вилоят театри ижодий гуруҳи томонидан муваффақиятли саҳналаштирилди. Сўнг у республиканинг деярли барча шаҳар марказлари, қишлоқ театрларида қўйилди, Туркманистонда гастрол сафарларида бўлди, Республика радиосининг олтин фондига ёзиб олинди. Бу асарнинг дунёга келиши мени Республикамиздаги таниқли адабиётшунос олим Матёқуб Қўшжонов, драматурглар Туроб Тўла, Максим Каримов, Уйғун, айниқса, туркман халқининг улуғ адиби ва оқсоқоли, дунёга машҳур ёзувчи Берди Кербобоев, драматурги Товшан Эсенова билан учрашиш ва танишиш, улар билан мулоқотда бўлишдек бахтга мушарраф қилди.

«Махтумқули» романининг ёзилишига келсак, бунга тайёргарлик шоир тўғрисидаги драманинг саҳнага қўйилишидан сўнг (1966) бошланди, десам лоф бўлмас.

Тўғри, аввал йирик насрий асар ёзиш ниятим йўқ эди. Лекин Махтумқули ҳаётини яхшироқ ўрганишга қизиқиб қолдим, шоир асарларини мутолаа қилиб бордим, бу ҳақда мақолалар ёздим, газеталарда, телевидение-радиоларда чиқишларим, кўп суҳбатларим шу улуғ донишманд тўғрисида бўларди. Унга ўхшатма қўшиқбоб шеърлар ёздим… Шоирнинг ҳаёти ва ижодига кириб борганим сари, унга ихлосим яна оша борди. Унинг тўғрисида туркман ёзувчилари қаламига мансуб кўп илмий, публицистик, шоир таржимаи ҳолига доир китобларни, Т.Тагановнинг «Дурлар хазинаси» (1961 йил, Туркман Давлат нашриёти, Ашгабат) повестини, Ў.Напасовнинг «Фироғий» (1994 йил, «Туркманистон» нашриёти, Ашгабат), К.Кулиевнинг «Махтумқули»(рус тилида, 1978 йил, «Ашгабат») романини ўқидим, шу давр тарихини титкиладим ва ниҳоят, улардан шоир ҳаётини ўрганиш билан боғлиқ бўлган бой маълумотга эга бўлдим. Булар менинг Махтумқули даврини, қардош туркман халқи ҳаётини, шоир сиймосини тасаввур

қилишимга, ҳарқалай ёрдам бериши мумкин эди-ю, лекин барибир роман ёзишга киришишдан чўчирдим. Бироқ тасаввуф илмининг соҳибларидан бўлган Махтумқули ҳақида катта асар ёзишимга таниқли адиб, дўсту устоз акамиз Эркин Самандар кўпроқ туртки бўлди. Шундай қилиб, мия «архивида» Махтумқули борасида 30-40 йиллик «ҳужжатлар» йиғилиб қолган бўлса-да, бевосита асарнинг ёзилишига роппа-роса икки йил вақт кетди. Лекин нашриётдаги ҳамкасблар ҳаммасини ўрганиб, китоб охирида бу муддатни ўн йил деб ёзиб қўйсак тўғри бўлар, дея маслаҳат беришганди, рози бўлдим.

Махтумқули тимсоли (образи) мисолида, унинг отаси, даврининг улуғ алломаси, шоири Давлатмамад Озодий, бухоролик шоир Мужрим Обид, хоразмлик шоирлар Киромий, Андалиб, Равнақ, севгилиси Менглихон, дўст ва яқинлари Ўзбекбой, Човдирхон, Доногул, Ойсора ва бошқа (тарихий ва тўқима) образлар воситасида, шунингдек, давр воқеа-ҳодисаларининг талқини орқали миллий маънавият, умумбашарий қадриятлар, Ислом таълимоти руҳиятини бир бутунликда китоб мазмунига сингдиришга ҳаракат қилинди. Бошқача айтганда, қардош ва ёндош бўлган аждодларимиз ҳаёти, турмуш тарзи мисолида Ватанга муҳаббат, инсонни улуғлаш ва қадрлаш, муштарак миллий урф-одатларимиз, диний бағрикенглик, ўзаро дўстлик-тотувлик, инсоний пок муҳаббат, вафо ва садоқат… каби ибратли қадриятлар, тарихий хотира, қисқаси, жаҳолатга қарши маърифат билан курашиш, яъни Инсон ва унинг келажаги ҳақида қайғуриш каби мавзу романнинг бош ғояси сифатида тафаккур марказида турди.

Шунингдек, романда Махтумқули, Мужрим Обид, Киромий, Андалиблар яшаётган (18-аср) даврдаги мусулмон халқи оиласидаги диний-маърифий тарбиянинг ибратомуз томонларига урғу берилди.

Романнинг бош ғоясини очиб беришда (ҳозирги замон ўзбек ёзма адабиётида илк уриниш бўлса керак) Қуръони карим оятлари ва Ҳадислардан фойдаланиб, қадриятларимиз, гўзал урф-одатларимиз, умумбашарий қадриятлар билан бир қаторда асар руҳиятини шўролар даврида таъқиқланган миллий

маънавиятимизнинг асосий омилларидан бири – Исломий маърифат билан ҳам суғоришга ҳаракат қилинди.

Хулосаки, Махтумқули ўзбек халқи қалбида аллақачон ўзига ҳайкал тиклаб қўйган. Аммо ўзбекнинг энг гўзал тарихий шаҳри бўлмиш Хивада унга атаб, унинг руҳини шод этиб ҳайкал тикланиши ҳар икки халқ дўстлигининг рамзи маъносида тарихий воқеа, аъло иш бўлди. Шоирнинг ижодий фаолияти Ўзбекистондаги мактаб, ўрта махсус ва олий таълим даргоҳлари дарсликларига киритилган. Унинг таваллуд топган кунлари мамлакатимизда ҳам катта адабиёт байрами сифатида кенг нишонланади. Махтумқули ижодига бундай катта эҳтиром ва ихлос ўзбек халқининг қардош туркман халқига, унинг адабиётига чексиз ҳурматнинг ёрқин намунасидир.

МАХТУМҚУЛИ – ЎЗБЕК-ТУРКМАН ДЎСТЛИГИ ТИМСОЛИ

АВЕЗДУРДИЕВА Г.Х.,
Ўзбекистон Республикаси
Туркман маданият маркази раиси,
«Дўстлик» ордени соҳиби

Маълумки, Мулланафас, Махтумқули каби улуғ туркман шоирларининг Алишер Навоий, Бобур ва Машраб каби ўзбек шоирларини ўзларига устоз деб билганлиги, айниқса, туркман булбули Махтумқули Фироғийнинг Бухоро мадрасаларида таҳсил олганлиги ҳар биримизга фахр-ифтихор бағишлайди.

Ҳақли равишда айтиш мумкинки, Сўнгги йилларда Ўзбекистон ва Туркманистон иқтисодий ва маданий ҳамкорлик алоқалари мисли кўрилмаган даражада мустаҳкамланди. Икки мамлакат давлат раҳбарларининг ўзаро дўстона муносабатлари икки халқни яна бир-бирига яқинлаштириб, чинакам ибрат намунасига айланди. Бир-бирига ён қўшни бўлган вилоятлар ўртасидаги иқтисодий-маданий ҳамкорлик алоқалари тобора мустаҳкамланиб бормоқда.

Ўзбекистон Президенти Шавкат Мирзиёев таъбири билан айтганда, «беқиёс сўз санъаткори Махтумқули Фироғий нафақат туркман халқига, айни пайтда бутун Марказий Осиё халқлари, хусусан, ўзбек халқига ҳам бирдек азиз ва қадрли сиймодир. Махтумқулининг бирор шеърини билмайдиган ўзбек, юртимизда унинг китоблари, қўшиқлари кириб бормаган бирор хонадон йўқ, десак, янглишмаган бўламиз» [1.Б.367].

Тошкент шаҳрида бунёд этилган «Ашхобод» боғи, Махтумқули ҳазратлари шарафига ўрнатилган ёдгорлик барельефи, ўз навбатида, Туркманистон пойтахтида барпо этилган «Тошкент» сайилгоҳи, икки мамлакат ўртасидаги серқирра ҳамкорлик муносабатлари – бунинг ёрқин далилидир.

Бу ҳамкорлик алоқалари маърифатпарвар боболаримизнинг асрий орзуси, улар интилган буюк қадрият эди. Шу маънода, улуғ шоир ва мутафаккир Махтумқули Фироғий даҳоси туркман эли учун қанчалик азиз ва суюкли бўлса, ўзбек халқи учун ҳам шунчалик ардоқлидир. Айниқса, 2024 йил 19 февралдаги Ўзбекистон Республикаси Президентининг ПҚ-76-сон «Буюк туркман шоири ва мутафаккири Махтумқули Фироғий таваллудининг 300 йиллигини кенг нишонлаш тўғрисида»ги Қарори [2.] мамлакатимизда истиқомат қилаётган туркман миллатига мансуб халқимиз учун муносиб совға бўлди.

Бинобарин, туркман элида ҳазрат Алишер Навоийнинг «Одами эрсанг, демагил одами, Ониким, йўқ халқ ғамидин ғами» деган ўлмас ҳикмати қанчалик машҳур бўлса, ўзбек халқи орасида буюк Махтумқулининг «Эр йигитнинг аслин билай десангиз, Аввал ваъдасинда туришин кўринг», «Таълим берган устозингдан айрилма» каби пурмаъно ҳикматлари шунчалик маълум ва машҳурдир.

Қолаверса, Ўзбекистонда ўзига хос махтумқулишунослик мактаби ҳам шаклланган. Бу жиҳатдан, Термиз давлат университети ва Бухоро давлат университети каби олий таълим муассасалари ва илмий тадқиқот марказларида профессор-ўқитувчилар ва олимлар томонидан улуғ шоир ижодига

бағишлаб яратилган мақола ва тадқиқотлар алоҳида аҳамиятга эга.

Ўзбекистонлик ижод аҳли Махтумқули шеърларини ўзбек тилига таржима қилиш борасида ҳам алоҳида ташаббускорлик кўрсатиб келмоқда.

Ўзбекистон дунёда Махтумқули асарлари энг кўп нашр қилинадиган ва ўқиладиган мамлакатлардан бири сифатида эътироф этилиши, албатта бежиз эмас. Юртимизда мумтоз шоирнинг шеърлари ва улар асосида яратилган қўшиқлар кириб бормаган бирор-бир хонадон, унинг номини билмайдиган бирор-бир ўзбек топилмайди. Махтумқули асрлар мобайнида халқимизнинг ўз шоирига айланган. Унинг шеърлари ўзининг теран фалсафий маъноси, халқона руҳи, юксак бадийяти билан бахши ва ҳофизларимиз, шоирларимизга илҳом бағишлаб, ҳамиша давраларда янграб, эл-юртимиз қалбида яшаб келади.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев ва Туркманистон Президенти Сердар Бердимуҳамедов ўртасидаги ўзаро ишонч, дўстлик ва қардошлик тамойилларига асосланган муносабатлар бугунги кунда муваффақиятли давом этмоқда. Қардош туркман ва ўзбек халқлари фаровонлигига, қўшничилик муносабатларига ҳисса қўшмоқда.

2024-йилда Махтумқули Фироғий таваллудининг 300 йиллиги муносабати билан Республика Туркман маданий маркази томонидан 5 та илмий анжуман ўтказилди. Хива шаҳридаги Туркман-ўзбек дўстлик уйи, Хоразм вилояти, Урганч шаҳри, Қорақалпоғистон Республикаси, Нукус шаҳри, Тошкент шаҳри, Бухоронинг Ширғозихон шаҳридаги Кўкалдош мадрасаларида шоир ҳаёти ва ижодига оид халқаро илмий анжуманлар, учрашувлар, маданий тадбирлар бўлиб ўтди. Республика Туркман маданият маркази ва Халқаро муносабатлар ва хорижий давлатлар билан дўстлик алоқалари қўмитаси, Туркманистон Фанлар академияси Махтумқули номидаги Тил, адабиёт ва миллий қўлёзмалар институти томонидан буюк мутафаккир ва шоирнинг 300 дан ортиқ шеърлари туркман тилида нашр этилди. Бобомиз Махтумқули

таваллудининг 300 йиллиги муносабати билан икки қардош халқ учун байрам туҳфаси бўлди.

Президентимиз Шавкат Мирзиёев ташаббуси билан қабул қилинган мазкур Қарор самараси ўлароқ бугун Термиз шаҳрида ўтказилаётган халқаро конференция ҳассос сўз санъаткорининг чуқур гуманизм билан суғорилган асарлари мард ва матонатли, меҳнаткаш туркман халқининг эзгу қадриятлари ва олижаноб фазилатларини тараннум этиши, ҳамиша халқ билан ҳамдард бўлишга, турли миллат ва элатлар ўртасида ўзаро аҳиллик ва ҳамжиҳатлик ришталарини мустаҳкамлашга қаратилган илмий-маънвий меросига кўрсатилаётган юксак эхтиромдир!

Тили, урф-одати яқин ўзбек ва туркман халқлари азалдан қўни-қўшничиликда аҳил-иноқ яшаб келмоқда. Уларнинг маданияти, санъати ва адабиёти ҳамоҳанг. Туркман халқи Алишер Навоий ғазалларини севиб ўқиганидек, ўзбеклар ҳам Махтумқулини ўз шоиридек ардоқлаши фикримиз тасдиғидир.

Сўзсиз, Туркман халқининг улуғ фарзанди Махтумқули Фироғий нафақат туркий халқлар, айни пайтда жаҳон адабиёти ва маданияти тарихида алоҳида ўрин эгаллаган атоқли шоир ва мутафаккир сифатида бугунги халқлар ўртасида умуминсоний қадриятларни мустаҳкамлашда муносиб хизмат қилади.

Хулоса қилиб айтганда, маърузамиздан келиб чиқиб қуйидагиларни илгари суриш мумкин.

1. Махтумқули Фироғий даври ва қимматли асарларини ўрганишни давом эттириш керак;
2. Махтумқули Фироғий таваллудининг 300 йиллигини нишонлаш доирасида Туркманистон университет ва илмий марказлари билан ҳамкорликда илмий тадқиқотларни давом эттириш керак.

Мухтасар қилиб айтганда, бахтли, тинч-тотув ва фаровон Ўзбекистонда Президент Шавкат Мирзиёев раҳбарлигида бағрикенгликни мустаҳкамлаш йўлида янги имкониятлар очилмоқда. Қолаверса, Ўзбекистон ва Туркманистон ўртасидаги дўстлик ҳамда яхши қўшничилик муносабатлари тарихида янги давр бошланган ҳозирги пайтда Махтумқули Фироғийнинг

ўлмас бадиий мероси халқларимиз учун янада муҳим аҳамият касб этмоқда.

Адабиётлар

1. Мирзиёев Ш.М. Миллий тараққиёт йўлимизни қатъият билан давом эттириб, янги босқичга кўтарамиз. 1-жилд. – Тошкент: Ўзбекистон, 2017. – Б.367.

2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг ПҚ-76-сон «Буюк туркман шоири ва мутафаккири Махтумқули Фироғий таваллудининг 300 йиллигини кенг нишонлаш тўғрисида»ги Қарори https://lex.uz/docs/6806331

Резюме

Мазкур мақолада ўзбек-туркман алоқаларининг тарихий илдизлари, бугунги ривожланиш даражалари, Махтумқули Фироғийнинг халқлар ва миллатлар ўртасидаги дўстликни тараннум этувчи умуммиллий ғоялари ўз аксини топган.

Калит сўзлар: ўзбек-туркман алоқалари, Туркман маданият маркази, Махтумқули Фироғийнинг дўстлик ғоялари.

Summary

This article reflects the historical roots of Uzbek-Turkmen relations, the current level of development, as well as the national ideas of Magtymguly Firogi, glorifying friendship between peoples and nations.

Key words: Uzbek-Turkmen relations, Turkmen cultural center, ideas of friendship of Magtymguly Firogi.

Резюме

В данной статье отражены исторические корни узбекско-туркменских отношений, сегодняшний уровень развития, а также национальные идеи Махтумкули Фироги, воспевающих дружбу между народами и нациями.

Ключевые слова: узбекско-туркменские отношения, туркменский культурный центр, идеи дружбы Махтумкули Фироги.

МАХТУМҚУЛИ – КОИНОТ ВА КЎНГИЛ ОЛАМИНИНГ САРЧАШМАЛАРИДА

Гулистон Аннақиличевна МАТЁҚУБОВА,
«Қорақалпоқ адабиёти» газетаси бош
муҳаррири, Қорақалпоғистон халқ шоири

Маълумки, жаҳон адабиёти тараққиётида дунё халқларининг ўзаро адабий алоқалари бутун инсониятнинг маданий, маънавий баркамолликка эришишида катта аҳамиятга эга бўлиб келган.

Генрих Гейне «Ҳар бир инсон Коинотдир, у инсон билан бирга туғилиб, бирга ўлади», деганида одамзотнинг коинот даражасида беқиёс кенг тафаккурга ва дунёвий илмларга интилиб яшашини ва бунда адабиётнинг ўрни беқиёс эканлигини назарда тутган, деб ўйлайман.

Шу ўринда буюк Махтумқули Фироғий ижодига назар солсак, нафақат инсон оламини, балки бутун коинотнинг сир асрорларини ҳам очиқ-ойдин тасаввур қила оламиз. Шоир «Билмасмисан» шеърида:

Махтимқули сўзламоқда тўққиз фалак Заҳроси,
Етти юлдуз қардоши Ойнинг, Куннинг пораси.
Нури-дийдам чашмаси, Сафо, Мерве ораси,
Сулаймондек аҳдимни синдирганим билмасмисан?

деб таъкидлар экан, ҳар бир сатрда бутун коинот сир-асрорларига ишора қилади. Шеърдаги тўққиз фалак, етти юлдуз, ой, кун таърифлари Махтумқулининг кўнгил оламидаги коинотнинг шеърларидаги ифодасига айланганини кўрамиз.

Биз Махтумқулини нафақат шоир, балки донишманд файласуф, астроном, саёҳатчи, дунё харитасини яхши билувчи географ, бир сўз билан айтганда, дунёвий илмлар билимдони сифатида хақли равишда эътироф этамиз. Унинг Анатолия, Азарбайжон, Доғистон, Эрон, Сурия, Ироқ ва бошқа кўплаб давлатларга саёҳат қилгани маълумдир.

Махтумқули бутун коинотни, Ер куррасидаги мамлакатларни ва улар орасидаги масофаларни ҳам қуйидаги

шеърида тўлиқ очиб берган.

Мағрибдан Машриқдир дунёнинг юзи
Бир юз қирқ олти минг оғоч бу дунё... (1 оғоч- 6 км)
...Ҳисоб этдим дунё бошдан оёққа
Уч юз олтмиш йиллик йўлдир бу дунё...

Бу шеърда денгиз ва дарёлар, улар орасидаги масофа, тоғлар, мамлакатлар ўртасидаги масофалар, саҳро, чўл, уларнинг чегаралари, дунё халқларининг тили сингари маълумотлар ўрин олганки, буни ўқиган инсон кичик бир шеърда галактика ва Ер шари тўғрисидаги ўз билимларини ошира олади.

Махтумқули ўз ижодида Шарқнинг буюк шоирлари Низомий, Деҳлавий, Саъдий, Жомий, Румий, Умар Ҳайём, Юнус Ҳамро, Навоий, Фузулийлар асарларини чуқур ўқиб ўрганган, уларни ўзига устоз тутган буюк алломадир.

Махтумқули нафақат туркман халқининг, балки Ўрта Осиё мамлакатларининг ҳам улуғ шоири ҳисобланади. Бизнинг юртимизда Махтумқулидан тўрт қатор шеър билмайдиган инсон йўқ. Махтумқули шеърлари ҳофизларнинг қўшиқларига айланиб кетган, ҳикматлари эса мақол ва маталларга сингиб, оддий халқ орасида суҳбатларнинг бош мавзуси бўлиб келмоқда. Бутун халқимиз Махтумқулини ўз шоири деб тан олади. Айниқса, Махтумқули ижоди қорақалпоқ халқи мумтоз адабиётининг гултожи ҳисобланади.

Авлодларга минглаган шеър, достонлар қолдириб кетган қорақалпоқ халқининг беназир шоири Бердақнинг руҳий олами Махтумқулининг илҳом сарчашмалари билан бойиган.

Бердақ шоир:

Махтумқулини ўқиганда,
Айтар эдим ҳар замонда,
Нуқсон борми беглар анда,
Сўзин тавоб қилар эдим...

деб ёзган эди бир шеърида.

Шунингдек, қорақалпоқ халқининг Ажиниёз, Кунхўжа, Умар, Ўташ сингари мумтоз шоирлари ва 20-аср адабиётидаги Содиқ Нуримбетов, Аббос Добилов, Тиловберган Жумамуродов, Ибройим Юсупов сингари атоқли намояндалари ҳам Махтумқулини ўзига устоз тутганлар.

Ажиниёзнинг «Бу дунёнинг кўрки одам боласи», «Даврон бўлмади», «Кўнглим менинг» ва бошқа кўплаб шеърлари Махтумқулининг руҳий оламини ёрқин акс эттиради.

Масалан: Махтумқули бир шеърида:

«Ким ғам чекди, ким йиғлади, ким кулди,
Ишратли бир гўзал замон бўлмади...»

деб ёзган бўлса, Ажиниёз:

«Санамлар қўлида тилла соз эдим,
Авжга келтирар бир жанон бўлмади...»

деб таъриф беради.

Айниқса, Ўзбекистон Қаҳрамони, Қорақалпоғистон ва Ўзбекистон халқ шоири Ибройим Юсупов ижодида ҳам Махтумқулининг устозлик руҳини англаш мумкин. Ибройим Юсупов Махтумқули ҳаёти ва ижодини чуқур ўрганган ва у ҳақда бир неча мақолалар ёзган, шеърларини қорақалпоқ тилига таржима қилган. Ибройим Юсуповнинг Махтумқулидан руҳланиб ёзган «Намасан», «Тўйи Туркманнинг», «Ёдимга тушди», «Бўлмаса» каби юзлаб шеърларини мисол қилиб келтириш мумкин.

Махтумқули «Намасан» шеърида шундай ёзади:

Қароқчими, ё саидми, хўжами,
Ё соқийми, ё шаробми, ё жомми,
Ё йилмисан, ё кундузми, кечами,
Ё Оймисан, ё Кунмисан намасан?...

Ибройим Юсуповнинг шу услубда яратган шеъри шундай жаранглайди:

Йил ҳосил молига бозор тополмай
Хушёр тортган карвонмисан нимасан?

Юракда шеър бўлиб, сиртга чиқолмай
Йиғлаб кетган, армонмисан, нимасан?

Кўриниб турибдики, Махтумқули шеърияти билан қорақалпоқ мумтоз шоирлари ижодидаги бир хил услуб икки халқнинг қадриятлари, маънавияти, урф-одатлари, ўзаро бағрикенглик, биродарлик фазилатларининг муштараклигидан далолатдир.

Шу ўринда мен адабиётшунос олим, халқаро Махтумқули Фироғий номидаги Давлат мукофоти совриндори, филология фанлари доктори Каримбой Қурамбоевнинг «Қорақалпоқ – туркман адабий алоқаларида Махтумқули ижодининг воситачилик роли» мақоласига диққатингизни қаратмоқчиман.

Мақолада таъкидланишича, Қорақалпоғистонда Махтумқули ижодига қизиқиш ҳеч қачон пасайган эмас, аксинча, йиллар ўтган сари шоир меросини янги мезонлар, янги қарашлар асосида ўрганиш, тарғиб ва таржима қилиш тадбирлари кучайиб боради.

Айниқса, мустақиллик йилларида Махтумқулига мурожаат ҳаётий заруратга, маънавий эҳтиёжга айланиб бормоқда. Шоирнинг ҳар бир шеърида илгари сурилган ғоялар, наинки китобхон, балки ижод аҳли учун ҳам маънавият булоғидир. Шунинг учун бўлса керак, бугунги қорақалпоқ адабиёти вакиллари, шоирлар Махтумқулига қайта-қайта мурожаат этмоқдалар, асарларидан руҳланиб оригинал шеърлар, назиралар, мухаммаслар, ўхшатмалар яратаяпти. Т.Қабулов, А.Ажиниёзов, К.Раҳмонов, Ж.Избосканов, У.Пиржанов, А.Ўтепбергенов, Т.Сарсенбоевдек шоирларнинг Махтумқули йўлида ёзган туркум шеърларини, ғазалларига боғлаган мухаммасларини, бағишловларини ибратли тажрибалар тарзида тилга олиб ўтиш муҳимдир. Ҳозир уларни номма-ном санасак, каттагина рўйхат юзага келади. Булар Махтумқулига эргашишнинг ёрқин мисоли, ижодий илҳомнинг самараларидир.

Шу ўринда мен ҳам Махтумқулини дунёвий ҳамда энг инсоний шоир эканлиги хақида ўз фикр-мулоҳазаларимни баён қилмоқчиман. Мен ўз кузатишларимдан шуни англадимки, Махтумқули бобомизнинг китоблари қайси халқ тилига

таржима қилиниб, уларнинг китоб жавонларидан ўрин эгалламасин, у қўлдан-қўлга ўтиб титилиб-титилиб кетганини кўрамиз.

Бу ҳар қандай ижодкорнинг энг олий орзусидир. Ижодкор китоби ҳозиргина нашрдан чиққандек яп-янги эмас, унинг варақлари титилиб, муқоваси йиртилиб кетишини истайди. Чунки китобнинг қўлма-қўл бўлаётгани ҳаёт фалсафаси, имон-эътиқод, меҳр-оқибат, ватанпарварлик фазилатларининг зиёси шу китоб орқали инсон руҳини ёритаётганини, уни баркамол инсонга айлантираётганини ҳис қилиш мумкин.

Мен Махтумқулининг 1957 йилда Ленинградда чоп қилинган, ўқилавериб титилиб кетган тўла асарлар тўпламини қўлга олганимда худди кўксимда қуёш порлаб кетгандай бўлган эди. Китобни ўзим ҳам қайта-қайта ўқиганман, ҳаёт хақиқатларини чуқур англаганман ва таржима қилишга киришганман. 2022 йилда бу орзуим амалга ошиб, Махтумқулининг II томлик асарлар тўплами менинг таржимамда ўзбек тилида нашрдан чиқди ва ўз ўқувчиларини топди.

Айтмоқчиманки, Махтумқули ҳам устозим, ҳам руҳий отамдир. Маълумки, ижодкор бошқалардан руҳий ҳолати тез-тез ўзгариб туриши билан фарқланади. Баъзан ҳаёт машаққатлари қийнаганда ҳам, бахтдан тўлиб тошганда ҳам, мен Махтумқулига мурожаат қилишга одатланганман. Ва ҳар сафар мени қийнаётган кўпгина саволларимга жавоб топганман. Сабр-тоқат, меҳр-оқибат сингари фазилатларнинг инсон учун нақадар зарур эканлигини англаганман. Бир шеъримда:

Мен паноҳ истайман Махтумқулидан,
Бобо, деб руҳини чақирар кўнгил,
Кўзларим ёшидан, ёшим селидан,
Олдимда кўринар қийин, узун йўл...

Мен нажот истайман Махтумқулидан,
Адолат эшигин минг бора уриб,
У мени эшитар Ҳақнинг йўлида,
У мени юпатар дардларим билиб...

Шу билан бирга менинг ижодимда ҳам Махтумқули йўлида ёзилган шеърларим бор. «Паноҳ», «Ойнинг яхшисин», «Кўнглимга», «Топмассан» шеърлари шулар жумласидандир.

Юқорида таъкидланганидек, Махтумқули нафақат Туркманистоннинг, балки бутун жаҳоннинг шоиридир. Шу кунларда бутун дунёда бўлгани каби Ўзбекистонда ҳам Махтумқули Фироғий таваллудининг 300 йиллигини нишонлаш учун катта тайёргарликлар кўрилмоқда. Бу санани кенг нишонлаш мақсадида Президентимиз Ш.Мирзиёев томонидан қабул қилинган қарорда ҳам Махтумқулининг жаҳон адабиётидаги ўрни алоҳида таъкидлаб ўтилган.

Қарорда кўрсатилганидек, туркман халқининг улуғ фарзанди Махтумқули Фироғий нафақат туркий халқлар, айни пайтда жаҳон адабиёти ва маданияти тарихида алоҳида ўрин эгаллаган атоқли шоир ва мутафаккирдир.

Беназир сўз санъаткорининг чуқур гуманизм билан суғорилган асарлари мард ва матонатли, меҳнаткаш туркман халқининг эзгу қадриятлари ва олийжаноб фазилатларини тараннум этиши, ҳамиша халқ билан ҳамдард бўлишга, турли миллат ва элатлар ўртасида ўзаро аҳиллик ва ҳамжиҳатлик ришталарини мустаҳкамлашга қаратилган мазмун-моҳияти билан барчамиз, айниқса ёшларимиз учун ибрат намунасидир.

Ишонч билан айтиш мумкинки, Махтумқули ижоди чин маънода асрлардан асрларга ўтиб, инсон қалбини ҳаётга муҳаббат, Ватанга садоқат, ҳалқига саховат, келажакка ишонч туйғулари билан тўлдириб мангу яшайверади.

Резюме

Ушбу мақолада Махтумқули Фироғийнинг ижодидаги дунёвий билимларни эгаллаш билан ҳам онгни тарбиялаш, олам миллий лисоний манзарасини ҳис этиш каби туйғулар ҳақида фикр юритилган.

Калит сўзлар: Генрих Гейне, коинот, олам манзараси, Ибройим Юсупов.

Summary

In this article, the works of Magtymguly Firogi reflect such feelings as the education of the mind and the feeling of the national linguistic landscape of the world while acquiring worldly knowledge.

Key words: Heinrich Heine, universe, landscape of the universe, Ibraim Yusupov.

Резюме

В этой статье произведения Махтумкули Фироги отражают такие чувства, как воспитание ума и ощущение национального языкового ландшафта мира при приобретении мирских знаний.

Ключевые слова: Генрих Гейне, вселенная, пейзаж вселенной, Ибраим Юсупов.

ТВОРЧЕСКОЕ НАСЛЕДИЕ МАХТУМКУЛИ ФРАГИ – БЕСЦЕННОЕ ОБЩЕЧЕЛОВЕЧЕСКОЕ ДОСТОЯНИЕ

Чинар РУСТАМОВА,
Ответственный секретарь
Национальной комиссии Туркменистана
по делам ЮНЕСКО

Произведения великого туркменского поэта Магтымгулы Фраги как прекрасный образец туркменской классической литературы включает в себя сохранившихся копии рукописей его произведений, распространившихся на территории Туркменистана в период XVIII-XIX веках. Коллекция рукописей поэта сейчас хранятся в Институте языка, литературы и национальных рукописей имени Магтымгулы Академии наук Туркменистана, некоторые из которых датируются еще XVIII веком – веком Магтымгулы.

Данная коллекция является государственной собственностью Туркменистана. Институт языка, литературы и национальных рукописей имени Магтымгулы Академии наук Туркменистана несёт юридическую и административную ответственность за сохранение этого документального наследия.

Большинство хранящихся в рукописных фондах Института документальное наследие представлено в виде Диванов и недатированных стихотворений. Здесь и хранится в виде отдельного издания рукописная работа туркменского поэта Молланепеса «Диван Магтымгулы». Имеются также сборники сочинений поэта, переведенные на многие языки мира за годы независимости страны.

За последние 30 лет, в результате проведенных поисковых работ туркменских ученых, были найдены ряд ценных трудов Магтымгулы, хранившихся в рукописных центрах Венгрии, Санкт-Петербурга и Ташкента. В августе 2010 года Президент Республики Татарстан Рустам Минихановпередал в дар Туркменистану копии старых рукописей стихотворений Магтымгулы Фраги, которые хранились ранее в отделе рукописей и редких книг научной библиотеки Казанского университета.

Стихи Магтымгулы представляют собой хронологическую энциклопедию, в которой систематически и подробно описывается происходившие во второй половине XVIII века политические и экономические события на территории Туркменистана. Следовательно, трудно осмыслить события того периода, не изучая литературного наследия Магтымгулы. Он впитал в свой поэтический мир все богатства народного творчества, расширил и пополнил его, привнес много нового и своеобразного.

Содержание стихотворений Магтымгулы выходит далеко за рамки обычных тем поэзии Ближнего и Среднего Востока, где играют важную роль социально-политические мотивы. Он сумел подняться выше родоплеменных предрассудков и призывал к объединению туркменских племен, к борьбе с иноземными поработителями, к созданию единого туркменского государства. В этом вопросе он далеко выходит за рамки мировоззрения своих предшественников, владея значительным политическим кругозором и свободой мысли.

Как известно, XVIII век пришелся на самый сложный период в истории Туркменистана. В результате захватнических

войн между Ираном, Хивой и Бухарой сильно пострадала туркменская земля. Особенно тяжко пришлось южному региону Туркменистана (родные земли поэта Магтымгулы) от постоянных грабительских набегов Ирана и Хорасана.

В такой безнадежно трудный период истории родился Магтымгулы, и, подобно маяку в темном мире, он показал своему народу выход в светлое будущее. Он был первым среди своих предшественников, обладавшим мощным, взывающим голосом открыто выступил против врагов не только своего народа, но и народов всего региона, призывал их на борьбу за свободу, за независимость своей страны, что является самой сердцевиной как классической туркменской литературы, так и всей прогрессивной духовной культуры тюркоязычного мира. В этом историческая заслуга творческого наследия Магтымгулы, благодаря которому туркменский народ смог выжить и сохранить свои родные земли.

Сегодня, творчество Магтымгулы открыло новый этап в истории туркменской литературы. Он отказался от господствовавшего ранее книжного языка, малопонятного народу и смело ввел в туркменскую литературу новый жанр - лирические стихотворения, написанные на народном языке. Он также отказался от распространенного прежде жанра «дестана» — феодального романа и писал небольшие стихотворения, которые быстро превращались в народные песни и расходились по всей стране.

Его стихи звучат гимном гуманизма, патриотизма, единства и сплоченности, они стали ориентиром и образцом для ученых и поэтов многих стран. Их пели и ими восхищались все туркменские племена и соседние народы.

Произведения Магтымгулы обрели всенародную славу еще при жизни поэта. Они разлетались, как только что испеченный на тандыре горячий хлеб, «не успев даже остыть». Неоценимую роль в этом сыграли родственники поэта, как Ак Ишан, Гара ишан, Гызыл Ахун, а также многочисленные хранители его стихов, включая Нурмамед Ораз оглы из Кизилатрека, Агадурды Бегджан оглы, Абдулла Теджен ахун из Кумушдепе, Гоч Гадым

оглы, Джума Керим, Сапар Ялкап оглы и многие другие, которым удалось собрать и сохранить стихи поэта в течение долгих лет, с целью передать их нынешнему и будущему поколению в целостном состоянии.

Большую роль в сохранении и распространении литературного наследия поэта сыграли туркменские народные певцы (бахши), как Гамбар бахши, Гарадели Гоклен, Мухы бахши, Палта бахши, Гурбан бахши, которые обладая феноменальной памятью способствовали передаче стихов Магтымгулы из поколения в поколение в неизменном содержании. Огромную лепту в дело собирания, исследования и пропаганды творчества поэта внесли туркменские ученые Ахмед Ахундов, Мяти Косаев, Баймухаммет Карриев, Аннагурбан Аширов, неоценимую роль в этом сыграли также зарубежные исследователи, как А. Ходзко-Борейко А. Вамбери, И.Н.Березин, Луи Базен и многие другие. В результате собранных материалов в 1926 году был издан первый сборник стихотворений Магтымгулы в Ашхабаде.

Лирика Магтымгулы оказала существенное воздействие и на творчество народных бахши Узбекистана. В особенности, это наглядно проявляется в репертуаре исполнителей дастанов Бухары, Хорезма, Каракалпакии, Сурхандарьи и Кашкадарьи, которые исполняли и продолжают исполнять песни на стихи Магтымгулы, что особо подчеркивает географическую распространенность поэтического наследия великого поэта Магтымгулы. Известно, что по сей день в этих областях сохранилась традиция, где, открывать свадебные торжества предоставляется в первую очередь местным певцам, исполнителям дастанов на стихи Магтымгулы, который стал любимым поэтом узбекского народа.

Творчество Махтумкули оказало огромное влияние на последующих туркменских поэтов демократического направления – Сейди, Зелили и Кемине, которые также как Магтымгулы, начали творить, выходя за узкие рамки условностей, свойственных поэзии XVIII века. Верными последователями и продолжателями традиций поэтического

наследия Магтымгулы стали поэты Магрупи, Молланепес, Мятаджи.

Поэтическое наследие великого туркменского поэта стало также образцом и для многих каракалпакских поэтов, как Кунходжа (1799-1880), Аджинияз (1824-1878), Бердимурат Бердак (1827-1900), которые создали целый ряд великих произведений, адаптированные в стиле Магтымгулы.

Стиль и форма поэтического мастерство Магтымгулы занимает особое место и в развитии татарской литературы, представители которых признали высокую одаренность туркменского поэта и считали его своим поэтическим наставником. Так например, созвучными оказались поэзии Магтымгулы и известного татарского поэта Дардемэнд (XIX) и Мавлия Кули не только по духу, но и по взглядам, в вопросах единства и сплоченности общества.

…Около 300 лет отделяют нас от того времени, когда жил и творил великий Магтымгулы, но память о нем живет в сознании народа так, что любой из них сможет без сомнения различить голос любимого поэта среди миллионов. Неоценимая заслуга Магтымгулы заключается в том, что его стихи философски описывают этапы социализации личности, они стали зеркалом нации, отражающим ее духовное прошлое, настоящее и будущее. Потому и сегодня, туркменский народ особо бережно относится к памяти и литературному наследию любимого поэта.

В мае 2023 года коллекция рукописей Магтымгулы внесены в международный Реестр «Память мир» ЮНЕСКО как ценнейшее документальное наследие туркменского народа. Вошедшие в эту коллекцию стихи выдающегося туркменского поэта признаны ЮНЕСКО как редкий образец письменного наследия туркменского народа и народов всего тюркоязычного мира, так как в них воплощены традиции устной поэзии туркменского народа и литератур Центральной Азии и Европы.

Кроме того, 300-летний юбилей Махтумкули Фраги внесён в Список знаменательных дат для совместного празднования с ЮНЕСКО в 2024–2025 годах, а также Международной

организацией тюркской культуры (ТЮРКСОЙ) 2024 год провозглашён годом Махтумкули Фраги.

Как известно, в Туркменистане 2024 год объявлен годом «Кладезь разума Махтумкули Фраги». Также, по инициативе Международной организации тюркской культуры (ТЮРКСОЙ) 2024 год был объявлен «Годом великого поэта и мыслителя тюркского мира Махтумкули Фраги», что является ярким свидетельством широкого международного признания творчества великого туркменского поэта. Соответственно, в этом славном году 300-летие Махтумкули Фраги широко отмечается в мировом масштабе под эгидой авторитетной международной организации ЮНЕСКО.

Особенно отрадно отметить тот факт, что в соответствии с Постановлением Президента Узбекистана Шавката Мирзиёева Узбекистан в этом году проведет ряд крупномасштабных мероприятий, посвященных юбилею Махтумкули Фраги, который занимает особое место в истории литературы и культуры братского узбекского народа.

Rezyume

Maqolada Maxtumquli Firog‘iyning turkman xalqi oldidagi xizmati, birdamlik uchun kurashi, ziddiyatlarni qoralashi sifatida baholanishi, shuningdek, uzoq vaqt davomida turkman xalqining ko‘plab avlodlari u qoldirgan asarlar asosida tarbiyalangani va tarbiyalanayotgani ta’kidlanadi. Uning asarlarida Vatanga muhabbat, insonparvarlik, mustaqil davlatchilik barpo etish yo‘lida xalq tinchligi va hamjihatligi kabi umuminsoniy qadriyatlar aks etgan bo‘lib, ko‘plab tillarga tarjima qilingan she’rlari jahon adabiyoti antologiyasidan munosib o‘rin egalladi.

Kalit sozlar: Maxtumquli Firog‘iy, meros, umuminsoniy qadriyatlar, qimmatli asarlar, shoir ijodi, adabiy meros, xalq baxshilari, doston ijrochilari.

Summary

The article states Magtymguly Fragi’s service to the Turkmen people, which is assessed as a struggle for unity and condemnation of discord, and also that for a long time many generations of the

Turkmen people were brought up and are being brought up on the works he left behind. His works reflected universal human values, such as love for the Motherland, humanism, peacefulness and unity of the nation in the name of creating an independent statehood, and his poems, translated into many languages, took their rightful place in the anthology of world literature.

Key words: Magtymguly Fragi, heritage, universal human values, valuable works, works of the poet, literary heritage, folk bakhshi, performers of dastans.

Резюме

В статье говорится заслуге Махтумкули Фраги перед туркменским народом, которая оценивается как борьба за единение и осуждение разлада, также о том, что в течение долгого времени много поколений туркменского народа воспитывалось и воспитывается на оставленном его произведениях. В его произведениях нашли свое отражение общечеловеческие ценности, такие как любовь к Родине, гуманизм, миролюбие и единение нации во имя создания независимой государственности, а его переведенные на многие языки стихи заняли свое достойное место в антологии мировой литературы.

Ключевые слова: Махтумкули Фраги, наследие, общечеловеческие ценности, ценные труды, сочинения поэта, литературное наследие, народный бахши, исполнители дастанов.

ЎЗБЕКИСТОН ВА ТУРКМАНИСТОН ДЎСТЛИК АЛОҚАЛАРИНИ МУСТАҲКАМЛАШДА МАХТУМҚУЛИ МАЪНАВИЙ МЕРОСИНИНГ АҲАМИЯТИ

Саодат Тиловбердиевна ДАВЛАТОВА,
Ўзбекистон Республикаси
Маданият вазирлиги ҳузуридаги
Миллатлараро муносабатлар ва хорижий мамлакатлар билан
дўстлик алоқалари қўмитаси маркази раҳбари,
тарих фанлари доктори, профессор

Сўнгги йилларда турли мамлакатлар, халқлар билан ўзаро ишонч ва яхши қўшничилик алоқаларини ривожлантириш, миллатлараро ва динлараро тотувликни янада мустаҳкамлаш, цивилизациялараро мулоқот, маданий-гуманитар алоқаларни кенгайтириш, турли фуқаролик жамияти институтлари билан қулай ҳамкорлик муҳитини қарор топтиришга қаратилган ислоҳотлар олиб борилмоқда.

Хусусан, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 28 январдаги «2022-2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида»ги ПФ-60-сонли Фармонида белгиланган 71-мақсад – Эзгулик ва инсонпарварлик тамойилига асосланган «Ҳаракатлар стратегиясидан – тараққиёт стратегияси сари» ғоясини кенг тарғиб этиш орқали жамиятда соғлом дунёқараш ва бунёдкорликни умуммиллий ҳаракатга айлантириш ва 74-мақсад – Жамиятда миллатлараро тотувлик ва динлараро бағрикенгликни мустаҳкамлашни амалга оширишга қаратилган.

Таъкидлаш жоизки, кўп миллатли Ўзбекистоннинг ривожланиши учун халқлар ўртасидаги дўстлик ниҳоятда муҳим. Халқлар, миллат ва элатлар ўртасидаги дўстлик Ўзбекистонда ижтимоий барқарорликни таъминлашнинг муҳим шартларидан биридир.

Ишончимиз комилки, мана шундай ғояларни ўзида мужассамлаштирган Махтумқули Фароғийнинг 300 йиллигига бағишланган ҳар бир тадбир Марказий Осиё халқларининг азалий ва абадий дўстлиги, маънавий-руҳий яқинлиги ва

муштараклигининг рамзи сифатида минтақада аҳиллик ва ҳамкорликни ривожлантиришга абадий хизмат қилади десак муболаға бўлмайди.

Маълумки, қардош халқлар адабиёти тарихида атоқли туркман сўз устаси-шоир Махтумқули Фироғий (1733-1783) ўзига хос ўрин тутади. Унинг асарлари дунёнинг кўплаб тилларига таржима қилинган. Зеро, Махтумқули ўзбек халқи қалбига яқин бўлгани учун ҳам ўзбекнинг ўз миллий шоирига айланиб улгурган. Шоир Хивадаги Шерғозихон мадрасасида таҳсил олиб, умрининг муайян қисмини Хоразмда ўтказади.

Ўзбекистон Президенти Ш.М.Мирзиёевнинг «Беқиёс сўз санъаткори Махтумқули Фироғий нафақат туркман халқига, айни пайтда бутун Марказий Осиё халқлари, хусусан ўзбек халқига ҳам бирдек азиз ва қадрли сиймодир» деган эътирофи юқоридаги фикрларнинг далилидир.

Дарҳақиқат, Махтумқули ўзбек ва туркман халқлари орасида машҳур бўлгани боис у ҳақида кўплаб ривоятлар тўқилди, шеърлари тиллардан тилга ўтиб, қўшиқчилар ижодидан ҳам мустаҳкам ўрин олган.

Кейинги даврда шоир ижодига қизиқиш янада кучайиб, унинг шеърлари республиканинг ўн беш нафар таржимони томонидан ўзбек тилига ўгирилди. Дастлаб, Махтумқулининг шеърларини Жуманиёз Шарипов таржима қилди. Шоирнинг 314 та шеърини қамраб олган китоб 1958 йили «Танланган асарлар» номи билан нашр этилди. Кейинчалик, бу таржималар бироз қисқартирилган шаклда 1960, 1963 ва 1976 йилларда қайтадан жуда катта ададларда босилиб чиқди. Айниқса, Ж.Шарипов таржималари Махтумқулининг, асосан, ижтимоий ва панд-насиҳат йўналишидаги шеърларини ўзбек халқи орасида дидактик шоир сифатида машҳур бўлишига олиб келди. Жумладан, К.Қурамбоев таржимон Ж.Шарипов «таржимага катта ижодий тайёргарлик билан киришган»ини, «таржимоннинг оригинал тилини, ўша асарга мансуб бўлган халқ ҳаётини, миллий психологиясини, урф-одатларини» яхши билишини, шунинг учун «Махтумқулининг кўпчилик шеърларини асл ҳолидагидек равон, содда, китобхонга эстетик

завқ бағишлайдиган қилиб бера олган»ини таъкидлаб, шундай ёзади: «Махтумқули шеърларидаги теран фалсафий фикрлар, қимматли ўгит-насиҳат мотивлари, чуқур маъно касб этиб турадиган ҳикматли сўзларнинг ўзбек тилига таржимаси ҳам асл нусхадагидек чиққан».

Ўз ўрнида таъкидлаш жоизки, ҳукмрон мафкура тазйиқи туфайли таржимон бу шеърлардаги диний-тасаввуфий мазмундаги ўринларни ё таржима жараёнида ўзгартиришга ёки қисқартиришга мажбур бўлди. Ишда ушбу тарижимага муносабатлар тарихи ва таржимадаги ўзига хос хусусиятлар батафсил талқин қилинди.

Мустақилликнинг дастлабки йилларида Музаффар Аҳмад Махтумқулининг асосан илгари таржима қилинмаган янги шеърларини ўзбекчага ўгирди. Унинг таржималари яхши, аммо уларда айрим туркманча сўз ва иборалар билан боғлиқ нуқсонлар ҳам кўзга ташланади. М.Кенжабек Махтумқулининг бир неча ўнлаб шеърларини маҳорат билан ўзбекчага ўгирди. Фикр исботи учун, «Ҳечдир, ёронлар» шеъридан олинган бир банд таржимасини мисол келтириш мумкин, яъни аслиятда:

Бу дүнйә дийгениң ики варакдыр,
Ярысы гарадыр, ярысы акдыр,
Бир гиҗә дүйш гөрдүм, эртири ёкдур,
Дүнйәниң тымсалы дүйшдүр, яранлар!

Таржимада:

Бу дунё деганинг икки варокдир:
Ярмиси қародир, ярмиси оқдир,
Бир кеча туш кўрдим, давоми йўқдир,
Дунёнинг тимсоли тушдир, ёронлар!

Махтумқули асарларининг таржимонлари ўз фаолияти давомида кўлам ва ҳажмига кўра турлича таржима маҳсулларини тақдим қилишди. Натижада, шоир шеърларидан кўпчилигининг икки, уч, айримларининг ҳатто олти, етти таржима нусхалари пайдо бўлди.

Махтумқули услубида халқ оғзаки ижодига яқинлик бўлиб, шоир туркман халқининг мақол ва маталларини, баъзи кундалик

ҳаётда ишлатиладиган унсурларни олиб киришига хизмат қилган. Масалан, унинг мисраларида туркман миллатининг ҳикматли сўзлари, афоризмлар қаторидан ўрин олганлигини кўриш мумкин. Махтумқули ижоди Европа ва рус шарқшуносларини, туркман ва ўзбек олимлари томонидан қиёсий ўрганилган. Бу ўринда Навоий ижодининг Махтумқулига бўлган таъсирини Яққол кузатиш мумкин.

Хуллас, буюк туркман шоири Махтумқули шеърларининг ўзбек тилига таржималарини ўзаро қиёсий ўрганиш жараёнида шоир адабий мероси юксак бадиий қийматга эга экани, унинг таржимасига ниҳоятда масъулият билан қараш зарурлиги аён бўлди. Ҳозирга қадар амалга оширилган Махтумқули шеърлари таржималари ёнида янги таржималарнинг майдонга келиши – бу табиий ҳол. Демак, келажакда мутаржимларнинг янги авлоди билан бир қаторда қиёсий таржимашунослик соҳасидаги тадқиқотлар ҳам, ўзбек адабиётшунослигида эса махтумқулишунослик ҳам давом этади.

Зеро, эски туркий адабиётнинг атоқли вакили Махтумқули асарларининг ҳозирги туркий халқлар тилига, хусусан, ўзбек тилига ўгирилган таржималарини ўрганиш, шоир асарларида учрайдиган қадимги туркий, араб ва форс сўзларининг таржималарда берилиши, туркий тилларда мавжуд ўхшаш ва муштарак сўзларнинг кўп ҳолларда бошқа маънода келиши, Махтумқули шеърларининг ўзбек тилидаги ўндан ортиқ таржималарининг қиёсий тадқиқи сингари устувор йўналишларда илмий тадқиқот ишлари олиб борилмоқда.

Туркман мумтоз адабиётининг тараққиёт босқичларини Алишер Навоий ижодининг таъсирисиз тасаввур қилиш анча мушкул. Навоий мероси туркман адабий муҳитига, китобхонлари қалбига чуқур сингиб кетган десак муболаға бўлмайди. Агар Махтумқули Фироғий Ўзбекистонда қанчалик оммалашган, асарлари халқимиз қалбидан муносиб жой олган бўлса, Алишер Навоийга муносабат Туркманистонда ҳам айнан шундайлигини кўриш мумкин. Чунки Навоий Махтумқулининг Шарқ адабиётидаги устозларидан бири, қалбига яқин шоир

бўлганлигини унинг «Бўлсам» радифли шеъридан келтирилган мана бу тўртлик орқали билиб олишимиз мумкин:

Домғонда юрган устод Навоий,
«Чор девон»и, «Фарҳод-Ширин» зебойи,
Заҳириддин Бобур, «Мезон ул-авзон»и,
Қошларига бориб, мен Мажнун бўлсам

Айтиб ўтиш жоизки, Махтумқули туркман шеъриятида ғазалчиликни ҳар томонлама мукаммаллаштирди. Айниқса, ғазалда ишқ-мухаббатни ижтимоий мавзу билан боғлаб ривожлантирди. Махтумқули шеърларининг вазни равон, ўзига хос тили эса жуда содда бўлганлигидан ҳам халқ орасида тез таралган бўлиши мумкин. Қолаверса, унинг ҳофизлар томонидан куйга солиб айтиладиган шеърлари диққатга сазовордир.

Унинг шеърияти барча туркий миллатлар, жумладан ўзбекларнинг ҳам маънавий мулкига айланган. Бир неча марта шеърлари ўзбек тилига таржима қилиниб, нашр этилган. Қолаверса, Фироғий ҳақида кинофильм, спектакл ва бадиий асарлар яратилган.

Шоирнинг 314 та шеърини қамраб олган «Танланган асарлар» китоби 1958 йили нашр этилди. Унда Махтумқулининг ижтимоий ва панд-насиҳат йўналишидаги шеърлари ўзбек халқи орасида уни дидактик шоир сифатида машҳур қилганлиги ҳам бежизга эмас. Махтумқули шеърларини жаҳоннинг турли мамлакатларида севиб мутолаа қиладилар, ўрганадилар. Унинг ижод намуналари Ҳиндистон, Эрон, Афғонистон, Марказий Осиё ва Кавказ мамлакатлари, Сурия, Туркия, Россия ва бошқа Ғарб давлатлари халқлари учун ғоят ардоқли саналади ва асарлари сўнгги 200 йил мобайнида тўхтовсиз нашр этилмоқда. Илк бор улар Ҳиндистонда чоп этилган. Кейинчалик 1842 йилда (Англияда) Лондон музейи томонидан, 1862 йилда Қозон ва Петербургда, 1879 йилда Германиянинг Лейпциг шаҳрида нашр қилинган.

XVIII аср охири XIX аср бошларида яшаб ижод этган туркман шоирлари Саидий, Котибий, Мискин Қилич ва Зелилий

туркман адабиётида Махтумқули ижодининг давомчилари ҳисобланадилар. Масалан, Саидий Эрон подшосининг асири, Зелилий эса Хива хонининг тутқуни сифатида жуда кўп қийинчиликларни бошидан кечирдилар. Бу шоирлар ўз ватанларидан узоқда яшаган бўлишларига қарамай, уларнинг шеърлари ватанпарварлик ва қаҳрамонлик руҳи билан суғорилган.

Махтумқули бир қанча лирик шеърлар, лирик-эпик достонлар, ғазал ва мухаммаслар ёзган. Бизгача унинг лирик, панд-насиҳат характеридаги 10 минг мисрадан ортиқ шеърлари етиб келган. Махтумқулининг «Бўлмаса», «Келгай», «Билан», «Найлайин», «Етмас», «Булар», «Кетди Замона» ва бошқа шеърларида туркман халқининг ҳаёти, урф-одатлари, ўз даврининг муҳим ижтимоий-сиёсий ҳодисалари, шоирнинг ички кечинмалари теран ифода этилган. Шунингдек, фироғий туркман уруғларини бирлашишга чақирган. («*Така, ёвмут, кўкланг, ёзир, алили – бир давлата қуллик қилсак бешимиз*...»). Улар ўртасида низо-жанжалларни тугатишга уринган.

Махтумқулининг ишқ-муҳаббат мавзуидаги шеърлари ҳам оҳангдорлиги, чуқур фалсафий моҳияти билан ажралиб туради. Шоирнинг ҳаёт ва ўлим, инсон ва борлиқ, гўзал инсоний фазилатлар ва одоб-аҳлоққа оид шеърларида ислом дини ҳамда тасаввуфий қарашлар таъсири яққол сезилади (*Махтумқули, шукр эт сен Худога, Ўлим баробардир шоҳу гадога*..»).

Шоирнинг кўп шеърларига Қуръони Карим оятлари, Ҳадиси шарифнинг мазмун-моҳияти сингдирилган. Шоир шеърларида пайғамбарлар, Баҳоуддин Нақшбанд, Аҳмад Яссавий сингари улуғ зотлар жуда кўп тилга олинади. Шунингдек, Аллоҳга муножат, Расулуллоҳ (с.а.в.)га мурожаат оҳанглари Махтумқули шеъриятининг энг асосий тамойилларидан биридир («*Риёдан, ё раб*», «Сочди Муҳаммад», «Ё Расул» ва бошқалар). Фироғий Афғонистон, Эрон, Ҳиндистон, Озарбайжон, Самарқанд, Туркистон каби бир қанча шаҳарларга саёҳат қилган.

Хулоса қилиб айтганда, Махтумқули Фироғий XVIII аср маърифий шеъриятининг буюк дарғаларидан бўлиб, бутун

туркий халқлар учун севимли шоир, маърифатли сиймо, ориф ошиқ, туркман халқининг маънавий тараққиётига беқиёс самарали таъсир кўрсатган, ҳақиқат ва адолатни куйлаган, эстетик завқ ва доноликнинг битмас булоғини яратган валий зотлардан ҳисобланади.

Унинг асарларида камтарлик ва олижанобликнинг, донишмандлик, ватанпарварлик ҳамда дўстликнинг улуғланиши, зулм ва адолатсизлик, разолат, қабиҳлик, икки юзламачилик ва лаганбардорликнинг кескин қораланиши ҳамиша ўз халқи дарди билан яшаб ижод қилганлигини ҳозирги куннинг ўзи исботлаб турибди, десак муболаға бўлмайди.

Махтумқулининг маънавий мероси нафақат ҳозирги кунда икки давлат Ўзбекистон ва Туркманистон ўртасида ўзаро дўстлик алоқалари ривожланишига, балки бағрикенглик ва миллатлараро муносабатларни мустаҳкамлашда келажак авлодлар учун ҳам хизмат қилади.

Адабиётлар

1. Бертельс Е.Э. Махтум-Кули о художественном творчестве // Совет Эдебиети. – Ашхабад, 1944. – № 7. – С. 128-138. Подробнее на livelib.ru: https://www.livelib.ru/author/445879-evgenij-bertels.
2. Махтумқули. Танланган асарлар. – Тошкент: Фан, 1958.
3. Махтумқули. Сайланма. Янги таржималар. – Тошкент: Ўзбекистон, Ёзувчи, 1995.
4. Ораз Яғмур. Махтумқулинома // туркманчадан Музаффар Аҳмад ва Рустам Жаббор таржималари. – Тошкент, 2010. – 264 б. Батафсил қаранг: https://www.ziyouz.com/books/jahon_nasri/Oraz%20Yag’mur.%20Maxtumqulinoma%20(roman).pdf.
5. Очилов Э. Махтумқули асарларининг ўзбекча таржималари // Ўзбек тили ва адабиёти. – Тошкент, 2008. – № 5.– Б. 13–23.
6. Сапаева Ф.Д. Махтумқули шеърларининг ўзбек тилига таржима қилиниши тарихига доир // ЎзФА ККБ Ахборотномаси («Хабарши»). – Нукус, 2009. – № 4. – Б. 133-135.

7. Тайлақова М., Сапаров М. Махтумқули асарлари тилининг ўзбекча таржимасига баъзи бир қайдлар // Ўзбек филологияси масалалари (Илмий асарлар тўплами). – Тошкент: Фан, 1990. – Б. 46-52.
8. Қурамбоев К. Махтумқули шеърияти Ўзбекистонда. – Тошкент: Фан, 1984 – Б. 59–60.

Резюме

Ушбу мақолада Марказий Осиё халқларининг азалий ва абадий дўстлиги, маънавий-руҳий яқинлиги ва муштараклигининг рамзи сифатида минтақада аҳиллик ва ҳамкорликни ривожлантиришга абадий хизмат қилиши, Махтумқули асарларининг ўзбек тилига таржима қилиниши ҳамда шоир шеърлари дўстлик, аҳиллик, тинчлик-тотувлик, иймон-эътиқод каби соф инсоний туйғуларнинг тараннуми эканлиги ўз аксини топган.

Калит сўзлар: дўстлик, аҳиллик, миллатлараро ва динлараро тотувлик, иймон-эътиқод, «Келгай», «Билан», «Найлайин», «Етмас», таржима.

Summary

In this article, as a symbol of eternal and eternal friendship, spiritual closeness and commonality of the peoples of Central Asia, they will forever serve the development of harmony and cooperation in the region, the translation of Makhtumkuli's works into Uzbek, and the poet's poems are about pure human feelings such as friendship, harmony, peace and harmony, faith and belief. It is reflected in the fact that it is a hymn

Key words: friendship, harmony, interethnic and interreligious harmony, faith, «Келгай», «Билан», «Найлайин», «Етмас», translation.

Резюме

В этой статье, как символ вечной и вечной дружбы, духовной близости и общности народов Центральной Азии, они навсегда будут служить развитию согласия и сотрудничества в регионе, переводу на узбекский язык произведений Махтумкули,

стихов поэта, о чистых человеческих чувствах, таких как дружба, согласие, мир и согласие, вера и убеждения.

Ключевые слова: дружба, согласие, межнациональное и межрелигиозное согласие, вера, «Келгай», «Билан», «Найлайин», «Етмас», перевод.

ИБРАТ ВА ҲАЙРАТ НАМУНАСИ

Бахтиёр НАЗАРОВ,
Ўзбекистонда хизмат кўрсатган фан арбоби, академик

Ғайрат МУРОДОВ,
Бухоро давлат университети профессори,
филология фанлари доктори

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг 2024 йилнинг 19 февралида «Буюк туркман шоири ва мутафаккири Махтумқули Фироғий таваллудининг 300 йиллигини кенг нишонлаш тўғрисида»ги Қарорида, жумладан, шундай дейилган: «Ўзбекистон дунёда Махтумқули асарлари энг кўп нашр қилинадиган ва ўқиладиган мамлакатлардан бири сифатида эътироф этилиши албатта бежиз эмас. Юртимизда муттоз шоирнинг шеърлари ва улар асосида яратилган қўшиқлар кириб бормаган бирор-бир хонадон, унинг номини билмайдиган бирор-бир ўзбек топилмайди. Махтумқули асрлар мобайнида халқимизнинг ўз шоирига айланган. Унинг шеърлари ўзининг теран фалсафий маъноси, халқона руҳи, юксак бадиияти билан бахши ва ҳофизларимиз, шоирларимизга илҳом бағишлаб, ҳамиша давраларда янграб, эл-юртимиз қалбида яшаб келади». Чиндан ҳам юр- тимизда улуғ шоир асарларининг йиллар давомида кетма-кет нашр этилиши, бу китобларнинг маърифатпарвар халқимиз томонидан севиб ўқилиши юқорида келтирилган фикрларнинг асосли ва тарихий мантиққа эгалигини яққол кўрсатиб-тасдиқлаб турибди. Ўйлаймизки, мамлакатимизда бу улкан сўз сўз санъаткорининг уч юз йиллик юбилейининг кенг миқёсда нишонланиши бир

томондан асрлар давомида мустаҳкамланиб келаётган ўзбек ва туркман халқлари биродарлигини янги босқичга кўтарилганлигини ифодаласа, иккинчи жиҳатдан эса халқимизнинг оташин шоирга бўлган меҳр-муҳаббатини яна бир марта халқаро кўламда намоён этганлиги билан муҳим ижтимоий-маърифий аҳамият касб этади.

Ушбу мақола академик Бахтиёр Назаров (1945-2022) ва профессор Ғайрат Муродов томонидан туркий халқларнинг улкан шоири Махтумқули Фироғийнинг «Ул меҳрибоним келди» ((«Дурдона» нашриёти, 2022 йил, 37 б.т.) китобига сўзбоши сифатида ёзилган.

Туркий халқлар адабиётида алоҳида ўрин ва нуфузга эга шоир Махтумқули шахси ва ҳаёти ибрату ҳайрат манбаи ва маншаидир. Бу мутафаккир, донишманд ва улкан истеъдод соҳиби ҳақида кўп ёзилган, унга таъриф ва баҳолар берилган, адабиёт, инсоният, ўзи мансуб бўлган халқ учун қилган хизматлари кўрсатилган. Аммо, шунга қарамай, у ҳақда яна ёзиш, фикр билдириш мумкин. Чунки буюк шахсларга ҳамма замон ва тузумларда ҳам қизиқиш, эҳтиром кучли бўлади.

Биз бу ўринда мазкур ижодкор хусусида кўнгилда кўп вақтдан буён туғилиб бўй чўзиб келаётган фикр-қарашларни баён этмоқчимиз:

1. Махтумқули биринчи навбатда туркман халқининг шоири эди. Унинг ёзган асарларида ўз элига, ундаги уруғ, қабилаларга нисбатан улкан меҳр-муҳаббат яққол сезилиб туради. Ўз халқига мана шундай эҳтиром туйғуларини унинг бир қатор бадиий яратмалари, хусусан, «Туркманнинг», «Туркман биноси», «Кўрилсин энди» шеърларида аниқ-равшан кўриниб туради. Айниқса, шоирнинг «Туркманнинг» радифли назмий намунаси ўз ватани ва халқига улкан, чек-чегара билмас жўшқин ҳис-кечинмалари бадиий ифода топган.

Замонамизнинг буюк шоирларидан бўлган Ойбек ватан ҳақидаги бир шеърида она юртнинг «чўлидаги ҳатто қуруқ чўп жондан азиз юрагимизга» деб ёзган эди. Махтумқули ва Ойбекни икки юз йилча вақт масофаси ажратиб туради. Шунга қарамай, мана икки забардаст қалам соҳибининг она замин

ҳақидаги қарашларида яқинлик, муштараклик мавжуд. Фикримизни туркман шеърияти байроқдорининг қуйидаги мисралари ҳам тасдиқлайди:

Жайҳун билан баҳри Хазар ораси,
Чўл устидан эсар ели туркманнинг.
Гул-ғунчаси – қора кўзим қораси,
Қора тоғдан келар сели туркманнинг.

Жайхун билан баҳри Хазар ораси улкан чўл худудидир. Қадимдан туркманлар мана шу жойни ўзларига манзил-макон қилиб танлаганлар. Юқоридаги дастлабки икки мисрада чўлда эсаётган шамол туркманларга тегишли деган фикр ифодаланган. Бу мулоҳазанинг денотатив (асл) ва коннататив (кўчма мазмун) жиҳатлари борлигини назарда тутиш лозим. Дастлабки талқинда туркман улусининг мана шу улкан манзилда эркин кўчиб юришлари ифодаланган. Кўчма-рамзий жиҳатдан қаралганда эса шоир ўз ҳалқининг шамол сингари эркин ва мустақил бўлишга интилишини кўрсатмоқда.

«Гул-ғунчаси – қора кўзим қораси» – мазкур мисра ҳам мулоҳаза қилиши талаб этади. Сиртдан қаралганда, бу мисрада ташбиҳ санъати воситасида баҳорга ишора қилиниб, бу фаслда очилиб, атрофга кўрк ва шукуҳ бағишлайдиган гулу чечаклар эслатилмоқда. Чиндан-да, бошқа фасллар кўрксиз кўринадиган дашту саҳро кўкламда ажиб гўзаллик касб этади. Аммо чуқурроқ разм солиб солиб қаралса, таҳлил этилаётган мисра янада теранроқ, кўламлироқ мазмун мавжудлигига ишонч ҳосил қилиш мумкин. Бу шринда «гул-ғунча» дейилганда халқнинг давомчиси – ёш авлод назарда тутилган. Мана шу қарашни мисра давомидаги «қора кўзим қораси» матний бирлиги тасдиқлаб турибди. Туркий тилда «қора кўзим» «меҳрибоним», «энг яқин дилбандим» каби маъноларга эга. Мисрада иккинчи бор такрорланган «қора» луғавий бирлиги мазкур маъноларни янада кучайтириб, аниқлаштириб берган.

Банддаги учинчи ва тўртинчи мисралар тазод (қаршилантириш) санъати асосида юзага келтирилган. Юқорида айтилгандек, учинчи мисрада фарзандларга буюк муҳаббат ва

садоқат туйғуси берилган бўлса, тўртинчи қаторда ватан мустақиллиги ва озодлигига чанг солмоқчи бўлган ёғийларга муносабат кўрсатилган: «Қора тоғдан келар сели туркманнинг». Ушбу мисрада шоир мансуб халқнинг чексиз қудрати кўрсатилган. Тоғдан келувчи сел мустаҳкам тўсиқларни ҳам вайрон этиш кучига эга. Шу билан бирга, бу улкан қудрат дўстларга эмас, душманларга қарши қўйилганини ҳам тушуниш мумкин.

Махтумқулининг «Туркман биноси» шеърида мустақил Туркманистон давлатини барпо этиш ғояси бадиий ифодаланган:

Қурганим аслида, билгил, бу заминнинг михидир,
Эрур ул аркон мудом, будир ки туркман биноси.

Шоир яшаган замон – ўн саккизинчи асрда туркманлар ўз миллий давлати ва ҳокимиятига эга бўлмаган. Улар яшаётган ҳудуд Эрон шоҳлиги, Хива хонлиги ва Бухоро амирлиги томонидан бўлиб олинган эди. Қадимги туркий битиклар («Култегин», «Билга қоон», «Тунюқуқ» ва бошқалар)да ҳоқонсиз, қўшинсиз халқнинг зулм исканжасига тушиши аниқ мисол ва даллиллар билан кўрсатиб берилган.

Шоир дунёқарашида «туркман биноси», яъни миллий давлатчиликни барпо этиш ғоясининг пайдо бўлиши тасодиф бўлмай, аввалambор, ўша даврдаги ижтимоий-сиёсий вазият, шунингдек, отаси – таниқли туркман шоири Давлатмамат Озодий тарбияси, ўгитлари билан боғлиқ эди. Озодий «Ваъзи Озодий» достонида яхлит туркман жамияти ва ҳокимиятини юзага келтириш бўйича қуйидаги таклифларни ўртага ташлаган:

1. Тарқоқликни тугатиб, туркман қабилаларини бирлаштириш, алоҳида давлат тузиб, унинг бошида адолатли хукмдор ўрнатиш керак;

2. Қобилиятли одамларнинг ҳиммати билан суғориш тизими, савдо йўллари, кўприклар, бозорларни обод қилиб, халқнинг маданий равнақини ўстириш керак;

3. Жамиятнинг маданий, руҳий талабларини қаноатлантириш учун мактаб, мадраса очиб, билим, таълим-

тарбия ишларини йўлга солиб, замонга керак бўлган олимларни етиштириш керак;

4. Ҳамма қашшоқлар, ғариблар, дарвешлар ва шунга ўхшаганларнинг жамиятдаги тенглиги, ўрни, хуқуқи масалаларини тартибга солиш керак.

Албатта, ҳали уруғ-қабилачилик ақидалари билан яшаб келаётган, бунинг устига яшаб турган макони бўлиб ташланган улус учун бундай дадил, халқчил талабларни амалга ошириш осон иш бўлмаган. Шунга қарамай, Озодий ва унинг изчил давомчиси бўлган Махтумқули мана шу улуғвор мақсадни амалга оширишга бутун умрлари давомида саъй-ҳаракат қилганлар.

2. Табиийки, Махтумқули биринчи навбатда туркманларнинг миллий шоиридир. Шу билан бир қаторда, у – барча туркий улуслар, биринчи навбатда Марказий Осиё ҳудудида яшайдиган туркий тилли халқларнинг вакили ва ижодкори. Ўша вақтлар – мозийнинг ўн еттинчи-ўн саккизинчи асрларида «Турк бирлиги» (ер юзидаги барча туркий халқларнинг бирлашиши) ғояси (бундай улуғвор мақсад битиктошларда тажассум топган) мавжуд бўлса-да, туркий улусларнинг тараққийпарвар намояндалари ўз халқлари ичидаги уруғ ва халқларнинг бирлашишга тарғиб этардилар. Жасоратли шоир ва давлат арбоби Турди Фароғий:

Тор кўнгулли беклар, ман-ман деманг, кенглик қилинг,
Тўқсон икки ўзбек юртидир, тенглик қилинг, –

туркий (ўзбек)ларни бирлашишга даъват қилган бўлса, Махтумқули Фироғий:

Така, ёвмит, ёзир, кўкланг, Ахал эли бир бўлиб,
Қилса бир жойга юриш, очилар гул, лоласи. –

деб туркман туркларини жислашиш, ягона байроқ остида тўпланишга чақирган эди. Аслида бундай даъват, уринишлар, аслида, «Турк бирлиги» ниятини юзага чиқариш йўлидаги дастлабки қадам бўлган.

Махтумқули ижодий меросини Аҳмад Яссавий, Юсуф хос Ҳожиб, Аҳмад Югнакий, Алишер Навоий, Юнус Эмро, Абай сингари туркийзабон қалам соҳиблари бадиий яратмалари билан қиёсий таҳлил қилганимизда, улар орасида жуда мустаҳкам ва қадимий илдизларга эга алоқа-боғланишлар мавжудлигига ишонч ҳосил қиламиз. Бундай яқинлик, муштараклик биринчи навбатда она – асос тил ягоналиги, туркий халқлар руҳиятидаги ўхшашлик, кўп ҳолларда жуғрофий ҳудуд яхлитлиги ёхуд яқинлиги, энг муҳими, диний-исломий эътиқоддаги бирлик билан изоҳланади.

Туркий халқларнинг барчасига хос меҳмондўстлик, бағрикенглик, дўстларга садоқат, жанговарлик, мардлик ва курашчанлик хусусиятлари барча туркий ижодкорлар, шу жумладан, Махтумқулини ҳам ўзаро боғлаб-туташтириб туради. Бу фикр исботини шу буюк шоир ижодидан ҳоҳлаганимизча топишимиз мумкин:

Қора тошдан қора қилни кўрган кўз,
Кўзингнинг гавҳари кўзга меҳмондир.
Келган ош деб келмас, сен бурмағил юз,
Нонга муҳтож эмас, сўзга меҳмондир.

Умуман олганда, меҳмондўстлик – инсониятга хос умумбашарий фазилат. Бу инсоний хусусият туркий халқларда юксак чўққига кўтарилган. Бутун дунёни кезиб юрган чет эллик сайёҳлар туркийларнинг меҳмон учун жон беришга ҳам тайёр турганликларига гувоҳ бўлганлар ва бу ҳақда ўз сафарномаларида ёзиб қолдирганлар.

Қуйидаги мисраларда туркий халқларга хос жанговарлик, диловарлик ўз ифодасини топган:

Йигирма ёшга келдинг,
Йигит бўлиб сен елдинг,
От миндинг, қилич олдинг,
Жангга-савашга етдинг.

3. Махтумқули аввалambор туркий, хусусан, туркман улусининг намояндаси ва вакили эди. Шу билан бирга, у

исломий эътиқод соҳиби, сўфийлик назарияси амалиётини эгаллаган комил инсон сифатида инсоният кўз ўнгида намоён бўлади. Унинг анчагина йирик ижодий-бадиий меросини ўрганиш шундан далолат берадики, шоир ўз битикларининг асосий қисмларида маънавий-илоҳий тафаккур жило бериб, бўй кўрсатиб турибди. Уларда ҳалоллик, поклик, эзгулик улуғланган, эътиқодсизлик, разолат кескин рад этилган. Шоирнинг ижодидаги «Ҳолимга менинг», «Садо бўлдим», «Ёмғир ёғдир, Раҳмоним», «Келгай», «Охирзамона», «Учдим, ёронлар», «Боди сабони кўрсам», «Қумли чиқибдир» «Тургил», дедилар» ва яна ўнлаб назмий ижод намуналари унинг маънавий-илоҳий оламга буюк муҳаббат қилан қараганини, исломий эътиқоди нечоғлик юксак бўлганини кўрсатиб туради. Умуман олганда, шоир ижоди исломий манба (Қуръони Карим, ҳадиси шариф)лар асосида юзага келган бўлиб, унинг шариат босқичидан тариқатга ўтганлигидан дарак беради. Фикримизни ушбу мисралар ҳам тасдиқлайди:

Истаса тенгдошлар бошга олтин тож,
Фақирлик мулкидан менга бергил бож,
Ё, Яратган, этма номардга муҳтож,
Тилагим, дуч этма золима мени.

Ҳамма замонларда ҳам Яратгандан бойлик, юксак мартаба сўровчилар кўп бўлган. Оллоҳ меҳрибон. У истаган бандасига буларни ортиғи билан бериши мумкин. Аммо дунё моли инсонга охират нуқтаи назаридан қаралса, манфаат келтирмайди. Зару зевар, мол-мулк одам учун оғир юкдир. Бунинг устига, улар кибр-ҳаво, очкўзлик, бахилликка ҳам сабаб бўлади. Шу боисдан пайғамбаримиз (с.а.в.) «Фақрун – фахрун»(«Фақирлик фахримдир») деб айтганлар. Ана шу сабабларга кўра шоир Тангри тааллога: «Менга тенгдош одамлар бошига олтин тож истайди. Аммо бу нарса менга керак эмас, менга фақирлик мулкидан бож бергин», – деб тавалло қилади. Шунингдек, оллоҳдан номардга муҳтож этмаслик, золимга юзма-юз этмасликни сўрайди.

Айтилганидек, туркманлар саҳрода яшаганлар. Ёғин яхши бўлган йиллар чўлда ўт-ўланлар сероб бўлиб, ҳаёт ҳам яхшиланган. Аммо ҳамма вақт ҳам шундай бўлавермаган. Айрим йиллар қурғоқчилик бўлиб, чорва учун ўт унмаган, бунинг устига ичишга сув ҳам камайган. Бундай пайтларда одамларнинг аҳволи жуда оғирлашиб, очарчилик бошланган, ўлим кўпайган.

Шоирнинг «Ёмғир ёғдир, Раҳмоним» шеъри қурғоқчилик муносабати билан ёзилган. Ўзини эмас, элу юртини ўйлайдиган ижодкор ватандошларининг машаққатли қисматини кўриб азобланади. Унинг қийноқли руҳий ҳолати мазкур лирик асарда ўз бадиий ифодасини топган:

Сен қодир Худодан тилак тиларман,
Раҳминг келиб, ёмғир ёғдир, Раҳмоним!
Ғарибман, ғамгинман, нолиш қиларман,
Раҳминг келиб, ёмғир ёғдир, Раҳмоним!

Айтишларича, замонасининг валийларидан бўлган Ҳасан Басрийнинг кулбасига юртдошлари келиб, қурғоқчилик ҳаддан ошганини айтиб, Яратгандан ёмғир сўрашни илтимос қилишибди. У зот бунга розилик беribдилар-у, эртаси куни шаҳардан чиқиб кетибдилар. Одамлар авлиёни излаб топишолмабди. Шу пайт осмонни қоп-қора булут қоплаб, тинимсиз ёмғир ёға бошлабди. Далалардаги экинлар қониб сув ичибди. Одамлар ўтинчларини бажармай, шаҳарни тарк этган валийдан қаттиқ хафа бўлишибди. Бир неча кун ўтгач, Ҳасан Басрий кулбаларига қайтиб келибдилар. Ҳамшаҳарлар у кишининг даргоҳига тўпланиб бориб, ёмғир сўраш ўрнига шаҳарни ташлаб кетганликлари учун қаттиқ ранжиганларини айтишибди. Шунда шайх:

- Бир китобда бирор ҳудуднинг аҳолиси Оллоҳга мақбул бўлмайдиган ишлар қилиб, гуноҳкор бўлса, қурғоқчилик бўлади, деб эшитган эдим. Фикр қилиб,бу офатга ўзим сабабчи деган тўхтамга келдим. Шу боис шаҳарни ташлаб чиқиб эдим, ёмғир ёғди, – дебдилар.

Сўфийлар ҳамиша гуноҳлардан йироқ юрганлар. Жумладан, Ҳасан Басрий ҳам. Ул зоти бобарокот юртдошлари қилган гуноҳларни ўз зиммаларига олганлар ва Раҳмон ёмғир берган экан.

Бу ривоятни ҳикоя этишдан мақсад шуки, валий зотларнинг дуолари ижобат бўлгусидир. Айтишларича, Махтумқули юқорида зикр этилган шеърни бадиҳа йўли билан яратиб, уни дуо ўрнида ўқиганида, қаттиқ ёмғир ёғиб, чанқоқ халқ сувга қонган экан. Совет даврида Махтумқули ҳақида яратилган бадиий фильмда ана шу ривоят тасвирланган. Биламизки, даҳрийлик мафкураси авж олган ўша қаттол тузумда бу каби тасвирлар қаттиқ қораланиб, бунга йўл қўйган «айбдорлар» жазоланган. Қаттол замон тазйиғидан тап тортмай, мазкур лаҳасини фильм воқеа тизимига киритган туркман киноусталарининг бундай жасорати таҳсинга лойиқдир.

4. Махтумқули адабий-поэтик ижодиёти маънавий-фалсафий асосларининг теранлиги ва мустаҳкамлиги, халқчиллиги, инсонпарвар пафоси, бадийяти даражаси нуқтаи назаридан жаҳон адабиётига мансуб. Туркман, туркийлисон ва тасаввуфий сўз санъатининг бу азамат вакили яратган бадиий дурдоналар бутун инсониятнинг ҳам бадиий мулки бўлиб ҳисобланади. Зеро, у тарғиб қилган ғоялар башарият маънавий-ахлоқий такомили ва гўзаллиги учун хизмат қилади. Унинг шахсияти, нодир ижоди ҳамма замон ва халқлар учун ибрат ва ҳайрат намунасидир.

Summary

The Resolution of the President of the Republic of Uzbekistan Shavkat Mirziyoyev dated February 19, 2024 «On the wide celebration of the 300th anniversary of the birth of the great Turkmen poet and thinker Magtymguly Firogi» says, among other things: «In our country there is not a single house where poetry and songs created on their basis, a classical poet, and there is not a single Uzbek who does not know his name. Over the centuries, Magtymguly has become the poet of our people. His poems, with their deep philosophical meaning, folk spirit and high artistry, inspired our hafiz

and poets, are always heard in circles, live in the heart of our country.»

Indeed, the successive publications of the works of the great poet in our country over many years, as well as the fact that these books are read with love by our enlightened people, clearly demonstrate the validity and historical logic of the ideas presented. We believe that the large-scale celebration of the tercentenary of this great lyricist in our country is important, since, on the one hand, the brotherhood of the Uzbek and Turkmen peoples, which has been strengthened for centuries, has been raised to a new level. On the other hand, it once again demonstrates the love of our people for the fiery poet on an international scale and acquires social and educational significance.

This article was written by academician Bakhtiyor Nazarov (1945-2022) and professor Gairat Muradov as a preface to the book of the great poet of the Turkic peoples Magtymguly Firogi «I came to my beloved» (Durdona publishing house, 2022, 37 vols.).

Резюме

В Постановлении Президента Республики Узбекистан Шавката Мирзиёева от 19 февраля 2024 года «О широком праздновании 300-летия со дня рождения великого туркменского поэта и мыслителя Махтумкули Фироги» сказано, среди прочего: «В нашей стране нет ни одного дома, куда бы не вошли стихи и песни, созданные на их основе, поэта-классика, и нет ни одного узбека, не знающего его имени. Махтумкули на протяжении веков стал поэтом нашего народа. Его стихи своим глубоким философским смыслом, народным духом и высоким артистизмом вдохновляли наших хафизов и поэтов, всегда звучат в кругах, живут в сердце нашей страны». Действительно, последовательные издания произведений великого поэта в нашей стране на протяжении многих лет, а также то, что эти книги с любовью читают наши просвещенные люди, ясно демонстрируют обоснованность и историческую логику изложенных идей. Считаем, что масштабное празднование трехсотлетия этого великого лирика в нашей стране важно, поскольку, с одной стороны, крепнущее веками братство

узбекского и туркменского народов было поднято на новую ступень. С другой стороны, оно еще раз демонстрирует любовь нашего народа к пламенному поэту в международном масштабе, приобретает социально-воспитательное значение.

Данная статья написана академиком Бахтиёром Назаровым (1945-2022) и профессором Гайратом Мурадовым как предисловие к книге великого поэта тюркских народов Махтумкули Фироги «Я пришёл к любимому» (издательство «Дурдона», г. 2022, 37 т.).

TÜRK DÜNYASININ KLASSİK ŞAİRİ MƏHTİMQULU İRSİNİN AZƏRBAYCANDA ÖYRƏNİLMƏSİ

Prof.Dr. Almaz ULVİ (BİNNATOVA),
AMEA Nizami Gəncəvi adına Ədəbiyyat İnstitutu
«Azərbaycan-Türkmənistan-Özbəkistan ədəbi əlaqələr»
şöbəsinin müdiri

Atilla SULEYMANLI,
Özbəkistan Respublikası,
Termez Dövlət Universitetinin
Adabiyotshunaslıq (özbek adabiyoti) fakultəsinin magistri

XVIII əsr türkmən ədəbiyyatının klassiki Məhtimqulu Fəraqinin həyat və yaradıcılığının Azərbaycan ədəbiyyatşünaslığında öyrənilməsi tamamilə klassik Türk dünyası ədəbiyyatına yenidən ciddi münasibətlə yanaşılmasından irəli gəlmişdir.

Müasir ədəbiyyatşünaslığımızın önündəki problemlərindən biri də 70 il pantürkizm damğası ilə repressiyaya məruz qalan türk xalqlarının ədəbiyyatını araşdırmaq, tədqiq və təhlil etməkdir. Bu sıradan Azərbaycan ədəbiyyatşünaslığında qardaş türkmən ədəbiyyatına, onun klassik irsinə də elmi – nəzəri kontekstdən yenidən diqqət göstərməyə təbii ki, ehtiyac duyulur.

Türkmən ədəbiyyatının parlaq və ən böyük nümayəndəsi sayılan Məhtimqulunun şeirlərindən də hiss olunur ki, onun ədəbi

coğrafiyasının üfüqləri bütövlükdə Şərq dünyasını əhatə etmişdir. Şərq klassiklərindən Əhməd Yəsəvinin, Yunus Əmrənin fəlsəfi hisslərini öz şeirlərinə hopduran Məhtimqulu ictimai ədəbi əxlaqı, milli təəssübkeşliyi ilə türkmən şeirində yeni bir epoxa açmışdır. Onun şeirləri xalqın milli özünüdərki prosesində mayak olmuşdur. Bu nöqteyi-nəzərdən şairin «Türkmənim» şeiri xüsusilə təqdirəlayiqdir:

Qafil qalmaz, döyüş günü xar olmaz,
Qarğısa, nəzərə giriftar olmaz,
Bülbüldən ayrılıb solub saralmaz
Daim ənbər saçar gülü türkmənin.

Sərxoş olub çıxar, ciyər dağlanmaz,
Daşları sındırar, yolu bağlanmaz,
Gözüm qeyrə düşməz, könül əylənməz,
Məhtimqulu – söylər dili türkmənin.

Məhtimqulu yaradıcılığının əsas məziyyətlərindən biri də ondadır ki, o, klassik Şərq ənənələri ilə yanaşı, xalq ədəbiyyatından, folklor elementlərindən istifadə etmişdir. Qeyd edilən bu faktorlar onun bütün yaradıcılığı boyunca izlənmişdir.

Klassik şairin xalq ədəbiyyatından qaynaqlanan şeirlərini Azərbaycan xalq ədəbiyyatı nümunələri ilə, eləcə də Azərbaycan ədəbiyyatı klassikləri Şah İsmayıl Xətainin, Xəstə Qasımın, Abbas Tufarqanlının, Məhəmməd Füzulinin və s. əsərləri ilə hətta eyni dövrün sənətkarları sayılan Molla Vəli Vidadinin, Molla Pənah Vaqifin, Xurşid Banu Natəvanın və s. şeirləri ilə müqayisəli təhlilə cəlb etdikdə oxşar motivlər, oxşar mövzular, şeirin müxtəlif növlərindən istifadə oxşarlığı ilə üz-üzə qalırsan. Daha sonrakı əsrlərin xalq ədəbiyyatı üslubunda yazıb-yaradan Dədə Ələsgər, Aşıq Alı şeirləri isə sanki Məhtimqulu şeirlərinin davamıdır. Bu qədər yaxınlıq, doğmalıq, bu qədər eyniyyətlik – istər mövzu, istərsə də şeirin müxtəlif növlərində yazıb-yaratmaq, təbii ki, yalnız bir kökdən - türk kökündən boy atmasından irəli gəlmişdir. İstər lirik duyğular biçimində, istərsə də ictimai-siyasi motivlər kontekstində yazılan şeirlər haqqında eyni fikirləri söyləmək mümkündür. Burada bir fikri

də qətiyyətlə söyləmək olar ki, Məhtimqulu poeziyası Azərbaycan klassik poeziyası yalnız coğrafi ərazi ilə baxımından ayrıdır.

Bütün bunlar əsas vermişdir ki, Azərbaycan ədəbiyyatşünaslığında Məhtimqulu ədəbi irsi elmi-nəzəri kontekstdə ciddi araşdırmaya cəlb edilsin. Və həmin araşdırmalar da məhz qeyd etdiyimiz faktorlar önə çəkilmişdir.

Məhtimqulu poeziyası hər dövrdə müasirliyi ilə aktual xarakterdə olmuşdur. Şeirləri dilinin saflığı, dürüst ifadə tərzi, milli təfəkkür aydınlığı ilə sevilmişdir. Həmin şeirlərdə bir köy ətri, dağ vüqarı, mərdlik mücəssəməsi əks olunmuşdur.

Anar «Min beş yüz ilin oğuz şeir»ində yazır: «Türkmən ədəbiyyatına, dilinə etdiyi böyük xidmətlərin müqabilində Məhtimqulu özünü türkmənlərin «söylər dili» adlandırmaqla haqlı idi. Molla Pənah Vaqif və Molla Vəli Vidadi, Qaracaoğlan və Telimxan kimi Məhtimqulu Fəraqi də türk Oğuz şeirinin sadə ana dilində yüksəlməsi, cilalanması, ən dərin fikirləri anlaşıqlı bir şəkildə ifadə edə bilməsi üçün əvəzsiz tarixi xidmət göstərmişdir» [1,B. 334].

Qısacası, Məhtimqulu yaradıcılığı tamamilə ümumtürk milli təfəkkürünün, düşüncəsinin poetik daşıyıcısıdır. Onun şeirlərinin qaynaq mənbəyi imkan vermişdir ki, Araz Dadaşzadənin dediyi kimi, «Vaqifin və Vidadinin, Məhtimqulu və Kəminənin qələmindən çıxan sadə, səmimi və xalq ruhundan xəbər verən şeirlər Aərbaycanda və Türkmənistanda sadəliyinə və gözəlliyinə görə şöhrət qazanmışdır». [4]

Fikrimizin davamı kimi, «Azərbaycan - Türkmən ədəbi əlaqələri» adlı doktorluq dissertasiyası işində Ə.R.Əliyev də qeyd edir ki, «təşəkkülünə, mənşəyinə görə, tarixi taleyinə, dillərinin qohumluğuna, coğrafi ərazisinə, adət-ənənələrinə görə Azərbaycan və türkmən xalqı bir-birinə çox yaxındır. Bu xalqların ta qədimdən mədəniyyətlərinin yaxınlığı məhz bununla bağlıdır». [7,89]

Məhtimqulu yaradıcılığı haqqında əvvəlki əsrlərdə olduğu kimi XX əsrdə də Azərbaycan elmi, poetik fikri öz sözünü demişdir. Həmid Araslının «Böyük türkmən şairi» [2], G.Çarıyevin «Türkmən xalqının böyük şairi» [3], Araz Dadaşzadənin «Maxtımqulu və Azərbaycan poeziyası» [4] və «Qardaş xalqın böyük şairi» [5], R.Əliyevin «Maqtımqulu humanist şair kimi» [6], P.Xəlilovun

«Böyük türkmən şairi» [8] və «İki əsrin poeziyası. Klassik türkmən şeiri» kitabına ön söz» [9], M.İbrahimovun «Xalq ruhunun tərcümanı» [10], R. Qurbanın «Maqtımqulu Pirağı» [14], R. Qurbanovun «Məxtimqulunun dili və sənətkarlığı» [15], Ə.Muxtarın «Vətən diləkli şair» [11] və «Qardaş türkmən xalqının böyük sənətkarı» [12], A.Nəbiyevin «Sərhəd bilməyən əlaqələr. Azərbaycan - Türkmən folklor əlaqələri tarixindən» [13], S.Rüstəmin «Hərarətlə, məhəbbətlə» [16] adlı elmi məqalələrdə Məhtimqulu ədəbi irsinin dərinliklərinə nüfuz edilmiş, onun yaradıcılığının məziyyətləti tədqiqat obyektinə çevrilmişdir. Eyni zamanda Məhtimqulu dövrünün – XVIII əsr türkmən ədəbiyyatında baş verən ədəbi-ictimai proseslər şairin yaradıcılığı kontekctində araşdırılmış və həmin dövr Azərbaycan şeirin vüsəti ilə müqayisəli təhlil edilmişdir, digər tərəfdən isə klassik sənətkarın əsərlərinin Azərbaycan dilinə tərcümə edilməsi ilə yanaşı ədəbiyyatşünaslıqda da tədqiqi məsələsi ortaya qoyulmuşdur.

Məhtimqulu yaradıcılığı haqqında Azərbaycan ədəbiyyatşünaslığında yazılmış 50-dən artıq məqaləyə nəzər salarkən bu məqalələri bir neçə bölmədə qruplaşdırmaq ehtiyacında olduq: şairin ədəbi irsinin və şəxsiyyətinin öyrənilməsi, əsərlərinin sənətkarlıq xüsusiyyətləri, dili və fəlsəfi məqamdan təhlili, xalq ədəbiyyatı ilə müqayisəli tədqiqi, müxtəlif illərdə yubileyi ilə əlaqədar yazılan ədəbi-tənqidi məqalələr. Təbii ki, bu məqalələr XX əsr Azərbaycan ədəbiyyatşünaslığı səhifəsinə aiddir. Halbuki, şairin Azərbaycan ədəbiyyatı ilə bağlılığın tarixi qədim dövrlərə aiddir. Bu da əvvəldən qeyd etdiyimiz kimi, şairin poeziyasında Əfzələddin Xaqani, Nizami Gəncəvi., İmadəddin Nəsimi, Məhəmməd Füzuli, Şah İsmayıl Xətai və s. klassiklərin yaradıcılığına olan ustad münasibətdən, onlardan faydalanma ştrixlərindən ibarətdir.

Bütün bu məsələlər ayrı-ayrı məqalələr çərçivəsindən çıxıb doktorluq işi mövzusu olaraq daha geniş həcmdə araşdırmaya-tədqiqata cəlb edilmişdir. Füruzə Əhmədovanın «Məhtimqulunun sənət aləmi» [7] monoqrafiyası bu baxımdan elmi əhəmiyyət kəsb edir.

Məhtimqulu irsinin Azərbaycanda öyrənilməsinin özəlliklərindən biri də onun poetik könlündə Azərbaycanın gözəl peyzajının seyridir.

Məhtimqulu sazdır, söhbətdir işin,
Əcəldən qeyridən olmaz təşvişin.
Bəylərin, fəqirin, əhli dərvişin
Uzun yollar yoran ayaqları var.

Lirik «mən»in yollar yoran ayaqları Xəzərin bu tayına – Azərbaycana da gəlib gözəlliklərini gəzmişdir, hətta şəninə «Yaylaqları var» şeirini yazmışdır:

Səfər edib Nuxa mülkünı,
Könül istəyən tək yaylaqları var.
Seyran etsək qönçəsinə, gülünə
Baxçasında bülbül oynaqları var.

Bir sözlə, Məhtimqulu ədəbi irsinin fəlsəfi əsasları, fikir-sənət xüsusiyyətləri Azərbaycan ədəbiyyatşünaslığında təhlil və tədqiq edilmişdir. Onun bioqrafiyası əsas verir ki, yaşayıb - yaratdığı dövrdə türkmən ədəbiyyatının vüsəti, ədəbi obrazlarının xarakterləri tam açılır və bunlar müqayisəli təhlil üçün önəmli xüsusiyyətə.malikdir.

Ədəbiyyat

1. Anar. Min beş yüz ilin oğuz şeiri. Antologiya. – Bakı, 1999. – 911 s.
2. Araslı Həmid. Böyük türkmən şairi // «Ədəbiyyat qəzeti», 1940, 20 sentyabr.
3. Çarıyev G. Türkmən xalqının böyük şairi // «Kommunist» qəz., 1960, 26 noyabr.
4. Dadaşzadə Araz. Maxtımqulu və Azərbaycan poeziyası // «Azərbaycan» jurn., 1960, №9.
5. Dadaşzadə Araz. Qardaş xalqın böyük şairi // «Kommunist» qəz., 1960, 26 oktyabr.
6. Əliyev R. Maqtımqulu humanist şair kimi. – Aşqabad, 1959.
7. Əhmədova F. Məhtimqulunun sənət aləmi (monoqrafiya). – Bakı: Elm, 2006. – 116 s.

8. Xəlilov P. Böyük türkmən şairi // «Ədəbiyyat və incəsənət» qəz., 1983, 28 oktyabr
9. Xəlilov P. İki əsrin poeziyası. Klassik türkmən şeiri «kitabına ön söz». – Bakı, 1983.
10. İbrahimov M. Xalq ruhunun tərcümanı // «Azərbaycan» jurn., 1983, №11.
11. Muxtar Ə. Vətən diləkli şair // «Azərbaycan»jurn., 1983, №3.
12. Muxtar Ə. Qardaş türkmən xalqının böyük sənətkarı // «Ulduz» jurn., 1983, №12.
13. Nəbiyev A. Sərhəd bilməyən əlaqələr. – Bakı, Azərnəşr, 1990.
14. Qurban R. Maqtımqulu Pirağı // Azərbaycan SSR EA-nın xəbərləri, 1965, №3
15. Qurbanov R. Məxtimqulunun dili və sənətkarlığı // «Azərbaycan» jurn., 1965, №3.
16. Rüstəm S. Hərarətlə, məhəbbətlə // «Ədəbiyyat və incəsənət» qəz., 1983, 28 oktyabr.

Rezyume

70 yil davomida panturkizm dog‘i ostida qatag‘on qilingan turkiy xalqlar adabiyotini tadqiq qilish, o‘rganish va tahlil qilish zamonaviy adabiyotshunoslik fanimiz oldida turgan muammolardan biridir. Shu nuqtai nazardan qaraganda, Ozarbayjon adabiyotshunosligida yana bir bor qardosh turkman adabiyoti va uning mumtoz merosiga ilmiy-nazariy mazmundan e’tibor qaratish zarurati tug‘iladi.

Turkman adabiyotining eng yorqin va eng buyuk namoyandasi hisoblangan Mahtimqulining she’rlaridan uning adabiy geografiyasining ufqlari butun Sharq olamini qamrab olganini his qilish mumkin. Sharq mumtozlaridan Ahmad Yassaviy va Yunus Amrening falsafiy tuyg‘ularini she’rlariga singdirgan Mahtimqulu o‘zining ijtimoiy adabiy axloqi, milliy ruhi bilan turkman she’riyatida yangi davr ochdi. Uning she’rlari xalqning milliy o‘zini o‘zi anglash jarayonida mayoq bo‘ldi. Mazkur maqola shu haqda.

Kalit so‘zlar: turkiy xalqlar qatag‘on davri, Mahtimqulu she’riyati tadqiqi.

Summary

Research, study and analysis of the literature of the Turkic peoples, which for 70 years was suppressed under the stain of pan-Turkism, is one of the tasks facing our modern literary studies. From this point of view, in literary studies of Azerbaijan it is necessary to once again pay attention to fraternal Turkmen literature and its classical heritage from a scientific and theoretical point of view.

From the poems of Makhtimkuli, considered the brightest and greatest representative of Turkmen literature, one can feel that the horizons of his literary geography covered the entire eastern world. Makhtimgulu, who absorbed the philosophical feelings of the eastern classics Ahmad Yassawi and Yunus Amre into his poems, opened a new era in Turkmen poetry with his social literary ethics and national spirit. His poems became a beacon in the process of national self-realization of the people. This article is about that.

Key words: period of repression of the Turkic peoples, study of the poetry of Makhtimguly.

Резюме

Исследование, изучение и анализ литературы тюркских народов, которая на протяжении 70 лет подавлялась под пятном пантюркизма, является одной из задач, стоящих перед нашей современной литературоведением. С этой точки зрения в литературоведении Азербайджана необходимо еще раз обратить внимание на братскую туркменскую литературу и ее классическое наследие с научно-теоретической точки зрения.

По стихам Махтимкули, считающегося ярчайшим и величайшим представителем туркменской литературы, чувствуется, что горизонты его литературной географии охватывали весь восточный мир. Махтимгулу, впитавший в свои стихи философские чувства восточных классиков Ахмада Яссави и Юнуса Амре, своей социальной литературной этикой и национальным духом открыл новую эпоху в туркменской поэзии. Его стихи стали маяком в процессе национального самореализации народа. Данная статья об этом.

Ключевые слова: период репрессий тюркских народов, изучение поэзии Махтимгулы.

TURKIY XALQLARNING SAYROQI TILI

Abdulhay Shukurovich SOBIROV,
filologiya fanlari doktori, professor,
Andijon davlat universiteti

Polyak adabiyotining yirik namoyandalaridan biri Yan Parandovkiyning «So‘z kimyosi» degan ajoyib asari bor. Mazkur asarda muallif badiiy adabiyotning bosh quroli bo‘lgan so‘zga ajoyib ta’rif bergan: «So‘z – ulkan tilsimot. So‘zning sehrli, mo’jizali va fusunkor kuchi uning tasavvurlar va obrazlarni yuzaga keltirishi qobiliyatida aks etadi. So‘z – adabiyotning ulug‘vor va ayni chog‘da oddiy qurilish materiali hamdir» [Parandovskiy, 206].

Bunga buyuk yozuvchi va shoirlarning ijodini o‘rganish jarayonlarida yana bir karra ishonch hosil qilishimiz mumkin. Ularning asarlari, so‘zdan foydalanish mahorati millat yoki xalq tanlamaydi. Yaxshi ijodkorlar butun insoniyatga tegishli sanaladi. Ana shunday ulug‘ sifatga ega bo‘lgan siymolardan biri turkman xalqi farzandi Maxtumqulidir.

Maxtumquli – Sharq farzandi. Uning she’rlarida tarannum etilgan insonparvarlik, mehr-oqibat, sadoqat, vafo kabi tushunchalar o‘zbek xalqi ruhiyatiga juda ham yaqin. Shunga ko‘ra u o‘zbek kitobxonlarining sevimli shoirlaridan biriga aylangan.

Iste’dodli shoir Marza Kenjabekning fikricha: «Maxtumquli she’riyati – nurli she’riyat. Uning ijodida dunyoviy va uxroviy ilm-ma’rifatdan xabar beruvchi savol-javob tarzidagi she’rlar alohida mavqe’ni ishg‘ol etadi, yuraklarni larzaga soladi. Aytganimizdek, Maxtumquli faqat iste’dodli shoir emas, balki ulkan alloma, ahli hol, ahli sir, ahli hikmat bo‘lgan orif zotdir. Maxtumquli – turkiy xalqlarning sayroqi tili, sahroning guli, gulning bulbuli, Haqning sodiq, oshiq va orif qulidir» [ziyo.uz.uz].

Shoirga nisbatan bundan ortiq ta’rif bo‘lmasa kerak(!)

Maxtumquli she’riyatining kuchi nimada? U ham boshqa insonlar singari o‘z davrining farzandi sanalgan, lekin u xalq dardini, uning azob-uqubatlarini, chekkan jafolarini boshqalarga qaraganda dildan ko‘proq his etib, buni so‘zlar orqali ifodalashga harakat qilgan. Uning quroli so‘zlar bo‘lgan.

Hammamiz ham ma’lum bir davr farzandlari sanalamiz, hammamiz ham shu davrda xalq tilida bo‘lgan so‘zlardan kundalik hayotimizda mumkin qadar foydalanamiz, lekin ijodkor insonda bu so‘zlarni boshqalardan faqrli ravishda yurakka tegadigan, odamni qalqitadigan, o‘ylashga majbur qiladigan, g‘animning qalbiga qutqu soladigan, do‘stlarni qovontiradigan qilib ayta olish iste’dodi bo‘ladi, so‘z aytishni badiiy san’at darajasiga ko‘tara oladi. Mana, ularning bizdan faqrli tomoni qayerda?

So‘zni o‘rnida, bilib va ta’sirchan qilib aytish har qanday ijodkorning qo‘lidan kelavermaydi. O‘rinsiz, ifodasi yo‘q, jo‘n qilib aytilgan so‘z iste’doddan nishona emas.

Maxtumqulida ilohiy iste’dod bo‘lgan. Uning hayot yo‘li o‘ta murakkab va mashaqqatli tarzda kechgan. Ovuldagi og‘ir hayot, turkman xalqi chekkan azob-uqubatlarga sheriklik, qizilboshlar qo‘lidagi asirlik, Xivadagi ta’til yillari, Sharq davlatlari bo‘ylab sayr-u sayohat – hamma-hammasi Maxtumqulida ulkan bilim va tajribaning, kuzatishlar xazinasining yuksalishiga sababchi bo‘ldi.

Uning she’rlari oddiy tizmalardan iborat, quyilib keladi, biroq ularda buyuk insonning dardlari, oh-u fig‘oni ko‘kka o‘rlaydi. Bu dard millat dardi, bu dard minglab insonlarning she’rga ko‘chgan dardli nolasidir.

Maxtumquli she’riyati mavzu jihatidan rang-barang. Uning she’rlarida badiiy tasvir ustunlik qiladi. Shoir asarlarini tushunish uchun ularda ishlatilgan poetik unsurlarni his qilish kerak. Ayniqsa, Maxtumquli o‘z she’rlarida leksik resurslardan unumli foydalangan.

Shoir o‘z davrining yetuk bilimdoni, komil inson sifatida tasavvuf ilmidan ham yaxshi xabardor bo‘lgan. Shunga ko‘ra Maxtumquli asarlarining sezilarli qismini orifona yo‘nalishdagi she’rlar tashkil qiladi. O‘z navbatida ularda Alloh va uning ismi bilan bog‘liq bo‘lgan teonimlara ko‘p murojaat qilgan.

Jumladan, Allohga nisbatan din peshvolarining tilida faol uchraydigan *Yo Rab, Qudratli Subhon, Habibulloh, Haq, Karamli G‘affor, Egam* kabi leksik birliklarini qo‘llagan. *Arshi a’lo, do‘zax, jannat, pulsirot* kabi leksik birliklarni mahorat bilan ishlatgan.

Masalan:

Ojizdirman, Sendan o‘zga kimim bor?

O‘zing bergan jonga jabr etma, Jabbor.
Maxtumquli aytar: «Karamli G‘affor,
Boqma qilmishimga, fe’limga mening!» («Karam ayla, yo Rab, qudratli Subhon»)

«O‘rtandim, ado bo‘ldim», «Bilgan bormi yoronlar?», «Haqqa ayon erdi holim», «Kel, ko‘nglim, sidq ila yolbor allohga»,»Keldi qiyomatdan nishon», «Oshiq aytar: «Yo Subhon!..» kabi she’rlari fikrimizning yorqin dalilidir.

Uning she’rlaridan deyarli barcha paayg‘ambarlarning, aziz avliyolarning nomlari – antroponimlar munosib joy olgan. Hatto ba’zi bir she’rlari boshdan-oyoq o‘sha ulug‘ zotlarga bag‘ishlangan.

Rasulilloh aytdi: – Yo Shohimardon!
Ayo Salim Xo‘ja, yo Bobo Salmon!
Yo Abu Bakr Siddiq, yo Umar, Usmon!
Bu qulning maqsudin bergil!» – dedilar. («Turgil! – dedilar»)

Bu kabi satrlar Maxtumqulining dili va tili bir, pokdomon, haqiqatgo‘y, halol bir inson bo‘lganligini tasdiqlaydi.

Iyso kabi xilvat tutsam samoda,
Idris kabi qulluq etsam ziyoda,
Xizr, Ilyos kabi kirsam zulmota,
Yo Rab, xabar bilarmanmi, Yor, Sandan.

Maxtumquli diniy bilimlarni puxta o‘zlashtirgan, ularga qat’iy amal qilgan taqvodor odam bo‘lishi bilan birga dunyoviy ishlarni o‘z o‘rniga qo‘ygan, turkman xalqini jaholatdan, zulmdan ozod etishni istagan vatanparvar, millatparvar inson ham edi. Uning she’rlarida Vatan erki, ozodligi, millatning faraxbaxsh kunlari, oy, quyosh, yulduzlar, nabotot va hayvonot dunyosi baland pardalarda kuylangan.

Kosmonimlar, ya’ni osmon jismlari nomlari o‘rinli ishlatilgan:

Maxtumquli so‘zlagay:
To‘qqiz falak Zuhrosi,
Yetti yulduz qardoshi,
Oyning, Kunning porasi.

Shoir hayotida Afg‘oniston, Pokiston, Hindiston, Xorazm, Farg‘ona va boshqa joylarning sayohati chuqur iz qoldirgan. Maxtumquli bu yerlardagi insonlarning hayoti, borgan yerlarning tabiati bilan yaqindan tanishgan va o‘z asarlarida mazkur toponimlaar – joy nomlaridan unumli foydalangan.

Oldinda Hindistonni,
Orqada Turkistonni,
Avliyolar ummoni –
Ul Rumistonni ko‘rsam. («Iymonim yo‘ldosh bo‘lsa»)

Maxtumquli ijodida etnonimlar, ya’ni xalq, urug‘, qabila nomlari ham ko‘p uchraydi. Ayniqsa, turkman xalqi va uning tarmoqlari sanalgan urug‘ nomlarini tilga olgan.

«Bo‘lsa iymon ichinda» she’rida *kaptar, bulbul, laylak, yorqanot, qumri, turna, boyqush, haqqush, lochin, burguye, hudhud* kabi 40ga yaqin zoonimlarni tilga oladi.

Turoch tili sanoda,
O‘rdak tili duoda,
G‘oz qag‘illar havoda
Ko‘zi ummon ichinda.

Bu holatni «Yaxshidir» she’rida ham kuzatamiz. Eng muhimi, shoir qush va hayvonlar timsoliga o‘zining hayotiy falsafasini singdirib yuborgan. Ezgulikka xizmat qiladigan qush va hayvonlarni yaxshi odamlarga, yirtqich, qonxo‘r qush va hayvonlarni yomon odaamlarga mengzagan, ularning harakatlarini qattiq qoralagan.

Odam o‘g‘li bu olamdan o‘tguncha,
Ot chig‘atib, obro‘y olgan yaxshidir.
Quzg‘unlarning soyasida yotguncha,
Burgut panjasida qolgan yaxshidir.

Yoki:

Oqsoq kiyik yuz bo‘rsuqqa yettirmass,
Shyer bolasi yuz tulkiga tuttirmas.
O‘lik ilon yuz kalxatga yuttirmas,
Aql kerak bu ishlarga yetmoqqa.

Maxtumquli ijodining guli – bu yor, mahbuba timsolidir. Uning she’rlari bu jihatdan Navoiy, Bobur, Mashrab she’rlariga mos tushadi. Uning satrlaridagi sifatlashlar, o‘xshatishlar betakror:

Yursam, yorim quvonaman,
Sarvqomat bo‘ylaringga.
Guldan libos yarashibdir,
Sog‘-salomat bo‘ylaringga. («Bo‘ylaringga»).
Zulflariga urib shona,
Meni ul qildi devona.
Go‘yo u – sham, men – parvona,
Yondim, tanim gulga mengzar. («Gulga menzar»)

Umuman olganda, Maxtumquli ijodi nafaqat turkman adabiyotining, balki umumturkiy adabiyotning ajraalmas bir qismidir. Uning she’rlarida ko‘tarilgan g‘oyalar, obrazlar, voqea va hodisalar o‘zbek xalqining ham yuragidagi gaplardir. Aynan mana shu jihati bilan u biz uchun ham qadrli va sevimlidir.

Uning she’rlaridan birida shunday satrlar bor:
Maxtumquli, endi o‘zingni ko‘zla,
Yaxshini ta’riflab, yomonni tuzla.
Oz yeb, oz uxlagin, yana oz so‘zla,
Ko‘p so‘z oxir el ichida xora aylar. («Aylar»)

Maxtumqulining hayotdagi bosh shiori shu bo‘lgaan. Bu kabi insonlar qadri hech qachon yo‘qolmagay.

Adabiyotlar

1. Maxtumquli. Dunyo o‘tib boradur. – Toshkent: Sharq NMAK Bosh tahrirriyati, 2007. – 210 b.
2. Parandovskiy Y. So‘z kimyosi. –Toshkent: Yangi asr avdlodi, 2022. – 464 b.
3. ziyo.uz.uz

Rezyume

Maqolada buyuk turkman shoiri Maxtumqulining hayoti va ijodi, uning she’rlaridagi insonparvarlik, xalqparvarlik, mehr-oqibat tuyg‘ulari haqida fikr yuritildi.

Kalit so‘zlar: adabiyot, so‘z san’ati, turkman adabiyoti, o‘zbek adabiyoti, shoir, ijodkor, badiiy tasvir vositalari, lingvopoetika.

Summary

The article examines the life and vork of the great Turkmen poet Magtymguly, the feelings of humanity, patriotism and goodness in his poems.

Key words: literature, art of vords, Turkmen literature, Uzbek literature, poet, creator, means of artistic image, linguopoetics.

Резюме

В статье рассматривается жизнь и творчество великого туркменского поэта Махтумкули, чувства человечности, патриотизма и добра в его стихах.

Ключевые слова: литература, искусство слова, туркменская литература, узбекская литература, поэт, творец, средства художественного образа, лингвопоэтика.

TURKIY XALQLAR SHE’RIYATINING OLTIN DAVRI (Zahiraddin Muhammad Bobur, Shoh Ismoyil Xatoyi va Muhammad Fuzuliylar ijodi misolida)

Yashar QOSIM,
Ozarbayjon Milliy ilmlar akademiyasi,
Nizomiy Ganjaviy nomidagi Adabiyot institutining
bosh ilmiy xodimi, filologiya fanlari doktori

Zahirəddin Məhəmməd Babur türk xalqlarının poeziyası tarixində özünəməxsus mövqe qazanmış qüdrətli sənətkarlardan biridir. Əlişir Nəvaidən sonrakı dövr türk poeziyası tarixinə nəzər salsaq, üç böyük ədəbi şəxsiyyətin poetik yaradıcılığı nəzər-diqqətimizi cəlb etdiyini müşahidə edirik; Şah İsmayıl Xətayi, Zahirəddin Məhəmməd Babur və Məhəmməd Füzuli. Maraqlıdır ki, Ə.Nəvaidən öncəki dövr türkdilli poeziya hansı mühüm və bənzər ədəbi vəzifələri yerinə yetirmişdisə, Ə.Nəvaidən sonrakı dövr türk xalqları poeziyası da eynən o cür müştərək missiya və funksiyanı reallaşdırmalı olmuşdur. Bu baxımdan yuxarıda

qeyd etdiyimiz hər üç sənətkarın yaradıcılıq yolları və poetik üslubları arasında paralellər nəzərə çarpmaqdadır.

Əgər Əlişir Nəvainin qarşısında islam-əruz poetikası müstəvisində yeni bir türk şeir mədəniyyətini yaratmaq kimi möhtəşəm vəzifə dururdusa, ondan sonrakı dövr ədəbiyyatının nümayəndələri isə yeni türk şeiriyyəti sarayını daha da rövnəqləndirmək və nəqşləndirmək işləri ilə məşğul idilər. Ə.Nəvai türk dilində klassik əruz poetikasının yüksək tələblərinə cavab verməyə qadir olan böyük və zəngin bir ədəbi miras bünyad etmişdi; bu nəhəng irs üç minə yaxın qəzəli, türk dilindəki ilk poetik epopeyanı – «Xəmsə»ni, onlarla elmi-nəsri və tarixi əsərləri, təzkirələri özündə ehtiva edirdi. Z.M.Babur, Şah İsmayıl Xətayi və Məhəmməd Füzuli Yaxın Şərqin bir sıra böyük klassikləri ilə yanaşı və daha çox məhz bu poetik miras üzərində boy atmış və yüksəlmiş sənətkarlar idi. Yəni onları bir-birinə yaxınlaşdıran qarşılarındakı poetik məqsəd və vəzifələrin uyğunluğu ilə yanaşı, həm də bu sənətkarların mənşə və genezisindəki yaxınlıqlar, bənzərliklər idi. Onların hər üçü bilavasitə Ə.Nəvaidən nəşət etmişdilər. Amma başqa amilləri də nəzərə almaq lazımdır. Z.M.Babur da, Xətayi və Füzuli kimi, Nizami Gəncəvini özünün ulu ustadı sayırdı, eyni zamanda, Ə.Nəvaidən öncəki Azərbaycanın türkdilli klasssikləri Seyid İmadəddin Nəsimi, Qazi Bürhanəddin və başqalarından da sənət dərsini almışdı. Aydın olur ki, Ə.Nəvaidən sonrakı dövr poeziyasının hər üç möhtəşəm klassiki həm ədəbi-mənəvi mənşələrinə, həm də taleyin onlara nəsib etdiyi poetik missiyalarına görə bir-birlərinə son dərəcə yaxın və doğma şeiriyyət simaları idi.

Ə.Nəvaidən sonrakı dövr poeziyasında müşahidə olunan əsas ədəbi təmayüllərdən biri şeiriyyətdə bilavasitə həyatın nəfəsinin duyulması, müstəqim inikas tərzinin meydana çıxması və poetik müəyyənliyin, konkretliyin nəzərə çarpması idi. Yəni, klassik romantizm hüdudlarından kənara çıxmağa cəhd Z.M.Babur, Şah İsmayıl və M.Füzulinin əsərlərində bariz şəkildə əks etmişdir. Başqa sözlə, hələ XVI əsrin poetik örnəklərində də klassik romantizmlə yanaşı, əgər belə demək mümkünsə, «klassik realizm»in təzhürləri də nəzərə çarpmaqdadır. Bu məsələlərə müxtəlif aspektlərdən elmi-nəzəri yanaşmanı prof. M.Quluzadə (1) və M.P.Vaqif yaradıcılığının mötəbər

tədqiqatçısı A.Dadaşzadənin (2) tədqiqatlarında müşahidə etmək mümkündür.

Zahirəddin Məhəmməd Baburun lirikasında klassik poetikanın əksər janrlarına rast gəlirik; Şairin zəmanəmizə qədər gəlib çatmış divanlarında qəzəllər, rübailər, tuyuqlar, qitələr, fərdlər, məsnəvilər yer almışdır. O, bu janrların hər birində kifayət qədər gözəl nümunələr yaratmış və bəzən isə heç zaman fəth olunmayacaq zirvələri fəth etmişdir. Z.M.Baburun poeziyasının özəlliyi və gözəlliyi yenə bundadır ki, biz bu şeirlərdə həm də yeni estetik məzmun və ovqatla qarşılaşırıq.

Z.M.Baburun lirikası formaca və şəkilcə müxtəlif olduğu kimi, estetik mündəricəsinə və məzmununa, poetik hədəf və mövzularına görə də rəngbərəngdir. Şairin lirikasını bu nöqteyi-nəzərədən aşağdıkı kimi təsnif etmək məqsədə müvafiqdir; 1. Sevgi lirikası. 2. Avtobioqrafik məzmunlu lirika. 3. Fəlsəfi məzmunlu və ümuminsani duyğular lirikası. 4. Təbiət və dünya gözəlliklərinin tərənnümü. 5. Şahanə duyğular şeiriyyəti. Baburun qeyd etdiyimiz və etmədimiyiz tematik bölgülərə və təsnifata daxil olan şeirlərinin spesifik xüsusiyyətlərindən biri isə şairin qələm təcrübələrində realist mündəricənin və sırf fərdi, həyati, ünvanlı yaşantıların özünə yer almasıdır. Yəni Ə.Nəvai poeziyasından fərqli olaraq, Z.M.Baburun və qeyd etdiyimiz şairlərin əsərlərində dünyəvilik və həyat faktlarının, hadisələrinin və insan duyğularının inikasında yeni poetik manera açıq-aşkar diqqəti cəlb etməkdədir.

Babur həyatın və taleyin zərbələrinə müqavimət göstərmək, yaşamaq və qalib gəlmək üçün sanki bütün varlığını səfərbər etmişdir. Məğlubiyyətlərə və ölümlərə sinə gərərək, son dərəcə həyatsevərlik nümayiş etdirən bənzərsiz şairin yaşantıları gələcək nəsillər üçün də misilsiz örnəklərdir:

Özünü, könül, eyş ilə tutmaq gərək,
Bizi unudanı unutmaq gərək.

Eyşü-tərəb gülbüninə su verib,
Qüssə nihalını qurutmaq gərək.

Hər şeyə qəm yemə, qəm çox durur,
Eyş ilə özünü ovutmaq gərək. (3, s. 73)

Şah İsmayıl Xətayinin bahar nəfəsli və yazın tərənnümünə həsr olunmuş bir sıra şeirlərini Z.M.Baburun aşağıdakı misraları ilə müqayisə etmək olar. Bu bədii nümunələr, ümumən, türk poeziya aləmində formalaşmağa başlayan yeni poetik eranın başlanğıcı, yeni estetik məzmunun uğurlu nişanələri idi. Böyük dərd və iztirabların vətəni olan Baburun qəlbi təkcə bu cəhətlərinə görə yox, həm də həyatsevərlik eşqinə, yazıb-yaratmaq, həyatdan sevinc duymaq və hətta şənlənə bilmək duyğularını özündə birləşdirdiyinə görə bugün də heyrət oyadır:

Yaz fəsli, yar vəsli, dostların söhbəti,
Şeir bəhsi, eşq dərdi, badənin keyfiyyəti,

Yaz fəslində çaxır içməyin özgə halı var,
Kimə bu nəşə müyəssər olsa, vardır dövləti.

Eşq dərdini çəkib, hər kim ki, tapsa vəsli yar,
Ol zaman bolğay unut yüzilki hicran şiddəti.

Dostların söhbətində nə xoş olar bəhsi-şeir,
Ta bilinər hər kimin təbi-birlə haləti.

Gər bu üç işi müvafiq tapsan ol üç vaxt ilə,
Bundan artıq olammaz, Babur, cahanın işrəti. (3, s. 67)

Şah İsmayıl Xətayinin şahanə sevgi duyğuları ilə yanaşı təbiət mövzusunda yaratdığı gözəl sənət əsərləri ilə Baburun şeirləri arasındakı ovqat yaxınlığı, lirik «mən»lərin əhvali-ruhiyyəsindəki müştərəklik kifayət qədər qabarıqdır. Klassik poetikanın realist üsluba və ümumən, realizmə münasibətini obyektiv şəkildə dəyərləndirmək üçün bu cür şeir nümunələri olduqca gərəkli və qiymətlidir. Aşağıdakı bahar əhvali-ruhiyyəsi və yenilənən dünya, həyat eşqi ilə süslənmiş misralar Xətayinin sanki mürəkkəb dini-mifoloji əfsanələr, rəvayətlər və hekayətlərdəki obrazlardan, rəmzlər və fəlsəfi işarələrdən yorulmuş lirik qəhrəmanın həyatın təbiidən təbii və məsum gözəllikləri ilə rastlaşarkən qəlbindən keçirdiyi heyrətamiz həyəcanların, mənəvi aram və ləzzətlərin ifadəsi idi. Başqa sözlə, Xətayinin lirik qəhrəmanı da, Baburun həyatsevər lirik «mən»i kimi, sanki real həyat gözəlliklərinin və insan nəşəsinin vəsfindən vəcdə gəlir.

Qış getdi, yenə bahar gəldi,

Gül bitdivü laləzar gəldi.
Quşlar qamusu fəğanə düşdü,
Eşq odu yenə bu canə düşdü.
Yer geydi qəbayi-xizrpuşan,
Cümlə dilə gəldi ləbxəmuşan.
Sərvin yenə dutdu damənin su,
Su üstə oxudu faxtə gu-gu.
Ğönçə dəhəni çəməndə xəndan,
Gülmaxdan ənar açıldı dəndan. (5, s. 245)

Böyük və həssas şair baharın insanı və dünyanı yeniləndirən, yerləri-göyləri təzələyən yaradıcı qüdrətini, onun nəfis və heyrətamiz rənglərini bir rəssam istedadı ilə təsvir edir. Yaz və yaradılış fəslinin həyat nəfəsli hənirini, bir-birindən gözəl və füsunkar səslərini isə bir nəğməkar, daha doğrusu, ilahi duyğularla köklənmiş bir bəstəkar kimi duyaraq, sözün, yazının əbədiyyətinə məharətlə çevirə bilmişdir. Əlişir Nəvai lirikası ilə müqayisədə Xətayi və Babur şeiriyyətində «Batin» və «Zahir» poeziyasının arasındakı nisbətlər, irfani şeirlərlə yanaşı real insani duyğuların tərənnümünə həsr olunmuş poetik nümunələrin kəmiyyət və keyfiyyətindəki fərqlər göz qabağındadır:

Bülbül oxudu sifati-hicran,
Dəryadə dür oldu əbri-neysan.
Durna uçuban həvayə düşdü,
Laçın aluban ovayə düşdü.
Alma ağacı dibində sayə
Tə'n eylər did bulutda ayə
Yaşin yerə tökdü əbri-neysan,
Bülbüllər oxudu səd hezaran.
Mey bəslədi jalə hər vərəqdə,
Türrac kitab oxur təbəqdə... (5, s. 246)

Xətayinin sevgi nəşəli və vüsal ümidli şeirlərinə həmahəng olan, real insani eşq atəşində isinmiş nazlı və qəmzəli qəzəllərə Babur lirikasında da rast gəlirik. Baburun sevgi şeirlərində və intim lirikasında elə nümunələr vardır ki, cahan poeziyasının ən gözəl və ən məşhur nümunələri ilə müqayisə olunmağa, onlarla yanaşı durmağa layiqdir.

Z.M.Babur şeiriyyətinin dünyəvi təravətini, gözəlliyini və nəfisliyini duymaq üçün onun «Yenə» rədifli qəzəlini oxumaq kifayətdir:

Saçının sövdası düşdü başıma başdan yenə,
Tiyrə oldu ruzigarım ol qara qaşdan yenə.

Yüz yamanlıq görüb ondan telbə oldun, ey könül,
Yaxşılığı gözləyərsən, ol pərivəşdən yenə.

Daş vurar ətfal mənə, evində fariq ol pəri,
Telbələr tək qışqırıram, hər zaman daşdan yenə.

Ayağım yetəncə Babur tək gedər idim, neynim,
Saçının sövdası düşdü başıma başdan yenə. (3, s. 37)

Z.M.Babur lirikasının özəl xüsusiyyətləri, təkrarsız estetik keyfiyyəti, xüsusən, ondakı dünyəvi şeir təmayülü ilə həmahənglik, Qazi Bürhanəddin, Mövlana Lütfi, Xətayi, Füzuli şeiriyyətindəki real yaşantıların, həyati duyğuların tərənnümünə üstünlük verilməsi və daha da inkişaf etdirilməsi, ümumən, bizim klassik poetikaya münasibətimizin dəyişməsinə də təkan verir. Yəni, təkcə Ə.Nəvai və M.Füzuli şeiriyyətini deyil, ümumən, bütün klassik türk poeziyasını təsəvvüf libasında təsəvvür etməyi və klassik «məşuqəni» yalnız və yalnız göylərlə bağlı dərk edib, dəyərləndirmək təcrübəsini Z.M.Baburun sevgi lirikası Molla Pənah Vaqifdən çox-çox əvvəl inkar edib: «Qara zülfün fərağında pərişan ruzigarım var, Üzünün iştiyaqında nə səbrü, nə qərarım var. Ləbin bağrımı qan etdi, gözümdən qan rəvan etdi, Niyə halım yaman etdi, mən ondan bir sorarım var. Cahandan mənə qəm olsa, ulusdan gər ələm olsa, Nə qəm yüz munca həm olsa, sənin tək qəmgüsarım var. Əgər müslihəm, ər müfsid və gər aşiqəm, ər abid, Nə işin var sənin, zahid, mənim ki, ixtiyarım var. Fəğanım aşdı bülbüldən, qəmi yox zərrə bu quldan, Bəs e Babur, oşəl güldən könüldə xarxarım var». (3, s. 111)

Xətayinin və Baburun bir sıra şeirləri arasındakı yalnız poetik məzmun və ovqat yaxınlığı deyil, bəzən bu obrazların və bədii bənzətmələrin bir-birinə hədsiz oxşarlığı da oxucunu heyrətləndirə bilər. Bu da hər iki qələm sahibinin dəst-xəttinindəki, həm də estetik dünyagörüşündəki və həyat təcrübəsindəki uyğunluqlardan xəbər verir: «Açılıb iki saçı üzünə yayılmışlar, Yaruğ cahanı gözümə qaranğu

qılmışlar. Çaxır bağır qanıdır barça[1] eşq əhlinə O da məlum ki, bu meydən dəme ayılmışlar. Neynəsəm eyləmə, ey yar, eyb ki, məndə Cünuni-eşqü igidlik daim qatılmışlar. Sələha xirəd əhli məni yaxın deyirlər, Görün ki, bax bu sözbazlar necə yanılmışlar. Neçün eşqini eldən gizlətmək, ey Babur, Çün halətini bütün aləm əhli bilmişlər». (3, s.110)

Bu tendensiyalar Şah İsmayıl Xətayinin şeiriyyətində də hiss olunacaq dərəcədə görümlüdür. Böyük şairin yaradıcılığının müxtəlif dönəmlərində qələmə alınmış əsərlərində qeyd etdiyimiz üslubi yenilənməni müşahidə etmək olar. XVI yüzilin dini-fəlsəfi və sufiyanə ruh, motivlərlə yoğrulmuş poetik nümunələri ilə müqayisədə bu real sevgi yaşantılarının son dərəcə emosional və səmimi ifadəsi, duyğusal misraların yazılması və sevilməsi, şübhəsiz ki, bir yenilənmə ab-havasını meydana gətirirdi.

Qızıl gül, bağü bustanım, nə dersən?
Fəda olsun sənə canım, nə dersən?

Qərarü səbrü aramım tükəndi,
Kəsildi külli-fərmanım, nə dersən?

Əridi iliyim, qaldı sümüyüm,
Bu təni tərk edər canım, nə dersən?

...Əgər yatsam min il topraq içində
Dürüstdür əhdü peymanım, nə dersən?

Xətayi can ilə çün səni sevdi,
Sevən ölsünmü, sultanım, nə dersən? (5, s. 25)

Xətayinin «Gəlmədi» rədifli qəzəlində aşiqin səmimi duyğuları son dərəcə təbiiliyi və həyatiliyi ilə ruhumuzu ovsunlayır. Biz sanki bizdən 500 il əvvəl yaşamış bir klassikin deyil, çağdaş bir qələm sahibinin hiss-həyəcanları ilə çuğlaşır və onun duyğuları ilə yaşayırıq:

Dəmbədəm yol gözlərəm, ol sevgi yarım gəlmədi,
Qalmışam qış möhnətində, novbaharım gəlmədi.

Xeyli müddətdir ki, mən ta ayru düşdüm yardən,
Görmək içün həddən ötdü intizarım, gəlmədi.

[1] Barça – bütün, hamı.

Ta ki, gördüm uyxuda mən ol pərişan zülfini,
Yerinə andan bəri səbrü qərarım gəlmədi.

İxtiyarım getdi əldən, canü dildən əl yudum,
Ol mənim canü könüldən ixtiyarım gəlmədi.

Xəstədir miskin Xətayi bir misali-əndəlib,
Hüsn bağında cəmalı gül'üzarım gəlmədi. (5, s. 194)

Sonralar M.Füzuli poeziyasında daha da dərinləşən və öz zirvəsinə çatan emosional və cazibədar lirik yaşantılar əslində ilk öncə Xətayi və Babur şeirlərində boy göstərməyə başlamışdır. Ə.Nəvainin dərin fəlsəfi və intellektual yönlü, mürəkkəb dini-mifoloji obrazlarla zəngin şeiriyyətinə nisbətən bu yeni poetik üslublu qələm təcrübələrində daha çox qədim türk şeir yoluna uyğun olaraq, bilavasitə həyatın və insanın real təsvirinə meyl güclü idi: «Getmə sən, eşqin ki, bir gənci-nihan əldən gedər, Bil ki, sən getsən yanımdan, təndə can əldən gedər. Qayib oldu gül yüzün çeşmimdən, ey ruhi-rəvan, Qorxaram ki, sünbüli-ənbərfəşan əldən gedər. Candan oldum, ey pərivəş, möhnətindən tanriçün, Qıl tərəhhüm ki, bu cismi-natəvan əldən gedər. ...Basmadan hər yerə kim, bir dəm qədəm tutmaz qərar, Məskən eylə çün müşərrəfdir, məkan əldən gedər. Bu Xətayi, ey sənəm, bir dəm camalın görməsə, Taqət etməz də kim, ol ruhi-rəvan əldən gedər». (5, s. 84)

Xətayinin cazibədar və şahanə məhəbbət dünyası ilə, aşağıda görəcəyimiz kimi, Baburun sevgi səltənəti arasında özünəməxsusluqlarla bərabər, həm də qəribə bir bənzərlik mövcuddur. Tarixən zamandaş olan, bir-birini yaxşı tanıyan, hər ikisi şah və şair olan, türk bədii təfəkkür tarixinə misilsiz yeniliklər bəxş edən bu qüdrətli ədəbi şəxsiyyətlər həyatda olduğu kimi, sənətdə də öz yolları ilə və özünəməxsus şücaətlə yüksəlmişlər. Aşağıdakı misralardakı yalnız böyük ürəyi və istedadı olan qələm sahiblərinin qəlbində yaşada biləcəyi hiss-həyəcanlar və təkrarsız yaşantılar Xətayinin və Baburun lirik aləmi üçün son dərəcə səciyyəvidir: « Qara zülfin boynuna hindi düşdi, Sənin sevgin könülə indi düşdi. Əzəldən sevgini, var idi canda, Sən eylə sanmagil kim indi düşdi. Tuti yarım durub bağçaya gəzər, Utandı sərv ağacı endi, düşdi. ...Nə qayğım var rəqibin fitnəsindən? Eşitdim quyu

qazan kəndi düşdi. Xətayi, sən güvənmə malə, gəncə, Neçələr malə, gəncə mindi, düşdi». (5, s. 210).

Zahirəddin Məhəmməd Baburun faciə və ayrılıqlarla dolu həyat yolunu, onun böyük kədərini və həsrətlərini, bəzən də insan qəlbinin və dözümünün fövqündə duran iztirablarını müəyyən dərəcədə dərk etmək və dəyərləndirmək mümkündür. Amma onun həyat sevgisini, dünyaya baxışını və xüsusən, intim duyğularını adi təsəvvür və təfəkkür tərəzisində çəkmək, qiymətləndirmək mümkün deyil.

Ümumən, türk xalqları poeziyası tarixində, görkəmli Nəvaişünas alim Akif Azalpın vurğuladığı kimi, iki əsr xüsusilə əlamətdardır; XV yüzil Əlişir Nəvai həzrətlərini, XVI əsr isə Zahirəddin Məhəmməd Babur, Şah İsmayıl Xətayi və Məhəmməd Füzulini söz sənəti aləminə bəxş etdiyinə görə poetik tariximzin qızıl səhifələridir. Onların yaradıcılığında dini-fəlsəfi üslubun və təsəvvüf motivlərinin mühüm yer tutması ilə yanaşı həm də dünyəvi ədəbiyyatın və ədəbi təmayüllərin üstünlük təşkil etməsi, başqa sözlə, «zahir şeiriyyəti» ənənələri ilə qırılmaz surətdə bağlılıq da ümumtürk poeziyası tarixində bu sənətkarların özünəməxsus şərəfli yer tutmasını şərtləndirmişdir.

Ədəbiyyat

1. Quluzadə M. Füzulinin lirikası. – Bakı: Elm, 1965.
2. Dadaşzadə A. XVIII əsr Azərbaycan lirikası. – Bakı: Elm, 1981.
3. Захирид дин Мухаммад Бабур. Asarlar. Uch jildlik. I jild. Devon. – Toshkent: Badiiy adabiyot nashriyoti, 1965.
4. Захириддин Мухаммад Бабур. Asarlar. Uch jildlik. II jild. Bobirnoma. – Toshkent: Badiiy adabiyot nashriyoti, 1965.
5. Şah İsmayıl Xətayi. Əsərləri. – Bakı: Şərq-Qərb, 2005. – 384 səh.

Xülasə

Məqalədə böyük özbək şairi Z.M.Baburun Azərbaycan klassik poeziyası ilə yaradıcılıq əlaqələrindən bəhs edilir. Dahi özbək şairi Ə.Nəvaidən sonrakı dövr türk poeziyasında baş verən bədii proseslər müqayisəli-tipoloji müstəvidə nəzərdən keçirilir. Z.M.Baburun XVI əsr Azərbaycan klassik şeirinin bənzərsiz nümayəndələri Şah İsmayıl Xətayi və M.Füzulinin poetik dünyası ilə yaxınlığından söhbət açılır. Xətayinin və Baburun məşhur qəzəllərindəki bədii inikas uyğunluqlarına və

tematik paralellərə diqqət yönəldilir. Azərbaycan və Özbəkistan ədəbiyyatşünaslığında ilk dəfə olaraq, orta əsrlər dövrü poeziyamızda klassik romantizm və klassik realizmin qarşılıqlı münasibətlərindən bəhs edilir, həm də bu böyük sənətkarların bədii irsinə müqayisəli elmi-nəzəri təhlil aspektindən yanaşılır.

Açar sözlər: klassik poetik üslub, klassik romantizm, realist təsvir üslubu, Ə.Nəvai, Z.M.Babur, Şah İsmayıl Xətayi, M.Füzuli, M.P.Vaqif.

Summary

The article examines the creative connections of the great Uzbek poet Z.M. Babur with Azerbaijani classical poetry. On a comparative typological level, the article examines the artistic processes that took place in Turkic poetry after the great Uzbek poet A. Navoi. It is about the proximity of Z.M. Babur to the poetic world of Shah Ismail Khatai and M. Fuzuli, unique representatives of the classical poetry of Azerbaijan in the 16th century. Attention is drawn to the similarities and thematic parallels in the famous gazelles of Khatai and Babur. For the first time in the literary studies of Azerbaijan and Uzbekistan, the relationship between classical romanticism and classical realism in our medieval poetry is considered and is also discussed from the point of view of a comparative scientific and theoretical analysis of the artistic heritage of these great artists.

Key words: classical poetic style, classical romanticism, realistic style of description, A. Navai, Z.M. Babur, Shah Ismail Khatai, M. Fuzuli, M.P. Vagif.

Резюме

В статье рассматривается творческие связи великого узбекского поэта З.М. Бабура с азербайджанской классической поэзией. На сравнительно-типологическом уровне рассмотрены художественные процессы, происходившие в тюркской поэзии после великого узбекского поэта А.Навои. Речь идет о близости З.М. Бабура к поэтическому миру Шаха Исмаила Хатаи и М. Физули, уникальных представителей классической поэзии Азербайджана XVI века. Обращено внимание на сходство и тематические параллели в знаменитых газелях Хатаи и Бабур. Впервые в литературоведение Азербайджана и Узбекистана рассматривается

взаимосвязь классического романтизма и классического реализма в нашей средневековой поэзии и обсуждается также с точки зрения сравнительного научно-теоретического анализа художественного наследия этих великих художников.

Ключевые слова: классический поэтический стиль, классический романтизм, реалистический стиль описания, А.Навои, З.М. Бабур, Шах Исмаил Хатаи, М.Фузули, М.П. Вагиф.

MAXTUMQULI FIROG‘IYNING SHERIYAT DUNYOSIDAGI O‘NAMLI O‘GITLAR

Abdul Khalil Ahmad Oughli,
Asis. Prof. Balx Universiteti til va adabiyot fakulteti
o‘zbek tili va adabiyoti kafedrasi, Balx/Afg‘oniston
Niğde Ömer Halisdemir Universiteti
turk tili va adabiyoti kafedrasi doktoranti, Niğde/Türkiye

Turgut Koçoğlu,
Prof. Dr. Erciyes Universiteti adabiyot fakulteti
Turk tili va adabiyotı Kafedrasi, Kayseri/Türkiye

Maxtumquli Firog‘iy turkman adabiyotining atoqli namoyandalaridan biridir. U hozirgi Turmanistonga tegishli bo‘lgan Qoraqala qishlog‘ida tug‘ilgan. Dastlabki ta’limini otasi Davlat Muhammad Ozodiy va Niyoz Solih kabi o‘z qishlog‘ning bilim odamlaridan olgan. Yuksak ta’limini esa, Haloch, Xiva va Buxora madrasalarida tamomlagan. Firog‘iy, madrasada diniy va tasavvufiy ta’limotlarning yonida Mavlono Jaloliddin Muhammad Balxiy, Nizomiy, Fuzuliy, Alisher Navoiy, Xorazmiy va İbn-i Sino kabi bilim va adabiyot dunyosi yulduzlarining asarlarini o‘rganib chiqqan. Arab, fors va tojik tillarini o‘rganib, Firog‘iy maxlasi bilan turkmancha sherlar yozmoqqa boshlagan. Undan Divon-i Maxtumquli Firog‘iy isimi qimmatbaho bir asar bizgacha yetib kelgan. Firog‘iy Divoni bilim insonlari tamonidan kunimizga qadar har tamonlama tekshirilib, uning diniy, falsafiy, ta’limiyi, ijtimoiy qarashlari ortaga qo‘yilgan.

Maxtumquli Firog‘iy, 18-asr turkman adabiyotining eng muhim shoiri va yirik namoyandalaridan biridir. U milodiy 1733-yilda hozirgi Turkmanistonning Qoraqala degan joyida dunyoga kelgan. Firog‘iy dastlabki ta’limotini shoir otasi Davlat Muhammad Ozodiydan olgan. Keyinchalik otasi uning yaxshi shakilda ta’lim va tarbiya olishi uchun Niyoz Solih isimli bir ustodning yonida o‘qishga qo‘ygan. Niyoz Solih Maxtumqulining birinchi ustodlaridan sanaladi. [1, B.11] Firog‘iy, daslabki o‘qishini o‘z qishlog‘ida tugatib, Halochdagi Qizil oyog‘ madrasasiga o‘qishga boshlaydi. U yerdan Buxorodagi Ko‘kaldosh madrasasiga o‘qishga o‘tadi[2, B.153]. Ancha muddat songra Buxorodan Xivaga o‘tadi. Xivadagi Sherg‘oziy madrasasida o‘qishni boshlaydi va u yerda uch yil bilim oladi[3, B.158]. Shoir diniy, tavasavvufiy va falsafiy o‘qishlarining yonida, Muhammad Xorazmiy, Forobiy, İbn-i Sino, Mavlono Jaloluddin Muhammad Balxiy, Alisher Navoiy, Nizomiy va Fuzuliy kabi bilim va adabiyot yulduzlarining asarlarini o‘raganib chiqadi. [4, B.111] Arab, fors, tojik va o‘zbek tillarini o‘rganib, Firog‘iy maxlasi bilan turkman tilida sher yozmoqqa boshlaydi. Rivoyatlarga ko‘ra, u milodiy 1970-yilda dunyodan ko‘z yumgan. Undan «Maxtumquli Devoni» ismli nodir bir asar bizgacha yetib kelgan.

«Firog‘iy Devoni» bilim insonlari tomonidan kunimizga qadar har tomonlama tekshirilib, uning diniy, falsafiy, ijtimoiy, siyosiy qarashlari o‘rtaga qo‘yilgan. Bu maqolada esa, Firog‘iyning sheriyat dunyosidagi o‘git tasbiq qilinib o‘rtaga qo‘yilgan.

O‘git:

O‘git so‘zi, so‘zliklarda *pand, andarz, nasihat, va’az, o‘git* va *o‘gut* shaklida kelmoqdadir. Adabiyotda esa, birovning yaxshiligi uchun unga to‘g‘ri yo‘lni ko‘rsatish omoji bilan aytilgan hikmatli so‘zlarga o‘git deyiladi. O‘git, Islom va adabiyot dunyosida ham katta o‘ringa ega bo‘lgan. Muqaddas kitobimiz bo‘lgan Quroni Karimning ko‘pincha oyatlarida nasihat kalimasi zikir qilingan. Misol sifatidfa:فَجَعَلْنَاهَا نَكَالاً لِمَا بَيْنَ يَدَيْهَا وَمَا خَلْفَهَا وَمَوْعِظَةً لِلْمُتَّقِينَ *[Biz buni, uni ko‘rganlarga va undan keyin kelganlarga ibrat va Allohdan qo‘rqganlarga nasihat qildik. Baqara/66]* أُبَلِّغُكُمْ رِسَالَاتِ رَبِّي وَأَنَاْ لَكُمْ نَاصِحٌ اَمِينٌ *[Men sizga rabbimning nozil qilgan narsalarini yetkazaman. Men siz uchun ishonchli bir nasihatchiman. A’rof/68]*

Payg‘ambarimiz Hz. Muhammad (SAV) ham din o‘git va nasihat beruvchi deb xitob qilgan [الدِّينُ النَّصِيحَةُ].

Adabiyot dunyosida ham musulmon shoirlar tomonidan, pandnoma vayo nasihatnoma boshlig‘i ostida nodir asarlar yaratilgan. Firog‘iyning sherlarida ham ushbu mavzu buyuk o‘ringa ega bo‘lib quyidagicha ochiqlangan:

Baqosiz mol u mulk va vafosiz dunyo haqidagi o‘gitlar:

Umringga aldanma, o‘dina yonma,
Molingga quvonma, mulka doyonma.
Munda bad ishlama, onda utonma,
Hisob kuni xayring olib bor bila. [Devon1, 204/11-12]

Bu dunyo molindin kim oldi bir zot,
Avvali g‘am qayg‘i, oxiri barbod.
Bo‘lajag‘ing budur sening odamzod,
Yo‘q bo‘lursan tufroq bila tuz bila. [Devon 2, 206/11-12]

Molingga mulkingga mag‘rur o‘lunma,
Ay yo‘q yerdin gelan getti bu roya.
Bo‘lur bo‘lmaz ishlar uchun bulanma,
Cho‘xlar gelib botib qoldi bu loya. [Devon 2, 215/1-2]

Topsangda dunyoda mulk-i Iskandar,
Qorunning moli ham bo‘lsa muyassar.
Oxiri bo‘lursin yerga barobar,
Ko‘nlingda man-manlik sotiji bo‘lma. [Devon 2, 292/27-28]

Yo‘q vafosi do‘stlar foniy dunyoning,
O‘luncha tark etma xayr u ihsoning.
Boran so‘n gelmaga yo‘qdur majoling,
İnon bu so‘zlarin yaloni bo‘lmaz. [Devon 2, 281/17-18]

Dunyo gelanlaring bori yo‘q bo‘lur,
G‘ofil odam bilmazlikda aldanur.
Yig‘inan zoding bori dunyoda qolur,
Hich bir odam olib borani bo‘lmaz. [Devon 2, 281/13-14]
Maxtumquli aydar yer yuzin yursang,
Oxir o‘lumdur dunyoni duzsang.

Uch yuz elli olti o‘lamni gezsang,
Filqus o‘g‘li shoh Sikandar bila. [Devon 2, 205/9-10]

Oqil fikret har qachon,
Yuz qo‘nan bor yuz go‘chan.
Taxti osmondin uchan,
Sulaymon o‘ldi gitti. [Devon 2, 221/3-4]

Mard va nomard haqidagi o‘gitlar:

Go‘kdin nam dushmasa yer o‘t getirmaz,
Yig‘ilsa ming qig‘i bir ish bitirmaz.
Er yigit ko‘ngliga qayg‘i getirmaz,
Nomard o‘g‘lidek qochici bo‘lma. [Devon 2, 225/15-16]

G‘arq o‘lsang daryoya dush gelsang darda,
Tam’a uchun ochma yuzingdin parda.
Aslo dilak etma ganda nomarda,
Ishing dushub do‘sta yora yuz ursang. [Devon 1, 107/6-5]

Mard o‘g‘lidur ilga yozar dasturxon,
Do‘g‘ri ustinda birar shirin jon.
Umrini o‘tkarar demaz bir yalon,
Jahd aylab yamon so‘z topiji bo‘lma. [Devon 2, 292/17-18]

Xayr u saxovat to‘g‘risidagi o‘gitlar:

Har yon getsang borjaq yering go‘r bo‘lur,
Xayr qozon yotan yering nur bo‘lur.
Yaxshi bo‘lsang joying jannat hur bo‘lur,
Yamon bo‘lsang ko‘ydurgaylar nor bila. [Devon 2, 204/4-5]

To‘g‘rilik haqidagi o‘gitlar:

Munda qul bo‘l, bor ul jahon seningdur,
Alvon ni’mat toza buryon seningdur.
Bihisht buroq, hur-i rizvon seningdur,
Osi odam dog‘ri gelsang yo‘l bila. [Devon 2, 207/7-8]

Shum do‘st to‘g‘risidagi o‘git:

Garchi tilda do‘st ham bo‘lsa shoningda,

Bir it bilib og‘och saqla yoningda.
Bir gun bo‘lur illat qo‘yar joningda,
Umringda og‘rashib, gezsang shum bila. [Devon 2, 225/11-12]

Yatim to‘g‘risidagi o‘git:

Yatimi go‘randa gulan yuz bergin,
Qo‘ldin gelsa anga ta’om duz bergin.
G‘amgini go‘randa yaxshi so‘z bergin, [Devon 2, 241/3-4]

Yaxshi va yamon ish haqidagi o‘gitlar:

Halol ishla, oxiratdin vahming bor,
Faqiri injitma ko‘ngul rahming bor.
Oshiq aydar oz da ko‘b da fahming bor,
Oqil bo‘lsang so‘za quloq tut yaxhshi. [Devon 2, 241/3-4]
Bandasan bad ishga botirliq qilma,
Olninda qo‘yarlar ul gun bu ishi.
Nafsa uyma shayton royina getma,
Xijolata qo‘yar bilgin bu ishi. [Devon 2, 244/1-2]

Davat yo chaqiriq to‘g‘risidagi o‘gitlar:

Choqiliq xabarsiz bir yera borsang,
Imtiyoz aylagin otursang, tursang.
Bir nasihat beray pandimni olsang,
Kish, oshin tuzin todici bo‘lma. [Devon 2, 225/9-10]
Chog‘irilon yera borda, o‘turda turma,
Chog‘irilmodiq yera borma go‘runma.
Utonmaz odamdek suyranib yurma,
Buyrilmag‘on ishi idici bo‘lma. [Devon 2, 225/11-12]

Yaxshi va yomon kishilarga tegishli o‘gitlar:

Yaxshilardin hargiz chiqmaz yomonliq,
Asli yomon bo‘lsa chiqmaz yaxshiliq.
Aslina tortadur, yuruk chamonliq,
Yurugi chamona sotiji bo‘lma. [Devon 2, 292/7-8]

Xizmat to‘g‘risidagi o‘gitlar:

Xizmat qilsang bo‘lsin bir asilzoda,
Ota-bobosindin beg u, begzoda.
Harchand agar bo‘lsa och ham uftoda,
Yonindin bir zamon gidici bo‘lma. [Devon 2, 292/3-4]

Kibr va g‘ururga tegishli o‘gitlar:

Topsangda dunyoda mulki Iskandar,
Qorunning moli ham bo‘lsa muyassar.
Oxiri bo‘lursin yerga barobar,
Ko‘nglingda man-manlik sotiji bo‘lma. [Devon 2, 292/27-28]
Boshing go‘ga go‘gsing ila go‘tarma,
Ko‘nglinga qo‘rqini chola getirma.
Yuragda yo‘q so‘zi tila getirma,
Ixlos qulog‘ina cholg‘in bu ishi. [Devon2, 224/9-10]

Ushbu maqolada, birinchidan, turkman adabiyotining eng buyuk shoiri Maxtumquli Firog‘iyning hayoti va adabiy kishiligi haqida har tamonlama bilgi berilgan. Keyinchalik esa, Islom va adabiyot dunyosida buyuk o‘nam toshigan o‘git (nasihat) to‘g‘risida batafsil ma’lumot berilgan. Eng so‘ng esa, maqolaning asosiy mavzuiydan iborat bo‘lgan Maxtumquli Firog‘iyning sheriyat dunyosidagi o‘gitlar tasbit etilib, baqosiz mol u mulk va vafosiz dunyo, mard va nomard, xayr u saxovat, to‘g‘rilik, shum do‘st, yatim, yaxshi va yamon ish, da’vat yo chaqiriq, yaxshi va yomon kishi, xizmat, kibr va g‘urur unvonlari ostida ko‘rsatilgan.

Darhaqiqat, «Maxtumquli Firog‘iyning sheriyat dunyosidagi o‘namli o‘gitlar» deb nomlangan maqola, dastlabki tadqiqotlardan biri bo‘lib o‘zbek va turkman adabiyotining sohasiga hissa qo‘shish omoji bilan yozilmoqdadir.

Adabiyotlar

1. Ko‘sayev, M. Magtimguli Piragi / Magtimguli. Beyik Şahiriñ 225 Yilligina Bagişlanan Makalalar Yigindisi / Aşgabat: 1959. – S. 3-29.
2. Şamıradov, B. «Türkmen Klassiki Edebiyatiniñ Guvanci» Magtimguli / Şahiriñ Ömrüne ve Dörediciligine Degişli Makalalar

Yigindisi. – Aşgabat: Türkmenistan Dövlet Neşiryati, 1960. – S. 153-157.

3. Garrıyev, M. «Söz Ussadi» Magtimguli, (Şahiriñ Ömrüne ve Dörediciligine Degişli Makalalar Yigindisi). – Aşgabat: Türkmenistan Dövlet Neşiryati, 1960. – S. 158-161.

4. Atayev, K. XVIII Asir Turkman Adabiyoti. – Aşgabat: Magarif, 1988.

5. Qujaq, Yusuf. Divon-i Maxtumquli Firog‘iy 1 (Matn-i İntiqodiy), intishorot-i Maxtumquli Firog‘iy. – İron: Gurgon, 2013.

6. Qujaq, Yusuf. Divon-i Maxtumquli Firog‘iy 2 (Matn-i İntiqodiy), intishorot-i Maxtumquli Firog‘iy. – İron: Gurgon, 2013.

Rezyume

Ushbu maqolada Maxtumquli Firog‘iyning sheriyat dunyosida yer olgan o‘gitlar, insonparvarlik g‘oyalari va nasihatlar tasbit etilib farqli boshliqlar ostida ochiqlangan.

Kalit so‘zlar: Maxtumquli Firog‘iy, turkman adabiyoti, Firog‘iy «Devon»i, o‘git, insonparvarlik.

Summary

In this article, under different headings, the teachings, humanitarian ideas and advice of Magtymguly Fragi in the world of Sharia are identified and revealed.

Key words: Magtymguly Fragi, Turkmen literature, «Devon» by Fragi, humanism.

Резюме

В данной статье под разными рубриками идентифицируются и раскрываются учения, гуманитарные идеи и советы Махтумкули Фраги в мире шариата.

Ключевые слова: Махтумкули Фраги, туркменская литература, «Девон» Фраги, гуманизм.

ТВОРЧЕСТВО МАХТУМКУЛИ В КОНТЕКСТЕ КАЗАХСКО-ТУРКМЕНСКИХ ЛИТЕРАТУРНЫХ СВЯЗЕЙ

Шарип Амантай ЖАРЫЛКАСЫНУЛЫ,
доктор филологических наук, профессор кафедры тюркологии
Евразийского национального университета им. Л.Н.Гумилева
(г.Астана, Казахстан)

В процессе исторического развития культурно-духовная жизнь туркменов и казахов всегда была тесно взаимосвязана. Можно смело предположить, что о жизни и творчестве великого поэта и мыслителя Махтумкули Фраги жители западных регионов Казахстана, особенно Мангыстауской и Атырауской областей, а также района низовьев Сырдарьи и Приаралья знали еще в XVIII–XIX веках.

Если принять во внимание то, что он много путешествовал по разным уголкам Турана и немало поэтических строк посвятил Ходжа Ахмеду Ясауи, заодно воспел Туркестан и Сайрам, то возникает мысль: возможно, его нога ступала и на эти священные земли. К тому же в Хиве и Бухаре, где получил образование Махтумкули, обучалось немало казахских шайыров, которые могли распространить его стихи среди собственного народа.

Например, крупный поэт и философ Машхур Жусуп Копейулы (1858–1931) в одном из своих трудов приводит изречения Ахмеда Ясауи, которые прозвучали из уст Махтумкули. А книга немецкого этнографа и путешественника Рихарда Карутца «Среди киргизов и туркменов на Мангышлаке», изданная в Санкт-Петербурге в 1911 году, является первым документальным источником и письменным подтверждением осведомленности прикаспийских казахов тех времен о поэзии туркменского классика. В главе «Тысяча и одна ночь» автор повествует о том, что его проводник Ураз имел в своем сказительском репертуаре «геройские песни Махдункули (Махтумкули)» [1, С.173].

С 40-х годов прошлого века поэзия Махтумкули начала широко проникать в культурную жизнь всего населения

необъятного Казахстана благодаря переводам его произведений на казахский язык. Этот процесс успешно продолжается по сей день.

Первым переводчиком стихов Махтумкули на казахский язык стал Гали Орманов (сборник вышел в 1947 году с предисловием Баймухамеда Каррыева) [2], который впоследствии писал: «В юности я влюбился в стихи Махтумкули и мечтал посетить его прекрасные родимые края. Считал своим долгом навестить Сонудаг, когда я буду на его родине» Юношеские грезы осуществились, и Гали имел честь быть участником торжественных мероприятий, посвященных 225-летию Махтумкули (1959). О своих трогательных впечатлениях он написал в стихотворении «На родине Махтумкули» (каз. «Мақтымқұлы мекенінде»; турк. «Магтымгулының меканында») [3, С.395].

Популярный композитор и певец Игилик Омаров сочинил на гошук «Болар сен» (в переводе Г.Орманова – «Боларсың») душераздирающую мелодию, дав ей казахское название «Мақтымқұлының термесі» [4]. И этот замечательный речитатив не сходит со сцен концертных залов Казахстана вот уже более полувека, его исполняют несколько поколений профессиональных музыкантов под аккомпанемент домбры. Сейчас данное произведение входит в репертуар Б.Кызырова, С.Хасенова, С.Медеуова, Б.Удербаевой, Е.Касымбека, А.Абдикерима. Оно стало любимым, родным и близким самым широким кругам слушателей настолько, что часто звучит во время народных торжеств и даже праздничных застолий.

В 50-х годах XX века в дело перевода стихов Махтумкули внес значительный вклад народный писатель Казахстана, лауреат Государственой премии Гафу Кайырбеков [5]. Позже один из авторов гимна Республики Казахстан, талантливый поэт-новатор Жумекен Нажимеденов в своем литературном дневнике сделал запись о том, что художественный перевод Гафу Кайырбекова очень близок к оригиналу. Также Жумекен в стихотворении «Когда ночью, изнуряя себя, пишешь стихи...» («Түнімен жыр жазғанда шаршап, талып...») с большим

почтением отзывается о поэтах, которые оказали влияние на его творческое становление, и в их числе упоминает Махтумкули: «Бір ойың Абай, Тоқай, Мақтымқұлы, Бір ойың Есенинге қапты ұмтылып» («Одна мысль стремится постичь Абая, Тукая, Махтумкули,/Другая несется к Есенину») [6].

Безусловно, уроженец Балканского велаята Туркменистана, одаренный казахский поэт Дуйсенбек Канатбаев оставил заметный след в развитии и укреплении литературных связей двух родственных народов, посвятив определенную часть своего творчества переводу стихов Махтумкули.

«Я с малых лет знал наизусть стихи Махтумкули. Мои детские годы прошли в туркменских степях. Я жил и рос среди туркменов, – писал Д. Канатбаев. – Мы вместе исполняли и находили неразрывную связь между казахской песней «Қаратаудың басынан көш келеді, Көшкен сайын бір тайлақ бос келеді» и туркменским айдымом «Даглар башы думан-думан, ел гелйәр-а, Бибиджан». Повзрослев, я пришел к твердой мысли, что мне надо перевести стихи Махтумкули, сохраняя колорит первоисточника. После приезда в Алма-Ату наряду с сочинением собственных стихов я всерьез задумался о переводе туркменских поэтов на казахский язык. Я уверен, что перевод стихов великого поэта Махтумкули – это не одноразовая попытка, не занятие нескольких лет, а пожизненный долг» [7, С.6].

Дуйсенбек Канатбаев успешно осуществил свою миссию, и в 1983 году издательством «Жазушы» был выпущен сборник избранных стихов Махтумкули в его переводе (переиздан в 2000 году издательством «Білім»), который получил восторженные отзывы литературных критиков и читателей. Надо отметить, что стихи Махтумкули в переводе Д. Канатбаева были напечатаны отдельной книгой в Ашгабате в 2014 году (издательство «Ылым») [8].

Из современной плеяды известных казахских поэтов можно выделить Светкали Нуржана, который вплотную занимался изучением философского мировоззрения

Махтумкули и перевел его стихи, вошедшие в поэтический сборник «Әулиелер әуезі» («Голос святых», 2009) и в 7-й том многотомника произведений автора (2013), а также в антологию «Туркменская поэзия», выпущенную издательством «Қазақ энциклопедиясы» (2012).

Самые лучшие переводы стихов Махтумкули, сделанные вышеназванными поэтами, включены в двуязычный (туркмено-казахский) сборник, составленный и опубликованный Международной Тюркской академией в 2014 году [9].

В казахстанском интернет-пространстве стихи Махтумкули пропагандируются также с помощью современных информационных технологий. Например, они размещены в аудиокниге, озвученной диктором Казахского радио Буркутом Бекмагамбетовым, которую можно слушать на онлайн-платформе Kitap.kz.

Видные казахские ученые разных периодов, в том числе академики Мухтар Ауэзов, Заки Ахметов, Рахманкул Бердибай, Серик Кирабаев, Уалихан Калижан, Бауыржан Омаров, автор монографии «Казахско-туркменские литературные связи» Сагынгали Сейитов, в своих научных трудах высказывали конкретные суждения о личности и творческом наследии Махтумкули. Их уважительное отношение к великому поэту можно резюмировать словами Заки Ахметова: «Гений Махтумкули – это сияющая звезда на небосклоне человеческой мысли и духа... Мы можем сказать, что Махтумкули считается одним из самых знаменитых и любимых поэтов в Казахстане».

В этой обзорной статье я уделил внимание только этапам и путям проникновения поэзии Махтумкули в казахскую литературу. Уверен, что подробный анализ поэтического многообразия и отличительных черт стихов Махтумкули (мотив любви к родной земле и национального единства, образ его возлюбленной Менгли, философские раздумья и нравственные каноны, переход от арабо-персидской метрики стихосложения к тюркской силлабической системе) в контексте казахской и в целом тюркской, восточной и европейской литературы будет продолжен современными казахскими учеными.

Литература

1. Карутц Р. Среди киргизов и туркменов на Мангышлаке: Этногр. очерки. – Санкт-Петербург, 1911. – 189 с.

2. Мақтымқұлы. Таңдаулы өлеңдер. Ауд. Ғ.Орманов. – Алматы: Қазақстан біріккен мемлекеттік баспасы, 1947. – 124 б.

3. Орманов Ғ. Таңдамалы өлеңдер. – Алматы: Жазушы, 1967. – 652 б.

4. Әлжантегі Т. Кербез әнші Игілік Омаров мірінен екі сыр// https://m.my.mail.ru/community/akyn./18E276A3ABE526CD.html

5. Мақтымқұлы. Таңдамалы өлеңдер. – Қазақтың мемлекеттік көркем әдебиет баспасы, 1959. – 163 б.

6. Нәжімеденов Ж. Түнімен жыр жазғанда шаршап, талып... // https://zhumeken.kz/olender/tunimen-zhyr-zhazganda-sharshap-talyp.html

7. Мақтымқұлы. Таңдамалы. Түрікмен тіл. ауд. Д. Қанатбаев. – Алматы: Жазушы, 1983. – 143 б.

8. Мақтымұлы Пырағы. Таңдамалы өлеңдері. Түрікмен тіл. ауд. Д.Қанатбаев., редак.басқар. Қ.Аманниязов. – Ашхабад: Ылым, 2014. – 256 б.

9. Мақтымқұлы=Magtymgulu: Түрікменше-қазақша жырлар жинағы. Жауапты шығ. Ж. Бәделұлы. – Астана: Халықаралық Түркі академиясы, 2014. – 249 б.

Rezyume

Tarixiy taraqqiyot jarayonida turkmanlar va qozoqlarning madaniy-ma’naviy hayoti hamisha o‘zaro chambarchas bog‘liq bo‘lgan. Taxmin qilish mumkinki, Qozog‘istonning g‘arbiy viloyatlari, xususan, Mang‘istau va Atirau viloyatlari, shuningdek, Sirdaryoning quyi oqimi va Orolbo‘yi aholisi buyuk shoir va mutafakkir Magtimguli Fraga hayoti va ijodi haqida o‘tgan asrlarda bilishgan. 18-19-asrlar. Ushbu taqriz maqolasida muallif faqat Maxtimquli she’riyatining qozoq adabiyotiga kirib borish bosqichlari va yo‘llariga e’tibor qaratgan.

Kalit so‘zlar: turkman va qozoqlarning madaniy-ma’naviy hayoti, Maxtimquli she’rlarining poetik rang-barangligi va o'ziga xos xususiyatlari.

Summary

In the process of historical development, the cultural and spiritual life of Turkmens and Kazakhs has always been closely interconnected. It can be assumed that residents of the western regions of Kazakhstan, especially the Mangystau and Atyrau regions, as well as the lower reaches of the Syrdarya and Aral Sea region, knew about the life and work of the great poet and thinker Magtymguly Fraga back in the 18th–19th centuries. In this review article, the author paid attention only to the stages and ways of penetration of Magtymguly's poetry into Kazakh literature.

Key words: cultural and spiritual life of Turkmens and Kazakhs, poetic diversity and distinctive features of Magtymguly's poems.

Резюме

В процессе исторического развития культурно-духовная жизнь туркменов и казахов всегда была тесно взаимосвязана. Можно предположить, что о жизни и творчестве великого поэта и мыслителя Махтумкули Фраги жители западных регионов Казахстана, особенно Мангыстауской и Атырауской областей, а также района низовьев Сырдарьи и Приаралья знали еще в XVIII–XIX веках. В этой обзорной статье автор уделил внимание только этапам и путям проникновения поэзии Махтумкули в казахскую литературу.

Ключевые слова: культурно-духовная жизнь туркменов и казахов, поэтическое многообразие и отличительные черты стихов Махтумкули.

GARAGALPAK EDEBIÝATYNDA MAGTYMGULYNYŇ EDEBI DÄPLERINIŇ ÖSDÜRILIŞI

Turganbaý Arazmedowiç KERWENOW,
Ajiniýaz adyndaky Nöküs döwlet pedagogika instituty professory,
filologiýa ylymlarynyň doktory

Türkmen halkynyň beýik şahyry Ahmet Mämmedowyň:

Gadymýetden kökleri bir –
Özbek – türkmen – garagalpak.
Ömür – ykbal depderi bir –
Özbek – türkmen – garagalpak.

- diýip şygyr setirlerinde belleýşi ýaly doganlyk türkmen, özbek we garagalpak halklary irki döwürlerden bäri goňşy bolup ýaşap, olaryň arasynda ykdysady, syýasy, medeni gatnaşyklaryň giňden ýola goýlandygy we häzirki wagtda bu hyzmatdaşlygyň işjeň ösdürilýändigi hemmämizi begendirýär. Bu halklaryň medeniýeti we edebiýaty biri-birine juda ýakyn. Nusgawy edebiýatymyzyň taryh sahypalaryna ser salanymyzda hem iki halkyň söz ussatlarynyň biri-biriniň döredijiligine uly sarpa goýandygy, olary özlerine halypa saýandygynyň şaýady bolan maglumatlara kän duş gelýäris. «Edebi tasir, edebi gatnaşyk, we terjime her bir milli edebiýatyň ösüşinde esasy orny eýeleýär. Hiç bir, hatda ýokary derejedäki ösüşiň etaplaryna ýeten döwlet hem beýleki döwletleriň belli derejedäki täsirlerini döredijilik bilen özleşdirmän, bu hadysa ýetmek mümkin bolmaýşy ýaly, çeper edebiýat hem uzag-u-ýakyn goňşularynyň bu hakyndaky tejribeleriniň tasiri bolmazdan ösmeýär», – diýip, akademik Bagtyýar Nazarow dogry belläpdi.

Özbek, türkmen we garagalpak edebiýatynyň edebi gatnaşyklary hakynda edebiýatşynas alymlarynyň ylmy barlaglary hem bar. Aýratyn hem Magtymgulynyň döredijiliginiň özbek we garagalpak edebiýatyndaky orny hem-de ähmiýeti meseleleri babatynda Akademik Bagtyýar Nazarowyň, prof. Kerimbaý Kurambaýewiň, prof Mamatkul Juraýewiň, prof. Bahadyr Karimowyň, prof. G.Orazymbetowyň, prof. O.Gaýlyýewanyň, edebiýatçylar P.Allambergenowanyň, F.Sapaýewanyň, S.Jepbarowa

we beýleki alymlaryň ylmy barlaglaryny agzap geçmek bolar. Garaşsyzlyk döwürde garagalpak edebiýatşynaslygynda Magtymgulynyň edebi däpleriniň XIX asyr garagalpak şahyrlarynyň döredijiliginde dowam edilişi barada ýörite ylmy barlag işini alyp baran filologiýa ylymlarynyň kanditaty Patima Allambergenowanyň «Garagalpak edebiýatynda Magtymgulynyň edebi däpleri (XIX asyr garagalpak lirikasy mysalynda)» (Nöküs, 1999), Feruza Sapaýewanyň «Magtymguly şygyrlarynyň özbekçe terjimeleriniň deňeşdirme barlagy» (Daşkent, 2018), O.Gaýlyýewanyň «Garaşsyzlyk döwri türki halklar lirikasynda şekil gözlegleri we olaryň tipologiýasy (özbek, türkmen we garagalpak lirikasy mysalynda)» (Nöküs, 2019) we beýleki ylmy barlaglary goraldy.

Magtymgulynyň eserleri özbek we garagalpak dillerine birnäçe gezek terjime edildi. Şahyryň eserlerini garagalpak diline terjime etmekde Ibraýym Ýusupow, Uzakbaý Pirjanow, Keňesbaý Karimow, Abylkasym Ötepbergenow we beýlekileriň aýratyn hyzmatlaryny agzap geçmelidiris. Mundan başga-da Garagalpagystanda häzirki wagtda Magtymgulynyň döredijiliginiň garagalpak edebiýatyna edebi täsiri we şahyryň eserleriniň terjimeleri babatynda ýaş edebiýatçylar tarapyndan ylmy barlag derňew obýekti hökmünde öwrenmek işleri hem işjeň dowam edýär.

Hemmämize mälim özbek edebiýatynyň nusgawy şahyry Alyşer Nowaýynyň edebi döredijiliginden täsirlenen Magtymguly ony özüniň ruhy halypasy hasaplaýar. Öz nobatynda Magtymgulynyň edebi mekdebiniň täsiri XIX asyr garagalpak şahyrlary Günhoja, Ajiniýaz, Berdak we beýlekileriň döredijiliginde uly ähmiýete eýedigi edebiýatşynaslyk ylmynda subut edilen hakykat. Olar Magtymgula «söz ussady – beýik halypa» diýip ýüzlenipdirler. Meselem, garagalpak nusgawy şahyry Berdimyrat Berdak:

Maktymkulyny okyganda,
Aýtar edim här zamanda:
«Kemis barma, begler anda?»
Sözin tawap kylar edim.

– diýip, öz şygrynda Magtymgulynyň edebi mekdebi şahyr üçin «ylham çeşmesi» bolandygyny aýratyn nygtaýar. Şonuň bilen

birlikde Berdak beýik söz ussady Magtymgulynyň eserleriniň garagalpak iline tanalmagy we giňden ýaýramagy üçin gaty aladalanan şahyr hasaplanýar. Ol şahyr bolmak bilen birlikde bagşyçylyk bilen-de meşgullanypdyr. Berdak eline dutar alyp, halk arasynda Magtymgulynyň şygyrlaryny saza goşup, aýdym edip aýdypdyr. Magtymguly we Berdagyň ýaşan zamanlary aýry-aýry bolsa-da, olaryň döredijiliginde ideýa-tematiki, žanr baglanyşyklarynyň bardygy göze düşýär. Iki şahyr hem öz döredijiliginde durmuş wakalaryny real suratlandyrýar. Berdagyň «Yzlardym men», «Halk üçin» we beýleki şygyrlarynda Magtymgulynyň edebi däpleri giňden dowam edilipdir hem-de ösdürilipdir.

Şeýle hem garagalpak nusgawy şahyry Ajiniýazyň döredijiliginde-de beýik şahyr Magtymgulynyň edebi täsiri duýulýar. Magtymguly tarapyndan ulanylan edebi žanrlar, çeper şekiller Ajiniýaz döredijiliginde hem ussatlyk bilen gollanylypdyr. Meselem, iki şahyryň goşgularynda durmuş hakykatyny suratlandyrmak bilen birlikde mifologik mazmunyň-da siňdirilendigini görýäris. Magtymgulynyň «Atly ýaranlar», «Üçi öwlatdan», «Batdy ýaranlar», «Köp jan geçipdir» we ş.m. goşgularynda gadymy mifologik obrazlar giňden ulanylypdyr. Şeýle obrazlar liriki gahrymanyň pikir-duýgularyny çeper beýan etmekde çeperçilik serişdesi hökmünde hyzmat edýär. Bu bolsa çeper detallary saýlap almagynda şahyryň ussatlygyny görkezýär we Magtymguly bu täri çeper däp derejesine ýetiripdir. Ajiniýaz hem özüniň «Diýmişler» atly goşgusynda Magtymgulynyň bu ýörelgesini dowam edip, älemiň ýaradylyşy, dünýäniň syrlary hakyndaky gadymy mifologik garaýyşlary çeper suratlandyrypdyr. Şu nukdaýnazardan seredende, Magtymguly bilen Ajiniýazyň döredijiliginde mifologik obrazlaryň ulanylyşynda käbir meňzeşlikleriň hem bardygyny belläp geçmelidiris. Magtymgulynyň «Batdy ýaranlar», Ajiniýazyň «Diýmişler» atly goşgularynda mifologik şahslar bolan - Lukman hekim, Ýusup, Süleýman, pygamberleriň näçe ýaşandyklary, näme iş edendikleri aýdylyp, olaryň çeper obrazlary döredilipdir. Şeýlelikde, iki şahyryň döredijiligini birleşdirýän zat - edebi ideýa birligidir.

Mundan başga-da döwrebap garagalpak şahyrlary I.Ýusupow, T.Jumamyradow, K.Karimow, B.Genjemyradow, S.Ibragimow we beýlekileriň döredijiliginde-de Beýik Pyragynyň edebi döredijilik täsiriniň bardygy we olaryň eserlerinde Magtymgula bagyşlap birnäçe şygyrlar hem ýazylandygyny görmek bolýär. Mysal üçin, I.Ýusupow öz döredijiliginde «Magtymgulynyň ýoluna», «Zeň galmaz», «Bolmasa» ýaly şygyrlaryny Magtymgulynyň şygyrlaryna nezire şekilinde ýazyp, garagalpak okyjylaryna hödürledi.

Şahyr özüniň «Toýlara ulaşsyn toýy türkmeniň» atly şygrynda Magtymgulyny hormat bilen dile alýar:

Horezm, Taşawuz, Karakalpagy,
Katar kongan bir atanyň urpagy,
Saýalasa bir güžümninň jarpagy,
Suwyma sagalas suwy türkmenniň.

Ygbal güli pitip kyzyl kyýaga,
Bahtymyz aşylyp künnen zyýada,
Kaýtadan kaýgyryp keldi göýaga,
Maktymkuly – sözler tili türkmeniň.

Bu şygyrda şahyr öz ruhy halypasy Magtymgulynyň edebi däplerini dowam etdi. Onda XX asyrda Magtymgulynyň eserleriniň garagalpak iline giňden ýaýrandygy, eserleriniň çeper terjime edilip, okyjylara hödürlenendigini janlandyrma tärde (Kaýtadan kaýgyryp keldi göýaga) suratlandyrýar we şygyr bendiniň ahyrynda Magtymgulynyň «Türkmeniň» şygryndaky «Magtymguly sözlär tili türkmeniň» diýen şygyr setiri şol durkunda gaýtalanyp gelýär. Şeýleleikde, şygra mazmun we şekil täzeçilligi çaýylýar.

Garagalpak halk şahyry T.Jumamyradowyň döredijiliginde hem Magtymgulynyň edebi däpleriniň ösdürilendigini görmek bolýär. Meselem şahyryň «Adam geler, gider düzümde-düzüm» atly şygry Magtymgulynyň «Batdy ýaranlar» şygry bilen mazmun, tematika, poetik owaz, bent, bogun sany, çeper şekili boýunça juda ýakyn. T.Jumamyradowyň şygry şeýle başlanýar:

Adam keler-keter dürkin häm dürkin,
Jürek kyýmak emes dünýanyň körkin.

Ulykmandaý myň jyl ömir sürseň de,
Sonyň arjagynda bar tagy bir kün.

Şahyr bu şygrynda dünýäniň ötegçidigini, onda adamyň gelip, ömür sürüp, ahyrynda bolsa o dünýä barýandygy müň ýyl ömür süren Lukman hekim bilen deňeşdirilip suratlandyrylýar. Şygyrda adam bu ömründe ýagşylyk edip, soňunda ýagşy at galdyrmalydygy hakyndaky pelsepewi pikir ýöredilýär. Şeýle pikirler bolsa Magtymgulynyň:

Dört müň dört ýüz ýaşan Lukman hekimiň,
Başy gara guma batdy, ýaranlar.
Kerk bedewli, agyr gürzli Rüstemiň,
Ajal jylawynda tutdy, ýaranlar.

Murabba şekilinde, 11 bogunly, barmak ölçeginde ýazylan şygry bilen mazmun taýdan gaty ýakyn. Magtymgulynyň dünýä, ömür hakyndaky pelsepewi pikirlerini şahyr T.Jumamyradow täzeçe, ýagny, döwrebap şekilde derňew edip, umumadamzat häsiýetleri bilen çaýyp, täzeçilligi ýüze çykarýar. Ýagny, Magtymguly özüniň şygrynda Lukman hekim, Rüstem hem bu dünýäden geçdi diýip beýan etse, T.Jumamyradow şygyr bendiniň dördünji setirinde «Şonuň aňyrsynda bar ýene bir gün» diýip, o dünýä, ruhy ýaşaýyş hakyndaky düşünjesini ýaşamak görnüşinde logiki pikirlenmäge yşarat edip suratlandyrýar. Şahyryň şygryndaky bu hadysa onuň nusgawy däplerden täsirlenendigini we özüniň çeper gözlegleri bilen eseri şekil hem-de mazmun jähtden baýlaşdyrandygy subut edýär.

Garagalpak şahyry A.Ötepbergenowyň döredijiliginde Magtymgulynyň edebi däpleri has hem giňden ösdürilýär. Şahyryň 2013-nji ýylda «Saýlanan eserler» ady bilen çap bolan kitabynyň IV jildini «Magtymgulynyň ýoly bilen» diýip atlandyrýar. Şahyryň «Aýrylma» atly şygry Magtymgulynyň «Aýrylma» murabba şekilindäki şygry bilen mazmun, poetik owaz, kompozision düzlüşi, bogun, kapyýa, ölçeg babatynda tipologik häsiýete eýe. Şahyr bu şygrynda Magtymgulynyň şygryndan epigraf alyp, oňa nezire baglaýar. Şeýlelikde, şahyr öz neziresinde Magtymgulynyň öwüt-nesihata ýugrulan pikirlerini ösdürýär we şekil taýdan täzeligi ýüze çykarýar. Meselem:

Jurttan ketip Watan gäda bolgannan,
Özgeniň kuly bop ada bolgannan,
Jat jerlerde jetim, pida bolgannan,
Sulyw-sänli sypatyňnan aýrylma.

«Öz üýiň öleň tösegiňnen» jaksy,
Tabylmas özge bir kewildiň nakşy,
Birewdiň minneti zäherden aşşy,
Namys penen hüždanyňnan aýrylma.

Şahyryň şygyr setirlerinde halk nakyllary giňden ulanylyp, pikiriň obrazlylygyny, emosionallygyny üpjün edýär. Bu tär şahyr A.Ötepbergenowyň däpleşen şekili täzeçe owaz bilen okyja ýetirmek ussatlgydyr, elbetde.

Magtymgulynyň «Görüm görülmegen ýerde» atly şygrynda:

Akyl bolan söz açarmy?
Nobat berilmegen ýerde.

beýan edilen pikire ýakyn A.Ötepbergenowyň «Söz nobaty berilmese diliňe berk bol» atly şygry bar. Şygra tema edip alnan sözler her bendiň dördünji setirinde refren bolup gaýtalanyp gelýär:

Orynsyz jerlerde bir awyz söziň,
Basyňa bäle bop, şygarar köziň,
Köp işinde kara bolar ak jüzüň,
Orynsyz jerlerde tiliňe bek bol.

Umuman aýdanymyzda, Magtymgulynyň döredijiligi diňe bir türkmen edebiýatynda däl, eýsem, bütin Gündogar edebiýatynda, şol sanda garagalpak edebiýatynda hem uly orna mynasypdygyny aýratyn bellemekçidiris. Bu günki garagalpak edebiýatşynaslygynda Magtymgulynyň döredijiligi aýratyn öwrenilýan derwaýys meseleleriň birine öwrüldi.

Edebiýatlar

1. Бердақ. Таңламалы қосықлар. – Нөкис, 1997.

2. Жумамуратов Т. Аралға келдим оралып. – Нөкис: Қарақалпақстан, 2016.
3. Қурамбоев К. Шоир ижодига эҳтиром рамзи // Махтумқули – илҳом чашмаси. – Тошкент: Тафаккур, 2012.
4. Magtymguly. Eserler ýygyndysy. 1 – jild. – Aşgabat: MGI, 2012.
5. Magtymguly. Eserler ýygyndysy. 2 – jild. – Aşgabat: MGI, 2012.
6. Махтумқули. Асарлар. – Тошкент: Akademnashr, 2013.
7. Махтумқули. (Таржимон Э.Очилов) Асарлар. – Тошкент: Akademnashr, 2013.
8. Өтепбергенов Ә. Мақтымқулы жолы менен. – Нөкис: Qaraqalpaqstan, 2013.

Rezyume

Bu makalada beýik türkmen nusgawy şagyry Magtymguly Pyragynyň döredijiliginiň Gündogar edebiýatynda tutýan orny, şol sanda garagalpak edebiýatynda şagyryň edebi däplerinniň ösdürilişi deňeşdirme görnüşde derňew edilýär.

Daýanç düşünjeleri: Magtymguly, edebi baglanyşyk, edebi däp, halypa-şägirt, şygyr.

Rezyume

Ushbu maqolada buyuk turkman mumtoz shoiri Maxtumquli Firog’iy ijodining Sharq adabiyotidagi o‘rni, jumladan, shoir adabiy an’analarining qoraqalpoq adabiyotida rivojlantirilishi qiyosiy tahlil qilinadi.

Kalit so‘zlar: Maxtumguli, adabiy aloqa, adabiy an’ana, ustoz-shogird, she’riyat.

Резюме

В данной статье в сравнительной форме анализируется роль творчества великого туркменского поэта-классика Махтумкули Пырагы в Восточной литературе, в том числе развитие литературных традиций поэта в каракалпакской литературе.

Ключевые слова: Махтумкули, литературная связь, литературная традиция, наставник-ученик, поэзия.

ЯНГИЧА ОҲАНГЛАРДА ЖИЛОЛАНГАН ТАРЖИМАЛАР

Каримбой ҚУРАМБОЕВ,
филология фанлари доктори, профессор,
Халқаро «Махтумқули Фироғий» номидаги
давлат мукофоти совриндори

Махтумқули Фироғий XVIII аср туркман адабиётининг буюк шоирларидан бири. У наинки туркман адабиёти, айни пайтда, жаҳон бадиий сўз санъатига, хусусан, туркий халқлар адабиётида ҳам номи, ижоди ҳурмат билан тилган олинадиган, қадрланадиган шоирлардан саналади. Махтумқули, айниқса Ўзбекистонда жуда машҳур. У ўзбекнинг ўз шоиридай бўлиб кетган, десам муболаға эмас.

Аслида юртимизда Махтумқулидан тўрт қатор шеър билмайдиган мухлис йўқ ҳисоби. Шоир шеърлари билан айтиладиган қўшиқларнинг ўзбек хонадонларига кириб борганига кўп йиллар бўлган. Махтумқулининг донишмандона ҳикматларининг афоризмларга айланиб қалбларга сингиб кетганидан халқимиз хабардор. Мана шундай ижодий салоҳиятига эга шоир шеъриятига қизиқиш кеча ёки бугун пайдо бўлган эмас, бу жараённинг ўзига хос тарихи бор.

Махтумқули ижодидан намуналар ҳозирги Ўзбекистон ҳудудига асосан XIX асрдан бошлаб кириб келган ва оммалаша бошлаган. Шоир ижодига қизиқиш халқ орасида тобора кучайиб бораверган. Махтумқули шеърларининг халфалар, бахшилар ва ҳофизлар репертуаридан кенг ўрин эгаллаши ва маҳорат билан куйланиши шоирни халққа янада яқинлаштирди.

Шу ўринда эътироф этиш керакки XIX аср туркман адабиёти вакилларини Ўрта Осиё халқлари ўз шоирлари ҳисоблайдилар. Шу давр маънавияти, маданий ҳаёти, айниқса адабиёти Махтумқули руҳияти, фалсафаси билан бойиб борди. Шулар қаторига қорақалпоқ халқининг Бердақ, Ажиниёз сингари шоирлари ижодини ҳам кўрсатиш мумкин.

Бердақ ижодида Махтумқули сўз очиб шундай дейди:

«Махтумқулини ўқиганда,
Айтар эдим ҳар замонда.

Нуқсон борми беглар анда,
Сўзин тавоф қилар эдим».

Бу мисол орқали биз қорақалпоқ адабиётининг таниқли намоёндаси, классик шоир Бердақнинг Махтумқулига катта ҳурмат кўрсатиб, меҳр қўйиб, унинг асарларини ҳавас билан севиб ўқиганларини айтиб ўтиш мумкин.

ХХ асрнинг 50 йилларида Махтумқули ижодини Ўзбекистонда тарғиб қилишнинг янги шакли пайдо бўлди. Бу таржима санъати билан боғлиқ ҳодиса эди. Шундай қилиб, шоир шеърларини ўзбек тилига таржима қилиш ишлари бошланди. Илк маротаба бу ишга таниқли ёзувчи олим ва таржимон Жуманиёз Шарипов қўл урди ва Махтумқулининг тўрт юзга яқин шеърларини ўзбек тилига ўгириб, тўплам шаклида чоп эттирди. Сўнгги, айниқса, мустақиллик йилларида шоир шеърларини таржима қилишнинг янги босқичи бошланди. Таржимонлар сафи ҳам кенгайиб борди. Ж.Жабборов, Э.Очилов, М.Кенжабек, М.Аҳмад, О.Тўраев, А.Жумаев ва Ж.Зулпиевлар таржимасида Махтумқулининг кўплаб шеърлари турли йилларда ўзбек тилига ўгирилиб, катта нусхаларда бир неча марта босилиб чиқди. Афсуски, таржималарнинг бадиий савияси тўғрисида ҳозир сўз юритиш имкони йўқ. Бу махсус тадқиқотни тақозо этадиган мавзу. Шундай бўлса-да, бир ҳақиқатни айтиб айтиб ўтишни лозим кўраяпман. Гап шундаки, Махтумқули меросидан ўзбек тилига ўгирилган таржималар, гарчи бадиий таржима санъати талабларига тўла-тўкис жавоб бера олмасада, ўзбек китобхонларини Махтумқули мероси билан таништиришда, шоир шеърларининг ўзбек заминига кенг ёйилишига озми-кўпми ҳисса бўлиб қўшилди. Менимча, муҳими шу.

Мана энди, юқорида тилга олинган таржимонлар сафига Махтумқулининг яна бир таржимони қўшилди. Бу таниқли адиба ва жамоат арбоби, Қорақалпоғистон халқ шоири Гулистон Матёқубовадир.

Гулистон ижодда қалами пишиб етилган истеъдодли шоир. Бадиий ижод қонуниятларини чуқур биладиган, адабиётни теран ҳис қиладиган сўз усталаридан бири. У Шарқ мумтоз

адабиётини яхши билади. Айниқса, Махтумқули шоиранинг севиб мутолаа қиладиган шоирлари сафидан ўрин олган. У нафақат шоир шеъриятини ўқиш билан чекланган. Бу мутолаалар шоирага илҳом ҳам берди. Натижада у Махтумқули йўлида туркум шеърлар ҳам битиб, туркман шоирининг маънавий-ахлоқий мавзуларини давоми эттирди, янги ғоялар билан бойитди. Муаллифнинг «Паноҳ», «Наврўзи олам дерлар», «Топмассан», «Кўнглимга», «Махтумқулидан» ва яна бошқа бир даста шеърлари борки, улар Махтумқулининг илҳом чашмасидан баҳраманд бўлиб ёзилган гўзал шеърият намуналаридир. Шоиранинг қайси бир шеърий тўпламини варақлаб кўрманг, албатта, унда Махтумқули шеъриятидан қилинган таржималарга, ёки Махтумқули меросига нақадар ихлосманд, шеъриятини қаби мулкига айлантирганидан дарак беради. Бу ҳаракатлар, Махтумқулига мухлислик, назаримда, шоирани Махтумқули мероси билан ўзбек китобхонларини кенгроқ таништириш, таржима кўламини кенгайтиришга илҳомлантирган кўринади.

Сир эмас, баъзи мутаржимлар таржима қилинаётган асар муаллифи ижоди билан жуда кам қизиқади, асл нусха доирасидан чиқмай иш юритади. Таржима қилинаётган асардан илҳомланиш самаралари ёки бутун вужуди билан аслият руҳига кира олгани кўп ҳам кўзга ташланавермайди. Бу эса таржима савиясининг тушиб кетишига сабаб бўлади. Бошқача айтганда таржимага ижодий тайёргарликсиз кириши кутилган натижани бермайди. Шу нуқтаи назардан қараганда, Гулистон Матёқубованинг Махтумқули шеъриятини ўзбек тилига таржима қилишдаги тажрибасини ибрат қилиб кўрсатган бўлардим.

Махтумқули шеърлари таржималари билан бир сидра танишиб чиқдим. Баъзиларини асли нусхаларига қиёслаб ҳам кўрдим. Ва шундай умумий хулосага келдимки, аксарият таржималарда Махтумқули қаламига хос маҳорат қирралари, шоирнинг тафаккур дунёси, халқона ҳикмат фалсафаси, энг муҳими, халқчил руҳи, содда ва тушунарли ифода шакли

таржимада аслидагидек сақланган. Бунда Гулистоннинг шоирлик тажрибаси қўл келгани сезилиб турибди.

Гулистон 1950 йилларда чоп қилинган Махтумқули шеърлари тўпламини тўла таржима қилган. Бу тўпламдан жой олган 526 та шеър ўзига хос қорақалпоқ тили ва хоразм диалектини ишлатиб енгил таржима қилинган.

Ҳақиқий талантли шоиргина ибратли таржима асари яратиши мумкин. Афсуски, шеърларни бирма-бир таҳлил қилиш учун ихчам сўзбоши имкон бермайди. Яна бир гап. Таржималар хусусида умумий ижобий фикр билдирганим, бу ҳамма таржималар бенуқсон, мутлақо камчиликдан холи деган маънони англатмайди. Ҳар қандай таржимада учраганидек, мазкур таржималарда ҳам жузъий камчиликлар бўлиши табиий. Менимча, муҳими бу эмас. Муҳими шундаки, бугунги ўзбек китобхони Махтумқулининг янги таржималари билан танишиш имконига эга бўлди. Ҳозирги шароитда маънавий-ахлоқий тарбия масалалари кун тартибида турган бир вазиятда халқимизни юксак ахлоқ руҳида тарбиялашга хизмат этадиган бу хилдаги таржима асарларнинг нашр этилиши таҳсинга сазовор ҳодиса деб ҳисоблайман.

Махтумқули

...ТУРҒИЛ, ДЕДИЛАР
(Туш)

Бир кеча ётардим туннинг ярмида,
Бир тўрт отлиқ келиб «Турғил!» дедилар, –
«Хабар бермоқдамиз фурсат борида,
Шу ерда эрлар бор, кўргил» дедилар.

Назарим етишгач у тўрт мардона,
Кўнглим жўшди, бошим келди гердона[2]*,*
Ёнимда бор эди икки девона,
«Тур, ўғлон, ўйланма, борғил» дедилар.

У икки девона тутди қўлимдан,
Олдилар, кетдилар турган еримдан,

[2] Ақл, хуш.

Бир ишорат бўлди шу вақт ёнимдан,
«Сайронда бўлибон турғил», дедилар.

Ўтирардик, келди икки пирзода,
Кўзидан ёш оқар, тили дуода,
«Ҳув ҳақ!» деб чиқдилар олти пиёда,
«Одам энди келар, кўргил» дедилар.

Тўрт отлиқ келдилар бари сабзабоз[3]*,*
Ҳассалари яшил, номи сарафроз,
«Мажлис халқасини қурманг бундай оз,
Одам кўпдир, катта қургил» дедилар.

Сиртдан чиқди, олтмиш отлиқ кўрдилар,
«Муҳаммад»деб, қаршисига юрдилар,
Соғлик, саломатлик бир-бир сўрдилар,
«Турманг улуғ жойга юргил» дедилар.

Бир отнинг ортига мени олдилар,
Сайронда шу жойга келиб турдилар,
Тамом ўтирдилар, мажлис қурдилар,
«Ўғлон, менга ора киргил», дедилар.

«Алидир» дедилар, тутди дастимдан,
Буйра тўшагимни олди остимдан,
Мен билмадим бир зот қуйди устимдан,
«Йўлиққан даврондир, сургил» дедилар.

Ҳайдардан сўрадим барин отма-от:
«Ҳазрати пайғамбар улдир, бўлма ёт,
У Салим хўжадир, у Бобо зурёд,
У Вайсал қорадир, билгил» дедилар.

«У Баҳовуддиндир, у ҳам бир эрдир,
У Зангги бободир, у номдордир,
У суянишганлар тўрт чориёрдир,
Мақсадинг не бўлса сўрғил», дедилар.

Шу вақтда турган икки шайху – шап,

[3] Яшил кийимли.

«Бу ўғлонга дуо қилинг», – дейди соф,
«У ўттиз анбиё, у ўттиз асҳоб,
Бариси шулардир, билгил» дедилар.

Расулиллоҳ айтди: «Ё Шоҳимардон,
Аё Салим хўжа , ё бобо Салмон,
Абубакр Сиддиқ, ё Умар, Усмон,
Бу гулнинг мақсадин бергил» дедилар.

Салим, Бобо Салмон буюрди мардга,
Пиёлани тутиб солдилар дардга,
Кетди ақлу-ҳушим, ётдим шу ерда,
«Арш-аълода не бор, кўргил» дедилар.

Ел бўлдим, югурдим, ер томирига,
Назарим етишди арш камарига,
«Жабруд оламида, Жалил сирига,
Келиб, ўзинг қараб кўргил» дедилар.

Неча хаёл этсам қўлга келтирдим,
Қайга боқсам унга назар етирдим,
Шу ҳол билан мен осойиш ётардим,
«Юзимга тукуриб, турғил!» дедилар.

Расулиллоҳ айтди: «Асҳоблар юринг,
Ўғлонни кузатинг, бир дуо қилинг,
Тўрт отлиққа деди, – элтиб топширинг,
Келтирган ерингга қўйғул» дедилар .

Туриб Махтумқули кўзин очибдир,
Ақлига не ўйлар келиб кечибдир,
Маст нортуя киби кўпик сочибдир,
«Ўғлон, Оллоҳ ёринг, борғил» дедилар.

КЎНГЛИМ

Уйғон, оғир уйқудан, ажалсиз ўлган кўнглим,
Умид узиб оламдан даргоҳда қолган кўнглим.
Мард керакдир олишга бу ғариб қолган кўнглим,
Тубсиз дарёга тушди, кўрганга кулган кўнглим.

Сўз билан ичин очиб, соз билан ўран кўнглим,
Жон фоний, жаҳон фоний кафанга ўран кўнглим.

Олимлар сўзин тингла, насиҳатин ол кўтар,
Тур, ҳақнинг даргоҳига муножат қил, қўл кўтар.
Риёзатнинг юкини арқон ипин сол кўтар,
Бу иш марднинг ишидир мардона бўл, тур кўтар.
Комил оёғига бош қўй ёлғончидан эл кўтар,
Тавба қилиб бир пирнинг тупроғига булан кўнглим.

Ишқим бордир Мажнундан олтмиш ҳисса зиёда,
Қирқ йил қуввати бордир дарс беришга Фарҳода.
Юрагим ёқиб ўтга, борсам хўжамга додга,
Тақдир дарёси жўшиб етказгайми муродга.
Қолса кўнгил топилмас чиқса бу жон дунёда,
Мард керакдир олишга бу ғариб қолган кўнглим.

Саҳар туриб дуо қил, омин десин фаришта,
На бордир ғофил ётиб, беҳуда ўтиришда.
Мулки жаҳон туттирмас айласанг минг сариштa,
Телба жандасин кийиб кет девона юришда.
Йўқса қоларсан танҳо саргаштаи ғамишда,
Айтган сўзингга феълинг бўлмасин ёлғон кўнглим.

Махтумқули нўш этдим ғам бодасин икки тос,
Уч ичарга ғурбат йўқ ки жондан бўлдим холос.
Бошимда сонсиз савдо, ичда васвасил ханнос,
Келинг, бир тадбир айланг бу дардга аюханнос.
Тиз чўкиб дам урсалар Исо, Хизир ва Илёс,
Оёқда туриб бўлмас, бир мурда бўлғон кўнглим.

Туркман тилидан
Қорақалпоғистон халқ шоири
Гулистон МАТЁҚУБОВА таржимаси

MAGTYMGULY TÜRKMEN-ÖZBEK DOSTLYGYNYŇ KÖPRÜSIDIR

Kakajan JANBEKOW,
Türkmenistanyň Ylymlar akademiýasynyň
Magtymguly adyndaky Dil, edebiýat we
milli golýazmalar institutynyň alym kätibi.
Taryh ylymlarynyň kandidaty

Doganlyk türkmen-özbek halklary asyrlaryň dowamynda birek-biregi goldap, agzybir ýaşan milletlerdir. Bu iki milletiň arasyndaky dost-doganlyk gatnaşygy berkiden, iki milletiň arasyna synmaz berk köpri bina eden şahslaryň biri hem Magtymguly Pyragydyr. XVIII asyr türkmen nusgawy edebiýatynyň görnükli wekili Magtymguly Pyragy türkmen milli edebiýatyny esaslandyran, halky watansöýüjilik, ynsanperwerlik ruhunda terbiýelemekde uly hyzmatlary bitiren akyldar şahyrdyr.

Taryhy çeşmelerden bilşimiz ýaly Magtymguly başlangyç bilimi kakasy Döwletmämmet Azadydan alýar. Soňra bolsa Hywada ýerleşen, Merkezi Aziýada uly ylym ojaklarynyň biri bolan Şirgazy medresesinde 3 ýyl okapdyr. Pyragy özüniň bu ýerde geçiren döwrüni buýsanç bilen ýatlaýar.

Mekan eýläp, üç ýyl iýdim duzuňy,
Gider boldum, hoş gal, gözel Şirgazy.
Ötürdim gyşyňy, nowruz-ýazyňy,
Gider boldum, hoş gal, gözel Şirgazy.

Hakdan bize buýruk, baglydyr bilim,
Sende taglym aldy, açyldy dilim,
Gelsin diýip garar ol gerkez ilim,
Gider boldum, hoş gal, gözel Şirgazy.

Seljerer men indi agy-garany,
Dost, rakyp, gardaşym, Haky, ýarany,
Okadym, göterdim kitap, Gurhany,
Gider boldum, hoş gal, gözel Şirgazy.

Magtymguly taşlap göwün hapasyn,

Sylady pirini, molla-sopusyn,
Daýym unutmaz men tylla gapysyn,
Gider boldum, hoş gal, gözel Şirgazy.

Şahyryň Buharadaky Gögeldaş medresesinde okandygy barada hem maglumat bar. Magtymguly Bahaweddin Nagyşbendä aýratyn hormat goýupdyr. Hatda şahyr özüniň şahyrlyk ylhamyny hem Nagyşbendi bilen baglanyşdyrýar:

Bir gije ýatyrdym, şa Nagyşbendi,
Keremi joş eýläp, bir nan getirdi.

Magtymguly sopuçylygyň nagyşbendilik ýoluna uýupdyr. Sopuçylygyň bu ýoly watan söýüjilik, azatlyk, erkinlik ugrundaky göreşleri oňlapdyr. Magtymgulynyň joşgunly watançylygynyň kemala gelmegine sopuçylygyň bu ýoly hem belli derejede täsir edipdir. Magtymguly öz döwrüniň ýeterlik ylym-bilimini alýar we gündogar edebiýatyny kemsiz özleşdirýär. Şahyryň «San bolsam» atly goşgusynda Abu Seýit, Omar Haýýam, Firdöwsi, Nyzamy, Hafiz, Nowaýy ýaly meşhur şahyrlary uly hormat bilen ýatlaýar.

Magtymgulynyň Merkezi Aziýanyň köp ýerlerine, Eýrana, Owganystana, Hindistana, Rumystana, umuman türkmenleriň köpçülikleýin oturýan ýerlerine syýahat edendigi barada çaklamalar bar.

Magtymguly Pyragy diňe bir türkmen halkynyň arasynda söýlip okalman eýsem türki dilli halklaryň arasynda söýlip okalýan şahyrdyr. Türkmen halky bilen deň derejede Magtymgula sarpa goýýan, onuň goşgularyny ýat bekläp, nesilden nesile geçirýän halklaryň biri hem özbek halkydyr. Magtymgulynyň özbek dilindäki ilkinji neşiri 1958-nji ýylda Jumaniýaz Şaripow tarapyndan özbek diline terjime edilip. 314 sany goşgyny öz içine alýar. Türkmen alymy Seýit Garryýew bu kitabyň 3 müň sany ekzemplýarda çykyp, 5 günüň içinde satylyp gutarypdyr diýip belleýär. 1960-njy ýylda özbek halkynyň islegini kanagatlandyryp, bu kitap 25 müň ekzemplýarda täzeden neşir edilýär. Bu neşir hem örän tiz wagtda tamam bolýar. Garaşsyzlyk ýyllarynda Magtymguly Pyragynyň goşgulary birnäçe gezek özbek diline terjime edilip, olar her bir öýüň bezegine öwrüldi. Magtymgulynyň eserleri islendik döwürde hem özbek

doganlarymyzyň nazaryndan düşmedi. Magtymgulynyň goşgulary özbek halkynyň ýüreginiň töründe esasy orny eýelemegi bu iki halkyň geçen ýolunyň birdigi we ykbalynyň meňzeşligi bilen düşündirmek bolar.

Özbek alymy, filologiýa ylymlarynyň doktory Kerimbaý Kurambaýew hem Magtymguly Pyragynyň döredijiligine ömrüni bagyş eden alymlaryň biridir. Ol Magtymguly hakynda şeýle ajaýyp sözleri aýdýar: «Men Magtymguly bilen bile, onuň täsirinde ýaşamaga endik edipdirin, guşy ganaty göterýär – meni Magtymguly». Kerimbaý Kurambaýewi hakyky Magtymgulyşynas diýilse hakykatdan daşa düşmeris. Onuň ylmy işleriniň aglaba bölegi Magtymguly bilen baglydyr. K. Kurambaýewiň türkmen-özbek edebi gatnaşyklaryna, Magtymgulynyň bu gatnaşyklarda tutýan ornuna bagyşlanan makalalaryndan başga, «Magtymguly ylham çeşmesi», «Köňül bermiş sözüme» atly monografiýalary bar. Magtymgulynyň ömri, döredijiligi özbek alymlarynyň hem ünsüni özüne çekip gelýär. Filologiýa ylymlarynyň kandidaty, Magtymgulynyň goşgularyny özbek diline terjime eden şahyr Ergeş Oçilow şeýle belleýär: «Ýurdumyzda, aýratyn hem beýik söz ussadynyň tälim-terbiýe alan ýerinde Hakdan içen Magtymgulynyň adyny, şygyrlaryny bilmeýän adam bolmasa gerek. Her öýüň arzyly töründe Magtymgulynyň şygyrlar kitaby bar. Toýlarymyz Magtymgulynyň şygyrlaryna aýdylýan aýdymlar bilen açylýar. Şahyryň 110 sany şygry özbek halk aýdymy hökmünde aýdylýar. Magtymgulynyň sözlerine aýdylýan aýdymlar her gün kalbymyza aram berýär, ruhumyza ruh goşýar». Bu gün iki halkyň döwlet Baştutanlarynyň dünýäde we sebitde parahatçylygy, dost-doganlygy pugtalandyrmak, medeni, edebi ykdysady, ylmy gatnaşyklary ösdürmek, çeper gymmatlyklary öwrenmek baradaky il bähbitli, ýurt ähmiýetli işleri ata-babalarymyzyň gazanan gymmatlyklarynyň dabaralanmasydyr. Ýeri gelende bellemeli zat K. Kurambaýew we E. Oçilow 2014-nji ýylda Magtymguly Pyragynyň 290 ýyl toý dabarasy bellenende «Magtymguly Pyragy» medaly bilen sylaglandylar.

Şahyryň eserleri halk bagşylary, sungat ähli üçin ylham çeşmesine, nakyllara öwrülen setirleri durmuş sapagyna öwrüldi.

Magtymguly Pyragynyň goşgulary aýdyma öwrülip, özbek toýlarynyň bezegine öwrüldi. Bu aýdymlar ilki Horezm welaýatynda döräp, soňra Özbegistanyň başga welaýatlaryna ýaýrapdyr. Magtymgulynyň goşgularynyň Horezmde aýdyma öwrülmegini birnäçe sebäp bilen düşündirmek bolar. Horezm dialektiniň türkmen diline ýakynlygy we Magtymgulynyň bu ýerde okamagy esasy sebäpleriň biri bolsa gerek. Türkmenistanyň we Özbegistanyň halk artstleri Kämiljan Atanyýazow we Babamyrat Handamow Magtymgulynyň goşgularyny aýdym edip aýdyp, iki halkyň söýgüsini gazanmagy başardylar. Bu iki ussadyň ussatlyga ýetmeginde hem ýene bir Beýik ussadyň ýagny Magtymgulynyň orny örän ulydyr.

Şu ýylyň 1-nji noýabrynda Türkmenistanyň Ylymlar akademiýasynyň Magtymguly adyndaky Dil, edebiýat we milli golýazmalar institutynyň alymlary Özbegistan Respublikasynyň Daşkent şäherinde iş saparynda bolup, Alyşir Nowaýy adyndaky Dil we edebiýat Daşkent Döwlet uniwersitetine baryp, «Doganlyk özbek-türkmen haklarynyň hoşniýetli goňşuçylyk gatnaşyklarynda Magtymgulynyň döredijiliginiň orny» atly halkara ylmy maslahata gatnaşdylar. Maslahatda Türkmenistanyň Ylymlar akademiýasynyň Magtymguly adyndaky Dil, edebiýat we milli golýazmalar institutynyň alym kätibi K. Janbekow, bölüm müdiri Çary Kullyýew, uly ylmy işgäri Döwletmyrat Ýazgulyýew dagylar çykyş etdiler. Türkmen alymlary bilen bir hatarda özbek alymlary Magtymgulynyň diwanyny özbek diline terjime eden, Garagalpagystan Respublikasynda çykýan «Garagalpak edebiýaty» gazýetiniň baş redaktory Gülistan Annaklyçewa, Nöküs Döwlet uniwersitetiniň türkmen dili we edebiýaty kafedrasynyň müdiri Ogulbaý Gaýlyýewa dagylar hem çykyş etdiler. Maslahatyň çäklerinde Gülüstan Annaklyçewa özüniň türkmen dilinden özbek diline terjime eden Magtymguly Pyragynyň 2 jiltlik täze kitabyny Türkmenistanly alymlara sowgat berdi.

Şahyryň biziň günlerimize 700-den gowrak şygyrlary we 10-a golaý kiçi göwrümli poemalary gelip ýetipdir. Bularyň 80 göterime golaýy golýazmalarda gabat gelip, galan bölegi halkyň dilinden

ýazylyp alnan. Emma şahyryň edebi mirasy mundan has köp bolandygyny täze-täze tapylýan şygyrlar hem tassyk edýär.

Türkmenistanyň Prezidentiniň 2021-nji ýylyň ýanwar aýynda Magtymguly Pyragynyň doglan gününiň 300 ýyl ýubileýini dabaraly bellemek hakyndaky kabul eden kararyna laýyklykda uly işler alnyp barylýar. Türkmenistanyň Ylymlar akademiýasynyň Magtymguly adyndaky Dil, edebiýat we milli golýazmalar institutynyň alymlary Magtymguly Pyragynyň diwanynyň üstüni ýetirmek maksady bilen ýurdumyzyň welaýatlaryna iş sapary guralyp, halkyň elinde ata-babalarynyzdan galan mirasy dünýä ýüzünde kabul edilen bahalardan satyn alnýar. Wengriýa, Angliýa, Özbegistan we Russiýa Federasiýasy ýaly daşary ýurt kitaphanalaryndan Magtymguly Pyragynyň golýazmasynyň elektron nusgalary getirmek meýilleşdirilýär. Umuman Türkmenistanyň Ylymlar akademiýa-synyň Magtymguly adyndaky Dil, edebiýat we milli golýazmalar instituty akyldar şahyr Magtymguly Pyragynyň doglan gününiň 300 ýyl ýubileýini dabaraly bellemekde ähli tagallasyny eder diýip ynam bilen aýtmak bolar.

Rezyume

Shoirning 700 dan ortiq she’ri va 10 ga yaqin she’ri bugungi kungacha yetib kelgan. Ularning 80 foizga yaqini qo‘lyozmalarga to‘g‘ri kelgan, qolganlari esa xalq tilida yozilgan. Lekin shoirning adabiy merosi bundan ancha ko‘p va yangi kashf etilgan she’rlar buni tasdiqlaydi. Ushbu maqola shu haqida.

Kalit so‘zlar: shoir ijodiy merosi.

Summary

More than 700 poems and about 10 short poems by the poet have survived to this day. About 80 percent of them corresponded to manuscripts, and the rest were written in the language of the people. But the poet's literary heritage is much more than this, and newly discovered poems confirm this. This article is about that.

Key words: creative heritage of the poet.

Резюме

До наших дней дошло более 700 стихотворений и около 10 коротких стихотворений поэта. Около 80 процентов из них

соответствовали рукописям, а остальные были написаны на языке народа. Но литературное наследие поэта гораздо больше этого, и вновь обнаруженные стихотворения подтверждают это. Данная статья об этом.

Ключевые слова: творческое наследие поэта.

XALQ SHOIRI MAXTUMQULI FIROG‘IY VA UNING HAQIDA OLIMLARNING QARASHLARI

G‘ulom Saxi Vakilzoda YURTDOSH ANDXUYI,
Andxuy, Foryob, Afg‘oniston

Turkman tili va adabiyoti, ayniqsa, turkman she’riyati haqida so‘z yuritmoqchi bo‘lsak, Maxtumquli Firog‘iy, Muhammadvali Kamina, Zaliliy va boshqa o‘nlab porloq siymolar ko‘z oldimizda gavdalanib turadi. Xossatan, turkman she’riyatini yuksak cho‘qqilariga yetkazishda ulkan hissa qo‘shgan va ushbu tilda sermazmun va go‘zal manzumalar ijod etgan qalam arbobi va xalq shoiri Maxtumquli Firog‘iy o‘z beqiyos she’rlari bilan turkman tili va adabiyotida buyuk nom qozongani hech kimga sir bo‘lmasa kerak. Zero, bu mutafakkir shoirning yaratgan bebaho she’rlarida odamiylik, insonga nisbatan hurmat va insonlarning bir-birlariga ko‘rsatayotgan mehr-muhabbati, samimiyligi, shuningdek, o‘nlab ibratli masalalar uning manzumalarida aksini topgan. Undan tashqari Firog‘iyning har bir she’rida ozodalik, ezgu niyyat va shunga o‘xshash yuzlab ijtimoiy, siyosiy, tanqidiy va axloqiy mavzular yaqqol namoyon bo‘lib turadi. Firog‘iy devonida o‘z aksini topgan yuksak ijtimoiy-axloqiy mavzular, hikmatli so‘zlar, otalar so‘zlari, bilik va donishga nisbatan chuqur e’tibor va undan tashqari, xalq orasida qo‘llaniladigan o‘nlab mazmunga boy iboralar bugungi va kelajak avlodlar uchun porloq yo‘l ochib beradi desak, xato bo‘lmaydi.

Maqolamizda ana shunday bir oliyjanob shaxsiyat va ijodkorning she’rlari va yaratgan durdona hikmatli so‘zlari haqida qalam yuritar ekanmiz, undan oldin bu maftunkor shoir va olimning

hayoti, tug‘ilgan maskani va bosh tahsillari to‘g‘risida biroz to‘xtalib o‘tsak, ayni muddao bo‘ladi deb o‘ylayman.

Davlat Muhammad Ozodiyning o‘g‘li Maxtumquli Firog‘iy 1102-yili (milodiy 1724-yil) «Ganbad Govus»ning shimolida joylashgan «Hoji qo‘shon» degan qishlog‘ida dunyoga kelgan. Boshqa bir manbaga ko‘ra: U «Mirova tepa» yaqinida joylashgan «Kengjoy» mahallasida tug‘ilgan. «Go‘glan» toyifasiga bog‘liq otasi Davlat Muhammad Ozodiy, o‘n ikkinchi asrning taniqli olimlaridan edi. Onasi O‘rozgul ham «Go‘glan» toyifasiga qarashli «Girgiz» tiyrasiga mansub edi. «Go‘glon» elining xoni Maxtumquli Yo‘nochi Firog‘iyning bobosi «Girgiz» toyifasiga tegishli bo‘lib, milodiy o‘n yettinchi asrning ikkinchi yarmi va o‘n sakkizinchi asrning boshlarida Nodirxon Afshor zamonida hayot kechirgan. Maxtumqulining bobosi «Yo‘nachi» ko‘p qiyinchilikda hayot kechirib, temirchilik, zargarlik va teri ishlari, hamda dehqonchilik bilan umr kechirgani ayrim manbalarda qayd etilgan. O‘z yaqinlari va do‘stlari yordamida qirq yoshida turmush qurgan «Yo‘nachi» qirq olti yoshlarida farzand ko‘rib, ismini Davlat Muhammad qo‘yadilar.

Yo‘nochi o‘z zamonida boshqa shaxsiy ishlari yonida, she’r va adabiyot bilan ham chuqur qiziqqan. Biroq hali-haligacha uning ijodiyoti bizgacha yetib kelmagan. Demak, Maxtumquli Firog‘iyning otasi Davlat Muhammad Ozodiy esa Xiva madrasalarining birida tahsil olib, o‘z asrining yetuk olimi o‘laroq, «Ozodiy» taxallusi bilan arzishli asarlar ijod etgan. Olimlarning yozishicha, «Hikoyati Jobir Ansor» va «Munojot» nomli asarlar uning qalamiga mansub deyiladi. Undan tashqari Davlat Muhammad Ozodiy she’rning turli qoliblarida go‘zal manzumalar, jumladan, g‘azal, ruboiy, qasida va turkman shevalarida ajoyib she’rlar yaratgani manbalarda aytilgan.

Davlat Muhammad Ozodiy milodiy 1760-yili 60 yoshida olamdan ko‘z yumdi. Undan so‘ng farzandi Maxtumquli Firog‘iy ham otasiday turkman tilida go‘zal manzumalar yaratib buyuk xalq shoiri sifatida shuhrat qozondi. «Maxtumquli Firog‘iy» ayrim manbalarda «Maxdumli Firog‘iy» shaklida ham ishlatilgan.

Xalq shoiri Maxtumqli Firog‘iy bosh ta’limotlarini otasi yonida o‘rganib, zamonida fors tilida chop etilgan asarlarni ham qunt bilan o‘rgandi. So‘ngra u o‘z tahsillarini davom ettirish uchun Xivaning

«Sherg‘ozi» madrasasiga o‘qishga kirib, u yerdagi ustozlar qoshida 3 yil bilim va ma’rifat o‘rgandi. Firog‘iy Buxoro, Afg‘oniston, Kobul, Turkmaniston, Ozarbayjon, Shervon, Tabriz, Xiva va Hindiston o‘lkalariga ham safar qilgan. Firog‘iy yigitlik paytlarida Mengli ismli bir qizni sevgan. Biroq o‘z maqsadiga yetmagan. Abdulloh ismli akasi o‘ldirilganidan keyin Afg‘oniston podshohi Ahmadshoh Doroniy da’vatiga binoan, Afg‘onistonga safar qilib, bir muddat u yerda yashagan. Firog‘iy o‘z she’rlarida «Fath Alixon Qojor», «Ahmadxon Doroniy» va «Chodarxon»dan ot tutib o‘tadi. Ma’lum bo‘lishicha, Firog‘iy bular bilan asrdosh bo‘lganligi ma’lum bo‘ladi.

Maxtumquli Firog‘iy akasi qatl etilganidan keyin, uning beva ayoli bilan turmush qurib, ulardan Bobak va Ibrohim nomli farzandlar dunyoga keladi. Firog‘iyning bu ikkala farzandi ham yoshligida vafot etgan.

Yuqorida aytganimizdek, Firog‘iy bosh o‘qishlarini otasi Davlat Muhammad Ozodiy oldida oladi. O‘zi bu to‘g‘rida munday deb yozadi:

Duo qilsam jabru jafo aksardur,
Ilm o‘garadon[4] *ustod qiblam padardur.*

Ayrim manbalarda Firog‘iyning ustozi Niyoz Solih deb keltiriladi. Maxtumquli Firog‘iy «Sherg‘ozi» madarasasida 3 yil ta’im olgani haqida o‘z devonida keltiradi:

Makon aylab uch yil yedim duzingni,
Gedar bo‘ldim xush qol go‘zal Sherg‘ozi.
O‘tirdim qishingni, bahor yozingni,
Gedar bo‘ldim xush qol go‘zal Sherozi.

Maqolaning bosh sahifalarida zikr etilganidek, xalq sevar shoir va olim Maxtumqli Firog‘iy devonida ko‘proq ijtimoiy-axloqiy va siyosiy mavzular, pand-nasihat, erkinlik va ozodlik, ota-ona va vatanga nisbatan mehr-muhabbat va shunga o‘xshash asosiy mavzularga ko‘proq ta’kidlangan. Undan tashqari, tanqidiy masalalarning ham Firog‘iy devonida alohida o‘rni bor. U o‘z

[4] O‘rgatgan, ilm bergan.

zamondoshi Nodir Afshorning elga nisbatan zulmu-sitamini qattiq qoralab yozgan.

Bugun shohsan artir gadoy bo‘larsan,
eldan go‘ndar qozonarsan
Cho‘x gunohni san fatoh bir gun jonin [5].

Ya’ni: ey shoh, bugun shohsan, ertaga gado bo‘lishing haqdir. Sen agarda elga zulm ravo ko‘rsang yaxshi bilki sen ham bir kun o‘lim sharbatini isharsan.

Maxtumquli Firog‘iyning ko‘proq she’rlari turkmanlar bilan Eron Qojoriya davlati hamda Xiva xonligi va o‘zaro yuz bergan janglar natijasida yo‘qolgan. Qolgan she’rlari esa milodiy 1870-yili Majoristonlik sharqshunos Orminiyus Vamberi orqali yig‘ilib, hozir u bir to‘plam shaklida Britaniya kitobxonasida saqlanmoqda. Ayrim olimlarning nazaricha Maxtumqulidan faqatgina o‘n mingga yaqin she’r meros qolgan. Manbalarga ko‘ra Firog‘iyning turkman tilining rivojlanishi to‘g‘risida bajargan xizmatlari, italiyalik donishmand Dante va forsiy tilda betakror she’rlar yozgan Firdavsiy ishlariga monanddir.

Maxtumquli Firog‘iy o‘z she’rlarida xalq madaniyati va urf-odat, an’analarini qattiq nazarda tutgan. Uning yaratgan beqiyos she’rlari butun dunyoda necha tilga tarjima qilingan. Jumladan, ingliz, fransuz va fors tillariga tarjima qilingan. Hamda lotin alifbosiga ham o‘girilgan.

Xalq shoiri Maxtumquli Firog‘iy o‘z umrida hech kimni madh etmagan va hech bir kishidan dirham va diynor istamagan. Xalq dardlarida o‘z she’rlarida aks ettirgan. Firog‘iy devonida yuzlab pand-nasihatlarni uchratamiz. Uning yozgani el tili bo‘lib keldi. Unga ko‘ra:

Kim non tobmaz yemakga,
Kim dun topmaz kiymakga.
Kim yer topmaz qo‘ymog‘a,
Kim tirma sha oliy go‘zlar.

[5] Ya’ni ey shoh, bugun shohsan, ertaga gado bo‘lishing haqdir. Sen agarda elga zulm ravo ko‘rsang yaxshi bilki sen ham bir kun o‘lim sharbatini isharsan.

U turkman xalqi birligi haqida deydi:

Yamut, Guglang ta'sub adib o'zindan chiqsa qushin ordi bilinmaz
Takya solar yurish otsa yuqoridan o'nginda ovi cho'qir bilinmas.

Har zog' va zag'an don kabutar o'lmaz,
Har sahroda yoton mayyit bo'larmi?
Karbalodan g'ayri shahid bo'larmi?
Har sochin o'sduran sayyid bo'larmi?
Har telpak giyindan qalandar o'lmas.

Aytish lozimkim, Maxtumquli Firog'iyning devonida aruz vaznida yaratilgan she'rlar soni ham oz emas. Shunga binoan Firog'iyning aruz vaznida yozgan quyidagi g'azaliga e'tibor qaratsak:

Bilmaram hech qaysi darding mubtalosidur ko'ngil,
Yo Rab ul bir bevafoning muddaosidur ko'ngil.
Ishq daryodur dubi yo'q hijron bir o'd poyoni yo'q
Ishqqa mayl etgan bu o'dlarg'a yonasidur ko'ngil
Bilmayin otmish o'zin ishq o'dina parvonadek
Emdi bilmaz chora sen kim na qilasudur ko'ngil
Isoning dami mahol Luqmon u yerda gung va lol.

Yo Rab bu darding bu mahl na ish davosidur ko'ngil
Garchi ishqing dardidur devona joning ofati
Oshno ahli bu g'amning doim oyosidur ko'ngil
Necha mahrum be navolar topdilar ondan navo
Man' edan ondan mani baxtim siyohidur ko'ngil
Yig'layib Maxtumquli dargohiga arz aylagil
Na uchun ko'b og'loyon bir gun gulasidur ko'ngil.

Maxtumqulining yuqorida keltirilgan manzumasi shakl jihatdan Ozarbayjon shoiri Mavlono Muhammad Fuzuliy she'rlariga yaqinlashib boradi. Undan tashqari ushbu g'azalda ko'proq o'zbekcha atamalar turkmancha lahjada ishlatilgan. Misol uchun «o't» so'zi o'rniga «o'd», «aytgan va qilgan» so'zilari o'rniga «adan» va «yig'lagan» atamasi o'rniga «og'layon» istilohlari ishlatilgan.

Demak, anashu masala she’rning chiroyiga chiroy qo‘shgan desak, to‘g‘ri bo‘ladi.

Undan tashqari Maxtumqulining ushbu g‘azalida Fuzuliy shevasi yaqqol namoyon bo‘ladi. Jumladan, «ishqqa», «dek» va «bilmaz» kabi so‘zlardan ot tutish mumkin. Mavlono Muhammad Fuzuliy yuqorida aytilgan so‘zlarni qayta-qayta o‘z devonida ishlatgan. Ma’lum bo‘lishicha, Maxtumquli Firog‘iy na yolg‘uz hazrat Navoiy, Lutfiy Hiraviy va boshqa o‘zbek klassik shoirlari she’rlaridan ta’sirlangan, balki Mavlono Muhammad Fuzuliy sabkiydan[6] ham chuqur foydalangan. Shunga asosan Maxtumquli Firog‘iy bir shoir va buyuk olim o‘laroq, yolg‘uzgina o‘z shevasida cheklanib qolmay, balki turkiy xalqlar shoirlari izidan ham ergashib ijod etgani uning asarlarida ko‘rinib turibdi. Firog‘iy o‘z ota tili turkmancha hamda o‘zbekcha va forscha tillardan tashqari arab tiliga ham tasalliyati komil bo‘lgani uning har bir she’rida ko‘rinib turribdi. U o‘zi yaratgan go‘zal va sermazmun she’rlarida arabcha va forscha istilohlarni joy-joyiga tushirib ajoyib tarzda ishlatganiga guvoh bo‘lamiz.

Maxtumquli Firog‘iy olimlar nazarida. Shoir, yozuvchi va ganbad govus turkman she’riyati anjumaning boshlig‘i Mansur Tabariy Firog‘iy haqida munday yozadi: *Maxtumquli Firog‘iy turkman tiliga unutilmas xizmat bajargan. Demak, u uzoq muddat turkman tilining saqlanib qolishiga sababchi bo‘lgan. Chunki turkman tili zamonlar oqimida o‘zbek tili bilan .... bo‘lgan edi va uning ta’siri ostida edi. Maxtumquli turkman tili asolatini saqlashda katta naqsh o‘ynagan edi*. Mansur Tabariy.

To‘g‘risi, uning aytgan she’rlarida ishlatilgan atamalar umuman olganda suchuk va xolis turkmancha so‘zlardir. Uning har bir yaratgan she’rlari va zarbul masallari yillar davomida xalq orasida og‘izma-og‘iz saqlanib kelmoqda. Bugun har bir ziyoli va oddiy xalq orasida uning nasihatli so‘z va iboralari rivojlangan.

Mansur Tabariy fikriga ko‘ra: Maxtumqulining she’rlari Turkmaniston va Eronda buyuk olimlar va muhaqqiqlar tomonidan to‘planib chop etilgan. Ma’lum bo‘lishicha, Maxtumquli Firog‘iy o‘z she’rlarida ko‘proq Qur’oni Majid tafsirlaridan foydalangan. Bu

[6] Uslubi.

mavzuni turkman ahli sunnatlaridan biri Oxund Farahmand ham tasdiqlagan. Uning yozishicha: Firog‘iy bir ulug‘ shoir bo‘lmasdan, balki muhim bir shaxs sifatida ham tanilgan va xalq orasida katta shuhrat qozongan.

Muhammad Jamolzoda Maxtumqulining turkman Firdavsiysi deb yot etgan.

Turkman shoiri Muahmmadvali Kamina Firog‘iy haqida yozadi:

Ko‘p vaqolar go‘rib getti
Uvlar haqda durib getti
So‘zimda aning urog‘ini
Maxtumquli urib getti.

Sharqshunos olim professor Bartols Maxtumqulini jomi-jam deb xitob etadi. Unga ko‘ra Maxtumquli she’rlari dunyoning ko‘zgusi va insonlar idrokining oyinasidir. Bu to‘g‘rida o‘zi yozadi:

Maxtumquli, so‘zla har na bilaning
O‘zingga kamlik bil oytman o‘laning
Tarashlab shatg‘in g‘ilo ko‘ngula keng
Sandan so‘nqilara yodgor bo‘lar.

Muhammad Salim Badaxshon Maxtumquli haqida fors tilida quyidagicha yozadi: *Har millate muqtadoye dorad ki namudgor orzuhova omili on ba millat ast. Dar kalamoti o‘ ba justujo‘yi arzishhoyi volo va insoni mepardozad suxanonash zarbulmasal meshavadva harakot ba sakanotash darsomo‘z ibratangez. Dar yake az rustohoyi marzi Iron dar turkman sahro marde xufta ast ki hamai orzuho va omili qavmi turkman bo xotirai o‘ va surudahoi o‘ a’jin shudaast. In mard Maxdumquliy Firog‘i shoiri shuridai turkman ast ki umre dar miyoni mardum bo sodagi va safoyi zohidona zist.*

Bundan uch daha[7] oldin ham Maxtumquli Firog‘iy Lahistonlik tadqiqchilar Buriyuhu, Aliksandar Shudzuku tomonidan tanitilgan edi.

Xalq orasida Maxtumquli (Maxtumquli – baxting quli) deb nomlangan. Ana shu masalaga binoan Maxtumqulini shoir va xalq

[7] 30 yil oldin.

kuychisi, desak xato ketmagan bo‘lamiz. Shu bois uning zamondoshlari va keyingi nasllar uning durdona so‘zlari va pandomiz she’rlariga katta e’tibor beradilar. Chunki Maxtumquli she’rlari xalq qalbidan ilhomlanib yaratilgan manzumalardir. Uning kalomida e’joz[8] borligi, she’rlarida yaqqol namoyon bo‘lib turgan.

Maxtumquli Firog‘iy odamiylikni ardoqlaydi va unga chuqur hurmat qo‘yadi. Insonlarni mard kimsalar bilan do‘stlik qilishiga undaydi. Shoir Firog‘iy mard odamlarni «Bedov»ga nisbat beradi va deydi:

Yaxshilardan hargiz chiqmaz yomonliq
Asli yomon bo‘lsa chiqmaz yaxshiliq

va yana yozadi:

Xizmat qilsang bo‘l bir aslzoda
Ota-bobo sendan buyuk begzoda
Har chand agar bo‘lsa och ham oftoda,
Yonindan bir zamon gedichi bo‘lma

va yana yozadi:

Bir yigitning aslin bilay desangiz
Mahraka da o‘ltirish – darveshin ko‘ring
Bir bedovni saylap olar bo‘lsangiz
Sinasin sang‘irisin girishsin go‘ring.

Maxtumquli Firog‘iy juda el sevar shoir bo‘lgan. U o‘z millatini jonidan ko‘ra azizroq bilib, ko‘zimning qorachig‘i deb xitob etadi. U o‘z ona yurtining go‘zal va betakror dasht va dalalari, adirlar va sayllarini, toshqin dengiz, xalqning ot – ovazasi va navqiron yigitlari haqida quyidagicha yozadi:

Jayhun bilan bahru Hazar orasi
Cho‘l ustindan o‘sar eli turkmanning
Gul g‘unchasi qora ko‘zim qorasi
Qoradog‘dan enar eli turkmanning
Ul marding o‘glidur marddur padari
Go‘ro‘g‘li qardosh sarxushdur sari
Dog‘da do‘zda qavsa sayyodlar deri
Ola bilmaz yo‘lbars o‘g‘li turkmanning

[8] Sehr, mo‘jiza.

Turralar qardoshdur urug‘ yoridur
Iqbollar ters gulmaz haqing nuridur
Mardlar ota chiqsa savash soridur
Yov ustina yovdur o‘g‘li turkmanning.

Maxtumquli Firog‘iy milodiy 1790-yili Eron va Turkmaniston oraligidagi So‘nggi tog‘lari yonida joylashgan «Abo sori» chashmasi yaqinida olamdan o‘tgan. Demak, uning jasadi Guliston viloyatining sharq tomonida joylashgan Murovatepa g‘arbining qirq kilometrligidagi «Oqto‘qay» qishlog‘ida otasi qabri yonida dafn etilgan.

Firog‘iyning adabiy maqomini ardoqlash har yili Oqto‘qay qishlog‘ida yuzlab shoirlar va yozuvchilar ishtirokida keng va tantanali yo‘lga qo‘yiladi. Undan tashqari Maxtumquli haykali «Ganbad Kovus» maydonida o‘rnatilgan. Hozir Andxo‘y tumani «.....» shaharchasida qo‘shni o‘lka Turkmaniston davlati tomonidan Maxtumquli Firog‘iy nomiga chahorroha (to‘rt yo‘l) qurilgan. So‘nggi yillar orasida Firog‘iyning devoni qozoq tilida ham chop etildi.

Adabiyot

1. Sharhi hol forsiy Maxtumquli Firog‘iy va Muhammadvali Kamina. – Eron, Ganbad Kovus, Qobus nashriyoti.
2. Maxtumquli Firog‘iy wikipediya facebook sahifalari, quyosh 1389-yil.
3. Vakilzoda Andxuyi G‘ulom Saxi. Tajriba eshiklari. Sol quyosh, 1388. Manbai suratgar, Mozori sharif.
4. Guliston viloyati xabarnigori jumhuri islomiy, 22 asfand, 1402- sh yili, Eron.
5. Kulliyoti Maxtumquli Firog‘iy, Qobus matbuoti nashrlaridan, to‘rtinchi chop, Ganbad Kovus, Pahlaviy hiyoboni, Quyosh 1343.

Rezyume

Ushbu maqolada Maxtumquli Firog‘iy hayoti va ijodi va uning haqida olimlarning qarashlari aks etgan.

Kalit so‘zlar: Maxtumquli Firog‘iy, turkman xalqi, aruz o‘lchovi zulm va adolat.

Summary

This article reflects the life and work of Makhtumquli Firoghi and the opinions of scientists about him.

Key words: Makhtumquli Firoghi, Turkmen people, the measure of oppression and justice.

Резюме

В данной статье отражены жизнь и деятельность Махтумкули Фироги, а также мнения о нем ученых.

Ключевые слова: Махтумкули Фироги, туркменский народ, мера угнетения и справедливости.

بازتاب افکارمخدوم قلی فراغی درکشورهای همسایه

(«БОЗТОБИ АФКОРИ МАХТУМҚУЛИИ ФАРОҒЙ ДАР КИШВАРҲОИ ҲАМСОЯ»)

Mohammad Naim Ghafoori,
Turkiya, Anqara

مقدمه : شعرعنصر مهم و ارزشمند فرهنگ گذشته و امروز است . زیرا این پدیده اهمیت بزرگ درجامعه داشته و تاثیر آن به روح و روان یک انسان معنوی وجامعه فرهنگی زایدالوصف است ، چون مطالب و مسایلی را که دریک کتاب ضخیم نتوان گنجاند ، میتوان دریک فرد شعر تلخیص کرد چنانچه دریکی از تعریف ها آمده : „ شعرگنجانیدن دریا ها درکوزه است „ اما نه در همه موارد . اشعارشاعرانی که با درک مسوولیت اجتماعی خویش ازعمق درد ها و رنج های مردم شعرگفته اند ؛ این تعریف صدق میکند ، شاعرانیکه از بطن جامعه همراه با غربت و زحمت قد علم کرده و استعداد سرایش شعرپرنفوذ درقلب مردم دروجود شان تبارز یافته و یا الهامی از فوق طبیعت برایشان عنایت شده شامل چنین تعریف و توصیف اند . آگاهی کامل از سنت های جاری زمان ومکان ، چیره دست بودن برعلوم متداول عصر ، تدقیق وتحقیق آثار فلاسفه و شعرای بزرگ ، سیروسفر به اطراف و اکناف جهان ، ارتباط معنوی با هم طرازان عصر ، واقف بودن از آلام و محنت های خلق ، درنظرداشت اندرز ها و استفاده از وجیزه های مردمی ، ریاضت کشیدن واجتناب از حرص و آز نفسانیست که مرتبه شاعر را بلند برده و کلامش را ماندگار میسازد . چنین سروده ها باید بدون نگاه فرمولیتی ، فلسفی وسیاسی یعنی از نظرجایگاهش بررسی شوند . دراین جا وقت آن است که اذعان کرد، مخدوم قلی فراغی شخصیت کم بدیل فرهنگی ومعنوی خلق ترکمن درهمان برهه زمان ازمیان درد ها ورنج های عصر خویش قد علم کرده و با فقر وتنگدستی مجادله نمود ، وی با قبول همه مصایب زندگی به تحصیل وکسب علم پرداخت و در پهنای بزرگ دنیای شعر مخلصانه قلم و قدم زد

تا نامش را جاودان و اشعارش را ماندگارسازد . طبق روحیه این سمپوزیم مطالبی درقسمت بیوگرافی شاعر، بخش های اشعارو بازتاب آن در افغانستان اشاره میکنیم.

1 . **بیوگرافی مختصر**

1.1. دوران کودکی : نام پدرکلان مخدومقلی (مختومقلی یوناچی) متعلق به تیرهٔ „ کرگز „ درگنبد کاووس ایران زندگی میکرد (1654-1720 م). او ازتنگدستی رنج میبرد وجهت مجادله با آن آهنگری ودهقانی میکرد . وی درسن 46 سالگی صاحب فرزندی شد که نام آنر„ دولت محمد „ گذاشت که بعدها به „ قرّی ملا „ نیز لقب یافت ؛ چون با استعداد وساعی بود وی به کمک ماما های خود توانست درخیوه تحصیل کند وعلوم وفنون آنزمان را فرا گیرد به این ترتیب ابتکار افتتاح یک مدرسه را در ایلات خود نموده و به تدریس اطفال آن بپردازد . با وجود آنهم جهت امرار حیات فامیلش به زراعت میپرداخت مردم وی را احترام نموده به نظر یک عالم میدیدند . تا اینکه در سن شصت سالگی یعنی در 1760 میلادی چشم از جهان پوشید . دولت محمد که „آزادی „ لقب داشت ، صاحب پنج پسرو یک دختر بود که فرزند سوم آن موسوم به مخدوم قلی فراغی متولد 1733 میباشد . مخدوم قلی فراغی نسبت مضیقه مالی پدرش برای دیگران چوپانی و دهقانی میکرد ودرقبال آن به آهنگری وزرگری نیزمیپرداخت ، این کار های شاقه همراه با گرم وسرد زندگی او را شخص آبدیده و با تجربه روزگار درآورد . وی برداشت ها و ناملایمات زنده گی خود را درآوان جوانی هم در اشعار خود با نازک خیالی وآراسته به فنون شعر انعکاس میداد.

1.2 . عصرمخدوم قلی : عصرمخدوم قلی همراه با هرج ومرج و اغتشاش بود. نادرشاه افشار دراطراف واکناف منطقه میتاخت و فتوحات میکرد . فراغی حمله نادرشاه افشار را به ترکمن ها با وجود کمک های قبلی تقبیح نموده و انزجار خود را درباره چنین بیان میکند :

بوگون شاه سن ارتیر گدای بولارسن ایلدین
گوندن قازانارسن چوخ گناه نی سن فتاح بیرگون

پیش بینی فراغی درقسمت نادرشاه افشار با ترور وی دراسرع وقت به اثبات میرسد وبه این ترتیب به مرتبه و منزلت مخدوم قلی دربین مردم افزوده میشود . بعداز نادرشاه افشار، احمدشاه درانی نیز به خاطر فتوحات خویش از سرکردگان ترکمن درخواست استمداد افراد جنگی میکند بخشی از این نامه ها با ذکر نام چند تن از سرکردگان طوایف ترکمن در کتاب (مطلع الشمس) محمد حسن خان صنیع الدوله مندرج است . درهمان زمان عده ای ازجوانان ترکمن به سرکردگی چودیرخان به افغانستان جهت کینگاش با احمدشاه درانی فرستاده میشوند که دو برادر مخدوم قلی به نام های محمد صفا وعبدالله نیز درمیان ایشان بود ؛ اما قبل از رسیدن به مقصد در بین راه کشته میشوند. این فاجعه مخدوم قلی را خیلی متأثرمیسازد که مرثیه سوزناکی دراین باره نوشته است .

1.3 .سفر وفراگیری علم : مخدوم قلی فراغی معلومات و تربیت های ابتدایی را نزد پدرخویش فرا میگیرد چنانچه خود میگوید :

دعا قیلسام جبر جفا اکثردور علم اوگرادان استاد قبلام پدردور

اما کسیکه برای اولین بار رسماً معلم او شد شخصی بنام „ نیاز صالح „ بوده است . وی درابتدا درمحل قیزیل آیاق درمدرسه یی بنام ادریس بابا مشغول تحصیل شده و بعداً برای ادامه تحصیل عازم بخارا گردید . درآنجا با شخصی بنام توری کاظم بن باهر آشنا شد و این آشنایی به دوستی خلل ناپذیر تبدیل میشود. با بروز اختلافات دربین طلاب مجبور به ترک مدرسه دربخارا شده ، سفرسیاحتی شش ماهه به هندوستان ، ایران ، آذربایجان ، افغانستان و اوزبیکستان را جهت گسترش دانش وتجارب خویش درپیش میگیرد که برایش خیلی آموزنده بود . اما بنابر سفارش مدرسین مدرسه خواجه احمد یسوی برای ادامه تحصیل درمشهورترین مدرسه آنزمان یعنی مدرسه „شیر غازی„ به خیوه میرود .دراین مدرسه به فراگیری علوم وادبیات شرق آنزمان میپردازد ؛ بنابر استعدادی که داشت دردومین سال تحصیل ازجمله یکی از نایب مدرسین این مدرسه میشود . وی درمدت سه سال ، علوم مروجه مدرسه شیرغازی را فرا گرفته و با خاطره خوب از مدرسه شیرغازی به قریه خود بازمیگردد ؛ طوریکه دراین باره گفته است

مکان ایلاب اوچ یل ییدیم دوزینگی گیدار بولدیم خوش قال گوزل شیر غازی
اوتیردیم قیشینگی ، بهار یازینگی گیدار بولدیم خوش قال ، گوزل شیرغازی

1.4 .<u>عشق وعاشقی</u> : مخدومقلی دردوران کودکی خود با دختر خاله اش بنام منگلی خان همبازی بود اما با رسیدن به مرحله بلوغ احساس عشق وعطوفت دروجود هردو پیدا میشود ، فراغی احساس میکند که تمام وجودش مملو از منگلی است . این احساس و علاقه شدید وی به منگلی الهام بخش همه اشعار تغزلی ولطیف شاعر است . او وقتی صورت منگلی را در لوح ضمیر خود تصویرمیکند اشعار غنایی پرسوزی که بیانگر عواطف شخصی اوست ، میآفریند و نثار معشوق خود میکند این دسته اشعاروی از لطافت ویژه یی برخورداراست .

اما این دودلداده به یکدیگرنمی رسند رسوم و عنعنات آن وقت مانع رسیدن این دو دلداده به هم شده باعث فراق شان میشود ، مخدوم قلی بعدازاین ناکامی عشقی لقب فراغی که ناشی از کلمه فراق است بخود اختیار کرده و در مقطع اشعارش میگزیند دراین باره گفته است :

آیریلدیم غنچه گلیمدن سیاه ساچلی سنبلیمدن
خوش آوازلی بلبلیمدن شیرین گفتار دن آیریلدیم

مخدوم قلی بعداز قطع امید از منگلی بنابر خواست زمانه با دختری بنام آق قیز ازدواج میکند که ثمره آن دو فرزند بنام های ملابابک و ابراهیم میباشد . متاسفانه ملابابک درسن هفت سالگی و ابراهیم در سن دوازده سالگی چشم ازجهان فرومیبندند و پدر را بادلی شکسته و چشمی پراز اشک تنها میگذارند .

دل شکستگی و فراق عزیزان ، مخدومقلی را به یک انسان بی علاقه به دنیا و مادیات تبدیل کرده بود ؛ بل حس تصوف ، غمخواری ، مردم دوستی و عشق وطن درضمیرش شعله میزد او دگر اشعار میهنی ، اجتماعی ، فلسفی و عرفانی میسرود فقط شعر، زنده گی او شده بود . این سلوک روز تاروز به محبوبیتش دربین مردم میافزود .

1.5 . <u>احساس وطن پرستی و اوج شهرت</u> : مورخ وشرق شناس شهیر(پروفیسوربرتلس) مخدوم قلی را به جام جم تشبیه کرده است زیرا جام جم نقش نمودار جهان است وسخنان مختوم قلی هم منعکس

کننده و آیینه تمام نمای دنیا و زمان ، احساس و ادراک انسانها از جهان است . چنانچه خود شاعر گفته :

مختومقلی ، سوزله هرنه بیله نینگ اوزینگه کم لیک بیل آیتمان اوله نینگ
تاراشلاب شاتغین غلا گونله گله نینگ سندن سونگقی لاره یاد گار بولار

جمله (مختومقلی – بختینگ قلی) درزمان خود شاعر دربین مردم رایج شده بود و ازاین پیداست که مردم به گفته های نغز ، پرسود و گهر بارش ارج مینهادند و قدر میگذاشتند . چون مردم زبان دل خود را ، احساس ، ادراک ، غم و شادی خود را ، حتی ضرب المثل های رایج ترکمنی را منعکس شده دراشعارمختوم قلی میخواندند .

مختومقلی با علاقمندی نه ؛ بلکه با عشق به جامعه ومردم شعر میگفت وازعمق روابط ومناسبات اجتماعی وسیاسی جامعه خود آگاه و این روابط ومناسبات سوژه های شعرهایش بود ، آنرا انعکاس میداد و صیقل مینمود وازهرمفهومی اسطوره میساخت . تااینکه سخنانش ضرب المثل ، درس آموز و عبرت انگیز شده نمودگار و آمال ملتش گردید . بعضی اشعار مختومقلی درجنگ های ترکمن ها با حکومت قاجار ، خان نشین های خیوه و بخارا وجنگ های قبایلی ترکمن ها نابود شدند ؛ اما در دهه 1870 توسط یک جهانگرد بنام (آرمینوس) جمع آوری شد که فعلاً هم در کتابخانه انگلستان محفوظ است . بعداً توسط دو محقق لهستانی بنام های (بوریهو) و(الکساندر شونکو) به دنیا معرفی گردید. تاریخ وفات مختومقلی را برخی منابع 1169 ه. شمسی دانسته ولی بعضی منابع به استناد ارتباطات کتبی وی با (ذونوبه) یکی از شعرای عصرش 1176 ه. شمسی میدانند ، دایرة المعارف ویکیپیدیا سال درگذشت مختومقلی را 1807 میلادی ثبت نموده است . آرامگاه وی درکنار تربت پدرش در شهرستان"مراوه تپه"روستای آق توقای قدیم درترکمن صحرا ی ایران است .

2. اشعار مخدوم قلی فراغی :

2.1 . اشعارتغزلی : بیشتراشعار تغزلی مخدوم قلی در دوران جوانی وی درعشق معشوق اش منگلی خان سروده شده است وی دراشعار تغزلی غلو واغراق نکرده بلکه واقعیت ها ومکنونات ضمیرش را درنهایت لطافت و سادگی بیان میکند که مخاطب را مجذوب کرده وبیشتر علاقمند میسازد . فراغی در اشعار تغزلی ازصنایع لفظی سجع متوازن ، سجع مطرف ، سجع متوازی ، ترصیع ، استعاره ، جناس وملمع استفاده کرده :

پرده تارتیب یوزلریمه رایش بریب سوز لریمه
مختومقلی گوز لریمه یکه منگلی خان گورینیار

یکی از اشعار مشهور وی که درقالب مسدس سروده شده تحت عنوان تاپلمز میباشد که بیانگر ظرافت و نازک خیالی های شاعر دروصف معشوق بوده ، مورد علاقه جوانان و عاشق پیشه گان خلق اوزبیک وترکمن قرارگرفته است .حضرت مخدومقلی دربخش های زیادی شعرسروده ؛ اما دراینجا ازپنج بخش آن یاد آورشدیم .

2.2. اشعار اجتماعی : مخدومقلی فراغی دراشعار سیاسی اجتماعی خویش جنگ را تقبیح ، چند همسری را نکوهش ، مواد مخدر را حرام ، بیسوادی را عیب ، اختلافات وخیانت ها را محکوم میکند ، مردم را به اتحاد دعوت مینماید ، نقش زنان را درجامعه میستاید ، انزجار خود را ازفقر واختلافات قومی آشکار میکند . درمقابل بعضی عالمان دینی ریاکار میاستد ، ازاینجاست که مورد غضب اکثرخان های قدرتمند و بعضی عالمان دینی پرنفوذ زمان خویش قرارمیگیرد ؛ مثلاً وقتی مخدومقلی نزد یک عالم روحانی وقت بنام (نیازقلی خلیفه) میرود تا نزد وی شاگردی کند وتلمذ جوید ولی این روحانی ازپذیرفتن مختومقلی ابأ میورزد و میگوید ما شاعری را که هرچه بردهانش آمد بگوید نمی پذیریم . آنگاه فراغی ازاین واقعه متأثر شده مخمس (بیلمزمینگ) را میآفریند که یک بند آنرا طور مثال ارایه میکنیم :

مجنون کبی صحراده آغلای گزدیگیم گوزیم یاشین مرجاندیک دوزدیم دوزدیم دوزدیگیم

ورقه کمین گلشادن اولیب امید اوزدیگیم جوشغین بیریب عشق اودی قیناب قیزدیغیم

شبلی کمین برداغی یاندیر دیغیم بیلمزمینگ

دراین مخمس شاعراز صنعت تلمیح استفاده کرده وجهت مصداق کلام خویش مثالی از داستان های لیلی ومجنون و ورقه و گلشاه میآورد که درادبیات شرق جایگاه خاص خود را دارد . بیشتراشعار مخدومقلی حکم کلمات قصار را دارد که تشخیص آن از سایر ضرب المثل های رایج ترکمنی دشوار است یعنی مطالعه کننده در وهله اول خیال میکند که این جزو ضرب المثل است ولی آنطور نبوده درواقع دقت وحاکمیت بیشتر شاعر به موضوعات مرتبط درآن برهه زمان است.

2.3 . اشعار میهنی : مخدومقلی فراغی احساس وطن دوستی وخلق پروری را دراکثر اشعار خود تبارز داده است . او اقبال ، طالع وشادی خود را بسته به کامروایی وخوشی مردم خود میداند ووطن خود را ازهرچیزی عزیزمیشمارد و به مردمش مهر میورزد . گرچه عصر مخدومقلی عصر آرامش وصلح نبود لهذا این شاعر گرانمایه همیش درسطح مضیقه مالی زنده گی میکرد با وجود آنهم هیچگاهی بخاطر منفعت مادی و یا موقف دولتی ، کدام قصیده یا غزلی چاپلوسانه یا تعریف گونه دروصف کسی یا مقامی نگفته است هرچه گفته بخاطر مردم گفته واز زبان دل آنها گفته است . او مهاجرت ازوطن را با وجود مشکلات جاری نکوهش میکند دراین باره نصیحت گونه میگوید :

گل کونگل ، من سنگا نصحیت قیلای وطن ترک ادیب گیدیجی بولمه
اوزینگدن براکسیک غیری نامردینگ خدمتینده قوللیق ادیجی بولمه

حضرت مخدومقلی فراغی با وجود اینهمه فهم ودانش ، دستاورد ها درعرصه سخن ، شعرو شاعری نهایت فروتن و شکسته نفس بود طوریکه به این موضوع دریکی از اشعارخود اشاره کرده ، مختومقلی فراغی اکثراشعارخود را درقالب چهارپاره ها طوریکه سه مصرع اول آن درردیف و قافیه و مصراع چهارم شامل معنی یا تکمیل کننده مفهوم بوده ولی در ردیف وقافیه نمیباشد ، گفته است . تعداد اشعارمیهنی وی زیاد بوده ؛ اما میتوان عناوین گورینگ ، گل کونگل ، قاچه باشلادی ..... وغیره را نام برد .

2.4 . اشعار تصوفی وعرفانی : نگرش مخدوم قلی دراشعار تصوفی و عرفانی برآموزه ها وشیوه های خاصی از قرآن وسنت است ویک هدف معنوی را تعقیب میکند ، فراغی اشعارزیادی درطلب لطف واحسان خداوند وعفو گناهان سروده ، آنچه دراین بخش برازنده است لطف واحسان کردگار را تنها بخود نه بلکه به عموم مردم خود آرزو میکند ودرقبال آن آرزوی علم وعرفان را نیزفراموش نکرده است .

دراشعار تصوفی وعرفانی مخدومقلی حمد وثنا ونعت دروصف پیامبر اسلام زیاد است که دراینجا نظراجمالی روی آن صورت گرفت . ازقول یکی ازمنابع ؛ وی سرایش اشعار خود را الهام ازپیامبراسلام دریکی ازرویا های خود دانسته است . بعضی منابع ، مختومقلی را پیرو تفکرعمرخیام میدانند .عناوین : یارسین دن ، بوروزه ، یراتدی ، یا ذوالجلال ، یرانلار ..... شامل این بخش است. برخی منابع این بخش اشعار مختومقلی را با (نسیمی عراقی) وبعضی با (مشرب) مقایسه میکنند.

2.5 . نصایح واندرز ها : مخدومقلی سنتز شاعرانه خود را به نسل های بعدی انتقال داد او بنیانگذارادبیات نوین ترکمنی شناخته شد و به نمادی قدرتمند دراین عرصه تبدیل گردید . خلق ترکمن واوزبیک ازنصایح وآموزه های اجتماعی وی مستفید میشوند ؛ زیرا برخاسته ازعمق جامعه و مطابق به سنت های پسندیده شان است . وی مردم را به متانت و مقاومت درمقابل مشکلات ، اجتناب از مواد مخدر ، صداقت و راستگویی وسایرخصایل مثبت تشویق وترغیب میکند . دردیوان وی عناوین گیدیجی بولمه ، یاقانچابولماز، باش بولمنگ ، خبردار بولمنگ ..... مشحون از نصایح و اندرز های مفید است .

3. **آثار :**

3.1 . آنچه ازمخدومقلی فراغی باقیمانده درایران به رسم الخط عربی در ترکمنستان و اوزبیکستان به رسم الخط کریل و روسی به چاپ رسیده ؛ محققین وشرق شناسان قدیم نیز به لسان های فرانسوی ، لهستانی وانگلیسی نشر وبدنیا معرفی کرده اند .

3.2 . درافغانستان بعضی چارراه ها ، جاده های عمومی به نام مخدوم قلی نام گذاری شده وموسسات تحصیلی وآموزشی به نام مختوم قلی فراغی موجود است ، هنرمندان محلی اشعار وی را میسرایند واعظان درسخن رانی ازآن استفاده میکنند . عکس مخدومقلی فراغی درتمبرهای پستی ایران ، روسیه وترکیه به چاپ شده است

3.4 . مجسمه مخدوم قلی فراغی درشهرهای جنوب غربی ، میدان استقلال ، میدان نفتی وگازی عشق آباد ، تاشکند ، خیوه ، ایران وترکیه موجود ومورد احترام است درترکمنستان در 27 جون همه ساله درجشن فرهنگ ، نام مختوم قلی با احترام خاصی درسرخط مقاله ها و ترانه هاست .

4 . **نتیجه** : مخدوم قلی فراغی بنیان گذار ادبیات نوین ترکمنی شناخته شده از افکار و اندوخته های او در کشور های منطقه استفاده میشود . مردم مختومقلی فراغی را درنماد یک متصوف ، متفکر ورهبر احترام نموده به گفته هایش ارج میگذارند . با تقدیم احترامات فایقه

محمدنعیم غفوری Mohammad Naim Ghafoori
آدرس الکترونی : mnghafoori@gmail.com & WhatsApp : +905524975401
Telegram : +93799847137
تیلفون : +93 799847137 & +90 5524975401

منابع References:
1 . مختومقلی نینگ کامل دیوانی . ازانتشارات مطبوعاتی قابوس ، تهران ، سال 1343ش
2 . زندگینامه مختومقلی فراغی . چاپ ایران سال 1389 ش ، ویکیپیدیا
3 . تاریخ سیاسی و اجتماعی ترکمن ها سال چاپ 1366
4 .لغتنامه دهخدا – مدخل های مختوم قلی چاپ ایران 1324
5 .مسلمانان در آسیای مرکزی انتشارات دانشگاه دوک سال چاپ 1992

Rezyume

Mazkur maqola doktor Muhammad Naim Gafforiy tomonidan fors tilida yozilgan bo‘lib, «Qo‘shni mamlakatlarda Maxtumquli Farog‘iy qarashlarining namoyon bo‘lishi», deb nomlanadi. Maqola mavzusiga taalluqli bo‘lgan muammolar borasida fikr yuritiladi va talabga javob beradi. Mavzuning dolzarbligi Maxtumquli Farog‘iyning qarashlari va in’ikosini misollar bilan keltiriladi. Maqola muhim mavzuda yozilganganligi va dolzarbligi bilan ahamiyatga ega.

Kalit so‘zlar: Maxtumquli Farog‘iy qarashlari in’ikosi, qardosh mamlakatlar.

Резюме

Данная статья написана доктором Мухаммадом Наимом Гаффари на персидском языке и называется «Проявление взглядов Махтумкули Фароги в соседних странах». Подумайте о проблемах, связанных с темой статьи, и удовлетворите спрос. Актуальность темы представлена на примерах взглядов и представлений Махтумкули Фароги. Статья важна, потому что написана на важную тему и актуальна.

Ключевые слова: взгляды Махтумкули Фараги, братские страны.

Summary

This article was written by Dr. Muhammad Naim Ghaffari in Persian and is titled «Manifestation of the views of Magtymguly Farogi in neighboring countries.» Think about the problems related to the topic of the article and satisfy the demand. The relevance of the topic is presented using examples of the views and ideas of Magtymguly Farogi. The article is important because it is written on an important topic and is relevant.

Keywords: views of Magtymguly Faraga, fraternal countries.

MAXTUMQULI FIROG‘IYNING SHE’RLARI MUSIQIY QANOTLARIDA

Muhammad Halim YORQIN
(Shvetsiya)

Maxtumquli Firog‘iy turkman xalqi va umuman turkiy xalqlar tarixining porloq siymolaridan biridir. Uning she’rlari o‘z zamonidan boshlab, bugungacha ixlosmandlar tomonidan sevib o‘qilib, san’atchilarning go‘zal kuylarida kuylanib, olimlar orqali tadqiq qilinib kelinmoqda.

Rus buyuk olimi Vladimir Bartold shundoq yozgan edi: «Turkman xalqi qishning uzun kechalarini, baxshilar orqali kuylanadigan xalq dostonlari hamda Maxtumqulining she’rlarini tinglab o‘tkazadilar». Olimning ushbu so‘zida turkman xalqining Maxtumquliga nisbatan chuqur hurmati va she’rini sevish tuyg‘ulari o‘z ifodasini topgan.

Buning sababi nimadir?

Bizningcha buning sababi, Maxtumquli she’rlarining tili va mazmuni o‘zallik (xususiyat)laridadir. Maxtumquli she’rlari, o‘z shakliga ko‘ra ko‘proq quvnoq va o‘ynoqi barmoq vaznlarida ekanligi, tilining sodda, silliq va ayniqsa jonli til (xalq tili)ga yaqinligi hamda xalq iboralari, atamalari va xalq maqollariga boyligidadir. Shuningdek, mazmun nuqtai nazardan, uning she’rlarida, umuman xalqning qayg‘u-dardlari, istak-armonlari, odob-axloq, yuksak insoniy fazilatlar, ona yurt va xalqni ardoqlash va sevish, diniy e’tiqod, turmush va tabiat go‘zalliklari, bilim va kamol o‘rganish, ustoz va ota-onani hurmat qilish kabi ezgu g‘oyalar mavj urib turganidir. Qolaversa, yovuzlik, zulm, adolatsizlik, jaholat, xiyonat, qing‘irlik va barcha salbiy, yaramas odat va qilmishlar qattiq qoralanganidadir. Aynan ushbu xususiyatlari sababli, Maxtumqulining she’rlari mohir ustoz va san’atchilar orqali kuylarga solinib kuylangan va muxlislari esa ularni maroq bilan eshitgan va

eshitadilar. Bugunga kelib, shoir she’rlari nafaqat turman, balki o‘zbek, ozarbayjon, tatar, qoraqalpoq va boshqa turkiy xalqlar san’atchilari ham maroq bilan kuylaydilar.

O‘zbek musiqa xazinasida Maxtumquli she’rlari asosida yaratilgan ohanglar juda ko‘pdir. O‘zbekistonning mashhur san’atchilari, jumladan: Komiljon Otaniyozov, Bobomurod Hamdamov, Rahmonjon Qurbonov, Ortiq Otajonov, Olmaxon Hayitova, Kamoliddin Rahimov, O‘ktam Ahmedov va boshqalar Maxtumquli she’rlarini chiroyli ohanglarda kuylaganlar.

O‘rnak uchun ona-yurt, ota-ona va bilimni sevish haqidagi ushbu matla’li she’ri Turmaniston va O‘zbekistonning ko‘plab san’atchilari tomonidan go‘zal kuylangan:

Mastona yurgancha g‘ayri yurtlarda,
Unib-o‘sgan o‘z yurtingdan ayrilma...

Yoki butun misralari qimmatli o‘gitlarga boy quyidagi matla’li she’riga tuzilgan ohangni ham totli SSS san’atchilaridan ko‘p eshitganmiz:

Har yigitin aslin bilay desangiz,
Ma’rakada o‘tirish-durishin go‘ring...

Shuningdek, Maxtumquli to‘qqiz oy ona qornidagi ilk hayotidan boshlab, tug‘ilib ulg‘ayib, umrining o‘smirlik, yoshlik, navqironlik, keksayib, nihoyat hayot tugab o‘lmaguncha bo‘lgan bosqichlarini ajoyib mazmunli va ibratli misralarda bayon etgan. Bu she’rni ko‘plab san’atchilar yoqimli kuyga solib, o‘ta ta’sirchan kuylaganlar. She’r ushbu misralar bilan boshlanadi:

To‘qqiz oy yotmishim onam qorninda,
Hasrat o‘ti jismingga yoqqancha bo‘lmas...

Bularga o‘xshash o‘rnaklarni ko‘p keltirish mumkin. O‘gitli va tarbiyaviy mazmunli klassik she’rlarga tuzilgan ohanglarning ichida, Maxtumquli she’rlariga tuzilgan ohanglarni turkman va o‘zbek mashhur ustoz san’atchilari ko‘p kuylaganlar: jumladan: Ustod Ahmad Baxshi, Ustod Shohqul Sufiy, Ustod Abdulg‘affor Kamol, Ustod G‘afurjon Vafo, Qunduzlik Sa’dulloh Og‘a, G‘ulomsarvar Baxshi, Mullo Tojmuhammad, Xayirmuhammad Chovush va boshqa

sna’atchilar shu turkumdagi ohanglarni ko‘p ijro etganlar. Bu ohanglarning ko‘plari Afg‘oniston Milliy Radio-televizion arxivi hamda muxlislar qoshida saqlanmoqda.

Maxtumquli Firog‘iyning she’rlari yuqorida eslangan o‘zalliklarga ko‘ra, xalq tomonidan sevib o‘qiladi va yetuk san’atchilar orqali go‘zal ohanglarda kuylanadi. Demak, Maxtumquli she’rlari, ayniqsa turkman va o‘zbek musiqiy qanotlarida yurtlar va uzoq-uzoq zamonlargacha uchib boraveradi va tinglovchilariga ruhiy oziqa bo‘ladi.

MAGTYMGULY PYRAGYNYŇ GOŞGULARYNDA SOPUÇYLYK WE TARYGATYŇ ŞÖHLELENIŞI

Abdul wakil Rashid,
Juzjon universiteti turkman
tili va adabioyti kafedrasi mudiri
(Afg‘oniston)

Magtymguly Pyragy Türkmen halkyň milli şahyry, milli guwanjy, milli buýsanjy hysaplanýar. XVIII asyrdan bäri Magtymguly her bir Türkmen öyünde, kalbynda we aňynda yaşap gelýär. Pyragy, ruhy päk we diýanatly adam bolup bir ruhany maşgalada dünýä inýär. Türkmen edebiýatynyň möwç urup rowajlanmagyna hususanam XVIII asyr Türkmen edebiýatyna, Magtymguly Pyragynyň goýan täsiri juda uly bolupdyr. Pyragynyň şygyrlarynyň esasy mazmularyny ahlaky, sosýal we sopuçylyk mazmunlar döretýär we onuň şygyrlarynyň ýükli göterimini bolsa, sopuçylyk şygyrlar tutýar. Idris Baba medresesi, Gögeldaş medresesi we hususanam Şyrgazy medresesiniň sopuçylyk pazahsy Pyraga doly täsir edip, oňa sopuçylyk şygyrlar döretmäge yol açandyr. Magtymguly Pyragy şygyrlarynda köplenç Ýesewiýe we Nakyşbendiýe tarygatlaryndan söz edipdir.

Magtymguly Pyragynyň Terjime Haly we Onuň sopuçylyk we Tarygat Düşünjeleri. Magtymguly Pyragy, Döwlet Muhammed Azadynyň ogly bolup 1733nji Milady, 1112 Hijri Şemsi ýylyna barabar **Etrek** obasynda bir ruhany maşgalada eneden dogulypdyr.

Magtymguly başlangyç ylymlaryny oba mollasy we hususanam öz atasy Döwlet Mohammed Azady dan alyar [1, B. 121]. Şahyr bu hakda özi şeyle diýýär:

Doga kylsam jebr-u-jepa ekser dur
Ylym öwreden ustad kyblam peder dur

Beýik akyldar Magtymguly Pyragy Türkmen kylasyk şygyrýetiniň deňi bolmadyk, uly wekilidir. Ol öz ýaşan zamanasynda halk behbidi, agzy birlik ugrunda uly işler bitiren Türkmen şygyrýetiniň beýik pälwanydyr [14, B. 85]. Pyragy, Nowaýynyň, Nyzamynyň, Pirdöwsiniň, Omar haýamyň, Şyh Sadynyň, hoja Hapyzyň, Puzulynyň we başga şahyrlaryň eserleri bilen içgin tanyş bolýar we soňra Idris baba medresesinde, Gögeldaş medresesinde we Şyrgazy Han medresesinde döýpli bilim alyp, alym bolup ýetişýär [12, B. 133]. Şeýlelik bilen Magtymguly 1169 H. Ş. Ýylyna golaý aradan çykýar. Onuň gonam jaýy atasy bilen birlikde häzirki Eýranyň gündogar-demirgazygyndaky Aktokaý diýilýän ýerinde ýerleşýär [11, B. 52].

Magtymguly Pyragy iň beýik Türkmen şahyrlarynyň biridir. Ol öz pikrini, sözüni şygyrlarynyň üsti bilen, ahlaky, sopuçylyk we sosyal mazmunlarda beýan edipdir. Magtymgulynyň şygyrlarynda durmuşyň yönekeý özüne çekiji zatlaryna ýer yok; bar zat hakykaty gözlemek we kemal tapmakdyr. Magtymgulynyň diwany ynsany dogry yola çykarýar we gereksiz dünýäden ahyrete gönükdirýär we Pyragynyň bütin sözleri ögüt we hikmetdir. Şerigat we tarygatdan alynan Magtymgulynyň sopuçylyk pikirleri bolsa, arypana düýş görmeklikleri bilen başlanyar [12, B. 135]. Magtymguly Pyragy iç söýgisini haka baglan we hemişe hakyň yşkynda bolan beýik bir arypdyr. Ol öz şygyrlarynyň birinde bu ugurda şeýle diýýär:

Magtymguly serden gitmez dumanym
Men haka aşygam yokdyr gümanym

Ýada:

Maksadyň sen Magtymguly Hak Tagaladan dile
Gapyl olma gije gündiz, bol Huda zikri bile

sopuçylykda yşk yoly hak yolydyr, Pyragynyň sopuçylyk şygyrlary öz sada, çekiji we biteklipligi bilen, her bir ynsanyň ýüreginde jaý alyp we olaryň hemişelik adatlarynda aýrylyksyz bolupdyr [6, B. 112]. Pyragynyň sopyçylygy yzma-yz aşakdaky basgançakdan, ýokarky basgançaga baryp ýetişendir. Pyragynyň sopuçylyk we sopuçylyk hem aram we mylaýym sopuçylykdan bolan. Onuň sebäbi bolsa, ol şerigaty tarygat yoly bilen ögrenip hemme işlerinde barabar öndüw edendir [5, B. 166]. Magtymguly Pyragy, ruhuny ösdürmek we içini päk saklamakda öýle bir seresaply amal edýän eken, şeýlelikde her dürli gorkylykdan we maddy zatlardan özüni uzak saklapdyr. Hakykat onuň üçin şeýle bir yol bolýar, başga aryp we sopylar hem şoňa akyda edipdir. Pyragy aňsadlyk bilen böýle bir mukama ýetişen däl; belki hem akyl bilen we hem nepsini saklaýyş bilen haka ýetişendir [4, B. 105]. Pyragy muny şeýle setirler bilen beýan edýär:

Ýigitlik paslyny gyşa ýetirdim
Beýik pikre galdym aklym ýitirdim
Kämillik kişţisin derýa batyrdym
Tirik iken, öli bolup galyp men.

Pyragynyň sopuçylyk şygyr aýdyşy öýle bir näzik bolan, bir azajyk gorjanaýsa, hak yşky üçin joşup agzyndan dökülýär eken, misli derýanyň golaýyna baranyňda deryanyň gyrasyndaky tolkuny ýanak. Tarygat dan myrat sopuçylykda bir mesir (ýol) bolan. Pyragy aşakdaky şygrynda tarygat hakynda şeýle diýýär:

Magtymguly, Huda towpyk berende
Tarygatyň rast ýoluna girende
Seher turup, ýalňyz ýollar ýörende
Ýolun şeýtan urup, döw paç edmesin.

Pyragynyň ýokarydaky şygyrlaryndan belli bolşy ýaly, ol tarygaty dogry ýol bilip we bu ýolda jepa çeken ähli ynsanlar, her zaman tagat we ybadat bilen meşgul bolmalydyr diýýär [3, B:40]. Magtymguly pyragy sopuçylykda, Ýesewiýe we Nakyşbendiýe tarygatlaryň meşaýyh we pirlerine juda uly hormat goýupdyr. Ol öz şygyrlarynda olardan at tutup we olary özüne pir we ussat hökmünde kabul edip geçýär.

Ýesewiýe we Nakyşbendiýe tarygaty. Ilkinji türk sopusi, hemde Ýesewiýe tarygatynyň esasçysy, türk edebiýatynda arypana şygyrýet başlaýjysy, miladi XI asyryň soňuna golaý türkistanyň «ýeses» obasynda Şyh Ibrahym maşgalasynda dogulýar [14, B. 133]. Türki halklaryň beýik sopysy Hoja Ahmad Ýesewi esaslan ýesewiýe tarygaty bütin Türkistan teretorýasynda rowaçlanyp, asyrlaryň döwamynda, halk üçin ruhy daýanç, paýz we bereket bolup gelendir [12, B. 18]. Behäweddin Muhammed ibin Hapyzeddin Şah Nakyşbend adyna we «Mohammed-elbuhary» Behäweddin Nakyşbend dir. Atasy «Baba Sermest» ady bilen şöhrat gazanyp, uly babalary; Mewlana Hapyzeddin öz zamanynyň beýik alymlaryndan we Huseýni Sadat (Işan)laryndan bolupdyr. Behäweddin Nakyşbend Müharramulharam aýynyň onsekkizinde 718 Hijiri ýylyndam we başga bir rowaýata görä; 717 Hijiri ýylynda, Buhara welaýatynyň Kasry sopuçylyk (Köşk sopuçylyk ýa Kasry Hindiwan) obasynda dünýä inýär [2, B. 56].

Magtymguly Pyragynyň diwanynda Ýesewiýe we Nakyşbendiýe tarygat sopylaryň beýany. Magtymguly Pyragynyň, öz şygyrlarynda Ýesewiýe we Nakyşbendiýe tarygatlaryndan at tutma maksady, bu tarygatlaryň täsirinde galmagy bilen baglanşyklydyr. Ýesewiýe we Nakyşbendiýe tarygatlarynda ady belli şyhlar bolup geçip we olar öz zamanasynda yslam dünýäsiniň göz guwanjy bolupdyrlar. Şolar jümlesinden Hoja Ahmed Ýesewi, Hoja Behäweddin Nakyşbend, Zeňňi Baba, Ýüsüp Hamedany, Hekim Süleýman Bakyrgany, Nur Ata, Gözli Ata we başgalar... Hoja Ahmed Ýesewiniň dördinji halypasy bolan Süleýman Bakyrgany (Hekim Ata) XII asyrda ýaşap geçen bir derwiş şahyr sypatynda däl; eýsen öz zamanasynyň iň hormat gören şahsiýetlerinden biri bolan we Pyragy hem öz döwüründe bu kişiniň şol hormata laýyk bolmasyny we bu tarygatdan doly täsirlenen digini öz şygyrlarynda görkezip geçendir [1, B. 89]. Ýenede «Hoja Ýüsüp Hemedany» (ölüm ýyly 535 H. K.) şol şahsiýetlerden biridir. Häzirlikçe onuň kubury Mary da bolup sopuçylyk maýyl kişileriň zyýaratgäsidir. Türkmenler ony «Ýüsüp Baba» adynda tanaýarlar [6, 1388: 26]. Magtymguly şygyrlarynda ol kişiden şeýle at tutýar:

Sultan Weýs, Pälwany

Hoja Ýüsüp, Hemedany
Hekim Ata, Süleýmany
Şol Şah Kenan içinde

Hoja Ýüsüp Hemedany, pir we mürşid Hoja Ahmed Ýesewi we Hoja Abdulhalyk Gajdawany (ölüm ýyly 575 H. K.)dyr. Hoja Ahmed Ýesewi tarygat we sopuçylyk Türk milletiň ortasynda ýaratdy, Hoja Abdulhalyk Gajdawany bolsa «Hojegäniň» silsilersiniň başlygydyr, soňy bilen «Nakyşbendiýe» ady bilen tanaldy. Magtyguly Hoja Ahmed Ýesewiden böýle at tutýar:

Hezret Aly etgeç alemge daway
Ýedi yklym eýesi ***Ahmed Ýesewi***
Rüstem dag süýrärdi apy birle
Hoja Ahmed Ýesewi *ýüz sopy birle*
Kafdan kafa duşdy Hyzyryň çawy
Meniň sahyp jemalymy gördüňmi?!
Döwlet titreşerdi Gerz howpy birle
Kiştisiz derýany şeýle geçdiler.

We ýene hem Pyragy «Jana Ýagydyr» diýen şygyrynda Hoja Ahmed den Şeýle at tutýar:

Hany din pederi geçdi Muhammed
Türkistan öwlady ötdi Hoja Ahmed.

Magtymguly Pyragy başga bir şygyrynda hem Hoja Ahmed Ýesewini şeýle ýadlaýar:

Türkistanyň ***Ahmedi***
Togsan ýerde söhbeti
Hak gaşynda söýeklik
Bir günda Bäş namaz.

Pyragy bu şygyrynda Türkistanly Hoja Ahmediň togsan ýerde müridleri bilen söhbetdaşlygyny belläpdir. We ýene hem Hoja Ahmed den at tutýar:

Haji Bektaş, Abdulkadyr,
Ol Hyzyr, Ylýas ilen Ahmed,

Hoja Ahmed, *Ymam Ryzadyr,*
Süleýman anda bar.

Pyragy Ýesewiýe tarygatynyň ilkinji halypalary hökmünde Baba Arslan ogly «Mansur Ata» onuň ogly «Abdulmelik Ata» onuň ogly «Zeňňi Ata»dan hem şeýle at tutýar:

Ol Behäweddin dir, ol da bir ärdir
Ol Zeňňi Baba dyr ol namdardyr.

Pyragy «Dolup ötdi» diýen şygyrynda Mansur Atany hem şeýle ýadlaýar:

Bir niçeleriň aşyga, ger awy atyldy
Takdyr ezel kätibe neden beýle çatyldy
Mansur *«Enelhak» diýip, gör ol darga asyldy*
Magryp şasynyň gyzy bu Kenanga çatyldy.

Magtymguly şygyrlarynda Behäweddin Nakyşbend, Seýid Emir Kelal we Zeňňi Ata dan at tutup olary görmek arzusynda bolupdyr we bu hakda şeýle diýýär:

Dehistanyň baýyrynda,
Behäweddin *Mir Kelal,*
Bady sabany görsem
Zeňňi Babany *görsem*

Bu şygyrda Magtymguly, Behäweddin Nakyşbend we Hezret Seýid Emir Kelaly görmek isteýändigini bildirýär. Magtymguly Pyragy «Bir nan getirdi» diýen şygyrynda Behäweddin Nakyşnendi den böýle at tutýar:

Bir gije ýatyrdym, ***Şah Nakyşbendi***
Sag elinde bada gülgun şeraby
Keremi joş eýläp, bir nan getirdi
Sol elinde täze birýan getirdi.

Magtymguly diwanynyň iki ýerinde «Gözli Ata» dan at tutýar:

Gara Alam Baba, ýa Halyd Nebi,
Gözli Ata, *Baba Selman şypa ber.*

We başga bir şygyrynda:

*Sen **Gözli Ata** bolsaň bir Gerkez eli,*
Çöl ýerde gezer sen, ýad edip ili

Magtymguly «Hazarystana sary» atly şygyrynda, Nur Ata we Hekim Süleýman Bakyrganyny böýle ýatlaýar:

***Nor Ata,** Baba Dargan*
*Bardy kary **Bakyrgan***
Degresi derýa, Korgan,
Şol Türkistana sary.

Hekim Süleýman Ata Bakyrgany hem, Ýesewiýe tarygatynyň pirlerinden biri bolup, onuň hikmetli şygyrlary ilatyň arasynda uly şöhrata eýedir. Ol kişiden: Bakyrgany kitaby, Ahyrzaman we Hezreti Merýem kitaby atly eserler galypdyr [3, B. 45].

Magtymguly Pyragynyň döredijiligine üns bilen sin etsek, onuň şygyrlarynyň esasy bölegini arypana we sopuçylyk şygyrlar döretýär. Mälim boluşyna görä, Magtymguly Pyragy sopuçylyk dünýäsiniň beýik wekillerinden bolup, Ýesewiýe we Nakyşbendiýe tarygatlaryň ösmegine; Türk hususanam Türkmen halkynyň arasyna aralaşmagyna öziniň mylaýym, sada we halk dilinde ýazylan şygyrlary bilen paýyny goşandyr. Magtymguly Pyragy Ýesewiýe we Nakyşbendiýe tarygatlaryň meşaýyh we pirlerine juda uly hormat goýupdyr. Ýesewiýe we Nakyşbendiýe tarygatlary Magtymguly Pyragynyň aňynda we kalbynda ýerleşipdir. Magtymguly Pyragynyň şygyrlaryndan alyndyk netijä görä, ol iki tarygatyň hem öwilyalaryna hormat goyupdyr. Olara hormat goýmagy hem olary doly tanymagynyň hasylydyr.

Edebiyatlar

1. Amangulyowa, G. Magtymgulynyň manewi ussatlaryndan Ýesewiýe derwişi Hekim Ata we aralaryndaky ortak motifler. Bilim we Kültur dergisi, 13 Sany. 2000.

2. Aram, E, H. Seýret we Makalat Nakyşbendiýe. – Mazar-i-Şerip: Nikzad metbugaty, 1390 H. Ş.

3. Ata Gezli, M. Täsir Tarygat Ýesewiýe we Nakyşbendiýe der irfan Magtymguly. – Tihran: Subhan Pasylnamasy, 1387 H. Ş.
4. Atayow, K. XVIII asyr Türkmen edebiýaty. – Aşgabat: Türkmen döwlet neşerýaty, 2010.
5. Begmakow, A. Rejepow, P. Tokbayow, M. Türkmen Edebiýaty. – Aşgabat: Türkmen döwlet neşerýaty, 2010.
6. Kazy, A. Hoja Behäweddin Nakyşbend Timurylaryň zamanynda. – Tihran: Küdistan neşerýaty, 1388 H. Ş.
7. Kärger, A. Taryh Dürahşyş Türkmenan. – Kabul: 1 çapy. Elezher neşerýaty, 1385 H. Ş.
8. Perzad, A. Pyragynyň irfan mazmundaky şygyrlaryna gysga bir garaýyş, Pasylnamaý Jewizjan, Şybyrgan: Jewizjan Instituty, 14 sany. 1395 H. Ş.
9. Pyragy, M. Diwan Kämil Magtymguly Pyragy, Çapa teýýarlan. Myratdurdy Kazy. – Meşhed: Gül Neşer çaphanasy, 1383 H. Ş.
10. Pyragy, M. Magtymguly Saýlanan Eserler, Çapa teýýarlanlar. Abdirahman Malkamanow, Geldi Nazarow, Myrat Çaryýow we Amanberdi Norýagdyýow. – Aşgabat: Ylym neşerýaty, 1988.
11. Rasyh, M. S. Taryh we Perheň Türkmenha. – Kabul: Enjümen yjtymaýy we perheňňi ýurt neşerýaty, 1394 H. Ş.
12. Sary Ogly, H. Y. Aşnaýy ba Tarygat Nakyşbendiýe. – Tihran: Ýaprak Pasylnamasy, 1379 H. Ş.
13. Şadimir, Y. K. irfan we Eşhar irfany Pyragy. – Tihran: Jürjan Ogly wiže namasy, 1396 H. Ş.
14. Şergy Jewizjany, A. H. Tasawuf we Ynsan. – Kabul: Gazanpar binýady, seyid neşerýaty, 2012.

Gysgaça Mazmun

Magtymgulynyň döredijiligine üns bilen ser etsek, onda onuň şygyrlarynyň esasy bölegini arypana we sopuçylyk şygyrlar döretyär. Magtymguly Pyragynyň sopuçylyk we sopuçylyk dünyäsinde tarygatlara bolan ünsini, hususanam Ýesewiýe we Nakyşbendiýe

tarygatlaryň täsirini, onuň şygyrlarynda juda köp görmek bolýar. Pyragy sopuçylyk dünýäsinde Ýesewiýe we Nakyşbendiýe tarygatlaryna we bu tarygatlardaky pir we mürşidlere örän uly baha beripdir. Bu makalada, Magtymguly Pyragynyň sopyyçylyk dünýäsi, Ýesewiýe we Nakyşbendiýe tarygatlaryna bolan ünsi we bu tarygatlaryň Pyragynyň şygyrlaryna goýan täsiri söz açylandyr.

Açar sözler: Magtymguly Pyragy, sopuçylyk, Tarygat, Ýesewiýe, Nakyşbendiýe.

Summary

If you take a closer look at Magtymguly's work, the bulk of his poems will consist of Arifan and Sufi poems. Magtymguly Fragi's attention to Sufism and sects in the world of Sufism, especially the influence of the Yassawi and Nakishbandi sects, can be seen a lot in his poems. In the world of Sufism, the Prophet greatly valued the Yasawi and Naqishbandiya sects, as well as the pirs and murshids of these sects. This article discusses Magtymguly Fragi's attention to the world of Sufism, the Yasawi and Naqishbandiya sects, as well as the influence of these sects on Fragi's poetry.

Key words: Magtymguly Piragiya, Sufism, Tarighat, Yassevi, Naqishbandiya.

Резюме

Если присмотреться к творчеству Махтумкули, то основную часть его стихов составят арифанские и суфийские стихи. Внимание Махтумкули Фраги к суфизму и сектам в мире суфизма, особенно влияние сект Яссави и Накишбанди, много можно увидеть в его стихах. В мире суфизма Пророк очень ценил секты Яссави и Накишбандия, а также пиров и муршидов этих сект. В этой статье обсуждается внимание Магтумкули Фраги к миру суфизма, сект Яссави и Накишбандия, а также влияние этих сект на стихи Фраги.

Ключевые слова: Махтумкули Пирагия, Суфизм, Таригат, Яссеви, Накишбандия.

MAXTUMQULI FIROG‘IY: VATANGA SADOQAT VA DO‘STLIK IJODKORI

Ergash Xidirberdiyevich AVAZOV,
Termiz davlat universiteti
Iqtisodiyot va turizm fakulteti moliya va moliyaviy
texnologiyalar kafedrasi dotsenti

Turkman mutafakkiri so‘zlar xazinasining xazinaboni deganimizni uning sherlarini o‘qish orqali bilib olamiz:

Bir nechani qilding mol-u bisyori,
Bir nechani qilding bir puling zori.
Yaxshi –yomon odamzotining bori,
Navbat bilan o‘tib borishin ko‘ring.

Maxtumquli 1733-yilda Gurgan daryosi sohilidagi Hojigavshand qishlog‘ida dunyoga kelgan. U dastlabki ta’limni oilada o‘z otasidan olgan. Chunki Maxtumqulining otasi Davlatmamat Ozodiy ham shoir bo‘lgan. Ma’lumot o‘rnida aytib o‘tamiz: Ozodiy 1700-1760-yillarda yashagan. Maxtumquli keyinchalik qishloq maktabida Solih mulla qo‘lida o‘qigan va keyin Qiziloyoq qishlog‘idagi Idrisbobo madrasasida, undan so‘ng esa Buxoroning Ko‘kaldosh va Xivaning Sherg‘oziy madrasalarida tahsil olgan. U Nizomiy, Firdavsiy, Fuzuliy va Navoiy singari mashhur shoirlar ijodidan bahramand bo‘lgan. Shuning bilan Maxtumquli mohir zargar bo‘lgan. U Afg‘oniston, Eron, Hindiston, Ozarjbayjon, Samarqand, Turkiston kabi bir qancha shaharlarga sayohat qilgan.

Maxtumqulining oilaviy sharoitlari xususida har xil rivoyatlar bor. Maxtumqulishunoslar Maxtumquli Menglixon ismli qizni chin dildan sevganini, biroq ularni turmush qurishiga imkoni bo‘lmaganini yozishgan. Endi esa shu voqeaga ozgina oydinlik kiritsak. Menglixon Maxtumquliga qarindosh bo‘lib, ya’ni yanada aniqroq aytadigan bo‘lsak, xolasining qizi bo‘gan. Ular yoshligidanoq bir-birlariga ko‘ngil qo‘yishgan. Biroq Maxtumquli kata yo‘qotishlarni boshidan kechirgan. Otasi va ikkita akasining o‘limi uning oilasini moddiy taraflama qiyin ahvolga solib qo‘ygan. Qizga bergadigan qalin pulini berolmasligini bilgan Menglixonning

akalari esa singlisining noroziligiga qaramasdan uni boshqa birovga turmushga berib yuborishgan.

Falak menga mol berarsan, ul ganj-u jon kerakmas,
Go‘zal yorim ko‘rmasam gar, foniy jahon kerakmas.
Boqqa kirib naylayin men, qulf urgan anbarin,
Bulbulim yesir qilibsan, go‘zal rayhon kerakmas.

Maxtumquli bir qancha lirik she’rlar, lirik, epik dostonlar, g‘azal va muxammaslar yozgan. Bizgacha uning lirik falsafiy pand nasihat harakteridagi o‘n mingdan ortiq she’rlari yetib kelgan. Maxtumquli she’rlarida Turkman xalqining hayoti, urf-odatlari, o‘z davrining muhim ijtimoiy, siyosiy hodisalari va shoirning ichki kechinmalari teran ifoda etilgan. «Bo‘lmasa», «Kelgay», «Bilan», «Naylayin», «Yetmas», «Bular», «Ketti zamon» va boshqalar shular jumlasidandir.

Maxtumquli o‘z asarlarida turkman urug‘larini birlashishga chaqirgan. Ular o‘rtasidagi nizo, janjallarni tugatishga uringan. Ma’lumot o‘rnida kelisholmagan urug‘lar nomini sanab o‘tamiz *taka, yovmut, ko‘klang, yozir va aliliy*. Maxtumquli o‘z davrida bosqinchilar zulmi ostida qolgan xalqni birlashtirishga, yurtni tashqi va ichki dushmanlardan ozod etishga o‘z iste’dodi bilan harakat qildi.

Shoir yozadi:

Ustimizdan dushman hukm suribdur,
Mo‘min bari jabru jafo ko‘ribdur,
O‘g‘il-qizni xor o‘rniga beribdur,
Xatarlar ul joydan surilsin endi!..

Boshqa she’rida esa shoir el-yurt ahvolining kundan kunga yomonlashib borayotganidan, chamandek vatan tikanzorga aylanayotganidan faryod chekadi:

Naylayin, kun kundan yomon,
El yurtimni tutdi tuman,
Marg ostida ajab chaman,
Boq, bu kun ul xorga do‘ndi...

Hamisha el-yurt dardu armoni bilan yashagan Maxtumqulining yoniq she’riyatida shafqat va zulm, yaxshilik va yomonlik, mardlik

va nomardlik, jo‘mardlik va tubanlik kabi xususlar bir-biriga qarama-qarshi holda tavsiflanadi, yaxshi xislatlar ulug‘lanib, yomon xislatlar qoralanadi.

Maxtumqulining «Oldi-orti bilinmas» she’rida turkman urug‘larining birlashishi bu xalqning yanada qudratli qilishini e’tirof etgan:

Yovmut, go‘klang ta’sib aylab o‘zidan,
Tortdi qo‘shin, oldi-orti bilinmas.
Sig‘may chiqdi dashti- Darxon tuzindan,
Yurgan yo‘li, qo‘ngan yurti bilinmas.
Uch ming nayzabozi bordir no‘kardan,
To‘rt ming fildori bor qal’a yiqardan.
Taka, solir yurish qilsa yuqordan,
Dushmanning nomardi, mardi bilinmas.
Maxtumquli, Aliningdir bul maydon,
Ne ish tutar, boqing, Umar-la Usmon,
Ot damindan to‘di zamin-u osmon,
Xurosonning xok-u gardi bilinmas.

Maxtumquli «El yaxshi» she’rida quyidagicha yozadi:

Xudoyim saqlasin sharrdan, qahrdan,
Minnatli osh achchiq bo‘lar zahardan.
Har bir yerda bir bozorsiz shahardan,
Undanki bir qaqrab yotgan cho‘l yaxshi.

Shoir o‘zining ushbu she’rida vatanni rivojlantirish, har bir shaharlarda bozorlarni rivojlantirish, shu bilan bir qatorda Hazrati Maxtumquli ushbu she’rini davom qiladi:

Maxtumquli, suxan ayla har bobdan,
Bul dunyo tutdirmas, chirikdir tubdan.
Bir isbotsiz quruq gapdan, bad gapdan,
Undan ki bir habas esgan el yaxshi.

Har kimning vatani eng rivojlangan mamlakat va shaharlardan afzalligini yoritib bergan.

Maxtumqulining ishq-muhabbat mavzusidagi sh’erlari ham, ohangdorligi chuqur falsafiy mohiyati bilan ajralib turadi.

G‘ozal bordir go‘zallardan ziyoda,
Uni xizmatinda durosin gelar.
Oqil hushli hamda muloyimzoda,
Nerda bo‘lsa topib olosin gelar.
To o‘lguncha birga bo‘losin gelar,
Go‘zal bordir gunda-gunda go‘rmali,
Ul go‘zalni siyo zulpin o‘rmali,
Xazingni do‘kib unga bermali,
Nahojat istasa berosin gelar,
To o‘lguncha birga bo‘losin gelar.

Shoirning hayot va o‘lim, inson va borliq, go‘zal insoniy fazilatlar va odob axloqqa oid she’rlarida islom dini hamda tasavvufiy qarashalar ta’siri yaqqol seziladi.

Maxtumquli shukur et sen xudoga,
O‘lim barobardir shoh-u gadoga.

Ko‘p she’rlariga Qur’oni Karim hamda Hadisi Sharifning mazmun-mohiyati singdirilgan. Shoirning she’rlarida payg‘ambarlar, Baxoviddin Naqshband, Ahmad Yassaviy kabi ulug‘ zotlar juda ko‘p tilga olingan. Shuningdek, Olloh taologa murojaat Rasulullоh sollallohu alayhi vasallamga murojaat ohanglari Maxtumquli she’rlaring eng asosiy tamoyillaridan biridir. «Ro‘yodan», «Yo Rab», «Sochdi Muhammad», «Yo Rasul» va boshqalar shular jumlasidandir.

Maxtumquli uslubida xalq og‘zaki ijodiga yaqinlik bor. Maxtumquli turkman xalqining maqol va matallarini, xalq tiliga xos ayrim unsurlarni adabiyotga olib kirishda katta xizmat qilgan. Shoirning purma’no misralari turkman millatining hikmatli so‘zlari aforizmlar qatoridan o‘rin olgan.

Maxtumquli ijodi Yevropa va rus sharqshunoslari, turkman va o‘zbek olimlari tomonidan tadqiq etilgan, qiyosiy o‘rganilgan. Xususan, Navoiy ijodining Maxtumquliga ta’siri va boshqa adabiy ta’sir masalalari tekshirilgan. Shuningdek, Maxtumqulining «Namasan», «Kelgan ham bordir», «Inson yaratdi», «Ayrildim», «Oshiq bo‘lmisham», «Ko‘ring» kabi she’rlari Komiljon Otaniyozov, Abdulaziz Imomov, Bobomurod Hamdamov, Ortiq

Otajonov, Karimboy Raxmonov kabi san’atkorlar tomonidan maromiga yetkazib kuylangan.

Maxtumquli hayoti davomida faqat ota-onasi va akalaridan tashqari ikkita o‘g‘illarini dafn etish kabi og‘ir judolikni boshidan o‘tkazgan. Bir o‘g‘li yetti yoshida, yana biri esa o‘n ikki yoshida vafot etgan.

Shunday qilib, turkman xalqining ardoqli shoiri, mutafakkiri, turkman adabiyotini butun dunyoga tanitgan inson hayotning aslida nimaligini butun umr izlagan va hayotni tushunishga harakat qilgan haqiqatsevar, xalqini birlashishga chorlagan vatanparvar, so‘z donlarini emas, boshoqlarini tergan Maxtumquli 1783-yilda olamdan o‘tgan.

Qayg‘u g‘amda aziz umrim so‘dirib,
Shum falak azobin raygon ayladi.
Yozgan kitoblarim selga oldirib,
Ko‘zlarim yo‘lida giryon ayladi.
Kuydirar shum falak jabru jafosi,
Ishonmang yolg‘ondur ahd –u vafosi.
Maxtumquli yoq bu so‘zning xatosi,
Falak alif qaddin tuto ayladi.

deydi Maxtumquli.

XVIII asrdan buyon nafaqat turkman xalqining, balki jahondagi ko‘plab millat vakillarining qalbi-ongida, binobarin, xonadoni-uyida yashab kelayotgan, o‘zining benazir, beqiyos ijodi, o‘lmas, hayotbaxsh she’riyati bilan yillar, asrlar o‘tgan sayin yangi-yangi hududlarni, qalblarni zabt etayotgan Maxtumquli haqida, uning hayoti va ijodi, she’riyati, qilgan ezgu amallari haqida ko‘p va xo‘b gapirish mumkin. Shuni faxrlanib qayd etish joizki, bugungi kunda turkman xalqi deganda, kishining ko‘z oldiga Maxtumquli, Maxtumquli deganda esa turkman xalqi keladi. Shoir bunday sharafga xalqini joni-dilidan sevgani, uning baxt saodati va kelajagini deb butun hayoti davomida kurashgani, yoshligi va baxtini, kuch-g‘ayrati va bilimini, mehnatini, ijodini, xullas kalom, butun umrini sarf etgani tufayli erishdi.

Maxtumquli turkman adabiy tilining asoschisi, bu tilni bir necha barobar yuksak pog‘onaga ko‘targan qomusiy alloma, buyuk

mutafakkir hisoblanadi. U qoldirgan boy adabiy meros mana asrlarki, o‘zining salmog‘i, badiiy barkamolligi, tilining go‘zalligi, badiiy pishiq-puxtaligi va boshqa qator fazilatlari bilan she’riyat muxlislarini maftun va lol etibgina qolmay, boshqa ijodkorlar uchun qo‘l yetmas she’riyat mezoni, ibrat rolini ham bajarib kelmoqda.

Adabiyotlar.

1. Maxtumquli. Tom I / Tarjimon: G. Matyoqubova. – Nukus, 2022. – 316 b.
2. Maxtumquli. Tom II / Tarjimon: G. Matyoqubova. – Nukus, 2022. – 316 b.
3. Jumayev A., Zulpiyev J. Maxtumquli. – Toshkent: G‘afur G‘ulom nashryoti, 2020. – 578 b.
4. Bobojonov I. Maxtumquli. – Urganch: Xorazm yoshlari, 2020. – 116 b.

Rezyume

Maxtumquli Firog‘iy Sharqning uzoq tarixi va boy madaniyatini, axloqini, falsafasini va shoirona dunyosini ajoyib tarzda yoritib bergan. Maxtumquli Firog‘iy XVIII asr ma’rifiy she’riyatining buyuk siymolaridan biri bo‘lib, butun turkiy xalqlar uchun sevimli shoir, vatanparvar inson, ma’rifatli siymo, orif oshiq, sohibi hikmat bo‘lgan valiy zotdir. Uning insonparvarlik, xalqparvarlik, vatanparvarlik g‘oyalari bilan yo‘g‘rilgan she’riyatida pok islomiy ma’rifat ruhi gurkirab yashnab turadi. Buyuk turkman shoiri va mutafakkiri Maxtumquli Firog‘iy o‘zining har bir she’rining, lirik dostonlarining yakunida alohida izohlar o‘z nomi bilan yakunlagandir.

Kalit so‘zlar: Maxtumquli Firog‘iy, «Bo‘lmasa», «Kelgay», taka, yovmut, ko‘klang, Yevropa va Rus sharqshunoslari, xalq og‘zaki ijodiga yaqinlik, vatanparvarlik, tasavvufiy qarashalar, Hadisi Sharif, Navoiy ijodi, maqol va matallar, turkman va o‘zbek olimlari.

Summary

Magtymguly Firogi brilliantly outlined the centuries-old history and rich culture, ethics, philosophy and poetic world of the East. Magtymguly Firogi is one of the great figures of enlightened poetry

of the 18th century, a beloved poet, patriotic person, enlightened figure, learned lover, keeper of wisdom for all Turkic peoples. The spirit of pure Islamic enlightenment, mixed with the ideas of humanism, patriotism and patriotism, shines brightly in his poetry. The great Turkmen poet and thinker Magtymguly Firogiy wrote special comments with his name at the end of each of his poems and lyrical epics.

Key words: Magtymguly Firogi, «Bolmasa», «Kelgai», taka, yovmut, koklang, European and Russian

Резюме

Махтумкули Фироги блестяще изложил многовековую историю и богатую культуру, этику, философию и поэтический мир Востока. Махтумкули Фироги – один из великих деятелей просвещенной поэзии XVIII века, любимый поэт, патриотичный человек, просвещенный деятель, ученый любовник, хранитель мудрости для всех тюркских народов. В его поэзии ярко сияет дух чистого исламского просвещения, смешанный с идеями гуманизма, патриотизма и патриотизма. Великий туркменский поэт и мыслитель Махтумкули Фирогий в конце каждого своего стихотворения и лирического эпоса писал специальные комментарии со своим именем.

Ключевые слова: Махтумкули Фироги, «Болмаса», «Келгай», така, йовмут, кокланг, европейские и российские востоковеды, близость к фольклору, патриотизм, мистические взгляды, Хадиси Шариф, творчество Навои, пословицы и пословицы, туркменский и узбекский языки.

MAXTUMQULI FIROG‘IY MEROSI – O‘ZBEKISTON VA TURKMANISTON XALQ DIPLOMATIYASINING MUHIM OMILI

Gulom Rizoqulovich MIRZAYEV,
O‘zbekiston Respublikasi
Jamoat xavfsizligi universiteti
ijtimoiy-gumanitar fanlar kafedrasi boshlig‘i o‘rinbosari,
tarix fanlari bo‘yicha falsafa doktori, dotsent

Ming yillar davomida o‘zbek va turkman xalqlari mislsiz boy madaniy va ilmiy merosni, an’analarni asrab-avaylab kelayotgan xalq hisoblanadi. Buyuk adib va mutafakkirlar Alisher Navoiy va Maxtumquli ijodi ikki qardosh xalqning umumiy qadriyatidir. Ikki xalqning mustahkam do‘stligi, hamjihatligi va madaniy yaqinligi ramzi sifatida Toshkent shahrida benazir turkman shoiri, ulug‘ mutafakkiri va mumtoz adabiyot namoyandasi Maxtumquli nomidagi farovon ko‘cha boshida uning timsoli tushirilgan barelef va «Ashxobod» bog‘i ochildi, Xiva shahrida haykal qad ko‘tarildi, O‘zbek–Turkman do‘stlik uyi muassasasi va Xorazm viloyatida «Ulli hovli» majmuasi ishga tushirildi. O‘z navbatida, Turkmaniston poytaxtida Maxtumquli ko‘chasi bilan kesishadigan Alisher Navoiy ko‘chasi ochildi, Ashxobod shahrida «Toshkent» bog‘i barpo etildi.

Haqli ravishda aytish joizki, qardosh turkman xalqining ulug‘ shoiri va mutafakkiri Maxtumquli Firog‘iy allaqachon o‘zbek xalqining o‘z shoiriga aylanib ulgurgan. Maxtumquli Firog‘iy ijodi asrlar davomida nafaqat o‘zbek xalqi, balki O‘zbekiston xalqining to‘y-tantanasida aytiladigan asosiy qo‘shiqlar merosidan joy olib ulgurdi. Bu esa Maxtumquli ijodining O‘zbekistonda ham eng mashhur, eng sevimli, eng ommabop ekanligini belgilab beradigan mezonlardan biridir.

O‘zbekiston Respublikasi Prezidentining 2024-yil 19-fevraldagi «Buyuk turkman shoiri va mutafakkiri Maxtumquli Firog‘iy tavalludining 300 yilligini keng nishonlash to‘g‘risida»gi PQ-76-son qaroriga ta’kidlashicha, turkman xalqining ulug‘ farzandi Maxtumquli Firog‘iy nafaqat turkiy xalqlar, ayni paytda jahon

adabiyoti va madaniyati tarixida alohida o‘rin egallagan atoqli shoir va mutafakkirdir [2].

Muhtaram Prezidentimiz Shavkat Mirziyoyev ta’biri bilan aytganda, ***«beqiyos so‘z san’atkori Maxtumquli Firog‘iy nafaqat turkman xalqiga, ayni paytda butun Markaziy Osiyo xalqlari, xususan, o‘zbek xalqiga ham birdek aziz va qadrli siymodir. Maxtumqulining biror she’rini bilmaydigan o‘zbek, yurtimizda uning kitoblari, qo‘shiqlari kirib bormagan biror xonadon yo‘q, desak, yanglishmagan bo‘lamiz*** [1, 367].

Shuningdek, Turkmaniston Prezidenti Serdar Berdimuhamedovning ta’kidlashicha, ***«Maxtumquli Firog‘iy nafaqat jahon adabiyotiga, balki Sharq, butun dunyo sivilizatsiyasi rivojiga ulkan asl hissa qo‘shgan buyuk insonparvar shoirdir»*** [3]**.**

Darhaqiqat, atoqli adib Maxtumquli dahosi ijodi tufayli tom ma’noda o‘zining hayotligi davridayoq o‘zbek adabiyotining ajralmas qismiga aylanib ulgurdi. Ayni paytda Maxtumqulining she’rlarining sodda-ravonligi, xalqchilligi va pand-nasihatga yo‘g‘rilganligi bot-bot o‘zbek hofizlarini o‘rganishga va kuylashga undaydi. O‘zbek adabiyotida Maxtumquli adabiy maktabidan ruhlangan shoir va ijodkorlar ham bisyordir. Fozil Yo‘ldosh o‘g‘li, Ergash Jumanbulbul o‘g‘li va Islom shoir Nazar o‘g‘li kabi o‘zbek adabiyoti namoyondalari Maxtumqulini o‘zlariga ustoz deb bilganlar va undan ko‘p narsa o‘rganganligini samimiyat bilan tilga olganlar [12, 58].

O‘zbekiston mustaqil taraqqiyot yo‘liga erishgandan so‘ng Maxtumquli Firog‘iy ijodiy faoliyatini o‘rganish va tadqiq etishda yangi davr boshlandi. Taniqli adabiyotshunos olim Ibrohim Haqqul fikricha, «Maxtumquli she’riyati o‘zbek madaniyatining qonuniy bir bo‘lagi, ehtiyoj qismiga aylanib ulgurgan. Bu she’riyat har bir o‘zbek xonadoni uchun ta’lim Akademiyasi» darajasiga ko‘tarildi [9, 5].

Mustaqillik yillarida o‘zbek va turkman adabiy aloqalarida yangi davr boshlandi. O‘zbekistonda turkman klassik adabiyoti namoyondalari Maxtumquli va Mullanafas kabi ijodkorlarning yubiley sanalari keng nishonlandi hamda asarlari tarjima qilindi.

Xususan, Maxtumqulining tanlangan she’rlari to‘plami o‘zbek tilida bir necha marta nashr etildi. Ushbu mavzuda bir qancha

tadqiqot va tarjimalar muvaffaqiyatli amalga oshirilib kelinmoqda. Jumladan, K.Quramboyev, I.Haqqulov, M.Kenjabek, A.Jumayev, J.Zulpiyev [5, 408], J.Jabborov, Muhammad Ali, O.Safarov, N.Muhammad, va A.Hamro, M.Ahmad, E.Ochilov kabi bir necha o‘nlab o‘zbek olimlari va tarjimonlari Maxtumquli ijodi va she’riyati bo‘yicha salmoqli ishlarni amalga oshirganligi [6, 8-22] tufayli O‘zbekistonda hech mubolag‘asiz aytish mumkinki, o‘tgan davr mobaynida «Maxtumqulishunoslik» maktabi shakllanib ulgurdi.

Ma’lumot o‘rnida aytish mumkinki, ulug‘ turkman shoiri va mutafakkiri Maxtumquli (1724-1807) 17234–yili Atrek daryosi bo‘yidagi Hojigavshon ovulida tug‘ilgan. Uning ilk ustozi otasi Davlatmamat Ozodiy hisoblanadi. Xivadagi Sherg‘ozixon va Buxorodagi Ko‘kaldosh madrasalarida tahsil olgan. Shu bois, ushbu ilm maskanlari Maxtumquli ijodi va hayotida o‘chmas iz qoldirganligiga e’tibor qaratish joiz.

Bizgacha turkman klassik adabiyotining ulug‘ vakili, yangi turkman adabiyotining asoschisi Maxtumqulining 700 dan ko‘proq she’lari va «Quruq kalla», «Oq it», «Mahsharnoma», «Va’z», «Ko‘kkina kaptar», «Qora yer», «Zaburjon», «Marv – shohi jahon» kabi o‘nga yaqin kichik hajmdagi dostonlari yetib kelgan [9, 45].

O‘zbek xalqi orasida Maxtumquli asarlarining tarqalishi va uning an’analarining davom ettirilishi uzoq tarixga ega. Bu jarayon shoirning hayotlik vaqtidayoq boshlangan. Aniqrog‘i, XVIII asrning 60-70-yillaridan – u Xivada tahsil olayotgan paytlardayoq boshlangan [4, 30]. Maxtumquli Navoiyni o‘zining buyuk ustozi deb bilgan. XIX asrdayoq xorazmlik kotiblar tomonidan Maxtumqulining bir necha devonlari ko‘chirilgan. Shuningdek, Maxtumquli she’rlarining xalq ichida keng tarqalishi va shuhrat topishida baxshi, xalfa va hofizlarning xizmati katta bo‘lgan. Islom shoir Nazar o‘g‘li, Fozil Yo‘ldosh o‘g‘li kabi baxshilar, Komiljon Otaniyozov, Xojixon Boltayev kabi hofizlarning xizmati kattadir. Bugungi kunda ham bir qancha san’atkorlar ulug‘ shoir ijodidan kuylab kelmoqda.

Maxtumquli merosining O‘zbekiston ilmiy-adabiy muhitidagi tadqiqotlariga doir muhim ilmiy natijalarni kiritgan yetuk olimlardan yana biri Karimboy Quramboyev bo‘lib, u o‘zbek-turkman adabiy

aloqalari haqida ko‘plab tadqiqotlar amalga oshirganligining guvohi bo‘lishimiz mumkin.

Maxtumquli she’rlarining o‘zbekcha tarjimasi birinchi marta taniqli adib va tarjimon Jumaniyoz Sharipov tomonidan 1958-yili amalga oshirilgan (314 ta she’r). 1960-, 1963-, 1976-(150 ming nusxa) yillari qayta-qayta nashr etilgan. 1990-yil may oyida Turkmanistonda ilk marta bo‘lib o‘tgan Maxtumquli kunlari Xorazm viloyatining Xiva shahridagi Sherg‘ozixon madrasasi va Urganch tumanidagi Maxtumquli bog‘ida ham keng nishonlangan. Toshxovuzlik mehmonlar Xorazmga kelib, Maxtumquli tahsil olgan madrasa va shoir muzeyini ziyorat qilishdi. Shoirning she’rlari turkman va o‘zbek tillarida yangrab, turkman va o‘zbek xalqlari tomonidan birdek qabul qilinishi ayni haqiqat ekanligini yana bir bor tasdiqladi.

Ta’kidlash joizki, mustaqillik yillari Maxtumquli Firog‘iy ijodi tarjimasiga doir yana bir qator yangi nashrlari paydo bo‘ldi. 1995-yil Muzaffar Ahmad tomonidan 70 ga yaqin she’ri nashr etildi. Mirzo Kenjabek 170 ta diniy-tasavvufiy she’rlarini tarjima qilgan (2020-yilga kelib yana 50 ta g‘azal va she’rlari ustida yangi tabdil va tarjimalarni amalga oshirgan [7, 352]). Shuningdek, J.Jabborov, Muhammad Ali, Oxunjon Safarov, Nosir Muhamad va Oxunjon Hamro kabi tarjimonlar ham Maxtumquli ijodidan tarjima qilgan. 2007-yili 45 ta she’ri jamlangan «Dunyo o‘tib boradir» to‘plami 5000 nushada chop etilgan.

2008-yili Abdumo‘min Jumayev va Jumanazar Zulpiyevlar shoir she’rlarining yangi tarjimasini amalga oshirdi.

Ayniqsa, mustaqillik davrida Maxtumquli merosini o‘zbek xalqiga yetkazishda davlat miqyosida salmoqli ishlarning amalga oshirilganligi ham bevosita ikki mamlakatning umumbashariy qadriyatlarga asoslangan munosabatlarining yaqqol dalilidir.

2014-yili Maxtumqulining 290-yilligi nishonlanishi munosabati bilan 7000 dan ziyod she’ri taniqli tarjimon Ergash Ochilov tomonidan «Bulbul nolasi» nomi bilan nashr etildi [6, 8-22].

2014-yil 22-aprel kuni Buxoro viloyati musiqali drama teatrida turkman shoiri va mutafakkiri Maxtumquli tavalludining 290 yilligiga bag‘ishlangan ilmiy-amaliy anjuman bo‘lib o‘tdi [13].

Respublika Baynalmilal madaniyat markazi, «O‘zbekiston-Turkmaniston» do‘stlik jamiyati, Turkmaniston elchixonasi, O‘zbekiston Yozuvchilar uyushmasi va viloyat hokimligi hamkorligida tashkil etilgan tadbirda adabiyotshunos olimlar, adiblar, Turkmanistondan kelgan mehmonlar ishtirok etganligi turkman xalqi Alisher Navoiy g‘azallarini sevib o‘qiganidek, o‘zbeklar ham Maxtumqulini o‘z shoiridek ardoqlashidan dalolat beradi.

Ma’lumot o‘rnida aytish mumkinki, O‘zbekiston Respublikasi Fanlar akademiyasi Abu Rayhon Beruniy nomidagi Sharqshunoslik institutining qo‘lyozmalar fondida Maxtumquli she’rlarini o‘z ichiga olgan sakkizta qo‘lyozma saqlanadi. Jumladan, 3380-1 raqamli qo‘lyozmada Maxtumqulining bir yuz yigirma to‘qqizta she’ri, 5341-111 raqamli qo‘lyozmada o‘ttiz oltita, institutning Hamid Sulaymon nomidagi Qo‘lyozmalar fondidagi 35-raqamli qo‘lyozmada ikki yuz o‘ttiz beshta, 1667-raqamli qo‘lyozmada bir necha yuzta, 2626-raqamli qo‘lyozmada yuzga yaqin she’ri mavjud [10].

Taniqli turkman adibi Oraz Yag‘murning ilmiy tadqiqot ruhida yozilgan «Maxtumqulinoma» romanida ta’kidlashicha, «Shu o‘rinda yana bir haqiqatni ham tan olish o‘rinli: dunyoda Maxtumquli asarlari eng ko‘p nashr qilinadigan mamlakat bu – O‘zbekistondir» [11, 201] degani ham O‘zbekistondagi Maxtumquli merosining o‘rganilishiga doir berilgan buyuk e’tirofdan dalolat beradi.

Ta’kidlash kerakki, bugungi kunga kelib O‘zbekiston – Turkmaniston munosabatlari taraqqiyoti sifat jihatidan yangi bosqichga ko‘tarildi. Chunonchi, O‘zbekiston va Turkmanistonning tinchliksevarlik va ahil qo‘shnichilik tamoyillari asosida olib borayotgan faol tashqi siyosat strategiyasi natijasida ikki qardosh mamlakat dunyo uchun ochiq, keng ko‘lamli aloqalar, shu jumladan, madaniyat sohasidagi hamkorlik uchun ochiqligini Maxtumquli Firog‘iy merosiga bag‘ishlab o‘tkazilgan qator tadbirlar bilan ham izohlash mumkin.

E’tirof etish joizki, adabiy aloqalar, xususan, uning durdonasi gavhari sanalgan Maxtumquli merosi ikki davlat madaniy hamkorligining muhim tarkibiy qismi sifatida e’tirof etilayotganligi, ya’ni uzluksiz ravishda O‘zbekiston bilan Turkmanistonda madaniy

va adabiy aloqalarga doir o‘tkazib kelinayotgan doimiy madaniy tadbirlarda Maxtumquli ijodidagi qo‘shiqlardan boshlanishi bilan ham izohlash mumkin.

Binobarin, Turkmaniston Milliy Kengashi Xalq Maslahati Raisi Gurbanguli Berdimuhamedovning ta’kidlashicha, «Maxtumquli adabiy merosi milliylik chegaralaridan chiqib, jahon so‘z san’atining beqiyos durdonalariga, insoniyat tafakkurining bebaho xazinasiga aylandi. Shoir asarlarini o‘qib bugungi kunda birgina turkman xalqi emas, balki butun insoniyat o‘zining ma'naviy tashnaligini qondirmoqda» [1, 368.].

Shubhasiz, Maxtumquli ijodidagi umuminsoniy qadriyatlar tamoyillari asosida adabiy aloqalarning shakllanishi va rivoji – qardosh o‘zbek va turkman xalqlarining tili, adabiyoti, madaniyati, urf-odatlari va san’atini rivojlantirish bilan birga do‘stona aloqalarni mustahkamlashda muhim ahamiyat kasb etadi.

Fikrimiz muxtasar qilar ekanmiz, O‘zbekistonda yashayotgan turkmanlar o‘z milliy madaniyati, an’ana va urf-odatlarini rivojlantirishi uchun barcha sharoit muhayyo qilingan. Bu jarayonda ikki xalq o‘rtasidagi madaniy aloqalarni mustahkamlashga beqiyos hissa qo‘shadigan xalq diplomatiyasiga muhim o‘rin ajratilgan. Respublikamiz hududlarida turkman xalqining madaniyati va an’analarini asrab-avaylash, targ‘ib etish maqsadida turkman millatiga mansub aholi zich yashaydigan mo‘jaz hududlarda sherik tashkilotlar (ya’ni – Respublika turkman madaniy markazi va u tomonidan muvofiqlashtiriladigan 6 ta turkman madaniy markazi) bilan birgalikda madaniy-ma’rifiy tadbirlar muntazam o‘tkazib kelinmoqda.

Xususan, bugungi Maxtumquli Firog‘i tavalludining 300 yilligiga bag‘ishlab tashkil etilgan xalqaro konferensiya Maxtumquli Firog‘iy merosi – O‘zbekiston va Turkmaniston xalq diplomatiyasining muhim omilini yana bir bor tasdiqlab turganligining guvohi bo‘lib turibmiz.

Adabiyotlar

1. Мирзиёев Ш.М. Миллий тараққиёт йўлимизни қатъият билан давом эттириб, янги босқичга кўтарамиз. 1-жилд. – Тошкент: Ўзбекистон, 2017. – Б.592.

2. O‘zbekiston Respublikasi Prezidentining 2024-yil 19-fevraldagi «Buyuk turkman shoiri va mutafakkiri Maxtumquli Firog‘iy tavalludining 300 yilligini keng nishonlash to‘g‘risida»gi PQ-76-son qarori // https://lex.uz/uz/docs/-6806331#-6807779

3. Президент Туркменистана процитировал Махтумкули на Генассамблее ООН // https://turkmenistan.gov.tm/ru/post/75721/prezident-turkmenistana-procitiroval-mahtumkuli-na-genassamblee-oon

4. Абдуллаев Ҳ. Махтумқули ва ўзбек адабий муҳити. – Тошкент: Фан, 1983. – Б. 30.

5. Махтумқули-Фироғий. Сайланма. Туркман тилидан А. Жумаев ва Ж.Зулпиев таржимаси. – Тошкент: O‘zbekiston, 2008. – 408 б.

6. Махтумқули. Булбул ноласи. Туркман тилидан Э.Очилов таржимаси. – Тошкент: Hilol-Nashr, 2014. – Б. 8-22.

7. Махтумқули. Ошиқлар Ҳақ ишқинда / Сараланган шеърлар. Туркманчадан Мирзо Кенжабек таржимаси. – Тошкент: Зилол булоқ, 2020. – 352 б.

8. Махтумқули. Булбул ноласи. Туркман тилидан Э.Очилов таржимаси. – Тошкент: Hilol-Nashr, 2014. – 814 б.

9. Очилов Э. Махтумқули (рисола). – Тошкент: O‘zbekiston, 2015.

10. Очилов Э.Махтумқули ижоди Ўзбекистонда // https://jarida.uz/maqola/1307.

11. Яғмур О. Махтумқулинома. Буюк Махтумқули асарлари асосида ёзилган роман-тадқиқот. Туркман тилидан М.Аҳмад ва Р.Жаббор таржималари. . – Тошкент: O‘zbekiston, 2016. – Б. 201.

12. Қурамбаев К. Ўзбек – туркман адабий алоқалари. – Тошкент: Фан, 1978. – Б. 58.

13. http://UzA.uz/2014/04/22/ Мурожаат этилган сана: 2014 йил 26 ноябрь.

Rezyume

O‘zbekiston mustaqil taraqqiyot yo‘liga erishgandan so‘ng Maxtumquli Firog‘iy ijodiy faoliyatini o‘rganish va tadqiq etishda yangi davr boshlandi. O‘zbekistonda turkman klassik adabiyoti

namoyondalari Maxtumquli va Mullanafas kabi ijodkorlarning yubiley sanalari keng nishonlandi hamda asarlari tarjima qilindi. Shubhasiz, Maxtumquli ijodidagi umuminsoniy qadriyatlar tamoyillari asosida adabiy aloqalarning shakllanishi va rivoji – qardosh o‘zbek va turkman xalqlarining tili, adabiyoti, madaniyati, urf-odatlari va san’atini rivojlantirish bilan birga do‘stona aloqalarni mustahkamlashda muhim ahamiyat kasb etadi. Mazkur maqola ana shu haqida.

Kalit so‘zlar: O‘zbekistonning mustaqil taraqqiyot yo‘li, turkman-o‘zbek do‘stlik, madaniy va adabiy aloqalari, O‘zbekistonda Maxtumquli ijodining o‘rganilishi.

Summary

After Uzbekistan embarked on the path of independent development, a new era began in the study and research of the creativity of Magtymguly Firogi. In Uzbekistan, the anniversaries of such authors as Magtymguly and Mullanafas, representatives of Turkmen classical literature, were widely celebrated, and their works were translated. Undoubtedly, the formation and development of literary ties based on the principles of universal human values in the works of Magtymguly is of great importance, along with the development of the language, literature, culture, traditions and art of the fraternal Uzbek and Turkmen peoples. in strengthening friendly relations. This article is about that.

Key words: path of independent development of Uzbekistan, Turkmen-Uzbek friendship, cultural and literary ties, study of Magtymguly’s creativity in Uzbekistan.

Резюме

После того, как Узбекистан вышел на путь независимого развития, началась новая эпоха в изучении и исследовании творчества Махтумкули Фироги. В Узбекистане широко отмечались юбилеи таких авторов, как Махтумкули и Мулланафас, представителей туркменской классической литературы, переводились их произведения. Несомненно, большое значение имеет формирование и развитие литературных связей, основанных на принципах

общечеловеческих ценностей в творчестве Махтумкули, наряду с развитием языка, литературы, культуры, традиций и искусства братских узбекского и туркменского народов. в укреплении дружеских отношений. Данная статья об этом.

Ключевые слова: путь независимого развития Узбекистана, туркмено-узбекская дружба, культурные и литературные связи, изучение творчества Махтумкули в Узбекистане.

MAXTUMQULI SHE'RIYATIDA KOMIL INSON KONSEPSIYASI

Normat Temirovich YULDASHEV,
Termiz davlat universiteti dotsenti,
filologiya fanlari nomzodi

Maxtumquli Firog‘iy XVIII asr turkiy adabiyotning buyuk mutafakkir shoirdir. Uning pand-nasihat xarakteridagi she'rlari nafaqat turkiy dunyo, balki butun islom olamida ma'lum va mashhurdir. Ulug‘ mutafakkir yaratib qoldirgan badiiyat durdonalari necha asrlardan buyon insoniyat qalbiga ezgulik va yorug‘lik nurlarini sochib kelmoqda. Uning hikmat nurlari bilan yo‘g‘rilgan asarlari, qo‘shiqlari kirib bormagan xonadon bo‘lmasa kerak. Maxtumquli ijodining umrboqiyligi, mangulikka daxldorligining boisi nimada? Avvalo unda insoniylik fazilatlarining mujasssamligida.

Maxtumquli she'riyatining bosh mavzusi komil inson tushunchasi bilan bog‘liq. «Komil inson – bir ideal, barcha dunyoviy va ilohiy bilimlarni egallagan, ruhi Mutlaq ruhga tutash, fayzu karomatdan serob suratu siyrati saranjom, qalbi ezgu tuyg‘ularga limmo-lim pokiza zot»[1, B.130]. Dunyoda ideal inson yo‘q. Ideallik faqatgina Haqqa xos. Lekin insoniyat doimo ideallikka qarab intiladi. Maxtumquli she'riyatining asosida ham insoniyatni komilikka chorlovchi falsafiy xulosalar berilgan:

Mag‘rur bo‘lib kezma umring guliga,
Duch bo‘larsan bir kun xazon yeliga,

Yuz yil yashab tushsang ajal qo‘liga,
Chapingdan o‘ngingga boqqancha bo‘lmas.

Inson umri nihoyatda qisqa, shu qisqa hayotda insonlar «mag‘rurlik» kasaliga chalinmay, «g‘urur ostonasi»dan o‘tmasliklari lozim. Chunki «xazon yeli» shunchalik tez keladiki, hatto «ajal domi»ga tushsang «o‘ngingdan chapingga» qarashga ham imkon topolmaysan, deb xulosa qiladi shoir.

Maxtumquli she’riyati – insoniylik qomusi. Unda yaxshilik va yomonlik, ezgulik va yovuzlik, mardlik va nomardlik, nafs va insof, hayot va o‘lim, donolik va nodonlik, axiylik va saxiylik, rost va yolg‘on, fano va baqo, jaholat va ma’rifat timsollari bilan bog‘liq falsafiy tushunchalar badiiy talqin etiladi. Shoir o‘z davrining buyuk gumanisti sifatida insoniyatni tanazzulga boshlagan holatlarni dadillik bilan she’rga aylantirdi:

Maxtumquli, jon mehmondir, tana-losh,
Yaxshiga do‘st ko‘pu yomon beqardosh,
Bu ayyomda bosh-oyoqdir, oyoq bosh,
Yaxshi qaysi, yomon qaysi bilinmas.

Bu o‘tkinchi dunyoda insondan faqat yaxshi, ezgu amallargina qoladi. Lekin bu foniy dunyoda teskari, oyog‘i osmonda bo‘lgan holatlar borki, yaxshi bilan yomonning farqiga borib bo‘lmaydi. Yoki shoirning:

Bu foniy dunyoga ko‘ngil berganlar,
Ishin xato aylab o‘tib boradir,
Qur’on ochib ne hikoyat ko‘rganlar,
Iqbolni bir pulga sotib boradir –

to‘rtligida bu o‘tkinchi – foniy dunyo hoyu havaslariga ko‘ngil berib, umrini zoe o‘tkazgan odamlarga munosabat bildirib ularni tanqid qiladi. «Umuman, Maxtumquli she’riyatida tanbeh, tanqid va hajv ohangi kuchli. U jamiyatdagi nuqsonlar, nafs balosiga giriftor odamlar shumligini shunchaki tanqid qilib qo‘yish bilan kifoyalanmaydi, bu hol oxir-oqibat insoniylik asosi bo‘lmish ma’naviyatga zarba berib mamlakat va davlat negizlarini yemirishi mumkinligidan qayg‘urib ogohlantiradi»[2, B.5].

Shoirning «Bo‘lma» radifli she’ri o‘z ko‘ngliga qaratib aytilgan hikmatlardan iborat. Ulug‘ mutafakkir shoir insonlarga murojaat qilib «Vatanni tashlab ketma», «g‘ayir, nomardga qulluq qilma», «qattiq so‘z aytuvchi bo‘lma», «yaxshilikka yomonlik qilma» deb insoniylikka yot odatlardan voz kechishga chaqiradi. Ayniqsa, nafs balosiga giriftor bo‘lgan odamlarga nisbatan quyidagi hikmatomuz satrlari bilan munosabat bildiradi:

O‘qur bo‘lsang, o‘q-ur nafsing ko‘ziga,
Chin ko‘z bila qara kitob yuziga,
Aldanib, kirmagil shayton so‘ziga,
Yaxshilikni hech vaqt qo‘yuvchi bo‘lma.

Bu o‘rinda ijodkor «o‘qur» bilan «o‘q-ur» so‘zlaridan tajnis hosil qilib, she’rni ritmik-intonatsion jihatdan kuchaytirgan. Ya’ni kitob o‘qir bo‘lsang nafsingga o‘q urib undan o‘zingni xalos qilishing lozim deydi. She’riy matndagi «nafs ko‘zi», «chin ko‘zi» metaforalari bir-biriga antiteza bo‘lib, poetik fikrni ifodalash uchun xizmat qiladi. She’r yigirma ikki banddan iborat bo‘lib kattagina hajmga ega. Xarakterli tomoni shundaki, she’rning har bir bandida odamiylik mulkiga daxldor bo‘lgan hikmatlardan so‘z ochiladi:

Topsang-da dunyoda mulki Iskandar,
Qorunning moli ham bo‘lsa muyassar,
Oxiri bo‘larsan yerga barobar,
Ko‘nglingda manmanlik sotuvchi bo‘lma.

Ma’lumki, Maxtumquli Yassaviy maktabi izdoshlaridan bo‘lib, hikmat bobida uning an’anasini davom ettirgan. Yuqorida keltirilgan to‘rtlikning uchinchi misrasi – «Oxiri bo‘larsan yerga barobar» – Yassaviyning «Tuproq bo‘lgin olam sani bosib o‘tsin» misralarini yodga soladi. Shoir aytmoqchi, bu o‘tkinchi dunyoda manmanlikka berilma, chunki jahon fotihi Iskandar ham boqiy dunyoga quruq qo‘l bilan ketdi. Hadsiz, hisobsiz boyliklarini xayrli ishlarga sarflamay xasislikda nom chiqargan Qorunning qismati fojia bilan tugagani tarixdan ayon[3, B.92].

Maxtumquli she’riyati – ilohiy, irfoniy, ma’rifiy she’riyat. Uning she’riyatida insonni oriflik va komillik yo‘liga chorlovchi juda

teran insoniy dard mujassam. Bu dard insonni ruhan va ma’nan poklaydi, qalbini munavvar tuyg‘ularga oshno qiladi. «Shoir vujuddagi nafsoniy, hayvoniy, shahvoniy mayllarga qarshi kurashi kishilarni botiniy poklanishlariga yetishishlariga e’tiborni qaratadi» [4, B.112]. Shoir kishilarni qalb pokligiga chorlaydi, bir kuni «jon qushi» – ruh «tan – qafas»dan chiqib ko‘kka parvoz qiladi, bas, bu «yolg‘onchi dunyo»ning havaslaridan voz kechgin, «qiyomatda jazoga» qolmagin deb nasihat qiladi:

Mag‘rur bo‘lib bu to‘rt kunlik savdoga,
Abad qolma qiyomatda jazoga,
Ishonmagin bu yolg‘onchi dunyoga,
Bora-bora yo‘q bo‘larsan, yitarsan.

Shoir yashagan ijtimoiy-siyosiy muhit, davr nihoyatda ziddiyali edi. Birinchidan, oilaviy hayoidagi yo‘qotishlar, ikkinchidan, turkman urug‘lari o‘rtasidagi ichki nizolar, uchinchidan tashqi g‘animlarning hamlasi shoir qalbiga qattiq ta’sir qildi. Shu jihatdan uning she’rlari Bobur lirikasi kabi hasbi hol, avtobiografik xarakterda. U o‘zi ko‘rgan, bilgan va shohidi bo‘lgan voqealarini she’riy misralar qatiga joylashtirdi. Shoir yurtdoshlarini «Haqdan farmon» kelgunga qadar g‘aflat uyqusida yotib, o‘tkinchi umrni besamar o‘tkazmaslikka da’vat etadi:

Maxtumquli ko‘nglingdadir ko‘p armon,
Topmading oqibat dardingga darmon,
Yetishar bir kuni Haqdan bu farmon,
G‘aflat to‘shagida yotguvchi bo‘lma.

Maxtumquli she’riyati mazmun mundarijasiga ko‘ra didaktik she’riyat. Ammo unda quruq pandu nasihatdan farq qiladigan obrazli tafakkur bor. Shu jihatdan uni o‘qigan odamlar zerikmaydi, aksincha ushbu o‘gitlar hayotni sevishga, insonni tushunishga da’vat etadi. Shu boisdan Maxtumquli ijodi insonshunoslik qomusi desak mubolag‘a bo‘lmaydi. Zero, har bir avlod shoir ijodida ifodalangan hikmatlar mag‘zini chaqib unga amal qilsalar, uni hayotiy a’moliga aylantirsalar chin insoniylik baxtiga muyassar bo‘ladilar.

Adabiyotlar

1. Комилов Н. Тасаввуф. – Тошкент: Movaraunnahr-O‘zbekiston, 2009. – B. 130.

2. Комилов Н. Ҳақ ёдиндан айрилма. Махтумқули Фироғий «Сайланма» китобига сўзбоши. – Тошкент: O‘zbekiston. 2008.– Б.5.

3. Махтумқули. Дунё ўтиб борадир. Шеърлар. – Тошкент: Шарқ, 2007. –Б.92.

4. Ҳаққулов И. Шеърият – руҳий муносабат. – Тошкент. Ғ. Ғулом номидаги нашриёт, 1990. – Б. 112.

5. Turdikulov S.D. Ethnolinguistic features of Surkhandarya microtoponyms (On The Example Of Theotoponyms) //Theoretical & Applied Science. – 2020. – №. 4. – C. 81-83.

Rezyume

Maqolada Maxtumquli she’riyatida komil inson obrazi bilan bog‘liq yaxshilik va yomonlik, rost va yolg‘on, nafs va insof, jaholat va ma’rifat kabi falsafiy tushunchalar talqin etiladi.

Kalit so‘zlar va tushunchalar: komil inson, ideallik, inson umri, mag‘rurlik, nafs, dunyo, hikmat, manmanlik, she’riyat, ruhiyat.

Резюме

В статье анализируется такие философские понятия, как добро и зло, ложь и честность, страсть и честность, невежество и просвещение связанные с образом идеального человека в поэзии Махтумкули.

Ключевые слова: идеальный человек, идеальность, человеческая жизнь, гордость, страсть, мир, мудрость, самомнение, поэзия, духовность.

Summary

The article analyzes such philosophical concepts as good and evil, lies and honesty, passion and honesty, ignorance and enlightenment associated with the image of an ideal person in Magtymguly’s poetry.

Key words: ideal person, ideality, human life, pride, passion, peace, wisdom, conceit, poetry, spirituality.

MAXTUMQULI FIROG‘IY IJODIDA PAND VA O‘GIT

Axat Axmatovich SHUKUROV,
Termiz davlat universitet dotsenti,
filologiya fanlari falsafa doktori

Xadicha Choriyevna FAYZIYEVA,
Termiz davlat universitet
o‘zbek tilshunosligi kafedrasi katta o‘qituvchisi,
filologiya fanlari falsafa doktori

Turkman xalqining ulug‘ farzandi Maxtumquli Firog‘iy nafaqat turkiy xalqlar, ayni vaqtda dunyo adabiyoti va madaniyati tarixida alohida o‘rin egallagan atoqli shoir va mutafakkirdir. U 1724-yilda tug‘ilgan [1, B135]. Xivadagi mashhur Sherg‘ozixon madrasasida ta’lim olgan. Maxtumquli turkman she’riy tilini sezilarli darajada o‘zgartirib, uni xalq nutqiga yaqinlashtirgan. Shuningdek, u turkman adabiyoti uchun an’anaviy bo‘lgan arab-fors o‘lchovidan voz kechib, uning o‘rniga bo‘g‘inlar tizimini joriy qilgan. 1807-yilda vafot etgan va Eronda dafn etilgan.

Maxtumqulining she’rlari yillar davomida dunyoning ko‘plab tillariga tarjima qilingan. Turkman va xorijiy tillardagi lug‘at va qomuslarda shoir hayoti va ijodi haqidagi ma’lumotlarga keng o‘rin berilgan.

Bugungi kunda u turkman adabiyotining otasi hisoblanadi va milliy miqyosda tanilgan madaniy timsoldir. Uning shon-shuhrati asosan turkman she’riyatini qo‘shiqqa moslashtirish bo‘yicha boy, ildiz otgan an’analari tufayli saqlanib qolgan. O‘z xalqi uchun uzluksiz iftixor manbai bo‘lgan Maxtumqulining siymosi va tarjimai holi turkmanlarning zamonaviy tarixida ham muhim rol o‘ynab, turkiy xalqlar o‘rtasida buyuk shoir ijodiy merosiga qiziqish ortib bormoqda.

Maxtumquli Farog‘iyning otasining ismi Davlat Mommed Azadiy. U taniqli shoir edi. Maxtumquli qabilalarga bo‘linib ketgan, o‘ziga xos vatanga ega bo‘lmagan turkman xalqining og‘ir ahvolidan hamisha notinch edi. «Turkmanlar haqida» she’rida: «Qabilalar birodardek, oiladek, chin do‘stdek. Ular birlashgan taqdirda ham taqdir ularni dushman qilishga jur’at eta olmaydi. Ularning birligi

Xudoning nuridir» deydi. Shoir hamisha el-yurt dardu armoni bilan yashagan Maxtumqulining yoniq she'riyatida shafqat va zulm, yaxshilik va yomonlik, mardlik va nomardlik, jo‘mardlik va tubanlik kabi xususiyatlar bir-biriga qarama-qarshi holda tavsiflanadi, yaxshi fazilatlar ulug‘lanib, yomon xislatlar qoralanadi.

Naylayin, kun kundan yomon,
El yurtimni tutdi tuman,
Marg ostida ajab chaman,
Boq, bu kun ul xorga do‘ndi...[2, B.23].

Maxtumag‘li she'rlari odamlarni ezgu ishlarga chorlaydi. Yomon ishlardan qaytaradi va odamlarni yaxshilikga undaydi. Uning she'rlari ijtimoiy, diniy va tasavvufiy mavzularga ega bo‘lib, she'rlari ingliz, rus, fors kabi bir qancha tillarga tarjima va nashr etilgan.

Yaxshilikda o‘zin elga tanitgan,
Olqish olib, darajasi zo‘r bo‘lar.
Yomon bo‘lib, yaxshilikni unutgan,
Izzatin yo‘qotar, itdan xor bo‘lar [2, B.29].

Ortingga boq, olding ko‘zla,
Xush so‘zing ayt, qahring gizla,
So‘zlay bilsang, yaxshi so‘zla,
Xalq yomonning bezoridir [3, B.217].

Xalq shoiri Maxtumquli Firog‘iy o‘z umrida hech kimni madh etmagan va hech bir kishidan dirham va diynor istamagan. Xalq dardlarida o‘z she'rlarida aks ettirgan. Firog‘iy devonida yuzlab pand-nasihatlarni uchratamiz. Uning yozgani el tili bo‘lib keldi. Unga ko‘ra:

Kim non tobmaz yemakga,
Kim dun topmaz kiymakga.
Kim yer topmaz qo‘ymog‘a,
Kim tirma sholi go‘zlar. [4, B.119]

Maxtumquli Firog‘iy juda el sevar shoir bo‘lgan. U o‘z millatini jonidan ko‘ra azizroq bilib, ko‘zimning qorachig‘i deb xitob etadi.Butun dunyo turkiy xalqlari unga hurmat bilan qarashadi.

Turkman xalqi uning misralarini maqol sifatida keltiradi. Yuqorida aytib o‘tilganidek, u oddiy odamlarni tushunish uchun oddiy va so‘zlashuv tilidan foydalangan bo‘lsa, xuddi shunday qo‘shuk kabi folklor janrini ham afzal ko‘radi. U bu janrdan she’riyatida keng foydalangan. Bu janr to‘rtliklarida sakkiz yoki o‘n bir bo‘g‘in bor. Undan tashqari sevganidan ayrilib nola va firoq mavzusi uning shaxsiy she’riyatida ham mavjud.

Adabiyotlar

1. Бобоев Т. Адабиётшунослик асослари. – Тошкент: Ўзбекистон. – Б. 397.
2. Mirzo Kenjabek. Maxtumquli / Saylanma. 2007. – B. 163.
3. Farog‘i Maxtumquli. Kobul devoni. – Kobul: Afg‘oniston. – B. 545.
4. Guzidaiy. Devoni Maxtumquli Farog‘iy. – Tehran: Al-hoda Publishing Group, 2014. – B. 528.
5. Qujaq Yusuf. Divon-i Maxtumquli Firog‘iy 1 (Matn-i İntiqodiy), intishorot-i Maxtumquli Firog‘iy. – İron: Gurgon, 2013.

Rezyume

Maqolada Maxtumquli Firog‘iy ijodida yaxshilik va yomonlik xususiyatlari bir-biriga qarama-qarshi holda tavsiflangani ochib berilgan.

Kalit so‘z: Maxtumquli Firog‘iy, yaxshilik, yomonlik, o‘git, xalq.

Summary

In the article, it is revealed that good and bad, features are described in opposition to each other in the works of Maxtumquli Firog‘iy.

Key words: Maxtumquli Firog‘iy, goodness, evil, advice, people.

Резюме

В статье выявляется, что в произведениях Махтумкули Фероги хорошие и плохие черты описаны в противопоставлении друг другу.

Ключевые слова: Махтумкули Фироги, хороший, плохой, наставление, народ**.**

MAXTUMQULI – TUYG‘UNI TARBIYALOVCHI BUYUK SHOIR

Alibek Anvariy OMONTURDIYEV,
Termiz davlat universiteti
o‘zbek adabiyotshunosligi kafedrasi o‘qituvchisi

Inson quruq pand-nasihatga toqat qilolmaydi. Azaldan shunday. Falak naqqoshi uning fe’lini yaratgan mansha’dan beri o‘zgarmay kelayotgandir, balki bu alfoz. Balki insonga xos ushbu jihat tufayli sakson foiz hollarda «mullaning aytgani» «havoning mulki» bo‘lib, aksariyat nasihatlar bir quloqdan kirib, ikkinchisidan chiqib ketar... Nega hatto madrasa ko‘rgan va eng yirik nasihatgo‘ylarga some’ bo‘lgan odam qaltis paytlarni-ku, qo‘ya turaylik, oddiy hayotiy, begim kunlarda ham shuncha aytilgan, yod olgan pand-nasihatlarni bir zumda batamom unutib yuboradi? Hayot tizgini shu qadar beqarormi? Nazarimizda, «tabiiy hol» o‘laroq, bashar farzandida ko‘nikma hosil qilgan xususiyatning sabablari yana o‘sha «ibtido»ga borib tutashaveradi.

Inson tuyg‘ulari tarbiyasining tadriji masalasida SO‘Z – hamma zamonlarda ham yondosh san’at turlariga qaraganda ommabop va asosiy vosita bo‘lgani sir emas. Adabiyot, she’riyatning ushbu funksiyasi hamon aktual ekanligi bois ham u barhayot: qaysidir asr ko‘lankasida tashlandiq matahdek unutilib ketgani yo‘q, aksincha, XXI asr odami zehniyatiga muvofiq, uning dunyoni idrok etishi va ifodalashiga monand tarzlarda tobora sayqallanib borayotir. «Shoir-u she’r-u shuur» (E.Vohidov satri – *A.O.*)ning barqaror takomili ham shundandir.

Sharq adabiyotining ziynati sifatida tavsiflanadigan donishmandlik, jo‘mardlik, sadoqat, vatanparvarlik, odob-axloq, andisha, sharm-hayo, go‘zallik zamiridagi falsafa hamda diniy-irfoniy ruh, Alloh ishqi va bandani kamolotga yetaklovchi motivlar – «insonni insondek ko‘rmak orzusi» (E.Shukur satri – *A.O.*) – dunyo

xalqlari ma’naviy hayoti va poetik tafakkurining yuksalishidagi muhim faktorlarning biri, desak, mubolag‘a bo‘lmaydi.

Ona Sharq adabiyoti sahifalarida olam ichra olam yaratgan qator so‘z san’atkorlari borkim, ularning umrboqiy asarlari bugungi kunda ham o‘z qimmatini saqlab qolmoqda.

Turkiy xalqlar adabiyotining benazir shoirlaridan biri – qardosh turkman xalqining buyuk farzandi Maxtumquli Firog‘iy qoldirgan mislsiz ijodiy meros ham ana shunday yuksak badiiy namunalar sirasida e’tirof etilayotir.

«Maxtumquli she’rlarini o‘qimagan, uqmagan va hayotiga tatbiq etmagan odam bu dunyoda ham, u dunyoda ham yutqazadi. Chunki turkman xalqining marvarid qalbi bo‘lgan Maxtumquli Firog‘iy islomiyat va insoniyat shoiridir» [1]. Uning she’riyati «Oshni chap qo‘lda emas, o‘ng qo‘lda ye», tarzidagi quruq fasihatlardan (fasihat – chiroyli, jimjimali so‘z ma’nosida – *A.O*) iborat emas, uning didaktikasi, ta’bir joiz bo‘lsa, «jozibali didaktika». Bevosita buning asosini go‘zal badiiyat va ohanglar, shuningdek, o‘quvchi tasavvurida ibrat timsoli sifatida bo‘y cho‘zadigan shoir va shaxs siymosi gavdalanadi. «So‘zing – o‘zing» degan gap bejiz aytilmagan. Kosasi siniq dutordan noqis sas yangragani kabi she’r ham shoir qalbining aks sadosi. Bu jarayonga aralashgan yolg‘on esa juda tez fosh bo‘lishi, shaxslik darajasidan tuban shoirning bitiklari sa’nat darajasida e’tirof topolmasligini adabiyot tarixi yaqqol ko‘rsatib beradi.

Har yigitning aslin bilay desangiz,
Ma’rakada o‘tirib-turishin ko‘ring.
Birov bilan oshno bo‘lay desangiz,
Avval o‘z so‘zida turishin ko‘ring.

Uzoq-yaqin yo‘lga borar bo‘lsangiz,
Mardlik kilichini solar bo‘lsangiz,
Bir bedovni saylab olar bo‘lsangiz,
Siynasin, sag‘risin kerishin ko‘ring. [2.24]

Xalq donishmandligining yorqin timsoli sifatida mazkur satrlar kabi «yigitlik konsepti»ni ifodalaydigan, g‘oyaviy-tematikasi pishiq,

e’tiroz-u savollarga, o‘rin qoldirmaydigan, aksioma darajasidagi Maxtumquli she’riyati necha avlod turkiy xalqlar tuyg‘ularining tarbiyasida muhim rol o‘ynayotgani bor gap. «Mardlikning qilichin solgan» so‘zlarning tig‘i olmosdek keskir. Nomard davralarni xijolat botqog‘iga botiradigan darajada aniq va ta’sirchandir.

Maxtumquli – haqiqat kuychisi. Shoirning haqiqatlari dunyo qavli, qurilishi va tarzi bilan uyg‘un. Bu xususiyat Maxtumqulining sinchi shoir ekanligidan dalolat beradi. Voqea-hodisani kuzatish, anglash va aniq xulosalar berish (bu jarayonda odillik, hallolik, rostgo‘ylik tamoyillariga asoslanish nazarda tutilmoqda – *A.O.*) jarayoni bir qarashda primitiv hodisa bo‘lib tuyulsa-da, aslida unday emas.

Ko‘ngli qora bilan bo‘lmanglar ulfat,
Yuqar undan turli-tuman kasofat,
Ko‘mirga har necha aylasang izzat,
Manglayga qorasi yuqqancha bo‘lmas.

Maxtumquli hargiz topmadi omon,
Yomon tilning zahri tig‘lardan yomon,
Yomon til yonida zahri ko‘p ilon, —
Chaqsa-da, bir chivin chaqqancha bo‘lmas. [3.112]

«Ayrilma» she’rida shoir «Har na kelsa boshingga tilingdan kelar, Maxtumquli xalq yodidan ayrilma», deydi. Haqrost, shu ma’noda, serzahar ilonning chaquvi, hatto chivin chaqqancha ham bo‘lmaydigan miqyosda o‘xshatilgan zaharli til, so‘z, luqma, gapning mohiyatiga ishora bo‘rtib turadi.

Maxtumquli faqat iste’dodli shoir emas, balki ulkan alloma, ahli hol, ahli sirr, ahli hikmat bo‘lgan orif zotdir. Ma’no olamida uning bir qancha aziz siymolar bilan irtiboti borligi anglashiladi. Bir qancha she’rida u haq Payg‘ambarlar, mashhur avliyolar bilan bog‘liq tushlarini farah va shukrona bilan bayon etadi. Chunonchi, hazrati Shoh Bahouddin Naqshband huzurida olgan fayzlarini bunday ifodalaydi:

Bir kecha yotardim, Shohi Naqshband
Karami jo‘sh urib, bir non ketirdi;
O‘ng qo‘lida boda – gulgun sharobi,

Chap qo‘lida toza biryon ketirdi… [4]

She’rning, umuman, adabiyot va san’atning muhim xususityalaridan biri – uning ishontirish san’ati ekanligidadir. Mana shu sezon bilan o‘lchanganda ham Maxtumquli Firog‘iy she’riyatidagi subyektiv mazmun va g‘oyaning sahihligi o‘quvchida ishtiboh tug‘dirmaydi. Xuddi eng qadrdon sirdoshi, duogo‘yi, maslahatgo‘yi, mehribonining ichkuydi so‘zi singari ta’sir o‘tkazib, ong-u shuuriga hech qanday to‘siqsiz singib-o‘rnashadi Maxtumqulining she’rlari. Bu jarayon tabiiy kechishi va iste’dod ko‘lami bilangina hisoblashadigan komponent ekanligi diqqatga sazovor.

Yaxshilar yoninda yurgil sen o‘zing,
Dur bo‘lsin doimo so‘zlagan so‘zing,
Olimlarni uqsang, ochilar ko‘zing,
Johilni tinglasang, ko‘rdek bo‘larsan.

Luqmondek har ishning chorasin bilsang,
Rustamdek devlarga farmonlar bersang,
Iskandardek yerning yuzini olsang,
Yakson bo‘lib, baribir yerdek bo‘larsan.

Maxtumquli, qarab so‘zla doshingni,
Joyin bilib tortgil, bo‘lsa oshingni,
Komil topsang, qo‘y yo‘lida boshingni,
Er ketida yursang erdek bo‘larsan. [5]

Shoir ijodida tildan-tilga ko‘chib yuruvchi Sharqning mashhur qahramonlari: Rustam, Doston, Farhod, Majnun, Yusuf, Luqmon, Iskandar kabi an’anaviy obrazlarning berilishi qaytariqqa emas, yangicha poetik ifodaga xizmat qiladi.

Maxtumquli she’rlari o‘zbeklar his-tuyg‘ulariga bemisl ta’sir o‘tkazgan. Ayniqsa, qo‘shiqqa aylangan she’rlar qanot yozib, yurt bo‘ylab yildirimday tarqalgan va quloqlarga, tillarga, qalblarga o‘rnashgan. Shu ma’noda dadil aytish mumkinki, Maxtumquli Firog‘iyning ulkan she’riyatidan bahra olib, ma’nan va ruhan quvvat tuyib yashab kelayotgan o‘zbek xalqi shoirdan minnatdor va Maxtumqulini o‘zining sevimli shoiri deb hisoblaydi.

Adabyotlar

1. Карим Баҳодир. Махтумқули – инсоният шоири. – Тошкент: Muharrir nashriyoti, 2024. – 124 б.

2. Maxtumquli. Dunyo o‘tib boradir... – Toshkent: «Sharq» NMAK, 2007. – 240 b.

3. Махтумқули. Танланган асарлар. – Тошкент: Ўзбекистон КП МК нашриёти, 1976. – 156 б.

4. Saylanma. – Toshkent: «O‘zbekiston» NMIU, 2008.

5. https://ziyouz.uz/ilm-va-fan/adabiyot/maxtumquli-valiy-shoir/

6.https://ziyouz.uz/jahon-sheriyati/turkman-sheriyati/maxtumquli/

Rezyume

Maqolada Maxtumquli she’riyatining tuyg‘ular tarbiyasidagi ahamiyati hamda turkiy xalqlar adabiyotidagi mustahkam o‘rni xususida ayrim qarashlar qisqacha bayon etildi. Shoirning ijodiga xos muhim poetik birliklar, shaxs va shoirlik uyg‘unligi sifatida xarakterlanadigan, san’at darajasidagi she’rlarning dunyo adabiyotidagi ahamiyati xususidagi ma’lumotlar qayd etildi.

Kalit so‘zlar: Maxtumquli, poetik birliklar, nasihat, fasihat, adabiy mezon, so‘z, poetik ifoda, tuyg‘u tarbiyasi, tasavvuf, ishontirish san’ati.

Summary

The article briefly outlines some views on the significance of Magtymguly's poetry in the education of feelings and its strong place in the literature of the Turkic peoples. Important poetic units characteristic of the poet’s work are recorded, as well as information about the significance of poems of artistic quality in world literature, characterized by a combination of personality and poetry.

Keywords: Makhtumquli, poetic units, exhortation, eloquence, literary standard, words, poetic expression, emotional education, mysticism, art of persuasion.

Резюме

В статье кратко изложены некоторые взгляды на значение поэзии Махтумкули в воспитании чувств и ее прочное место в

литературе тюркских народов. Зафиксированы важные поэтические единицы, характерные для творчества поэта, сведения о значении стихотворений художественного уровня в мировой литературе, характеризующихся сочетанием личности и поэзии.

Ключевые слова: Махтумкули, поэтические единицы, советы, красноречие, литературный стандарт, слова, поэтическое выражение, эмоциональное воспитание, мистика, искусство убеждения.

МАХТУМКУЛИ ФРАГИ-ПЕВЕЦ ЛЮБВИ И КРАСОТЫ

Бахтиёр САИДОВ,
Термезский государственный университет

Великий сын туркменского народа, выдающийся поэт и мыслитель Махтумкули Фраги занимает особое место в истории литературы и культуры не только тюркских народов, но и всего мира. Произведения неповторимого мастера слова, пронизанные глубоким гуманизмом, воспевают благородные ценности и качества мужественного, стойкого и трудолюбивого туркменского народа, их смысл и содержание, призывающие всегда жить заботами людей, укреплять узы дружбы и согласия между разными нациями и народностями, являются нравственным ориентиром для старшего и молодого поколения.

Как отмечал Президент Ш. М. Мирзиёев, »Узбекистан признан одной из стран, где произведения Махтумкули наиболее издаваемые и читаемые, и это не случайно. В нашей стране нет такого дома, в котором бы ни звучали стихи поэта-классика, созданные на их основе песни, и, пожалуй, не найдется узбека, который бы их не знал. За прошедшие столетия Махтумкули стал своим поэтом для нашего народа. Его стихи с глубокой философией, народным духом, высокой художественностью, вдохновлявшие бахши и хафизов, поэтов и

сказителей, всегда звучат на наших сценах, продолжают жить в сердце народа».

НЕТ КРАСИВЕЙ

Нет красивей!.. Взоры – стрелы,
Бровь, как лук напряжена;
Перед нею солнце меркнет,
Затмевается луна.
Душу ей отдать не жалко:
Нет красавицы подобной!
Голова - с поставом гордым,
Грудь – высокая волна.
Сердце смута охватила,
Ни минуты нет покоя,
И от страсти – на дутаре
Стонет жалобно струна.
Для влюбленного – блаженство
Быть с такою, слаще рая!
А разлука – точно пламя,
Точно ада глубина.
Не утрать последней силы
Пред её палящем взором:
Ведь и так слабеют мысли, -
Красотой душа полна!
Скрыты в ней на гибель мудрым
Сатанинские соблазны;
Точно Ибрагим с Исхаком,
С милым жестока она.
И Фраги взывает к Богу:
«Нищий я! Пошли мне милость, -
Пусть хоть на мгновенье будет
Счастьем жизнь озарена!».
Перевод Г.Шенгели

Великий мыслитель Махтумкули Фраги по праву считается основоположником туркменской классической поэзии. Его имя увековечено в названиях: улиц, скверов, театра, молодежной

организации, памятники ему воздвигнуты не только в Туркменистане и в Узбекистан, но и в ряде зарубежных стран. Так потомки выражают благодарность за бесценное поэтическое и философское наследие. Стихи Махтумкули и сегодня звучат волнующе и современно.

Свою творческую деятельность Махтумкули начал еще в юном возрасте, читал свои стихи публично, на свадьбах, призывал людей быть героическими, благородными и бдительными. Его источником вдохновения были люди и их путь. Творчество поэта состоит из множества стихотворений и поэм на различные темы.

Махтумкули в свое время учился в известном медресе Шергазихана в Хиве и считал своим учителем такого великого мастера слова, как Алишер Навои, это прекрасный пример истинной дружбы наших народов.

Его стихи с глубокой философией, народным духом, высокой художественностью, вдохновлявшие бахши и хафизов, поэтов и сказителей, всегда звучат на наших сценах, продолжают жить в сердцах народа.

РАЗЛУКА

Послушай печальное слово:
В душе моей слёз океан,
Хоть ценится снова и снова
Взлетающий в небо дестан.
Расставшись с отцом-властелином,
С любимцем моим Ибн-Ямином,
Скитаюсь я в море пустынном,
Где стужею дышит хазан.
Что делать мне? Связаны руки,
Влачу я оковы разлуки
И плавится сердце от муки,
Отчаянием дух обуян.
Брожу я, забытый, бездомный,
Тоскою терзаем огромной,
И в сердце кипит неуемный,
Взлетающий к небу дестан.

Я встретил прекрасную пери,
Вошедшую в душу, как в двери, -
Но рок возвестил о потере,
И горестный жребий мне дан.
Она из небесных ли гурий,
Созданье лучей и лазури,
Иль жемчуг, подаренный бурей, -
Но сердцу она - гюлистан.
Нельзя быть нежней и прелестней,
Прозрачней, воздушней, небесней,
Но к ней возлетающей песней,
Отчаяньем дух обуян.
Живу я к страданьям покорным,
В печали, как в облаке горном,
Друзья! Не вините, что черным
Отчаяньем дух обуян.
Мир тьмою налег мне на плечи;
Все думы Фраги – лишь о встрече:
Без милой, что ныне далече, -
Отчаяньем дух обуян!
Перевод Г.Шенгели

СТРАДАНИЯ ЛЮБВИ

Город жизни разгромлен. Скитальцем я стану. Как быть?
Потерявшему царский престол Сулейману - как быть?
Бог послал мне болезнь, - что же делать Лукману?
Как быть?
Зажимаю ладонью смертельную рану. Как быть?
Я как бабочка в пламя любовное кану. Как быть?
Где душе моей спрятаться? В мире охотится рок.
С кем из вас разделить мне постылое бремя тревог?
С кем вступить мне в борьбу?
На кого мне обрушить клинок?
Не посмел я открыться, покой моих близких берег…
Я в темнице сурового мира увяну. Как быть?
Я не вижу любимой и в лютом огне трепещу,
Словно вещая птица на плечи разлуки слечу!

Я на торжище страсти горючие слезы точу.
Нет Лейли у меня, но Меджнуном назваться хочу.
Что мне делать? Я пьян, я поддался дурману. Как быть?
И в чертогах любви я составил хвалебный дестан;
Изумил я влюбленных восточных и западных стран.
Я - Меджнун из Меджнунов, мне жребий неслыханный дан.
Наг я, беден и нищ, дикой жаждой любви обуян,
А богатство мне дай – на него и не гляну. Как быть?
Свой народ умоляет Фраги: помогите, друзья,
Мой язык обезумел, горящие речи струя.
Стан мой согнут, как лук. Поглядите: состарился я.
Все же – роза моя полонила навек соловья.
Но садовника нет. Без него гюлистану как быть?
Перевод А.Тарковского

Непревзойденные произведения поэта, одинаково почитаемого двумя братскими народами, регулярно издаются в нашей стране большими тиражами. В память о поэте в городах Ташкенте и Хиве воздвигнуты мемориальные комплексы, ставшие местом притяжения для почитателей его творчества.

Махтумкули обрел в Хиве много единомышленников, наставников, друзей и почитателей, он с благодарностью вспоминал о прожитых здесь годах, слагал прекрасные стихи.Произведения Махтумкули любимы народом, стали источником вдохновения для музыкантов-сказителей - бахши, во многом благодаря выработанному им новому поэтическому языку – образному и афористичному. Его стих приближен к народной речи. Неслучайно значительная часть строк из его произведений стала пословицами.

Махтумкули Фраги – поэт-классик, мечтавший о свободе и независимости своего народа и заслуживший большую любовь в народе. Махтумкули - поэт, запечатлевший своим творческим творчеством лучшие образы человечества, беспощадно разоблачивший гордых, заносчивых, славолюбивых, потусторонних людей. Поэт через всю жизнь пронес любвь к девушке Менгли, слагал романтические дестаны. Но им не суждено было быть вместе. Менгли была отдана родителями

замуж за другого. Личная драма повлияла на мировоззрение и творчество поэта, а взятый им псевдоним – Фраги – в переводе означает *Разлучённый*.

ГЛАЗА МЕНГЛИ

Живую душу погубили
Два палача - твои глаза;
Опять немилостивы были,
Как два бича, твои глаза.
Одной тебе ходить не надо,
Крутую бровь сурьмить не надо,
На встречных наводить не надо
Два злых меча - твои глаза.
Пощады я прошу, стеная.
На мир ложится мгла ночная,
Разит влюбленного двойная
Твоя праща – твои глаза.
Горит Фраги, а в горнем стане
Царит смятенье: здесь, в Туране,
Поют не бога мусульмане,
А два луча – твои глаза.
Перевод А.Тарковского

ОЖИДАНИЕ МЕНГЛИ

Твое подножье - мир земной,
Красавица с высоким станом;
Ты стала солнцем и луной,
Далеким звездным океаном.
Ты повелела мне сама –
Влюбленному – сойти с ума;
Твоих ресниц ночная тьма
Мне грозным кажется колчаном.
Я в полдень ждал тебя.
Я гас. И вновь горел. Ушел из глаз
Безумный день. За часом час
Тянулся медленным туманом.
Такая боль мне сердце жжет,

Что день мой превратится в год;
Пока моя луна взойдет,
Я стану пеплом бездыханным.
Я бросил дом, забыл семью;
Заботы голову мою
Наполнили… В чужом краю
Я опьянен твоим дурманом.
Веселье у тебя в глазах,
А пленники твои - в слезах.
Защиты я искал в горах,
И обернулся дол курганом.
Согнулся гордый ствол в дугу,
Истлели травы на лугу,
Иссякли воды на бегу,
И море поросло бурьяном.
Бай превратился в бедняка
И ханом стал бедняк – пока
Я ждал тебя, моя тоска,
Надежда, ставшая обманом.
Пока Махтумкули бродил
Меж румских царственных могил,
Он жизнь до капли расточил,
Измученный своим тираном.
Перевод А.Тарковского

Махтумкули Фраги был великим поэтом просветительской поэзии XVIII века и стал любимым поэтом, просветителем, ученым, духовным любителем весь тюркской поэзии, который оказал чрезвычайно эффективное воздействие на истину туркменского народа, который спел справедливости и гуманизма, охранная порода, создавший неиссякаемого источника эстетического наслаждения и мудрости. Прославление в его произведениях смирение и благородство, патриотизм и дружба, осуждение зависть, угнетение и несправедливость, удовольствие, лицемерие это и есть доказательство того, что он создал, живя с болью своего народа.

Махтумкули поднял туркменскую литературу на вершину мировой литературы. Его произведения очаровывали всех своей универсальностью и актуальностью на все времена. произведения универсальность и актуальность на все времена, она также стала духовным достоянием всех тюркских народов, в том числе и узбекского народа, бессмертное наследие Махтумкули, как и всех наших великих предков, приобретает для нас еще более важное значение и смысл.

Литература

1. Зырина А., Овезгельдыева М. Махтумкули, Стихотворения. – Ленинградское отделение, Советский писатель, 1984.

2. Байрамов Н. Долгая дорога. (перевод Михаила Гребнева) о Махтумкули. – Ашхабад: Магарыф, 1986.

3. Симашко М. Д. Повести красных песков. Сборник стихотворений «Искушение Фраги». – Алма-Ата, 1966.

4. Бакулин Ф. Песни у туркмен и поэт их Махдум-Кули. 1983. – 107 с.

Rezyume

Maqolada yetuk turkman shoiri Maxtumquli ijodining o‘ziga xos poetik xususiyatlari shoir tarjimayi holi hamda ijodi namunalarining rus tiliga tarjimalari misolida tahlilga tortilgan.

Kalit so‘zlar: Maxtumquli ijodida falsafiy ohanglar, sevgi-muhabbat tuyg‘usining tarannum etilishi.

Резюме

В статье на примере биографии поэта и переводов примеров его творчества на русский язык анализируются неповторимые поэтические особенности творчества зрелого туркменского поэта Махтумкули.

Ключевые слова: Философские тона в творчестве Махтумкули, прославление чувства любви.

Summary

The article, using the biography of the poet and translations of examples of his work into Russian, analyzes the unique poetic features of the work of the mature Turkmen poet Magtymguly.

Key words: Philosophical tones in the works of Magtymguly, glorification of the feeling of love.

MAGTYMGULY PYRAGY – TÜRKMEN ÖZBEK DOSTLUGYNYŇ BERK BINÝADYDYR

Tyllagözel HOJAHANOWA,
Türkmenistanyň Ylymlar akademiýasynyň
Magtymguly adyndaky Dil, edebiýat we
milli golýazmalar institutynyň kiçi ylmy işgäri

Asyrlaryň dowamynda türkmen we özbek halklary goňşy ýaşap, hoşniýetli, dost-doganlyk gatnaşyklary saklapdyrlar. Bu iki halkyň ylmy we edebi gatnaşyklary gözbaşyny örän uzak asyrlardan alyp gaýdýandyr. Orta asyr özbek klassyky edebiýatynyň ýadygärliklerinde ulanylan ençeme atalar sözi, nakyllar, aforizmler türkmen folklorynda, türkmen klassyky edebiýatynda hem peýdalanylypdyr, bu ýagdaý özbek we türkmen edebiýatlarynyň özara baglanyşykda bolandyklarynyň, hem-de, kamilleşendikleriniň şaýadydyr. Käte bolsa birnäçe halklaryň edebiýatynda, folklorynda işlenen sýužetleriň, rowaýatlaryň esasynda diňe belli hadysalar ýa belli edebi, taryhy çeşmeler ýatypdyr. Nurmuhammet Andalyp, Magtymguly Pyragy, Mollanepes, Zelili, Lutfy, Alyşir Nowaýy ýaly şahyrlar iki halk tarapyndan söýülip okalýan şahyrlardyr. Adyny agzap geçen şahyrlarymyzyň içinde Magtymguly dogrusynda iki halkda hem edilen işler juda köpdür. Ýaňy ýakynda Özbegistan Respublikasynyň Medeniýet we syýahatçylyk ministrliginiň ýanyndaky Milletara gatnaşyklar we daşary ýurtlar bilen dostlukly gatnaşyklar komiteti we Türkmenistanyň Ylymlar akademiýasynyň Magtymguly adyndaky Dil, edebiçat we milli golýazmalar instituty bilelikde Magtymguly Pyragynyň 300 ýyl ýubileýiniň öňüsyrasynda

şahyryň goşgular ýygyndysyny Taşkent şäherinde neşir etdiler. Şol kitabyň birinji sahypalarynda Özbegistan Respublikasynyň Prezidenti Şawkat Mirziýeýewiň türkmen halkynyň dana şahyry hakynda şeýle sözleri getirilýär: ***«Deňi-taýsyz söz ussady Magtymguly Pyragy diňe bir türkmen halkyna däl, eýsem şol bir wagtda bütin Merkezi Aziýanyň halklaryna, hususan-da özbek hakyna hem birmeňzeş eziz we gadyrly şahsdyr.»***

Bilşimiz ýaly Magtymguly Hywada ýerleşen, Merkezi Aziýada uly ylym ojaklarynyň biri bolan Şirgazy medresesinde 3 ýyl okapdyr. Pyragy özüniň bu ýerde geçiren döwrüni buýsanç bilen ýatlaýar.

Mekan eýläp, üç ýyl iýdim duzuňy,
Gider boldum, hoş gal, gözel Şirgazy.
Ötürdim gyşyňy, nowruz-ýazyňy,
Gider boldum, hoş gal, gözel Şirgazy.

Hakdan bize buýruk, baglydyr bilim,
Sende taglym aldy, açyldy dilim,
Gelsin diýip garar ol gerkez ilim,
Gider boldum, hoş gal, gözel Şirgazy.

Magtymguly diňe bir özbek halkynyň däl eýsem garagalpak poeziýasynyň ösüp kämilleşmegine, ol edebiýatyň görnükli wekilleri bolan Berdagyň, Ažynyýazyň we beýlekileriň döredijiligine täsir edipdir. Şol bir wagtda bolsa, orta asyrda Nowaýy ýaly tanymal şahyrlary döreden özbek halkynyň uly däpli edebiýaty beýik türkmen akyldary Magtymgulynyň şygyrýetiniň kemala gelmeginde görnükli rol oýnapdyr. Magtymgulynyň goşgulary diňe bir garagalpaklaryň arasyna giňden ýaýraman, ol Özbegistanyň başga etraplarynda hem giňden belli bolupdyr. Şahyryň ençeme goşgulary doganlyk özbek milletiniň halk aýdymlaryna öwrülipdir.

Garagalpak edebiýatynyň taryhynda Magtymgulynyň döredijiliginiň ulyy orny boluşy ýaly, türkmen nusgawy edebiýatynyň taryhynda, şol sanda Magtymgulynyň döredijiliginiň kämilleşmeginde beýik Alyşir Nowaýynyň orny hem uly bolupdyr. Elbetde, türkmen edebiýatynyň, şol sanda Magtymgulynyň döredijiliginiň özbek edebiýaty bilen baglanyşygy diňe Alyşir Nowaýynyň döredijiligi arasyndaky gatnaşyk bilen çäklenmeýär. Ol

has uly, giň meseledir. Ýöne şeýle hyzmatdaşlykda Nowaýynyň we Magtymgulynyň döredijilik däpleri arasyndaky baglanyşyk uly orun tutýar.

Magtymgulynyň döredijiliginde goňşy ýurtlar, şol sanda Özbegistanyň aýry-aýry ýerleri barada aýdylýan pikirlere hem duşmak bolýar. Şahyryň eserlerinde Özbegistanyň Nurata, Samarkant, Margelan, Buhara, Andijan, Harazmin ýaly şäherleriniň, obalarynyň, ülkeleriniň atlary duş gelýär. Bu ýagdaý türkmen nusgawy şahyrynyň şol ýerlerde bolandygyny ýa ol ýerler barada degişli düşünjesiniň bardygyny görkezýär. Mysal üçin, Magtymguly şeýle diýýar:

Nurata, Baba Dargan,
Degresi derýa, gorgan,
Bardyk saýy Bakyrgan,
Şol Türküstana sary.

Bu ýerde agzalan Nurata Özbegistanyň Samarkant welaýatyna degişli etrap we oba bolup, ol ýerde köp ýyllardan bäri türkmenler ýaşap gelýär.

Nuratada özbek edebiýatynyň, folklorynyň ösmeginde uly rol oýnan meşhur halk şahyrlary hem ýetişipdir. Ol ýerde häzire çenli Magtymgulynyň şygyrlaryny giňden ýerine ýetirýän, aýdýan sungat ussatlary köp duşýar. Magtymgulynyň eserleri hem şol ýerlerde has giň ýaýrapdyr. Nurataly halk şahyrlarynyň, aýdymçylaryň döredijiliginde Magtymgulynyň eserleriniň täsiriniň bolmagyny Magtymgulynyň Nurata töwereklerinde has meşhurdygy bilen düşündirmek gerek. Magtymguly «Hemhana gelendir» şygrynda Özbegistanyň birnäçe şäherleriniň atlaryny sanaýar. Şol eserden belli bolşuna görä, Magtymguly agzalan ýerleriň käbirinde bolupdyr. Magtymguly şeýle diýýär:

Hindu, Hebeş, Çyn-Maçyn ile Samarkant, Mergan,
Ol şähri-Buharaýy, Hyrat, Akja, Şybyrgan,
Gezdim Ýöriban şähri-Hyrat ýene Daşgan,
Antguýy bilen Balhly, Badahşana gelendir...

Horezmiň Türkmenistana ýakyn etraplarynda, onuň merkezinde ýaşaýan özbekleriň dili oguz toparyna girip, türkmen

diline ýakyndyr. Şol ýerlerde, mysal üçin, Hywanyň, Ürgenjiň ýakynlarynda şu günlere çenli türkmenleriň esli böleginiň ýaşaýandygyny hem aýtmak gerek. Onsoň hem oguz toparyna girýän horezm şiwesiniň ýaýran ýerleri bolan Hywa, Ürgenç, Hazarasp, Şabat ýaly ýerler türkmen klassyky edebiýatynda we folklorynda köp agzalýar, hatda türkmenlerde meşhur «Bäşgala» hem oguz toparyna girýän horezm şiwesiniň ýaýran territoriýasyny öz içine alýar.

Horezmli özbekleriň gepleýiş diliniň beýleki özbek şiwelerine garaňda türkmen diline örän ýakynlygy türklmenleriň edebiýatynyň Horezmdäki poeziýa bilen baglanyşykda bolmagy üçin amatly ýagdaý döredipdir.

Magtymguly Pyragynyň goşgulary aýdyma öwrülip, özbek toýlarynyň bezegine öwrüldi. Bu aýdymlar ilki Horezm welaýatyndaky sungat ussatlarynyň repertuarynda döräp, soňra Özbegistanyň başga welaýatlaryna ýaýrapdyr. Magtymgulynyň goşgularynyň Horezmde aýdyma öwrülmegini birnäçe sebäp bilen düşündirmek bolar. Horezm dialektiniň türkmen diline ýakynlygy we Magtymgulynyň bu ýerde okamagy esasy sebäpleriň biri bolsa gerek. Türkmenistanyň we Özbegistanyň halk artstleri Kämiljan Atanyýazow we Babamyrat Handamow Magtymgulynyň goşgularyny aýdym edip aýdyp, iki halkyň söýgüsini gazanmagy başardylar. Bu iki ussadyň ussatlyga ýetmeginde hem ýene bir Beýik ussadyň ýagny Magtymgulynyň orny örän ulydyr.

Türkmenleriň goňşy özbek halky bilen gatnaşygynyň rowaçlanmagynda türkmenleriň käbir wekilleriniň Hywada, Buharada okamaklary, şol ýerler bilen söwda gatnaşyklaryny saklamaklary amatly ýagdaý döredipdir. Azady, Magtymguly, Andalyp, Şabende, Şeýdaýy, Seýdi, Zelili, Kemine, Zynhary, Abdysetdar kazy, Misgingylyç we ýene-de ençeme edebiýat wekilleri Hywada, Buharada sowat alypdyrlar. Andalyp, Abdysetdar kazy, Misgingylyç dagy şol ýerde ýaşapdyrlar ýa-da işläpdirler. Hywada we Buharada ençeme dillerdäki golýazmalar saklanypdyr. Şol ýerlere baran türkmen şahyrlary olar bilen tanyş bolupdyr. Bu ýagdaý türkmenleriň özbekler bilen medeni, edebi, magaryf meselelerinde hyzmatdaşlyk etmeginde oňaýly rol oýnapdyr.

Türkmen we özbek halklarynyň medeni hyzmatdaşlarynyň gadymdan, asyrlar boýy dowam edip gelýändigini iki halkyň halk döredijiliginiň we edebiýatynyň taryhynda duşýan ýakynlyklar, meňzeşlikler, olardaky bir-birine ýakyn edebi-döredijilik tärler, iki halkyň çeper eserlerinde bir-biri barada aýdylýan pikirler hem görkezýär. Türkmen we özbek folklorynyň arasyndaky ýakynlyk bu aýdylany subut edip biler. Ençeme türkmen we özbek nakyllarynyň, atalar sözüniň, matallarynyň, halk aýdymlarynyň, gyzlaryň we toý aýdymlarynyň arasyndaky mazmun, ideýa, stil taýdan ýakynlyk, baglanyşyk bu iki halkyň arasynda şeýle hyzmatdaşlygyň uly orna eýedigine güwä geçýär.

Türkmen nusgawy edebiýatynyň görnükli wekilleriniň golýazma mirasynyň Özbegistan Respublikasynyň golýazmalar fondynda, kitaphanalarynda saklanmagy bu iki halkyň milli mirasynyň aýrylmaz baglydygynyň aýdyň subutnamasydyr.

Rezyume

Turkman va o‘zbek xalqlari asrlar davomida yonma-yon yashab, yaxshi, do‘stona, qardoshlik munosabatlarini saqlab kelgan. Bu ikki xalq o‘rtasidagi ilmiy-adabiy aloqalar qadim zamonlarga borib taqaladi. O‘rta asr o‘zbek mumtoz adabiyoti yodgorliklarida qo‘llanilgan ko‘plab maqol, matal va aforizmlar turkman xalq og‘zaki ijodi va turkman mumtoz adabiyotida ham qo‘llanilgan, bu holat o‘zbek va turkman adabiyotining o‘zaro aloqadorligi va takomillashganligidan dalolat beradi.

Summary

For centuries, the Turkmen and Uzbek peoples lived side by side and maintained good, friendly and fraternal relations. Scientific and literary ties between these two peoples go back to ancient times. Many proverbs, sayings and aphorisms used in the monuments of medieval Uzbek classical literature were also used in Turkmen folklore and Turkmen classical literature, this situation is evidence of the mutual connection and improvement of Uzbek and Turkmen literatures. This article is about it.

Резюме

На протяжении веков туркменский и узбекский народы жили бок о бок и поддерживали добрые, дружеские и братские отношения. Научные и литературные связи между этими двумя народами уходят корнями в глубокую древность. Многие пословицы, поговорки и афоризмы, использованные в памятниках средневековой узбекской классической литературы, использовались также в туркменском фольклоре и туркменской классической литературе, данная ситуация является свидетельством взаимной связи и совершенствования узбекской и туркменской литератур. Данная статья об этом.

MAXTUMQULI IJODI DUNYO OLIMLARI NIGOHIDA

Aziz Ahmad AMINI,
Termiz davlat universiteti
o‘zbek tili va adabiyoti kafedrasi o‘qituvchisi

Turkman xalqining mashhur shoiri bo‘lgan Maxtumquli Firog‘iy milodiy 1733-yilda tavallud topgan. Uning asarlaridan biri «Komil devoni» bo‘lib, Eronning Mashhad shahrida Murod Durdi Qozi tomonidan qayta nashrga tayyorlangan. Mazkur asar shoir qalamiga mansub qimmatli manba bo‘lib, shoirning yaqin qarindoshlari haqidagi ma’lumotlar ham uchraydi. Unda Maxtumqulining otasi Davlatmuhammad XVII asrning ikkinchi yarmi va XVIII asrning boshlarida Garkazda faqir oilada tug‘ilganligi va go‘kalon elidan ekanligi yozilgan. Kundalik hayotini zargarlik, temirchilik, charm ustachilik va dehqonchilik bilan kun kechirgani haqidagi ma’lumotlar ham uchraydi.

Maxtumquli turkman xalqining buyuk shoirlaridan biri sifatida shakllanishda, otasining o‘rni beqiyosdir [1. B. 52]. O‘zi qiynalgan oiladan bo‘lsada farzandini o‘qitishga qaror qildi va unga dastlabki bilimlarni o‘zi bera boshladi. Shoir bu haqda shunday deydi:

دعا قیلسام جبرو جفا اکثردیر،
علم اؤگره دن اوستاد قبلام پدردیر.

Duo qilsom jabr-u jafo aksardir,
Ilm o‘gradin ustad qiblom padardir [1, B.52].

Yuqoridagi shoir qalamiga mansub misralarda fikrimizning isbotini ko‘rishimiz mumkin. Ammo uning birichi rasmiy muallimi Niyoz Solih ismli shaxs ekanligi to‘g‘risidagi ma’lumotlar ham uchraydi. U otasini juda yaxshi ko‘rar edi, otasi 60 yoshida olamdan o‘tgan. O‘zining «Otoming» (آتامینگ) nomli asarida otasiga bag‘ishlab quyidagi marsiyani yozadi.

Oltmish yoshdo navro‘z guni luv (لو) yili,
Turdi ajal yo‘lun to‘sdi otoming [2, B.28].

deb, otasining oltmish yoshida vafot etganligini bayon qiladi. Mazkur marsiya orqali, o‘zining otasiga bo‘lgan muhabbatini ko‘rishimiz mumkin. Aytishlariga qaraganda asarning «Oltmish boshda» (آلتمیش بأشده) nomli nusxasi, hozirgi kunda Turkmaniston Respulikasining Turkmanboshi nomidagi qo‘lyozmalar institutida (ترکمن باشی آدیندا‌قی قولیازمالار اینستوتیندا) saqlanmoqda.

Ushbu devonning qo‘lyozma shakli hozirgi kunda Turkmaniston Respublikasining Qo‘lyozmalar institutida saqlanmoqda. Asarda Maxtumquli atrofidagilarning yordamida Oqqiz ismli ayol bilan oila qurib Mullo Bobak va Ibrohim ismli farzandlar ko‘rganligi va farzandlari yoshligidayoq vafot etganligi qayd etilgan.

Devon nazmiy shaklda yozilgan bo‘lib, murabba, muxammas, musaddas, musabba, mustasni muashshar, muashsha, g‘azal, masnaviy kabi qisimlaridan tashkil topgan. Shu jumladan, 376 ta murabba, 35 ta muxammas, 3ta musaddas, 4 ta musabba, 2 ta mustasni, 1 ta muashshar, 2 ta muashsha, 17 ta g‘azal, 2 ta masnaviyni o‘z ichiga oladi. Shoir ushbu asarida she’riy janrlarning deyarli barchasidan keng foydalanganligi yaqqol ko‘zga tashlanadi.

Asarda «Olimlarning va tarixchilarning unga bergan adolatli baholari» qismida professor Omenus Vamberi o‘z maqolasida Maxtumquli haqida shunday deydi: «Unda takabburlik yo‘q, muloyim, yuvosh, osuda tabiatlidir» [1, B.43]. Vamberi maqolasining boshqa bo‘limida shoir asarlari tarbiyaviy ruhda yozilganligini ta’kidlab «o‘g‘irlik, jinoyat, talonchilik, qaroqchilik, odam o‘ldirish,

qon to‘kish kabi yomon ishlarga qarshi kurashgan» [1, B.43] deydi. Bu bilan Vamberi adibni inson haq-huquqlarining posboni o‘laroq ta’riflagan. U she’rlarida Allohga muhabbat, diniy ahkomlarga amal qilish, vatanparvarlik, xalqsevarlik tuyg‘ularini kuylagan. Osuda zamonda yashamadi ammo xushomadgo‘ylik, laganbardorlikni, o‘z davrdagi ayrim shoirlar kabi kasb qilmadi [1, B.7]. Shayx Sulaymon Buxoriyning milodiy 1880-1881-yillarda Istanbulda nashr qilingan «Chig‘atoyi usmon» (چغتای عثمان) so‘zligi hamda mashhur olim Radlovning «Turk dillari so‘zlugining tajribasi» (ترک دیللری سوزلوگی تجربه سی) lug‘atlarida Maxtumquli asarlaridagi so‘zlardan foydalanganining guvohi bo‘lishimiz mumkin. Dunyo olimlarining Shoirga bergan ta’riflaridan kelib chiqqan holda, shuni aytishimiz mumkinki, Maxtumquli: diniy ahkomlar, ma’rifatparvarlik, insoniylik, vatanparvalik, insonparvarlik kabi g‘oyalarning asosiy targ‘ibotchilaridan biri bo‘lgan va hayoti davomida yovuzlikka qarshi kurashgan. Shuning uchun ham, shoir asarlari uning ixlosmandlari tomonida tadqiq qilinib qayta nashr qilinmoqda.

Adabiyotlar

1. Murad Durdi Qozi. Maxtumquli Farogiyning komil devoni. – Mashhad: Gul nashr, 2006.

2. Ko‘sayev M., Oxundov B. Maxtumquli soylanan she’rlor. – Ashxabat-Baku: TSSR Olimlar Akademiyasi nashriyoti, 1960.

3. Jumayev A., Zulpiyev J. Maxtumquli Firog‘iy saylanma. – Toshkent: O‘zbekiston, 2008.

4. Amini, A. Dehqonchilikka oid maqollarning semantik tadqiqi. Молодые ученые 2.11 (2023): 123-128.

5. Ahmad, Amini Aziz. The Interpretation of Agricultural Words in Baburnama. JournalNX 7.12 (2021): 116-118.

Rezyume

Ushbu maqolada turkmen xalqining taniqli shoiri Maxtumquli Firog‘iy hayoti, uning « Komil devoni» asari hamda adib asarlariga dunyo olimlari tomonidan berilgan baho va bildirilgan munosabatlari o‘rganilgan.

Kalit so‘zlar: turkman xalqi, devon, lirika, vatanparvarlik, Muashshar.

Резюме

В данной статье рассматривается жизнь известного поэта туркменского народа Махтимгули Фироги, его произведение «Дивани Камиль», а также такие оценки и выраженное отношение мирового учения к его литературному творчеству.

Ключевые слова: туркменский народ, диван, лирика, патриотизм, муашшар.

Summary

In this article, the life of the well-known poet of the Turkmen people, Makhtumquli Firoghi, his work «The kamil Perfect Divan», as well as the evaluation and expressed attitudes of world scientists to his literary works are studied.

Key words: turkmen, devan, scientific work, patriotism, ghazal poem, muashshar (ten).

MAXTUMQULI FIROG‘IY IJODIDA INSON VA JAMIYAT

Humayun NADIM MUHAMMAD,
Termiz davlat universiteti
filologiya fanlari falsafa doktori

Zokir Muxammat o‘g‘li NAZAROV,
Termiz davlat universiteti
o‘zbek tili va adabiyoti kafedrasi o‘qituvchisi

Maxtumqulining she’rlarda insonparvarlik g‘oyalarni uning ijtimoiy qarashlari bilan bog‘liq holda tadqiq qilish mumkin. Shoirning fikrlarida insoniy muhabbat muhim o‘rin tutadi. Maxtumqulining butun maqsadi xalq hayotini yaxshilash, ularning dardini kamaytirish, kambag‘al va yo‘qsillarning qalbini sindirish emas, balki ularga yordam berishdir. Tasavvufda qalb «ilohiylik timsoli» sifatida qabul qilinadi. Shuning uchun ham odamlarni xafa qilmaslik, qalbini sindirmaslik barcha so‘fiylar ta’kidlagan masala bo‘lib kelgan. O‘z she’rlarida har bir jonzotga bag‘rikenglik bilan munosabatda bo‘lishni ifoda etgan turk dunyosining buyuk shoiri Yunus Emre ham har bir inson Alloh taoloning suyukli bandasi

ekanligini ta’kidlab, «Qalbni sindirgan bo‘lsang, o‘qigan namozingga qalbing yor bo‘lmaydi». Maxtumqulining quyidagi she’rlarida ham xuddi shunday tushunchani ko‘rish mumkin.

Maxtumquli she’rlarida insoniyatga muhabbat birinchi o‘rinda turadi. Uning she’rlaridagi asosiy mavzularning deyarli uchdan ikki qismi ezgulik tushunchasi bilan to‘qilgan. Uning she’rlarida ezgulik; Bu adolat, rahm-shafqat, fazilat, nafosat va go‘zallikdir. Uning eng katta orzusi turkman qabilalarining adolatli hukmdor atrofida birlashishi, xalqning moddiy farovonlikka erishishi, ijtimoiy adolatsizlikka barham berish va insoniy munosabatlarning rivojlanishi edi. Shoir xalqqa xizmat qilishni hayotining eng muhim maqsadi deb bilgan. O‘z she’rlarida yaxshi va yomon odamlarni qiyoslashga keng o‘rin bergan Maxtumquli buni «mard», «nomard» tushunchalari bilan izohlagan turkman xalqini mustahkam iymon-e’tiqodga, ezgulikka, haqiqatga chorlagan [5, B.84].

Maxtumqulining yozishicha, turkmanlar mard, mardning o‘g‘li. Jasur odam urushdan va jangdan qo‘rqmaydigan odamdir. Yana mard – sir saqlaydigan, insofli, qalbi samimiy, mehnatkash, yordamchi, mehmondo‘st, yurtiga, xalqiga yordam beradigan kishi:

Mardlar jangda – toý ichinda,
Ach bo‘ridir – qo‘ý ichinda,
Nomart guran uý içinde,
Borsang, xira-xira do‘nar [1, B. 243].

Yo:

Savoshda mard boshdan gechar,
Nomard aqil-hushdan gechar,
Bedav segräp, läshden gechar,
Ýobi inmaz gan ugrashsa [1, B. 263].

U urushdan qo‘rqadigan nomard inson. Shuning uchun Maxtumquli barcha salbiy xatti-harakatlarni qo‘rqoqlik tushunchasi bilan izohladi:

Nomard kimdir, bilar bo‘lsang,
Ne diýsang, der «Boş ustunda!»
Ozmoishin qilar bo‘lsang,
Hech tapilmaz ish ustunda [2, B. 219].

Nomard ichda sir saklamaz,
Aqilsiz heç so‘z beklamaz,
Mard ýigit barin ýo‘qlamaz,
Her ish gelsa el biläni [3, B. 269].

Butun umri davomida xalqqa foydali bo‘lishni o‘ziga shior qilib olgan bu ijtimoiy yetakchi o‘z asarlari bilan turkman xalqini oydinlashtirishga intilgan. U o‘z davrida ijtimoiy tartibsizliklarni keltirib chiqargan ma’murlar va ruhoniylarni qattiq tanqid ostiga olgan.

Maxtumqulining ana shunday ijtimoiy ta’sirchanligi va u bu g‘oyalarni yanada rivojlantirib, she’rlarida keng yoritib borishini ko‘ramiz.

Xalqqa xizmat qilishni maqsad qilgan shoir o‘z she’rlarida hamisha moddiy qiyinchilikka duchor bo‘lgan xalqni targ‘ib qilgan, boy-badavlat kishilarga sadaqa berishni, kambag‘allarga yordam ko‘rsatishni, ochlarni to‘ydirishni maslahat bergan:

Maxtumquli, gar do‘yursang bir oji,
Ma’lumdur, toparsan bu yerda ahji,
Näge mertlik etse odam beveji,
Her majlisda ýüz ýo‘l tile getirmish [4, B. 357].

O‘z she’rlarida yaxshi va yomon odamlarni qiyoslashga katta o‘rin bergan Maxtumquli fikricha, mard va mard odam nasihat qiladi, nasihatga quloq soladi. Maslahatga quloq solmaslik qo‘rqoqlarning ishi.

Komil go‘ç ýigitler haqingi yemaz,
Dunýo molin bersang, nomardlar do‘ymaz,
Nomard maslahata, gengasha uýmaz,
Nomarding her ishi aýondir, beglar [6, B. 415].

Maxtumquli turkmanlarning eng buyuk shoiri sifatida ba’zi fazilatlarga o‘zining iste’dodi orqali erishgandir. Maxtumquli tarbiyasi, tafakkur olamining shakllanishida uning oilasi, ayniqsa, birinchi ustozi bo‘lgan otasi Ozodiy katta ta’sir ko‘rsatgan. Turk dunyosining yetuk namoyandalaridan bo‘lmish Maxtumquli adabiy

shaxsi va tafakkur olamini chuqurroq anglash uchun otasi Ozodiy va uning g‘oyalarini bilish ham foydalidir.

Adabiyotlar

1. Aşırov Tahir. Türkmen Şairi Mahtumkulu’nun Düşünce Yapısı Etkisi. Türk Dünyası Bilgeler Zirvesi, Eskişehir 2013 Türk Dünyası Kültür Başkenti Ajansı: Gönül Sultanları Buluşması. – B.118.
2. Biray Himmet. Mahtumkulu Divanı. – Ankara: Kültür Bakanlığı, 1992. – S. 11.
3. Гаррыев Б. А. Ватачы шахыр Магтымгулы. – Ашгабат, 1942. – С. 12.
4. Hayati Yılmaz. Mahtum Kulı’nın Hayatı, Edebî Kişiliği ve Şiirlerinden örnekler. Bilge Dergisi 50: 2007. 108-125. – S. 109-110. 77.
5. Hudayberdiyeva Bagul. Mahtumkulu firâkî’nin şiirlerinde tasavvufî. 2021.

Rezyume

Ushbu maqolada Firog‘iyning ijodida diniy, islomiy va insonparvarlik ta’limotlari asosida insoniyat jamiyatlariga juda nozik va aniq axloqiy nasihatlari hamda ma’no va mazmuni ochib berilgan.

Kalit so‘zlar: insoniyat, inson, jamiyat, Maxtumquli.

Summary

In this article, Faraghi’s work reveals very subtle and clear moral advice to human societies based on religious, Islamic and humanitarian teachings, as well as its meaning and content.

Key words: humanity, human, society, whole world, Makhtumkuli, Turkman.

Резюме

В этой статье работа Фараги раскрывает очень тонкие и ясные моральные советы человеческому обществу, основанные на религиозных, исламских и гуманитарных учениях, а также их смысл и содержание.

Ключевые слова: человечество, человек, общество, Махтумкули.

II SHO‘BA. MAXTUMQULI FIROG‘IY IJODI: O‘ZBEK-TURKMAN ADABIY ALOQALARI

МАХТУМҚУЛИНИНГ КЎНГЛИ
(*ёки «Кел, кўнглим, мен сенга насиҳат қилай...»*)

Баҳодир КАРИМ,
Алишер Навоий номидаги
Тошкент давлат ўзбек тили ва адабиёти университети
профессори, филология фанлари доктори

Шеърни шоирнинг кўнгил манзараларидан алоҳида тасаввур қилиб бўлмайди. Инсон кўнгли жуда мураккаб. Унга бепоён чексизлик хос, кўнгилда орзу-истаклар мўл-кўл бўлади. Унда инсоннинг барча ҳис-туйғулари жўш уради. Ишқ, соғинч, алам, қувонч, қўрқув, нафрат, сурур ва бошқа кечинмалар қайсидир либосини кийиб ичкаридан ташқари чиқади. Бадиий, кўркам сўз – кўнгил ифодаси. Буюк туркман шоир Махтумқули Фироғий: «Кел, кўнглим, мен сенга насиҳат қилай», деб қалбига мурожаат этади. Кўнгил эса тўхтовсиз эврилади, қайнайди, ўзгаради, сокин тортади. Гоҳида насиҳатни эшитади, баъзан ўз хоҳиш йўлидан юради. Аслида, кўнгил поклиги ва хотиржамлиги – инсон учун бебаҳо саодат.

Махтумқули шеърларида кўнгил тилга кириб сўзлайди: «Кўнгил айтар: сайр этиб, олам-жаҳони кўрсам», «Кўнгил дер: халқдан узилиб, Кезсам тоғу тошлар билан» ёки «Кўнгил айтар: йўлдош бўлсам, Оҳ урган дарвешлар билан». Бундай мисраларда кўнгил моддийлашади. Шоирнинг сўзлаётган тилига эврилади. Баъзида лирик қаҳрамон кўнгил майли, маънавий-руҳий кайфияти дарвешлар даврасини ҳам қўмсайди. Дунё моҳиятини чуқур англаган одам ёлғизликни, дарвешона ҳаётни, Яратган билан ёлғиз қолишни истаб қолади. Гоҳда сиқилган инсон кўнглига қил сиғмайди. Баъзан кўнгилга коинот-борлиқ жойланади.

Махтумқули шеърларини «жўшқин кўнгил», «телба кўнгил», «шайдо кўнгил», «ҳамроз кўнгил», «ҳимматли кўнгил», «шум кўнгил» сингари турли-туман тус-ранглари безайди.

«Кўнгил» ёнида бир қанча сифатловчи-аниқловчи сўз қўлланади. Шоирнинг «Кўнгил» радифли алоҳида шеъри бор. Шеърдаги кўнгил образи «тубсиз бир денгиз» - ишқни ифода қилади. Унда ишқ-муҳаббат мубтало кўнгил ҳолати баён қилинади. Ишқ билан кўнгил – ажралмас тушунча. Ишқ макони – кўнгил. Чин ошиқ ва покиза кўнгил эгасининг мартабалари ишқининг даражаси билан ўлчанади. Қалбнинг бебаҳо жавҳари бўлган ишқ-муҳаббат одамга оламни бошқача кўрсатади.

«Ошиқлар Ҳақ ишқинда ҳайрондадир-ҳайронда» – Махтумқулининг «ишқ майидан ичиб» ҳайрон бўлишларин тасаввуфона ишқи илоҳийга боғлаб талқин этиш ҳам ўринлидир. Махтумқули мумтоз адабиётни, шарқдаги мумтоз поэтик образлар табиатини чуқур билади. Шунинг учун ҳам у ўз шеърида талмеҳ санъати тилига кўчиб, ишқ дардига Масиҳ ҳам, Луқмон ҳам дармон топа билмаслигига урғу беради. Исо Масиҳ силовчидир, унинг қўли теккан бемор тузалади, ҳатто ўлик тирилади. Бироқ шоирнинг лирик қаҳрамони ишқ олдида бечора, дардига даво йўқ. Умиди Яратгувчидан:

«Йиғлабон, Махтумқули, даргоҳига арз айлагил,
Не учун, кўп йиғлаган бир кун кулосидир, кўнгил»[1].

Изтиробга тушган, қийналган, азоб чекиб йиғлаган одам бир кун қувониши ҳам мумкин. «Даргоҳига арз айлагил» деганда шоир Яратгувчини назарда тутади. Махтумқулининг лирик қаҳрамони иймон эгасидир. Шунинг учун ҳам у иймонни кўнгил бўстонидан жой олган муаттар ҳидли тоза гулга қиёслайди:»Кўнгил бўстонида иймон тоза гул», яна бир ўринда «Кўнгил бир очилган қирмизи гулдир», деб кўнгилни ҳам гул ўхшатади. Бундай мисраларда «иймон» ва «кўнгил»ни «гул»га метафорик кўчими туфайли тасаввур қилинади.

Тўғри, нафсониятли кўнгил ташқи таъсирдан, ортиқча мол-дунёдан шодланиши ҳам мукин. Чинакам шодлик эса ботинда, яхши ниятлар жамланган маконда бўлади. Бундай кўнгил сурури комил инсонларга насиб қилади.

Кўнгил ройишига, сайру сулукига чегара-сарҳад йўқдир. Махтумқули кўнгилни қалъа-шаҳарга ўхшатади. Барчага яхши

биладиган Дурди шоир билан айтишувида «У нимадир дарвозасиз қалъадир», деган саволга Махтумқули «У кўнгилдир дарвозасиз қалъадир», деган жавобни беради. Дарвозасиз қалъа қўрғонланмаган, қўриқланмаган жой. Кўнгилни эгаси қўриқлаши, қўрғонлаши мумкин. Бунинг учун энг аввал айни бўстонда тоза гуллар барқ уриб очилмоғи керак.

«Тан қафасга гирифтор, кел, жонга назар айла,
Боқ кўнгил кўзгусига, жононга назар айла,
Ибрат кўзини очиб жаҳонга назар айла,
Тутма икки кемани, бир ёнга назар айла,
Ҳеч ким мангу яшамас – давронга назар айла,
Давронига ишонган инсонга назар айла,
Бу қўниб-кўчиб юрган карвонга назар айла»[1].

Махтумқули шеърларидаги тушунчалар мантиқан ўзаро мустаҳкам боғланган бўлади. Шеърдаги жон, жонон, жаҳон, бир ён, даврон, инсон, карвон каби сўзлар шунчаки қофиядош эмас. Ибрат кўзи билан кўнгил ойинасига назар қилинса, барчаси аён бўлади. Ҳаётнинг ўткинчилиги ва икки кеманинг бошини тутган одамнинг ғарқ бўлиши ҳам, ҳеч бир кимсанинг бу оламда мангу қолмаслиги ҳам – барча-барчаси ўзаро алоқадор.

Гуноҳкор кимсанинг ичи қора, кўнгил кирли бўлади. Мабодо виждонини, иймонини кўзгу қилиб, ўзини унга солиб қараса, ўзидан ўзи уялиб, юраги сиқилади.

«Гуноҳдан кўнгилни, ғийбатдан тилни,
Сақламасанг, қалб кўзгуси занг бўлар»[1].

Қалб ойинасининг кирланиши, чанг, ғубор, занг босиши – бу яхшилик аломати эмас.

Махтумқули шеърларида «кўнгил»га синоним бўлган форсча «дил» ва арабча «қалб» сўзларини ҳам қўллайди: «Ёмон сўз дилга доғ солар», «Ожиз дилда бардош йўқ» ва гоҳида «дил» ўзагига қўшимча қўшилишидан ҳосил бўлган «дилбар, дилдор, дилрабо, дилнавоз, дилхуш, дилхун, дилкаш, дилдош» каби сўзлардан унумли фойдаланади. Бунда шеър диапазони, бадиий

таъсир кучи ортади. «Ёмон одам дилозор» бўлади – дилга озор тетказади, манман бўлади.

«Аллоҳ ёди билан тирик бўлган дил,
Кўз юмилган билан, кўнгил ётмас ҳеч»[1].

Махтумқули шеърларини ўқиганда фикрлар хаёлга қуйилиб келади. Дунёда жуда кўп тирик зотлар ўликка айланиши мумкин. Улардан жончиқади. Ўт-ўланлар, дов-дарахтлар қурийди – ўлади. Аммо дил-чи? Дил қачон, қандай тирилади? Ўлик дил – дилмарг қандай бўлади? Аслида тиллар, сўзлар, китоблар ва шеърлар ҳам тирик ёки ўлик бўлиши мумкин. Махтумқулининг шеъри, сўзи, китоби – тирик. Гарчанд Махтумқулининг бу оламини тарк этганига кўп йиллар ўтган бўлса ҳам, унинг дили ўлган эмас. «Аллоҳ ёди билан» дил, кўнгил тирик бўлади. Акс ҳолда Аллоҳни унутган дил, унинг эгаси ва ҳатто ёзган китоблари ҳам ўликдир. «Қай дилда бўлмаса иймон зиёси, У дил қора тошга ҳамоҳанг бўлар». Яратгувчисини идрок эта олмаган, иймон неъматидан бебаҳра кимса «қора тош» – дилмарг саналади. Сулаймон Боқирғоний иймонни улуғлаб, «Аллоҳ ёди кўнгилларни хуррам» қилишини таъкидлаб: «На хуш бу дунёда иймону Қуръон, Не бўлғай дунёда иймондин ортуқ», деб ёзади[2].

Махтумқули таълимича, дилга келган ҳар қандай гапни айтиб бўлмайди. Айтиш мумкин эмас. «Айтиладиган сўз қопга солинган бигизга ўхшайди. Айтиладигани қопни тешиб чиқади, сирлиси бигиз тутқичига ўхшаб ичкарида қолади», дер эди раҳматли Отам. Айтиладиган сўзни ҳам тафаккур тарозисида тортиш лозим, айтишдан олдин уни сайқаллаш керак.

«Махтумқули, сўзла ҳар не билганинг,
Армондир айтилмай қолган ўланинг,
Сайқаллаб элга тут дилга келганин,
Сендан авлодларга сўз ёдгор бўлар»[2].

Дилда шайтоний васвасалар бор. Иймондан айро дилда бало, офат қутқулари бўлади. Унга шайтон уя қуради. Авлодлар учун қоладиган «ёдгор сўз» – бу сайқалланган гўзал, кўркам ва

ўткир сўздир. Махтумқулининг шеърлари айни сифати билан кўнгиллардан жой олди.

«Ҳамдард бўлиб дарди дилим сўрмаган
Не билсин бир кўриб кетса ташимдан?»

Дардли дилга дармон, ҳамдард керак. Дарди бор одам дилини дард чеккан тушунади. Оғир дард ҳол сўраш туфайли енгиллашади.

Сир ҳам дилга гизланади. Дунё уқубатларидан, ноўрин биргина сўздан дил тиғланади, яраланади; ёмонлик, адолатсизлик, жаҳолат – дилга жароҳат етказади. «Ёмон сўз дилга доғ солар», «Ёмон одам дилозори», дейди Махтумқули. Ёмонлик қилганга ҳам яхшилик қила билиш инсоннинг баланд мартабасидан, ҳиммати ва маърифати-орифлигидан дарак беради.

Махтумқули оз сўз билан кўп маънолар англата биладиган, ийжоз мартабали шоирдир. Буни ўзи ҳам билади. «Махтумқули, сўзладинг оз, Дарди дилинг бўлди баёз...». Шеър кўнгил дардидан алоҳида ҳодиса ўлароқ бунёд бўлади. Сўнгра баёз, яъни шеърий девон-тўпламга жамланади. Такрор таъкидлайманки, сўзларини девон қилаётган шоир зоти учун иймон муҳим. «Ҳақ амрига бўйсунган» иймонли дил – соадатли дилдир. У меҳр-мурувватли, ҳалим бўлади, асло тошдек қотмайди. Бу ҳақиқатни Махтумқулининг халқона руҳиятли, айни дамда, иймон нури ва чўнг фалсафа билан йўғирилган умрбоқий шеърлари уч аср бўйи исботлаб келади. Умрбоқий асарлар иймон ёғдусидан тўралади. Оре, бунда дил доимо уйғоқ бўлади. Махтумқули инсониятни шундан огоҳ этади. Махтумқули шеърларидаги танбеҳ ҳам шундан. «Эй дил, ҳайда ўздан уйқуни нари, Тегрангда чарх урар ажал қушлари...». Иймонли дилни ғафлат уйқуси босмайди. Бундай дил – ҳамма нарсадан огоҳдир.

Дил ва кўнгил шеърнинг шакл ва мазмун талабига кўра баъзида алмашиб келади. Одатда, кўнгилда бори тил билан изҳор қилинади. Махтуқули: «Тилга келган сўзлар кўнгил нақшидир», деб ёзади.

Маълумки, Махтумқули Алишер Навоий каби шарқ мумтоз шоирларини жуда кўп жиҳатдан ўзига устоз санайди. Зеро, Навоий ижодида кўнгилнинг ўнлаб қирралари тавсифланади[3]. Тил билан кўнгилга эътибор қаратган Навоий бир ғазалида айтадики: «Ёр улдурким, тилию кўнгли онинг бўлса бир, Ким тили ўзгаю кўнгли ўзгадур ул ёр эмас»[4]. Тил билан кўнгил бирлиги сўз билан амал бирлиги демакдир. Комил инсон шундай бўлади. Акс ҳолда «ул ёр эмас». «Маҳбубул қулуб»да: «Кўнгил хазинасининг қулфи – тилдир», деб ёзади шоир. Ҳолнинг бошқа жиҳатларини эътибордан қочирмасдан айтиш мумкинки, кўнгил махзани, кўнгил бойлиги, кўнгил кечинмасини, умуман, руҳий-психологик кайфиятни кўпинча одамнинг тилидан, айтаётган сўзидан билиш мумкин. Сукут яширади, «очилган қулф» – тил ошкор этади...

Мумтоз шарқ адабиётидаги, дейлик, Навоий ва Махтумқули шеърларидаги кўнгил образи жадид шоири Чўлпон ижодида бошқачароқ тус-рангга бўялади. Шоир: «Кўнгил, сен нега бунча Кишанлар бирла дўстлашдинг. Кийшан кийма бўйин эгама, Ки сен ҳам ҳур туғилғонсен», деб ҳурликка даъват этилган кўнгил тутқунликка-кишанга зид қўйилади. Шеъриятда кўнгил эврилишлари шоирларнинг сулуклари, ғоялари, ҳиссиётлари ва айни дамда замонга муносабатлари билан ҳам боғликдир.

Алишер Навоий – шоирлар устози. Шунга монанд Махтумқули ҳам ўзидан кейинги туркий шоирларга устоз мақомида эди. Жуда кенг кўламли бу таъсир, шоир анъаналарининг давоми масалаларининг баъзи қирралари ўзбек адабиётшунослигида тадқиқ ҳам этилди[5].

Махтумқули шахсияти, фалсафаси, ҳикматлари – умуман, поэтик олами янги замон шоирларни ҳам ўзига қарата олди. Улар Махтумқули усубида шеърлар, ҳавас қилиб бағишловлар ёзди[6]. Дейлик, шоирлар баъзан Махтумқули воситасида замон об-ҳавосига ташхис қўйишди. Унинг баланд пастини, яхши-ёмонлигидан сўз очади. Омон Матжон ёзади:

«Келди Махтумқули айтган бир замон,
Унутди «Яхшилик» сўзини ёмон.

Обрў талашмоқда қурт билан илон,
Филлар пашша билан савашга тушди».

Махтумқулига ихлосли Омон Матжон дилга мурожаат қилади: «Уйғон, эй дил, дил вақтинг бўлди». Шу билан бирга: «Дилимнинг рангини гул билса бўлди, Менинг кимлигимни эл билса бўлди», дея ўз «дилининг ранги»га, демак, ойдинлиги туфайли кўнгли хотиржам эканига урғу беради[7].

Демоқчиманки, кўнгил билан мулоқотлар, дилга мурожаатлар, «кўнгилни тошга ёриш»лар, умуман, кўнгил рангларининг бадиий талқинлари ҳамма замонларда ижод аҳли учун асосий объект мавзу бўлиб келади. Шунинг учун «кўнгил» (баъзан «кангул» шаклида) кўп шеърлар, китоблар сарлавҳасига чиқади.

Хулоса қилиб айтганда, биринчидан, Махтумқули шеърларида тилга кирган кўнгилнинг жуда кўп жиҳатлари самимий ва табиий баён қилинади.

Иккинчидан, Махтумқули ўзининг қалб кечинмалари, руҳий-психологик ҳолатлари ифодасида мумтоз шарқ адабиёти анъаналаридан баҳраманд бўлди.

Учинчидан, Махтумқули ижодидаги образ ҳолига келган муайян бир сўз илмий-назарий томондан текширилганида ҳам, унинг ўзидан олдинги устоз ижодкорларга муносиб шогирд ва ўзидан кейинги кўплаб шоирлар учун намунали устоз мартабасида экани кузатилади.

Тўртинчидан, Махтумқули энг гўзал шеърларидаги умумбашарий поэтик мазмунга кўра дунё шоирларининг олдинги қаторида туради.

Адабиётлар

1. Махтумқули. Махтумқули. Асарлар. – Тошкент: Akademnashr, 2013.
2. Сулаймон Боқирғоний. Боқирғон китоби. – Тошкент: Ёзувчи, 1991. – Б. 18.
3. Бозорова Н. Алишер Навоий ғазалларида кўнгил образи. – Тошкент: Фан, 2009.

4. Алишер Навоий. МАТ. Наводир ун-ниҳоя. – Тошкент: Фан, 1987. – 210 б.

5. Махтумқули анъаналарига садоқат / К.Қурамбоев. Адабий жараён. Ижод масъулияти. Адабий алоқалар. – Тошкент: Чўлпон, 2009.

6. Туркман – туташ томирим / Б.Карим. «Махтумқули – инсоният шоири» китобда. –Тошкент: Муҳаррир, 2024. – Б. 59-68.

7. Омон Матжон. «Нега мен?» достони / «Иймон ёғдуси». Сайланма. – Тошкент: Ғафур Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти, 1995. – Б. 366.

Резюме

Мақолада Махтумқули шеърларида тилга кирган кўнгилнинг самимий ва табиий баён қилинган жуда кўп жиҳатлари борасида сўз юритилган бўлиб, Махтумқулининг лирик қаҳрамони иймон эгаси экани, шоир ижодидаги образ ҳолига келган муайян бир сўз илмий-назарий томондан текширилганида ҳам, унинг ўзидан олдинги устоз ижодкорларга муносиб шогирд ва ўзидан кейинги кўплаб шоирлар учун намунали устоз мартабасида экани ҳақида хулоса қилинади.

Калит сўзлар: шеър ва шоир кўнгли, Навоий – шоирлар устози, Махтумқули – устоз ижодкорларга муносиб шогирд.

Summary

The article talks about many sincere and natural sides of the heart mentioned in Magtymguly’s poems. It is said that the lyrical hero Magtymguly is a believer, and even when a certain word that has become an image in the poet’s work is considered from a scientific and theoretical point of view. In my opinion, he is a worthy student of his predecessors and teachers. It can be concluded that he is in the career of an exemplary teacher for many later poets.

Key words: poem and the heart of the poet, Navoi is the teacher of poets, Magtymguly is a worthy student of the teacher-creator.

Резюме

В статье говорится о многих искренних и естественных сторонах сердца, упомянутых в стихах Махтумкули. Говорится, что лирический герой Махтумкули – верующий человек, и даже когда определенное слово, ставшее образом в творчестве поэта, рассматривается с научно-теоретической точки зрения. На взгляд, он является достойным учеником своих предшественников и учителей. Можно заключить, что он находится в карьере образцового учителя для многих позднейших поэтов.

Ключевые слова: сердце поэта, Навои – учитель поэтов, Махтумкули – достойный ученик учителя-творца.

MAXTUMQULI VA MIRZO KENJABEK

Ergash OCHILOV,
O‘zbekiston Respublikasi Fanlar akademiyasi
O‘zbek tili, adabiyoti va folklori instituti
katta ilmiy xodimi, filologiya fanlari nomzodi,

Maxtumquli va Mirzo Kenjabek mavzui keng va serqirra bo‘lib, uni uch katta yo‘nalishda o‘rganish mumkin: birinchisi – shoirning atoqli turkman mutafakkiri va so‘z san’atkori ijodxonasidan mahorat sabog‘ini olib, uning ta’sirida va u haqda bitgan she’rlari; ikkinchisi – Maxtumquli she’rlaridan qilgan tarjimalari; uchinchisi – Maxtumquli hayoti va ijodi yuzasidan olib borgan izlanishlari. Demak, Maxtumqulining Mirzo Kenjabek ijodiga ta’siri uch tomonlama bo‘lgan deyish mumkin: 1) mutolaa orqali, 2) tarjima jarayonida va 3) tadqiqot asnosida.

O‘tgan asrning saksoninchi yillarida Maxtumquli yo‘lida bitgan ba’zi she’rlari Mirzo Kenjabekning o‘sha paytlardayoq uning muxlisi bo‘lganligini ko‘rsatadi.

Mirzo Kenjabekning «Ibodat», «G‘animat», «Hayot go‘zalligi, olam ranglari...», «Bordek bo‘lsin», «Qo‘rg‘on bordir», «Polvon» kabi she’rlari mav’iza xarakterida bo‘lib, ularda goh Yassaviy, goh

Maxtumquli kabi orif shoirlarning ruhini dark etamiz, uslubini koʻramiz.

«Maxtumquli sheʼriga nazira» tarzida bitilgan «Sharqiy» sheʼri garchi turkman shoirining «Chiqadir» sheʼridan ilhomlanib yozilgan boʻlsa-da, unda Maxtumqulining bir butun ijodi taʼsirini koʻramiz:

Maxtumquli:

Haq-taolo, axir, bu nima ahvol,
Sof deb ichgan suvim qumli chiqadi?!
Bu ne makkoru shum, pastu ters iqbol,
Halol oshim achchiq taʼmli chiqadi?! [4, V. 93]

Mirzo Kenjabek:

Koʻngil, yiroqlarga boqmagil purgʻam,
Bahorlar bogʻlardan koʻchgan chiqadir.
Koʻz solsang, men kabi nodon shoir ham
Dunyoning bir sirin ochgan chiqadir [3, V. 28].

Aslida Mirzo Kenjabek shaklangina buyuk salafiga ergashib, mazmunan butunlay ohorli murabba yaratgan. Chunki mana bunday satrlar zamondosh shoirning oʻzini bezovta qilib, koʻnglidan kechirib yurgan fikru tuygʻulardir:

Muhabbat koʻnglingda kuylarkan qoʻshiq,
Oʻkinma, bir holni aytayin ochiq:
Yerdan chiqqan boʻlar har shoʻrlik oshiq,
Har malak osmondan tushgan chiqadir...

Bir maʼlum holatni aytay, yoronlar,
Qaysi yurt boʻlmasin, qaysi zamonlar,
Zohiran shoʻx kulib yurgan insonlar
Botinan zaqqumlar ichgan chiqadir! [3, V.28]

Maxtumqulining «Muhtoj aylama» nomli mashhur sheʼri bor. U Xudoga iltijo ruhida yozilgan boʻlib, Oʻzidan oʻzgaga muhtoj qilmaslik, bandaning rizqini oʻz xazinasidan yetkazib, uni nokasning qoʻliga qaratib qoʻymaslik, toʻgʻri yoʻldan adashtirmaslik kabilar haqida:

Qodir Jabbor, sendan tilagim ko‘pdir,
Sen meni nomardga muhtoj aylama.
Xazinangdan bergin mening rizqimni,
Bandangni bandangga muhtoj aylama [5, V. 67].

Mirzo Kenjabek ayni she’rdan ta’sirlanib va ilhomlanib, «O‘zingdan o‘zgaga muhtoj aylama!» misrasi naqarot bo‘lib kelgan murabba bitadi:

Faqirlik o‘tsa ham bandang jonidan,
Rabbim, O‘zing asra tama nonidan,
Ne’mat ber Sen rizo dasturxonidan,
O‘zingdan o‘zgaga muhtoj aylama! [2, V. 126]

Maxtumquli Xudovandi karimning bandaning rizqini o‘z xazinasidan yetkazishini so‘rasa, Mirzo Kenjabek Uning rizo dasturxonidan oziqlantirishini tilaydi.

Bunday mushtarakliklarni har ikki she’rning boshqa bandlarida ham ko‘ramiz. Chunonchi, turkman shoirigtgsh quyidagi bandda to‘g‘ri yo‘lni egriga aylantirmaslik, egrini to‘g‘riga teng qilmaslik, halolni haromga muhtoj aylamaslik xususida so‘z boradi:

Adashtirma to‘g‘ri yo‘lim egriga,
Egrini teng qilma sira to‘g‘riga,
Kishi moli nasib etmas o‘g‘riga,
Halolni haromga muhtoj aylama [5, V. 67].

Mirzo Kenjabek esa halolga qanoat qildirib, o‘zidan o‘zgaga muhtoj qilmaslik, haromdan asrashni tilab Yaratganga munojot qiladi:

Rabbim! Halolingdan bergil qanoat,
O‘zingdan o‘zgaga muhtoj aylama!
Haromdan asragil, saqla salomat,
O‘zingdan o‘zgaga muhtoj aylama! [2, V. 126]

Mirzo Kenjabekning tatabbu deb ko‘rsatilgan «Xalqim qasidasi» she’ri ham Maxtumqulining «Turkmanning» she’ri ta’siri va ohangida yaratilgan. Bu ilhomning yorqin izlarini quyidagi bandlarda ko‘rish mumkin. Har ikki bandda ham shoirlar tomonidan o‘z

yurtining so‘lim tabiati, purviqor tog‘lariyu toshqin daryolari, rang-barang noz-ne’matlaridan faxru iftixor tuyg‘ulari ko‘tarinki ruhda ifodalanganini ko‘ramiz.

Maxtumquli:

Ko‘ngil havolanar otga chiqqanda,
Tog‘ la’lga aylanar qiyo boqqanda,
Bol keltirar daryo to‘lib oqqanda,
To‘g‘on qolmas kelsa seli turkmanning [5, V. 38].

Mirzo Kenjabek:

Jayhunlari jadal ila boqqandir,
Sayhunlari sayron bo‘lib oqqandir,
Do‘stlarga ham, dushmanga ham yoqqandir,
Zarlar sochib Zarafshoni o‘zbekning [2, V. 11].

Mana bu bandlarda ham shunday o‘zaro mushtaraklikni ko‘ramiz – ularda har ikki xalqning ahilligi, hamjihatligi, ko‘ngli ochiqligi, tolei balandligi, mehmondo‘stligi tarannum etiladi.

Maxtumquli:

Ko‘ngillar, yuraklar bir bo‘la boshlar,
Uyushsa, eriydi tuproqlar, toshlar,
Bir sufrada tayyor qilinsa oshlar,
Yuksaladi baxt-iqboli turkmanning [5, V. 38].

Mirzo Kenjabek:

Yoshi ketar, baland tog‘lar qarimas,
Suvi oqar, zo‘r daryolar qurimas,
Uydan aziz mehmonlari arimas,
Ochiq diyor – dasturxoni o‘zbekning! [2, V.12]

«Bir zum Maxtumquli bo‘lib yashadim» nomli mutoyibasida Surxondaryo va Qashqadaryo safarida do‘stlarga tuhfa qilish uchun o‘zi tarjima qilgan buyuk turman shoiri Maxtumqulining «Saylanma» to‘plamidan mashina yukxonasiga solib olgani, lekin yo‘lda mirshab tekshirib, kitobga munosabat yomon bo‘lgan o‘sha zamonlarda tarjimonni siquvga olgani, keyin kitobni qo‘liga olib,

Maxtumquli nomiga koʻzi tushgach, Mirzo Kenjabekni muallif deb oʻylab, unga taʼzim bajo qilib oʻtkazib yuborgani hodisasi hazil yoʻsinida hikoya qilinadi/ Besavod mirshab zotining hech qursa Maxtumqulini bilishiga shukr qilib, shoir hangomani shunday yakunlaydi:

...Lekin men bir lahza koʻrdim hayotda
Hech biror mutarjim koʻrmagan baxtni!..

Bir zum Maxtumquli boʻlib yashadim,
Bitta tarjimonga shu baxt kifoya!.. [2, V. 146]

Mirzo Kenjabek ijodini oʻzi sevib mutolaa qiladigan, oʻziga ruhan yaqin, usluban mushtarak, hammaslak, hamfikr adiblar asarlarini tarjima uchun tanlaydi va ularga ijodiy yondashib, xuddi oʻzi original asar yaratayotganday alohida zavq va ilhom bilan tarjima qiladi. Aytaylik, Maxtumquli uning sevgan shoirlaridan biri boʻlib, sheʼriyatga ilk qadamlaridanoq atoqli turkman shoiri va mutafakkiri taʼsirida sheʼrlar yozgan. Binobarin, shoirning bu buyuk soʻz sanʼatkori sheʼrlari tarjimasiga qoʻl urgani bejiz emas.

Maʼlumki, diniy-tasavvufiy mavzudagi sheʼrlar Maxtumquli ijodida yetakchi oʻrin tutadi. Bu turkumga Olloh taolo ulugʻlangan, Muhammad alayhissalom madh etilgan, paygʻambarlar, choryorlar, sahobalar, aziz avliyolar taʼrif-tavsif qilingan, islom arkonlari, shariat talablari talqin va targʻib etilgan, Haq yoʻliga daʼvat qilingan, musulmon olamida mashhur voqealar va ibratli diniy rivoyatlar bayon qilingan sheʼrlar va moʻjaz dostonlar kiradi. Asarlari mutolaasi Maxtumqulining komil musulmon, yetuk ilohiyot olimi, tolmas din targʻibotchisi ekanligini koʻrsatadi.

Afsuski, shoʻro mafkurasi shoirning islomiy maʼrifat va tasavvuf haqiqatlari ufurib turgan asarlari mutolaasidan bizni bebahra qilgan edi. Shuning uchun buyuk soʻz sanʼatkorining asosan ilgari hukmron mafkura yoʻl qoʻymagan diniy-tasavvufiy mazmundagi 170 ta sheʼrini ilk bor oʻzbekchalashtirib, «Saylanma» nomi ostida chop ettirgan mohir mutarjim Mirzo Kenjabek oʻz tarjimalariga yozgan «Maxtumquli – valiy shoir» nomli soʻzboshisida uni «butun turkiy xalqlar uchun tushunarli va sevimli shoir» [1, V. 3] sifatida tuʼriflab: «Maxtumquli Firogʻiy XVIII asr maʼrifiy sheʼriyatining buyuk

darg‘alaridan bo‘lib, butun turkiy xalqlar uchun tushunarli va sevimli shoir, ma’rifatli siymo, orif oshiq, sohibi hikmat bo‘lgan valiy zotdir. Uning insonparvarlik, xalqparvarlik, vatanparvarlik g‘oyalari bilan yo‘g‘rilgan she’riyatida pok islomiy ma’rifat ruhi gurkirab, yashnab turadi» [1, V. 3], – degan fikrni bildiradi.

So‘zboshida M.Kenjabek Maxtumquli hayoti va ijodini islom va tasavvuf nuqtayi nazaridan o‘rganib, u zabardast so‘z san’atkori va qomusiy alloma bo‘libgina qolmay, hol va hikmat ahlidan bo‘lgan orif inson, valiy zotdir degan xulosani bayon qiladi [1, V. 3] va «Maxtumquli ijodi Qur’oni karim, Hadisi shariflarga, tasavvuf ta’limoti, valiylar hikmatiga hamda Olloh o‘z huzuridan ato etgan ilmi laduniyga asoslangan» [1, V. 9], – deb yozadi.

Ma’lum bo‘ladiki, Maxtumquli va Mirzo Kenjabek mavzui kelgusida o‘zining har tomonlama keng va chuqur o‘rganilishini taqozo etadi. Maxtumqulining Mirzo Kenjabek ijodiga ta’sirining turli qirralarini yoritish; o‘zbek shoirining turkman so‘z san’atkori she’rlari tarjimasidagi muvaffaqiyati va mahorati sirlarini kashf etish; uning Maxtumquli bilan bog‘liq qator maqolalari misolida o‘zbek maxtumqulishunosligiga qo‘shgan hissasini muayyanlashtirish shular jumlasidandir.

Adabiyotlar

1. Kenjabek M. Maxtumquli – valiy shoir (So‘zboshi) // Maxtumquli. Saylanma. – Toshkent: Fan, 2004.

2. Kenjabek M. Xushxabar (She’rlar, ruboiylar). – Toshkent: Navro‘z, 2018.

3. Kenjabek M. Sharq tili. – Toshkent: Yosh gvardiya, 1988.

4. Maxtumquli. Asarlar (E.Ochilov tarjimasi). – Toshkent: Akademnashr, 2013.

5. Maxtumquli. Bulbul nolasi (E.Ochilov tarjimasi). – Toshkent: Hilol-nashr, 2014.

Rezyume

Maxtumquli va Mirzo Kenjabek ijodidagi aloqadorlik o‘zining har tomonlama keng va chuqur o‘rganilishini taqozo qiluvchi mavzulardan sanaladi. Ushbu maqolada Maxtumqulining Mirzo Kenjabek ijodiga ta’sirining turli qirralarini yoritish; o‘zbek shoirining turkman so‘z san’atkori she’rlari tarjimasidagi

muvaffaqiyati va mahorati sirlarini kashf etish; uning Maxtumquli bilan bog‘liq qator maqolalari misolida o‘zbek maxtumqulishunosligiga qo‘shgan hissasini muayyanlashtirish singari jihatlarga e’tibor qaratiladi.

Kalit so‘zlar: Maxtumquli va Mirzo Kenjabek ijodidagi o‘zaro uyg‘un g‘oyalar, Maxtumqulining Mirzo Kenjabek ijodiga ta’siri.

Summary

The connection between the works of Magtymguly and Mirzo Kenjabek is one of the topics that requires extensive and in-depth study. This article examines various aspects of Magtymguly’s influence on the work of Mirzo Kenjabek; reveal the secrets of the success and skill of the Uzbek poet in translating the poems of the Turkmen master of words; Using the example of a series of his articles dedicated to Magtymguly, attention is paid to such aspects as identifying his contribution to Uzbek Magtymguly studies.

Key words: mutually harmonious ideas in the works of Magtymguly and Mirzo Kenjabek, influence of Magtymguly on the work of Mirzo Kenjabek.

Резюме

Связь творчества Махтумкули и Мирзо Кенджабека – одна из тем, требующая обширного и глубокого изучения. В данной статье рассматриваются различные аспекты влияния Махтумкули на творчество Мирзо Кенджабека; раскрыть секреты успеха и мастерства узбекского поэта в переводе стихов туркменского мастера слова; на примере цикла его статей, посвященных Махтумкули, уделено внимание таким аспектам, как выявление его вклада в узбекское махтумкуливедение.

Ключевые слова: взаимогармоничные идеи в творчестве Махтумкули и Мирзо Кенджабека, влияние Махтумкули на творчество Мирзо Кенджабека.

ФИРОҒИЙНИ ЁД ЭТИБ ...

Жумадурди АҚИЕВ (Оқмуҳаммад),
Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган ёшлар
мураббийси

Махтумқули Фироғий XVIII асрда яшаб ижод этган. Бугунги кунда 300 йиллиги нишонланаётган бу қалби дарё шоир ва мутафаккирни ким ҳам билмайди дейсиз? Махтумқули яратган бой адабий мерос бутун дунёга маълум ва машҳурдир. Унинг шеърлари гоҳ тўпламларда, гоҳида эса алоҳида китоб шаклида турли тилларда жаҳондаги кўпгина мамлакатларда нашр этилган [1; 2]. Айниқса туркийзабон халқлар ўртасида даҳо шоирга қизиқиш катта бўлган. Масалан, Татаристонда шоир шеърлари 1868 йилдаёқ тошбосма усулида чоп этилган эди. Қорақалпоқлар эса Махтумқулини ўз шоирлари қаторида кўрганлар, шоир ҳаётлигида унинг асарларини кўчириб олиб, ёд олганлар. Буюк шоирнинг Бухоро ва Хива мадрасаларида таҳсил олганлигини эътиборга оладиган бўлсак, шубҳасиз бу ҳудудларда яшаётган ўзбек халқи вакиллари ҳам бу қайноқ булоқдан сув ичганликларига имонимиз комил бўлади.

Кавказда яшаган бир қанча халқ ва элатлар ҳам ўтган асрларда Махтумқули шеърларидан бохабар бўлиб келганлар.

Ўзбек тилида эса шоир асарлари бир неча бор нашр этилган. Таржимонлар Миртемир, Ж.Шарипов, М.Аҳмад, Э.Очилов [3] ва бошқалар томонидан ўзбекчага ўгирилган дурдона шеър ва қўшиқлар аллақачонлардан буён ўзбек хонандалари томонидан куйланиб келинмоқда. Айниқса, хоразмлик санъаткорлар бу соҳада кўп меҳнат сарф қилганлар. Шоир ҳаёти ва ижоди Республикамиз мактаблари учун мўлжаллаб чиқарилган адабиёт дарсликларида доимо ўз аксини топиб келмоқда.

Оврупо мамлакатларида шоир ижодига қизиқиш XIX асрда бошланганлиги турли манбаларда қайд этилган. 1842 йилда Лондонда нашр этилган бир журналда шоирнинг учта шеъри инглиз тилида чиқарилган. Шу ерда яна бир фактни эсга олиб ўтмоқчимиз, яъни Буюк Британияда яшаб, илмий иш билан шуғулланувчи адабитшунос олим Юсуф Азмун кўп йиллик

меҳнати самараси бўлган китобни – Махтумқулининг танланган шеърларини инглиз тилига таржима қилиб, нашр эттирди. Шунингдек, бу олим «Махтумқулининг дўстлари» номли жамият ташкил этган бўлиб, бу жамият вакиллари туркий халқлар адабиёти ва маданиятини, шу жумладан туркман ва ўзбек халқлари тили ва маданиятини ҳам ўрганиб келишмоқда.

1863 йилда Ўрта Осиёга саёҳат қилган венгриялик олим, венгер академияси аъзоси Арминий Ҳерман Вамбери Махтумқулининг 260 бетлик девонини ўзи билан олиб кетган ва 1865 йилда нашр этилган «Ўрта Осиёга саёҳат» деган китобида туркман халқи ичидан етишиб чиққан бу улкан қалб соҳиби ҳақида ҳам қизиқарли маълумотлар ёзиш билан Оврупода шоирнинг танилишига сабабчи бўлган эди. Шоир таваллудининг 250 йиллиги арафасида венгер олимлари яна бир хайрли ишга қўл урдилар. «Европа» нашриёти ёрдамида «Жаҳон адабиёти анталогияси» тўплами нашр этилиб, унда шоир ижодидан намуна сифатида 125 дона шеър жойлаштирилди. Мажор шоири Деже Тандори мазкур шеърларни маҳорат билан ўз тилига ўгирган.

Рус шоир-таржимонлари А.Тарковский, Г.Шенгели, Н.Лебедев, Ю.Найман, Н.Гребнев, Н.Тихонов ва бошқаларнинг хизматлари эвазига Махтумқули ёзган дурдона сатрлар Москва, Ашхабод ва бошқа шаҳарларда рус тилида бир неча маротаба нашр этилди.

Афғонистон ва Эронда Махтумқули Фироғийни XVIII асрдаёқ яхши билганлар. Чунки шоир бу мамлакатларда бўлган, араб ва форс тилларида бемалол гаплаша оладиган даражада билимга эга бўлган аллома маҳаллий халқ вакиллари билан сира қийналмасдан мулоқот қилиб кетаверган. Мана шу боисдан ҳам шоир ижоди қўшни халқлар ўртасида у ҳаётлик вақтларда маълум бўлганлигига ҳеч қандай шубҳа қилолмаймиз.

Эронлик шоир Саттор Совқийнинг «Совчи» китобида ҳам Махтумқули Фироғий тўғрисида бир қанча шеърлар ўрин олган. (Ўрни келганда шуни ҳам айтиб ўтишим мумкинки, бу шеърий тўпламни Ашхабод шаҳрида шоирнинг ўзи менга тақдим этган эди.) Афғонистонда фаолият кўрсатаётган «Навоий» жамияти

ёрдамида Махтумқулининг катта ҳажмдаги шеърлар китоби нашр этилганлиги маълум.

Ҳиндистонда (Калькутта шаҳрида) чиқариладиган «Санди» («Якшанба») ойномаси саҳифаларида шоир ижоди тўғрисида кўплаб материаллар ўрин олган.

Юқорида Оврупо ва Осиё мамлакатларида шоир ҳақида амалга оширилган баъзи бир ишларни қаламга олдик, холос. Бу ишлар биз билган даражадан жуда кўп, албатта.

Умуман, XVIII аср турли халқлар ичидан истеъдодли олим ва шоирларни етиштириб чиқарган юксалиш даври бўлган деб айта оламиз. Масалан, украин шоири, мутафаккири ва педагоги Григорий Сковорода, грузин шоири Давид Гурамишвили, литва миллий адабиётининг асосчиси Донелайтис Кристионас, озарбайжон шоири ва давлат арбоби Мулла Паноҳ Воқиф, арман шеъриятининг улкан вакили, арман, озарбайжон ва грузин тилларида ижод қила оладиган улкан қалб соҳиби Саят Нова, ўзбек адабиётида исёнчи шоир бўлиб танилган Бобораҳим Машраб ва бошқалар ана шундай буюк шахслар жумласига киради.

Махтумқули Фироғий ҳақида туркман адабиётида анча ишлар амалга оширилган. Унинг илк шеърлар девони таниқли ёзувчи Берди Кербобоев томонидан 1926 йилда нашр этилди. Шундан сўнг унинг шеърлари ўнларча марта Ашхаботда нашрдан чиқди. Адабиётшунослар шоир ижоди билан доим қизиқиб келдилар ва салмоқли илмий ишларни амалга оширдилар. Таниқли мусаввир Ойхон Ҳожиев 1947 йилда Махтумқули портретини яратгандан сўнг, шоирга кўплаб ҳайкаллар ўрнатилди. Туркман Давлат Университети, пойтахт шаҳардаги битта шоҳкўча шоир номи билан аталади.

Бадиий адабиётда шоир ҳақида яратилган асарлар нисбатан кўп дея айта оламиз. Қ.Қурбонсаҳатовнинг «Таклиф» қиссаси, Н.Сарихоновнинг «Китоб» ҳикояси, Б.Кербобоевнинг «Махтумқули» драмаси, Қ.Қулиевнинг «Махтумқули» романи, Т.Тагановнинг «Махтумқули» романи, А.Непесовнинг «Фироғий» романи, О. Отабоевнинг «Давомат давом» достони, Ораз Яғмурнинг «Махтумқули» роман-тадқиқоти, Худойберди

Дурдиевнинг «Ковчег разума» асари [4] ва бошқа бадиий асарлар фикримизнинг ёрқин мисолидир. Ўзбек ёзувчиси Қурбон Муҳаммадризо қаламига мансуб «Махтумқули» тарихий романидан ҳам анча қизиқарли маълумотларни олишимиз мумкин.

Мустақиллик шамоли Махтумқули ижодини чуқур ўрганишга кенг имкониятлар яратиб берди. Шу пайтгача халқдан пинҳон сақланган, ислом дини ғоялари билан суғорилган шеърлар профессор А. Мулкомонов томонидан нашрга таёрланиб, «Бағишла бизни» («Афу эт бизни») номда нашр этилиши туркман халқи ҳаётида янги воқеа бўлди.

Аввалари Махтумқулининг таваллуд ва вафот саналари 1733-1783 йиллар шаклида берилган бўлса, кейинчалик 1724-1807 йиллар қилиб кўрсатилмоқда. Шоирнинг XX аср охирларида дунёдан ўтган авлодларидан Қора Эшоннинг маълумотига кўра, Махтумқули ҳозирги Туркманистоннинг Кенгжой деган музофотида ёз ойларида таваллуд топган экан. Хусусан, Ўзбекистон Байналмилал Маданият Маркази, Узбекистон Республикаси туркман миллий маданият маркази ҳомийлигида Тошкентда «Академнашр» (2013) томонидан чопдан чиққан «Махтумқули. Асарлар» номли китоб учун туркман адабиётшунос олими Аннагурбан Аширов томонидан ёзилган мақоласи қуйидаги жумлалар билан тугайди: «Биз Махтумқули ҳақида сўз юритганда кўпинча одатдаги одам, жуда бўлмаганда, одатдаги шоир даражасида сўз юритамиз. Ҳолбуки, Махтумқули одатдаги одам ёҳуд одатдаги шоиргина эмаслигини, унинг фавқулодда тенгсиз истеъдод соҳиби эканлигини, фавқулодда улкан ўзига хос олами мавжудлигини англаб етишимиз керак. Агар шундай қилмасак, бу туғма истеъдодни, туркий тилли адабиётни тубдан янгилаган , уни халқ ҳаёти билан боғлаган буюк шахсиятни бор бўйи билан тушуниб бўлмайди» [5].

Шундай буюк сиймо 1807 йили, 84 ёшида ёруғ жаҳонни тарк этди.

Адабиётлар

1. Магтымгулы. Сайланан эсерлер. Н.Ашыров ве Г.Кулыевиң редакциясы билен. – Ашгабат: Туркменистан дөвлет нешириаты, 1957. – 532 б.

2. Magtymguly. Saýlanan eserler [Tekst] goşgular. – Toshkent: Tubo nashr, 2023. – 340 b.

3. Махтумқули. Асарлар, Эргаш Очилов таржимаси. – Тошкент: Akademnashr, 2013. – 534 б.

4. Дурдыев Х. Ковчег разума. – Ашгабат: Туркменистан.

5. Махтумқули. Асарлар. – Тошкент: Akademnashr, 2013.

Резюме

XVIII аср турли халқлар ичидан истеъдодли олим ва шоирларни етиштириб чиқарган юксалиш даври бўлган деб айта оламиз: украин шоири, мутафаккири ва педагоги Григорий Сковорода, грузин шоири Давид Гурамишвили, литва миллий адабиётининг асосчиси Донелайтис Кристионас, озарбайжон шоири ва давлат арбоби Мулла Паноҳ Воқиф, арман шеъриятининг улкан вакили, арман, озарбайжон ва грузин тилларида ижод қила оладиган улкан қалб соҳиби Саят Нова, ўзбек адабиётида исёнчи шоир бўлиб танилган Бобораҳим Машраб ва бошқалар ана шундай буюк шахслар жумласига киради.

Махтумқули яратган бой адабий мерос бутун дунёга маълум ва машҳурдир. Унинг шеърлари гоҳ тўпламларда, гоҳида эса алоҳида китоб шаклида турли тилларда жаҳондаги кўпгина мамлакатларда нашр этилган. Мазкур мақола шу ҳақда.

Калит сўзлар: Махтумқули ижодининг дунё илм-фанида ўрганилиши.

Summary

We can say that the 18th century was a period of prosperity that gave birth to talented scientists and poets of different nations: the Ukrainian poet, thinker and teacher Grigory Skvorod, the Georgian poet David Guramishvili, the founder of Lithuanian national literature Donelaitis Kristianas, the Azerbaijani poet and statesman Mullah Panokh. Among such great people are Vagif, an Armenian poet, Sayat Nova, a great representative of the Armenian, Azerbaijani

and Georgian languages, Boborakhim Mashrab, known in Uzbek literature as a rebel poet, and others.

The rich literary heritage created by Magtymguly is known and renowned throughout the world. His poems were published in many countries of the world in different languages, sometimes in collections, and sometimes as separate books. This article is about that.

Key words: Study of Magtymguly's creativity in world science.

Резюме

Можно сказать, что XVIII век был периодом расцвета, породившего талантливых ученых и поэтов разных народов: украинского поэта, мыслителя и педагога Григория Сковорода, грузинского поэта Давида Гурамишвили, основоположника литовской национальной литературы Донелайтиса Кристианаса, азербайджанского поэта и государственного деятеля муллы Паноха. Среди таких великих людей – Вагиф, армянский поэт, Саят Нова, великий представитель армянского, азербайджанского и грузинского языков, Боборахим Машраб, известный в узбекской литературе как поэт-бунтарь, и другие.

Богатое литературное наследие, созданное Махтумкули, известно и известно во всем мире. Его стихи издавались во многих странах мира на разных языках, иногда сборниками, а иногда отдельными книгами. Эта статья об этом.

Ключевые слова: Исследование творчества Махтумкули в мировой науке.

MAGTYMGULYNYŇ DÖREDIJILIGI WE DÖWREBAP ÖZBEK POEZIÝASY

Ogulbaý Kurbanmuradowna GAÝLYÝEWA,
Filologiýa ylymlarynyň doktory, professor
Berdak adyndaky Garagalpak döwlet uniwersitetiniň türkmen dili we edebiýaty kafedrasynyň müdiri

Merkezi Aziýanyň Aralýaka etnomedeni sebitinde irki döwürlerden bäri goňşy bolup ýaşap gelýän, özbek, türkmen,

garagalpak, gazak, gyrgyz we beýleki halklaryň etniki gelip çykyşy, sosial-medeni ösüşi, çeperçilik däpleri, durmuş ýörelgesi, dili we milli gymmatlyklarynda umumylyk bar bolan halklar bu günki günde-de biri-biri bilen dostlukda, asudalykda we parahatçylykda ýaşap gelýärler. Bir derýadan suw içen we milli gymmatlyklary, medeni geçmişi hem-de milli däp-dessurlaryna hem utgaşýan bu halklarymyzyň edebi durmuşyndaky üýtgeşmeler biri-birine juda ýakyn we şol bir wagtyň özünde käbir tapawutlar bilen indiwidullyga hem eýe. Gardaş halklaryň arasyndaky dostlugy berkitmekde çeper edebiýatyň uly rol oýnaýandygyny aýratyn agzap geçmelidiris. Şonuň üçin dostluk duýgusy edebiýatdan başlanýar diýsek ýalňyşdygymyz bolmaz elbetde. Hemmämize mälim edebiýatlaryň arasynda bolup geçýän täzeleniş we üýtgeşmeler biri-birine ýakyn ýa-da uzakdygyna garamazdan zehinli döredijileriň täzeçe ýol gözlegleriniň netijesi hasaplanýar. Häzirki wagtda edebi hadysanyň genetiki garyndaşlygy we täsiri, ýagny söz ussatlarynyň özara täsir we gatnaşyk hem-de bu prosesde kimdir birinden bir zat öwrenmekligi ýüze çykýar. Türki gardaş halklaryň edebiýaty uzak taryhy döwürlerden bäri özara ýakyn edebi gatnaşyklar sebäpli biri-biriniň edebi gurşawynda ýüze çykan hadysalardan, bahasyna ýetip bolmajak edebi zergärleriň eserleriniň many-mazmunyndan habarly bolup gelýärler. Ýakyn geçmişe göz aýlap, XX asyryň taryhyna üns berlende hem dili, milli däp-dessurlary, adatlary ýakyn we hatda biri-biri bilen guda-garyndaş bolan özbek, türkmen we garagalpak halklarynyň söz ussatlarynyň arasyndaky hyzmatdaşlyga şaýat bolmak mümkin. Galyberse-de, Alişer Nowaýy, Magtymguly, Abaý, Berdak we beýleki döredijileri umumy jähtden çeper söz sungatyna bolan söýgi duýgulary, öz halkyna hyzmat etmegiň möhüm wezipesi ýerine ýetirilende umumy sazlaşygy, ýagny tipologiki taýdan meňzeşlik – bir köki emele getirýär.

Şeýleliklde Alişer Nowaýynyň döredijilik çeşmesinden Magtymguly we Berdak ýaly şahyrlaryň edebi täsirlenendigini, her iki şahyr hem türki edebiýatynyň genial zehinliniň döredijiliginden täsirlenendigini aýratyn bellemelidiris. Taryhyň sahypalaryna ser salanymyzda Alyşer Nowayýynyň türkmenler bilen ýakyn arabaglanyşykda bolandygy hakyndaky maglumatlary görýäris.

Şahyryň «Mażolis un-nafois» atly eserinde türkmen şahyrlary hakynda birnäçe maglumatlar getirilipdir. Şonuň bilen birlikde beýik şahyr Magtymguly – Pyragy özüniň «San bolsam» atly goşgusynda:

Дамганыда йөрген уссат Новайы,
«Чар диваны «, «Перхат-Ширин» зыбаны,
Захреддин Бабур, «Мизан-овзаны,
Гашларына барып мен Межнун болсам.

- diýip, özbek halkynyň XV asyr milli edebiýatynyny esaslandyran Alyşer Nowaýyny özüniň ruhy halypasy hasaplapdyr we oňa «Ussat Nowaýy» diýip ýüzlenipdir. Şeýle hem Magtymguly ýokarda ady getirilen şygrynda Omar Haýýam, Ferdöwsi, Nyzamy, Hafyz, Jelaleddin Rumi, Jamy ýaly gündogar alymlaryny hormat bilen ýatlaýar. Uzak geçmişde Magtymguly we başga-da türkmen şahyrlary Alyşer Nowaýynyň döredijiliginden edebi täsirlenipdirler we ony özlerine ussat-halypa hasaplapdyrlar. Pikir etmek mümkin, özi-de şol beýik akyldarlaryň hatarynda duryan Magtymguly olardan klassyk poeziýanyň poetik mazmunyny, ylmy kapyýany, ylmy kal, ylmy hal, ylmy aruzyň amaly tejribelerini öwrendi. Şeýlelikde, uzak taryhdaky täsirlenme faktorlarynda şekil gözgaraýşyndan däp göze düşýär. Magtymgulynyň döreden edebi däpleri öz gezeginde häzirki döwrebap özbek şahyrlarynyň-da ünsüni özüne çekýär we söz zergäriniň edebi döredijilik däbine ýakyn goşgularyny ýazan birnäçe özbek şahyrlary hem bar. Hemmämize mälim türki halklar edebiýatynda Magtymguly örän uly abraýa, hormata eýe şahyr. Özbegistanda hem şahyryň döredijiligine uly hormat goýulýar, aýratyn söýgi bilen okalýar. Garaşsyzlyk döwürde Magtymgulynyň şygyrlary özbek diline terjime edilip, okyjylara hödürlendi. Bu ugurda E.Açilow, M.Ahmet, G.Annaklyçewa we beýleki terjimeçileriň uly hyzmaty bar. Özbegistanda her ýylda beýik şahyr Magtymgulynyň şygryýet bossanyna bagyşlanan çäreleriň geçirilmegi özbek halkynyň arasynda hem Magtymguly beýik şahyr, şonuň bilen birlikde, doganlyk özbek-türkmen halklarynyň hoşniýetli goňşuçylyk gatnaşyklarynda şahyryň döredijiligi köpri hyzmatyny ýerine ýetirýändiginiň şaýadydyr. Meselem, 2022-nji ýylyň 1-2-nji noýabr günleri Daşkent şäherinde şahyryň doglan gününiň 300

ýyllygyna bagyşlanan «Magtymguly döredijiliginiň özbek-türkmen halklarynyň dostlugyny pugtalandyrmakdaky orny» temasynda halkara ylmy-amaly maslahat bolup geçdi. Soňra bu çäre Özbegistanyň beýleki sebitlerinde, ýagny, 2023-nji ýylyň 27-nji fewralynda Nöküs şäherinde, 14-15-nji mart günleri bolsa Ürgenç şäherinde Magtymgulynyň okan medresesi we Uly Howly sebitlerinde hem giňişleýin dowam etdi.

Hakykatynda-da, Magtymgulynyň paýhasa eýlenen hikmet ölçegindäki özüne mahsus ritmik äheň, owaz we adam ruhuna täsir etmek üçin ulanylan başga-da poetiki serişdeler köpçülik döredijileriň ünsüni özüne çekýär. Şu ýerde XX asyr özbek şahyrlarynyň arasynda-da Magtymgulynyň şygyr şekiline eýerip eser ýazanlary bar. Bularyň hatarynda Garaşsyzsyzlyk ýyllarynda ýazylan Halima Hudaýberdiýewa, Gülüstan Matýakubowa, Muzaffar Ahmet, Hamragul Askar, Abdumajid Azim ýaly her dürli nesillere mahsus özbek şahyrlarynyň şygyrlaryny mysal getirmek maksada laýyk bolar. Mysal üçin, Özbegistan halk şahyry Halima Hudaýberdiýewanyň «Myhmandyr» («Mehmondir») diýen şygry bar. Onuň temasyndan soň Magtymgulynyň «Adam ogly bu dünýä myhmandyr» diýen şygyr setiri epirgaf bolup gelýär. Klassyk türkmen şahyryna eýerip, onuň şygyr şekiline höwes edip ýazan hormatyny şu epigrafdaky setir bilen aňladan şahyr şygryň başynda şeýle ýazýar:

Mehmon erur – asli dunýoda bari,
Rangi sorig kuzak bizga mehmondir.
Ýurakka mehmondir galaýonlari,
Tizingdagi mador tizga mehmondir.

Dünýäniň panydyny, jan-saglygyň, ýaşlygyň, tebigatdaky ögzerişleriň ählisi bir pursatdygyny bilýän şahyr Magtymgula eýerip, örän ajaýyp bir şygyr ýazýar. Şu ýerde, aýratyn hem, şekil nazaryndan her bir bent dört setirden ybarat bolan bäş bentli şygryň 11 bogunly barmak ölçeginde we şu ugurda özbek diline terjime edilen Magtymgulynyň şygryna ýakyn gelýär. Magtymgulynyň şygry 7 bent, murabba şekilinde ýazylan. Bu şygyr:

Gara daşdan gara gyly saýlan göz,

Çöňňeler görejiň göze myhmandyr.
Gelen aş diýip gelmez, turşutmagyl ýüz,
Nana mätäç däldir, söze myhmandyr [4].

diýen setirler bilen başlanýar.

Her bir bendiň ahyrky setiri birinji bendiň soňky setirine «Nana mätäç däldir, söze myhmandyr», «Bir pasyl açylar – ýaza myhmandyr», «Agaçdan aýrylar, güýze myhmandyr», «Ýigitligiň zory dyza myhmandyr», «Eziz janlar tende bize myhmandyr», «Gojalar sen, görküň ýüze myhmandyr», «Adam ogly bäş gün duza myhmandyr» ýaly sözler bilen kapyýalaşýar. Iň esasysy Halima Hudaýberdiýewanyň şygrynda-da şeýle poetik häsiýetler saklanan halda bäş bende «Tizingdagi mador tizga mehmondir», «Karga, kiýgir dala-tuzga mehmondir», «Oh, bu kurgon, bolam, Sizga mehmondir», «Menim aççik nolam Sizga mehmondir» görnüşinde käbir kapyýalaryň gaýtalanmagy hem göze düşýär.

Magtymguly şygrynyň ahyrky bendi şeýle:
Magtymguly, aýdar, iller sözüm-de,
Ölüm ýadymdadyr, gorky gözümde,
Her niçe ýaşasaň ýeriň ýüzünde,
Adam ogly bäş gün duza myhmandyr [5].

Halima Hudaýberdiýewanyň türkmen şahyry Magtymgula eýerip gaýtalanmajak şygyr ýazandygy hakykat. H.Hudaýberdiýewanyň şygyrlarynda döredilen lirik gahryman real wakalarda işeňňir gatnaşýar. Şu jähtlerini hasaba alsak, Magtymgulynyň edebi däpleri şahyr H.Hudaýberdiýewanyň poeziýasynda saklanyp galypdyr.

Magtymgulynyň edebi däplerini oňat özleşdiren özbek şahyry Hemragul Askaryň «Türkmeniň» atly şygry şeýle başlanýar:

Oý, ýulduzlar hamsoýasi, kumli keng sahrosi,
Oftob degan mehriboni momosi bordir turkmanning.
Suzi şamşirdaý tiglangan, Watanim deb ýiglagan,
Mahtumkuli degan bulbul-bobosi bordir turkmanning.

Şundan soňra şahyr türkmen halkynyň başga-da sypatlaryny, häsiýetlerini, erkinligini beýan edýär.

Turkman elga hudo bergan, kora, kizil tillo tergan,
Zulmatlarni ýoritguwçi ziýosi bordir turkmanning.
Dunýo buýlab soçilgandir, endi ýuli oçilgandir,
Dustu-ýorlar dawrasida safosi bordir turkmanning.

Bu setirlerdäki äheň esasan beýik türkmen şahyry Magtymgulynyň «Türkmeniň» şygryndaky:

Jaýhun bilan Hazar bahri orasi,
Çul ustidan esar eli turkmanning.
Gul-gunçasi karo kuzim karosi,
Kora togdan esar seli turkmanning [14],

diýen seirlerini ýadyňa salýar.

Ýa-da Özbegistan halk şahyry A.Aripow:

Шоир укам, ўқи Махтумқулини,
Ҳикматга йўғрилган панд-у-насиҳат
Ғанимат демиш у умр йўлини
Ҳа, умр ўткинчи умр ғанимат.

diýen şygrynda Magtymgulynyň şygyrlarynyň many mazmuny umumadamzat meselelerine bagyşlanyp, öwüt-nesihata ýugrulandygyny, bu günki ýaşlarymyz üçin hem terbiýe mekdebi bolup biljekdigini nygtaýar.

Özbegistan halk şahyry Sirojiddin Saýidyň:

Nawoýiý kuýlagan wafo gulini,
Turkman ham siýlamiş oçib kunglini,
Uzbek ham ýod aýlar Mahtimkulini-
Şeru dostonlari turkman uzbekning. –

diýen şygyr bendinde hem Magtymgulynyň döredijiliginiň iki halkyň dost-doganlyk gatnaşyklarynda uly ähmiýete eýedigini beýän edipdir.

Umumlaşdyryp aýdanymyzda, döwrebap özbek şahyrlarynyň döredijiliginde Magtymgulynyň edebi däpleriniň dowam edilişi we

ösdürilişi hem-de täzeçe mazmun, şekil bilen olary baýlaşdyrmak ussatlygy öwrenilende aşakdaky tipologik häsiýetler göze düşýär.

Birinżiden, umumy deňeşdirme barlaglaryň netijesinde döwrebap şahyrlarynyň döredijiliginde nusgawy şahyr Magtymgulynyň edebi däplerine ýakyn şygyrlar emele geldi. Bu täzeleniş hem milli şahyrlaryň döredijiligindäki özara umumylygy görkezýär. Özbek, garagalpak edebiýatynda klassyk şahyrlara eýerip, öz ritm we owazyna, äheňine görä döwrebap özbek poeziýasyna gündogar klassyk edebiýatynda bar bolan çeper şekiller göçüpdir we olaryň mazmunynda zaman adamlarynyň häsiýetine, duýgularyna mahsus mazmun özüniň şöhlelenmesini tapýar.

Ikinjiden, Magtymgulynyň we özbek şahyrlarynyň şygyrlaryny deňeşdirme-tipologiki nukdaýnazardan deňeşdirilip öwrenilende iki halkyň arasyndaky edebi gatnaşyklaryň genezisiniň uzak taryha eýeddigi mälim boldy.

Üçünjiden, beýik şahsyýet Magtymgulynyň döreden edebi döredijilik mekdebiniň diňe bir türkmen halkynyň arasynda däl, eýsem ähli türki halklarynyň edebiýatynda-da uly ähmiýete eýe bolandygyny görmek bolýar.

Edebiýatlar

1. Қурамбоев К. Адабий жараён. Ижод маъсулияти. Адабий алоқалар. – Тошкент: Чўлпон, 2009.

2.Қурамбоев К. Шоир ижодига эҳтиром рамзи // Махтумқули – илҳом чашмаси. – Тошкент: Тафаккур, 2012.

3.Magtymguly. Eserler ýygyndysy. 1 – jild. – Aşgabat: MGI, 2012.

4.Magtymguly. Eserler ýygyndysy. 2 – jild. – Aşgabat: MGI, 2012.

5.Махтумқули. Асарлар. – Тошкент: Akademnashr, 2013.

6.Ҳалима Худойбердиева. Буюк қушлар. – Тошкент: Ўзбекистон, 2012.

7.Ҳамроқул Асқар. Дарё. – Тошкент: Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий кутубхонаси нашриёти, 2006.

8. Махтумқули. (Таржимон Э.Очилов) Асарлар. – Тошкент: Akademnashr, 2013.

Rezyume

Bu makalada türki halklar, şol sanda özbek, türkmen we garagalpak halklarynyň edebi gatnaşyklary, poýeziýadaky tipologiki meňzeşlik, nusgawy we döwrebap şygryýetiň sazlaşygy, edebi tasir we şekil gözlegleri, tejribe mekdebi meseleleri XVIII asyr türkmen şahyry Magtymgulynyň döredijiligi we döwrebap özbek poeziýasy deňeşdirme görnüşde barlag edilýär we milletlerara edebi gatnaşyklaryň genezisi, döwrebap şahyrlaryň döredijilik ussatlygy, şygryýetiň täzelenişi anyklanýar.

Калит сўзлар: Magtymgulynyň döredijiligi, edebi gatnaşyklar, şygryýetiň sazlaşygy, edebi tasir we şekil gözlegleri, ussatlyk mekdebi

Summary

The article analyzes the literary relations of the Turkic peoples, including the Uzbek, Karakalpak and Turkmen peoples, typological communities in their poetry. Also combination of classical and modern poetry, literary influence and artistic formal research, the problems of the experimental school, a comparative analysis of the work of the Turkmen poet Makhtimguly of the 18th century and modern Uzbek poetry are analyzed. The genesis of interethnic literary relations, the creative abilities of modern poets, the renewal of poetry are determined.

Key words: creativity of Makhtimguly, literary connection, poetic harmony, literary influence and formal research, school of experience.

Резюме

В статье анализируются литературные связи тюркских народов, в том числе узбекского, каракалпакского и туркменского народов, типологические общности в их поэзии. Также анализируются сочетание классической и современной поэзии, литературного влияния и художественного формального исследования, проблемы экспериментальной школы, сравнительный анализ творчества туркменского поэта Махтимгулы 18 века и современной узбекской поэзии. Определяются генезис межнациональных литературных

отношений, творческие способности современных поэтов, обновление поэзии.

Ключевые слова: творчество Махтимкули, литературная связь, поэтическая гармония, литературное влияние и формальные исследования, школа опыта.

АЛИШЕР НАВОИЙ ВА МАХТУМҚУЛИ ФИРОҒИЙ

Бобоназар МУРТАЗОЕВ,
Термиз давлат университети доценти,
филология фанлари номзоди

Алишер Навоий ўзи яшаган замон ва замин иллатларини кескин муносабатларда изҳор эта билди, унинг ижодида давр ва даврон зиддиятлари ўта равшан ифодасини топа олгани ила ажралиб туради. Шоир давлат ва унинг идора усуллари борасида фикр баёнини берар экан, гоҳо давр зиддиятига мослик ва мойиллик қарашларига дуч келамиз. Зотан бусиз мумкин эмаслигини ҳам унутмаслик лозим, ҳар бир ижодкор ўзи яшаган муҳит қонунларига мувофиқлик ва муштараклик изҳор этиши муқаррар ҳодиса, ҳатто қонунийдир. Шуларга қарамасдан Алишер Навоийнинг адолатли ҳукмрон соясида халқнинг паноҳ топиши каби тафаккур ғоялари ўз даври сиёсий-ижтимоий муҳити учун зарбдор ҳодиса эди. Алишер Навоийнинг ижоддаги издоши бўлмиш Махтумқули шеъриятида ҳам шу хил ғояларнинг мавжудлиги бежиз эмаслиги табиий ҳолдир. Буларнинг бари Махтумқули ижод йўли ва бадиий бисотига улуғ Алишер Навоий ижодий меросининг таъсири улкан эканининг тасдиғидир. Махтумқули ижодига Алишер Навоий бадиий меросининг таъсири шубҳасиз, зеро Махтумқулининг Навоийдан ранг олиши икки шоир яшаган давр силсилалари ила вобасталик кашф этади. Махтумқулининг Навоийга эргашиб ғазал назиралари ёзгани бор ҳақиқат, шу хил ҳамоҳанг ғазаллардан биттаси «Дўст» («Эй дўст») радифли ғазалдир, унда севги, вафо, дўстлик ғоялари тажассум топгандир. Алишер Навоийнинг «Хазойинул-маоний» таркибидаги девонларида бу

хил ғазаллардан бир нечтаси мавжудлиги маълуму машҳурдир. Махтумқули мисраларига диққат қилайлик:

(Сенсиз) гозуме горунмез жахан, эй дост,
Не жахан, белки, тенде болса гер сед жан, эй дост.
Васлынга умыт этген узермиш элин жгандин,
Чешминг желлады - жахан, гашынгдыр кеман, эй дост... [3, 298].

Таржимаси:

Сенсиз кўзимга ҳаргиз кўринмас жаҳон, эй дўст,
На жаҳон, билки танда гар бўлса юз жон, эй дўст.
Васлингга умид тутган узмиш кўнгилини жондан,
Кўзинг – жаҳон жаллоди, қошингдир камон, эй дўст. [1,77].

Бир сэхер душмуш эрди ядыма дияр, эй дост,
Жан гувшуне етишди бинеге хабар, эй дост.
Пырагы, гоз орнудан ган йыгларга рован олды,
Орныга элтер аны, гер дегсе, губар, эй дост. [3, Б.298].

Юқорида Махтумқули ғазалидан мисол тариқасида келтирилган байтлар Навоийнинг ушбу матлаъли ғазалига татаббуъ эканини туркман олимларининг ўзлари тасдиқлашган.

Қилди душман раҳм, баским қилди жавр изҳор дўст,
Эй кўнгул, душман топ эмди, тутмағил зинҳор дўст. [2, Б.68].

Алишер Навоий ижодининг Махтумқули шеъриятига таъсири масалалари ўзбек ва туркман олимлари тарафидан изҳор этилган фикрлар ўзига хослик касб этади. Айниқса, Навоийнинг «Тут» радифли ғазаллари таъсирида вужудга келган Махтумқули ғазалларининг ўзаро қиёсан таҳлили мақтовга лойиқдир. Энди «Тут» радифли Навоий ғазалларига эътибор қаратайлик:

Бир овуч су топмайин ўлсанг керак чун ташна лаб,
Баҳр ила бар фатҳида ўзни Сикандар бўлди, тут.
... Афсарингни шоми туфроққа урар чун даври чарх,
Субҳ заррин тожини бошингға афсар бўлди, тут.

Не Фарудундин асар чун қолдим, не Жамшиддин,
Ҳашматинг Жамшидлу Афридунға ҳамбар бўлди, тут.[2.Б.55-56].

Қуйида шу радифли Навоий ғазалининг иккинчисига назар ташлаймиз:

Тахту жоҳинг кишвари мулки Скандар бўлди тут,
Хизр умри ҳам бу мулк узра муяссар бўлди тут.
Бўйла мулку умрдин сўнг жинну, инсу, вахшу, тайр,
Ҳукму амрингга Сулаймендан мусаххар бўлди тут.
Мунча ҳашмат топмоғингдин сўнгра бир андо қулунг,
Жоҳ ила миннатга Қорунча тавогар бўлди тут. [3, Б.299].

Ана энди Навоий ғазалига Махтумқулининг татаббуъсига диққат қилинг:

Сува, еле хокми гечен Сулейман,
Бак: олардин не нам галды. Не нишан,
Сув тапмайын, жайынг болса чол стан,
Деря ичре мен Исгендер болдум тут.
Ёлдаш болсанг, дили душмез мур биле,
Ферли тапмаян, биле ятсанг, мар биле,
Йигрим алты керрет йуз мунг эр биле,
Карун хазынасын эле алдым тут. [3, Б.299].

Шу шеърнинг ўзбекча таржимасини ҳам келтирамиз:

Сувга, елга ҳукми ўтган Сулаймон,
Боқ, уларда не нам қолди, не нишон!
Ташна қолиб, жойинг бўлса биёбон,
Дарё ичра мен Искандар бўлдим де.
Йўлдош бўлсанг тил билмаган гўл билан,
Етсанг илон тўла жангал чўл билан,
Юз минг қирчиллаган мард – норғул билан,
Қорун хазинасин қўлга олдим де. [1, Б.115].

Аммо бир нарса ёддан чиқмаслиги лозим, амалга оширилган қиёсий таҳлиллар Навоийнинг Махтумқулига таъсирини маълум маънода тасдиқласа-да, аслида Махтумқули

ижодининг асллигини зинҳор инкор этишга тасдиқ бўла олмайди. Бир нарсани унутмаслик лозим Навоий ва Махтумқули яшаган давр сиёсий-ижтимоий ҳаёти ўртасидаги фарқ-тавофутлар нечоғлик даражадалиги ўз-ўзидан маълум. Навоий ғазал ва шеърият бошқа шаклларидан фойдаланиб ўз шеъриятининг жанрлар оламини маълум қолипга солишга эришгани маълуму машҳур. Тўғри Махтумқули ижодида ҳам ғазал ва унга монанд бошқа жанрлар маълум даражада учрайди, лекин шеъриятнинг туркман халқ оғзаки ижодига яқин ва хос шакли бўлмиш мураббаълар кўп учрайди.

Мураббаълар, тўғрироғи, уларни ёд олиш енгиллигини ҳам унутмаслик лозим, зотан, туркман халқ айтимларида ҳам унинг ўрни баланддир. Чунки Навоий яшаган давр билан Махтумқули яшаган заминнинг сиёсий-ижтимоий тузуми кўп жиҳатдан бир-бирига муштарак эмас. Навоий замони ва замини бир қадар ички ўзаро низоларни айтмаса тинч ва барқарор эди, аммо Махтумқули яшаган давр бунинг тескарисидир. Чорвадорлик ҳаёти – бу дегани кўчманчилик, яйлов излаб, яйлов истаб, одатан овулдан овулга кўчиш, тез-тез жойни янгилаб туриш. Устига устак ўзаро келишмовчиликлар, ҳокимларнинг ички низолари, ташқи ҳужумларнинг қонли натижалари унутилмас даражададир. Навоий асарлар қўлёзма шаклда кўп тарқалган бўлса, Махтумқули шеърларининг қўлёзмалари ҳам мавжуд ва маъқул, аммо инсоф юзасидан айтадиган бўлсак, унинг шеърияти аксаран оғзаки шаклда тилдан- тилга кўчгани ҳаммага маълум. Навоий ғазалларининг етакчи мавзуи севгидир, ишқу муҳаббат, инсоннинг инсонга севгиси, ушбу мавзулар Махтумқули учун ҳам бегона эмас. Лекин икки инсоннинг яшаган ижтимоий-сиёсий замони ва замини бир-биридан кескин фарқ қилади, бу дегани Махтумқулининг ижодини Навоий ижоди бисотидан баҳра олмаганини инкор этилганидек, уларнинг ўзаро таъсир ва акстаъсир масалалари ҳам исботланган ҳамда исботини топгандир. Севги мавзуи, унинг мартабасини баланд кўтариш, уни васф этиш икки шоирни бир-бирига муносиб равишда яқинлаштиргандир.

Навоий ва Махтумқули шеъриятида май, бодаю шароб мавзуига доир фикрларда унга ружуъ қўйганларни танқид етакчилик қилади. Жумладан Навоийда ўқиймиз:

Чоғирни оқил эсанг, лаъл деб қизитма димоғ,
Ки ўтни исламади гул дебон хирадманди [3, Б.304].

Махтумқули ҳам бу борада атрофдагиларга тааллуқли насиҳатлар қилади:

Касп этиб сотарлар ароғу шароб,
Билменем, якынмы ахир замона [3, Б.304].

Унутмаслик лозимки Навоий лирик қаҳрамонлари XV аср жамияти одамлари бўлса, Махтумқули қаҳрамонлари XVIII аср Туркманистоннинг Эрон шоҳлари, Бухоро амирлари, Хива хонлари, маҳаллий феодалларнинг оғир зулми остида эзилган кимсалардир. Навоий ва Махтумқули яшаган давр ҳодисалари уларнинг ижодида тўлиқ акс-садосини ифода этган. Навоий байтларига эътибор қаратинг:

Хастаман даврон жафосидин, кетургил бодаким,
Бода ичким, чарх рифъат аҳлини кўп қилди паст [3, Б.306].

Замона аҳлига гарчи уюнчилиғидир иш,
Енгар ҳам ахир аларни замоннинг ўйини [3, Б.306].

Олам бор эмиш, Навоиё, шурангиз,
Олам доғи эл бошгин – аёғ рангомиз [3, Б.306].

Худди шу хил муносабатни Махтумқули ҳам изҳор этади, туркман олимлари маҳаллий оқинларнинг ҳам бу ҳодисадан кучли таъсирланганини кузатишади:

Бу дунйа говгадыр, бир галмагалдыр,
Кимлар берхо-бердир, ким ала-алдыр.
Бу жахон йузунде ишлер пейдадыр,
Теперричидир, томашодыр, говгадыр...
Бу рабатда динглан ёқдур, окан ёк,
Башли бозор, бир қурулмиш дўкан ёк,
Ғамханадыр, белли башлы мекон ёқ [3, Б.306].

Алишер Навоий табиий улуснинг ночор аҳволини шоҳ зулмидан деб билади, гар шоҳ одил бўлса, улус аҳволининг тубдан яхшиланишини ўйлайди ва куйлайди:

Бўлса шоҳ золим, эл ичра зулмга эрмиш ривож,
Мулк маъмур бўлур, одилга шоҳ берса ривож [3, Б.307].

Тилга олиб ўтилган мавзу Махтумқулида бошқачароқ жаранглайди:

Шоҳлар одил бўлмас, тоғлар тумансиз [3, Б.307].

Ёки тағин Махтумқулида ўқиймиз:

Нўш этибдир муҳаббатнинг қандиндан,
Гулак тутмаз зоҳидларнинг пандиндан [3, Б.307].

Навоийда ўқиймиз:

Навоий оҳини зоҳид кам этмади сўз ила,
Нединки дуд ўлур афзун қотилса ўт ила ях [2, Б.62].

Фикримиз охирида Махтумқулининг бир тўртликида мутафаккир Алишер Навоий ва буюк давлат арбоби ҳамда шоир Заҳириддин Муҳаммад Бобур зикр этилган мисраларни келтириб ўтишни лозим топдик.

Дементирде йерген уссат Новайы,
«Чар диваны», «Перхат–Ширин», рубайы,
Захыреддин Бабур, мизан эл ойн,
Гашларына барып, мен Межнун болсам [3,Б.286].

Мазмуни:

Домғонда юрган устод Навоий,
«Чор девон»и, «Фарҳод - Ширин» зебойи,
Заҳирриддин Бобур, «Мезон ул-авзон»и,
Қошларига бориб, мен Мажнун бўлсам [1, Б.225].

Юқоридаги таржима Эргаш Очилов тарафидан амалга оширилган бўлиб, биз таржимада «Зебойи» сўзига дуч келдик, аслиятда эса «Рубайы», очиғини айтсак, бу тарздаги ҳар хилликнинг боисини у қадар тушуна олмадик.

Адабиётлар

1. Махтумқули. Дунё ўтиб борадир: Шеърлар.– Тошкент: Шарқ, 2008. – Б. 240.
2. Навоий Алишер. МАТ. 20 томлик. 4-т. – Тошкент: Фан, 1989. – Б. 560.
3. Туркмен эдебиятынынг тарыхы. I том. Орта асырлар доврунинг эдеби мирасы. – Ашгабат: Ылым, 1975. – С. 480.

Резюме

Мақолада Навоий ва Махтумқули шеъриятига доир ижодий таъсир ва акс таъсир масалалари боғлиқ йўналишга оид фикрлар акс эттирилган. Навоий ижодининг Махтумқули ижодига таъсири масалалари «Туркмен эдебиятынынг тарыхы» (I том. 1975) китобининг Навоий ва Озодий ҳамда Махтумқулига бағишланган саҳифаларида атрофлича фикрлар баёни изҳор этилади. Навоий ва Махтумқулининг айрим байтлари ўзаро қиёси ҳам амалга оширилди, бу эса Махтумқулининг Навоий ижодидан илҳом олганининг тасдиғи сифатида эътиборлидир.

Калит сўзлар: шоир, шеър, байт, мисра, оқин, ўхшашлик, муштараклик, ўзига хослик, қиёс, муқояса, таққос, ғазал, рубоий, мураббаъ, қўшиқ, ашула, ваъз, ваъзхонлик, жамият, муҳит, замон, замин, давр, даврон.

Summary

The article reflects ideas related to the direction of creative influence and counter-influence on the poetry of Navoi and Magtymguly. The issues of the influence of Navoi’s creativity on the work of Magtymguly are covered in detail on the pages of the book «History of Turkmen Literature» (volume I, 1975) dedicated to Navoi and Azodi and Magtymguly. Some poems by Navoi and Magtymguly were also compared, which is noteworthy as confirmation that Magtymguly was inspired by Navoi’s work.

Key words: poet, poem, verse, similarity, commonality, identity, comparison, simile, ghazal, rubai, murabba, song, sermon, society, environment, time, homeland, era.

Резюме

В статье отражены идеи, связанные с направлением творческого влияния и встречного влияния на поэзию Навои и Махтумкули. Вопросы влияния творчества Навои на творчество Махтумкули подробно освещены на посвященных Навои и Азоди и Махтумкули страницах книги «История туркменской литературы» (том I, 1975). Также были сопоставлены некоторые стихи Навои и Махтумкули, что примечательно как подтверждение того, что Махтумкули был вдохновлен творчеством Навои.

Ключевые слова: поэт, стихотворение, стих, сходство, общность, торжество, сравнение, газель, рубаи, мурабба, песня, проповедь, общество, среда, время, родина, эпоха.

МАХТУМҚУЛИ ШЕЪРИЯТИ ТАРЖИМАЛАРИ ҲАҚИДА

Рўзиқул Бойназарович МУСТАФОҚУЛОВ,
Термиз давлат университети
ижтимоий фанлар факултети бошланғич таълим
кафедраси доценти, филология фанлари номзоди

Шоир ва таржимон Шейх Абдол Мўмин (Абдимўмин Жумаев) Термиз туманидаги «Дўстлик» жамоа хўжалигининг Паттакесар қишлоғида 1952 йилнинг 24 март куни туғилган. Ёшлигидан адабиётга қизиқди. Шеъриятда ўз овозини топишга интилади. Катталар ва болалар учун ёзган шеърлари вақтли матбуотларда кўплаб босилган.

Абдол Мўминнинг ижод услуби бошқа ижодкорлар танлаган йўлдан айрича. Бундай ҳарактерли хусусият руҳи воқеабандлик бўлиб, ўқувчи кўзига яққол ташланиб туради. Масалан, «Овчи», «Омонжон», «Ака-ука суҳбати», «Дадамлар нима деркин» каби шеърлари бунга мисол бўлади. «Ака - ука суҳбати» (1990) шундай ҳарактердаги шеърлардан биридир. [1] Шоирнинг босим шеърларида учраганидек, яширинган нарсаларнинг ечими охирида якун топади. Унда ҳам баралла айтилмайди. Шеърда яширинган ва кўзда тутилган мақсад

пардали ҳолда ўқувчини ўйлашга, фикрлашга, ундайди. Маълум муддатдан кейин ўқувчини мийиғидан кулиб қўйишга ундайди ва шеърдан қониқиш ҳосил қилинганлигининг белгиси сифатида якун топади.

2000 йиллар бўлса керак, биз Ёзувчилар уюшмасининг аъзоси, журналист Маҳмуд Абулфайз ҳамда Аннақул Жаббор билан шеърият ихлосмандлари қалбидан жой олган Абдимўмин Жумаев хонадонига ташриф буюрдик. Абдол Мўмин деб ном олган бу шоирнинг катта ишга қўл ургани ҳақида маълумот олдик.

Шоир ва таржимон Махтумқули йўлларида ёзилган, ёзилганда ҳам катта маҳорат билан ёзилган шеърларни ўқир экансиз, Шарқ ижодкорларини юксакларга кўтарган тасаввуф фалсафасини шоир изчил ўрганаётгани ва шеърларида муваффақиятли қўллаётганининг гувоҳи бўлдик. [2]

Илоҳият инсониятнинг муқаддас эътиқоди бўлиши билан бирга, у инсониятнинг муқаддас адабиёти ҳамдир. Шунинг учун илоҳият битикларидан ҳамма замонларнинг ижодкорлари илҳомланиб келганлар. Илоҳиятга Гомер ва Гётелар, Юсуф ҳос Ҳожиб, Аҳмад Югнакий, Аҳмад Яссавий, Сулаймон Бақирғоний, Лутфий, Жомий ва Навоий, Бобур, Машраб, Огаҳий, Амирий, Махтумқули ва бошқаларнинг, борингки, минглаб буюк ижодкорлар мурожаат қилиб, гўзал шеъру достонлар яратишган.

Таржимон Абдимўмин Жумаев ҳам кейинги йилларда ўз ижодида жиддий ўзгариш ясаб, тасаввуф таълимотидан баҳрамандлик асосида бир қатор асарлар яратиб, бу мавзуни ифодаловчи алоҳида тўпламлар чоп эттирди. Иқтидорли шоир Шейх Абдол Мўминнинг Шарқ илоҳияти – «Қуръони Карим» битикларидан илҳомланиб ёзган «Яратилиши алифбоси» достонини қайта-қайта ўқиб чиқдим, – деб ёзган эди. Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси аъзоси, шоир Шафоат Раҳматулла ўғли Термизий – Тўпламдаги бу гўзал достонни ва шеърларни ўқиб, Шейх Абдол Мўмин катта истеъдод соҳиби эканлигига тан бермай илож йўқ. Достон олам ва одамнинг Оллоҳ томонидан яратилиши жараёнини тасвирлайди. Тасвирланганда ҳам, гўзал

тил, гўзал ташбеҳлар ва чуқур фалсафий умумлашмалар билан тасвирлайди. Асарда бадиий мукаммалликни кўриб қувонасан киши» [3] дея фикр билдирган. Ўзбекистон журналистлар уюшмаси аъзоси Маҳмуд Абулфайзов эса «Муҳаббатнинг кўчаси сирли ҳилқатлардан иборат. У ҳақда ашъор битмаган ижодкор бўлмаса керак. Шоир Абдумўмин Жумаев ҳам ўз битиклари орқали шеърга ошуфта дилларни севги-садоқатига бошлаб киради» [4] деб таъриф берган.

Ҳақиқатдан ҳам таниқли шоир, моҳир таржимон юқоридаги баҳоларни оқлай олди. Қалб боғида ҳали ҳам ишқнинг очилиб турган гулларидан бор экан, ана шу гулларни саралаб, жамлаб, бир китоб қилиб «Севгининг номидан битдим номалар» деб номлади. Шоирнинг шеърлари аллақачон ошиқ қалбларнинг кўнглига кириб борган. Шоир Абдимўмин Жумаев ижодининг босим қисмини тарижима санъати ташкил қилади. Шоир (1983) Ашхабод шаҳрида ўтказилган туркман шоирлари анжуманида қатнашиб, танловда ғолибликни қўлга киритди, орден ва мукофотлар билан тақдирланди.

Маълумки, китоб – дўстлик элчиси. Китоблар элатларни бир-бирига танитади, иноқлаштиради, ва ҳаёти билан таништиради.

Мамлакатимизда яшовчи турли халқлар адабиётларининг бир-бирига таъсири бир-бирини бойитади, ҳаракатга келтиради. Унинг тобора равнақ топишига кўмаклашади. Ҳар бир миллий адабиёт ўзининг тараққий анъаналарига таяниш билан бирга бошқа халқларнинг адабий тажрибаларидан, анъаналаридан ҳам баҳраманд бўлади.

Мустақиллик даври мобайнида мамлакатимиздаги барча халқларнинг адабиётлари янги босқичга кўтарилди. Кўпмиллатли ўзбек адабиётининг вужудга келиши, шаклланиши ва тараққиёти инсониятнинг бадиий тафаккури такомилида сифат кўрсаткичларига эга бўлди. Жамиятимиз ҳаётида туркман адабиётининг руҳи ва ҳамкорлиги кучайди, янги босқичга кўтарилди.

Тил жиҳатидан баъзи халқларнинг тили бир-бирига қанчалик яқин бўлмасин, кенг китобхонлар оммасининг

қариндош тилда ёзилган бадиий асарлардан фойдаланиши унчалик яхши натижа бермайди. Шунинг учун ҳам бир адабиётда пайдо бўлган янгилик таржима туфайлигина иккинчи адабиётнинг ҳам бойлигига айланади.

Ўзбек адабиётининг туркман адабиёти билан адабий алоқалари узоқ тарихий илдизларга эга. Бу жараённинг кенг миқёсида, ранг-баранг шаклларда тараққий этиши кенг қулоч ёйди. Туркман ёзувчиси Хидир Деряев ўз ижодига Абдулла Қодирий таъсири хусусида гапириб қуйидагиларни айтган эди: «Абдулла Қодирий улкан санъаткор. Унинг асарлари фақат ўзбек ёзучилари учунгина эмас, шунингдек, бошқа адиблар қатори биз – туркман ёзувчилари учун ҳам маҳорат мактаби ролини ўйнамоқда» [5]

Махтумқули Фироғий (1733-1791) туркман адабий тилининг асосчиси, қомусий аллома, буюк мутафаккирдир. У қолдирган бой адабий меърос мана асрларки ўзинииг салмоғи, бадиий баркамоллиги, тилининг гўзаллиги, бадиий пишиқ-пухталиги ва бошқа қатор фазилатлари билан шеърият мухлисларини мафтун этиб келади. Махтимқули асарлари она тилимизга кўп бора таржима қилинган, севиб ўқилган.

Унинг шеърияти нафақат туркман халқининг, балки бутун туркий халқларнинг ҳам фахри-ифтихоридир. Бир неча аср бўлдики, улуғ шоир шеъриятидан миллионлаб қалблар мунаввар бўлиб келади. Дунёвий ва тасаввуфий шеъриятнинг беназир вакили бўлган Махтумқули шеърлари юртимизда Аҳмад Яссавий, Сўфи Оллоёр, Бобараҳим Машраб, Муҳаммад Фузулий каби шоирлар ижодиёти қаторида севиб ва ардоқланиб ўқилади. Элимизда бу шоир шеърларидан ҳеч бўлмаганда бир байтни ёд билмайдиган одам топилмаса керак, десак, хато қилмаган бўламиз.

Шуни алоҳида таъкидлаш керакки, Махтумқули шеърияти ўзбек китобхонларини янада яқиндан таништириш мақсадида кўприк бўлиб келаётган бир қатор заҳматкаш таржимонларимиз меҳнат қилишди. Бу жараён ҳамон давом этаётир. Чунки шоир шеърияти бамисоли бир уммондир». Ҳали бу шоир шеърларини таржима қилишда маҳоратли таржимонлар олдида катта ишлар

турибди. Бу ишларни амалга ошириш эса таржимондан малака уқувни талаб этади. Таржимон бўлишдан кўра шоир бўлиш осонроқ дейишади адабиётшуносларимиз. Аслиятни етарлича англаб етмоқ учун тил билишнинг ўзи кифоя қилмайди. Афсуки, туркман тилидан деярли бехабар бўлган айрим таржимонлар ҳам Махтумқули шеърлари таржимасида ютуқдан кўра камчиликлар кўпроқ учрамоқда», - дейди бир суҳбатимизда таржимон Абдимўмин Жумаев.

Яна «Махтумқули шеърларини ўзбекчалаштириш учун киши тасаввуф адабиётидан, туркман тилининг ўзига хос хусусиятларидан, туркман халқ оғзаки ижодиётидан ҳам ҳар томонлома ва чуқур хабардор бўлмоғи лозим. Ана шундагина таржима кўнгилдагидек амалга ошиши мумкин. Таржима ишига киришган киши Махтумқули шеъриятининг ичига кириб бора олмаса (гарчанд у туркман тилини билса ҳам), у ҳолда таржима дағал қилиб айтганда, тузсиз ошга ўхшаб қолади», [6] дейди биз билан суҳбатда таржимон. Абдумўмин Жумаев фикрини қўлаган ҳолда таржималардаги камчиликлар, ишкалликлар ҳақида гоҳ унда, гоҳ бунда танқидий мулоҳазалар билдирилаётганлигининг сабаби шунда бўлса керак, деб ўйлаймиз.

Махтумқули шеърларини таҳлил қилиб қарасак, шоир халқ оғзаки ижодидан кенг ва ўринли фойдаланганлигини гувоҳи бўламиз. Таржимоннинг «Сайланма» асарида Махтумқулининг Дурди шоир билан айтишувини эътиборингизга ҳавола қиламиз. Ўзбек халқ оғзаки ижодида ҳам халқ бахшилари репертуарида айтишувлар кенг ўрин эгаллайди.

Албатта, бу ҳақда филология фанлари доктори, профессор Нажмиддин Комилов «Сайланма» таржима асарига ёзган кириш сўзида шундай фикр билдиради. Махтумқули – Фироғий халқимизнинг севимли шоирларидан. Унинг асарлари ўтган асрнинг ўрталарида Ж. Шарипов томонидан танланма шаклда таржима қилиниб, нашр этилган эди.

Абдумўмин Жумаев ва Жуманазар Зулпиев ғайрат кўрсатиб, шоир шеърларининг янги таржимасини яратибдилар. Биз бу муваффақият билан уларни табриклаймиз. Махтумқули

яшаган замондан бери анча вақт ўтди. Бироқ унинг шеърлари худди Навоий, Машраб, Фузулий шеърлари каби худди бугун ёзилгандай жаранглаб турибди. Зеро, ҳақиқий шеър ҳамма вақт замонавий, ҳамма вақт кўнгилга эшдир. Бу икки халқ ўртасидаги борди-келди анъаналари туфайлидир. Шу ўринда Махтумқули ва Дурди шоирнинг айтишувларидан парча келтириб ўтамиз:

Маҳтуқули:

- *У нимадир, қизил-яшил ўсодир?*
Ул нимадир, оёғи йўқ, босодир?
Ул нимадир, етти дарё кезодир?
Шоир бўлсанг, шундан бизга ҳабар бер!

Дурди шоир:

- *У укиндир, олу яшил ўсодир,*
У йилондур, оёқсиз йўл босодир,
У балиқдир, уммонларни кезодир,
Биздан салом бўлсин, жавобимиз шул эрур!

Махтумқули:

- *Ул нимадир, ёқаси бор ёни йўқ?*
Ул нимадир, қаноти бор, қони йўқ?
Ул нимадир, одам ютар, жони йўқ?
Шоир бўсанг, шундан бизга ҳабар бер!

Дурди шоир:

- *У кафандир, ёқаси бор, ёни йўқ,*
Капалакдир, қаноти бор, қони йўқ,
Қаро ердур, одам ютар жони йўқ,
Биздан салом бўлсин, жавоб шул ерур!...

Махтумқули:

...-У нимадир тупроқ узра суринмас?
Ул нимадир, келса кўзга кўринмас?
Ул нимадир, ҳеч либосга ўранмас?
Шоир бўсанг шундан бизга ҳабар бер!

Дурди шоир:

- *Эранлардир, залил бўлиб суринмас.*

У балодир, келса кўзга кўринмас,
Ёлғон гуринг ҳеч бир тўнга ўранмас,
Биздан салом бўлсин, жавоб шул ерур!

Шоирнинг таржима «Бу нақлдир» (Янги таржималар 1991), Махтумқули. «Фироғий», Сайланма» (Ҳаммуаллиф. 2008), «Севгининг номидан битдим номалар» (2013), Махтумқули, Асарлар (2014).

Махтумқули – Фироғийдан тадқиқ этилиб, Абдумўмин Жумаев сизга тақдим қилаётган таржималар Туркманистоннинг Ўзбекистондаги Фавқулодда ва мухтор элчиси жаноб Султонмурод Пирмуҳаммедов сай-ҳаракати, маслаҳат ва ёрдами билан чоп этилган. Ушбу сайланмага 1983 йилда Ашхоболдаги «Туркманистон» нашриётида чоп этилди. Уч жилдлик ва 1994 йилда чоп этилган уч жилдлик тўпламдан олинган таржималаридир.

Адабиёт майдонига ўктам қадам қўйган ва ўз овози билан кириб келаётган таржимонларга улуғ Махтумқули руҳи ҳамиша ёр бўлсин деб қоламиз.

Айни баҳор кунларида анжуманнинг ажойиб рамзий маъноси бор. Ўзбекистон ва Туркманистон – икки қадимий халқнинг дўстона учрашуви. Баҳор фаслини янада завқ-шавққа тўлдиради, қалбларга қувонч бахш этади. Қадрдонларимизга қучоқ очганда кекса Оқсоч Кўҳитанг тоғининг салобатини, Амударё сувининг серташвиш шовқинини, Сурхон воҳасининг ҳушбўй эпкинини кўксимиз билан ҳис этамиз. Жонажон воҳамиз дўстлар садоси билан, шеърий оҳанглар билан тўлади.

Адабиётлар

1. Мустафоқулов Р. Сурхон адиблари – болаларга. – Тошкент: Ёзувчи, 2000.
2. 1993 йил май ойидаги суҳбатдан бор учрашувимиз.
3. Шийх Абдол Мўмин. Яратилиш алифбоси. – Термиз: Жайхун, 1995.
4. Жумаев А. Севгининг номидан битдим номалар. – Тошкент: Тафаккур, 2013.

5. Ёзувчи Х.Деряев билан Раҳматулло Иноғонов билан 1966 йилги суҳбатидан.

Резюме

Ушбу мақолада буюк шоир Махтумқули Фироғийнинг шеърларини ўзбек тилига аслиятига энг яқин даражада таржима қилиш борасида салмоқли ҳисса қўшган шоир, таржимон Абдимўмин Жумаевнинг таржимашунослик борасидаги салмоқли ишлари ҳақида мулоҳаза юритилган.

Калит сўзлар: Абдимўмин Жумаев, шоир ва таржимон, шеърларининг таржимаси, аслият, миллий хосланиш.

Summary

In this article, the poet and translator Abdimumin Jumaev, who made a significant contribution to translating the poems of the great poet Makhtumkuli Firoghi into Uzbek as close as possible to their originals, is considered.

Key words: Abdimumin Jumaev, poet and translator, translation of his poems, originality, national identity.

Резюме

В данной статье рассматривается поэт и переводчик Абдимумин Джумаев, внесший значительный вклад в перевод стихов великого поэта Махтумкули Фироги на узбекский язык, максимально приближенный к их оригиналам**.**

Ключевые слова: Абдимумин Джумаев, поэт и переводчик, перевод его стихов, своеобразие, национальная самобытность.

MAGTYMGULYNYŇ EDEBI GARAÝYŞLARY

S. ÇARYÝEW,
Türkmenistanyň Ylymlar akademiýasynyň
Magtymguly adyndaky Dil, edebiýat we milli
golýazmalar institutynyň baş ylmy işgäri.f.y.k.

Berkarar döwletiň täze eýýamynyň Galkynyşy döwründe türkmen jemgyýetiniň, ykdysadyýetiniň, senagatynyň, oba

hojalygynyň, medeniýetiniň, sungatynyň öňdebaryjy tehnologiýalar esasynda ösüşiň täze belentliklerine ýetmegi üçin Hormatly Prezidentimiziň: «Türkmen halky beýik sungaty, ägirt uly edebi, medeni mirasy döredip bilen halkdyr»[1] diýen paýhasly sözleri giň mümkinçilikleri döredýär. Halkymyzyň baý edebi, medeni mirasynyň genji-hazynalaryny döwrebap öwrenmäge, toplap, halka ýetirmäge, dünýä ýaýmaga, amatly şertleri döredýär. Muňa halkymyzyň guwanjy bolan Magtymguly Pyragynyň edebi mirasyny öwrenmäge döwlet derejesinde üns berilmegi aýdyň mysaldyr.

Magtymguly Pyragynyň goşgulary indi iki ýarym asyrdan gowrak wagt bäri dünýä ýüzünde belent ynsanperwerlige, halallyga, arassa-päk ahlaklyga, şygyrýete hormat goýýan ynsanlarynyň ýüreklerini heýjana getirýär. Magtymgulynyň ynsanlaryň ýüreklerine teselli berýän goşgularynyň güýji, tebigaty, çeperçilik aýratynlyklary onuň öz döwürdeş şahyrlaryndan, okyjylaryndan başlap häzirki wagta çenli şahyrlar, alymlar tarapyndan öwrenilýär, sapak alynýar. XVIII asyrdan bäri türkmen şahyrlarynyň ählisi ony özleriniň halypasy hasaplaýarlar, türkmen alymlary bilen birlikde daşary ýurt alymlary hem şahyryň şygyrlaryny dürli taraplardan öwrenýärler.

Edebiýat, çeper eser her bir ynsany biparh goýmaýar, esasan hem lirika adamlaryň inçe duýgularyna täsir edip, olary durmuş-ýaşaýyş, tebigat, jemgyýet, ynsan gatnaşyklary barada oýlanmaga iterýär. Dünýäniň nusgawy şahyrlarynyň hemmesinde bolşy ýaly şeýle duýgulary Magtymgulynyň öz kalbynda hem dörän bolmaly. Magtymguly Pyragy çeper edebiýatyň, şygyrýetiň ynsan kalbyna şu zeýilli täsirleri, ideýa-esaslary, şygryň tebigaty, onuň durmuşdaky orny, terbiýeçilik ähmiýeti çeper sözüň gymmaty,...barada ýörite mesnewi risale, traktat ýazmadyk hem bolsa bular barada liriki goşgularynda öz edebi garaýyşlaryny beýan edipdir.

Beýik söz ussadynyň edebi garaýyşlary barada ýörite ylmy iş bolmasada edebiýatçy alymlaryň ençemesi ol barada pikir ýöredipdirler. Olardan Ý.E.Bertelsiň, A. Gürgenliniň, B. Garryýewiň, M. Kösäýewiň, A. Mülkamanowyň, K. Ataýewiň, Ö.Abdyllaýewiň, J.Allakowyň, M Annamuhammedowyň, A.Bekmyradowyň, A.Şyhnepesowyň, M.Atdaýewanyň we

beýlekileriň, ylmy işlerinde, makalalarynda şahyryň döredijilik işiniň dürli taraplary baradaky pikirleri seljerilýär.

Magtymguly öz döwrüniň köp taraply sowatly adamy hökmünde her bir meseläniň tebigatyna töwerekleýin akyl ýetirmäge we ol barada çeper pikir ýöretmäge çalyşypdyr. Magtymguly şahyr hökmünde çeper sözüň, şygryň başlangyjy barada oýlanypdyr. Magtymguly öz döwrüniň, zamanasynyň jemgyýetçilik pikiriniň, ruhy-ahlak ýörelgeleri esasynda pikir ýöredipdir. Magtymguly hem musulman gündogarynyň beýleki şahyrlary, sungat ussatlary ýaly ynsana goşgy goşmaga, aýdym aýtmak, saz çalmak, küýze ýasamak umuman zehiniň açylmagy Alla tarapyn berilýär diýen pikirde bolupdyr. Şahyr «Gökleň» goşgusynda:

Ylham etdi möwlam maňa,
Nazar düşdi senden ýaňa.

Sözi agzyma hak salar
Bir nepes aýdylan bolar. [5.20]

diýen setirlerinde umuman, bütin döredijiliginde şahyra ylhamy, çeper sözi, zehini, Alla tarapyn berilýändigi beýan edilýär. Bu pikir nusgawy şahyrlarymyzyň hemmesiniň hem edebi garaýyşlarynyň ideýa-estetik esasyny düzýär. Magtymgulynyň «Ynsan ýaratdy», «Alla sen», «Bir Alladyr», «Repbim Jelil», «Berkarar etgen Kerim», «Repbim-agla», «Hudaý degilmi» ýaly onlarça goşgularynda ynsanyň, älemiň, ýer-gögüň ýaradylyşynyň ylahy esaslary şahyrana beýan edilýär.

Bir Alla aýdaý hamdy-senalar,
Bir gysym toprakdan ynsan ýaratdy.
Ten kapasyn kylmak üçin münewwer.
Jan nurundan şemgy-taban ýaratdy. [6. 126]

On sekiz müň älem bir wagtda bar etgen Kerim.
Edi gufrana pelegi berkarar etgen Kerim.
Bendelerge rehmetin her dem nisar etgen Kerim.
Ol melaýyklary gökde bişumar etgen Kerim.
Gudratyn iki jahanda äşekär etgen Kerim. [6. 122]

XVIII asyr türkmen durmuşynda ýaşaýyşa, bolan ylahy garaýyşlaryň uly orny bardy. Magtymgulynyň dünýä, jemgyýet baradaky filosofik-pelsepewi garaýyşlary onuň ýaşan jemgyýetiniň aňyýetiniň önümi. Şonuň üçin Magtymgulynyň eserleriniň ylmy-edebi nazaryýetiniň emele gelmeginde Gündogaryň Faraby, Abu Aly ibn Sina, Mahmyt Zamahşary, Hoja Ýusup Hemedany, Ahmet Ýasawy, Abu Sagyt Abulhaýyr-Mäne baba, Jelaleddin Rumy, Ýunus Emre, Bahaweddin Nagyşbendi, Seýit Nesimi, Garajaoglan, Zahyreddin Muhammet Babyr, Alişer Nowaýy, Muhammet Fuzuly, Döwletmämmet Azady ýaly ussatlarynyň köp taraply edebi miraslary bilen birlikde ylahy ylmyň hem hyzmaty örän uludyr. Ylymda mälim bolşy ýaly, yslamyň durmuş ýaşaýyş baradaky kada-kanunlarynyň şol döwürlerde döredilen ylmy-edebi eserleriň ideýa-estitik esaslary, ylham çeşmeleriniň biri bolup hyzmat edipdir. Muny beýik ussadyň mukaddes Kurany Kerimdäki edebi ýordumlary çeperçilik taýdan işläp döreden ajaýyp şahyrana eserlerinden hem görmek bolýar.

Magtymgulynyň edebi garaýyşlarynda musulman gündogar edebiýatynda giň ýaýran sufistik (sopuçylyk) akymynyň ýörelgeleri, däpleri uly orun tutýar. Sufistik filosofiýa orta asyrlarda ýüze çykmak bilen jemgyýetdäki adalatsyzlyga, ol adalatsyzlygy, gabahatlygy ýöredýän din hadymlaryna garşy akym bolupdyr. Ol akymyň ruhunda adalatsyzlyga, zulma, haramlyga garşylyk bar. Onuň ideýa esaslarynda haramlyga eýlenen nebsewürlige, açgözlülige, baýlyga ymtylýan ýasama, wagtlaýyn durmuşdan çekilip, halallyga, päklige çagyryş, öwüt-nesihat bar. Onda halallyga çagyryş, baýlyga, bol-telkilige ýigrenç bilen birlikde ejizi goldamak, oňa howandarlyk etmek ýaly durmuşy meseleler hem bar.

Sufizm (sopuçylyk) şonuň bilen birlikde adamyň adama gul bolmagyna garşy gitmek bilen hemmeleriň Allanyň guludygyny, olaryň hemmesiniň ýaradanyň öňünde deňdigini, deňhukuklylygyny ykrar edýär. Onda pakyrlyk, garyplyk, öz günüňe kaýyllyk, halallyk ýokary derejelere göterilýär we haramlyga garşy goýulýar. Halal-haramlyk göreşindäki, ine şu ideýalar we kult derejesindäki edebi keşpler taýýar ideýa-çeperçilik ulgam görnüşinde çeper pikirlenmäniň bir formasy bolup, XVIII asyr edebiýatymyza şol durşuna kabul edilipdir. [3. 13]

Magtymguly Pyragy sufizm (sopuçylyk) akymyny onuň magrypet, şerigat, tarykat, hakykat makamlarynyň öwrenipdir. Olaryň talaplary esasynda ençeme goşgulary ýazypdyr. Bu makamlar biri-biri bilen baglanyşykly ulgamdan ybarat bolupdyr.

Olaryň başlangyjy magrypet-yşk ulgamydyr. Onda adam ilki Allany söýmeli, adamyň kalbynda diňe Alla yşk bolmalydyr, diňe şol yşk bilen Alla akyl ýetirip bolýar, ýüreginde yşk bolan adam gözeldir. Sopuçylygyň liriki gahrymany «Alla gözeldir, päkdir, arassadyr» diýýär. Şonuň üçin oňa aşyk bolan adam hem gözeldir, arassadyr» diýen pikire uýýar. Sopuçylyk edebiýatda Aşyk (ynsan) bilen Magşuk (Alla) edebi keşbi döredipdir. Muny şahyryň «Aşyk bolmuşam» «Nary Dilberiň» goşgularynda görmek bolýar. Aşygyň (ynsan) Magşugyna ýetmegi üçin ruhy şertler bar: Aşyk halallyk bilen ýaran bolmaly, öz kalbyň çuňlugyndan özüňi gözlemeli, şol wagt Aşyk hakyky Aşyga öwrülýär. Alla bolan yşk iň belent yşk hasaplanýar.

Sopuçylygyň ikinji basgançagy-şerigatdyr. Bu basgançakda yslamyň kada-kanunlaryny ýüregine siňdirmedik, Allany söýüp bilmez diýen kada bar. Aşyk çuňňur, yhlas bilen şerigatyň, sünnetiň kadalaryny öwrenmeli, kalbyna siňdirmeli. Şerigat yslamyň ruhy kanunlarynyň toplumy bolup, ynsanyň ahlak gözelliklerіniň jemidir. Kuran Kerimde haram edilen zatlar kanundyr. Magtymgulynyň goşgularynda wagyz edýän edepleriniň düýbi şerigatyň kanunlaryna gabat gelýär. Sopuçylyk Alla akyl ýetirmegiň bir şerti hökmünde şerigat edebine uýmaklygy salgy berýär. Sebäbi halalyň, haramyň nämedigini bilmeýän adamyň Allanyň yşkyna düşmegi dürs däldir. Magtymgulynyň özüni günäkärleýän, toba edýän eserlerinde şerigatyň kanunlary-kadalary ýüze çykarylýar.

Sopuçylyk akymynyň tarykat basgançagynyň ýol manysy bar. Bu edep ruhy kämilligiň edebi-özüňi dogry ýola ugrukdyrmakdyr. Ol syrly, gizlin ruhy ýoly geçmegi aňladýar. Bu edepde aşyk özüni Alla bilen birleşmäge örän ykjam taýýarlamalydyr bu ýoly halypasyz geçmeli däldir. Oňa ussadyň, piriň kömegi bilen girmeli we gaýyp dünýä seýran etmeli. Tarykat ulgamyna laýyklykda salyg (ýolagçy-ynsan) ýedi sany ruhy makam-duralga geçmelidir. Magtymgulynyň mirasynda şularyň ählisi hem örän aýdyňlyk bilen liriki gahrymanyň

obrazyna siňdirilipdir. M. Annamuhammedow tarykatyn içki duralgalarynyň sanynyň kyrka ýetýändigini belläp, olaryň hemmesiniň ahyr soňy bir maksady – Alla birikmekdigini belleýär.[3. 118]

Sopuçylyk akymynyň dördünji makamy hakykat hasaplanylýar. Ol sopuçylyk ruhy kämilligiň ýokary derejesidir. Oňa hal pursaty hem diýilýär. Alymlar hal pursaty her bir salyga-ýolagça başartmaýar, diýýärler. Hal din alymlarynyň düşündirmegine görä, Alla bilen adamyň arasyndaky perdäniň aýrylmagydyr, Alla akyl ýetirmegiň ýüze çykmasydyr, ýok zadyň görülmesidir, gizlin zat bilen syrly sözleşmekdir, ýitirilen zat bilen dostlukdyr, öz içiňde özüňi ýitirmekdir. M. Annamuhammedow Magtymgulynyň «Turgul diýdiler» düýş-şygrynda lirik gahrymanyň tutuşlygy bilen hal pursada düşen wagtyndaky «dil bilen düşündirip bolmaýan» ruhy sarsgyny hal pursady hasaplaýar. [3. 125] Magtymguly ilkinji nobatda şahyr hökmünde Alla akyl ýetirmegiň ruhy-hal ýagdaýyny suratlandyrypdyr. M. Annamuhammedow «Turgul diýdiler» goşgusynda halyň alamatlaryny lirik gahrymanyň «ak köpükler saçmagy, «ýeriň damarna, arşyň kemerne» barmagy» bilen delillendirýär. Ýöne Magtymgulynyň lirik gahrymanyň duýgularynda birhili ikirjeňmeleriň, aljyraňňylygyň bardygyny hem ýatladýar. Umuman Magtymgulynyň döredijiliginde gündogar edebiýatynyň sopuçylyk akymynyň basgançaklaryna gabat gelýän goşgulary sanardan köpdür. Şahyryň liriki gahrymanynyň Alla aşyklygyny, ony «jümle-jahandan gözleýändigini «Näme sen», «Ýar senden», «Gördüňmi», «Aşyk bolmuşam», «dünýä düşünmezlik», «Bir görüp gitse daşymdan», Alla yşkyň ýolundaky kynçylyklara kaýyllyk «Buluda gardy meni», «Aýa döndi», «Gyzmaly boldum», «Sed jan eý, dost», «Bikararam dogrusy», «Galmagaly neýlerem», «Gökden inmez ýaranlar», nebsiňi öldürmek – «Bu işi» salyklyk ýoluna düşmegi, «Içmeýen jamym», dünýäden zeýrenmek – «Gumly çykypdyr», «Bilmedim», «Biwepalardan», «Köňlüm», «Bile myhmandyr» ýaly onlarça goşgularynda özüniň sopuçylyk garaýyşlaryny beýan edipdir. Öňde hem belleýşimiz ýaly sopuçylyk, mistizm Magtymgulynyň döredijiliginiň ideýa-estetik çeşmeleriniň biri hökmünde onuň eserleriniň içinde oturýar, ýaşaýar.

Magtymgulynyň sopuçylyk akymy esasyndaky eserleri hem, onuň öz döwrüniň jemgyýetçilik syýasy, durmuş-taryhy hadysalarynyň täsiri bilen ýazan eserleri hem Gündogaryň Muhammet Fuzuly, Alişer Nowaýy, Zahyreddin Babyr ýaly beýik ussatlarynyň döredijiliklerиniň köp taraply bolşy ýaly Magtymgulynyň edebi garaýyşlarynyň şahyrana dünýäsiniň giňliligini, çuňdygyny köp taraplydygyny aňladýar.

Alymlaryň belleýişleri ýaly XVIII asyr türkmen edebiýatynda romantik, sufistik, realistik stilleriň özboluşly taraplaryny görmek bolýar. [7.] Olar türkmen nusgawy edebiýatynda gatyşyk görnüşinde duş gelýärler. Nusgawy edebiýatyň bu aýratynlygy Magtymgulynyň döredijiligine hem mahsus hasaplanylýar. Beýik ussadyň eserlerinde romantizimiň hyjuwlylygy, arzuwçyllygy, şertliligi, sopuçylygyň-syrlylygy, simwollary, aýratyn terminliligi, lirik gahrymanyň çygrynyň çäkliligi özüni görkezýär. Şahyryň öz döwrüniň jemgyýetçilik durmuşynda» ruhlanyp döreden eserleri XVIII asyr durmuşynyň jümmüşinden dömüp çykan ideýa-çeperçiligi bilen aýratyn tapawutlanýar. Bu hili eserler şahyryň edebi garaýyşlarynyň özboluşly aýratynlyklarynyň biridir.

Magtymgulynyň sopuçylyk goşgularynda umumylyk, syrlylyk, ideýa çäkliligi agdyklyk eden bolsa onuň durmuşa esaslanýan halkyň ykbaly baradaky eserlerinde ýönekeý adamlaryň gün-güzerany, pikir-hyýallary, däp-dessurlary, real, dünýewi Watanyň azatlygy, bitewiligi, taýpalaryň agzybirligi, doganlygy, özbaşdak, özerkli, türkmen döwleti, onuň adalatly häkimi baradaky watançylyk ideýalar esasy orun tutýar. Magtymguly sopuçylyk goşgularynda ol dünýädäki ylahy «baky Watanyň» waspyny ýetiren bolsa, onuň anyk Watan-türkmen topragy baradaky şygyrlary janlylygy, anyklygy, bilen tapawutlanýar, olarda mähriban topraga belent söýgi, yssy mähir, buýsanç mese-mälim duýulýar. Şahyryň «Mert bolmaz» şygryndaky:

Sözlegil bileniň tilden,
Bilbil aýra düşse gülden,
Eşit adam dogan ilden,
Gaýry mähriban ýurt bolmaz. [6. 143]

diýen setirler beýik şahyryň ata Watanyň, dogduk mekanyň, hemme zatdan ezizligi baradaky edebi garaýyşlaryny ýüze çykarýar. Beýik şahyr edebiýatyň halka hyzmat etmelidigine, onda asylly häsiýetleriň halallygyň, ruhy päkligiň, zähmetsöýerligiň, ahlak-arassalygynyň dini we halk däp-dessurlaryň, kadalaryň dogry ýerine ýetirilmegini terbiýelemegine düşünipdir. Şahyryň «Neýleý indi biçäreýem» diýen goşgusynda, şahyryň halkyň dertlerine derman, misgin-garyplara dükan, jansyzlara jandygyny, gözsüzleriň gözi, lallaryň dili, il-günüň ýüzi, ähli mätäçler üçin Hatam Taýdygyny, aşyklara howandardygyny «Watan üçin zerewşan, mert ýigitlere kemandygyny aýtmak bilen edebiýatyň halka hyzmat etmelidigi baradaky edebi garaýyşlaryny ýüze çykarypdyr.

Watanymda han idim,
Hanlara perman idim,
Dertlere derman idim,
Misginlere dükan idim,
Jansyzga men jan idim,
Neýleý, indi biçäreýem.

Gözsüzleriň gözi idim,
Lallaryň men sözi idim,
Il-günümiň ýüzi idim,
Söwer magşuk gözi idim,
Hatam Taýyň özi idim,
Neýleý, indi pukaraýaýam [5. 93]

Bu hili eserler Magtymgulynyň edebiýaty halkyň durmuşyna golaýlaşdyrmakdaky beýik hyzmatlaryny görkezýär. Magtymguly edebiýaty, çeper sözi halk durmuşyna golaýlaşdyrmakda, halkyň durmuşyny anyk, dogruçyl beýan etmekde bütin türki dilli edebiýata görelde-nusgalyk eserleri döretdi. Sebäbi Magtymgulynyň halypalary gündogaryň Nyzamy, Jamy, Nowaýy, Fizuly we beýleki söz ussatlary eserlerinde gadymdan gelýän rowaýatlary, ýordumlary, mifleri, legendar patyşalaryň, taryhyny beýan etdiler. Olar eserlerinde öz ýaşaýan zamanasynyň adamlarynyň durmuşyna az üns berdiler. Magtymguly bolsa köp eserlerini öz döwürdeşleriniň durmuşynyň dürli meselelerine bagyşlady we türki dilli edebiýatda

täze milli döredijilik ugry döretdi. Magtymguly öňden gelýän edebi däplere esaslanmak bilen XVIII asyr türkmen durmuşyny, milli häsiýetlerini, däp-dessurlaryny, milli arzuw isleglerini liriki gahrymanyň häsiýetine jemledi. Onuň lirik gahrymanynyň halkylygy durmuşyň içinde gaýnap bişenligi bilen tapawutlanýar, ol gahrymanlar edermen, gaýratly watan goragçylary, daýhanlar, çopanlar, halkyň azatlygy, agzybirligi üçin janyny bermäge taýýar mert ýigitler, Döwletaly, Çowdur han, Öwezgeldi ýaly mert ýigitleriň öňbaşçylary, serdarlary, türkmen ruhunda, sypatynda, wasp edýär.Bu hem beýik ussadyň türkmen nusgawy edebiýatyna ornaşdyran halkylygyndan gelip çykýan milli häsiýetlerdir.

Magtymguly çeper edebiýatyň halka hyzmat etmeligini, oňa ýakyn meseleleri dogruçyl suratlandyrmalydygyny belläp geçipdir. Şahyryň eserleriniň dogruçyllygy oňa umumy halk söýgüsini getiripdir. Magtymgulynyň durmuşyň iň derwaýys, möhüm meselelerini saýlap bilmegi, olary çuň many-mazmunda şahyrana beýan etmegi, oňa laýyk şekil bermegi şygyrýetiň möhüm wezipesi hasaplaýar. [2.] Magtymgulynyň ýiti zehininden, ýaradanyň beren ylhamyndan syzylyp çykan ajaýyp şygyrlary umumadamzat ruhy-ahlak gymmatlyklary bilen birlikde türkmeniň milli gymmatlyklaryna esaslanýandygy üçin halkymyz olary, gyzylyň gyryndysy ýaly aýap saklapdyr. Onuň sebäpleriniň biri Magtymgulynyň poeziýanyň tebigatyna, onuň inçe syrlaryna, dogry düşünmegi, çeper söze, onuň many aýratynlyklaryna çuň akyl ýetirmeginden, çeper söze ylahy we dünýewi edebi garaýyşlarynyň emele gelendiginden ybaratdyr. Beýik ussadyň çeper söze dünýewi edebi garaýyşlary türkmeniň milli edep kadalaryna esaslanýar. Olar märekede az sözlemeklik, sözüň gysga hem manyly bolmagy ýaly söz bilen bagly beýleki söz düzümleri, frazeologik birlikler köp ulanylýar. [4.] Beýik ussadyň «Magtymguly sözlär Hakyn sungatyn», «Magtymguly asy guluň küfür sözden sakla tiliň», ýaly onlarça setirlerinde sözüň ylahy manysy şahyrana açylýar. [8. 29] Magtymgulynyň döredijiliginde söz adalgasy dürli manylarda gelse-de ol çeper eseriň esasy serişdesi hökmünde bütewidir. Munuň özi Magtymgulynyň edebi garaýyşlarynyň dürli ugurlardan, esasan hem yslam medeniýetinden, gündogaryň ýazuwly edebiýatyndan onuň

sopuçylyk akymyndan, halk döredijiliginiň dür dänelerinden ylham alandygyny onuň beýik ussadyň, dünýägaraýyşynyň çylşyrymly bolşy ýaly köp taraplygyny aňladýar.

Edebiýat

1. Türkmenistanyň Prezidenti Serdar Berdimuhamedowyň wezipä girişmek dabarasyndaky çykyşy. «Türkmenistan» gazeti 2022-nji ýylyň 20-nji marty. Aşgabat şäheri. 2022-nji ýylyň 19-njy marty.
2. Allakow J. Magtymgulynyň edebi garaýyşlary. «Nesil» gazeti. 2008-nji ýylyň iýun aýy.
3. Annamuhammedow M. Magtymguly gizlin syryň bar içde. I kitap. – Aşgabat, 1994.
4. Bekjäýew T. Magtymgulynyň eserleriniň frazeologik sözlügi. – Aşgabat, 2016.
5. Magtymguly, Saýlanan eserler. I tom. – Aşgabat, 1983.
6. Magtymguly. Eserler. II. J. – Aşgabat, 2013.
7. Garryýew S. Magtymguly we edebiýatda realistik tendensiýa. – Aşgabat, 1978; Rejebow R. XVIII-XIX asyrlar türkmen edebiýatynyň döredijilik stili. – Aşgabat, 1995.
8. Şyhnepes A. Magtymgulynyň älemi. – Saýat, 1994.

Rezyume

Mag‘timquli o‘z davrining serqirra, savodxon shaxsi sifatida har bir muammoning mohiyatini tushunishga, uni badiiy idrok etishga harakat qilgan. Mag‘timquli shoir bo‘lib, badiiy so‘z – she’riyatning boshlanishi haqida o‘ylardi. Mag‘timquli o‘z davri, ijtimoiy fikr, ma’naviy-axloqiy tamoyillar asosida tafakkur qilgan. Musulmon Sharqining boshqa shoir va san’atkorlari singari Magtimquli ham insonga she’r yozish, qo‘shiq aytish, musiqa chalish va kulolchilik qobiliyatini berish Allohning irodasi, degan fikrda edi. Ushbu maqola shu haqida.

Tayanch so‘zlar: Mag‘timqulining dunyo va jamiyat haqidagi falsafiy qarashlari va bu g‘oyalarning Mag‘timguliy she’riyatida aks etishi.

Summary

Magtymguly, as a multifaceted, literate person of his time, tried to understand the nature of each problem and comprehend it artistically. Being a poet, Magtymguly thought about the beginning of the artistic word - poetry. Magtymguly thought based on his time, social thought, spiritual and moral principles. Like other poets and artists of the Muslim East, Magtymguly was of the opinion that it is the will of Allah to give a person the ability to write poetry, sing, play music, and do pottery. This article is about that.

Key words: Magtymguly's philosophical views on the world and society and the reflection of these ideas in Magtymguly's poetry.

Резюме

Махтумкули, как многогранный грамотный человек своего времени, старался понять природу каждой проблемы и осмыслить ее художественно. Будучи поэтом, Махтумкули задумывался о начале художественного слова – поэзии. Махтумкули мыслил, исходя из своего времени, общественной мысли, духовно-нравственных принципов. Как и другие поэты и художники мусульманского Востока, Махтумкули придерживался мнения, что воля Аллаха дать человеку способность сочинять стихи, петь, музицировать, заниматься гончарным делом. Данная статья об этом.

Ключевые слова: Философские взгляды Махтумкули на мир и общество и отражение этих идей в поэзии Махтумкули.

МАХТУМҚУЛИ ИЖОДИЙ МЕРОСИ

Қуромбой МАТРИЗОЕВ (Қурбон МУҲАММАДРИЗО),
Ўзбекистон Ёзувчилари уюшмаси аъзоси,
Халқаро «Махтумқули Фироғий» медали соҳиби

XVIII аср адабиёт майдонининг машҳур намояндаларидан бири Махтумқули(Фироғий) Шарқнинг узоқ тарихи ва бой маданиятини, ахлоқини, фалсафасини ва шоирона дунёсини шеърлар гулшанига айлантириб, моҳирона сўздан доимий

нурлар ёғдирадиган маънавий дунёни мерос қолдирган. Махтумқули оташин лирик шоир, ўз халқининг ардоқли куйчиси, айни вақтда у ўзбек элининг севимли шоиридир ҳам. Чунки унинг шеърияти барча туркий миллатлар, жумладан, ўзбек элининг ҳам маънавий мулкига айланган. Шоирнинг, хусусан, маънавий-ахлоқий мавзудаги теран панд-насиҳатга йўғрилган маънодор шеърлари кириб бормаган ўзбек хонадони йўқ десак, унинг номини билмайдиган бирорта ўзбек топилмайди, десак, муболаға қилмаган бўламиз. Махтумқули шеърлари ўзининг халқчиллиги туфайли асрлар давомида халқ бахшилари, ҳофизлари томонидан куйланиб, шоирларга илҳом бериб, давралар ва шеърият кечаларида ўқилиб келинади. Ўзбекнинг бирор тўй-тантанаси йўққи, у Махтумқули қўшиқларисиз ўтса!

Шунингдек, ўзбек ҳамда туркман адиб ва олимларнинг адабиётларимиз ҳамкорлигининг турли масалаларига бағишланган мақолалари, илмий тадқиқотларида ҳам Махтумқули сиймоси, асарлари ўзбек-туркман адабий алоқаларининг ёрқин саҳифаларидан бири эканлиги ифтиҳор билан тилга олинади.

Махтумқули (Фироғий)1724 йили Туркманистоннинг Гургон дарёси соҳилида Ҳожиговшан қишлоғида зиёли ва шоир аллома Давлатмамат Озодий оиласида дунёга келган. Болалигидан, яъни 6 ёшдан унинг кўнглида адабиётга муҳаббат уйғонади ва шеър машқ қила бошлайди.

Бўлажак шоирнинг илк устози отаси Давлатмамат бўлган. У дастлабки таълим-тарбияни айнан унинг қўлида олади. Бу ҳақда шоир:

Ранжу заҳмат чекиб, агар қилсам ёд,
Қиблагоҳим – отам ўқитган устод, -

деб ёзади. Сўнгра, оилада хат-саводини чиқарган ёш Махтумқули қишлоқ мактабида – Ниёзсолиҳ мулла қўлида ўқий бошлайди. Ўткир зеҳни ва тиришқоқлиги билан ўқувчилар орасида ажралиб турган Махтумқули Халач туманидаги Идрисбобо мадрасасида таҳсилини давом эттиради. Кейин Бухородаги Кўкалдош мадрасасида ва кейинчалик Хивадаги

Шерғозихон мадрасасида таҳсил олади. Шоирнинг жаҳон адабиёти билан танишувида мадраса таълими катта ролъ ўйнаган. Айниқса,»Шерғози» мадрасасида ўқиётганида кўплаб ижодкорлар, илм аҳли билан дўстлашади, форсий ва туркий адабиёт намоёндалари асарларини мутолаа қилади. У араб, форс тилини пухта билар, Қуръонни ёд олган эди. Мадраса Махтумқули учун илм-маърифат булоғи бўлиб, шоир ҳаётида унутилмас таассурот қолдирганлигини «Шерғози» шеърида шундай изоҳлайди:

Ажратаман энди оқ-у қарони,
Дўст, рақиб, қардошим, ҳақни, ёронни,
Ўқидим, кўтардим китоб, «Қуръонни»,
Кетар бўлдим, хуш қол, гўзал «Шерғози»!

Махтумқулининг ижоди туркман мумтоз адабиётининг чўққиси ҳисобланади. Ҳаётнинг аччиқ-чучугини тотган шоир, кўп сафарларда бўлди. Катта ҳаёт тажрибаси, ўзбек ва тожик адабиётини яхши ўзлаштиргани сабабли, у халққа манзур бўлган кўплаб ғазаллар, рубоийларни, қитъаларни Фироғий тахаллуси билан яратди. «Гўзал Шерғози» шеъридан маълум бўлишича, у Хивада таҳсил олаётган даврида бирин-кетин отаси ва онасидан жудо бўлган:

Бағрингда илм олиб, комил бўлибман,
Ғарибман – отамдан етим қолибман,
Каъбамдан – онамдан жудо бўлибман,
Кетар бўлдим, хуш қол, гўзал «Шерғози!»

Бундан ташқари, ёш акалари бедарак кетади. Севган қизининг васли бир умрга армон бўлиб қолади. Яна қатор қариндош-уруғлари, дўстларидан айрилади. Шу тариқа у бир умр яқинларининг ҳажру фироғида куяди, йўқотишларга дуч келади. Кўпчилик тадқиқотчиларнинг фикрича, унинг ўзига Фироғий тахаллусини танлашига ана шу кўпдан-кўп жудоликлар сабаб бўлган эса ажабмас.

Махтумқули шеърларидан маълум бўлишича, унинг саёҳатга, дунёни кўришга ҳаваси кучли бўлган. «Дунёни танимай дунё кишиси бўлмайсиз» дейди доно халқмиз.

Шунингдек, шоир Эрон, Озарбайжон, Афғонистон, Ҳиндистон каби кўплаб шаҳарларни кезади. Бу сафарларда шоир турли одамлар билан танишди, илм ва ижод аҳли суҳбатларида бўлди. Айни вақтда мана шу сафарларда у мусофирлик, ғариблик ғурбатини ҳам чекди, ўз ватани, халқини соғиниб қатор шеърлар ёзди. Инсоннинг бахти ҳам, шаъну шавкати, қадру қиммати ҳам ўз юртида билинади, эл-юртининг ночор эканини кучли бир дард билан куйлар экан, элни севиш, ўз юртидан ажралмаслик ҳақида насиҳатлар қилади:

Мастона юргунча ғайр юртларда,
Униб-ўсган ўз юртингдан айрилма.
Мағрур каклик каби нафсинг йўлида,
Дома тушиб, қанотингдан айрилма.

Махтумқули қатор илм масканларида таҳсил олиш чоғларида устози, суриялик Нури Баҳр ҳамроҳлигида қатор Шарқ ўлкаларини кезиш онларида маърифий илмлар, тасаввуф оламига ҳам берила бошлайди. Хусусан, нақшбандийликка мойиллик сезилади, чунончи, шоир ёзади:

Бир кеча ётардим шоҳ Нақшбандий,
Саҳийлик айлабон бир нон келтирди.
Ўнг қўлида бода-гулгун шароби,
Чап қўлида янги бирён келтирди.

Дарвоқе, Махтумқули дунёқараши халқ донолигининг ифодаси сифатида ёрқинроқ намоён бўлганлиги назарда тутилса, шоирни бирон бир сўфийлик тариқатига алоқадорлиги мавҳум бўлиб қолади.

Шоир ижодий меросининг жуда бой ва машҳур бўлганлигининг сабабларидан бири, унда тасаввуф шеъриятининг анъаналари мавжудлигида эди. У халқ дилига яқин бўлган озодлик ва эрк ҳақида шеърлар ёзди. Масалан, «Бахт қуши», «Чақириқ» номли шеърлари туркман халқини бирлашишга, уларни чет эл босқинчиларига қарши курашга чорлайди. Шоирнинг кўпгина мисралари ҳикмат даражасига кўтарилди. У меҳнаткаш халқнинг норозилигини ифодалаган

«Замонлар», «Ахтаради», «Кўпнинг ҳаёти» каби асарлар яратди. Махтумқули шеъриятининг шуҳрати ўзбек китобхонлари орасида ҳам кенг тарқалган. Шеърлар мажмуасининг нафақат бир неча марта ўзбек тилида, балки 1842 йилда Англияда, 1862 йили Қозон ва Перербургда,1889 йили Германиянинг Лейпциг шаҳрида нашр қилиниши адабиёт майдонида катта воқеа бўлди.

Махтумқули фақат туркман адабиётининг эмас, балки барча туркий халқлар адабиётининг фахри ҳисобланади. Унинг шеърлари Туркманистонда қандай эъзозланса, Ўзбекистонда ҳам худди шундай қадрлиди. Ўрта Осиё туркий халқларининг руҳига мос оҳанглар, унинг шеъриятини жуда машҳур қилиб юборган. Шоирнинг «Кўринг», «Райгон айлади», «Бўлмас», «Наъмасан»,»Ўтиб борадир» каби шеърларидаги панд-насиҳат ўқувчига жуда таъсирли қилиб берилган. Бу шеърлардаги айтилган фикрлар «Қуръон» ва «Ҳадис»даги ҳикматларнинг акс-садосидай жаранглайди.

Кимлар тожу тахтда фармонлар битиб,
Кимлар саман миниб, йўлларни ўтиб,
Кимлар падарини, элин хор этиб,
Гуноҳ зиндонига ботиб борадир…

Кўриниб турибдики, бу мисраларда давр ва шахс ўртасидаги зиддиятлар орқали ҳукмдорларни, золимларни инсофга чақиради. Умуман, Махтумқули шеъриятида нуқсонлар, нафс балосига гирифтор одамлар шумлигини шунчаки танқид қилиб қўйиш билан кифояланмайди, балки бу ҳол охир-оқибат инсонийлик асоси бўлмиш маънавиятга зарба бериб, мамлакат ва давлат негизларини емириши мумкинлигидан қайғуриб, огоҳлантиради. Золимлар мазлумларнинг эзса, ҳақгўйлар сўзи ўтмаса, подшоҳнинг ҳукмида адолат бўл- маса, бечора халқ додини кимга айтади, кимдан ҳимоя сўрайди?

Шоҳларда қолмади ҳукми адолат,
Бир пул учун муфти берар ривоят,
Бил, бу ишлар нишонайи қиёмат,
Золимлар бетавба ўта бошлади.

Махтумқулидан сал олдинроқ яшаб ўтган машҳур ўзбек шоири Турди Фароғий ўзбеклар юртидаги бош-бошдоқчилик, парокандалик, ўзаро келишмовчиликларни қаттиқ қоралаб:

Тор кўнгуллик беклар ман-ман деманг, кенглик қилинг,
Тўқсон икки бари ўзбек юртидур, тенглик қилинг,

деб халқни бирлашишга, иноқ, иттифоқ бўлиб яшашга чақиради.

Бундан сал кейинроқ яшаган туркман шоири Махтумқули Фироғий эса ўзининг «Туркман биноси» шеърида худди Турди шеърига ҳамоҳанг шеър ёзиб туркман уруғларини бирлашишга чақиради.

Така, ёвмут, язир, гўкланг, аҳал эли бир бўлиб,
Гар қилса бир жойга юриш, очилар гул лоласи.

Бундан шу нарса маълум бўладики, бу даврда Марказий Осиёда яшаётган туркий миллатларда ўз-ўзини англаш, тушкунлик давридан ўзини ўнглаб олишга ҳаракат кучая борган. Унинг ҳикматомуз фикрлари дадил ифодаланган «Фош этар сени», «Муҳтож айлама», «Ёқар кетар», «Бўларсан», «Керакмас» каби бир неча ўнлаб шеърларида ифодаланган фикрлар ҳам шундан далолат беради.

Бу дунёда яшашнинг маъносига тушуниш, яхши-ёмонни билиш, оламга ақл етказиши учун, аслига олганда, ҳаётда юзага чиқадиган мингларча саволларга жавоб ахтариб, Махтумқили ўзидан олдинги машҳур Шарқ шоирларининг, алломаларнинг асарларини чуқур ўзлаштирган. Шу билан бирга «Шерғози» мадрасасида ўқиётган пайтларида Фирдавсий, Умар Хайём, Сулаймон Боқирғоний, Низомий, Румий, Ҳофиз, Саъдий, Жомий, Насимий, Навоий, Фузулий ижоди ҳам Махтумқули илҳомига илҳом қўшарди. Яъни Махтумқули ўз ижоди илҳомини, бир томондан, халқ ижодиётидан олган бўлса, бошқа томондан, унинг томирлари Шарқ халқларининг бой руҳи маданиятининг ва адабиётининг ўтмиш тарихи билан туташади.

Шарқ буюк сўз санъаткорларининг Махтумқулига таъсирининг ёркин изларини бир мавзу муштараклигида кўрамиз. Лекин санъаткор шоир сифатида у ҳар бир мавзуга

ўзига хос ёндашади, ҳар бир мазмунни ўз қарашлари билан бойитади, ҳар бир фикрни ривожлантириб, унинг ўзига хос янги қирраларини очади. Шу боис, шоирнинг XVIII аср туркман адабиёти, қолаверса, жаҳон адабиётининг бетакрор сиймоларидан бири даражасига кўтарилишида Шарқнинг машҳур сўз усталари қаторида Алишер Навоий анъаналари Махтумқули ижодида, аввало, лирик турнинг ғазал, назира, мухаммас каби жанрларида кўпроқ кўринади. Шоирнинг арузда битилган шундай шеърлари борки, беихтиёр Навоий ғазалларини эслатади.

Адабиёт тарихидан маълум бўлишидай, Шарқ адабиётида қайсидир бир шоирнинг кўнгилга ёққан бир асарига назира ёзиш анъанаси аввалдан давом қилиб келинган. Амир Хисрав Деҳлавий, Абдураҳмон Жомий, Алишер Навоий, Насимий, Фузулий каби атоқли шоирлар назира ёзишнинг ажойиб намуналарини қолдиришган. Бир томондан, назира ёзиш шоирнинг ўзини аввалги шоирларнинг тажрибаси билан бойитса, яна бир томондан, бу анъанани ўзига яраша рақобати бўлиб, ҳар бир шоир ўзидан аввалги шоирнинг асарига монанд асар яратишга ҳаракат қилишган. Махтумқули ҳам устозларидан олганини ривожлантириб, шогирдларига узатди. Кўп асрлик бой Шарқ сўз санъати билан туркман мумтоз адабиёти ўртасида ўзига хос кўприк бўлди.

Албатта, устоз кўрган шоиргина салоҳиятли фикрлайди. Устозлар ва уларнинг билим салоҳияти орқали шоирлар инсонларда олийжаноб фазилатларни тарбиялашда имон, виждон, инсоф, диёнат, вафодорлик, поклик, дўстлик, ҳақиқий муҳаббат уруғларини камол топтиришда сўз қудратидан фойдалана билиш санъатини ўрганадилар.

Шунингдек, Алишер Навоийнинг бой ва ранг-баранг мероси, гўзал шеърияти, буюк достонлари Махтумқули Фироғийдек донишманд шоир учун илҳом булоғи, поэтик тажриба тўпланишида маънавий таянч, маҳорат мактаби бўлди.

Масалан, Махтумқулининг:

Қўлдан келган яхши ишинг бўлмаса,
Кўнгил ичра яхши ният яхшидир, -

мисралари устозининг яхшилик қилмаган киши ёмонлик ҳам қилмаса, шунинг ўзи ҳам яхшилик қилганча бор, мазмунидаги қуйидаги байтларига ҳамоҳанг жаранглайди:

Яхшилиғ гар қилмаса, бори ёмонлиғ қилмаса –
Ким ёмонлиғ қилмаса, қилганча бордур яхшилиғ.

Бу ҳикматлар бир мавзуда, бир йўналишда бўлса ҳам, бир-биридан ўзаро фарқ қилади: Навоий бировга ёмонлик қилмасликнинг ўзи яхшилик деса, Махтумқули яхшилик қилолмаганга яхши ният ҳам кифоядир дейди.

Яхшидир дунёда қолса яхши от,
Бу дунёга келган бўлсанг ўтарсан, -

мисралари эса Навоийнинг:

Бу гулшан ичраки, йўқтур бақо гулига сабот,
Ажаб саодат эрур чиқса яхшилик била от, -

номли ҳикматли сўзини ёдга туширади. Чунки ҳар иккала ҳикматда ҳам дунёнинг фонийлиги-ю, яхши номнинг боқийлигига урғу берилган. Бу фикрни ҳар бир шоир ўзига хос йўсинда ифодалаган.

Махтумқули ҳикматлари Навоийга қанча ўхшаш бўлмасин, фикрларда такрорийлик йўқ. Навоий қаламга олган мавзу XVIII аср шароитида, одамлари ахлоқи, реал воқелик талаби асосида қайта ишланган, кенгайтирилган.

Умуман, Махтумқули нафақат Туркман адабиётида, балки ўзбек адабиётида ҳам ўз ўрнига эга ижодкор ҳисобланади. Биз Навоийни қанчалик эзозласак, Махтумқулини ҳам шунчалик ҳурмат қиламиз, унинг шеърларидан таржималар ҳар бир хонадонда учрайди. Бу асар орқали ижодкорнинг биз билмаган жиҳатлари билан танишамиз.

Кези келганда шуни ҳам таъкидлашни лозим топаман, яъни ҳозирги замон ўзбек шоирларидан кўпчилиги, жумладан, Омон Матжон, Эркин Самандар, Ўктам шоир Давлатов ва бошқалар Махтумқули ижодий меросидан фойдаланган ҳолда, унинг анъаналарини давом эттириб, ажойиб қўшиқ ва ғазаллар

яратганлар ва бу анъана бугунги кунда ҳам катта қизиқиш билан давом эттирилмоқда.

Резюме

Шарқ буюк сўз санъаткорларининг Махтумқулига таъсирининг ёрқин изларини бир мавзу муштараклигида кўрамиз. Лекин санъаткор шоир сифатида у ҳар бир мавзуга ўзига хос ёндашади, ҳар бир мазмунни ўз қарашлари билан бойитади, ҳар бир фикрни ривожлантириб, унинг ўзига хос янги қирраларини очади. Шу боис, шоирнинг XVIII аср туркман адабиёти, қолаверса, жаҳон адабиётининг бетакрор сиймоларидан бири даражасига кўтарилишида Шарқнинг машҳур сўз усталари қаторида Алишер Навоий анъаналари Махтумқули ижодида, аввало, лирик турнинг ғазал, назира, мухаммас каби жанрларида кўпроқ кўринади. Шоирнинг арузда битилган шундай шеърлари борки, беихтиёр Навоий ғазалларини эслатади.

Summary

We see clear traces of the influence of the great literary artists of the East on Magtymkul in the general theme. But as an artist-poet, he approaches each topic in his own way, enriches each content with his views, develops each idea and discovers new aspects of it. Therefore, in the rise of the poet to the level of one of the unique figures of Turkmen literature and world literature of the 18th century, the traditions of Alisher Navoi, among the famous masters of the word of the East, are more noticeable in the work of Magtymguly, primarily in genres of the lyrical type, such as ghazal, nazira, mukhammas. The poet has poems written in aruza that involuntarily resemble Navoi’s gazelles.

Резюме

Яркие следы влияния великих художников слова Востока на Махтумкула мы видим в общей теме. Но как художник-поэт он по-своему подходит к каждой теме, обогащает каждое содержание своими взглядами, развивает каждую идею и открывает новые ее стороны. Поэтому в возвышении поэта до уровня одного из уникальных деятелей туркменской литературы и мировой литературы XVIII века традиции Алишера Навои, в

числе знаменитых мастеров слова Востока, более заметны в творчестве Махтумкули, прежде всего , в жанрах лирического типа, таких как газель, назира, мухаммас. Есть у поэта такие стихи, написанные на арузе, которые невольно напоминают газели Навои.

МАХТИМҚУЛИДАН ИЛҲОМ ОЛИБ...

Санъатжон Матчонбоевич САРИЕВ,
Урганч давлат университети
ўзбек тили ва адабиёти кафедраси профессори,
филология фанлари доктори

Халқлар маданий меросининг шаклланиши ва анъаналарининг ривожланишида улар ўртасидаги ижтимоий-сиёсий ва маданий алоқалари бениҳоят катта роль ўйнаган. Бу каби ижтимоий алоқалар ушбу халқларнинг фольклори ва ёзма адабиётида ҳам сезиларли из қолдирган. Буни туркман, ўзбек ва қорақалпоқ халқининг севимли ва ардоқли шоири Махтимқули шеърияти мисолида ҳам кўришимиз мумкин. *Фироғий* тахаллуси билан халқона, бахшиёна оҳангда шеърлар ёзган Махтимқули бугунги кунда жаҳон адабиётида ўзининг муносиб ўрнига эга.

Ўзбек халқи вакилларининг аксарияти шоир ижодидан бир қанча дидактик шеърни ёки сатрларни ёддан севиб ҳиргойи қилиб юради. Ўзбек халқ бахшилари ижодини эса Махтимқули шеърларисиз тасаввур қилиб бўлмайди. Бахшиларининг аксарияти тўғридан-тўғри эшитиш орқали достонларни ўрганиб кейин достон куйлашга ўтганлар. Бу жараёнда ёш бахшига халқона ва бахшиёна услубда яратилган Махтимқули шеърлари билан айтиладиган қўшиқлар ўргатилган. Айрим саводли бахшилар эса ўрганаётган достон ва қўшиқларни қўлёзмалардан ўқиб-ўрганиб ижрога ўтганлар. Бу жараёнда халқ достонларининг ва Махтимқули шеърларининг эл орасида мавжуд бўлган нусхаларидан фойдаланишган.

Махтимқулининг отаси Давлатмамад ҳунарманд-косиб бўлиш билан бирга жуда истеъдодли шоир ҳам бўлган. Унинг

панд-насиҳат ғоялари акс этган шеърлари ва «Ваъзи Озодий» манзумаси катта тарбиявий-маърифий аҳамиятга эгалиги билан ажралиб туради.

Махтимқули халқ дилига яқин бўлган дидактик шеърлар яратди. Шоирнинг ўзбек ва қорақалпоқ бахшилари томонидан ижро этилмаган бирорта шеъри йўқ. Айниқса, Хоразм, Бухоро ва Қорақалпоғистонда бахшилар достон куйлашдан олдин ёки тўйнинг бошланишида Махтимқули шеърларидан беш-ўнтача ашулла ижро қилишади. Кейин достон айтишни бошлайдилар ёки шўх ашулаларга навбат берилади. Айрим ҳолларда зиёфатлар эрталабгача давом этади ва ҳофизлар эрталабгача Махтимқулининг қўшиқларидан куйлаб беришади.

Махтимқули қўшиқларининг созсиз ижрочилари ҳам халқимиз орасида учраб туради. Жумладан, фольклоршунос О.Собиров ўзининг «Махтимқули ва ўзбек бахшилари» мақоласида Қашқадарё вилояти Бешкент тумани Қамаши қишлоғида яшовчи деҳқон Берди Авазовни Махтимқули шеърларини, хусусан, «Келар», «Сани», «Бўлар» каби кўплаб шеърларини созсиз, баланд овоз билан эл орасида куйлаб келганлигини айтиб ўтади [1, 142].

Бироқ шўролар даврида Махтимқулининг аксарият шеърлари асосан панд-насиҳат мазмунида бўлгани учун уларда парвардигорга, пайғамбарларга, алиёларга илтижолар, муножотлар акс этган бўлиб, шеърлар ўзгартирилган ҳолда куйланган. Масалан:

Эй ёронлар, мусулмонлар,
Келиб-кетмали дунё бу.
Худо берган ғўч йигитга,
Тўкиб-сочмали дунё бу [2, 235].

мисралари қуйидагича ўзгартирилган:

Эй ёронлар, биродарлар,
Келиб-кетмали дунё бу.
Қўли баланд ғўч йигитга,
Тўкиб-сочмали дунё бу.

Ёки яна битта мисолни кўрамиз:

Махтимқули, ўқи қуръон,
Худодан сўрагил иймон.
Ҳар банда бўлса бенишон,
Ўрни ўчмали дунё бу [2, 235].

Ушбу мисралар қуйидагича ўзгартирилган:

Махтимқули, ўқиғил сан,
Ўзингдан қолдир бир нишон.
Ҳар банда бўлса бенишон,
Ўрни ўчмали дунё бу.

Кўринадики, ўзгартирилган мисраларда фикр теранлигига путур етган.

Бугунги кунда ўз мустақиллигига эришган ва «Туркистон – умумий уйимиз» шиори остида яшаётган Ўрта Осиё ва бошқа туркий тилли халқлар ўзларининг ва қардош халқларнинг миллий адабий меросини ўз асл ҳолича ўрганиш ва баҳраманд бўлишдек катта имкониятга эга бўлдилар. Жумладан, барча туркман мумтоз адабиёт намояндалари қаторида Махтимқули ижоди ҳам ўз асл ҳолича ўрганилаётир.

Биз буюк шоир Махтимқули ижоди, ва ўзбек «Гўрўғли» достонларининг оғзаки вариантлари, қўлёзма ва тошбосма нусхалари ўртасидаги ҳамоҳанглик ҳақида айрим фикрларни билдириб ўтмоқчимиз.

Маълумки, Махтимқули XVIII асрнинг 2-ярмида яшаб ижод қилган. «Гўрўғли» достонлари эса, манбаларда, XVI-XVII асрларда Озарбайжон-туркман муҳитида вужудга келганлиги айтилади. Ваҳоланки, эпос қайси муҳитда шаклланганлигидан қатъий назар, у ҳар бир халқда алоҳида версиялар сифатида шаклланиб улгурган.

Махтимқули қўшиқларининг аксарияти халқ тилига яқинлиги, ҳазм қилиш бирмунча енгиллигида, уларнинг халқ достонлари матнлари билан ҳамоҳанг келишида айнан шу яқинликни сезиш қийин эмас. Ҳаттоки, айрим достонлардаги шеърий матнлар Махтимқули мисралари айнан бир хиллик касб этган. Бу ўз навбатида ушбу матнларнинг туб манбасини аниқлашда қийинчилик туғдиради. Бу борада қатор

маълумотларга мурожаат қиламиз. Туркман халқ қаҳрамонлик эпоси «Гўрўғли» достонларининг Москвада 1983 йилда чоп қилинган нашрида Туркман фольклоршунос олими Б.А.Қарриев шундай маълумотларни келтириб ўтади: «Гўрўғли» достонлари тили (бу ерда туркман «Гўрўғли»си ҳақида сўз кетмоқда) туркман мумтоз шоирлари Махтимқули, Каминанинг халқ орасида оммалашган шеърлари билан жуда яқинлик касб этадики, бу жараёнда ушбу шеърий матнларнинг дастлабки муаллифи ким эканлигини, яъни мумтоз туркман шоирими ёки эпос қаҳрамони эканини аниқлаб олиш жуда қийин». Масалан:

Махтимқули:
Бир кеча ётардим, туннинг ярминда,
Бир тўрт отли келиб «Турғил» дедилар.
Гўрўғли:
Ғафлатда ётардим, келди эранлар,
«Тур, ғофил еринғнан уйғон!» дедилар [3, 30].

Фольклоршунос О.Собиров эса Махтимқули қаламига мансуб айрим сатрларни ўзбек халқ бахшиси Ислом Назар ўғли репертуаридаги сатрларга қиёс қилади. Масалан:

Махтимқули:
Қадрдон, қардошдан узоқ, дош бўлиб,
Қадрсиз ёт билан қариндош бўлиб.
Махтимқули носозлара дуч бўлиб,
Хўжанинг, саиднинг юришин кўринг.
Ислом шоир:
Махтимқули, ахир ҳолинг на кечар,
Ёмон чақирсанг-ку мажлисинг қочар.
Энди бўлиб номардларга сен дучор,
Хўжаи саиднинг юришин кўринг [1, 140].

Демак, Махтимқули қаламига мансуб қўшиқлар халқ ижодкорлари томонидан индивидуал равишда ўз яшаш тарзи ва шароитига қараб қайта ишланган. Мақоламизда бу каби истилоҳларга кўпроқ ўрин беришимизга сабаб, фольклор ва ёзма

адабиётнинг бир-бирига таъсири масаласини янада ойдинроқ ёритиб беришдан иборатдир.

Махтимқулининг айрим шеърлари билан «Гўрўғли» достонлари қўлёзма нуссхаларидаги шеърий матнлар шу даражада уйғунлик касб этганки, бу ҳар бир фольклоршунос ёки Махтимқулишунос олимнинг эътиборини тортиши, шубҳасиз. Ҳолбуки, халқимизнинг Махтимқули ижодини севиб ўқийдиган айрим вакиллари «Гўрўғли» достонларини Махтимқули ёзган бўлса керак, деб айтиб юришади. Бу албатта ҳаиқатдан йироқ фикр. Лекин қараб чиқилса, Махтимқули шеърлари билан «Гўрўғли» достонлари қўлёзма нусхаларидаги матнлар жуда яқинки, киши беихтиёр ҳайратда қолади. Жумладан, Махтимқулининг ўзбек бахши-ҳофизлари орасида кенг тарқалган ва «Мухаммаси бахши» номи билан машҳур бўлган «Бўлмишам» радифли мухаммасини қиёслаб кўрамиз:

Эй яранлар, бир йузи гул, ая ашык болмушам,
Барчалар максады гул рагная ашык болмушам,
Билбилем баг ичре, бир говгая ашык болмушам,
Ози гайып, зулплери елдая ашык болмушам,
Мензилим баг ичредир, сехрая ашык болмушам [2, 79].

Энди «Гўрўғли» достонларининг Ўзбекистон республикаси Фанлар Академияси Шақршунослик институти Қўлёзмалар фондида сақланаётган 9590-рақамли қўлёзмасида берилган шеърга назар солинг:

Жон отам, тушимда манн бир ёра ошиқ бўлмишам,
Сан эшит арзимни, бир жонона ошиқ бўлмишам,

Бу баҳори гул, очилғон тоза гулшан боғида,
Тар мунаввар, сунбули райҳона ошиқ бўлмишам [4, 5].

Кўриниб турибдики, Махтимқулига мансуб шеър Мухаммас жанрида, қўлёзмадаги шеър эса ғазал жанрида ёзилган. Бундай ўхшашликларни жуда кўплаб учратиш мумкин.

Демак, Махтимқули ижодига мансуб шеърларга ўхшаш мисраларнинг халқ достонларида учрашининг асосий

сабабларини аниқлаш учун бу масалани алоҳида тадқиқот сифатида тадқиқ қилиш ўринли деб ҳисоблаймиз.

Адабиётлар

1. Собиров О. Махтимқули ва ўзбек бахшилари / Ўзбек халқ ижоди. – Тошкент: Фан, 1967. – Б. 142.
2. Магтымгулы. Туркменистан Ылымлар академияси. – Ашгабад, 1952. – С. 520.
3. Гёр-оглы / Турменский героический эпос. Главная редакция восточной литературы. – Москва, 1983.
4. ЎзР ФА ШИ Қўлёзмалар фондида сақланаётган 9590-рақамли инвентарь. – С. 211.

Резюме

Халқ оғзаки ижоди ёзма адабиётнинг шаклланишида, ўз навбатида ёзма адабиёт халқ оғзаки ижодининг гуллаб-яшнашида ўзига хос роль ўйнаб келган. Мазкур мақолада ёзма адабиёт ва халқ оғзаки ижоди ўртасидаги алоқалар ва ўзаро таъсир тушунчалари Махтимқули шеърияти ва ўзбек халқ бахшилари ижоди мисолида таҳлил этилади.

Калит сўзлар. Халқ оғзаки ижоди, ёзма адабиёт, фольклор сюжетлари, халқ оғзаки ижоди ва ёзма адабиёт ўртасидаги алоқалар Махтимқули лирикаси, ўзбек халқ бахшилари ижоди.

Summary

Oral folk art played a unique role in the formation of written literature, just as written literature, in turn, influenced the development of oral folk art. The article examines the relationship and mutual influence of written literature and oral folk art using the example of Magtymguly’s lyrics and the creativity of Uzbek folk bakhshi.

Key words. Oral folk art, written literature, folklore stories, the relationship between written literature and oral folk art, Magtymguly's lyrics, creativity of Uzbek folk bakhshi.

Резюме

Устное народное творчество сыграло своеобразную роль в формировании письменной литературы подобно тому, как

письменная литература, в свою очередь, повлияла на развитие устного народного творчества. В статье взаимосвязь и взаимовлияние письменной литературы и устного народного творчества исследуется на примере лирики Махтумкули, творчества узбекских народных бахши.

Ключевые слова. Устное народное творчество, письменная литература, фольклорные сюжеты, взаимосвязь письменной литературы и устного народного творчества, лирика Махтумкули, творчество узбекских народных бахши.

DIPLOMATIK GATNAŞYKLARDA EDEBIÝATYŇ ORNY

MUKYMOWA A.,
TYA-nyň Magtymguly adyndaky
Dil, edebiýat we milli golýazmalar institutynyň
türkmen edebiýaty we edebi gatnaşyklar
bölüminiň uly ylmy işgäri

Garaşsyzlyk ýyllary içinde, ylaýta-da soňky on – on bäş ýylyň içinde doganlyk halklarynyň medeniýetleriniň arasynda hyzmatdaşlyk ösdi we ösüşini dowam etdirýär, olaryň medeniýetleriniň ýakynlaşyşy güýçlenip, şol ýakynlaşmaklyk, baglanyşyk dürli görnüşlerde ýüze çykýar. Bu ýagdaý türkmen halkynyň edebiýatynyň ýene-de täze güýç bilen ösüp, uly üstünlikler gazanmagy üçin zerur şertleri döredýär. Edebiýatlar bir-birine täsir etmegi bilen baýlaşýarlar, bir-birleriniň iň gowy däplerini özleşdirýärler.

Hormatly Prezidentimiz ikitaraplaýyn bähbitli gatnaşyklaryň täze derejesine badalga berýär. Taryhy ýakynlygy, medeni-ruhy, däp-dessur umumylyklary türkmen we özbek halklaryny asyrlaryň dowamynda baglanyşdyryp geldi. Häzirki wagtda iki döwletiň arasyndaky dost-doganlyga, özara bähbitlilige esaslanýan gatnaşyklar has-da işjeň we netijeli tapgyryna gadam basýar. Dogry, bu doganlyk gatnaşygynyň kökleri taryhyň çuňluklaryna aralaşýar.

Resmi we taryhy maglumatlaryň esaslandyrmagyna görä, asyrlaryň dowamynda biziň kowumdaşlarymyz Özbegistanda, özbek halkynyň wekilleri bolsa Türkmenistanyň çäginde ýaşap gelmekleriniň özi-de bu iki halkyň gatnaşyklarynyň häsiýetine, gadymylygyna güwä geçip biler.

Häzir Özbegistan respublikasynda 192 müň töweregi türkmen kowumdaşlarymyz ýaşaýar. Olar, esasan, bu ýurduň Horezm, Daşkent, Buhara, Kaşgaderýa, Samarkant we Surhanderýa welaýatlarynda, seýle hem Özbegistanyň Garagalpagystan Respublikasynda ýaşaýarlar. Özbegistanly türkmenler Horezm, Buhara, Nurata ýaly toparlara bölünýärler.

Özbegistanly kowumdaşlarymyz özbek medeniýetiniň täsirine garamazdan, asyrlaryň dowamynda özleriniň milliligini, ene dilini, şaý-seplerini, egin-eşiklerini, el hünärlerini we däp-dessurlaryny saklap gelýärler. Olar haly-palas dokaýarlar, ahalteke atlaryny idedýärler, türkmençiligi berjaý edýärler. Bu ýeriň atşynaslary Gahryman Arkadagymyzyň başlangyjy bilen döredilen Halkara ahalteke atçylyk assosiasiýasynyň agzalary bolup durýarlar.

Häzir bu ýurtda 51 sany türkmen mekdebi hereket edýär. Olar Türkmenistan tarapyndan türkmen dilindäki okuw kitaplary bilen üpjün edilýär. Şonuň ýaly-da bu ýurtda türkmen dilinde birnäçe gazet çykarylyp, teleradiogepleşikleri ýaýlyma berilýär.

Bu ýeriň türkmenleriniň öz ýazyjy-şahyrlary, bagşy-sazandalary bar. «Görogly» we dürli türkmen dessanlary olaryň gowy görýän eserleridir. Beýik Magtymgula uly hormat goýulýar. Magtymgulynyň aýdyma öwrülen goşgularyny uly höwes bilen Özbegistanyň meşhur aýdymçylary öz repertuaryndan aýyrman gelýärler.

Özbek we türkmen halklarynyň taryhynyň, medeniýetiniň, ruhy gymmatlyklarynyň ýakynlygy häzirki şertlerde doganlyk halklaryň has-da ýakynlaşmagyna we hyzmatdaşlyk gatnaşyklarynyň giňelmegine ýardam edýär.

Bu günki gün Hormatly Prezidentimiziň parasatly baştutanlygynda Özbegistan bilen hemmetaraplaýyn gatnaşyklar barha ösdürilýär. Türkmen we özbek duşuşyklaryň birinde Milli Lidermiziň dürli meseleler bilen bir hatarda bu iki döwletiň

edebiýatynyň asyrlarboýy dowam eden dostlugynyň Alişer Nowaýy we Magtymguly Pyragynyň döredijiliginde hasam aýdyň ýüze çykýandygyny bellemegi-de bu iki halkyň edebi gatnaşygynyň berkliginden habar berýär.

Alym Arkadagymyz Özbegistana bolan taryhy saparlarynyň birinde Şawkat Mirziýoýew bilen ol ýurduň kitaphanalaryna gezelenç edip, ol ýerde edebiýat ýygyndylary bilen tanyşdylar. Kitaphanada diňe Horezm döwletiniň däl-de, eýsem, tutuş sebitiň taryhynyň dürli döwürlerine degişli monografiýalar gaznanyň esasy hazynasyny doldurýar. Bu ýerde Arkadagymyzyň ylmy işlerine we çeper eserlerine aýratyn orun berlip, sergi guraldy.

Milli Liderimiz Özbegistanyň milli kitaphanasynda saklanylýan kitaplar bilen gyzyklanyp, halklarymyzyň gelip çykyşy boýunça ýakyn bolup, medeni täsiri, goňşuçylygyň müňýyllyk taryhy, dilleriň, däp-dessurlaryň ýakynlygy bilen özara baglydygyny belledi. Bu ýagdaý ynsanperwer ugurda hyzmatdaşlygy giňeltmek işinde esasy şert bolup hyzmat edýär diýip, Alym Arkadagymyz Gurbanguly Berdimuhamedow iki ýurduň ylmy merkezleriniň arasynda has ýakyn gatnaşyklaryň ýola goýulmagy ugrunda pikirini beýan etdi.

Türkmen edebiýatynyň goňşy özbek halkynyň edebi mirasy bilen özara baglanyşygy örän uludyr. Bu edebi gatnaşyklaryň arasyndaky baglanyşyk dürli ýagdaýlarda, dürli görnüşlerde, dürli edebi eserlerde öz yzyny galdyrypdyr. Şu babatda edebiýat öwreniş ylmynda aýry-aýry halklaryň edebiýatlarynyň bir-birine oňaýly täsiri we özara baglanyşygy baradaky meseläni derňemeklige aýratyn üns berilýär. Ýurdumyzda şu meselä bagyşlanyp, birnäçe ylmy konferensiýalaryň, maslahatlaryň geçirilmegi, ençeme kitaplaryň, makalalaryň çap edilmegi munuň aýdyň şaýadydyr.

Ýeri gelende bellesek, bu duldegşir goňşy döwletimiziň ýokary we orta okuw mekdeplerinde türkmenistanly ýaşlaryň birnäçesi okap, bilim alýarlar. Daşkent şäheriniň merkezinde 2018-nji ýyldan bäri hereket edip gelýän «Aşgabat» seýilgähi bolsa bu ýerde okaýan talyplarymyzyň arzyly künjegine öwrüldi. Şeýle hem 2017-nji ýylda akyldar Magtymguly Pyragynyň ady Daşkendiň köçeleriniň birine dakylyp, ol ýerde şahyryň heýkeli oturdyldy. Aşgabatda bolsa,

«Daşkent» parky gurlup ulanylmaga berildi we Türkmenabat şäherinde Özbegistanyň ilkinji Prezidenti Islam Karimowyň ýadygärligi bina edildi.

Dünýä ylmyna goşan ägirt uly goşandy üçin alym Arkadagymyza Özbegistan Respublikasynyň Ylymlar akademiýasynyň «Hormatly akademigi» diýen belent dereje berildi.

Hiç bir halkyň dili-de, edebiýaty-da bir-birinden üzňelikde ösmeýär. Islendik halkyň edebiýatynda beýleki bir halkyň edebi döredijiliginiň täsirini görmek bolýar. Edebiýat ulgamynda edebi hyzmatdaşlyk ösüşiň esasy şertleriniň biridir.

Türkmen we özbek halklarynyň edebi hyzmatdaşlygy olaryň halk hökmünde dörän ilkinji günlerinden bäri dowam edip gelýär. Munuň aýdyň mysallaryny halk döredijiligi žanrlarynyň ähli görnüşlerinde görmek mümkin. Nakyllar, matallar, hüwdüler, halk aýdymlary, öleňler, ertekiler, şorta sözler, rowaýatlar, eposlar ýaly halk döredijiliginiň görnüşlerinde mazmun taýyndan, ideýa taýyndan, forma taýyndan, kompozision gurluşygy taýyndan, hatda käbir görnüşlerde şularyň ählisi babatynda doly umumylyk görkezýän görnüşler türkmen we özbek halk döredijiliginde gabat gelýär. Şunuň bilen bir hatarda şeýle umumylyklarda görnüşleriň köpüsinde millilik inçelik bilen öz beýanyny tapypdyr. Görnüşleriň mazmun we formasyny emele getirýän ähli elementler öz hili, hyzmaty we häsiýeti taýyndan çalymdaş bolsa-da olaryň ulanylyş usuly türkmen we özbek halk döredijiligi görnüşlerini aýyl-saýyl etmäge şert döredipdir.

Türkmen edebiýatynyň-da, özbek edebiýatynyň-da görnükli wekillerinden halk döredijiligine ýüzlenmedigi ýok diýip, arkaýyn aýdyp bolar. Iki halkyň ýazuwly edebiýatynda halk döredijiliginiň örän uly paýy bar. Türkmen edebiýatynda Andalyp, Azady, Magrupy, Şeýdaýy, Şabende, Kemine, Mollanepes ýaly şahyrlaryň döredijiliginde, has dogrusy, dessanlarynda, goşgularynda halk döredijiliginiň yzlaryny görmek bolýar. Olary öz täsirine düşüren halk döredijiligi eserleri özbek halkynyň arasynda-da, türkmen halkynyň arasynda-da meşhur bolan eserlerdir. Halk döredijiligine degişli bu ýordumlar türkmen şahyrlary tarapyndan-da, özbek şahyrlary tarapyndan-da ussatlyk bilen peýdalanylypdyr. Saýkaly,

Saýodi, Agahi, Munis ýaly ençeme özbek şahyrlary-da bu halk ýordumlaryndan ezberlik bilen peýdalanypdyr. Halk ýordumy hemmä deňlik bolsa-da, her şahyr öz ussatlygyna görä ajaýyplyklary döredipdir. Ol ýordumlara her halkyň wekili öz şahsy düşünjeleri bilen birlikde, milli garaýyşlaryny-da siňdirmegi başarypdyr.

XX asyra çenli özbek halky Magtymgulynyň, Keminäniň ýa bolmasa islendik türkmen edebi wekiliniň eserini hiç hili bökdençlik çekmezden özbekçe okap bilipdir. Edil şolar ýaly türkmenler-de özbek edebiýatynyň islendik wekiliniň eserini hiç hili terjimeçä zerurlyk duýmazdan türkmençe okap bilipdir. Ýöne agzalan asyrdan soň, terjimeçilik zerurlygy ýüze çykypdyr. Munuň hem sebäbi XX asyra çenli iki halk hem arap elipbiýini ulanypdyr. Arap elipbiýinde türkiçe ýazylan islendik eser özbekler tarapyndan özbekçe, türkmenler tarapyndan türkmençe okalyp bilnipdir. Şonuň üçin XX asyr iki halkyň arasyndaky edebi hyzmatdaşlygynda täze sahypa açan we terjimeçilik zerurlygyny döreden asyr bolupdyr. Ýöne bu täzeligiň iki halkyň edebi gatnaşygynyň berkemegine hiç hili täsir edip bilmändir.

Rezyume

Mustaqillik yillarida va so‘nggi o‘n-o‘n besh yilda qardosh xalqlar madaniyati o‘rtasidagi hamkorlik rivojlandi va rivojlanmoqda, madaniyatlarining yaqinlashuvi faollashmoqda va bu yaqinlashuv va bog‘liqlik turli ko‘rinishlarda namoyon bo‘lmoqda. Bu holat turkman xalqi adabiyotining yangi kuch bilan yuksalishi, ulkan muvaffaqiyatlarga erishishi uchun zarur shart-sharoit yaratadi.

Adabiyotlar o‘zaro ta’sir, bir-birining eng yaxshi an’analarini o‘zlashtirish orqali boyib boradi. Turkman va o‘zbek xalqlarining adabiy hamkorligi xalq sifatida vujudga kelgan ilk kunlardanoq davom etib kelmoqda. Buning yorqin misollarini folklorning barcha janrlarida ko‘rish mumkin. Ushbu maqola shu haqida.

Tayanch so‘zlar: turkman va o‘zbek xalqlarining adabiy hamkorligi.

Summary

During the years of independence and in the last ten to fifteen years, cooperation between the cultures of sister nations has developed and is developing, the rapprochement of their cultures is

becoming more active, and this rapprochement and connection is manifested in various forms. This situation creates the necessary conditions for the literature of the Turkmen people to rise with new strength and achieve great success.

Literatures are enriched by mutual influence, assimilation of each other's best traditions. Literary cooperation between the Turkmen and Uzbek peoples has been going on since the first days of their existence as a nation. Bright examples of this can be seen in all genres of folklore. This article is about that.

Key words: literary cooperation of Turkmen and Uzbek peoples.

Резюме

За годы независимости и в последние десять-пятнадцать лет развивалось и продолжает развиваться сотрудничество между культурами братских народов, усиливается сближение их культур, причем это сближение и связь проявляется в различных формах. Такая ситуация создает необходимые условия для того, чтобы литература туркменского народа выросла с новыми силами и достигла больших успехов. Литературы обогащаются взаимным влиянием, осваивая лучшие традиции друг друга.

Литературное сотрудничество между туркменским и узбекским народами продолжается с первых дней их существования как народа. Яркие примеры этого можно увидеть во всех жанрах фольклора. Данная статья об этом.

Ключевые слова: литературное сотрудничество между туркменским и узбекским народами.

O‘ZBEK SHE‘RIYATIDA MAXTUMQULI ROLI

Usmon QOSIMOV,
Jizzax davlat pedagogika universiteti professori,
filologiya fanlari doktori

Akbar JUMANOV,
Jizzax davlat pedagogika universiteti o‘qituvchisi

Maxtumquli ijodi turkman mumtoz she’riyatining yuksak bir cho‘qqisi hisoblanadi. Hamisha xalq bilan hamdard va hamnafas bo‘lib, hayotning achchiq-chuchugini birga totgan shoir juda ko‘p marta safarlarda bo‘ladi. Boy va murakkab hayotiy tajribasi hamda o‘zbek va fors-tojik mumtoz adabiyotini chuqur o‘rganishi natijasida u yuksak poetik mahorat sohibi bo‘lib yetishadi. Firog‘iy taxallusi bilan sermahsul ijod qilgan shoir xalqona va milliy ruhda bitilgan ko‘plab g‘azallar, ruboiylar va qit’alari bilan elga manzur bo‘ladi. Shoir nomi va ijodining mashhur bo‘lib va katta shuhrat qozonishining asosiy sabab va omillari shundaki, u ko‘p asrli mumtoz adabiyot va tasavvuf she’riyatining an’analarini o‘ziga xos shakllarda muvaffaqiyatli davom ettira oldi. Jahon adabiyotidan m’alumki, ijodkor iste’dodi tabiiy, tug‘ma bo‘lishi bilan birga uning kamol topishi, o‘ziga xos novator ijodkor bo‘lishi ko‘plab obyektiv-subyektiv shart-sharoit va omillarga bog‘liq. So‘z san’ati rivojining ushbu adabiy faktor-omillari qanday namoyon bo‘lishini mumtoz adabiyotimiz va ayniqsa, Navoiy an’analarining Maxtumquli tomonidan ijodiy davom ettirilishida yaqqol ko‘rish mumkin.

Navoiy ijodi nafaqat o‘zbek adabiyoti namoyandalarining, balki fors-tojik va ozarbayjon, turkman va qozoq xalqlari adabiyoti vakillari ijodiga ham barakali ta’sir o‘tkazib, bu adabiyotlar rivojiga ham ulkan hissa qo‘shdi. Binobarin, Navoiy va Maxtumquli ijodi misolida adabiy ta’sir, an’ana va novatorlikning uzviy bog‘liqligi va badiiy-estetik tafakkur rivojidagi muhim ahamiyatini o‘rganish adabiyotshunoslik va ma’naviyatning dolzarb muammolaridan biri bo‘lib hisoblanadi. Navoiyning serqirra adabiy faoliyati va boy ijodiyoti ko‘plab xalq va millatlar o‘rtasida madaniy va adabiy aloqalarni mustahkamlashga beqiyos xizmat qilmoqda. Ayniqsa, bugungi kunda Turkiy xalqlar tashkilotida Prezidentimiz

Sh.Mirziyoyev tashabbusi bilan Alisher Navoiy nomidagi xalqaro Davlat mukofoti ta’sis etilgani ham ulkan bir tarixiy voqea bo‘ldi [1]. Binobarin, o‘z asarlarida «Olam ahli bilingizkim ish ermas dushmanlig‘, Yor o‘lung bir-biringizgakim erur yorlig‘ ish» [2, B.341] deya, xalqlar do‘stligi va birdamligini tarannum etgan Navoiyning chuqur insonparvarlik g‘oyalari bilan sug‘orilgan mumtoz she’r va dostonlari Sharq va O‘rta Osiyo xalqlari adabiyotining taraqqiyotiga samarali ta’sir o‘tkazib kelganligi jahon adabiyoti va adabiyotshunosligi tarixining yorqin sahifalarini tashkil etadi.

Ular badiiy ijodning muhim bir qonuniyati bo‘lgan adabiy vorislik va an’anaviylikni ko‘rsatishi bilan birga, Navoiyni ulug‘ ustoz deb bilgan Fuzuliy va Maxtumquli, Abay, Berdaq, Mirzo Tursunzoda singari buyuk allomalarning asarlarida kuylangan umuminsoniy g‘oya va aqidalarning hayotiy ildizlari muborak Hadislar va xalq naqllari kabi juda teran va qadimiyligidan ham dalolat beradi.

Turkman adabiyotining asoschilaridan biriga aylangan Maxtumquli ustoz Navoiy an’analariga ergashib, o‘z she’rlari va g‘azallari bilan xalqqa xizmat qilish, uning dard-tashvishlari va orzu-armonlarini kuylashni o‘zining muqaddas burchi deb biladi. Uning she’rlarida el-yurt tinchligi yo‘lida qayg‘urish yetakchi g‘oya bo‘lishi bilan birga insonlarni insof-diyonatga, komillikka da’vat qiluvchi ibratli pand-nasihat va axloq-odob bobidagi hayotiy saboq-o‘gitlar shoir ijodining ustuvor yo‘nalishini tashkil etadi. Eng muhimi, Maxtumquli Navoiy ijodidan o‘rganish va uning ezgu amallari va yuksak g‘oyalarini ijodiy davom ettirish orqali o‘z davrining muammolarini va xalqining o‘y-kechinmalarini haqqoniy aks ettirishga erishadi. Maxtumqulining aksariyat she’r va g‘azallari eng avvalo mazmunan teranligi, shaklan sodda va mukammalligi hamda poetik yetukligi bilan ajralib turadi. Ayni vaqtda, ularning deyarli barchasida chuqur falsafiy fikr va xalqona pand-hikmatlar hayotiy bir yo‘sinda ifodalanganligi bu she’rlarga tabiiylik va baxshiyona soddalik bag‘ishlaydi. Fikrimizning dalili sifatida Maxtumqulining Navoiy she’rlariga hamohang bo‘lgan bir necha satrlarini ko‘zdan kechiraylik:

Avval, Maxtumquli, o‘zing tuzatgil,
O‘zingni sen o‘zgalarga ko‘z etgil,
Oz yegil, oz yotgil, so‘zing oz etgil,
Ne bor bema’ni so‘z uzaytmoq bilan.
Yoki: Odam bo‘lib, odam qadrin bilmagan
Kishilardan o‘tlab yurgan mol yaxshi.
So‘zlaganda so‘z ma’nisin bilmagan
Insonlardan so‘zlayolmas mol yaxshi. [5, B.341]

Maxtumquli ijodini Navoiy she’riyati bilan qiyosiy o‘rganilsa, bunday ibratomiz misollar ko‘plab uchraydi. Darhaqiqat, Navoiyning o‘lmas she’riyati va umuminsoniy g‘oyalari va ularning ko‘plab o‘zbek va boshqa turkigo‘y shoir va adiblar ijodiga barakali ta’siri ijodiy-estetik manba bo‘lganligi haqli ravishda e’tirof etiladi. Jumladan, Fuzuliy, Maxtumquli, Abay va Berdaq, Mirzo Tursunzoda va Sadriddin Ayniy singari mashhur shoir va adiblarning ijodi va iste’dodining shakllanishi va kamol topishida Navoiy she’riyati va adabiy an’analarining ilhombaxsh ta’siri kuchli bo‘lgan. Bu tarixiy haqiqatni bir misol bilan isbotlash mumkin. Asrimizning zabardast shoir va mutafakkirlaridan biri, turkiy xalqlar tarixi, ularning qadimiy tillari va adabiyotini chuqur o‘rgangan O‘ljas Sulaymonning quyidagi muxtasar she’ri ham fikrimizning dalili bo‘la oladi:

O‘, men nomard, Xayyom bo‘lsaydim agar,
O‘, men nokas, Hofiz bo‘lsaydim agar,
O‘, Maxambet bo‘lsaydim agar
Murodimga yetardim balki! [3]

Navoiyning beqiyos ijodi o‘z davrida va keyingi asrlarda ham Maxtumquli kabi ko‘plab turkigo‘y va forsigo‘y shoirlar tomonidan ijodiy davom ettirilgani adabiyot rivojida muhim ahamiyat kasb etadi va ular bugun ham ilhombaxsh manba bo‘lib xizmat qilmoqda.

Maxtumqulining shaxsiy hayoti juda og‘ir kechadi, ikki o‘g‘li bo‘ladi, lekin ular yoshligidanoq vafot etadilar. Bu og‘ir judolikdan keyin shoir g‘am-anduh bilan
shunday yozadi:

Jahongashta devonalar,

Men kabi hech yongan bormi?
Ishq qurboni parvonalar,
U olovdan qongan bormi? [4, B.8]

Bu kabi dardli misralarni o‘qigan kitobxon ularning otashnafas shoirimiz Mashrabning «meni yo‘qlar kishim bormu» va «bo‘lmadim obod dastingdin» radifli avtobiografik mazmunda bitilgan mashhur she’rlari bilan hamohangligini payqashi qiyin emas.

Maxtumquli bir qancha lirik she’rlar, liro-epik dostonlar va g‘azallar yozgan. Bizgacha uning 20 ming misraga yaqin she’rlari yetib kelganki, bu asarlarning mavzu doirasi xilma-xil va rang-barang. Shoir she’rlarida xalq hayoti, urf-odatlari va o‘sha davrdagi ijtimoiy voqealar haqqoniy aks ettirilgan. Masalan, «Bo‘lmasa», «Kelgay», «Yomg‘ir yog‘dir», «Naylayin», «Etmas», «Bo‘lar», «Kechdi zamona» kabi asarlari shular jumlasidandir. Maxtumquli lirikasida Yassaviy, Navoiy va Mashrab kabi allomalar ijodida yetakchi bo‘lgan falsafiy-so‘fistik oqimning ta’siri yaqqol seziladi va bu bejiz emas. Maxtumquli islomiy bilimlarni chuqur o‘zlashtirgan orif-donishmand va ijodkor bir shaxs edi. Shu boisdan ham uning pand-nasihat ruhidagi she’riyatida Qur’on oyatlari, payg‘ambarlar hadislariga ko‘p murojaat etilgan. Shu bilan birga Maxtumquli asarlari vatanga muhabbat, adolatli podshoni orzu qilish, shuningdek, adolatsizlikni fosh etish ruhi bilan sug‘orilgan. Maxtumquli turkman she’riyatida shakl va mazmun bobida betakror novator ijodkor edi. U g‘azalnavislikni mukamallashtirib, unda ishq-muhabbat motivlarini ijtimoiy mavzu bilan bog‘lab va boyitib rivojlantirdi. Maxtumquli ijodida vatanparvarlik mavzusi insonni va insoniy muhabbatni ulug‘lovchi she’rlar asosiy o‘rinni egallaydi. Shoir o‘z ijodida hukmdorlar zulmi ostida ezilgan xalqning og‘ir ahvolini yorqin ifodalalaydi, u oddiy xalq manfaatlarini ko‘zlovchi odil jamiyatni orzu qiladi. Maxtumquli asarlarining mavzulari, janr xususiyatlari, shakliy o‘ziga xosligi, asarlari tilining nihoyatda xalqchilligi bilan ko‘p asrlik turkman adabiyotini yangi bir bosqichga ko‘tardi. Maxtumquli turkman adabiyotiga obrazli xalq tilini, maqol va matallarni keng qo‘llaydi. Ayrim misralari xalq hikmatlariga aylanib ketgan. Shoir qo‘shiqlarining mavzu-g‘oyalari ham rang-barangdir. Ularda qahramonlik, axloqiy-didaktik g‘oyalar hamda qadimgi

afsona-rivoyatlarni hikoya qiluvchi syujetli qo‘shiqlar ham muhim o‘rin tutadi.

Shoirning xalq og‘zaki ijodi namunalariga monand qo‘shiqlaridagi yetakchi bir mavzu-dunyoning foniyligi, odam umrining qisqaligini kuylash va insonlarni diyonat va shukronalikka da’vat etishdir:

Ey, odam, dunyoni aylama havas,
Foniydur, hech kimga poyoni bo‘lmas.
Molu dunyo berib, necha ming g‘ani,
La’lu javohirdan bo‘lib maskani,
Ketdi, qo‘yib qasru ko‘shku ayvonni,
Borgandan so‘ng qaytib kelgoni bo‘lmas. [4, B.47]

Maxtumquli o‘z davrining jarohatlariga ahillik va hamjihatlikni, iymon va e’tiqodni, ajdodlar udumiga asoslangan hamdardlik va adolatli kurashni qarshi qo‘yadi va bu tuyg‘uni poetik so‘z qudrati bilan ma’naviy qadriyat tarzida kuylaydi:

Oqil uldir, mayl etmasa dunyoga,
Sidq ila sig‘insa qodir Allohga,
Maxtumquli, bir surati zeboga
Boqmag‘il, ularning poyoni bo‘lmas! [5, B.63].

Shoir haqidagi fikrlar va xarakterli nazmiy misollar muayyan xulosa va umumlashma qilish uchun yetarli asos bo‘ladi. Maxtumquli buyuk Navoiyga ergashib, o‘z asarlarida xalq hayotini va uning asriy orzu-umidlarini kuyladi va o‘z ijodi bilan boshqa shoirlar uchun bir ibrat namunasini ko‘rsatdi deyish mumkin. Millatparvar shoir hayoti va she’riyati turkman adabiyoti tarixida yangi bir sahifa ochdi va uning ijodi turkman adabiyotining rivojida juda katta rol o‘ynadi. XVIII asr oxiri XIX asr boshlarida yashab ijod etgan turkman shoirlari Mulla Napas, Andalib, Ozodiy, Saidiy, Miskin Qilich, Zeliliy kabi shoirlar Maxtumquli an’analarini davom ettirdi. Maxtumquli she’riyati kitobxonlarga turkman adabiyoti va xalqining o‘ziga xos madaniyati bilan tanishishga va xalqlarimiz o‘rtasidagi do‘stlikni yanada mustahkamlashga yordam beradi. Maxtumquli asarlarining shuhrati o‘zbek kitobxonlari orasida ham keng tarqalgan. Uning ko‘p she’rlari mashhur xofizlarimiz tomonidan qo‘shiq qilib

aytiladi. Tanlangan asarlari bir necha marta nashr qilingan. Nomi ham abadiylashtirilgan. 1996-yilda Xivada Maxtumquliga haykal o‘rnatilgan va bu yuksak e’tipof Maxtumqulining o‘zbek va turkman xalqlari uchun birdek qadrli mutafakkir shoir ekanligining yorqin dalilidir. Darhaqiqat, Maxtumqulini bilmagan bironta o‘zbek ham, turkman ham yo‘q, desak aslo mubolag‘a bo‘lmaydi.

Adabiyotlar

1. O‘zbekiston Respublikasi Prezidenti Shavkat Mirziyoyevning Turkiy tilli davlatlar hamkorlik kengashi sammitidagi nutqi (president.uz). 2021-yil 13-noyabr.
2. Alisher Navoiy. Navodir un-nihoya. Mukammal asarlar to‘plami. 20 jildlik. 2-jild. – Toshkent: Fan, 1987. – B. 438.
3. O‘ljas Sulaymonov. She’rlar & Xurshid Davron. Shoir haqida muxtasar so‘z // Xurshid Davron kutubxonasi. www.kh-davron.uz
4. Maxtumquli. Saylanma. Mirzo Kenjabek tarjimasi. – Toshkent: 2007. – B.163.
5. Qurbon Muhammadrizo. Maxtumquli. – Toshkent: Chashma print, 2012. – B. 478.

Rezyume

Ushbu maqolada Alisher Navoiy an’analarining Maxtumquli tomonidan ijodiy davom ettirilganligi, turkiy xalqlarning azaliy qardoshligi, adabiy aloqalari haqida fikr yuritiladi, Maxtumquli she’rlarida el-yurt tinchligi yo‘lida qayg‘urish yetakchi g‘oya bo‘lishi bilan birga insonlarni insof-diyonatga, komillikka da’vat qiluvchi ibratli pand-nasihat va axloq-odob bobidagi hayotiy saboq-o‘gitlar shoir ijodining ustuvor yo‘nalishini tashkil etganligi she’riy misollar tahlili orqali yoritiladi.

Kalit so‘zlar: o‘zbek-turkman adabiy aloqalari, hayotiy saboq-o‘gitlar, umuminsoniy g‘oya va qadriyatlar, Navoiy an’analari, poetik mahorat, xalqona she’riyat.

Summary

This article reflects on the creative continuation of the traditions of Alisher Navoi Magtymguly, the ancient brotherhood of the Turkic peoples, as well as literary connections. Based on the analysis of

poetic examples, it is emphasized that exemplary advice calling for honesty and perfection, and life lessons in ethics are the priority of the poet's work.

Key words: Uzbek-Turkmen literary connections, life lessons, universal ideas and values, Navoi traditions, poetic skill, folk poetry.

Резюме

В данной статье размышляется о творческом продолжении традиций Алишера Навои Махтумкули, древнего братства тюркских народов, а также литературных связях.На основе анализа поэтических примеров подчеркивается, что образцовые советы, призывающие к честности и совершенству, и жизненные уроки этики являются приоритетом творчества поэта.

Ключевые слова: узбекско-туркменские литературные связи, уроки жизни, общечеловеческие идеи и ценности, навоийские традиции, поэтическое мастерство, народная поэзия.

МАГТЫМГУЛЫ ГҮНОРТА АРАЛ БОЙЛАРЫНДА

Сапардурды Абаев,
Ажинияз адындакы НДПИ
милли идея рухылык эсаслары ве хукук тәлими
кафедрасы доценти

Бу проблема көпчилик окыжылары телим йыллардан бәри гызыкландырып гелйәр. Мунуң үчин биз илки Бейик акылдарың бизе галдырып гиден шыгырларына, халк роваятларына, тарыхы чешмелере, Гүндогары өврениҗи танымал алымларың ишлерине салгыланмагы макул гөрдүк.

Орта Азия халкларының бейик перзенди Магтымгулы Пырагы умумадамзат шахырыдыр. Шу ерде бир хакыкаты айдып гечсек максада лайык боларды, хер бир зехин эесиниң бизе галдырып гиден бибаха мирасы бүтин дүнйә медениетине гошулан улы мирас болуп хасапланяр. Бейик ынсанлары дөвүрлер дөредйәр. Магтымгулы Пырагы XVIII асырың дөреден тебигы гудратыдыр. Ораз Ягмырың жайдар беллейши ялы

Магтымгулының дөредижилик шугласы диңе бир бәш өйли түркмени дәл-де, эйсем, Эйрана, Овгана, бүтин Түркистана яйран, өзи хем хениз дири вагтында.

Магтымгулы шахыр дурмушың ажы-сүйжүсини огланлыкдан дадан, эмма рухдан дүшмән, гелжеге умыт билен гарапдыр. Акад. Бартольд (1869-1930) шейле дийипдир. «Түрки халкыетлериң арасында Магтымгулы ялы милли шахырлы халк диңе түркменлердир» дийип языпдыр. Бунда философиялык маны-мазмун бар, элбетде Магтымгулы назарда тутуляр.

Игор Беляев Магтымгулының гошуларының яйран территориясыны хасаба алып шейле язяр: «Магтымгулының эсерлери диңе Закаспи себитлеринде дәл-де, эйсем гарагалпакларың арасында-да гиңден яйрап, өрән улы сөйгә, хормата мынасып болупдыр»

Элбетде Магтымгулы жаханкешде юртгөрмели шахыр болан. Ол сыяхат этмеги яшлыгындан арзув эден. Шахыр:

Көңлүм истәр, гезсем дүнйә-әлеми,
Ганатым ёк, уча билмен, нейләйин?!

Яда:

Көңүл айдар кешт эдип,
Алем-жаханы гөрсем

дийип жахан гезип, ол ерде яшаян халкларың гүн-гүзераны, тебигаты билен танышмагы арзув эдйәр. Шахыр өзүниң гөрмек ислейән ерлерини «Гөрсем» атлы шыгрында айдып гечйәр:

Дехистаның байрында,
Бады-сабаны гөрсем.
Бахаведдин Мир Күлал,
Зеңңи Бабаны гөрсем.

Ёкарда Хиндистаны,
Аркада Түркистаны,
Өвүлйәлер умманы,
Ол Румыстаны гөрсем.

Магтымгулы Хорезме, Гарагалпак топрагына сыяхат эдйәр. Гарагалпагыстана сыясаты барада онуң шыгырларында-

да телимёла ятланыляр. Оларың кәбирлерини окап гөрелиң. Бейик акылдар «Мени» диен мухаммесинде: «Чын Мачыны, Рум, Хорезми йөрдүм ыкбал агтарып…» дийип Хорезм велаятыны йөрите ятлаяр. Гарагалпагыстанда Гыпжак диен ер бар. Ол шахырың яшан дөвүрлеринде өзүниң тебигатының ажайыплыгы, тәсирлилиги билен гөрени хайран галдыран. Бу хакда шахыр «Гөрдүңми» атлы шыгрында:

Румда, Гыпжакда, Чында-Мачында,
Земаел орнунда, аршың ичинде,
Ыклым дегресинде, пелек бурчунда,
Мениң сахыпжемалымны гөрдүңми?

дийип Гыпжагы тәсирли ерлер хатарында агзаяр.

Гарагалпагыстанда тарыхда ыз галдыран, дүнйәниң көп ерлеринде ады яйран кераматлы өвүлйәлериң, уламаларың, пирлериң мазарлары бар. Бейик гуманист шахыр Магтымгулының Нарынжан баба, Ишан баба, Мисгин баба, Эзизлер баба, Ишан гала, Назлымхан сулу, Шиблишайык ялы бирнәче өвүлйәлере зыярат эдендиги хакында халк роваятлары бар. Бу хакда Жаббарберген Шамуратов шейле язяр: «Түркмен шахыры, бейик акылдар Магтымгулы Гоңрада хер геленинде Хеким атаның габрыны тогап эдип, ондан рухы гүйч-кувват алыпдыр». Хатда, бейик шахырың шыгырларында хем бу шахсларың атлары улы хормат билен диле алыняр. Шахыр «Ичинде» атлы гошгусында:

Солтан Вейис пәхливаны,
Хеким ата-Сүлейманы,
Хожа Юсуп-Хемеданы,
Шол шахы Кенган ичинде.

Магтымгулының Хеким Атаның оглуның гайып болмагы барада «Пена дүнйә» шыгырында:

Солтан Хүлби гайып болды,
Айт, сенден нәме алды?

- дийип оңа гынанч билдирйәр.

Бируни раёнында Солтан Вейис атаның губыры бар. Шахыр оңа хем телим гезек гелип, зыярат эдип гидипдир. Ол бу кишини элмыдама Бейик акылдарларың, парасатлы кишилериң хатарында агзап гечмеги өзи үчин белент мертебе хасаплапдыр. Бу бабатда Магтымгулы «Шондадыр» диен шыгрында:

Ол Хызыр, Ыляс иле Ахмед, Сүлейман анда бар,
Ол Селим шах Мекке ханы, ибни Солтан анда бар,
Баезид, Солтан Вейис, Хыркан, Сыфан анда бар,
Бир ниче Межнун киби чәги-гирибан анда бар,
Даянар Муса асасы-мары гөрдүм-шондадыр.

диймек ол өз калбындакы хыжувыны йүзе чыкарыпдыр.

Биз шахырың гошгуларыны окамак аркалы кераматлы хасапланян герчеклере ики дүнйәде-де хорматдан, абырайдан нәхили пейдаланяндыгына аныk гөз етирйәрис. Шахырың шыгырларында Солтан Вейис Баба барада телим ерде агзалып гечилмегиде бизиң айданларымыза делил болуп билер, хатда Магтымгулының:

Ол велилер сервери Солтан Вейисдек өвлүйә,
Дүшеги, өртинжеси болды гарып халк билен

диймек шол уламаларың нәхили гүзаран доландырандыгына ченли етик боландыгыны билйәрис.

Магтымгулының Гарагалпагыстанда боландыгы хакындакы пикирлеримизи тассыклаян, хакыката догры гелйән кәбир фактлара йүзленип гөрелиң. Ораз Ягмыр шейле язяр: «Магтымгулының Хыва гелмегиниң себәби Дөвлетмәммет Азадының бир вагтлар шол медреселериң биринде оканлыгы үчиндир. Атасының ёлы билен барянлыгыны дуймак хер бир кәмил перзенде гуванч гетирипдир... Магтымгулы Хывада окап башламаздан өң Бухара барып гайдыпдыр. Гөгелдаш медресесинде аз вагт окап, талыпларың нәмакул ишлерине гахар эдип, медресәни ташлап, Хыва гайтяр. Бу роваятда шейле берилен…» Магтымгулының Хывадакы «Ширгазыхан» медресесинде окап билим аландыгы, ол медресәниң Магтымгулы үчин ылым ожагы боландыгы тарыхы факт.

Себәби шахыр Ширгазыхан медресесинде окап йөрен вагтларында Фердөвси, Омар Хаййям, Сүлейман Бакырганы, Нызамы, Румы, Хафыз, Саъдий, Жамы, Несими, Новайы, Фузулы ялы әгиртлериң дөредижилиги билен ичгин танышяр. Гүндогар эдебиятының бу ләхеңлериниң дүрдәнелерини ичгин евренип, өз пикир дерясыны гиңелтйәр.

Хыва төверегиниң халкының рухы ягдайы билен долы танышан шахыр гарагалпак үлкесине сыяхат эдйәр. Гарагалпаклар билен түркменлер гарындаш болуп, бир-бирлерине дайы-еген хасапланыпдыр. Чак билен шол дөвүрлерден башлап Магтымгулының гошгулары хер бир гарагалпагың калбындан ер алыпдыр. Соңра шахыр бу халкың ичинде танылып, шейле бир бейиклиге етен хатда онуң туркменлиги хем уныдылып, өз жанкөер гарагалпагы дийип кабул эдипдирлер. Магтымгулы 3 йыл Хыва медресесинде окан дөврүнде, якын төверегиндәки шәхерлере, кераматлы ерлере сыяхат эдени бу тарыхы факт. Бу хакда бирнәче маглуматлар бар. Ягны XVIII асырда гүнорта Арал бойлары, гоншы дөвлетлер, шол хатарда Гарагалпагыстан диярында-да, ягны бизиң баш галамыз дүнйә топонимики картасында белли Шаббаз, Шорахан, Чимбай, Хожаили, Гоңырат ялы шәхерлер Магтымгулы шахырың сыяхатларында эсасы оруны эелейәр. Бу хакда шахырың дөредижилигинде хем, архив ылмы-эдеби чешмелерде хем маглумат берилйәр. Багшылар Магтымгулының гошгуларыны гарагалпакча хич бир кынчылыксыз халка етирипдирлер. Соңра болса Бердах, Ажиняз ялы гарагалпак шахырлары бу угурда көп хызмат эдендиклерини унытмак мумкин дәл. Олар ики халкың гатнашыгыны ве достлугыны беркитмәге улы гошант гошдулар. Хәзире ченли гарагалпак халкы той-байрамларыны Магтымгулының гошгуларысыз гечирмейәр.

Магтымгулы Пырагы хакында Санкт-Петербурглы алым И.А.Беляев 1913-нжи йылда гарагалпак кыссаханларыдыр жыравларының арасында өрән көп соватлы адамларың бардыгыны, Магтымгулының Гарагалпакларың арасында йыгы-йыгыдан боландыгы, шол себәпли онуң шахырчылыгының

гарагалпак поэзиясына тәсир эдендигини, гарагалпакларың Магтымгулының шыгырларыны ятдан билйәндиклерини гөркезйәр. Магтымгулы гарагалпакларың арасына геленде илки билен Гоңрат галасына барандыгы мәлим. Себәби, биринжиден Гоңрат галасы XVIII асырда Көнеүргенжиң дережесиндәки улы гала. Икинжиден, деряның чеп тарапындакы гарагалпакларың шол дөвүрлердәки йыгы ерлешен ери Гоңрат галасының төвереклериди. Шол себәплиде Магтымгулы галада бирнәче гезек болуп, бу ердәки шахырлар, кыссаханлар билен душушыпдыр. Оларың ерине етирен дессанлары билен бирликде гүндогар классикларының эсерлерини диңләпдир. Биз мундан Гоңрат галасының XVIII-XIX асырларда Хорезмде яшаян хер хили миллетлериң медени гатнашыкларыны ровачландырып, улы тәсир эдендигини гөрйәрис. Себәби, Гоңрат галасында ве онуң төвереклеринде яшаян илатың арасында атлы сазандалар, багшылар, жыравлар болупдыр».

Тарыхы чешмелерде ве архив материалларында айдылышы ялы Хеким ата Сүлейман Бакырганы Гарагалпагыстан үлкесиниң Гоңрат этрабының территориясында ерленен. Магтымгулы Пырагы өз уссады Хеким атаның габрына бирнәче гезек зыярат этмәге баранда ол ердәки яшы улы адамлар билен сөхбетдеш боляр. Магтымгулыны гарагалпаклар өз перзенди ялы сөйүпдирлер, онуң шыгырларыны саза гошуп айдым эдип айдыпдырлар, гошгуларыны ятлапдырлар. Бу бай мирас агыздан-агыза гечип, несилден- несиле рухы мирас сыпатында гечип гелен. Бу хакда гарагалпак тарыхыны ичгин өвренен алым Т.А.Жданко өз ишлеринде гарагалпак-түркмен халкларының достлугының медени, эдеби багланышыкларыны, агзыбирликлерини айратын беллэп гечйәр, Магтымгулы дүрли-дүрли юртлара сыяхат эдип, ынсанларың дурмушыны ичгин өвренен. Жемгыетдәки дүрли хәсиетли адамларың дурмушына кепил болан. Шол себәплиде ынсан психологиясындакы айратынлыклары Магтымгулы өз сетирлеринде айдып гечйәр. «Ашына дегмез» атлы шыгырында

Адам бар мүң түмен ийдирсен аздыр,
Бардыр адам ийен нанына дегмез

дийип ныгтаяр.

Хеңңамлар айланяр, дөвүрлер гечйәр эмма Магтымгулы Пырагының гуран овадан ве берк поэзия бинасы хенизлер хем баш гөтерип, XVIII асырың харабаларының арасындан бизе шугла сачын дур. Бу шугла билен несиллеримиз ёлларыны ягтылдып, ынсанперверлик дуйгуларындан ылхамланып, бейик гележегини гурярлар ве гурарлар.

Rezyume

O‘rta Osiyo xalqlarining buyuk farzandi Magtimguli Piragi umuminsoniy fuqarodir. Shu o‘rinda bir haqiqatni qayd etish o‘rinli bo‘lardi: har bir ziyolining bebaho merosi jahon madaniyati mulki hisoblanadi. Buning sharofati bilan avlodlarimiz o‘z yo‘lini yorug‘ qiladi, insoniy tuyg‘ulardan ilhomlanib, uzoq kelajakni barpo etadi.

Kalit so‘zlar: Magtimquli ijodiy merosini o‘rganish.

Summary

Magtymguly Pyraghi, the great son of the peoples of Central Asia, is a universal citizen. Here it would be appropriate to note one truth: the precious heritage of every intellectual will be considered the property of world culture. Thanks to this, our generations will light their way, be inspired by humane feelings, and build and build a long future.

Key words: study of the creative heritage of Magtymguly.

Резюме

Магтумкули Пыраги, великий сын народов Центральной Азии, является универсальным гражданином. Здесь уместно было бы отметить одну истину: драгоценное наследие каждого интеллектуала будет считаться достоянием мировой культуры. Благодаря этому наши поколения будут освещать себе путь, вдохновляться гуманными чувствами и строить долгое будущее.

Ключевые слова: изучение творческого наследия Махтумкули.

MAXTUMQULINING O‘ZBEK TILIDAGI TARJIMALARINING TAHLILI (OLIM K.QURAMBOEV ILMIY TADQIQOTLARI MISOLIDA)

Sayat Kurbanmiratovna JEPBAROVA,
Berdaq nomidagi Qoraqalpoq davlat universiteti
turkman tili va adabiyoti kafedrasi dosenti

O‘zbek, turkman, qoraqalpoq adabiy aloqalari bo‘yicha bir necha yillar davomida tadqiqot olib borgan atoqli olim, professor K.Quramboyev hisoblanadi. Olim umrining oxirigacha ilmiy izlanishlarida mashhur turkman adibi Maxtumquli Firog‘iy ijodining mustaqillik yillarida O‘zbekistonda keng ommalashuvi, o‘zbek tiliga tarjimasi masalalari, ularga bildirilgan munosabat, fikrlar o‘z aksini topgan. Bu esa Maxtumquli asarlarining faqatgina Turkmanistonda emas, balki O‘zbekistonda ham katta qiziqish bilan o‘qilib, adabiyotshunoslik, adabiy tanqidchilikda keng tadqiq qilinayotganligini anglatadi. Negaki, Maxtumquli Firog‘iyning shoirlik dunyosi uch asrga tatigulik vaqt ichida Sharq xalqlarining adabiy merosida keng o‘rin oldi. Shoirning g‘oyaviy mazmun va insoniylik, insof, diyonat, iymon kabi umuminsoniylik fazilatlarini ulug‘lashga yo‘g‘riligan adabiy ijodi bugungi kunda ham katta ahamiyatga ega bo‘lib, hozirgi yosh avlodlarimiz uchun ibrat namunasi bo‘lib hisoblanadi. Chunki, Maxtumquli o‘z zamonida Sharq mumtoz vakillarining badiiy asarlarini o‘qib, shoirlarning adabiy merosini o‘rganib, ularni o‘zining ma’naviy ustozi deb bilgan. Masalan, u o‘zining «San bolsam» (Son bo‘lsam) nomli she’rida:

Demganyda ýörgen ussat Nowaýy,
«Çar diwany», «Perhat-Şirin» zybany,
Zahreddin Babyr, «Mizan-owzany»,
Gaşlaryna baryp men Mejnun bolsam.

O‘zbek mumtoz shoiri Alisher Navoiyga «Damganida yurgan ustoz Navoiy» deb murojaat etsa, Hamadoniy, Boburlarni o‘zining ruhiy barkamollikka erishuvida asosiy o‘rinni egallaganliklarini alohida ta’kidlaydi. Xususan, Maxtumqulining o‘zi ham o‘zidan

keyingi shoirlar uchun namuna maktabi bo‘lganligi hammamizga ma’lum. Masalan, XX asr o‘zbek shoirlari Mirtemir, Maqsud Shayxzoda, Abdulla Oripov, Muhammad Yusuf, Halima Xudoyberdieva, Guliston Matyoqubova va boshqalar Maxtumquli asarlarini o‘qib, undan adabiy zavq olishgan. Shuning uchun, shoir yaratgan adabiy-badiiy asarlar nafaqat turkman xalqining, balki butun insoniyat taqdiriga bog‘liq bo‘lib, hozirgi kunda yosh avlodning milliy-ma’naviy dunyoqarashini yanada boyitish, ularni vatanparvarlik, insoniylik, do‘stlik va ezgulikka sodiqlik ruhida tarbiyalashi shubhasiz. Jumladan, mustaqillik yillarida Maxtumquli ijodi o‘zbek adabiyotshunosligida yangicha nuqtai nazardan keng tadqiq qilindi. Shuningdek, Maxtumquli she’rlari o‘zbek tiliga tarjima qilinib, keng kitobxonlar ommasiga in’om qilinmoqda. Xususan, o‘zbek adabiyotida sho‘rolar davrida faqatgina Jumaniyoz Sharipov tomonidan tarjima qilingan bo‘lsa (Maqsud Shayxzoda va Muhammad Ali bittadan she’rini tarjima qilgan), mustaqillikdan keyin Muzaffar Ahmad, Mirzo Kenjabek, Olim To‘raev, Abdumo‘min Jumaev, Jumanazar Zulpiev, Jumaniyoz Jabborov, Ergash Ochilov, Abdunabi Hamro va boshqalar tarjimalarini atab aytishga bo‘ladi. Badiiy tarjima haqida so‘z borganida mashhur maxtumqulishunos olim, professor Karimboy Quramboyevning «O‘zbekiston adabiyoti va san’ati» gazetasining 2011-yil 48-sonida e’lon qilingan «Holislikka nima yetsin» nomli maqolasi bizning diqqat e’tiborimizni o‘ziga jalb etdi. Voqean, biz bu maqolamizda Maxtumqulining o‘zbek tilidagi tarjimalariga olimning munosabati haqida so‘z yuritmoqchimiz.

Professor K.Quramboyev Maxtumquli ijodini ilmiy asosda tadqiq qilib, shoir asarlarini chuqur o‘rgangan olim. Shuningdek, olim o‘zining yuqorida nomi ko‘rsatilgan maqolasida Maxtumquli she’rlarini o‘zbek tiliga o‘girgan J.Sharipov, M.Ahmad, M.Kenjabek, O.To‘rayev, A.Jumayev, J.Zulpiyev, E.Ochilov, J.Jabborov, A.Hamrolarning tarjimalariga tanqidiy mulohazalarini bildiradi. Asosan, 2008-yil «O‘zbekiston» nashriyotida nashrdan chiqqan Abdumo‘min Jumayev va Jumanazar Zulpiyevlarning Maxtumquli «Saylanma» kitobini o‘zbek tilida chop etganini, tarjimada Maxtumquli uslubiga xos xususiyatlarning aks etganligini alohida

ta’kidlaydi. Shuningdek, ushbu kitobga so‘zboshi yozgan professor N.Komilovning Maxtumqulining «Oq it» (Ak it), «Chaqir kalla» (Чакыр келле) nomli ikki asarini «kichik doston» deb ataganini adabiyotshunoslikda ilmiy yangilik deb belgilaydi. Shu o‘rinda maqola muallifi Maxtumqulining o‘zbek tilida nashrdan chiqqan kitoblarining birontasida ham shoirning doston yozganligi haqidagi ma’lumotlarning keltirilmaganligini atab ko‘rsatadi. Darhaqiqat, Maxtumqulining «Oq it», «Chaqir kalla» asarlari Ashxobodda 1994-yil nashr etilgan she’rlar to‘plamida janr xususiyatlariga ko‘ra «poema» deb ataladi. Joriy fikrlar turkman adabiyotshunosligida ayni kungacha davom etib kelmoqda. Biroq shoir asarlarini tahlilga tortganimizda uning «Яздыгым дессаным галды» (Yozgan dostonim qoldi) nomli she’riy misralarida o‘zining she’riy doston yozganligini aytgan. Shunday ekan, shoir yozgan dostonlarining ko‘pchiligi bizgacha etib kelmagan. Shu nuqtai nazardan olib qaraganimizda, K.Quramboyev Maxtumqulining kichik she’riy dostoni haqida N.Komilovning bildirgan fikrlarini to‘g‘ri baholaganligini anglash mumkin.

Maqola muallifi A.Jumayev va J.Zulpiyevlar tarjimalarining o‘ziga xos xususiyatlaridan biri «shoirning hozirgacha o‘zbek kitobxonlariga ma’lum bo‘lmagan diniy mavzudagi she’rlarini ham o‘zbek tiliga tarjima qilinishi, bu shoirning faqatgina axloqiy, didaktik she’rlarining ijodkori bo‘lish bilan cheklanmay, balki shoirning tasavvufga doir she’rlarini ham mahorat bilan o‘girganligini» alohida ta’kidlaydi. Bu fikr Maxtumqulining tasavvuf yo‘nalishida komil inson bo‘lganligini yana bir marta dalillaydi. Shu ma’noda, K.Quramboyev Maxtumqulining diniy mazmundagi she’rlarini juda yaxshi baholaydi. Shuningdek, muallif turkman adabiyotshunosligida M.Annamuhammedov, A.Ashirov, A.Shixnepesov, A.Mammedov kabi olimlarning shu sohadagi ilmiy tadqiqotlari bilan yaqindan tanish. Shularni hisobga olganimizda, maqola muallifining nomi atab ko‘rsatilgan tarjima kitobga yuksak baho bergan, deb atash mumkin.

Maqolani o‘qiganimizda muallifning tarjima masalasiga faqatgina bir tomonlama yondashuv bilan cheklanmagani o‘quvchini o‘ziga tortadi. Bu esa muallifning filologiya fanlari nomzodi

M.Azimovning «Mehnat va mahorat mevasi» nomli ilmiy maqolasiga o‘zining tanqidiy qarashlari bilan javob bergan o‘rinlarida aniq ko‘zga tashlanadi: «Maqolada asosan, tarjimon A.Jumaev (taxallusi Shiyx Abdol Mo‘min) haqida keng ma’lumot beriladi, ya’ni A.Jumaevning hech qanday oliy o‘quv yurtini tamomlamagan bo‘lsa ham, adabiyotni, poeziyani adabiyotshunosdan kam bilmaydiganligini, har ikki – o‘zbek va turkman tilida she’rlar yoza olishi, 25 yildan beri Maxtumquli she’rlarining tarjimasi bilan shug‘ullanib kelayotgani, shoir ijodini to‘liq tahlil etgani, shuning uchun «uning tarjimalari Maxtumquli tarjimonlarining tarjimalari orasidagi eng yaxshisi... Agar Maxtumquli o‘zbek bo‘lganida, xuddi shunday yozgan bo‘lar edi», degan fikrlarni bildiradi. Umuman olganda, maqola muallifi, A.Jumayev va J.Zulpiyevning tarjimalariga yuksak baho beradi» – deb, K.Quramboyev bu fikrlarning ayrimlarini qo‘llab-quvvatlaganini, biroq maqola bir tomonlama, degan xulosaga keladi. Sababi nega deganda, muallif M.Azimovning maqolasida ikkinchi tarjimon J.Zulpiyev haqida hech qanday ma’lumotning berilmaganligiga tanqidiy munosabat bildiradi. Uning e’tiroziga haqli ravishda turtki bo‘lgan ikkinchi omil, M.Azimovning bir vaqtlari Maxtumquli she’rlarini tarjima qilib, o‘zbek kitobxonlariga in’om etishda salmoqli hissa qo‘shgan tarjimonlar faoliyatida ko‘proq tanqidiy fikrlarning bildirilganligidir. Asosan, M.Azimovning maqolasida bunday tanqidiy fikrlarning muallif tilidan emas, A.Jumayevning fikri bilan keltirilgani, ya’ni bu fikrni K.Quramboyev o‘z maqolasida shu holicha quyidagicha keltiradi: «O‘tgan asrning 50-yillarida olim Jumaniyoz Sharipov Maxtumquli bobomizning she’rlarini bir bo‘lagini o‘zbek tiliga tarjima qildi». Sho‘rolar davri mafkura siyosatining ta’sirida qilingan tarjimalar faqat o‘z davri uchun yaroqli edi desak, haqiqatdan yiroqlashmagan bo‘lamiz. Keyin bu ishga yosh tarjimon Muzaffar Ahmad ham kirishdi. Uning ham turkman tilini yaxshi bilmagani, va Maxtumquli merosini ozmi-ko‘p o‘rganib, tarjimaga qo‘l urgani muvaffaqiyatsizlikka sabab bo‘ldi. 2004-yilda esa Mirzo Kenjabek bu ishga qo‘l urdi. Uning tarjimasi eng muvaffaqiyatsiz bo‘ldi,

Maxtumquli ruhiyati, uslubidan juda yiroq edi. Mana shu muvaffaqiyatsiz tarjimalar meni tarjimonlik qilishga undadi...»

Mazkur fikrlarning bir tomonlama ekanligini anglagan maxtumqulishunos K.Quramboyev jiddiy keskin tanqidiy fikrlarni olg‘a suradi. Ya’ni olim Maxtumquli asarlarining o‘zbek tiliga o‘girgan tarjimalarini A.Jumaevgacha, barchasining muvaffaqiyatsiz deb hisoblanishini noto‘g‘ri ekanligini atab o‘tib, «Bunday qat’iy hukm, ya’ni barcha tarjimalarni yaroqsiz deb, ulardagi yutuqlardan ko‘z yumish to‘g‘rimi?» degan haqli savolni o‘rtaga tashlaydi hamda J.Sharipov tarjimalarining yutuqlari haqida gapiradi. Vaholanki, K.Quramboyev o‘zining «Maxtumquli she’riyati O‘zbekistonda» nomli kitobida J.Sharipovning tarjimaga katta ijodiy tayyorgarlik bilan kirishganini, tarjimonning shoir tiliga muvofiq, asliyatga xos o‘girganini, shuningdek, Maxtumqulining ko‘pgina she’rlari originaldagidek aniq, o‘quvchiga estetik zavq bag‘ishlaydigan darajada tarjima qilganligini [1;56-57] alohida ta’kidlab, J.Sharipovning tarjimasidagi kamchiliklar «ikki tildagi o‘zaro o‘xshash so‘zlar – soxta ekvivalentlar bilan bog‘liq» degan xulosaga keladi. Shuningdek, K.Quramboyevning «Hikmatga yo‘g‘rilgan she’riyat» (1984) nomli maqolasida ham Maxtumqulining she’rlarini tahlilga tortganlarida J.Sharipovning tarjimalariga deyarli yuksak baho beradi.

K.Quramboyevning «Tarjima va tarjimon mas’uliyati», «Maxtumquli – ilhom chashmasi» kabi kitoblarida ham Maxtumquli she’rlarining o‘zbek tilidagi tarjimalari haqida fikr yuritib, «O‘zbekistonda Maxtumquli asarlarini tarjima qilishga intilishlar oz emas, biroq shu kungacha shoir, yozuvchi, adabiyotshunos olim Jumaniyoz Sharipovning tarjimalari kabi etuk tarjimalarga duch kelmadik» [2;125] – degan fikrlarni bildiradi. Biroq tadqiqotchi Feruza Sapayeva o‘zining «Maxtumquli she’rlari o‘zbekcha tarjimasiga ba’zi bir qaydlar» [3;62] nomli maqolasida K.Quramboyevning fikrlariga qarshi o‘laroq qarashlarini bildirgani seziladi. Ya’ni: «...Olimning (K.Quramboyev – S.J.) J.Sharipov Maxtumqulining ayniqsa axloqiy-didaktik she’rlarini o‘zbek tiliga qoyilmaqom qilib tarjima qilganligi haqidagi fikrlari va ta’riflari to‘g‘ri, lekin shoirning «aruzda yozilgan she’rlarini ma’nodor,

jozibali va jarangdor misralarda o‘zbek tiliga o‘giradi» degan fikrlari noto‘g‘ri ekanligiga tanqidiy fikrlarini e’tirof etadi. Tadqiqotchi, F.Sapayeva «bu she’rlarda hajm jihatdan saktaliklar ko‘p»[3;62]ligini ilmiy dalillashga erishadi.

Yuqorida bayon qilingan maqolamizda muallif o‘z fikrlarini dalillash uchun o‘zbek tarjimashunosligida J.Sharipovning Maxtumquli tarjimalariga yuksak baho berilganini ham taniqli olim G‘aybulla Salomovning, Baxtiyor Nazarovlarning fikrlarini ham keltirib o‘tadi.

Akademik B.Nazarovning: «Bu noyob ijodni (Maxtumquli ijodi nazarda tutilmoqda – S.J.) o‘rganish, o‘zbek tiliga o‘girish, keng ommalashtirishda yirik tarjimashunos olim va mutarjim Jumaniyoz Sharipov katta ishlarni amalga oshirdi... bu tarjimalar o‘z davri talablariga javob berdi, binobarin, uning tarjimalaridan, xususan, muhtaram Jumaniyoz Sharipovdan minnatdor bo‘lishimiz kerak» [4] deb bergan yuksak bahosini alohida ta’kidlaydi.

Bundan boshqa maqolalarda ham E.Ochilov, M.Kenjabek, N.Komilov, S.Mamajonov, S.G‘aniyeva, H.Abdullaev, J.Yusupov, M.Saparov, M.Taylaqova, J.Sharipov tarjimalari haqida bildirilgan fikrlari komparativistika uslubida tahlilga tortiladi va Maxtumqulining o‘zbek tilidagi tarjimalarida bir qancha kamchiliklar, xato-nuqsonlarning bor bo‘lishiga qaramasdan, yutuqlari bilan shoir asarlarini o‘zbek o‘quvchilariga o‘z ona tilida o‘qishga, shu bilan birga «hozirgi avlod, bugungi she’riyatning ixlosmandlari uchun ma’naviy tarbiya quroli vazifasini bajarib kelmoqda» degan xulosaga keladi. Natijada, olim o‘z maqolasida Maxtumqulining o‘zbek tilidagi tarjimalarini tahlilga tortish orqali tarjimonlarning, ya’ni J.Sharipovning tarjimalarida Maxtumqulini axloqiy-didaktik she’rlarining ko‘proq o‘zbek tiliga o‘girganligini, A.Jumayev va J.Zulpiyevlarning tarjimalarida esa shoirning diniy va tasavvufga doir she’rlarini tarjima qilinganligini, ularning o‘ziga xos xususiyatlarini istifoda qiladi.

Umuman, munaqqid olimning fikrlarida muayyan ma’noda jon bor. Aynan, hammamizga ma’lum, har bir davrda yaratilgan asarlar ushbu davr adabiyot tarixining varaqlarida muhrlanadi va adabiyot tarixi mulkiga aylanadi. Ana shu adabiy namunalar, adabiy-badiiy

tarjimalar bugungi adabiy jarayonning, milliy adabiyotimizning asosini yaratuvchi fundamental kitoblar ekanligini hech kim inkor qilolmaydi. Har bir asar o‘z davrining ilmiy nuqtai nazaridan baholanishi shubhasiz. Biroq mustaqillik sharofati bilan adabiy badiiy asarlarni, tarjimalarni xolis baholash imkoniyati paydo bo‘ldi. Shuningdek, taniqli olim Baxtiyor Nazarov «Tarjima va tarjimon mas’uliyati» nomli kitobga yozgan so‘zboshisida ayni kungacha tarjimachilik bilan bog‘liq ilmiy tadqiqotlarning tanqisligini atab o‘tib, bu muammoning hech vaqt eskirmaydiganligini jamoatchilik e’tiboridagi o‘ta muhim masala ekanini aytadi. Bu borada professor K.Quramboyevning maqolalar to‘plamini o‘z oldiga kitob shaklida nashrdan chiqarilishi «muammoning yangidan jonlanganligining suyunchisi» deb yuksak baho berdi Akademik Baxtiyor Nazarov. Ushbu nuqtai nazardan qaraganda maxtumqulishunos olimning tarjimashunoslik borasida jon kuydirib, haqli ravishda bildirgan fikrlari bugungi kun adabiyotshunoslik, adabiy jarayon, adabiy aloqalar uchun katta ahamiyatga ega. Shu bilan birga, bayon qilingan fikr-mulohazalardan ko‘rinib turganidek, Maxtumqulining o‘zbek tilidagi tarjimalari hozirgi adabiy jarayonda tanqidchilik sohasidagi e’tiborni o‘ziga tortgani va uning rivojlanishiga turtki bo‘lgani so‘zsiz. Bu masala kelajakda ilmiy asosda o‘z tadqiqotini kutmoqda.

Adabiyotlar

1. Quramboyev K. Maxtumquli she’riyati O‘zbekistonda. – Toshkent, 1984.

2. Quramboyev K. Maxtumquli – ilhom chashmasi. – Toshkent, 2012.

3. Sapaeva F. Maxtumquli she’rlari o‘zbekcha tarjimasiga ba’zi bir qaydlar // «Ilim hám jámiyet» jurnali. – Nukus, 2014. №4.

4. Quramboyev K. Holislikka nima yetsin. «O‘zbekiston adabiyoti va san’ati» gazetasining 2011-yil 48-soni.

Rezyume

Maqolada Maxtumquli she’rlarining o‘zbekcha tarjimalari nazariy tahlili xususida taniqli adabiyotshunos olim K.Quramboevning ilmiy qarashlari, tanqidiy mulohazalar umumlashtiriladi hamda baholanadi.

Kalit so‘zlar: she’r, tarjima, adib, adabiyotshunos, tarjimashunoslik, shoir, adabiy aloqa, tadqiq, tahlil, mulohoza.

Резюме

В статье дано научный критический взгляд знаменитного литературоведе К.Курамбаева на узбекский перевод стихи Махтумкули.

Ключевые слова: стихотворение, перевод, писатель, литературовед, поэт, литературный связ, исследование, анализ, обсуждение.

Summary

This article deals with the point of view of scienfigc analysis of poetry Makhtumkuli in the Uzbek language by famous literary critic and scholar K.Kurambaev, where he summarized the scientific and critic views and evaluated.

Key words: a poet, translation, author, specialist in literature, translater interpreter, a writer, literary relation, investigation, analysis, discussion.

MAXDUMQULI FIROG‘IY SHE’RLARIDA INSON VA VATAN TASVIRI

Muhammad Ashraf SHARIFI,
Foryob davlat universititi, o‘zbek tili va adabyoti bo‘limi o‘qituvchisi, f.f.d.
Afg‘oniston; Foryob, Maymana

Maxdumquli Firog‘iy she’rlarining mavzusi kamalak yanglig‘ rang ba rang tovlanib turadi, chunki inson sevgi va vatan sevgisidagi mavzulardan olib, davlat ishlarining rivoji, yo‘llovchining ijobiy xususiyatlari, turmush uchun munosib xotinning xulq-atvori, o‘qish va o‘rganish, insoniy jamiyatning istak va tilaklari va turkmanlarning milliy qadriyatlari kabi yuzlab mavzularning keng qamrovda aks ettirilgan. Shuning uchun Sharqning taniqli tarixchisi Bertels Maxdumquli haqida:

“Maxtumquli va uning asarlari jomi-jamga o‘xshaydi”deb yozadi. [9, B. 28]

Jomi-jam qadimgi Eron usturasiga ko‘ra qirol Jamshidga tegishli jomdan iborat; bu jom barmoq bilan chertilganda butun dunyoning voqialarini ko‘rsatar ekan. Yuqoridagi mavzuni inobatga olish bilan, BBC radiyusining fors tilidagi yangiliklar dasturining *jomi-jam* deb nomlanishi bejiz emasligiga ishonsak bo‘ladi.

Maxdumquli Firog‘iy she’rlarining maroq bilan o‘qiydigan payt, uning she’rlaridagi yuzlab mavzu va mazmun orasidan inson va vatan mavzusi meni ko‘proq qiziqtirdi; shuning uchun dengizdan tomchi deganidek, uning she’rlaridan necha baytni tanlab uning tevaragida fikr yurutishga ulgurdim. Bu maqola yozilishining asosiy maqsadi bulardan iborat: Maxdumqulining hayot yo‘lini o‘rganish; Firog‘iy she’rlarining mavzu-mazmuni bilan tanishish va uning devonidan o‘rin olgan muhim mavzu – inson va vatan mavzularini tekshirib o‘tishdir.

Tekshiruv yo‘suni: ushbu maqola kitobxonayi usul va tahlili – tavsufiy yo‘sun asosida yozilgan.

Maxdumquli Firog‘ining hayot yo‘li

Davlat Muhammad Ozodining uchinchi farzandi – Maxdumquli Firog‘i (hijriy 1146, milodi 1733-yil) Eronning shumoli-sharqida joylashgan “keng joy – kengjoy” degan mahallada tug‘ildi. Bolalik payti ota-onasining tarbiyati ostida tug‘ilgan mahallasida kechdi. [guli- B. 249]

Maxdumquli so‘zi xizmati bajarilgan, buyuk, nukardor kishiga nisbatan ataladi. [3, B. 1776]

Quli so‘zi *g‘ulom, banda, nukar, xizmatchi* demakdir. Shuning uchun shoirning ismi *Maxdumquli* suratida yozilgan. U 7-8 yoshida maktabga borgan:

Yetti – sekkiz yoshingda otong mullog‘a berdi,

O‘qib quron kitobi ulolib o‘na gelding.

Maxdumquli Firog‘i, boshlang‘ich tahsilotni o‘zininig olim va orif otasi – Davlat Muhammad Ozodidan olgan, bu mavzu shoirning quyidagi baytida e’tirof etilgan:

Duao qilsom jabiru jafo aksar dur,

Ilm o‘grdon ustod qiblam padar dur [fidokor, B. 50-51]

Maxdumquli keyinchalik Buxoro va Xeva shaharlarida o‘z tahsiliga davom berdi. U turkmanlarning ayrim qabilalari, hind, Afg‘oniston va Turkistonning ayrim shaharlariga sayr va sayohat qildi; Firog‘i arab, fors va turkiy tillarda musallat bo‘lib Qur’on va Hadisni yaxshi bilardi.

Maxdumquli 20-30 yoshlar orasida ichki va ruhoniy o‘zgarishga duch kelib, g‘aflat uyqusidan uyg‘ondi va naqshbandiya tariqasiga kirdi. Uning adabiy merosi katta hajmli yolg‘iz she’riy devondir. U hijriy-qamariy 1203, milodi 1790-yili, Eron va Turkmaniston chegarasi yaqinida “Abosori” bulog‘ining yonida haqqa qovushgan. [4, B. 1386]

Shunday ekan, birinchidan, Maxdumquli Firog‘ining inson haqidagi fikr va mulohazalarini sinchkovlik bilan ko‘zdan kechiramiz. Firog‘i, birinchidan, insonni moddiy jihatdan tanishtirib, inson umrining ayrim bosqichlariga ajratib, har bir bosqich xususiyatlari va istaklari haqida o‘zining fikrini ochiq tarzda bayon qiladi; quyidagi baytlarga diqqat qiling:

Ayyoronlor odami zod
Mani bilmaz yoshinda.
Beg‘am bo‘lar dunyodan
Do‘rdunda yo boshinda.
Boshinda bogdir bilmaz
Dunyoni go‘ra olmaz.
Zarra qayg‘isi bo‘lmaz.
Gezar o‘yung dashinda[5. B. 59]

Firog‘iga ko‘ra yoshlik – beboshlik; chunki yosh bola hech narsaga tushunmaydi, to‘rt-besh yoshlarida dunyo qayg‘ularidan ozod, dunyo nimaligini anglamaydi, zarracha qayg‘usi yo‘q, ish – yumushi uydan tashqarida ko‘cha – ko‘yda gezishdan iboratdir.

Agarki o‘n yoshgullar
O‘g‘lonliqdon hushgullar.
Yemak – ichmak xo‘shgullar
Ko‘y ko‘p bo‘lar boshinda.
O‘n bosha yetsa soli
Qolar ko‘ngul xayoli
Chorlar johilliq yili

Javon go‘rnar duyshunda [5, B. 59]

O‘n yoshda o‘g‘il bola boshida es – hush kelar, yemak – ichmak va hart unis ovqatni yoqtirar va o‘n beshga kirganda, yigitlik kuchini sezib, johillik va bugungi atamaga ko‘ra, junun bosqichiga o‘tadi.

Javonliq o‘di yonar,
O‘g‘lonliqdan narx do‘nar.
Hargun bir ishqqa munar
Avul yigirmi yoshinda.
Go‘zung qoldirsan molo,
O‘g‘rorsan xom xiyolo.
Gujung gilar kamolo,
O‘tuzda ulonshondo
Johil bo‘lon kam bo‘lar
Na ango marham bo‘lar.
Qirqda aql jam bo‘lar
odamzoding boshida [5, B. 60].

Yigirma yoshda yigitlik olovi alanga uradi, har kun bir sevgi tuzog‘iga aylanadi; yosh o‘ttizga borganda insonning kuchi o‘z kamoliga yetadi va mol-davlat to‘plash sezgisi kuchayadi. Bugungi ilmiy tekshiruvlar va tadqiqotlar yigirma besh yoshdan so‘ng insonlarning bo‘ylari va suyaklari o‘smaydi, degan xulosaga kelgan; biroq Firog‘i uchqarn oldin bu mavzuni payqab, o‘z she’rlarida bayon qilgan. Qirq yoshda aqli takomillashib, johillik bosqichi tugaydi, deb ta’kid qilgan Firog‘i – birinchidan, “qirqqa qilich bo‘ladi”, degan xalq maqoliga tayangan va so‘ng islom dinining payg‘ambari Hazrat Muhammd(SAV) qirq yoshda payg‘ambarlik maqomiga yetishganini o‘ziga hujjat qilib olgan bo‘lishligi mumkin.

Yigirma birinchi qarnda dunyoning ko‘plab o‘lkalarida jamhurrayislik lavozimiga nomzod bo‘lishlikning shartlaridan biri – qirq yoshni to‘ldirishlik deb, asosiy qonunlarda qayd qilingan; qirq yoshda aql takomillashishi va olinadigan qarorlar pishiqligiga ishonish deb qaror qilsak, o‘rinsiz bo‘lmasa kerak.

Yosh illiga gedanda
Bo‘lori qorri odinda.
O‘lum bo‘lar yodinda

Song‘i adir ishinda.
Dushmusham savdoya dyip,
Savdoli g‘avg‘oya diyip.
Yetmishda losh qolonar
Jon jasadda saqlanar.
Qayg‘i – hasrat cho‘qlanar
Ko‘sti bo‘lor ishinda [5, B. 60].

Maxdumquli fikriga ko‘ra, yosh ellikka yetganda sekin – sekin kuch ozayib, qarilik alomati boshlanib, insonlarga tushib, dunyoda qiladigan ishlari yakun topadi.

Quvvati yo‘q tutonda
Injolmoyin yotanda
Yosh saksonga yetanda,
Tanimaz o‘g‘roshonda.
Chiqmaz ichardan dosh
Boqmaz qavm – qorindosh.
O‘lai dirlar ul kishi
Yosh to‘g‘sono oshanda [5, B. 60].

Yosh saksonga borganda ishlashda kuch, uxlashda rohat bo‘lmay; ko‘rishgan tanish – bilishlarni tanimay qolish kutilgan voqeadir. To‘qson yoshga kirganda ichkaridan tashqariga chiqish va qavm – qarindoshlar bilan uchrashish mumkin bo‘lmay va har on o‘lim qo‘li yoqamizdan tutishi aniq, deb yozgan:

Maxdumquli himmati
Qolmaz qadr – qimmati.
Payg‘ambarning ummati
Hech bo‘lar yuz yoshinda [5, B. 60].

Firog‘ining yuqorida zikr etilgan baytlari haqiqatdan, inson hayotining “yilnomasi”dir. Bu yetuk shoir o‘z davrining dahosi sifatida, nafaqat shoir, balki ruhshunos, jamiyatshunos olim hamdir.

Maxdumquli insonning moddiy jihatdan tanishtirilgandan so‘ng, ma’naviy qirraga o‘tadi va insonning ijobiy va salbiy sifatlarini sodda til bilan bayon qiladi:

Yer bila osmon farqi odamdan,
Kimning so‘zi zahr – bol domar kimdan [5, B. 70].

Odamlarning bir-birlaridan bo‘lgan farqlari yer bilan osmondek; chunki bir xilining tilidan og‘u va yana bir xilining tilidan bol tomadi. “Qilich zaxmi ketar va til zaxmi ketmas”, degan xalq maqoli she’r fikrini kuchaytiradi.

Hech bir ozor berma bir musulmona,

O‘g‘ridan bir do‘g‘ri it yag‘shidir[5, B. 188].

Musulmonga ozor yetkazma; chunki o‘g‘ri erkakdan to‘g‘ri it yaxshi. O‘g‘ri erkakdan to‘g‘ri it afzalligi, itning qo‘rmollik ishini yaxshi suratda bajarishiga borib taqaladi.

Odam o‘g‘li bu dunyodan o‘tinchak

Odam bilan obro‘y olon yog‘shidir [5, B. 188].

Bu dunyo va ko‘hna falak o‘tkinchi; insonlardan qoladigan esdalik faqat yaxshi ot bilan obro‘dir. “Yaxshidan ot, yomondan dod qolar”, degan xalq maqoli, Firog‘i so‘zini takidliydi.

Shirin so‘zlab, mo‘min ko‘nglun xo‘sh etgil,

Arining zahrindan boli yaxshidir [5, B. 189].

Mo‘minlar bilan shirin so‘zlab ko‘ngillarini ovlagil; arining nishidan ko‘ra, boli yaxshidir. “Yaxshi so‘z bilan ilon inidan – yomon so‘z bilan pichoq qinidan chiqar”, degan xalq maqoli Firog‘ining bergan o‘gitiga tayid tamg‘asini bosadi.

Behuda emasdir umring guzashti,

Har oshingga bir gunugi sotarsan [5, B. 262].

“Tengridan bir kunlik rizq olish o‘rniga bir kunlik umringi sotasan”, degan fkir yuqoridagi baytda o‘z aksini topgan.

Bir so‘zan o‘rnunda so‘ylay bilmayin,

Odam diyin bila inson bo‘larmi? [5, B. 334]

Maxdumquli har bir so‘zni o‘rnida so‘ylashga qurbi yetmagan odamni inson qatoriga kiritmaydi. Shoir fikriga ko‘ra, bunaqa odamlar – odam degan bilan inson bo‘lmaydi.

Qadrdon do‘stingdan yuzung o‘virma

Borsang depasina toj adr sani [5, B. 345].

Maxdumquli uchun do‘stlardan yuz o‘girmaslik va ular bilan har doyim yaxshi muomalada bo‘lish, insoniy fazilatlarning biridir; shuning uchun Firog‘i ham qadrdon do‘stdan voz kechmaslikka undaydi; unga ko‘ra qadrdon do‘stlar bir – birlarining boshidagi tojdir. Maxdumquli gumanistik shoir sifatida dunyoning eskiligi va

o‘tkinchiligi ustida ta’kid qilib, insonlar faqat sevish va sevilish uchun yaralgan va bu masala zamon buyrug‘i deydi.

Bu dunyo mulkinda sultondur shohdur
Qismatina qoyil bo‘lsa odamzod [5, B. 331].

Maxdumquli Firog‘i sherlaridan muhim o‘rin olgan dolzarb mavzulardan biri vatan sevgisidir. Shu sababdan ustod Jamolzoda “Maxdumqulini turkmanlarning Firdavsiysi deb nomlagan.” [سارلی، 1364ص. 15] vatanni sevish, uni obodonlashtirish, yov ko‘z olaytirganda qaqshatqich javob qaytarish, vatan tuprog‘ini tark etmaslik har bir vatansevar insonning qutlug‘ burchi deb ishongan Firog‘i, ushbu mavzuni keng ko‘lamda o‘zining ijodida aksi ettirilgan. Quyidagi baytlarga diqqat qiling:

Gel, ay go‘nglum, sango nasihat qilay,
Vatanni tark etip gediji bo‘lma.
O‘zungdan igsik bir g‘iri nomarding
Xizmatinda qulluq idiji bo‘lma [5, B. 73].

Maxdumquli, o‘ziga – o‘zi nasihat qilib vatanni tark etma, o‘zingdan kichik yot va nomardlarga qullik qilma, deydi.

Har yigit kim g‘arib tushsa vatandan
Xabar so‘rar har bir yo‘ldan o‘tindan [5, B. 127]

Elidan ayrilgan oh chekib, elini qayta topishni o‘ziga maqsad qilib tayinlaydi va yo‘lidan adashgan kimsa jahat etib yo‘lini ko‘zlaydi:

Ayriliq o‘dina yonib bishmion
Zolim eli bila o‘lka oshmion
Vatandin ayrilib g‘arib dushmion
Ulka sinda el qadrini hech bilmaz [5, B. 280].

Chindan ham ariqdan o‘tgan suvning qadri yo‘q. Vatanda yashash, yaxshi – yomon kunlarda qavm-qarindoshlar, yor va do‘stlar va mahalladoshlar yonlarida turib, sevinch va qayg‘ularni baham ko‘rishlik begona yurtda nasib bo‘lmaydi. Afg‘oniston o‘zbeklarining orasida “begona – sag devona; jigar – jigar va digar – digar” degan fors maqollarining ko‘p qo‘llanishi ham hikmatdan uzoq emas.

Xo‘sh, maqolani yakunlar ekanmiz, yaxshisi shuki, Maxdumquli Firog‘idan so‘ng yuzaga chiqqan ichki va tashqi turkman va g‘ir turkman bilimdonlarning Firog‘i haqida fikrlarini

ham bilib olsak. Taniqli turkman shoiri – Muhammad Vali Kmina bunday yozgan:

Ko‘p voqealar go‘rip getdi,
Ular haqida duzib getdi.
So‘z naydoning urog‘ini
Maxdumquli o‘rib getdi [9, B. 28].

Maxdumquli, achchiq – chuchuk ko‘p voqea-hodisalarni ko‘rdi va ularning har qaysisining borasida haqiqiy she’r yozdi. Shunday qilib u, so‘z ekinzorini o‘rib dunyoni tark etdi.

Majoristonlik sayyoh Orminiys Vamberi Maxdumquli she’rlarining xususiyati borasida bunday yozgan:

“Maxdumquli she’rlarining to‘plami o‘ziga xos xususiyatga ega; chunki birinchidan, turkmanlarga xos lahjani ochiq namoyon etadi. Ikkinchidan, uning ijodida mahkam qoida va intizom mavjud, bunday narsa Sharqning boshqa adabiy mahsulotida ozdan oz uchraydi” [10, B. 411-412]. Maxdumquli haqida sharq va g‘arbda o‘nlab va yuzlab kitob va maqola, ilmiy tekshiruvlar va tadqiqotlar amalga oshirilgan, she’rlari ayrim tillarga tarjuma bo‘lgan, sharh tahlil qilingan, milliy va xalqaro kanfaros(konferensiya) va simpozium o‘tkazilgan.

Shunday qilib, ushbu taniqli shoir yetarli darajada dunyoga tanilgan.

Maxdumquli Firog‘i Sharq adabiyoti, ayniqsa turkman she’riyatida zuhur qilgan tengsiz va nodir siymolardan biridir. Uning ijodida dunyoviy sevgi va hayotdan tutib irfon va tasavvuf; bilim o‘rganish ahamiyatidan tutib ijtimoiy, siyosiy va iqtisodiy va shularga o‘xshash muhim mavzular o‘zining munosib aksini topgan. El ardog‘ida bo‘lgan Maxdumquli Firog‘i o‘zidan qoldirgan mangu adabiy merosi bilan nomi va izi o‘chmaydigan shoirlardan biridir. uning she’rlarining ko‘zgusida hayotning yoqimli va yoqimsiz tasvirlari jilvalanib turadi. Firog‘ining she’rlari til, qavm va milliyat va har qanday siyosiy va jug‘rofiy chegaralardan o‘tib, xalqaro miqyosda tanilgan va bugunga qadar o‘z borligi va boyligini ko‘z – ko‘z qilib kelgan va dunyoda inson, qalam va kitob va madrasa bilim yurt va adabi jamg‘armalar boricha, uning ijodiyoti eskirmaydi va izi o‘chmaydi.

Adabiyotlar

1- دیه‌جی، عبدالرحمن. (1995/1373). *زنده‌گینامه و برگزیده‌ی اشعار مخدومقلی*، تهران: خلق‌ارا الهدی نشریاتی.
2- سارلی، ارازمحمد. (1986/1364). *تورکستان در تاریخ*، تهران: امیرکبیر نشریاتی.
3 - عمید، حسن. (1991/1369). *فرهنگ فارسی عمید*، 1 و 2 جلد، پیتینچی باسیم، تهران: امیرکبیر نشریاتی.
4- فداکار، نورقیلیچ. (2009/1386). *نقد و تحلیل آثار و احوال مخدومقلی فراغی*، تهران: احسان نشریاتی.
5- فراغی، مخدومقلی. (1383/ 2005). *مخدومقلی فراغی نینگ کامل دیوانی*، مراد دوردی قاضی کوششی بیلن، اوچینچی باسیم، ایران - مشهد: گل‌نشر نشریاتی.
6- فراغی، مخدومقلی. (1388/ 2009). *دیوان مخدومقلی فراغی(متن انتقادی)*، نورمحمدعاشورپورکوششی بیلن، بیرینچی باسیم، ایران - گرگان: مخدومقلی فراغی نشریاتی.
7 - فراغی، مخدومقلی. (1980/1358). *دیوان کامل مخدومقلی*، مراد دُردی قاضی کوششی بیلن، قابوس باسمه‌سی. 8- گلی، امین‌الله. (1988/1366). *سیری بر تاریخ سیاسی و اجتماعی ترکمن‌ها*، تهران: علم نشریاتی.
9 - ماتی کؤسایف. (ب - ت) . *مخدومقلی نینگ عمری و دورادیجیلیگی*، تورکمنستان: عشق آباد.
10- وامبری آرمینیوس. (1987/1365). *درویشی دروغین*، فتحعلی خواجه نوریان ترجمه‌سی، اوچینچی باسیم، تهران: علمی و فرهنگی نشریاتی.

Rezyume

Ushbu maqola, Maxdumquli Firog‘iy sherlaridan mustahkam o‘rin olgan – inson va vatan muzusining qisqacha sharh va tahliliga bag‘ishlangan; ish yo‘suni ham kitobxona usulida tahlili – tavsufiy ruvishdadir.

Kalit so‘zlar: Maxdumquliy, turkman, sher, inson, vatan.

Резюме

Данная статья посвящена краткому обзору и анализу музы человека и страны, занимающей прочное место в стихах Махдумкули Фироги; Анализ трудовой жизни осуществляется и в библиотечном методе – в описательном анализе.

Ключевые слова: Махдумкули, туркмен, лев, человек, родина.

Summary

This article is devoted to a brief review and analysis of the muse of man and country, which has a strong place in the poems of Makhdumquli Firoghi; The analysis of work life is also in the library method – in descriptive analysis.

Key words: Makhdumkuli, Turkmen, lion, human, homeland.

MAXTUMQULI IJODINING O‘ZBEK TARJIMONLARI

Nazira Yaqubovna MADRAXIMOVA,
filologiya fanlari nomzodi, dotsent
Urganch Ranch texnologiya universiteti

Badiiy adabiyot insoniyatning boy ma’naviyatini o‘zida mujassam etadi. Shuningdek, qalblarni poklovchi, go‘zalikka oshno qiluvchi vositalardan biri hamdir.

Adabiyot haqida aytilgan bunday fikrlarni turkman xalqining mashhur shoiri Maxtumquli she’riyati tasdiqlaydi. Zero, «Maxtumquli asarlari milliy mahdudlikdan xoli bo‘lib, butun sharq olamidagi donishmandlik she’riyatiga aylandi, millionlab kishilar qalbidan joy oldi. Mehnatkash insonga mehr-muhabbatni va axloqiy kamolotni madh etgan bu she’riyat o‘zbek xalqi orasida ayniqsa, ko‘p shuhrat topdi» [1, B.47] .

Mamlakatimiz Prezidenti Shavkat Mirziyoyevning «Beqiyos so‘z san’atkori Maxtumquli Firog‘iy nafaqat turkman xalqiga, ayni paytda butun Markaziy Osiyo xalqlari, xususan, o‘zbek xalqiga ham birdek aziz va qadrli siymodir» degan so‘zlari milliy adabiyotimiz bilan qardosh turkman adabiyotining naqadar uyg‘un ekanligini ifodalaydi.

Darhaqiqat, Maxtumquli uch asrdan buyon o‘zbek xalqi, xususan, xorazmliklar uchun ularning o‘z shoiridir. Xalq baxshilari ko‘pchilik hollarda dostonni boshlashdan oldin Maxtumquli she’riyatidan namunalar kuylashadi. Adabiy-axloqiy suhbatlarda, albatta Maxtumquli she’rlari, ulardagi hikmatlar qizg‘in bahslarga sabab bo‘ladi. Yoshlarga nasihat berilganda shoir she’rlaridan

misralar yoki ularning mazmuni keltiriladi va ana shu haqiqatlarga rioya qilish uqtiriladi. Bularning barchasi Maxtumquli she’riyatiga xalqimizning saamimiy e’tiqodidan darak beradi.

Arab imlosi umumiy yozuv hisoblangan paytlarda o‘zbek kitobxonlari shoir she’rlarini tarjimasiz ham tushunganlar. Imlo o‘zgarishi, shuningdek, milliy adabiy tillarning taraqqiyoti qardosh xalqlar adabiyotini ham tarjima qilish ehtiyojini yuzaga keltiradi. Ana shu ehtiyoj tufayli «Maxtumquli she’riyatidan» saylanmasi shoirning birinchi o‘zbek tarjimoni Jumaniyoz Sharipov tarjimasida 1976-yilda Toshkentda nashr etiladi. Tarjimon tarjima jarayonida shoir uslubini saqlab qolishga harakat qiladi va ko‘pchilik hollarda bunga erishadi. Kitobxon she’rlarni o‘qir ekan, tarjima asar mutolaa qilinayotganligini sezmaydi va Maxtumqulining lirik qahramoni olamiga bemalol sayohat qila oladi.

Dardim bordir, diyorimdan, davrimdan,
Xayr qaysi-yu, ehson qaysi, bilinmas.
Zolimlarning jafosidan, jabridan,
Islom qaysi, iymon qaysi, bilinmas [2, B.68].

Ma’lumki, Maxtumquli she’riyatining falsafiy yo‘nalsihini, asosan, musulmon falsafasi belgilaydi. Musulmon falsafasi, avvalo, muqaddas Qur’oni Karim suralari va oyatlarida o‘z ifodasini topadi. Shuningdek, bir qancha diniy rivoyat va afsonalarda ayrim aqidalar muayyan ma’noda izohlanadi. Yuqoridagi misralarda oxirzamon – qiyomat haqidagi qarashlar o‘z ifodasini topgan. Jami olti banddan iborat bu she’rda oxirzamonga xos deb talqin etiluvchi diniy qarashlar tasvirlanadi. Quyidagi misralarni o‘qigan bugungi she’rxon oxirzamon manzaralarini his qilishi mumkin:

Xaloyiqda ibrat ham yo‘q, ko‘rim yo‘q,
Boylarda saxovat yo‘q, berim yo‘q.
Ayolida uyat yo‘q, qizida sharm yo‘q,
Odob qaysi, arkon qaysi, bilinmas [3, B.165].

Istiqlolning dastlabki davrlarida Maxtumquli she’rlarining yangi tarjimalari yaratildi. Tarjimon va shoir Muzaffar Ahmad ulug‘ turkman shoirining yetmishga yaqin she’rini tarjima qilib, 1995-yili

«Saylanma» nomi bilan chop qildirdi. Atoqli shoir va tarjimon Mirzo Kenjabek Maxtumqulining 170 ta, asosan ilgari hukmron mafkura yo‘l qo‘ymagan diniy-tasavvufiy mazmundagi she’rlarini ilk bor o‘zbekchalashtirib, nashr ettirdi. Ushbu kitob ham «Saylanma» deb ataldi va unga tarjimonning «Maxtumquli – valiy shoir» degan kirish maqolasi ham kiritildi.

Jumaniyoz Sharipov tarjimasida shoir she’rlari, fikrlari, dunyoqarashi bilan tanish bo‘lgan o‘zbek kitobxoni Muzaffar Ahmad tarjimasida ham Maxtumqulining hali ko‘pchilikka notanish ijodi namunalarini o‘qidi. Tarjimon o‘z izohida quyidagilarni yozadi: «Maxtumqulining diniy-axloqiy asarlari mohiyatiga insonning ma’naviy pokligini ta’minlovchi zarurat – e’tiqoddir, degan ma’no singdirilgan» [3,B.165].

Muzaffar Ahmad tarjimalaridan biri «Tursa kerakdir» sarlavhasi asosida beriladi va unda o‘qiymiz:

Qardoshlar, kun-kundan battar bo‘lmoqda,
Yil-yildan balolar kelsa kerakdir.
Sharob ichgan, zino qilgan jahonda,
Shunday mashhur bo‘lib tursa kerakdir.

Musulmon qardoshlar, do‘nmang bu yo‘ldan,
Kecharsiz, sirotdan, ul nozik qildan.
Dajjol kelar derlar bir necha yildan,
Olamga bir g‘avg‘o solsa kerakdir. [3, B.165]

Bu misralar bag‘ridagi asosiy fikr ham, maqsad ham oxirzamon manzaralarini tanishtirish va uning vahimalarini eslatish bilan kishilarni insof-u diyonatli bo‘lishga undashdir. Bizdagi mavjud manbalarga asoslanib aytishimiz mumkinki, Maxtumquli she’riyati shayx Ahmad Yassaviy hikmatlari kabi to‘rtlik shaklida bandlanadi. Shu bilan birga, shoir ijodida ayrim muxammaslar ham bor. Jumaniyoz Sharipov tarjimasida shoirning «Kechdi zamona», Muzaffar Ahmad tarjimasida esa «Diydor bor» muxammaslari bilan tanishamiz. «Kechdi zamona» muxammasi shunday boshlanadi:

Ey og‘alar, yig‘larman, keldi-kechdi zamona,
Yamon oldi jahonni, kelmas tili imona.

Ko‘p faqirlar yig‘lashib, kelar undan omona,
Istagi bor, tez vaqtda barham topsa zamona,
Yaxshi qadri bo‘lmagan, o‘tdi davri yomona [2, B.64].

Endi «Diydor bor» muxammasi ilk bandini o‘qiymiz:

Banda bo‘lsang ham amrin tut, tutmasang Jabbor bor,
Rost yurgan bandalarga yaxshilik – diydor bor,
Kim yomonlik aylasa, bilguvchi G‘affor bor,
Qilni qirq yormoqqa munkar, nakir tayyor bor,
Bunda bersang bir ozor, anda ming ozor bor [3, B.165].

Shoirning muxammaslari tarjimalarini qiyoslaganimizda Muzaffar Ahmad tarjima qilgan namunada bu janrning o‘ziga xosliklari saqlanib qolganini kuzatamiz. Muxammas, ma’lumki, mumtoz she’riy janrlardan biri bo‘lib, aruz vazni she’riy qonun-qoidalari asosida yaratilishi kerak. Muzaffar Ahmad mazkur tarjimani Maxtumquli yozgani kabi aruzning ramal bahrida chiroyli qilib o‘zbek tiliga o‘girgan. Jumaniyoz Sharipov esa ayrim o‘rinlarda vaznga rioya qilmaydi. Asosan, mazmunni ifodalshga diqqatni qaratadi. Ammo shuni e’tirof qilish kerakki, 20-asr kitobxonlari Jumaniyoz Sharipov tarjimalari orqali ilk bor Maxtumquli ijodi bilan tanishdilar hamda qaysidir darajada bu ma’naviyat chashmasidan bahramand bo‘ldilar.

Maxtumqulining serqirra ijodi ko‘pchilik tarjimon, adabiyotshunos va ijodkorlar diqqatini o‘ziga jalb etganligi sababli uning ijodi namunalarini o‘zbek tiliga o‘girish bo‘yicha izlanishlar bardavomdir. Quyida Maqsud Asrorning faylasuf shoir Maxtumquli ijodidan qilgan tarjimalaridan biridan parcha keltiramiz:

Qodir Jabbor, sendan tilagim ko‘pdir,
Sen meni nomardga muhtoj aylama.
Xazinangdan bergil, mening rizqimni,
Bandangni bandangga muhtoj aylama.
Adashtirma, to‘g‘ri yo‘lim egriga,
Egrini tenglama, hargiz to‘g‘riga,
Kishi moli nasib etmas o‘g‘riga,
Halolni haromga muhtoj aylama [4].

Bizningcha, tarjimada shoirning she’rxonga aytmoqchi bo‘lgan dil dardlarini tarjimon o‘z maromiga yetkaza olgan. Tangriga iltijo qilish asnosida lirik qahramon kitobxonni to‘g‘ri yashashga, halollikka da’vat etadi. Bunday ijod manunalariga har bir davrda ehtiyoj bo‘ladi.

Xullas, bu maqolada Maxtumqulining o‘zbek tarjimonlari faoliyatiga bir nazar tashlash orqali shoir ijodiga bir tadqiqotchi-kitobxon sifatida yondashishga harakat qildik. Yana shuni ta’kidlash joizki, o‘zbek mumtoz adabiyoti, jumladan, she’riyatdagi islomiy falsafaning badiiy talqinlarini o‘rganishda qardosh klassik shoir Maxtumquli ijodi qiyosiy adabiyotshunoslik uchun manba bo‘lib xizmat qiladi.

Adabiyotlar

1. Abdullayev H. Qadriyat qatralari. – Urganch, 1996. – B. 47.
2. Maxtumquli she’riyatidan. – Toshkent, 1976. – B. 64, 68.
3. Muzaffar Ahmad tarjimalari // Sharq yulduzi, 1992, 2-son. – B. 165.
4. https://kh-davron.uz/kutubxona/jahon/turk/maxtumquli-sherlar-maqsud-asror-tarjimalari.html

Rezyume

Mazkur maqolada Maxtumquli ijodini tarjima qilgan o‘zbek ijodkorlari va ularning tarjimadagi o‘ziga xos an’alari tahlil etilgan.

Kalit so‘zlar: tarjimalar, Jumaniyoz Sharipov, Mirzo Kenjabek, Muzaffar Ahmad, Maqsud Asror.

Summary

This article analyzes the Uzbek artists who translated Makhtumquli’s work and their unique traditions in translation.

Key words: translations, Jumaniyaz Sharipov, Mirzo Kenjabek, Muzaffar Ahmed, Maqsud Asror.

Резюме

В данной статье анализируются узбекские художники, переведшие творчество Махтумкули, и их уникальные переводческие традиции.

Ключевые слова: переводы, Джуманияз Шарипов, Мирзо Кенджабек, Музаффар Ахмед, Максуд Асрор.

MAXTUMQULI ASARLARIDA O‘ZBEK VA TURKMAN LINGVOMADANIYATI

Nabi Narziyevich JO‘RAYEV,
Termiz davlat universiteti,
filologiya fanlari bo‘yicha falsafa doktori

«Go‘zal dostonlaringni elingga baxshida qil». Ushbu xitob va chorlov turkman hamda o‘zbek, hatto butun bir turkiy xalqlarning eng ardoqli shoiri, faxri va iftixori Maxtumquli (Firog‘iy)ning hayotiy, ham ijodiy shiori, hayratli chaqirig‘idir. Maxtumquli asarlari badiiy matnida xalqning milliy-madaniy qiyofasi, uning ruhi va ma’naviy dunyosi, milliy tafakkuri hamda o‘lmas qadriyatlari o‘ziga xos tarzda ifoda etilgan. «Til – madaniyatning ko‘zgusi bo‘lib, unda nafaqat insonni o‘rab olgan real borliq, uning real yashash sharoitlari, balki xalqning ijtimoiy o‘zini o‘zi anglashi, uning mentaliteti, milliy xarakteri, hayot tarzi, an’analari, urf-odatlari, axloqi, qadriyatlar yig‘indisi va dunyoqarashi ham aks etadi»[1, B.7]. Haqiqatdan ham til – madaniyatning ko‘zgusi hisoblanadi. Unda har bir xalqning mentaliteti, milliy urf-odatlari, axloqi va qadriyatlari, dunyoqarashi tasvirlangan bo‘ladi. Maxtumquli (Firog‘iy) she’riyatidan ana shu jihatlarni har bir oddiy kitobxon topa oladi. Bir necha asr bo‘lishiga qaramay shoir asarlaridan butun dunyo kishilari bahramand bulib, qalblari shukuhlanib keladi. Maxtumquli (Firog‘iy) garchi turkman shoiri bo‘lsa-da, O‘zbekistonimizda ham uning asarlari Ahmad Yassaviy, Boborahim Mashrab, Fuzuliy va boshqa ko‘zga ko‘ringan shoirlarning ijodiy meroslari qatorida sebib o‘qiladi, undan bahra olinadi.

Maxtumquli asarlarini o‘zbek kitobxonlariga borligicha, yanada badiiy sayqal berib, tarjima qilib yetkazib berishda ijodkorlar Shayx Abdul Mo‘min va Jumanazar Zulpiyevlarning xizmatlari beqiyosdir.

Maxtumquli (Firog‘iy) she’rlarida insonparvarlik, xalqparvarlik va vatanparvarlik g‘oyalari ilgari surilgan, unda ma’rifat ruhi, ko‘tarinkilik ufurib turadi.

Turkman xalqining buyuk shoiri Maxtumquli o‘zining ulkan ijodiy ishi va hayoti namuna hisoblanishi mumkin bo‘lgan shaxs sifatida yuksak insonparvarlik, vatanparvarlik va ona yurtga muhabbat tuyg‘ularini badiiy so‘zlari, satrlari va ifodalarida tasvirlay olgan so‘z ustasidir. Ma’lum tarixiy o‘tmish, xalq hayoti, uning o‘tmish madaniyati hamda urf-odatlariga nisbatan samimiy munosabatlari, niyatlari orqali o‘zinig ortida ulkan meros qoldira olgan deb hisoblash mumkin. Tarix va adabiyot, madaniyat haqidagi ulkan bilim va tasavvur, tafakkur xazinasi va bebaho so‘zlari bugungi davrimizda ham o‘z ma’nosi hamda qimmatini yo‘qotmagan. Maxtumqulining she’riy tili turkman xalqi milliy tili hamda milliyligiga hamohangdir. Ana shu jihatlari bilan xalq mehrini qozondi. Maxtumguli hayotning dolzarb muammolariga ijobiy yechim topa olgan, o‘z davrining hayot illatlarini qat'iy qoralagan va ularning fojiali oqibatlarini yurak iztiroblari bilan his qila olgan hassos shoirdir. U yurtga sadoqat va sidqidildan xizmat qilish yuksak va oliy fazilat deb hisoblaydi.

«Badiiy matnda, badiiy she’rda o‘z ifodasini topgan har bir insonning nutq madaniyati darajalari ana shu matn mazmunida aniqlanadi. Inson butun hayoti davomida o‘zining xotirasida to‘play olgan bilimlarini va falsafiy qarashlarini o‘z tili va tafakkuri vositasida ro‘yobga chiqarishga harakat qiladi» [2, B.11]; Maxtumquli she’rlarining sof, samimiy va tushunarli tilida qandaydir hayrat va sehr bor. Uning lirik she’riyati hissiyotlarga to‘la, o‘zining tiniq mazmuni bilan maftunkor, har bir o‘quvchi diqqati va e'tiborini tortadi. She’rlarining har bir satri bir asarga tengday go‘yo. Misralaridagi mantiq va mazmun, falsafiy fikr va g‘oyalar, falsafiy mulohazalar bugungi davr zamonaviy o‘quvchini sehrlamay, hayratlantirmay qolmaydi. Qofiyalarning musiqiyligi, bo‘g‘inlar uyg‘unligi, misralardagi hayajon va ohang kishiga orom beradi. Asrdan asrga, davrlardan davrlarga o‘tib kelayotgan bu buyuk meros kishilarni har qanday masalalarda barcha hayotiy masalalarda shoir ijodiga murojaat qilamizga undaydi. Uning asarlaridan bizni

qiziqtirgan falsafiy, ijtimoiy, gumanistik, ma’naviy-ma’rifiy, axloqiy savollarga javob topishimizga imkon topiladi. Har bir so‘zi o‘git, har bir dono fikri do‘st va aqlli maslahatchidir. Shuning uchun ham u «turkman she’riyatining otasi» deb nom qozongan. Maxtumquli (Firog‘iy) o‘zining buyuk asarlarida xalqning ezgu va hur fikrlarini, orzu-umidlarini mohirona, san’atkorona aks ettira olgan shoir, mutafakkirdir. O‘zining o‘lmas asarlari bilan turkman adabiy tilining asoschisi sifatida xalq xotirasida abadiy saqlanib qolgan.

«Agar siz hasadgo‘y odamni uchratsangiz, indamay o‘tib keting», «Uyatsizlar bilan uchrashmaydigan va gaplashmaydigan inson baxtlidir», «Har qanday sirlarni behuda oshkor qilmang», «Maslahatlarga ishon, lekin xiyonatlardan ehtiyot bo‘l», «Ahmoq odam bilan janjal boshlamang», «Ko‘r odamga ergashmang» mazmunidagi misralari hayotiy va falsafiy, dono va aqlli yo‘l ko‘rsatadi[3].

«Shoir Maxtumquli «Davlatyor» nomli dostonida o‘zbeklarning qo‘ng‘irot urug‘idan bo‘lgan harbiy arbob Davlatyor haqida yozgan. Davlatyor yoshligida turkmanlar ichida voyaga yetgan. Ma’rufiy bilan yaqin do‘st bo‘lgan. Davlatyoming boshidan o‘tgan voqyealar, uning dushmanlar bilan urushda ko‘rsatgan jasoratlari o‘z tilidan hikoya qilingan» [4, B.40].

Magtimguli (Firog‘iy) o‘lmas ijodi turkman xalqi milliy madaniyatining rivojlanishiga juda katta ta’sir ko‘rsatdi. Uning she’rlaridagi fikrlar, g‘oyalar zamirida inson, hayot, kelajak muammosi tasviri berilgan. Ayniqsa komil inson g‘oyasi, komol insonni tarbiyalash va kamolga yetkazish muammosi asosiy o‘rin egallaydi. Shuning bilan birga milliylik, milliy ruh, milliy tuyg‘u g‘oyalari bilan sug‘orilgan» jasorat, vatanparvarlik, or-nomus, poklik, qalb pokligi, tabiat va uning mavjudotlariga mehr-oqibat, bolalar va kattalarga hurmat, sadoqat, mehribonlik, muloyimlik, ehtiyotkorlik, odoblilik» fazilatlari to‘g‘risidagi hikmatli o‘gitlari diqqatga sazovordir.

Adabiyotlar

1. Usmonova Sh. Lingvokulturologiya. Darslik. – Toshkent, 2019. – B.7.

2. Jo‘rayev Nabi. Badiiy matnlarni lingvomadaniy tahlil qilishning nazariy asoslari: Filologiya fanlari bo‘yicha falsafa doktori dissertatsiyasi – Termiz, 2023.
3. Maxtumquli (Firog‘iy). She’rlar. Maqsud Asror tarjimalari. Xurshid Davron kutubxonasi. www.kh-davron.uz
4. Suyarova A. Turkiy xalqlar adabiyoti tarixi. O‘quv-uslubiy qo‘llanma. – Namangan, 2016. – B. 40.

Rezyume

Maqolada o‘z ijodida xalq mentaliteti, milliy urf-odatlari, axloqi va qadriyatlari, dunyoqarashini tasvirlagan mash’hur turkman shoiri Maxtumquli (Firog‘iy) she’riyatining milliylik, milliy ruh, milliy tuyg‘u g‘oyalari bilan sug‘orilgan» jasorat, vatanparvarlik, or-nomus, poklik, qalb pokligi, tabiat va uning mavjudotlariga mehr-oqibat, bolalar va kattalarga hurmat, sadoqat, mehribonlik, muloyimlik, ehtiyotkorlik, odoblilik» fazilatlari to‘g‘risidagi hikmatli o‘gitlari va umuman, lingvomadaniy jihatlari borasida so‘z yuritilgan.

Kalit so‘zlar: shoir ijodida lingvomadaniy jihatlar.

Summary

In the article discussed the poetry of the famous Turkmen poet Magtymguly (Firogiy), who described in his work the national mentality, national traditions, morals and values, worldview, is «imbued with the ideas of nationality, national spirit, national feeling» courage, patriotism, wise teachings about the qualities «honor, purity , purity of heart, kindness to nature and its creatures, respect for children and adults, loyalty, kindness, gentleness, prudence, politeness» and general linguistic and cultural aspects.

Key words: linguocultural aspects in the poet’s work.

Резюме

В статье обсуждается поэзия известного туркменского поэта Махтумкули (Фирогий), описавшего в своем творчестве национальный менталитет, национальные традиции, мораль и ценности, мировоззрение, «пропитана идеями народности, национального духа, национального чувства» мужество,

патриотизм, мудрые учения о качествах «честь, чистота, чистота сердца, доброта к природе и ее созданиям, уважение к детям и взрослым, верность, доброта, мягкость, благоразумие, вежливость» и общеязыковые и культурные аспекты.

Ключевые слова: лингвокультурологические аспекты в творчестве поэта.

MAXTUMQULI VA TURKMAN-O‘ZBEK ADABIY-MADANIY MUHITI

Hurriyat Muxiddinovna XUDOYMURODOVA,
Termiz davlat universiteti dotsenti

«Maxtumquli-Firog‘iy, nafaqat, turkiy xalqlar, ayni paytda jahon adabiyoti va madaniyati tarixida alohida o‘rin egallagan atoqli shoir va mutafakkirdir. Hassos so‘z san’atkorining chuqur gumanizm bilan sug‘orilgan asarlari mard va matonatli, mehnatkash turkman xalqining ezgu qadriyatlari va oliyjanob fazilatlarni tarannum etishi, hamisha xalq bilan hamdard bo‘lishga, turli millat va elatlar o‘rtasida o‘zaro ahillik va hamjihatlik rishtalarini mustahkamlashga qaratilgan mazmun-mohiyati bilan barchamiz, ayniqsa, yoshlarimiz uchun ibrat namunasidir».

Shavkat Miromonovich Mirziyoyev,
O‘zbekiston Respublikasi Prezidenti

Turkman adabiyoti ham boshqa xalqlar adabiyoti singari xalq og‘zaki ijodidan boshlangan. Turkiy xalqlarning mushtarak adabiy yodgorliklari: «Qo‘rqut Ota kitobi», «Shohsanam va g‘arib», «Sayot va Hamro», «Layli va Majnun», «Yusuf va Zulayho» kabi dostonlari turkman adabiyotida ham o‘ziga xos variantlari mavjud. Turkman xalqining orzu-umidlari, alam va iztiroblari uning ertaklari, dostonlari, qo‘shiqlarida ifodalangan.

XVIII asr oxiri – XIX asr boshida Andalib, Mullanafas Qozoqberdi o‘g‘li, Ma’rufiy, Shaydoiy, G‘oyibiy, Kamina kabi turkman adabiyotining yirik vakillari ijodida turkman xalqining tili,

urf-odatlari, madaniyati, adabiyoti, san’ati umumiylashdi. Maxtumquli ijodi esa turkman adabiyotining yorqin sahifasini tashkil etadi.

XVIII asrda turkman shoirlari nazm tilini xalq tiliga yaqinlashtirishgan. Maxtumquli esa turkman adabiyotida yangi yo‘nalishni boshlab bergan. Maxtumquli dastlabki ta’limni o‘z otasidan olgani ma’lum. So‘ng ovul maktabidagi Niyozsolih mulla qo‘lida o‘qiganligi, tahsil davomida u o‘zini har qanday og‘ir nazariy masalalarni ham yengil o‘zlashtira olishga qodir o‘quvchi sifatida namoyon eta bilganligi manbalardan bizga ayon. Maktab tahsilini tugatgach, o‘qishini Qiziloyoq ovulidagi Idrisbobo, Buxorodagi Ko‘kaldosh, keyinchalik xonlik markazi bo‘lmish Xivadagi Sherg‘ozi madrasalarida davom ettirib, zamonasining fozil kishisi bo‘lib yetishdi. O‘z mehnati bilan halol rizq topish maqsadida zargarlik hunarini o‘rgandi. Maxtumquli hali to‘qqiz yoshidanoq qo‘liga qalam olib, she’r yozishga tutinganligi e’tiroflidir. To‘qqiz yoshida bobosi va otasi izidan borib, xalq yo‘lida qo‘shiqlar to‘qiy boshlaganligi uning kelajakda mukammal badiiy ijod sohibi bo‘lishida nihoyatda katta ahamiyatga ega bo‘ldi. Shoir ba’zi she’rlarida «Firog‘iy» taxallusini qo‘llaydi. Afg‘oniston, Eron, Hindiston, Ozarbayjon singari mamlakatlar hamda Samarqand, Toshkent, Turkiston kabi bir qancha shaharlarga sayohat qilganligi va asarlarida buni singdira olganligini ma’lum (ma’lumki, Sa’diy Sheroziy, Furqat, Muqumiy, Zavqiy ijodida ham sayohat voqealari uchraydi).

Maxtumquli ijodi liro-epik dostonlar g‘azal, mumtoz she’riyat yo‘lida bitilgan to‘rtlik va muxammaslar hamda xalqona ohanglarda yozilgan she’rlaridan iborat. Maxtumqulining ijodi bilan maxsus shug‘ullangan mutaxassislarning fikricha, shoir ijodining umumiy hajmi o‘n ming misradan ortiqroqni tashkil etadi. Ba’zi manbalarda esa, jumladan, taniqli sharqshunos olim E.Bertelsning yozishicha, Maxtumquli adabiy merosining umumiy miqdori taxminan 16-18 ming misraga yetganligi haqidagi ma’lumotlar o‘rinlidir.

Shoirning qator she’rlarida turkman xalqining hayoti, orzu-armonlari, milliy an’analari hamda xalq hayotida yuz bergan muhim ijtimoiy-siyosiy hodisalar aks ettirilganligini sababi Vatan va xalq

mavzusi-Maxtumquli she’riyatining o‘q ildizini tashkil etadi. «Turkman binosi» she’rida turkman xalqiga xos g‘urur, oriyat, ittifoqlik tuyg‘ulari haqida iftixor bilan yozganligi, ayni vaqtda shoir turkmanlardagi bunday ma’naviy sifatlar shakllanishida o‘z ijodi va faoliyatining ham o‘rni borligini ta’kidlashi, yurt istiqboli uchun qayg‘urgan fidoyi vatanparvar sifatida namoyon bo‘lishi har bir turkman, yoinki o‘zbek, qozoq, tojik qalbida Vatanni sevish tuyg‘usini singdiradi.

Qurganim aslida, bilgil, bu zaminning mixidir,
Erur ul erkin doim, budur turkman binosi.
Garki dunyo ayladi, gar kelsa raqib qoshiga,
Bir po‘latdan bino bo‘lgan, buldur turkman qal’asi [1, B-243]

Maxtumquli el-ulusning saodati, yurtning obodligi uchun eng katta omil millat birligi, yakdilligi ekaniga alohida urg‘u beradi:

Taka, yovmit yazir, go‘klang, ahal eli bir bo‘lib,
Gar qilsa bir joyga yurish, ochilar gul-lolasi. [2, B-243]

Shoirning hayot va o‘lim, inson va borliq, go‘zal insoniy fazilatlar va odob-ahloqqa oid she’rlarida islom dini va tasavvufiy qarashlar yaqqol sezilib turadi. Bunday she’rlar shoir to‘plamlarining salmoqli qismini egallaydi. Hatto, muhabbat mavzusidagi eng go‘zal she’rlari Yaratganga bo‘lgan ilohiy ishq kechinmalari bilan uyg‘un tarzda berilganligini kuzatish mumkin:

Asli seni ko‘rmaganman, nigorim!
Qumrimisan, bulbulmisan, namasan?
g‘amgin dilni xayoling-la aldarman,
Bog‘ ichinda bir gulmisan, namasan?...
Yo mushkmisan, yoki jambil, yo anbar.
Aytolmayman, yo charxmisan, yo chambar.
Daryomisan, yo mavjmisan, yo savsar,
Girdobmisan, to‘lqinmisan, namasan?..[3, B-243]

Bu she’rdagi yor Olloh bo‘lib, avvalgi misrada bu dunyoda uni ko‘rmagani aytilmoqda va tabiatdagi eng nafis tasvirlar, go‘zallik

ramzlari orqali ana shu ilohiy nigorni topish istagini, ishtiyoqini shoir yashirmaydi. Butun borliq, koinotning egasi, ularni harakatga keltiruvchi, itoatda tutib turuvchi qudrat sohibini «yo charxmisan, yo chambar, Daryomisan, yo mavjmisan» deya tafakkur qiladi. Ma'lumki, tasavvuf ta'limotiga ko'ra Ollohning sifatlari butun borliqda aks etadi, qalb ko'zi ochilgan insonlargina uni ko'ra oladi, g'ofillar esa bundan bexabardir. Bilamizki, Maxtumquli ijodi ko'plab sarchashmalardan suv ichgan: ular-Qur'oni Karim va unga yozilgan tafsirlar, Hadisi sharif va diniy adabiyotlar, tasavvuf falsafasi va adabiyoti, Sharq mumtoz so'z san'ati va xalq og'zaki ijodidir. Shuning uchun shoir ijodida islomiy mavzularni ham, so'fiyona ruhni ham, mumtoz adabiyot ta'sirini ham ko'ramiz. Ular o'zaro omuxta bo'lib, bir-birini to'ldiradi.

Shuningdek, shoir she'rlarida ma'naviy-axloqiy mavzular ustuvorligi ham ko'zga tashlanadi. Muallif Sharq allomalari tafakkur gulshanidan bahramand bo'lgan, xalqning yuksak ma'rifiy qarashlarini o'ziga singdirgan donishmand sifatida namoyon bo'ladi. Uning o'gitlari avlodlarni axloqiy poklikka, ma'naviy yuksaklikka o'rgatadi:

Kel, ko'nglim, men senga o'git berayin:
Yiroq qilma ko'rar ko'zing-elingni.
Qimmatin ketkizma, o'rnida so'zla,
Ravo ko'rma har nokasga tilingni.
So'ziga javob ber har kim so'rasa,
o'zingni uzoq tut nomard yo'risa,
Bir miskin termulib, yig'lab qarasa,
Baholama, tekin bergin molingni.[4, B-244]

Maxtumquli uslubida, asarlarning shakli va mazmunida turkman og'zaki ijodi namunalarining ta'siri sezilib turadi. U turkman maqol, matallarini, xalq tiliga xos unsurlarni adabiyotga olib kirishda katta xizmat qilgan. Ayni paytda shoirning pur ma'no misralari millatning hikmatli so'zlari, aforizmlari qatoridan joy olgan. Maxtumquli she'rlarida xalq falsafasi kuchli.

Maxtumquli she'riyati barcha turkiy millatlar, jumladan, o'zbeklarning ham ma'naviy mulkiga aylangan. Bir necha marta she'rlari o'zbek tiliga tarjima qilinib, nashr etilgan. U haqida

kinofilm, spektakl va badiiy asarlar yaratilgan, qator ilmiy izlanishlar olib borilgan (Sapayeva Feruza Davlatovna «Maxtumquli she’rlari o‘zbekcha tarjimalarinig qiyosiy tahlili» mavzusidagi filologiya fanlari bo‘yicha falsafa doktori dissertatsiyasi). Ko‘plab she’rlari hofizlar tomonidan kuyga solinib aytiladi. Bir so‘z bilan aytganda, Maxtumquli xalqining tili, aytar so‘zi bo‘lib, turkmanning qalbini, orzu-armonini, millat ma’naviyatini olam ahliga kuylagan:

Sarxush bo‘lib chiqar, bag‘ri dog‘lamas,
Toshlarni sindirar, yo‘li bog‘lanmas.
Ko‘zim yotga tushsa, ko‘nglim tanglanmas,
Maxtumquli so‘zlar tili turkmanning. [5, B-245]

Har bir xalqning o‘z sevimli shoiri, yozuvchisi bor. U qaysi davrda yashamasin, o‘z xalqining ardoqli ijodkori bo‘lib qolaveradi. Navoiy turk tilida o‘z xalqining ma’naviy merosini boyitgan bo‘lsa, Abay Qo‘nanboyev qozoq adabiyotining, Chingiz Aytmatov qizg‘iz adabiyotining, Maxtumquli Firog‘iy esa turkman adabiyotining gullab-yashnashiga hissa qo‘shgan ardoqli adiblari bo‘lib qolaveradi.

Adabiyotlar

1. Ulug‘ov A. Jahon adabiyoti (Turkiy xalqlar adabiyoti) // Darslik. –Toshkent, 2021.
2. Yo‘ldoshev Q., Qosimov B., Qodirov V., Yo‘ldoshbekov J. / Darslik. – Toshkent, 2017.
3. HamdamovU., QosimovA. Jahon adabiyoti. – Toshkent, 2017.
4. Maxtumquli Firog‘iy. Saylanma. – Toshkent: O‘zbekiston, 2008.
5. Maxtumquli. She’rlar. – Toshkent, 1976.
6. Maxtumquli. Dunyo o‘tib boradir. – Toshkent, 2007.
7. Sapayeva F.D. Maxtumquli she’rlari o‘zbekcha tarjimalarinig qiyosiy tahlili: Filologiya fanlari bo‘yicha falsafa doktori dissertatsiyasi. 2018.

Rezyume

Ushbu maqolada turkman xalqining iftixori hamda adabiy siymosi Maxtumqulining hayoti, ijodiy faoliyati haqida so‘z boradi.

Maqolada Maxtumqulining adabiy merosida o‘zbek-turkman ellarining qon-qarindoshlik tuyg‘ulari tarannum etilgan va turkman xalqining hayoti, orzu-armonlari, milliy an’analari hamda xalq hayotida yuz bergan muhim ijtimoiy-siyosiy hodisalar aks ettirilgan she’rlari tahlilga tortilgan.

Kalit so‘zlar: Olloh jamoli, turkman xalqi, turkman adabiyoti, xalq og‘zaki ijodi, islom va tasavvufiy qarashlar, Ozodiy, Turdi shoir, aytishuv, ahloqiy poklik.

Summary

This article will talk about the life and creative work of the Turkmen people, as well as the literary figure Makhtumkuli. In the literary heritage of Makhtumkuli, the feelings of blood-kinship of the Uzbek-Turkmen elites were echoed in the article, and the poems of the Turkmen people, whose lives, dreams, national traditions and important socio-political phenomena that occurred in the life of the people were analyzed.

Keywords: Allah jamoli, turkmen people, Turkmen literature, folk oral creativity, islamic and mystical views, Ozodiy, Turdi shoir, recitation, moral purity.

Резюме

В этой статье рассказывается о гордости туркменского народа, а также о жизни и творческой деятельности литературного деятеля Махтумкули. В статье были проанализированы стихи Махтумкули, в литературном наследии которых воспеты чувства кровного родства узбекско-туркменского народа и отражены жизнь, мечты, национальные традиции туркменского народа, а также важные общественно-политические события, произошедшие в жизни народа.

Ключевые слова: Аллах джамали, туркменский народ, туркменская литература, устное народное творчество, ислам и мистические взгляды, Азади, Турди поэт, айтыш, нравственная чистота.

MAGTYMGULY PYRAGYNYŇ TAGLYM-GARAÝYŞLARYNYŇ EDEBI KÖKLERI

Akmaral SABYROWA,
TYA-nyň Magtymguly adyndaky
Dil, edebiýat we milli golýazmalar institutynyň
türkmen edebiýaty we edebi gatnaşyklar
bölüminiň uly ylmy işgäri

XVIII asyr türkmen nusgawy edebiýatynyň kerwenbaşysy, akyldar şahyr Magtymguly Pyragynyň çeper söz mirasy halkyň geçmiş ruhy baýlyklarynyň agramly bölegini düzýär. Şahyryň çeper söz äleminde bitiren hyzmatynyň gadyr-gymmaty, olara goýulýan sarpa barha artýar.

Magtymguly Pyragynyň 2024-nji ýylda doglan gününiň 300 ýyllygyny dabaraly bellemeklige uly taýýarlyk görülýär. Şunuň bilen bagly şu ýylyň 27-nji maýynda Parižde geçirilen ÝUNESKO-nyň Ýerine ýetiriji geňeşiniň 216-njy mejlisiniň dowamynda şu ýylyň noýabrynda ÝUNESKO-nyň Baş maslahatyna Türkmenistan tarapyndan hödürlenen «Magtymguly Pyragynyň doglan gününiň 300 ýyllygy» baradaky şanly senäni 2024-2025-nji ýyllarda ÝUNESKO bilen bilelikde belleniljek ýubileý seneleriň sanawyna goşmaga ygtyýar bermegi barada kararyň kabul edilmegi, şeýle-de «Magtymguly Pyragynyň golýazmalar toplumyny» ÝUNESKO-nyň «Dünýäniň hakydasy» maksatnamasynyň halkara sanawyna girizilmegi buýsandyryjy wakadyr.

Magtymguly Pyragynyň durmuşyň dürli ugurlaryndan söz açýan şygyrlarynyň aglabasy jemgyýetiň ähli gatlaklarynyň wekillerine niýetlenilip, olarda ynsanperwerlik we ahlaklylyk baş mesele hökmünde öňe sürlendir. Akyldar şahyryň öwüt-nesihat häsiýetli eserleriniň özeninde ýatýan terbiýe meselesi halkyň milli däp-dessurlaryndan, urp-adatlaryndan, medeniýetinden gözbaş alyp gaýdýar. Şeýle-de, şol döwür türkmen edebiýatynda, medeniýetinde aýratyn hadysa hasaplanýan edebi-ylmy, dini-filosofiki garaýyşlaryň kemala gelmeginde orta asyr edebi-ylmy gymmatlyklaryň hem hyzmatynyň uly bolandygy ikuçsyzdyr. Muňa beýik alym, şahyr, Seljuklar döwrüniň edebiýatynyň iň görnükli wekilleriniň biri

Mahmyt Zamahşarynyň çeper döredijiligi bilen tanşanyňda hem göz ýetirmek bolýar. Söz ussady Mahmyt Zamahşarynyň ündew-parasada ýugrulan şahyrana dünýäsi Gündogaryň şygryýetiniň iň ajaýyp däplerini özünde jemläp, özünden soňky söz ussatlary üçin nusga bolup hyzmat edipdir. Hususan-da, Zamahşarynyň şahyrana mirasynyň pelsepewi garaýyşlarynyň Magtymguly Pyragynyň döredijiliginde-de şöhlelenýändigini görmek bolýar. Sözümiz gury bolmaz ýaly anyk mysallara ýüzleneliň.

Magtymguly Pyragy halk durmuşynyň, jemgyýetçilik aňynyň, pikirlenmesiniň beýanyny çeper söz, şahyrana setirler arkaly halka gaýtaryp bermegiň jogapkärçiligi dogrusynda Mahmyt Zamahşary bilen pikirdeşdir. Magtymguly Pyragy:

Magtymguly, ýangyl, öçgül,
Ýa lal otur, ýa dür saçgyl!... [2, 294 s.].

şeýle-de:

...Sözläbilseň, ýagşy sözle,
Il ýamanyň bizarydyr

diýýän bolsa, Mahmyt Zamahşarynyň şygyrlarynda şeýle setirlere duş gelmek bolýar:

Dowam edýär ömür ýoly, günlerim geçer gydyrdap,
Söz sözle il düşer ýaly ýa-da lal otur gadyrdan [1, 62 s.].

Zamahşarynyň «Söz sözle il düşer ýaly ýa-da lal otur gadyrdan», Magtymgulynyň «Ýa lal otur, ýa dür saçgyl!», «Sözläbilseň ýagşy sözle» diýen setirlerindäki pikir we beýan ediş meňzeşligi tötänleýin zat däldir. Bu iki beýik şahsyýetiň milli özboluşlylygyndan gelip çykýar.

Zamahşary ynsan ömrüniň dowamynda ýaman-şer işlere hemişe garşy durmalydygyny aýdýar. Şahyryň pikiriçe, adamyň bu işe werziş bolmaklygy sazlaşykly jemgyýetçilik gatnaşyklarynyň kemala gelmegine getirýär. Akyldar bu göreşe her kimiň özündäki nogsanlyklyklary ýok etmeklikden başlamalydygyny:

Ýamany goý, ýagşa syn et, ýöne berilmedi orun,
Sen öz kimdigiňi tanat, zamana ötmesden burun [1, 53 s.].

diýen setirlerinde çeper nygtaýar. Ol bu garaýşynyň üstüni ynsanyň haýyr işleri geljekki nesillere nusga bolup hyzmat etmeli diýen pikir bilen ýetirýär:

Berjaý edip Hakyň emrin, haýyrda yza tesmeseň,
Yzyňda nusgalyk ömri goýup bilersiň isleseň [1, 53 s.].

Zamahşarynyň ýokardaky beýtlerinde öňe sürülýän garaýyş we beýan edilişiň şahyranalyk labzy Magtymgulynyň:

Säher tur, Hudaýa ýalbar,
Yslam öýüň abat galsyn.
Ýamany goý, ýagşa ýol ber,
Şeýtan işi bibat galsyn [3, 216-217 s.]

diýen bendinde hem yzarlanýar. Iki akyldaryň garaýyşlarynyň birmeňzeş bolmaklygy – haýyr işlerden «ýük tutunmaklygyň» derwaýysdygy hakdaky pikirlerini öňe sürmekligi, olaryň bu ugurdaky ideýa köklerіniň umumylygyndan habar berýär.

Adamyň jemgyýetdäki orny onuň jemgyýetçilik gatnaşyklaryndaky ahlak-etiki kadalary berjaý edişi bilen baglydyr. Zamahşary we Magtymguly halk köpçüligi tarapyndan goldaw tapýan amallary berjäý etmekligi, ahlak kadalaryny berk saklamagy ündäpdirler. Munuň özi jemgyýetçilik gatnaşyklarynyň kadaly ýagdaýyny saklamakda-da, şahsy meselelerde-de derwaýysdyr. Şeýle ýagdaýlaryň köpüsi dil, sözleýiş bilen bagly meselelerde ýüze çykýar. Alym şahyr Zamahşary bu barada:

Betbagt eder diliň seni, saklap bilseň eselersiň,
Eger saklamasaň ony il içinde peselersiň [1, 66 s.]

diýýän bolsa, akyldar şahyr Magtymguly Pyragy «Zamanydyr» şygrynda:

Magtymguly, derdiň aýan,
Baryp ajap kyldyň beýan,
Tiliň ýyg sen, bardyr zyýan,
Akyl anyň haýranydyr [2, 99 s.]

diýmek bilen ýerliksiz sözlemegiň zyýany hakdaky garaýyşlary bilen Zamahşarynyň pikirlerini ösdürýär. Her bir sözi oýlanyşykly,

manyly, ýerinde sözlemegi öwüt-ündew edýär. Türkmen akyldarlary ynsanlary dogry ýola gönükdirmek ýaly çeper edebiýatyň aýrylmaz bölegi bolan ynsanperwer ýörelgelerini dowam etdiripdirler. Şahyrlaryň bu başlangyçlary hem edebiýatymyzyň, hem jemgyýetçilik aňynyň ösmegine, olaryň eserleriniň bolsa, halkymyzyň bahasyna ýetip bolmajak ruhy gymmatlygyna öwrülmegine getiripdir.

Halkymyzyň milli mirasyny goramak, dikeltmek we olary geljek nesillere ýetirmekde alyp barýan işlerinde Gahryman Arkadagymyzyň, Arkadagly Serdarymyzyň janlarynyň sag, ömürleriniň uzak, işleriniň rowaç bolmagyny arzuw edýäris.

Edebiýat

1. Mahmyt Zamahşary. Diwan. – Aşgabat: Miras, 2007.
2. Magtymguly. Eserler ýygyndysy. I jilt. – Aşgabat: Ylym, 2013.
3. Magtymguly. Eserler ýygyndysy. II jilt. – Aşgabat: Ylym, 2013.

Rezyume

Magtimquli Firog‘iyning hayotning turli jabhalariga bag‘ishlangan she’rlarining aksariyati jamiyatning barcha qatlamlari vakillariga mo‘ljallangan bo‘lib, insonparvarlik, odob-axloq asosiy masala sifatida ilgari surilgan. Donishmand shoirning tarbiyaviy asarlari zamirida turgan ta’lim-tarbiya muammosi xalqning milliy urf-odatlari, urf-odatlari, madaniyatidan kelib chiqqan. Biroq o‘sha davr turkman adabiyoti va madaniyatida alohida hodisa hisoblangan adabiy, ilmiy, diniy-falsafiy qarashlarning shakllanishida o‘rta asr adabiy va ilmiy qadriyatlari ham katta rol o‘ynaganini inkor etib bo‘lmaydi. Buni saljuqiylar davri adabiyotining ko‘zga ko‘ringan namoyandalaridan biri, buyuk olim, shoir Mahmud Zamaxshariy ijodida ham ko‘rish mumkin. Mahmit Zamaxshariyning she’riyatdan ilhomlangan she’riy olami, lirikasi sharq she’riyatining eng go‘zal an’analarini o‘zida mujassam etgan holda keyingi she’r ustalari uchun namuna bo‘lib xizmat qildi. Ushbu maqola shu haqida.

Kalit so‘zlar: Magtimquli Firog‘iy she’rlarida insonparvarlik, odob-axloq, ta’lim-tarbiya masalalari.

Summary

Most of Magtimkuli Firoghi's poems on various aspects of life are intended for representatives of all levels of society, and humanism and morality are put forward as the main issues. The problem of education, which is at the heart of the educational works of the wise poet, originated from the national traditions, customs, and culture of the people. However, it cannot be denied that medieval literary and scientific values also played a major role in the formation of literary, scientific, religious-philosophical views, which were considered a special phenomenon in the Turkmen literature and culture of that time. This can be seen in the works of Mahmud Zamakhshari, a great scholar and poet, one of the outstanding representatives of the literature of the Seljuk period. The poetic world and lyrics of Mahmit Zamakhshari, inspired by poetry, embodied the most beautiful traditions of Eastern poetry and served as a model for later poets.

This article is about that.

Key words: humanitarianism, manners, education issues in the poems of Magtimkuli Firoghi.

Резюме

Большинство стихов Махтумкули Пыраги о различных сторонах жизни предназначены для представителей всех слоев общества, и в качестве главных вопросов в них выдвигаются гуманизм и нравственность. Проблема воспитания, лежащая в основе назидательных произведений мудрого поэта, коренится в национальных традициях, обычаях и культуре народа. Однако нельзя отрицать, что средневековые литературно-научные ценности также сыграли большую роль в формировании литературно-научных, религиозно-философских взглядов, которые считались особым явлением в туркменской литературе и культуре того времени. Это можно увидеть в творчестве Махмута Замахшари, великого учёного, поэта, одного из самых ярких представителей литературы сельджукского периода. Поэтический мир, лирика Махмыта Замахшари, вдохновленный поэзией, послужил образцом для позднейших мастеров поэзии, вобрав в себя прекраснейшие традиции восточной поэзии. Данная статья об этом.

Ключевые слова: гуманизм, нравы, вопросы воспитания в стихах Магтимкули Фироги.

МАХТУМҚУЛИ ИЖОДИ ТАДҚИҚОТИ ТАРИХИДАН

Гўзал ХИММАТОВА,
Термиз давлат университети доценти,
филология фанлари фалсафа доктори

«Туркмен эдебиятынынг тарыхы»нинг 2-томи (Ашгабат: «Ылым» нешрияты, 1976) Махтумқули ҳаёти ва ижоди таҳлили билан ибтидо топади,
бу ахборот китобнинг 5-97-саҳифаларидан ўрин олган. Ушбу саҳифаларда ижодкорнинг «Шоирнинг даври борасида» [1.С.16-23], «Махтумқулининг таржимаи ҳоли ҳақида» [1.С.23-44], «Махтумқулининг ижодининг мавзулар олами» [1.С.44-60], «Эл-халқ мавзуи» [1.С.60-64], «Ватан, қаҳрамонлик, мардлик мавзулари» [1.С.64-79], «Жамият нуқсонлари, зарарли одатларга қарши кураш мавзуи» [1.С.79-86], «Халқпарвар севги мавзуи» [1.С.86-97] каби темалар теварагида фикрлар берилади.

Шоир Махтумқули ҳаёт йўли борасида амалга оширилган илмий кузатувлар ўз тарихига эга, унинг хос қирралари бизни узоқ ўтмишга етаклайди. Махтумқули ижодига доир илмий тадқиқотлар ўз тарихига эга, унинг шеъриятининг довруғи замондан замонга ўтиб, турли миллат ва элат кишиларини мафтун айлаб, ўзига жалб эта бошлади. Унинг ижодига бўлган қизиқишни бошлаган шахслардан бири Буюк Британиядаги рус дипломатиясида фаолият олиб борган поляк ёзувчиси Александр Ходзько-Борейко бўлади, у 1842 йили Махтумқули ҳақида ихчам маълумот ила шоирнинг учта шеърини Лондондаги журналлардан бирида инглиз тилида эълон қилади [1, Б.6]. Кейинчалик орадан йигирма йил ўтиб 1862 йили Қозон ва Петербург дорулфунунларининг профессори И.Н.Березин ўзи тузган «Турецкая хрестоматия» номли уч жилдлик китобининг айни иккинчи жилдида Махтумқулининг бошқа бир шеърини

туркман тилида араб алифбосида нашрини амалга оширади [1, Б.6]. Шундан сўнг Ф.Бакулин 1872 йили Тбилисида «Песни у туркмен и поэт их Махтумкули» тўпламида шоирнинг иккита шеърини рус тилида чоп эттиради [1, Б.6].

Ана шу тариқа Европада Махтумқули ижодига бўлган қизиқиш ошиб боради, машҳур венгер олими, Будапешт олийгоҳи профессори Герман (Арманий) Вамбери 1879 йили Лейпциг шаҳрида шоирнинг ўттизта шеърини «Туркман тили ва Махтумқули девони» номли мақоласини журналда эълон қилади [1, Б.7]. Журналда эълон қилинган мақолада шеърларнинг аслияти билан уларнинг немис тилидаги таржимаси ҳам берилган эди. Биламизки, Герман Вамбери сайёҳ қаландар сифатида Ўрта Осиёни 1863–64 йиллар давомида кезиб чиқади ва маҳаллий аҳолининг урф-одатларидан ташқари, турли шоирларнинг шеърий девонларини тўплаб олиб кетишга ҳам улгуради. Герман Вамбери манбаларда айтилишича ўзбек шоири Муҳаммад Солиҳнинг «Шайбонийнома» достонини немис тилига таржимасини амалга оширган, ушбу таржиманинг бир нусхаси Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Республика кутубхонаси фондида сақланади. Таассуфки, ўзбек олимларимиз томонидан айни ана шу достон таржимаси ва унинг хусусиятлари ҳақида мутлақо қизиқиш билдирилмай келинмоқда.

Шу тариқа Махтумқули ижодиёти кенг оммага тортиқ ва ташвиқ этила бошлайди, чунончи 1907 йили Н.А.Остроумов Тошкентда Махтумқулининг элликта шеърини туркман тилида араб алифбосида «Туркистон вилоятининг газети» саҳифаларида бирин-кетин чопини амалга оширади. Ҳатто 1911 йилга келиб, Н.А.Остроумов шу шеърларни алоҳида бир жойда жамлаб, уларни бир китоб шаклида нашр эттиради [1, Б.7].

Ана шундай қилиб Н.А.Остроумов рус шарқшунослари орасида биринчилардан бўлиб, буюк туркман шоири Махтумқули ижод бисотини элга – шеърият муҳибларига ёйишдек улкан ва хайрли ишнинг ибтидоси пойдеворига илк ғиштни қўйган эди. Н.А.Остроумовнинг изидан Мирзоҳид Мирсиддиқов ўғли Махтумқули шеърларини 1911 йили

Тошкентда «Ўттиз икки уруғ қиссаси ва Махтумқули» номи ила араб алифбосида босмадан чиқаради. Шунингдек, Абдураҳмон Ниёзий Астарахань шаҳрида шоир Махтумқулининг қирқ бешта шеърларидан иборат китобчани нашр эттириб, шеърият муҳибларига унутилмас туҳфа айлайди [1, Б.7].

Бу борада рус адабиётшуносларидан академик А.Н. Самойловичнинг хизматлари ўта улкандир, у биринчилардан бўлиб, Махтумқули адабий меросини кенг тарғиб этган олимлардандир. Олимнинг айниқса, инқилобга қадар амалга оширган тадқиқотларидан «Ўрта Осиё туркий адабиётдан материаллар. Махтумқули асарлари кўрсатгичи» бунинг ёрқин далилидир. А.Н.Самойловичнинг инқилобдан сўнг ёзган «Туркман адабиётининг тарихидан очерклар» (1928) асари то ҳануз амалга оширилган тадқиқотлар орасида ўз қимматини сақлаб келмоқда [1, Б.8].

Шоир Махтумқули ижодий меросининг асл кўркини англашда рус олими, академик Е.Э.Бертельснинг хизматлари беқиёсдир, олимнинг «Махтумқули о художественном творчестве» [«Совет эдебияты», 1944, №7] номли мақоласи ўзига хослиги ила айрича ажралиб туради. Е.Э.Бертельснинг таъкидини топган арзирли хизматлари бир жойда тўхтаб қолмади, балки самарали равишда бардавом бўлди. Жумладан Москвада 1948 йили Махтумқулининг «Махтумкули Фраги. Избранные стихи» тўплами Е.Э.Бертельснинг сўзбошиси ила нашр юзини кўрди. Ушбу нашр ўзига хослиги ила ажралиб туради, бу китобни Александр Дейч таҳрир назаридан ўтказган бўлса, Л.И.Климович синчков равишда китобнинг мундарижавий сўзлигини тузиб чиқди. Е.Э. Бертельснинг «Махтумкули» сарлавҳали сўзбошисида нафақат Махтумқулининг ўзи, балки шоирнинг отаси Давлатмамат Озодий хусусида ҳам ажойиб хабарлар берилади. Махтумқули ижодини ёритишда ва унинг асарларининг нашр ишларини амалга оширишда ва унинг асарларининг нашр ишларини амалга оширишда туркман олимларининг хизматлари ҳам анча шойистадир. Жумладан кўзга кўринган туркман адиби Берди Кербобоев (1894–1974) 1926 йили Ашхабадда шоир

Махтумқули шеърлари жамланган беш юз саҳифали араб алифбосидаги улкан китобни нашрдан чиқаради [1, Б.8]. Шу ўринда бир эслатма Берди Кербобоев нафақат шоир шеърлари тўпламларининг нашрлари жонкуяри, балки 1943 йили яратилган ва шу кунга қадар туркман саҳнасидан мустаҳкам ўрин эгаллаган «Махтумқули» драмасининг муаллифи ҳамдир. Махтумқулининг ўз эли туркман заминида ҳам шоир ҳақида талай мақолалар мажмуаси ва кўплаб илмий-оммабоп китоблар ёзилди. Ана шу хил китоблардан бири туркман олими Б.А. Гарриевнинг Ашхабадда 1943 йили нашр этилган «Махтылгулы ве онунг ватанчылыгы» номли монографияси алоҳида қимматли аҳамиятга моликдир. Б.А. Гарриевнинг «Бейик шахыр Махтымгулы Пырагы» [2, Б.23-27], «Магтымгулы – ватанчы шахыр» [«Совет эдебияты», 1943, №10], «Магтымгулынынг шыгыр ве поэмаларынынг горкезгижи» [2, Б.64-93], «Махтымгулы Пырагы» [«Мугаллыма комек», 1950, № 1, 12–26 сах.], «Махтымгулынынг биографиясы хакында», «Махтымгули ве халк доредижилигим» [2, Б.3-4], туркум мақолалари ҳам алоҳида эътиборга сазовордир. Сайид Гарриевнинг Махтумқули ижодини ўрганиш ва тадқиқ этиш борасидаги илмий фаолияти мақтовга арзигулик, олимнинг айниқса, Махтумқулининг 225 йиллик тантаналари муносабати билан М.Косаев ҳамкорлигида чопга тайёрлаган икки томлик сайланма асарлари таҳсинга лойиқдир.

Махтумқули борасида амалга оширилган илмий ишлар орасида рус мусиқа илми билимдонлари В.Успенский ва В.Беляев бутун бошли Туркманистон заминини кезиб, халқ ҳофизлари, бахшилари, оқинлари ва созандалари ила учрашиб тўплаган қўшиқ ҳамда нотага солинган мусиқалари катта меҳнат самарасидир. Тўпланган қўшиқ ва ашулаларнинг аксарияти Махтумқули ижодига тегишли шеърлар экани аниқланган ҳамда исботланган, боиси шоир шеърлари доимо мусиқа жўрлигида ижро этиш анъанаси устувор мақомга эга анъана эканлиги ила ажралиб туради. Ана шу катта меҳнат самараси ўлароқ таниқли мусиқашунос олимлар бўлмиш В.Успенский ва В.Беляевнинг

«Туркменская музыка» номли қимматбаҳо асари яратилади, китоб Москвада 1928 йили нашр этилади [1, Б.10].

Адабиётлар

1. Туркмен эдебиятынынг тарыхы. II том. – Ашгабат: Ылым, 1976. – 331 с.

2. СССР ЫАнынг Туркменистан филиалынынг хабарлары, т.3. – Ашгабат, 1942. – Б. 23-27.

Резюме

Мақолада «Туркмен адабиёти тарихи» китобининг иккинчи жилдида Махтумқули ҳаёти ва ижодини ёритилиши билан боғлиқ йўналиш бўйича фикрлар баёни берилади. Махтумқулининг ҳаёт йўли ва ижод бисотига тааллуқли илмий кузатувлар асосан рус олимлари ва туркман олимлари амалга оширган илмий ишларнинг натижалари йўналишида фикр баёни берилади. Махтумқули ижодининг ёритилиши ва унинг ўзига хослиги жиҳатлари маълум миқдорда ёритиб берилади.

Калит сўзлар: Туркман, Махтумқули, адабиёт, ижод, жараён, оқим, оқин, халқ, бадиий, оғзаки ижод, ёзма адабиёт, мақола, илм-фан, олам, мавзу, адабий муҳит, инқилоб, истиқлол, босқич, таҳлил, араб, алифбо.

Summary

The article in the second volume of the book «History of Turkmen Literature» presents opinions on the direction of coverage of the life and work of Magtymguly. Scientific observations related to the life and work of Magtymguly are presented mainly in the direction of the results of scientific work carried out by Russian scientists and Turkmen scientists. Coverage of Magtymguly's creativity and aspects of its uniqueness will be covered to a certain extent.

Key words: Turkman, Magtymguly, literature, creativity, process, movement, poetry, folk, artistic, oral creativity, written literature, article, science, world, theme, literary environment, revolution, independence, stage, analysis, Arabic language, alphabet.

Резюме

В статье второго тома книги «История туркменской литературы» даны изложения мнений о направлении освещения жизни и творчества Махтумкули. Научные наблюдения, связанные с жизненным путем и творчеством Махтумкули, представлены преимущественно в направлении результатов научных работ, выполненных российскими учёными и туркменскими учёными. Освещение творчества Махтумкули и аспекты его уникальности будут освещены в определенном объеме.

Ключевые слова: Туркман, Махтумкули, литература, творчество, процесс, течение, поэзия, народное, художественное, устное творчество, письменная литература, статья, наука, мир, тема, литературная среда, революция, независимость, этап, анализ, арабский язык, алфавит.

MAXTUMQULI IJODI VA O‘ZBEK – TURKMAN ADABIY ALOQALARI TARIXIGA BIR NAZAR

Botir Xaydarovich OQBUTAYEV,
Termiz davlat universiteti o‘qituvchisi

Turkiy xalqlar asrlar davomida o‘zining adolat, ezgulik va bunyodkorlik kabi umuminsoniy g‘oyalar bilan yo‘g‘rilgan boy va rang-barang adabiyoti hamda san’ati bilan dunyo tamadduni taraqqiyotiga ulkan hissa qo‘shib kelmoqda. Turkiy xalqlar tomonidan yaratilgan boy moddiy va ma’naviy meros insoniyat tamaddunining g‘oyat go‘zal va bebaho namunalari sifatida o‘rganilib, turkiy madaniyat sifatida e’tirof etilgan. Ko‘pmingyillik dunyo tamaddunida e’tirof etilgan, etnik kelib chiqishi(genezisi) tarixi, tili, adabiyoti, san’ati, dini va madaniyati yagona umumturkiy asosga ega bo‘lgan – turkiy madaniyat rivojida, qardosh xalqlar qatorida o‘zbek va turkman xalqlarining adabiy aloqalari ham muhim ahamiyat kasb etadi.

Ma’lumki, xalq og‘aki ijodi (folklor) xilma-xil janrlardan tarkib topgan og‘zaki so‘z san’ati sifatida - insoniyatning eng qadimgi

davrlardan hozirgi kungacha bo‘lgan dunyoqarashi, ijodiy salohiyati, badiiy-estetik tafakkuri, orzu-xayollari, armonlari va umid-intilishlarini aks ettiradi. Yaqin va O‘rta Sharq, xususan, Markaziy Osiyo mintaqasida azal-azaldan qon-qarindosh, inoq bo‘lib yashab kelayotgan o‘zbek va turkman xalqlari og‘zaki ijodi(folklori) va yozma adabiyotining islomgacha bo‘lgan tarixiga nazar tashlaydigan bo‘lsak, har ikkala xalq folklori va yozma adabiyoti animizm, totemizm, zardushtiylik, buddaviylik, ko‘ktangrichilik, moniylik va shomoniylik mazmunidagi mushtarak syujetga ega mif va afsonalar, rivoyatlar, ertak va hikoyatlar, qissa va dostonlar, xalq kitoblaridan iborat ekanligiga amin bo‘lamiz. Buni turkiy xalqlar jumladan, o‘zbek va turkman xalqlari adabiyotining islomgacha va undan keyingi davrida yaratilgan «O‘g‘uznoma», «Kitobi Dada Qo‘rqut» va «Alpomish» dostonlari munosabatlari misolida ko‘rish mumkin: «O‘rta asr o‘g‘iz eposining muhim yodgorligi «Kitobi Dada Qo‘rqut» tarkibidagi «Bamsi Bayrak» asari o‘zining syujeti va kompozitsion qurilishi jihatidan «Alpomish» dostoniga juda yaqin turadi». [1, B.252]

O‘zbek va turkman xalqlari adabiyotining adabiy aloqalari tarixida xalq og’zaki ijodi (folklor) va yozma adabiyot asarlarini ijodiy qayta ishlash asosida vujudga kelgan «Oshiq G‘arib va Shohsanam», «Qissai Sanobar», «Yusufbek va Ahmadbek» va «Tohir va Zuhra» kabi xalq kitoblarining salmoqli o‘rni bor: «Xalq kitoblarini o‘rganish bilan bog‘liq bo‘lgan murakkab problemalardan biri avtorlik masalasidir.. Masalan, o‘zbek adabiyotida «Tohir va Zuhra» dostoni Sayyodiy nomi bilan mashhur va Saadi nomi bilan ma’lum bo‘lsa, turkman adabiyotida Mulla Nafas nomi bilan sevib tilga olinadi.»[2, B.74-76]

Shuningdek, o‘zbek – turkman adabiy aloqalarining yorqin namunasi sifatida «Go‘ro‘g‘li» turkumidagi dostonlarni ko‘rsatish mumkin. O‘zbek va qardosh hamda qo‘shni xalqlar adabiyotining mushtarak jihatlari to‘g‘risida filologiya fanlari doktori, professor N.M.Mallayev fikri quyidagicha «Ma`lumki, o‘zbeklar boshqa turkiy xalqlar va eron tillari guruhida gaplashuvchi xalqlar bilan yonma yon, qo‘shni va ayrim hududlarda birgalikda yashadilar. Bu holat ularning turmushi, xo‘jaligi va madaniy hayotida chuqur iz qoldirdi. Og‘zaki

va yozma adabiyotdagi mushtarak hodisalar ham shu bilan izohlanadi. Bir xalq yaratgan folklor asari ikkinchi bir xalq orasida ham tarqalib, unga manzur bo‘ldi, shu bilan birga, ayrim asarlarining turli variant va namunalari vujudga keladi. Bunga, xususan, «Alpomish» va «Go‘ro‘g‘li» turkumidagi dostonlar misol bo‘la oladi» [3, B.14]

«Go‘ro‘g‘li» turkumidagi dostonlar ko‘p asrlardan buyon o‘zbek va turkman baxshilari tomonidan ijro etilib, har ikkala xalq adabiyoti, san’ati, ma’naviyati hamda madaniyatining bebaho ma’naviy xazinasiga aylangan. O‘zbek va turkman baxshilari ijrosidagi «Go‘ro‘g‘li» turkumidagi dostonlar xalq sayllari, bayramlari, to‘ylari va dostonxonlik yiginlarida sevib tinglanadi hamda yoshlarni Vatanga sadoqat, millatsevarlik, do‘stlik, mardlik, rostgo‘ylik, odillik, mehnatsevarlik, ishqda sadoqat, botirlik, halollik, bunyodkorlik g‘oyalari asosida tarbiylashda muhim vosita bo‘lib xizmat qiladi. O‘zbek baxshichiligining Bulung‘ur, Qo‘rg‘on, Qamay, Shahrisabz, Xorazm, Janubiy Tojikiston va Sherobod maktablari chechan baxshilarining repertuarlarida 100 dan ortiq «Go‘ro‘g‘li» turkumidagi dostonlar joy olgan bo‘lib, bu an’ana o‘zbek va turkman xalqlari folklori va adabiyotining uzoq tarixga ega adabiy aloqalarining yaqqol ifodasi sifatida bugungi kunda ham izchil davom ettirilib, o‘zbek-turkman madaniy aloqalarining mustahkamlanishiga xizmat qilmoqda.

O‘zbek va turkman xalqlari adabiy aloqalarida ulug‘ o‘zbek shoiri va mutafakkiri hamda yirik davlat arbobi Alisher Navoiyning hayoti va ijodiy faoliyati muhim ahamiyatga ega. Turkiy til ravnaqi, turkiy xalqlar istiqboli uchun umrini bag‘ishlagan Alisher Navoiy turkman xalqining ham ardoqli ijodkoridir. Alisher Navoiy yashagan davr va undan keyin Markaziy Osiyodan yetishib chiqqan barcha xalq ijodkorlari qatori, turkman shoir va adiblari ham ulug‘ shoirni ustoz deb bilishgan. Chunki, Alisher Navoiy ijodiy merosi ham O‘rxun – Enasoy bitigtoshlari, M. Koshg‘ariyning «Devonu lug‘oti -turk», Yusuf Xos Hojibning «Qutadg‘u-bilik», A.Yugnakiyning «Hibatul - haqoyiq», A.Yassaviyning «Hikmatlar» asarlari singari barcha turkiy xalqlarning mushtarak moddiy va ma’naviy xazinasi hisoblangan. Turkiy til jonkuyari Alisher Navoiy Yaqin va O‘rta Sharq

mintaqasida yashovchi barcha turkiy xalqlarni milliy birdamlikka chaqiradi. Alisher Navoiy Xitodin to Sheroz va Tabrizgacha bo‘lgan ulkan hududdagi turkiylar uchun tushunarli yagona turkiy adabiy til asoslarini yaratganini faxr ila bayon etadi hamda turkiy til ravnaqi yo‘lidagi bu fidoyilik, jasorat barcha turkiylar qatori turkmanlarni ham xursand qilganini alohida mamnuniyat bilan ta’kidlaydi:

Agar bir qavm, gar yuz, yo‘qsa mingdur,
Muayyan turk ulusi xud meningdur.
Olibmen taxti farmonimg‘a oson,
Cherik chekmay Xitodin to Xuroson.
Xuroson demakim, Sherozu, Tabriz,
Ki,qilmishdur nayi kilkim shakarrez.
Ko‘ngul bermish so‘zumga turk jon ham,
Ne yolg‘uz turk, balkim turkmon ham.
Ne mulki ichraki bir farmon yibordim,
Aning zabtig‘a bir devon yibordim. [4, B.475]

Ma’lumki, Alisher Navoiy o‘z zamonasida turkiy va forsiy xalqlar o‘rtasida buyuk shoir va mutafakkir, adolatpesha ulug‘ amir sifatida tanilgan, e’zozlangan va o‘z navbatida Temuriylar davlatiga qo‘shni yurt hukmdorlari, jumladan, turkmanlarning Oqquyunlilar sulolasi hukmdori Sulton Ya’qub Mirzo ham shoirga yuksak ehtirom bilan qaragan, ular o‘zaro iliq munosabatda bo‘lgan: «Alisher Navoiy, Ya'qub Mirzo haqida: «turkman salotinida aningdek pisandida zotlig‘ va hamida sifatlig‘ yigit oz bo‘lg‘ay. Darveshsifat va foniyvash erdi» deydi. Ma'lumki, Ya'qub Mirzo Ozarbayjon va Iroq hukmdori bo‘lib, barcha ijod ahliga, ayniqsa, tasavvuf peshvolariga alohida ehtiromli bo‘lgan. Shu bois, Abdurahmon Jomiy «Salomon va Absol» dostonini unga bag‘ishlaydi.»[5.B.40]

Alisher Navoiy va turkman Oqquyunlilar hukmdori Sulton Ya’qub Mirzo munosabatlari haqida filologiya fanlari doktori, professor SH. Sirojiddinov «Hozircha, asosan, Navoiyning qo‘shni davlatlar hukmdorlari bilan aloqalarini bir muncha yorituvchi yozishmalar, jumladan, uning Shervonshoh Farruh Yasorga yozgan maktubi, Oqquyunlilar hukmdori Sulton Ya’qub mirzo, uning bosh vaziri Shayx Najm bilan o‘rnatgan yaqin aloqalaridan darak beruvchi

ba`zi maktub va ma`lumotlarga egamiz, xolos.»-deya ta`kidlar ekan, Amir Alisher Astrabodga surgunga emas, balki, shoir va turkman sultonining o‘zaro yaqin aloqalari sabab, davlat xavfsizligi nuqtai nazaridan yuborilgan degan fikrni bildiradi.[6.B.146]

O‘zbek-turkman xalqlari adabiy- madaniy, ijtimoiy-siyosiy aloqalarida taniqli turkman shoiri Muhammad Bayramxon(1500-1561) o‘zining Boburiylar sulolasining mustahkamlanishi va ravnaqida oqil va odil davlat arbobi, mashhur sarkarda va diplomat sifatidagi faoliyati bilan ulug‘ ehtirom hamda e’tirofga ega.

Turkman shoiri Muhammad Bayramxon Boburiylar sulolasining muhim ijtimoiy-siyosiy, madaniy va harbiy sohalardagi eng ishonchli, sodiq kishisi edi. Shu bois, shoh va shoir Z.M.Boburning qizi Gulbadanbegim «Humoyunnoma» asarida Muhammad Bayramxonni hurmat ila tilga oladi.[7.B.103]

Muhammad Bayramxon iqtidorli shoir sifatida o‘rta asr turkiy she’riyatning ulug‘ namoyandalari Lutfiy, Gadoiy, Alisher Navoiy va Z.M.Boburning g‘azalchilikdagi an’analarini davom ettirgan hamda turkiy va forsiy tillarda go‘zal she’rlar yaratgan. Uning turkiy va forsiy tillarda yozilgan devonlari bor. Muhammad Bayramxon Lutfiyning mashhur «Xoh inon, xoh inonma» radifli g‘azaliga nazira yozgan, ma’lumki, turkiy she’riyatda bu an’anaga aylangan hamda Boborahim Mashrab ijodida ham bu an’ana namunasini ko‘rish mumkin. Muhammad Bayramxonning Lutfiy qalamiga mansub «Xoh inon, xoh inonma» radifli g‘azaliga nazirasi quyidagicha boshlanadi:

Ey bexabarim, xoh inon, xoh inonma,
Kuydi jigarim, xoh inon, xoh inonma. [8, B.42,84]

O‘zbek va turkman xalqlari adabiy aloqalari rivojiga tarix, adabiyot, dinshunoslik, jamiyatshunoslik va harbiy sohalar bo‘yicha yirik olim - Xiva xoni Abulg‘oziy Bahodurxon(1603-1664) o‘zining «Shajarayi tarokima» va «Shajarayi turk» kabi asarlari bilan salmoqli hissa qo‘shgan. Abulg‘oziy «Shajarayi tarokima» asari turkman mullalari, shayxlari va beklarining iltimosiga ko‘ra yozilganligini alohida ta’kidlaydi. Abulg‘oziyning «Shajarayi tarokima» asari turkman xalqining kelib chiqishi(etnogenezisi) haqida bo‘lib, unda

solur, boyandur, taka, yovmut, tevachi, xizr eli, sariq, Ali eli, yozir, ersori kabi turkman urug‘lari to‘g‘risida ma’lumotlar berilgan. [9.B.48] O‘zbek va turkman xalqlari adabiy aloqalarida Nurmuhammad Andalibning ham o‘z hissasi bor. U Alisher Navoiy, Muhammad Fuzuliy va Boborahim Mashrab ijodiy merosini o‘rganib, ularning adabiy an’analarini davom ettirgan. Shuningdek, o‘zbek-turkman xalqlari adabiy aloqalari taraqqiyotiga munosib ulush qo‘shgan Davlatmamad Ozodiy, Maxtumquli, Mulla Nafas, Zaliliy, Sayidiy, Shaydoyi, Ma’rufiy, G‘oyibiy, Kamina, Miskin Qilich kabi turkman shoirlari Alisher Navoiyni ustoz deb bilib, o‘z asarlarini ulug‘ shoir asarlari tili va uslubida yaratishga harakat qilishgan. Muhimi, ularning aksariyati ko‘hna Urganj va Xiva madrasalarida tahsil olishgan. Ayniqsa, o‘zbek - turkman xalqlari adabiy aloqalari tarixida Maxtumquli (1733-1791) hayoti va ijodi yorqin bir sahifadir. U o‘z davrining haqgo‘y shoiri Davlatmamad Ozodiy oilasida tugilib, dastlabki ta’limni otasidan, so‘ngra Niyozsiddiq mulla qo‘lida o‘qib, Idrisbobo madrasasi va Buxorodagi Ko‘kaldosh hamda Xivadagi Sherg‘ozixon madrasalarida tahsil oladi. Maxtumquli she’rlari aruz va barmoq vaznlarida bo‘lib, unda Turkiston uslubi vakillari Ahmad Yassaviy, Sulaymon Boqirg‘oniy, Qul Ubaydiy ijod an’analari ta’sirini sezish mumkin: «Ahmad Yassaviyning to‘rtliklardan tuzilgan hikmatlari uslubi ham ko‘zga chalinib turadi. Maxtumqulini nasihatga moyil shoir deydilar. Biroq uning nasihati ham shunchaki da’vat va chaqiriqlardan iborat emas. Uning nasihatlari toza qiyos va tashbehlarga o‘ralgan zarbli, ifodali satrlar bo‘lib, o‘quvchi yuragini nishonga oladi. Sodda bo‘lib ko‘ringan to‘rtliklarda teran mazmun, hikmatlarga serob ma’no joylashgan.»[10.B.6] Maxtumquli lirik merosida umuminsoniy g‘oyalar tarannum etiladi, adolat, haqgo‘ylik, halollik, do‘stlik, samimiyat, sabr, mehnatsevarlik, ma’rifatparvarlik va vatanparvarlik ulug‘lanadi:

Mastona yurguncha g‘ayri yurtinda,
Unib-o‘sgan o‘z yurtingdan ayrilma.
Mag‘rur kaklik kabi nafsing yo‘linda,
Doma tushib, qanotingdan ayrilma! [11.B.42]

Ulug‘ turkman shoiri va mutafakkiri Maxtumquli – Firog‘iy ijodiy merosining yuksak insoniy g‘oyalarni ulug‘lovchi mazmun mohiyati, hikmatlarga to‘la mazmuni, sodda va ravon uslubi, badiiy san’atlarga boyligi bilan jahon adabiyotining nodir durdonasiga aylangan. Maxtumquli she’rlari asrlar osha nafaqat o‘zbek va turkman hamda Markaziy Osiyoning turkiy va forsiy xalqlari adabiyoti, balki dunyo xalqlari adabiyoti muxlislari tomonidan ham sevib mutolaa qilinmoqda.

Adabiyotlar

1. Imomov K., Mirzayev T., Sarimsoqov B., Safarov O. O‘zbek xalq og‘zaki poetik ijodi / Darslik. – Toshkent: O‘qituvchi, 1990. – B. 252.
2. Oqbutaev X. O‘zbek xalq kitoblarida avtorlik masalasi / M.T.Oybek nomidagi Termiz DPI tezislar to‘plami. 1972. – B. 74-76.
3. Mallayev N.M. Alisher Navoiy va xalq og‘zaki ijodi. – Toshkent: Gafur G‘ulom nomidagi nashriyot - matbaa ijodiy uyi, 2015. – B.14.
4. Navoiy A. MAT. 8-tom, Xamsa. Farhod va Shirin. – Toshkent: Fan, 1991. – B.475.
5. Oqbutayev B. Alisher Navoiy ijodida adolat g‘oyasi va odil shoh timsoli / Monografiya. – Toshkent: Tubo-Nashr, 2023. – B. 40.
6. Sirojiddinov Sh. Alisher Navoiy: manbalarning qiyosiy-tipologik, tekstologik tahlili. – Toshkent: Akademnashr, 2011. – B. 146.
7. Gulbadanbegim. Humoyunnoma. – Toshkent: Ma’naviyat, 1998. – B.103.
8. Asrlar nidosi. O‘zbek adabiytidan namunalar. – Toshkent: G‘afur G‘ulom nomidagi Adabiyot va san’at nashriyoti, 1982. – B. 42-84.
9. Abulg‘oziy Bahodurxon. Shajarayi tarokima. – Toshkent: Cho‘lpon, 1995. – B.48.
10. Firog‘iy, Maxtumquli. Saylanmaga fil.fan.doktori, prof. N.Komilovning so‘zboshisidan. – Toshkent: O‘zbekiston, 2008. – B. 6.

11. Firog‘iy, Maxtumquli. Saylanma. – Toshkent: O‘zbekiston, 2008. – B.42.

Rezyume

Ushbu maqolada ulug‘ turkman shoiri va mutafakkiri Maxtumquli hayoti va ijodi hamda o‘zbek va turkman xalqlari adabiyotining mushtarak jihatlari haqida so‘z boradi. Maqolada Maxtumquli lirik merosining umuminsoniy mazmun mohiyati, janr xususiyatlari, sodda va ravon uslubi, o‘zbek va turkman xalqlari adabiy aloqalarining tarixi xalq og‘zaki ijodi va yozma adabiyot, xalq kitoblari misolida o‘rganilgan hamda o‘zbek-turkman adabiy aloqalariga doir adabiy manbalar hamda ijodkorlarning asarlari tahlilga tortilgan.

Kalit so‘zlar: O‘zbek-turkman xalqlari adabiy aloqalari, turkiy adabiyot va madaniyat, xalq og‘zaki ijodi va yozma adabiyot, islomgacha va unda keying turkiy adabiyot, Alisher Navoiy, Ozodiy, Maxtumquli, Sherg‘ozi madrasasi, haqgo‘ylik, vatanparvarlik, do‘stlik, halollik.

Summary

This article will talk about the life and work of the great Turkmen poet and thinker Maxtumquli and the common aspects of the literature of the Uzbek and Turkmen peoples. The article explores the essence of the universal content of Makhtumkuli's lyrical heritage, genre features, simple and fluent style, the history of literary relations of Uzbek and Turkmen peoples on the example of folk oral creativity and written literature, folk books, and analyzes literary sources and works of creators related to Uzbek-Turkmen literary relations.

Key words: Uzbek-Turkmen peoples literary relations, Turkic literature and culture, folk oral creativity and written literature, pre- and post-Islamic Turkic literature, Alisher Navoi, Azadiy, Makhtumquli, Sherghazi madrasa, truthfulness, patriotism, friendship, honesty.

Резюме

В этой статье рассказывается о жизни и творчестве великого туркменского поэта и мыслителя Махтумкули, а также

об общих аспектах литературы узбекского и туркменского народов. В статье исследуются общечеловеческий смысл лирического наследия Махтумкули, жанровые особенности, простой и лаконичный стиль, история литературных связей узбекского и туркменского народов на примере устной и письменной литературы, народных книг, а также анализируются литературные источники по узбекско-туркменским литературным связям, а также произведения авторов.

Ключевые слова: литературные связи узбекско-туркменских народов, тюркская литература и культура, устное народное творчество и письменная литература, доисламская и постисламская тюркская литература, Алишер Навои, Азади, Махтумкули, медресе Шергазы, справедливость, патриотизм, дружба, честность.

MAXTUMQULI IJODIDA ISHQ VA OSHIQ TALQINI

Elbek O‘rol o‘g‘li RO‘ZIYEV,
Termiz davlat universiteti
o‘zbek tilshunosligi kafedrasi stajyor-tadqiqotchisi

O‘zbek mumtoz adabiyoti tarixiga nazar tashlar ekanmiz, turkman va o‘zbek xalqlari adabiy aloqalari bir necha asrlarga tutash ekanligining guvohi bo‘lamiz. Buni «Go‘ro‘g‘li» turkumidagi xalq dostonlari, «Yusuf va Zulayho», «Layli va Majnun», «Shohsanam va G‘arib», «Zuhra va Tohir» kabi xalq dostonlari har ikkala xalqning boy folklor namunalari ekanligida ham anglashimiz mumkin. «O‘g‘uznoma» va «Kitobi Dada Qo‘rqut» nomli dostonlar turkman folklorida ham yaratilgan bo’lib, boshqa turkiy xalqlardagi variantlar bilan hamohangdir [2.B.86].

Qadimdan Kaspiy dengizi qirg‘oqlaridan Qoraqum sahrosi, Kopetdog‘ tog‘larigacha keng hududda yashagan turkmanlar Markaziy Osiyoning barcha davlatlari bilan savdo-iqtisodiy, ijtimoiy-madaniy aloqalarni faol rivojlantirib kelgan. Ayniqsa, turkman xalqining buyuk farzandi Maxtumquli Firog‘iy ijodi o‘zbek

kitobxonlariga ma’lum va mashhurdir. Uning satrlaridan sizib chiqqan misralarga jo bo‘lgan qo‘shiqlar har bir o‘zbek xonadoniga kirib borgan desak, yanglishmagan bo‘lamiz. Maxtumquli turkman adabiyotini bir qadar yuksak cho‘qqiga olib chiqdi hamda XVIII asr turkman adabiyoti yangi rivojlanish bosqichiga qadam qo‘yishida asosiy o‘ringa ega bo‘ldi. Tadqiqotchilar uning san’atini tasvir uslubi va til-uslubiy xususiyatlariga ko‘ra M.P.Voqif va A.S.Pushkin ijodi bilan qiyoslaydi [1, B.320].

Maxtumquli ijodining salmoqli qismi xalq ohanglariga monand tarzda yaratilgan she’rlar tashkil etsada, u mumtoz sharq adabiyoti an’analariga sodiq qolib g‘azal janrida ham asarlar yozgan. Maxtumquli ijodini mavzuiy jihatdan vatanparvarlik, sof lirik muhabbat, falsafiylik kabi bir qancha guruhlarga ajratish mumkin. Xususan, shoir ijodida ishq mavzusi alohida o‘ringa ega. Oshiq-ma’shuq munosabatlarida shikoyat motivi klassik an’anaga mos ravishda Maxtumquli lirikasida ham namoyon bo‘ladi. Shoirning qahramoni «baxt otini suvda cho‘ktirsa ham» «unga qo‘l cho‘zmagani uchun» g‘ussaga botadi va mahbubasining bevafoligidan chekkan azoblarini quyidagicha ifodalaydi:

Ko‘ngil berdim bir bevafo mahbubga,
Tashlab ketdi, dog‘i jonga dard bo‘ldi.
Dedim: «Qaramayman endi ul xo‘bga»
Lekin yo‘lda ko‘zim tushib to‘rt bo‘ldi [1, B. 322].

Shoir ijodidagi ishq mavzusidagi she’rlarni ham ilohiy ishq haqidagi she’rlar hamda sof muhabbat tarannumidagi she’rlarga ajratish mumkin. Yaratgan ollohga bo‘lgan cheksiz ishqini shoir quyidagicha ifodalaydi:

Asli seni ko‘rmaganman, nigorim!
Qumrimisan, bulbulmisan, namasan?
G‘amgin dilni xayoling-la aldarman,
Bog‘ ichinda bir gulmisan, namasan?.. [3, B.107]

Shuningdek, shoirning «Ko‘ngil» radifli g‘azalida ham ilohiy ish talqini uchratishimiz mumkin. Ishqqa sabab, asosiy dardning mubtalosi ko‘ngildir deydi shoir. Ma’lumki, sharq adabiyotida

ko‘ngil asosiy obrazlardan biri. Shoir ishqni tubsiz bir dengiz, hijronni payoni yo‘q o‘tga mengzagan holda, bu o‘tlarning adosi ko‘ngildir deydi:

Ishq — tubsiz bir dengiz, hijron bir o‘t — poyoni yo‘q,
Ishqqa mayl etgan bu o‘tlarning adosidir, ko‘ngil. [4, B.69]

Umuman, shoir ijodida ko‘ngilga murojaat shakllari ko‘p uchraydiki, bu hol ham tasvirning ta’sirchanligi oshiribgina qolmay, inson hayotida barcha ishlar uning ko‘ngli vositasida amalga oshishiga, ko‘ngil insonni barcha yaratiqlarni tushinishga vosita ekanligiga ham ishoradir:

Kel, ko‘ngil, yorga ketaylik,
Hamroh bo‘lsang yor bilan-yey!
Boshlarni qadam etaylik
Yor yo‘lida zor bilan-yey! [4, B.372].

Maxtumqulining sof lirik merosiga oid she’rlari uning abadiy sevgilisi bo‘lgan, lekin unga yetolmagan Mengli ismli qizga bag‘ishlanganligi haqida ma’lumotlar mavjud. Menglining otasi uni boshqa kishiga uzatganidan keyin, shoir Oqqiz ismli ayolga uylanadi. U ikkita o‘g‘il ko‘radi, biroq ular yoshligida o‘lib ketishadi [2.B.88]. Ammo keyingi yillarda Maxtumqulishunos olim A.Ashirov keltirgan yangi ma’lumotlarga ko‘ra, Menglixon — Maxtumqulining birinchi muhabbati emas. U o‘zining sevgan qiziga uylangan. Lekin ikki yoshning baxtli turmushi uzoqqa cho‘zilmagan. Yigirma yoshida sevgilisini tuproqqa topshirgan shoir keyinchalik Menglixonni uchratib, uni hassos muhabbat bilan sevib qoladi. Afsuski, ularga birga bo‘lish nasib etmaydi. Shoir chuqur qayg‘u-hasrat ichida qolib, butun umrini badiiy ijodga bag‘ishlaydi. Menglixonga atab ko‘plab she’rlar yozish bilan unga o‘ziga xos nazmiy haykal qo‘yadi [4.B.8]. Quyida shoirning ayrim she’rlari tahlilida ham shoir sof muhabbatni tarannum etganligini kuzatishimiz mumkin. Mumtoz o‘zbek musiqasidan munosib o‘rin egallagan «Yursang, yorim, quvonaman…» satrlari bilan boshanuvchi she’rida shoir yorning bo‘ylarini qishin-yozin ko‘m-ko‘k bo‘lib yashnab turadigan

ignabargli go‘zal va xushqomat daraxt –sarvga o‘xshatib, sarviqomat deb ataydi:

Yursang, yorim, quvonaman
Sarviqomat bo‘ylaringga.
Guldan libos yarashibdi
Ajab rohat bo‘ylaringga [4, B.29].

Keyingi satrlarda Yusuf va Zulayho muhabbati ishora qilib talmeh san’atidan munosib foydalanadi hamda oshiqlikning kuchi shu qadar kuchli ekanki, u xatto uni el-yurtidan judo qilishgacha borishi haqida ta’kidlaydi. Ishqning buyuk qudrati haqida to‘xtalar ekan shoir uning Odam Atodan qolgan meros sifatida biladi:

Maxtumquli, cheksang dardni, tugundan,
Osiy bo‘lib, hech nolima bu kundan,
Bu o‘lmoq-ayrilmoq qolibdir undan,
Odam Ato meros qo‘ymish bu dardni [4, B.44].

Shoir she’riyatida ayriliq motivi asosida yozilgan she’rlar ko‘pchillikni tashkil etadi. Sevgan yoridan, farzandlaridan ayrilgan inson qismatini badiiy bo‘yoqlarda shoir nihoyatda rangin akslantiradi. «Ayrildim» she’ri Go‘klang yurtining qizi Menglixondan ayrilish firoqlarida yuzaga kelgan. She’rda yorning go‘zalliklari «og‘zi g‘uncha, labi shakar», «qora sochli sunbul», «shiringuftor», «barcha go‘zallarning sultoni» deya ta’riflaydi:

Ayrildim g‘uncha gulimdan,
Qora sochli sunbulimdan,
Xush ovozli bulbulimdan,
Shirin guftordan ayrildim [4, B.62].

Oshiqlikning holatini «Oy bo‘ldi» she’rida ham uchratishimiz mumkin. Shoir mubolag‘a san’atidan munosib foydalangan holda, lirik qahramon har kiprigi misoli o‘q, qoshi esa yoy bo‘lgan mashuqning istirobidan ko‘z yoshi soy bo‘lganini yozadi:

Ming g‘amim bor, bir boshim,
Tark etdim el, qardoshim,
Yig‘lamoqdan ko‘z yoshim

Mavj urgan bir soy bo‘ldi. [4, B.267].

She’r davomida kundan kunga visolni istagan oshiq holati yana ham obrazli qilib ochib beriladi. Chunonchi, butoqlarning egilishi-yu, bog‘larning bulbulsiz qolishi badiiy tasvirlanadi:

Egildi dol butoqlar,
Bulbulsiz qoldi bog‘lar,
Oqar suvdan bu chog‘lar
Sahrolar daryo bo‘ldi [4, B.267].

Shoirning oshiqlik maqomini yuqori ko‘targan g‘azallaridan yana biri «O‘xshamas» radifli g‘azalidir. Oshiq sevgilisini shu qadar tanho hisoblaydiki, uning kipriklarini xanjar-u kamonga, yuzini mohitobonga ham o‘xshamas ekan uni Yusuf husunli deb ta’riflaydi. G‘azal maqtasida nihoyat bu go‘zal shoirning barcha she’rlaridagi sevgilisi – Menglixonni barcha ayollardan a’lo deb yakunlaydi:

Barcha jonon ham go zal dunyoda, ey Maxtumquli,
Bir kanizdir barchasi lek, Menglixonga o‘xshamas [4, B.552].

Xulosa sifatida shuni aytishimiz mumkinki, shoir asarlarini kuzatar ekanmiz olovqalb oshiqning ish tarannumini eng yuqori torlarda kuylaganiga amin bo‘lamiz. Maxtumquli ijodi insonni ezgulikka yetaklovchi, o‘z olamini tushunishga oyina bo‘lib, vatanparvarlik, do‘stlikni ulug‘lovchi mayoq yang‘liq porlab turaveradi. Shoir ijodi bir ummon. Undagi duru javohirlarni topishga intilish natijasida yuzaga kelgan ushbu maqolamizda ham oshiqlik va ishning tarannumini to‘la darajada bo‘lmasada, ochib berishga harakat qildik. Zero, Maxtumquli ijodi o‘zbek va turkman xalqlari o‘rtasidagi mustahkam adabiy ko‘prik bo‘lib qolaveradi.

Adabiyotlar

1. Quliyev E. Turkiy xalqlar adabiyoti. – Toshkent: Renessans press, 2022. – 456 b.

2. Abdullayeva D. Turkiy xalqlar adabiyoti. –Toshkent, 2014.

3. Maxtumquli. Ustozingdan ayrilma. Tarjimon va so‘z boshi muallifi E.Ochilov. – Toshkent: O‘zbekiston. – B.107.

4. Maxtumquli. Turkiy adabiyot durdonalari. 92-jild. To‘plovchi va nashrga tayyorlovchi: Bahodir Karim. – Toshkent: O‘zbekiston, 2022.

5. Turdikulov S.D. Surkhandarya mitraums as an object of study of toponymics //Thematics Journal of Education. – 2021. – T. 6. – №. November.

Rezyume

Ushbu maqolada o‘zbek va turkman adabiyotida mushtarak jihatlar alohida o‘ringa ega ekanligi ta’kidlangan holda Maxtumquli ijodida ishq va oshiqlikning badiiy ifodasi tahliliga ahamiyat qaratilgan. Shoir ijodida yetakchi mavzu bo‘lgan oshiqlikning badiiy ta’sviriy ifodalari ko‘rsatib o‘tilgan.

Kalit so‘zlar: Maxtumquli Firog‘iy, mumtoz adabiyot, adabiy aloqa, ishq, oshiq.

Summary

In this article, it is emphasized that common aspects have a special place in Uzbek and Turkmen literature, and the analysis of the artistic expression of love and infatuation in Makhtumquli's work is emphasized. Artistic descriptive expressions of love, which is the leading theme in the poet's work, are shown.

Keywords: Makhtumquli Firoghi, classical literature, literary communication, love, lover.

Резюме

В данной статье подчеркивается, что общие аспекты занимают особое место в узбекской и туркменской литературе, а также делается упор на анализ художественного выражения любви и увлечения в творчестве Махтумкули. Показаны художественно-описательные выражения любви, которая является ведущей темой в творчестве поэта.

Ключевые слова: Махтумкули Фироги, классическая литература, литературное общение, любовь.

O‘ZBEK VA TURKMAN ADABIYOTINING YETUK NAMOYANDASI

Rahim G‘aybulla o‘g‘li MARDANOV,
Jizzax politexnika instituti o‘qituvchisi

Sevara O‘ralboy qizi GULMURADOVA,
Sanoat texnologiyalarini fakulteti talabasi

Maxtimquli shoir Ozodiy Davlatmamat oilasida 1733-yilda tug‘ilib, boshlang‘ich savodni ovul maktabida oladi. So‘ng o‘z ilmini oshirish maqsadida Xiva, Buxoro va Andijon madrasalarida tahsil olib, o‘zbek adabiyotining o‘tmish namoyandalari asarlari bilan yaqindan tanishadi.

Maxtumquli bir qancha fanlarni o‘zlashtirish bilan birga, zargarlik hunarini ham egallaydi. U Turkistondagi shaharlardan tashqari Ozarbayjon, Eron, Afg‘oniston, Hindistonga ham sayohat qilib, ajnabiy shahar hayoti, u yerdagi xalqlar turmushi bilan ham tanishadi. Markaziy Osiyo, Ozarbayjon, Eron folklori va adabiyotini chuqur o‘rganadi, Nizomiy, Fuzuliy, Alisher Navoiy, Firdavsiy ijodidan bahramand bo‘ladi. Maxtumquli o‘zbek madaniyati tarixi bilan yaqindan tanishib, bir qancha liroepik dostonlar, juda ko‘p g‘azallar yaratib, o‘z davri hayotini, o‘z xalqi urf-odatlari, o‘tmish tarixini kuylaydi. Maxtumquli ijodining turkman adabiyoti tarixidagi o‘rni, uning o‘zbek-turkman adabiy aloqalar sohasidagi ahamiyati B. Qoriyev, G. Choriyev, M. Koseyev, U. Abdullayev, A.Qilichdurdiyev kabi taniqli turkman olimlarining ilmiy ishlarida qalamga olingan.

Iste’dodli turkman shoirining o‘zbeklar o‘rtasidagi obro‘-e’tibori, uning jo‘shqin she’riyati professor J. Sharipov, Q. Tohirov va K. Kuramboyev kabi o‘zbek olimlarining ishlarida ham tadqiq etila borgani maroqli bir holdir. Maxtumquli asarlarining mavzulari, janriy xususiyatlari, shakliy o‘ziga xosligi, asarlari tilining nihoyatda xalqchilligi bilan ko‘p asrlik turkman adabiyotini yangi bir bosqichga ko‘tardi. Shoir asarlarining yetakchi g‘oyasi – bu turkman yerlari ustida yopirilib turgan chet el bosqinlariga barham berish, tarqoq yashayotgan, o‘zaro nifoq va ziddiyatlardan ezilgan qabila hamda urug‘larni birlashtirish bilan osoyishtalik va ittifoqchilikka

asoslangan qudratli bir davlatni barpo etishdek milliy vatanparvarlik tuyg‘usidan iborat. Ana shu millat manfaatlari yo‘lida qayg‘urish, ma’rifatparvarlik yo‘li bilan bu g‘oyani samarali kuchga aylantirish shoir ijodining asosiga aylandi. Bu yo‘ldagi izlanish she’riyat kuchi bilan yuksak ufqlarga talpinish Maxtumqulini o‘z davrining ko‘zga ko‘ringan taraqqiyparvar siymosi darajasiga ko‘tardi.

Turkman adabiyoti tarixi tadqiqotchilarining ta’kidlashlaricha, Maxtumquli o‘z davrida el va yurt qadr-qimmatini oyoq osti qilib kelayotgan illatlarni hammadan ko‘ra ko‘proq anglab yetdi. Shoir asarlarida zamondoshlarini o‘z davrida ro‘y berib turgan voqealarning mohiyatini chuqur idrok qilib ish tutishga chaqirdi. Pand-nasihat Maxtumquli ijodining muhim bir yo‘nalishi bo‘lib, shoirning bizgacha yetib kelgan poetik merosi o‘sha davr adabiy hayotining hamma mavzularini qamrab oladi. Zotan, Maxtumquli ijodining xalqchillik kasb etib, ravnaq topib borishida Sharq lirikasi an’analari bilan bir qatorda turkiy qo‘shiqlar, folklor murabbalari shaklidagi ijod namunalarining o‘rni katta bo‘ldi. Maxtumquli ijodida Ahmad Yassaviy pandnomalari uslubining izlari yaqqol ko‘zga tashlanib turadiki, odamning hayotda o‘z maqomini idrok qilishi, ota-bobolarning hamma yaxshi xislatlarini o‘zlashtira borishi va aksincha takabburlik, manmanlik, dilozorlik, mol-davlatga hirs qo‘yish, nafs kuyiga kirib ketish kabi illatlarni yengish g‘oyalari, pandnomalarning asosiy mazmunini tashkil etadi. Maxtumquli o‘z she’rlarining birida o‘zbek xalqining mutafakkir shoiri Alisher Navoiyni ustoz sifatida hurmat bilan tilga oladi. Uning «Chordevon»i haqida to‘lqinlanib gapiradi. Shoirning bu talqinlarida asos bor, albatta. Alisher Navoiy turkman xalqi tarixi, madaniyatini yaxshi bilgan. Uning bevosita Marv, Saraxs, Aliverd kabi turkman manzillarida bo‘lganligi haqida ma’lumotlar saqlangan. Bugina emas, Navoiy o‘z zamonida Marvda «Xusraviya» nomi bilan madrasa qurdirib, bu yerda tolibi ilmlarni iqtisodiy jihatdan qo‘llab turgan. Shu o‘rinda Navoiyning Oqquyunli turkmanlarning sultonlaridan Yaqubbek bilan yaqin munosabatini ham eslash kerak bo‘ladi. Navoiy «Majolis un-nafois», «Nasoyim ul-muhabbat» kabi asarlarida turkman mavzelaridan bo‘lgan yoki shu yerlardan Xurosonga kelib ijod qilayotgan bir qator turkman so‘z ustalarini

qalamga oladi, ularga hurmat bildiradi. Jumladan, ulardan Ruhiy Yoziriyni «tab'i xo'b va suluki marg'ub kishi erdi» deb, ta'rif etadi. Alisher Navoiy asarlari o'zbek va turkman adabiy aloqalarining taraqqiy etib borishiga katta ijobiy ta'sir ko'rsatdi. Turkman adabiyoti tarixchilari Andaliy, Shaydoniy, G'oyibiy, Shukriy va Ozodiy kabi turkman shoirlarining Navoiy an'analarini ijodiy davom ettirishda muvaffaqiyatga erishganliklarini yozadilar. Maxtumquli Navoiyning lirika sohasidagi an'analaridan ko'p bahramand bo'ldi. Ustozning g'azal va muxammaslari uslubida manzur asarlar yaratdi. O'z asarlarida go'zallik timsoli bo'lgan mahbuba siymosini chuqur muhabbat bilan chizadi. Maxtumquli go'zalga «Oltinmisan, kumushmisan, namasan?», «Yo yoqutmi, yo marjonmi, durmisan?» deb savol bilan murojaat etadi. Shoir el-yurt qismatiga beparvo odamlarni «nodon», «nomard» sifatlari bilan ataydi. Nomard biror ishga qo'l urgudek bo'lsa darhol horib qoladi. Biror kishi bilan gaplashganda qat'iyatsizligini darhol bildirib qo'yadi. Uyga kelgan mehmonga ham zahrini sochadi. Mardlar kirgan maydonga kirolmaydi. Maxtumquli o'z davrining jarohatlariga aql-zakovatli, iymon va e'tiqodni, ahillik va hamjihatlikni, ajdodlar udumiga asoslangan hamdardlik va adolatli kurashni qarshi qo'yadi va bu tuyg'uni poetik so'z qudrati bilan ma'naviy qurol darajasiga ko'taradi. Maxtumquli islomiy bilimlarni chuqur o'zlashtirgan orif bir shaxs edi. Shunga ko'ra ham uning pand-nasihat ruhidagi she'rlarida Qur'on oyatlari, Muhammad payg'ambar hadislariga ko'p murojaat etilgan… Ulardagi purmag'iz ta'limiy axloqiy dasturlardan davrdagi voqea va hodisalarning mohiyatini ochib berishda mohirona istifoda etgan.

Maxtumquli asarlarining til xususiyatlarini kuzatayotgan olimlar haqli ravishda uning soddaligi, shiradorligi, xalq jonli so'zlashuviga yaqin turishini ta'kidlaydilar. Shoir o'z asarlari tilida xalq maqollari va obrazli iboralarini mahorat bilan qo'llash orqali ham tilning jonliligiga erishgan… Shoirning she'rlarida qo'llangan badiiy vositalar ham o'z talqinlari bilan xalqona, ayni paytda ma'nolidir. Uning ayrim misralari xalq hikmatlariga aylanib ketgan. Maxtumquli bir o'rinda turkman yerlarini «Xizr kezgan cho'llar» deb faxr qiladi. Uning binolarining mangu qad qo'tarib turishiga umid

bog‘laydi. Shunday bo‘lgach, uning yigitlari ham chilladagi mastlik uyqusida, ya’ni g‘aflat uyqusidan uyg‘onish, ahil bo‘lib bir dasturxon atrofiga to‘planishi kerak. Shoir bu o‘rinda o‘z vatandoshlarini birlashtirishga chaqiradi. Maxtumquli she’rlari mazmunligi va latif badiiyligi bilan o‘ziga mangulik haykalini qo‘ydi. Asarlaridan birida o‘ziga xitob qilib: «Go‘zal dostonlaringni elingga baxshida qil» deb yozgan edi. Shunga ko‘ra shoirning merosi davrlar osha turkman xalqi ardog‘ida yashab kelmoqda. Shoir turkmanlar orasida mashhur donishmand adib sifatida nom qozongan bo‘lsa, o‘zbekning ham eng sevimli shoiri sifatida ma’lum bo‘lib ketgandir.

Adabiyotlar

1. Quramboyev K., O‘zbek-turkman adabiy aloqalari. – Toshkent, 1978.
2. Maxtumquli. Saylanma. – Toshkent: Yozuvchi, 1995.
3. Rahim G‘aybulla o‘g, M. «Layli va Majnun» dostonida qosid obrazining o‘ziga xosligi // «Barqarorlik va yetakchi tadqiqotlar» onlayn ilmiy jurnali, 2023. 3(2). – B. 440-442.
4. Mardanov R. O‘zbek mumtoz she’riyatida qosidga murojaat an’anasi // Namangan davlat universiteti Ilmiy axborotnomasi, 2023. (9). – B. 414-420.

Rezyume

Mashhur turkman shoiri va mutafakkiri, turkman adabiyoti, madaniyati rivojiga ulkan hissa qo‘shgan talant sohibi Maxtimquli hayoti va ijodi, o‘zbek adabiyotida tutgan o‘rni haqida fikr yuritiladi.

Kalit so‘zlar: Ozodiy, turkman adabiyoti, Maxtumquli she’rlari, Navoiy, Firdavsiy.

Summary

The life and work of the famous Turkmen poet and thinker, the talented person who made a great contribution to the development of Turkmen literature and culture, Makhtimquli, and his role in Uzbek literature are discussed.

Keywords: Azodi, Turkmen literature, poems of Makhtumquli, Navoi, Firdavsi.

Резюме

Обсуждаются жизнь и творчество известного туркменского поэта и мыслителя, талантливого человека, внесшего большой вклад в развитие туркменской литературы и культуры, Махтимкули, его роль в узбекской литературе.

Ключевые слова: Азоди, туркменская литература, стихи Махтумкули, Навои, Фирдавси.

MAXTUMQULI – OLTIN SILSILA VAKILI

Botir Xaydarovich OQBUTAYEV,
Termiz davlat universiteti o‘qituvchisi

Zahmatkash olim, filologiya fanlari doktori, professor Najmiddin Komilovning boy ilmiy merosi – Sharq va G‘arb xalqlari adabiyotining o‘ziga xos xususiyatlari, o‘zaro adabiy aloqalari, qiyosiy adabiyotshunoslik (komparavistika), tasavvuf adabiyoti va navoiyshunoslik hamda tarjimashunoslikning eng dolzarb mavzulariga bag‘ishlanganligi bilan ahamiyatlidir. Ayniqsa, olimning ko‘pmingyillik insoniyat tamaddunida Sharq va G‘arb xalqlari adabiyotining o‘ziga xos munosib o‘rni, ulushi haqidagi xolis, ilmiy asosga ega tarixiy-falsafiy, axloqiy-badiiy va mantiqiy mushohada, dalillar va xulosalari dunyo olimlari tomonidan ham e’tirof etilmoqda. Ma’lumki, ko‘p vaqtlar dunyo ilm-fanida, jumladan, jahon adabiyotshunosligida ham yevropamarkazchilikning biryoqlama qarashlari hukmronlik qildi va uning salbiy oqibatlari, afsuski, bugungi kunda ham, jahon ilm-fani hamda ijtimoiy hayotning u yoki bu sohalarida bo‘y ko‘rsatadi. Professor N.Komilov yevropa markazchilikning dunyo madaniyati faqat G‘arb xalqlari madaniyati negizida vujudga kelgan, degan biryoqlama qarashlarini tanqid qilar ekan, o‘zbek va jahon adabiyotshunosligi, Sharq va G‘arb madaniyatlari tadqiqiga oid ilmiy izlanishlaridagi teran tafakkur, keng dunyoqarash va mantiqiy xulosalari bilan Sharq madaniyatining dunyo tamaddunidagi ulkan ulushini ilmiy asoslab berdi. Olim o‘z tadqiqotlarida bashariyat istiqboli, xalqlar do‘stligi, millatlararo totuvlik, adolat, hurfikrlilik, samimiyat, rostgo‘ylik, vatanparvarlik,

halollik va hayo, odob, ilmsevarlik kabi umuminsoniy g‘oyalarni madh etgan Sharq va G‘arb xalqlari adabiyoti va madaniyatining zabardast vakillari Gomer, Aristotel, Suqrot, J.Bokachcho, V.Shekspir, Dante, N.G.Chernishevskiy hamda A. Beruniy, Ibn Sino, Al-Farg‘oniy, J.Rumiy, Umar Xayyom, Hofiz Sheroziy, Fariduddin Attor, Alisher Navoiy, Z.M.Bobur, Maxtumquli va M.Ogahiy kabi mutafakkir ijodkorlarning asarlarini qiyosiy o‘rgandi. Olimning bu boradagi ilmiy izlanishlari ulug‘ adabiyotshunos va jadidshunos olim filologiya fanlari doktori, professor B.Qosimovning «Asllik» sarlavhali so‘zboshisi bilan «Tafakkur karvonlari» nomi bilan nashr etilgan. [1, B.280]

Ko‘rinadiki, Najmiddin Komilovning ilmiy tadqiqiotlari Sharq va G‘arb, o‘zbek va fors-tojik hamda o‘zbek va qardosh turkiy xalqlar tarixi, madaniyati, san’ati, dini, ma’naviyati va adabiyotining o‘ziga xos xususiyatlari hamda ularning o‘zaro adabiy aloqalari haqida. Jumladan, serqirra olim Najmiddin Komilov jahon adabiyotining ulug‘ ijodkorlari qatorida taniqli turkman mutafakkir shoiri Maxtumquli hayoti va ijodini ham chuqur o‘rgangan. Ustozning 2008-yil mamlakatimizda Maxtumquli Firog‘iy tavalludining 275 yilligi munosabati bilan «O‘zbekiston» nashriyotida turkman tilidan A.Jumayev va J.Zulpiyevlar tarjimalari asosida Turkmanistonning O‘zbekistondagi elchixonasi tomonidan chop etilgan «Saylanma»ga yozgan «Xalq yodindan ayrilma» nomli so‘zboshisi mazmun mohiyati fikrimiz isbotidir [2, B.408]. Olim fikricha, turkiy tildagi she’riyat boy va rang barang bo‘lib, qadimgi bitiklardan to keyingi davr shoirlari ijodida ham olam- olam o‘lmas g‘oyalar, hayot hikmati, qalb nidolari va navolari, avlodlarning dunyoqarashi, his-tuyg‘usi, kurash va orzulari donishmand shoirlarimizning bebaho asarlarida hayratlanarli tafakkur teranligi va badiiy yuksakligi bilan, bugungi kunda ham, ongu shuurimizni yoritib turadi. Ustoz turkiy xalqlar adabiyotining uzoq tarixiga nazar tashlab, O‘rxun-Enasoy bitiktoshlari va Yusuf Xos Hojib, A.Yugnakiy, A.Yassaviy, S.Boqirg‘oniy, Lutfiy, A. Navoiy, Bobur, Mashrab, Ogahiy, Amiriy va boshqa o‘nlab zabardast shoirlarimiz qatorini «oltin silsila» deb ataydi va unda Maxtumquli Firog‘iyning muhim o‘rnini «Ana shu oltin silsilada atoqli turkman shoiri Maxtumqulining alohida o‘rni

bor. Maxtumquli (1733-1791) otashin lirik shoir, o‘z xalqining ardoqli kuychisi, ayni vaqtda u o‘zbek shoiri ham. Chunki, uning she’rlari o‘zi tirikligidayoq butun turkiy xalqlar, jumladan, o‘zbek xalqi orasida tarqalib, kuylanib kelinadi.» – deya ta’kidlaydi. [3, B.3]

Ustoz ushbu so‘zboshida Maxtumqulining Gurgon daryosi bo‘yidagi Hojigavshan qishlog‘ida mashhur turkman shoiri Davlatmamad Ozodiy xonadonida tug‘ilib, dastlabki ta’lim-tarbiyani otasidan, so‘ngra Niyozsiddiq mulla qo‘lida, shuningdek, Buxoro va Xiva madrasalarida tahsil olgani haqida so‘zlar ekan, haqgo‘y va jasoratli ota Davlatmamad Ozodiyning ardoqli o‘zbek va turkman shoiri Maxtumquli-Firog‘iy dunyoqarashi, axloqi, ijodiy kamolotidagi ulkan ahamiyatini dunyoga ko‘plab daholarni yetishtirib bergan Sharq donishmandligi va yuksak ma’naviyatining bir namunasi sifatida faxr ila bayon etadi «Maxtumquli devonida otasiga bag‘ishlangan bir nechta sher’lar bor. Ularda o‘g‘ilning padari buzrukvoriga muhabbati, ota-og‘il orasidagi ichki ruhiy bog‘lanish o‘z ifodasini topgan. Maxtumquli otasining an’analarini davom ettirdi, uning haqgo‘yligi, g‘oyaviy jasoratidan o‘rnak oldi.» [4, B.3-4]

N. Komilov Maxtumquli ijodining takomilida mumtoz adabiyot va Xorazmda azal-azaldan o‘zbek-turkman xalq og‘zaki ijodi adabiy an’analari asosida yaratilgan «Oshiq G‘arib va Shohsanam», «Go‘ro‘g‘li», «Sayyodxon-Hamro» kabi turkiy-o‘g‘uziy dostonlari mavzusi, ohangi hamda turkiy adabiyotning ulug‘ so‘fiy shoiri Ahmad Yassaviy dunyoqrashi, ijodi va uslubining ta’sirini ta’kidlaydi va bu fikrni shoirning «Kunlarim» nomli she’ri mazmuni va uslubi ham tasdiqlaydi:

To‘qqiz oy yotmishman onam qornida,
Ko‘z ochib, dunyoga tushgan kunlarim.
Tetapoya bo‘ldim onam qo‘lida,
Ilk bor kulsam, onam quchgan kunlarim.
Birimda bilmadim yaxshi-yomonni,
Ikkimda tanidim ota-onamni.
Uch yoshimda tangri berdi zabonni,
To‘rt yoshimda tosh otishgan kunlarim.
Qirqimda quyilib kosam to‘lmisham,

Ellikda qo‘limga tasbeh olmisham.
Oltmishimda pirga murid bo‘lmisham,
Payg‘ambar yoshin yashagan kunlarim. [5, B.153-154]

Olim Maxtumqulining Xivadagi Sherg‘oziyxon madrasasidagi tahsilini alohida urg‘ulaydi. Uning nazarida, Maxtumquli Sherg‘oziyxon madrasasida tahsil olgan yillari ko‘plab ijodkorlar, ilm ahli bilan do‘stlashadi, turkiy va forsiy adabiyot namoyandalarining asarlarini o‘qiydi, arab va fors tilini puxta o‘rganadi, Qur’onni yod oladi. Shu asnoda, shoir ijodi Qur’on ma’nolaridan ko‘p ta’sirlanadi va islomiy qissalar mazmuni, dinu-diyonat, imon-e’tiqodning butunligi, riyosiz taqvo g‘oyalari bilan sug‘oriladi. Yoshligini, madrasada tahsil ko‘rgan yillarini Maxtumquli zavq bilan eslar ekan, bu to‘g‘rida «Xush qol, go‘zal «Sherg‘ozi» nomli she’r ham bitgan:

Makon aylab, uch yil yedim tuzingni,
Ketar bo‘ldim, xush qol, go‘zal «Sherg‘ozi!»
O‘tkardim qishingni, bahor yozingni,
Ketar bo‘ldim, xush qol, go‘zal «Sherg‘ozi!»
Tanib - bildim endi oqni - qorani,
Do‘st, raqib, qardoshim, haqni, yoronni.
O‘qidim, xatm etdim kitob -»Qur’on»ni,
Ketar bo‘ldim, xush qol, go‘zal «Sherg‘ozi!»
Maxtumquli, tashlab ko‘ngil qafasin,
Siyladi pirini, mulla, so‘fisin.
Hargiz unutmasman tillo qopusin,
Ketar bo‘ldim, xush qol, go‘zal «Sherg‘ozi!» [6, B.80-81]

Ayon bo‘ladiki, Maxtumquli dunyoqarashi, ijodi takomilida Buxorodagi Ko‘kaldosh hamda Xiva adabiy muhitining yirik ta’lim markazlaridan biri bo‘lgan Sherg‘oziyxon madrasasi muhim o‘rin tutgan. Sherg‘oziyxon Xiva xoni bo‘lib, madrasa uning nomi bilan atalgan, XVIII asrda, 1715-1727-yillarda Xivada hukmronlik qilgan, o‘sha paytda Mari, Tajen, Axal, Bolqon, Etrek va Gurgonda yashovchi turkmanlar ham Xiva xonligi tarkibida bo‘lgan. [7, B.17-18]

Shuni ham alohida aytish mumkinki, Burhoniddin Sivosiy, Davlatmamad Ozodiy, Nurmuhammad Andalib kabi ko‘plab turkman shoirlari ham Markaziy Osiyoning eng yirik madaniy markazlaridan bo‘lgan Buxoro va Xiva madrasalarida tahsil olishgan. [8.B.405-406]

Xullas, ustoz Najmiddin Komilovning Maxtumquli hayoti va ijodi haqidagi qarashlari – o‘zining yuksak axloqiy-falsafiy fikrlarga, go‘zal badiiy – estetik mushohadalarga boyligi, ravon uslubi bilan o‘qirmanning e’tiborini tortarkan, shoir she’riyatining hikmatlarga to‘la mazmuniga bo‘lgan muhabbatini yanada oshiradi.

Adabiyotlar

1. Komilov N. Tafakkur karvonlari. – Toshkent: Ma’naviyat, 1999. – B. 280.
2. Komilov N. «Maxtumquli-Firogiy» «Saylanma»siga so‘zboshi. – Toshkent: O‘zbekiston, 2008. – B. 408.
3. Komilov N. «Maxtumquli-Firogiy» «Saylanma»siga so‘zboshi. – Toshkent: O‘zbekiston, 2008. – B.3.
4. Komilov N. «Maxtumquli-Firogiy» «Saylanma»siga so‘zboshi. – Toshkent: O‘zbekiston, 2008. – B. 3-4.
5. Maxtumquli. Tanlangan asarlar. – Toshkent: O‘zbekiston, 1976. – B. 153-154.
6. Maxtumquli F.Saylanma. – Toshkent: O‘zbekiston, 2008. – B. 80-81.
7. Туркмен эдебиятын тарыхы. II том, XVIII асыр эдебияты. – Ашгабат: Ылым, 1976. – B. 17-18.
8. Ulug‘ov A. Jahon adabiyoti. Darslik. – Toshkent: Muharrir, 2021. – B. 405-406.

Rezyume

Ushbu maqolada yetuk adabiyotshunos, navoiyshunos va tasavvuvshunos olim filologiya fanlari doktori, professor Najmiddin Komilovning Sharq va G‘arb adabiyoti va madaniyatining dunyo tamadduni taraqqiyotidagi ulkan ulushlarini xolis, ilmiy asosda o‘rganish, baho berish hamda buyuk Sharq donishmand shoirlari qatorida ulug‘ turkman shoiri Maxtumquli hayoti va ijodi hamda o‘zbek va turkman xalqlari adabiyoti va madaniyatining mushtarak

jihatlarining yorqin ifodasi Maxtumquli - oltin silsila vakili ekanligi, shuningdek, Xiva adabiy muhiti, madrasalari haqida so‘z boradi. Maqolada Maxtumquli ijodining umuminsoniy mazmun mohiyati, shoir she’riyatining qat-qatiga singdirilgan Qur’on va Hadislar mazmuni, xalq og‘zaki ijodi va Ahmad Yassaviy uslubi an’nalarini davom ettirish, o‘zbek va turkman xalqlari adabiy aloqalari misolida o‘rganilgan hamda Maxtumquli-Firog‘iy ijodiga doir adabiy manbalar hamda ijodkorlarning asarlari tahlilga tortilgan.

Kalit so‘zlar: Dunyo tamadduni, Sharq va G‘arb adabiyoti va madaniyati, yevropamarkazchilik, qiyosiy adabiyotshunosli, tarjimashunoslik, navoiyshunoslik, Gomer, Aristotel, Suqrot, J.Bokachcho, V.Shekspir, Dante, N.G. Chernishevskiy hamda A. Beruniy, Ibn Sino, Al-Farg‘oniy, J.Rumiy, Umar Xayyom, Hofiz Sheroziy, Fariduddin Attor, Alisher Navoiy, Z.M.Bobur, Maxtumquli, Xiva adabiy muhiti, Sherg‘oziy madrasasi, haqgo‘ylik, Maxtumquli - oltin silsila vakili, mumtoz adabiyotda Qur’on va Hadisla, Sharq ma’naviyati.

Summary

This article provides an objective scientific study and assessment of the enormous contribution of the outstanding literary critic, connoisseur of Navoi’s heritage and mystic scientist, Doctor of Philology, Professor Najmiddin Komilov to the development of world civilization of the East and West. Among the great poet-sages of the East, Magtymguly is a representative of the golden series, a vivid expression of the common aspects of the literature and culture of the Uzbek and Turkmen peoples, as well as the literary environment and madrassas of Khiva. Among the great poet-sages of the East, Magtymguly is a representative of the golden series, a vivid expression of the common aspects of the literature and culture of the Uzbek and Turkmen peoples, as well as the literary environment and madrassas of Khiva. The article reveals the essence of the universal content of Magtymguly’s creativity, the content of the Koran and hadith embedded in the poet’s poetry, the continuation of the traditions of folk oral creativity and the style of Ahmed Yasawi, the literary connections of the Uzbek and Turkmen peoples. The article

studies and analyzes literary sources about the work of Magtymguly-Firogi.

Keywords: World studies, literature and culture of the East and West, Europeanism, Comparative Literary Studies, interpreting, genealogy, homer, Aristotle, Socrates, J.Bokachcho, V.Shakespeare, Dante, N.G. Chernyshevsky, a. Beruniy, Ibn Sina, Al-Farghani, J. Rumi, Umar Khayyam, Hafiz Sherozi, Fariduddin Attor, Alisher Navoi, Z.M.Babur, Makhtumquli, Khiva literary environment, Sherghazi madrasa, truthfulness, Makhtumquli - representative of the Golden range, theme of the Quran and hadiths in classical literature, Eastern spirituality.

Резюме

В данной статье дается объективное научное исследование и оценка огромного вклада выдающегося литературоведа, знатока наследия Навои и ученого-мистика, доктора филологических наук, профессора Наджмиддина Комилова в развитие мировой цивилизации Востока и Запада. Среди великих поэтов-мудрецов Востока Махтумкули является представителем золотой серии, ярким выражением общих сторон литературы и культуры узбекского и туркменского народов, а также литературной среды и медресе Хивы. В статье раскрыта сущность универсального содержания творчества Махтумкули, содержание Корана и хадисов, заложенных в поэзии поэта, продолжение традиций народного устного творчества и стиля Ахмеда Ясави, литературные связи узбекского и туркменские народов. В статье изучаются, анализируются литературные источники о творчестве Махтумкули-Фироги.

Ключевые слова: Мировая цивилизация, литература и культура Востока и Запада, европоцентризм, сравнительное литературоведение, переводоведение, науковедение, Гомер, Аристотель, Сократ, Дж.Боккаччо, В.Шекспир, Данте, Н.G. Чернышевского и А. Беруни, Ибн Сина, Аль-Фергани, Дж. Руми, Омар Хайям, Хафиз Ширази, Фаридуддин Аттор, Алишер Навои, З.М.Бабур, Махтумкули, литературная среда Хивы, медресе Шергазы, праведность, Махтумкули – представитель

золотого века, тема Корана и хадисов в классической литературе, духовность Востока.

MAXTUMQULI VA MIRZO KENJABEK SHE’RIYATIDA DINIY-IRFONIY LEKSIKA LINGVOPOETIKASI

Nasiba To‘rabekovna HAMDAMOVA,
Termiz davlat universiteti filologiya magistratura bo‘limi
Lingvistika(o‘zbek tili) yo‘nalishi magistranti

Tarixdan ma’lumki, turkman xalqi Markaziy Osiyoda qadim zamonlardan beri yashab kelayotgan, turkiy tilda so‘zlashuvchi xalqlardan biridir. Turkman xalqining adabiyoti va madaniyati folklor asarlari shaklida rivojlangan. Turkman xalqi asrlar davomida chet el bosqinchilari – eroniylar, arablar mog‘ul istilochilari, Buxoro amirlari va Xiva xonliklari zulmi ostida qolib ketganligi sababli, turkman milliy adabiyoti va madaniyatining rivojlanishi uchun sharoit yo‘q edi. Shunga qaramay, turkman xalqi o‘z milliy tilining sofligini saqlab qoldi, o‘z milliy adabiyoti va madaniyatini taraqqiy ettirish uchun kurash olib bordi.

Turkman mumtoz adabiyotining asoschisi Ozodiyning o‘g‘li Maxtumquli mamlakatda Eron shohlari hukmronlik qilgan davrda yashadi. U Xivada Sherg‘ozi-xon madrasasida ta’lim oldi. Eron qo‘shinlari bilan bo‘lgan janglarda asir tushib, bir necha vaqt Eronda ham bo‘lgan.

Maxtumqulining ijodi turkman mumtoz adabiyotining cho‘qqisi hisoblanadi.

Hayotning achchiq-chuchugini totgan shoir, ko‘p safarlarda bo‘ldi. Katta hayot tajribasi, o‘zbek va tojik adabiyotini yaxshi o‘zlashtirgani sababli, u xalqqa manzur bo‘lgan ko‘plab g‘azallar, ruboiylar qit’alari «Firog‘iy» taxallusi bilan yaratdi. Shoir ijodi juda mashhur bo‘lganligining sabablaridan biri, unda tasavvuf she’riyatining an’analari mavjudligida edi. Chunki shoir she’rlaridata savvuf falsafasi g‘oyalari targ‘ib qilindi. U xalq diliga yaqin bo‘lgan ozodlik va erk haqida she’rlar yozdi. Masalan, «Baxt qushi», «Chaqiriq» nomli she’rlari turkman xalqini birlashishga, ulami eron

bosqinchilariga qarshi kurashga chorlaydi. Shoiring ko‘pgina misralari hikmat darajasiga ko‘tarildi. U mehnatkash xalqning noroziligini ifodalagan «Zamonlar», «Axtaradi» kabi asarlar yaratdi. Maxtumquli she’riyatining shuhrati o‘zbek kitobxonlari orasida ham keng tarqalgan. Uning ko‘pgina she’rlari qo‘shiq qilib ayliladi. Tanlangan asarlari bir necha marta nashr qilingan.[4]

Maxtumquli va Mirzo Kenjabek ijodiga lingvistik nuqtai nazardan teran nazar tashlar ekanmiz, bu ikki ijodkor nazmida e’tiqodning yuksak ildizlarini ko‘rishimiz mumkin. Tabiiyki bu ikki buyuk nazmiy iste’dod sohiblari, «so‘z chamanining xushxon bulbullari» [A.Navoiy] ijodida diniy leksika alohida o‘rin tutadi. Ushbu maqolada bu ikki adibning she’riyatida diniy leksika lingvopoetikasi xususida muxtasar so‘z yuritiladi.

Maxtumqulining ijodi Qur’oni karim, hadisi shariflarga, tasavvuf ta’limoti, valiylar hikmatiga hamda Alloh O’z huzuridan ato etgan ilmi laduniyga asoslangan. Uning siyosiy qarashlari ham sog’lom e’tiqod tamoyillariga tayangan. Shu sababli Maxtumqulining butun ma’rifati, islomiy muhabbati, ishqi, shavqi, qayg‘usi she’rlarida aks etadi. She’riyat shoir qalbining ko‘zgusidir. Maxtumquli she’riyati bani basharga qilingan otashin va ma’rifiy xitoblardan iborat. Maxtumquli she’riyati Qur’oni karim va hadisi shariflar ma’nolarining she’riy sharhidan iborat. Ammo asarlarda qo‘llangan diniy leksemalarning ma’nolarini hozirgi kunda hamma birdek tushunadi deb aytib bo‘lmaydi. Mirzo Kenjabek ta’biri bilan aytganda Maxtumqulidek shoirlar ijodini o‘rganish , uning diniy-irfoniy leksemalarni qo‘llash mahoratini, ushbu so‘zlarni lingvopoetik tahlil qilish «mo‘jaz bir ilmiy tadqiqotga asos bo‘ladigan mavzudir» [9]

Quyidagi keltirilgan misollar orqali ham shoir yuksak etiqodining go‘zal namunalarini ko‘rishimiz mumkin.

Muhtoj aylama
*Qodir **Jabbor,** sendan tilagim ko‘pdir,*
Sen meni nomardga muhtoj aylama.

Xazinangdan bergil, mening rizqimni,
***Banda**ngni **banda**ngga muhtoj aylama.*

Shoirning «Muhtoj aylama» radifli g‘azalida talmeh san’atidandan unumli foydalanilganini kuzatishimiz mumkin. «Qodir Jabbor»sifatining ma’nosi oliy qadar ulug‘ Zot, huzurida hamma o‘zini xor tutadigan Zot demakdir. «Banda» so‘zi esa fors-tojik tilida «بندء» «qul, itoatkor; kamina « degan ma’nolarni bildirib, Alloh yaratgan taqdiri uning qo‘lida bo‘gan kishi, Allohning quli» demakdir [5]. Maxtumquli o‘zini faqatgina Jabbor oldida xor tutishi va uning quliga muhtoj qilmasligini, rizqini faqatgina O‘zi berishi va nomard bir boshqa qulga muhtoj qilmasligini Jabbor sifatini tanlashi orqali ifodalagan.

Holimga mening
Karam ayla, yo Rab, qudratli Subhon,
G‘arib, g‘amgin kechgan holimga mening.

Aqlim hayrondadir, dilda pushaymon,
Bilmaslikda kechgan solimga mening.

Ushbu g‘azalda Allohning sifatlari – yo Rab va qudratli Subhon tarzida talqin etilgan. Rab(b)» arabcha راب » ega, xo‘jayin; xudo, tangri degan ma’nolarni bildirsa, «Subhon» so‘zi arabchadaسبحان » « madh, maqtash, ulug‘lash ma’nolarini bildiradi. Bu baytdan kelib chiqib aytishimiz mumkinki, shoir iltijo qila oladigan yagona najoti bu uning qudratli Robbisidir.

Ojizmanam, sendan o‘zga kimim bor,
O‘z bergan joningga jabr etma, Jabbor,

Maxtumquli aytar, karamli G‘affor,
Boqma, qilganimga, fe’limga mening.

Yuqoridagi baytda shoir o‘z qilmishlari va fe’lining yomonligidan jon bergan Robbisidan najot so‘rab, karamli Tangridan panoh so‘rab yolvormoqda. Bu yerda Allohning ismlaridan biri bo‘lgan Jabbor arabchada «جبار»– mislsiz qudratli, bandalarining ishini isloh etuvchi, ularning gunohlari uchun jazolovchi ma’nosidadir. G‘affor «غفار»esa kechiruvchi, afv etuvchi, mehribon, shafqatli ma’nosini anglatadi [6]. Bu ismlarni ma’nosiga qarab o‘z o‘rnida qo‘llash Maxtumqulining o‘ziga xos mahorati hisoblanadi.

Yuqoridagi tahlillar orqali turkman adabiyoti zabardast shoiri – Maxtumquluning poetik olami va xarakter yaratish, ijodida diniy leksemalardan foydalanish mahoratiga guvoh bo‘ldik. Bunday ijodkorlar asarlari zamon va makon tanlamaydi, barcha turkiy xalqlar adabiyoti uchun beqiyos xazina bo‘lib qoladi.

Shoir, tarjimon, yozuvchi, islom olimi, Naqshbandiya shayxi Mirza Kenjabek tarjimayi holiga bir nazar tashlashning o‘ziyoq bu ijod sohibining she’rlari mavzu ko‘lami rang-barang, ma’rifiy xarakterda, ko‘tarinki tasavvufiy ruh, Allohga yaqinlik, taqvoning yuqori cho‘qqisida ekanligidan darak beradi. U turkiy-o‘zbek adabiyotida o‘z so‘zi, o‘z ovozi, o‘z o‘lmas g‘oyalariga ega shoir bo‘lib, asarlarida diniy-irfoniy leksemalardan, teonimlardan samarali foydalanadi.

Mirza Kenjabek nafaqat iqtidorli shoir va mohir tarjimon, shuningdek, islom va tasavvuf madaniyatini chuqur o‘rgangan olimdir. Ulug‘ vatandoshimiz Abu Iso Muhammad at-Termiziyning «Sunani Termiziy» («Al-jomi’ as-sahih») asarining M.Kenjabek tarjimasida nashr etilishi O‘zbekiston ma’rifiy-ma’naviy hayotida ulkan voqea bo‘ldi. Bu ma’rifiy izlanishlar natijasida M.Kenjabekning «Termiz tazkirasi» asari maydonga keldi[10].

O’zbekiston Islom sivilizatsiyasi markazi bo’lim boshlig’i, shayx va shoir ustoz Mirzo Kenjabek (Mirzo Ahmad Xushnazar Termiziy) juda ko‘plab diniy asarlar musannifi bo‘lib, tarjimonlik sohasida ham o‘chmas iz qoldirdi. Uning she’rlarida zamonaviy, ma’rifiy va diniy mavzu va g‘oyalar yetakchilik qiladi. Shuday ekan shoir she’rlarida diniy leksikaning bo‘lishi tabiiy. Buni uning mashhur «Ibodat» she’ri misolida ko‘rishimiz mumkin.

Ibodat
Ibodat *ne? Yaratganga itoat ham ibodatdir,*
Haqiqiy ***banda****lik birlan sadoqat ham ibodatdir.*

Ibodat so‘zining ma’nosini yaxshi bilmay bilmay turib u haqida mukammal asar yaratish mumkin emas va Mirza Kenjabekning bu she’ri ibodat leksemasini keng ma’noda mahorat bilan ochib beradi. «Ibodat» so‘zi arabcha العبادة qulluq qilish, sig‘inish, topinish va uning amali; namoz degan ma’nolarni anglatadi. «itoat» so‘zi aslida oddiy

so‘z bo‘lib, u ham اطاعت bo‘ysunish, amrni bajarish ma’nosini beradi. Yuqorida banda so‘zini tahlil qilgan edik. Shunga ko‘ra banda so‘zi fors-tojik tilida «بندء» «qul, itoatkor; kamina « degan ma’nolarni bildirib, Alloh yaratgan taqdiri uning qo‘lida bo‘gan kishi, Allohning quli» demakdir.

*Ibodatdir, tiriklikni etolsang **ma’rifat** bog’i,*
*Mashaqqatlik ilm, san’at, **qiroat** ham ibodatdir.*

Shoir *ma’rifat bog‘i* metaforasini mahorat bilan qo‘llab, tiriklikni ma’rifat bog‘i eta olish ham ibodatdir, deya ta’kidlaydi. *Ma’rifat* so‘zi arabcha معرفة – ma’rifatdan: 1)ta’lim-tarbiya, iqtisodiy, siyosiy, diniy, falsafiy g‘oyalar asosida kishilarning ong-bilimini, madaniyatini oshirishga qaratilgan faoliyat; 2) tasavvufda har bir sufiy ruhiy kamolotga erishish yo‘lida bosib o‘tadigan bosqich (maqom)lardan biri, ya’ni o‘rganish bosqichi degan ikki ma’noni bildiradi [7]. Shu o‘rinda Mirza Kenjabek *ma’rifat* so‘zining har ikki ma’nosini ham nazarda tutgan bo‘lishi mumkin. Lekin tiriklikni ma’rifat bog‘iga aylantirishni ko‘proq ilm olish bilan bog‘lash har tomonlama haq gap bo‘ladi. Chunki ilm olish dinimizda eng ulug‘ ibodatlardan sanaladi. Banda ilm vositasida Rabbini tanishga, U Zotning farzlarini bajarishga, shuningdek, barcha mavjudotlarga taalluqli haqlarni ado etishga muvaffaq bo‘ladi.

Biror din ilm olishga islomchalik targ‘ib qilmaydi. Islom jaholatga qarshi ilm-ma’rifat bilan kurashishga ham katta e’tibor qaratadi. Alloh taolo nabiyimiz Muhammad sollallohu alayhi vassallamni payg‘ambar qilib yuborgan paytni esga oladigan bo‘lsak, o‘sha davrda odamlar jaholat botqog‘iga tamoman botgan edi. Johiliyatning bu holatini yoritishga tarixchilarning qalami o‘tmaslik qiladi, deyilgan. Shunda Alloh taolo Qur’oni karimning ilk oyatini ham «O‘qing!» deb nozil qildi. Ushbu oyat insoniyat birinchi bo‘lib nima qilishi kerak ekanini ko‘rsatib berdi [11].

Hadislarda ham bunga dalil sifatida juda ko‘p misollar bor. Anas roziyallohu anhudan rivoyat qilinadi: «Rasulullоh sollallohu alayhi vasallam: «Ilm talab qilish har bir musulmonga farzdir», — dedilar» [Imom Buxoriyning «Al-Jomi’ as-Sahih» asari]. Mirza

Kenjabekning bu «chaqirig‘i» toki tirik ekanmiz, ilm olish, o‘rganishga bel boshlashimiz ham ibodat ekanligiga ishoradir.

«Qiroat» so‘zi arabcha قراءة – «qiraatan» o‘qish, baland ovoz bilan o‘qish; Qur’on oyatlarini tajvid qoidalariga rioya qilib, o‘ziga xos ohangda o‘qish demakdir[6]. Mashaqqatli ilm va san’at qatorida qiroat qilish ham bir ibodat hisoblanishini isbotlab bermoqda shoir. Guvohi bo‘layotganimizdek, Mirza Kenjabek «Ibodat» she’rining shu to‘rt misrasining o‘zidayoq shunchalik so‘z qo‘llash mahoratini san’atkorlik darajasiga yetkazganki, diniy leksemalarning nazmun mohiyati juda boy bo‘lsa-da, she’rda ixchamlikni, aniqlikni shu bilan birga keng mazmunni yuzaga keltirgan.

Xulosa o‘rnida shuni aytish joizki, Maxtumquli hamda shayx va shoir Mirza Kenjabek ijodida diniy leksemalarni qo‘llash uslubi, ixcham shaklda keng ma’no ifodalashi, so‘z tanlash mahorati oziga xos bo‘lgan shoirlar ekanligi bilan, she’rlari xalqona ohanglarda bitilganligi bilan boshqa shoirlar ijodidan keskin farq qiladi. Barcha badiiy adabiyot vakillarining so‘z tanlashdagi va qo‘llashdagi mahoratining tadqiq etilishi tilshunosligimiz rivojida o‘zigaxos ahamiyat kasb etadi.

Adabiyotlar

1. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг 2017 йил 19 сентябрь куни Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Бош Ассамблеяси 72-сессиясида сўзлаган нутқи.
2. Амонтурдиева Ш.Р. Ўзбек диний матнининг функционал-стилистик тадқиқи: Филология фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) илмий даражасини олиш учун ёзилган диссертация. – Самарқанд, 2020.
3. O‘zME. Birinchi jild. – Toshkent, 2000.
4. Maxmaraimova Sh. Hozirgi o‘zbek tili. (Leksikologiya) 2-qism. – Toshkent, 2021. – B.60.
5. G‘anijonova D., Maxmidjonov Sh. Maxtumquli hayoti va she’riyatida e’tiqod masalasi / Theory and analytical aspects of recent research International scientific-online conference Part 20: December 9th 2023-268 www.interonconf.org.
6. O‘zbek tilining izohli lug‘ati. B www.ziyouz.com kutubxonasi.

7. O‘zbek tilining izohli lug‘ati. Q www.ziyouz.com kutubxonasi.
8. O‘zbek tilining izohli lug‘ati. I www.ziyouz.com kutubxonasi.
9. O‘zbek tilining izohli lug‘ati. S www.ziyouz.com kutubxonasi.
10. Mirzo Kenjabek. Maxtumquli – valiy shoir. www.kh-davron.uz
11. Mirzo Kenjabek. She’rlar. www.kh-davron.uz
12. Abdulaziz Mansur. Qur’oni karim ma’nolarining tarjima va tafsiri. – Toshkent: Toshkent islom universiteti, 2004.
13. Imom Buxoriyning «Al-Jomi’ as-Sahih» asari.
14. Muhiddinov A. Ilm olish fazilati. Imom Buxoriy xalqaro ilmiy-tadqiqot markazi.
15. Islom ensiklopediyasi. Z.Husniddinov tahriri ostida. – Toshkent: O‘zbekiston milliy entsiklopediyasi, 2007.

Rezyume

Maqolada turkman klassik adabiyotining asoschisi Maxtumquli Firog‘iy va o‘zbek shoiri, tarjimon, jurnalist, islomiy kitoblar musannifi shayx Mirzo Kenjabek (Kenjaboev Mirza To’ychievich) she’riyati lingvopoetik tahlilga tortilgan. Shoirlar she’rlarida diniy leksemalar izohlangan.

Kalit so‘zlar: Diniy leksema, e’tiqod, tasavvuf, diniy leksemalar tadqiqi, turkman va o‘zbek she’riyati tasavvufiy shoirlari, diniy leksika, lingvopoetik tahlil, talmeh san’ati.

Summary

In the article, the poetry of the founder of Turkmen classical literature Makhtumkuli Firagi and the uzbek poet, translator, journalist, author of Islamic books Sheikh Mirzo Kenzhabek (Kenzhaboev Mirza Toychievich) were involved in the linguopoetic analysis. Religious lexemes are interpreted in the poems of poets.

Keywords: religious lexeme, faith, mysticism, research of religious lexemes, mystical poets of Turkmen and Uzbek poetry, religious vocabulary, linguistic and poetic analysis, the art of interpretation.

Резюме

В статье к лингвопоэтическому анализу были привлечены поэзия основоположника туркменской классической литературы Махтумкули Фираги и узбекский поэт, переводчик, журналист, автор исламских книг Шейх Мирзо Кенжабек (Кенжабоев Мирза Тойчиевич). Религиозные лексемы трактуются в стихах поэтов.

Ключевые слова: религиозная лексема, вера, мистика, исследование религиозных лексем, мистические поэты туркменской и узбекской поэзии, религиозная лексика, лингвопоэтический анализ, искусство толкования.

MAXTUMQULI FIROG‘IY – XALQLAR DO‘STLIGI KUYCHISI

Samandar Abdulxamid o‘g‘li ABDUVOXIDOV,
Chirchiq davlat pedagogika universiteti
Geografiya va iqtisodiy bilim asoslari yo‘nalishi talabasi

Maxtumquli turkman xalqining iftixori hamda yorqin adabiy siymosidir. Maxtumqulining adabiy merosida o‘zbek-turkman ellarining qon-qardoshlik tuyg‘u lari tamg‘alangan deyish mumkin. Ayniqsa, Yassaviyning ta’siri, Navoiyga izdoshlik chizg’ilari Maxtumqulining bitganlarida yaqqol ko‘zga tashlanib turadi.[1]

Maxtumquli (Magtymguly; taxallusi Firog‘iy; 1733, Gurgan daryosi sohilidagi Hoji-govshan qishlog‘i — 1783) — turkman shoiri va mutafakkiri. Otasi Davlatmant Ozodiy (1700—1760) ham shoir bo‘lgan. Maxtumquli boshlang‘ich ta’limni oilada o‘z otasidan olgan. So‘ng qishloq maktabida Niyozsolih mulla qo‘lida o‘qigan. Dastlab Maxtumquli Xalach atrofining Qiziloyoq qishlog‘idagi Idrisbobo madrasasida, keyinchalik Buxoroning Ko‘kaldosh, Xivaning Shergoziy madrasalarida tahsil olgan. Nizomiy, Firdavsiy, Fuzuliy, Navoiy singari mashhur sho-irlar ijodidan bahramand bo‘lgan. Zargarlik bilan shug‘ullangan. Afg‘oniston, Eron, Hindiston,

Ozarbayjon, Samarqand, Turkiston kabi bir kancha shaharlarga sayohat qilgan. Maxtumqulining oilaviy sharoiti xususida har xil rivoyatlar bor. Maxtumqulishunoslar Maxtumquli Menglixon ismli qizni chin dildan sevganini, biroq ularning turmush qurishiga imkon bo‘lmaganini yozadilar.

Menglixon Maxtumquliga qarindosh yani xolasining qizi bo‘lib, ular yoshlikdan bir-birlariga ko‘ngil qo‘yishadi, biroq Maxtumquli katta yo‘qotishlarni boshidan o‘tkazadi, otasi va ikki akasining o‘limi uning oilasini moddiy qiyin ahvolga olib keladi, qizga beriladigan qalin pulini bera olmasligini bilgan Menglining akalari singlisining norizoligiga qaramasdan uni boshqa birovga turmushga berib yuborishadi.

Maxtumquli bir kancha lirik she’rlar, lirikepik dostonlar, g‘azal va muhammaslar yozgan. Bizgacha uning lirik, falsafiy, pandnasihat harakteridagi 10 ming miyeradan ortiq she’rlari yetib kelgan. Maxtumquli she’rlarida turkman xalqining hayoti, urf-odatlari, o‘z davrining muhim ijtimoiysiyosiy hodisalari, shoirning ichki kechinmalari teran ifoda etilgan («Bo‘lmasa», «Kelgay», «Bilan», «Naylayin», «Yetmas», «Bular», «Ketdi zamona» va boshqalar). Asarlarida turkman urug‘larini birlashishga chaqirgan. Ular o‘rtasidagi nizojanjallarni tugatishga uringan («Taka, yovmut, ko‘klang, yozir, alili – Bir davlatga qulliq qilsak beshimiz…»).

Maxtumqulining ishq-muhabbat mavzusidagi she’rlari ham ohangdorligi, chuqur falsafiy mohiyati bilan ajralib turadi. Shoirning hayot va o‘lim, inson va borliq, go‘zal insoniy fazilatlar va odob-axloqqa oid she’rlarida islom dini hamda tasavvufiy qarashlar ta’siri yaqqol seziladi («Maxtumquli, shukr et sen Xudoga, O‘lim barobardir shohu gadoga…»).

Ko‘p she’rlariga Qur’oni Karim oyatlari, hadisi sharifning mazmun mohiyati singdirilgan. Shoir she’rlarida payg‘ambarlar, Bahouddin Naqshband, Ahmad Yassaviy singari ulug‘ zotlar juda ko‘p tilga olinadi. Shuningdek, Allohga munojot, Rasulullоh (sav)ga murojaat ohanglari Maxtumquli she’riyatining eng asosiy tamoyillaridan biridir («Riyodan, yo Rab», «Sochdi Muhammad», «Yo Rasul» va boshqalar).

Maxtumquli uslubida xalq ogʻzaki ijodiga yaqinlik bor. Maxtumquli turkman xalqining maqol va matallarini, xalqtiliga xos ayrim unsurlarni adabiyotga olib kirishda katta xizmat qilgan. Shoirning purmaʼno misralari turkman millatining hikmatli soʻzlari, aforizmlar qatoridan oʻrin olgan. Maxtumquli ijodi Yevropa va rus sharqshunoslari, turkman va oʻzbek olimlari tomonidan tadqiq etilgan; qiyosiy oʻrganilgan. Xususan, Navoiy ijodining Maxtumquliga taʼsiri va boshqa adabiy taʼsir masalalari tekshirilgan (S. Qoriyev, «Navoiy va Mah-tumquli», «Maxtumquli va Islom shoir», «Maxtumquli sheʼrlari asosida yaratilgan oʻzbek xalq qoʻshiqlari» va boshqalar). Shuningdek, Maxtumqulining «Namasan», «Ayrildim», «Oshiq boʻlmisham», «Ustodingdan ayrilma», «Koʻring» sheʼrlari Komiljon Otaniyozov, Bobomurod Hamdamov, Ortiq Otajonov tomonidan maromiga yetkazib kuylangan.

Ulugʻ shoir 1791-yilda vafot etgan. Maxtumquli sheʼriyati barcha turkiy millatlar, jumladan, oʻzbeklarning ham maʼnaviy mulkiga aylangan. Bir necha marta sheʼrlari oʻzbek tiliga tarjima qilinib, nashr etilgan. Koʻplab sheʼrlari hofizlar tomonidan kuyga solib aytiladi. Maxtumquli haqida kinofilm, spektakl va badiiy asarlar yaratilgan.

Hozirgi kunda ushbu adibning hayot va ijod yoʻlini oʻrganish juda koʻplab olimlarimiz tomonidan amalga oshirilmoqda.[1] Hozirda Toshkent shahrida Maxtumquli koʻchasi ham bor. Maxtumquli koʻchasi (oʻtmishda Sobor, Kaufman shoh koʻchasi, Salor, Karl Marks, Taraqqiyot koʻchasi deb nomlangan) – Toshkentning markaziy koʻchalaridan biri. XIX asrning ikkinchi yarmida paydo boʻlgan. Toshkentning Rossiya imperiyasi tomonidan bosib olinishidan keyin Kaufman prospekti nomi berilgan. 1928-yildagi rekonstruksiyadan keyin Lenin maydoni (hozirgi Mustaqillik maydoni)dan boshlanib, Toshkent tibbiyot akademiyasi yaqinida tugagan. 2015-2016-yillarda yangi yoʻl qurilishi natijasida koʻcha 1 kilometrdan salkam 4 kilometrgacha uzaygan [2]. Ayni paytda koʻcha Amir Temur xiyobonidan boshlanib, Ohangaron yoʻli koʻchasida, uch qavatlik koʻprik qismida tugaydi. 2017-yilning 1-mart kuni koʻchaga turkman adibi Maxtumqulining nomi berildi [3,4].

Maxtumquli ijodi lirik she’rlar, liro-epik dostonlar, g‘azal, mumtoz she’riyat yo‘lida bitilgan to‘rtlik va muxammaslar hamda xalqona ohanglarda yozilgan she’rlardan iborat. Maxtumqulining ijodi bilan maxsus shug‘ullangan mutaxassislarning fi kricha, shoir ijodining umumiy hajmi o‘n ming misradan ortiqroqni tashkil etadi.

Shoirning bir qator she’rlarida turkman xalqining hayoti, orzu-armonlari, milliy an’analari hamda xalq hayotida yuz bergan muhim ijtimoiy-siyosiy hodisalar aks ettirilgan. «Turkman binosi» she’rida turkman xalqiga xos g‘urur, oriyat, ittifoqlik tuyg‘ulari haqida iftixor bilan yozadi. Ayni vaqtda shoir turkmanlardagi bunday ma’naviy sifatlar shakllanishida o‘z ijodi va faoliyatining ham o‘rni borligini ta’kidlaydi:

Qurganim aslida, bilgil, bu zaminning mixidir,
Erur ul erkin doim, budur turkman binosi.
Garki dunyo ayladi, gar kelsa raqib qoshiga,
Bir po‘latdan bino bo‘lgan, budur turkman qal’asi[5]

Maxtumqulini nafaqat Turkmaniston xalqi, balki O‘zbekiston ahli ham o‘qib-o‘rganishadi. Mashhur estrada yulduzlari shoirning she’rlarini qo‘shiq qilib kuylashadi. Maxtumquli she’riyati barcha turkiy millatlar, jumladan, o‘zbeklarning ham ma’naviy mulkiga aylangan. Bir necha marta she’rlari o‘zbek tiliga tarjima qilinib, nashr etilgan. Ko‘plab she’rlari hofizlar tomonidan kuyga solib aytiladi. Maxtumquli haqida kinofilm, spektakl va badiiy asarlar yaratilgan.

Adabiyotlar

1. https://talaba.su/
2. Tanlangan asarlar. – Toshkent, 1963.
3. Maxtumquli she’riyatidan. – Toshkent, 1976.
4. Saylanma. – Toshkent, 1995.
5. Turkman mumtoz she’riyati durdonalari. – Urganch, 2000.
6. Novaya doroga stroitsya v Tashkente / Электронная газета «Туркменистан: золотой век», [https://geodzen.com/uz/tashkent/Maxtumquli].
7. https://teletype.in/@yosh_kitobxon_kitoblari_bot/Egr6QG9AV

Rezyume

Ushbu maqolada Maxtumqulining hayoti va ijodi, asarlarining bugungi kunda dolzarbligi va ahamiyatligi, yoshlarni millat ruhida tarbiyalash lozimligi keltirib o‘tilgan.

Kalit so‘zlar: Maxtumquli, Menglixon, turkamn, shoir, she’rlar, she’riyat.

Summary

This article mentions the life and work of Magtymguly, the relevance and significance of his works today, and the need to educate young people in the spirit of the nation.

Key words: Magtymguly, Menglikhan, Turkamn, poet, poems, poetry.

Резюме

В данной статье упоминаются жизнь и деятельность Махтумкули, актуальность и значение его произведений сегодня, необходимость воспитания молодежи в духе нации.

Ключевые слова: Махтумкули, Менглихан, Туркамн, поэт, стихи, поэзия.

MAXTUMQULI – O‘ZBEK VA TURKMAN SHOIRI

Sabinabonu Dilshodovna QAXRAMONOVA,
Toshkent davlat o‘zbek tili va adabiyoti universiteti
O‘zbek filologiyasi fakulteti talabasi

O‘zbek va turkman xalqlari azal-azaldan beri, yonma-yon, ba’zan aralash holda yashab kelishadi. Ikkala xalqning kelib chiqishida, turmush tarzida, urf-odat va qadriyatlarida mushtarak jihatlar ko‘p. Ular o‘rtasidagi adabiy-madaniy aloqalar uzoq tarixga borib taqaladi va hozirgi kunga qadar davom etib kelmoqda. Qardosh xalqlar orasidagi munosabatlar jipslashishida adabiyotning o‘rni ham alohida ahamiyatga ega. Hech qaysi ijodkor yoki adabiyotga oshno qalblar yo‘qki, Maxtumquli she’rlarini bir bor o‘qib chiqmagan bo‘lsa! Maxtumquli ijodi nafaqat o‘zbek kitobxonlari, balki boshqa xalq kitobxonlari qalbiga yaqinligi, uning ijodiga ehtiyoj va talab

kattaligi bilan e’tiborga molik. Turkman shoiri ijodidagi umumiylik barcha millat qarashlariga birdek mos keladi. Qardosh shoirlarning Maxtumquli she’rlariga nazira bitishlari, uning ijodidan ta’sirlanishlaridan ko‘rinib turibdiki, she’rlaridagi umumisoniy g‘oyalar hamma millat vakillari uchun namuna bo‘la olgan desak, yanglishmagan bo‘lamiz.

«Maxtumquli ijodi ko‘plab chashmalardan suv ichgan: ular - Qur’oni Karim va unga yozilgan tafsirlar, Hadisi sharif va diniy adabiyotlar, tasavvuf falsafasi va she’riyati, Sharq mumtoz so‘z san’ati va xalq og‘zaki ijodi. Shuning uchun shoir ijodida islomiy mavzular ham, so‘fiyona ruhni ham, xalqona ohanglarni ham, mumtoz adabiyot ta’sirini ham ko‘ramiz - ular o‘zaro omuxta bo‘lib, Maxtumquli asarlarining yuksak badiiyati, ta’sirchanligi va umrboqiyligini ta’minlagan». [1,3-4]. Yuqoridagi fikrlardan ma’lum bo‘ladiki, Maxtumquli ijodidagi rang-baranglik, mavzular xilma xilligi natijasida uning asarlari hanuzgacha o‘qib kelinadi, baxshi, xalfalar tomonidan kuylanadi.

Uning hikmatlarida insoniy fazilatlarga alohida ahamiyat berilib, qabih xislatlar qoralanadi, kishilar ezgu amallar tomon chorlanadi. Salbiy va ijobiy xarakterlarni tabiat tasvirlariga, hayvonlarga mos ravishda o‘xshatadi. U misralarini sodda, xalqona ifodalaydi, badiiy tasvir, hayotiy dalillar bilan boyitadi.

Shoir lirikasida diniy-ma’rifiy yo‘nalishdagi she’rlar, hikmatlar keng ko‘lamga ega. U o‘z hikmatlari orqali osiy bandalarni Yaratgan buyurgan amallarni qilishga undaydi, U qaytargan amallardan yiroq turishni uqtiradi.Diniy -ma’rifiy she’rlarida bitta mavuzga qayta-qayta murojaat qilish holatlari kuzatiladi. Bularhar bir musulmon odami bilishi lozim bo‘lgan islom dinidagi muhim mavzulardir.

So‘fiylar, so‘fiylar, hozir bo‘linglar,
O‘lim bor-u hayot bor-u vafot bor.
Yomon ishdan barcha hazar qilinglar,
Chunki savol, so‘roq bor, qiyomat bor.[1, 589]

Bu kabi misralarni o‘qib, inson yashab turgan dunyosining o‘tkinchiligini anglaydi, qilib turgan amallarini sarhisob qilishga tushadi.

Maxtumquli ijodida Allohga bag‘ishlangan hamd va Payg‘ambarimizni ulug‘lab yozilgan na’t she’rlar ham anchani tashkil qiladi:

Bir Ollohga aytay hamd-u sanolar,
Bir siqim tuproqdan inson yaratdi.
*Tan qafasin qilmoq uchun munavva*r
Jon nuridan sham’i tobon yaratdi. [2, 614]

Allohning qanchalar buyukligini,uning cheksiz marhamatini ummatga bot-bot eslatishni lozim deb biladi. Maxtumquli she’rlarini o‘qir ekanmiz, Allohni va uning rasuliga bo‘lgan muhabbatimizni yana-da yuksaltiramiz.

Ey Muhammad Mustafo, siz barchaga pusht-u panoh,
Nafsi sarkash dastidan qildim mudom ayb-u gunoh…[2,681]

Bundan tashqari Maxtumquli ijodiga xos yana bir xususiyat shundaki, u ko‘pgina shoirlar bilan aytishuv tarzida she’rlar bitgan. Durdi shoir, Ma’rufiy, Zunubiy, O‘roz Xon shoirlar shular jumlasidandir. Aytishuvda falsafiy, diniy-ma’rifiy, insoniy xislatlar haqidagi fikrlar savol-javob tarzida keltiriladi:

-Ne oshiqdir, yig‘lar, ko‘zlarinda yoshi yo‘q?
-Ul zamindir gavdasi bor, boshi yo‘q?..

-Mashrab yig‘lar, ko‘zlarinda yoshi yo‘q,
-Ul zamindir, gavdasi bor boshi yo‘q…[5, 136-137]
(*Maxtumquli va O‘rozxon aytishuvidan*)

«Maxtumquli she’riyatidan bahramand bo‘lib, uni o‘ziga ustoz deb bilgan, asarlarini xalqimizda targ‘ib qilishda faol shoirlardan biri, O‘zbekiston xalq shoiri Mirtemirdir. U she’rlaridan birida shunday yozgandi:

Maxtumquli she’rining sharbatin ichib qondim,
Yuz elining shoiriday men ham dilimdan yondim,
Yuz elining shoiriday men ham dilda quvondim,
Yuz elining shoiriday-
She’rning o‘lmas kuchiga men ham dildan ishondim… [3,57]

Ko‘rinib turibdiki, Mirtemir turkman shoiridan ta’sirlangan, shoirga dildan yaqinlashgan. Mirtemir nafaqat Maxtumquli she’rlarini sevib yod olardi, balki o‘zi ham unga atab bir qator she’rlar bitgan. Maxtumquli ijodi va shaxsiyatiga bo‘lgan muhabbat shoir she’rlarini o‘zbekchalashtirish jarayonida Mirtemirning o‘zi jonbozlik ko‘rsatgan paytlarda mustahkamlangan edi. Maxtumquliga qalbi yaqin shoirlardan yana biri – bu Maqsud Shayxzodadir. «Shoirni ulug‘lashga xizmat qiladigan qanday badiiy vosita bo‘lsa, M.Shayxzoda hammasini «ishga» solgan. «Ta’rifi yetti iqlimga ketgan», «Qo‘shiqlari o‘limlardan g‘olib kelgan» Maxtumquli o‘zbek shoiri nazdida kurash maydonida Go‘ro‘g‘lidek mard, chavandoz, she’riyat chamanida esa bulbullarga jo‘rovoz, g‘oyat iste’dodli va qaynoq qalbli shoirdir» [3, 64]. Bu kabi ramzlarni qo‘llash orqali Maxtumqulining shaxsiyati va shoir sifatidagi mahorati oydinlashadi. O‘zbek adabiyotining zabardast vakillaridan biri Abdulla Oripov ham «Maxtumquli» nomli she’r yozib, unda «O‘qi, Maxtumqulini» deya nasihat qiladi. Shoirlardan tashqari ko‘plab adabiyotshunos olimlar, jumladan, K.Quramboyev, E.Ochilov, S.G‘aniyeva, J.Sharipov, B.Karimov, Mirzo Kenjabek kabilar Maxtumquli ijodini tadqiq qildilar, she’rlarini tarjima qildilar va nashrga tayyorladilar. Olimlarimizning buyuk turkman shoiri – Maxtumquli ijodini o‘zbek kitobxonlariga tanishtirishda qo‘shgan hissalari o‘zbek adabiyoti uchun eng foydali amallardan bo‘ldi. Qolaversa, o‘zbek dramaturgiyasida Maxtumquli siymosi yaratildi, she’rlari qo‘shiqlarda yangradi, unga bag‘ishlab adabiy kechalar o‘tkazildi. O‘ylaymizki, bu kabi jarayonlar, adabiy aloqalar uzoq yillar davom etadi. Zero Maxtumquli – yuz elning shoiri. Uning ijodidagi misralar nafaqat Turkmaniston ozodligi uchun, balki butun elatlar tinch-totuvligi uchun kuylangan.

Adabiyotlar

1. Maxtumquli Hikmatlar / Tarjimon va tuzuvchi: Ochilov. E. – Toshkent: O‘zbekiston, 2013.
2. Karimov B. Maxtumquli. – Toshkent: O‘zbekiston, 2022.
3. Quramboyev K. Maxtumquli – ilhom chashmasi. – Toshkent: Tafakkur, 2012.

4. Quramboyev K. Maxtumquli she’riyati O‘zbekistonda. – Toshkent: Fan, 1984.
5. Saylanma. Mirzo Kenjabek tarjimasi. ziyouz.com.

Rezyume

Ushbu maqolada turkman shoiri Maxtumqulining o‘zbek adabiyotida tutgan o‘rni, shoir ijodining o‘zbek kitobxonlariga ta’siri yoritilishi bilan bir qatorda, Maxtumquli ijodiga xos bo‘lgan xususiyatlar ochib beriladi.

Kalit so‘zlar: o‘zbek, turkman, she’riyat, tarjima, aytishuv, hamd, insoniy fazilatlar, dramatutgiya.

Summary

In this article, the role of the turkman poet Makhtumkuli in uzbek literature, the influence of the poet’s work on uzbek readers, as well as the characteristics of Makhtumkuli work are revealed.

Keywords: uzbek, turkman, poetry, translation, saying, praise, human qualities,dramaturgy.

Резюме

В данной статье раскрывается роль туркменского поэта Махтумкули в узбекской литературе, влияние творчества поэта на узбекских читателей, а также особенности творчества Махтумкули.

Ключевые слова: узбекский, туркменский, поэзия, перевод, поговорка, восхваление, человеческие качества, драматургия.

III SHO‘BA. MAXTUMQULI IJODI LINGVOPOETIKASI

MAXTUMQULI IJODIDA VATANSEVARLIK, INSONPARVARLIK G‘OYALARINING TARIXIY TAHLILI

Dotsent Dr. Sayyid Mohammad OLIM LABIB,
Olein Ankara universiteti til va tarix-jug‘rofiya fakulteti
zamonaviy turkiy tillar va adabiyoti kafedrasi
o‘zbek tili va adabiyoti o‘qituvchisi
(Amerika Qo‘shma Shtatlari)

XVIII asr turkman adabiyotida didaktik an’ananing atoqli namoyandasi va turkman xalqining eng buyuk shoiri, turkman yozma tiliga asos solgan. Maxtumquli Farog‘iynig she’rlarida turkman hayotining barcha jabhalari qamrab olingan. Turkman birligi, turkman ruhi va ongi, dini va tasavvuf, yaxshi va yomon odamlarni qiyoslash, ijtimoiy adolat, muhabbat, yomon odatlar, tarbiya, hamkorlik va nasihat kabi mavzular Maxtumquli she’rlarida eng ko‘zga ko‘ringan mavzulardir.

Ota va o‘g‘il – Davlat Muhammad Ozodiy va Maxtumquli Firog‘iy turkman xalqining XVIII asrdagi eng buyuk shoirlari va ijtimoiy yetakchilaridandir. Bu ikki mutafakkir ota va o‘g‘il o‘z asarlari bilan xalqqa xizmat qildilar, eng muhimi, ular asarlarida o‘zlaridan ikki asr keyin barpo bo‘ladigan mustaqil Turkmaniston orzusini ifoda etdilar. Maxtumquli ham otasi Ozodiy kabi islom dini ta’limotiga asoslangan qarashlari bilan odamlarni yaxshi va to‘g‘ri yo‘lga boshlashga harakat qilgan; u shu yo‘l bilan ijtimoiy tinchlik va farovonlikka erishish mumkinligiga ishongan.

Turkmanlarning Go‘klan qabilasining Garkaz qabilasidan bo‘lgan Maxtumquli Farog‘iy, 1724-yilda Kaspiy dengizi bo‘yida joylashgan va bugungi kunda Eron Islom Respublikasining shimolida yerlashgan Guliston viloyati Gurgon shahrining Xoji Kavusan qishlog‘ida dunyoga kelgan [5, B.5]. Otasi o‘z davrining mutafakkiri,

diniy mavzudagi bir qancha asarlar muallifi, shoir Davlat Muhammad Ozodiydir [7, B.3].

Maxtumquli o‘z she’rlarida onasining ismini tilga olmagan bo‘lmasa-da, onasini «mehribim, onam, Makkam, Madinam, iymon shahrim va Ka’bam, onam» kabi so‘zlar bilan yod etgan. Ba’zi manbalarda shoirning otasi Davlat Muhammad Ozodiyning Irazgul/Orazgul ismli xotini bo‘lganligi haqida ma’lumotlar bor. Bu Maxtumquli onasining ismi bo‘lishi mumkin emasmi?

Bolaligi Hoji Kavushan qishlog‘ida o‘tgan Maxtumquli boshlang‘ich ta’limni olim va so‘fiy otasi Davlat Muhammad Ozodiydan olgan. Keyinchalik otasining istagiga ko‘ra yaxshiroq ta’lim olish uchun Ersariy turkmanlaridan Niyoz Solih ismli domladan ta’lim oladi. Maxtumquli bolaligida qo‘zi va echki boqdi, u ajdodlar kasbi bo‘lgan tasma yasash, kigiz yasash bilan ham shug‘ullanadi [2, B.11].

Maxtumquli qishloq maktabida tahsil olgach, bir muddat hozirgi Turkmanistonda Labob viloyatining Halaç tumanida, Turkmanobod va Otamurat o‘rtasidagi yo‘lda joylashgan Idris bobo madrasasida tahsil oldi. Shunday qilib, u tumanning Qizilayak shaharchasi Esanmengli qishlog‘idagi Idris bobo madrasasida ham saboq olgani haqida ma’lumotlar bor.

Maxtumquli ta’limni davom ettirish uchun Buxoroga borib, Ko‘kaltosh madrasasida diniy ilmlar va arab tilini o‘rganadi, keyinchalik o‘sha madrasada kelgusi sodiq do‘stiga aylangan Nuri Kozim bilan uchrashadi. Biroz vaqt o‘tgach, shoir do‘sti bilan, dinni yoyish va o‘z mintaqasi aholisiga to‘g‘ri yo‘l ko‘rsatish maqsadida o‘z yurtiga qaytadi. Bu ikki yosh o‘z mamlakatlarida va’z qilib yurish sirasida Afg‘oniston va Hindistonga borib, Hindistonda olti oy turganlaridan keyin Turkistonga kelib, Xoja Ahmad Yassaviy madrasasining nomdorlari bilan fikr almashishdi.

Nihoyat, shoirimiz o‘sha davrdagi diniy va islom ilmlarining yirik markazlaridan biri bo‘lgan Xiva shahridagi «Shirg‘ozi» madrasasida uch yil iqomat qib, diniy, axloqiy va tasavvufdan ta’lim oladi. Maxtumquli Xivadagi Shirg‘ozixon madrasasida tahsil olgani haqida ma’lumotlar bor. [3.B.12].

Maxtumquli o‘qishni tamomlab, o‘z muvaffaqiyatlarini ko‘rsatgach, shu madrasada qisqa muddat mudarrislik qilib, vataniga qaytib keladi.

Maxtumquli Firoqiyning qaysi yili tug‘ilgani aniq ma’lum bo‘lmagani kabi, uning qaysi yili vafot etgani ham noma’lum. Biroq ayrim tadqiqotchilarning fikricha, shoir 1780, 1783, ba’zilariga ko‘ra, 1797-yillarda vafot etgan. Maxtumquli qabri bugungi kunda Eronning Turkman Sahro mintaqasidagi Etrak daryosi bo‘yida voqe’ bo‘lgan Oqto‘qay qishlog‘ida joylashgan [1, B.118].

Shoirning siyosiy fikrlari va vatanparvarlik g‘oyalari. Maxtumquli yashagan XVIII asrda turkmanlarning milliy davlati bo‘lmagan va qabilalar o‘rtasidagi kelishmovchiliklar turkman xalqining og‘ir kunlarni boshidan kechirishiga sabab bo‘lgan. Shuning uchun shoirning vatanparvarlik g‘oyalari uning siyosiy qarashlari bilan chambarchas bog‘liq. Maxtumquli o‘z she’rlarida tarqoq turkman qabilalarini birlashtirib, mustaqil davlat barpo etish muhimligini ochib berdi. U o‘z vazifalarini lozim darajada bajarmagan davlat boshqaruvchilari va ruhoniylardan shikoyat qiladi. Darhaqiqat, bu buyuk shoir turkman xalqining o‘sha davrdagi tuyg‘ularining tarjimoni bo‘lgan. Ushbu ijtimoiy yetakchi adabiy ijodining asosi, markaziy hokimiyatning yo‘qligidan kelib chiqadigan muammolarni izohlashdan iboratdir. Maxtumquli she’rlarida turkman xalqini yagona davlat atrofida birlashtirish idealini tasvirlagan she’rlari zamirida ham xuddi shu g‘oya yotadi. U tarqoq turkman qabilalari birlashib, boshida adolatli sulton bo‘lishi kerakligini ta’kidlaydi.

Maxtumquli davlat g‘oyasini o‘z ijodiyotida qayta ishlagan va rivojlantirgan. Shoirning fikricha, birinchi navbatda qabilalar o‘rtasidagi ziddiyatlarga barham berish, ularning bir ideal atrofida birlashishini ta’minlash kerak bo‘ladi.

Turkmanlarning birligiga katta ahamiyat bergan Maxtumquli, «Turkmanning» radifli she’rida turkmanlarning kelajagi yaxshi bo‘lishini aytadi, bu esa, shoirning fikricha, ko‘ngillar va yuraklar «bir» bo‘lsagina mumkin:

Go‘ngullar, yuraklar bir bolup boshlar,
Tortsa ýigin, erir tuproklar-dashlar,

Bir suprada taýýor qilinsa oshlar,
Go‘tarilar ol iqbali türkmening [6, B.8].

Maxtumquli turkman qabilalarining o‘zaro nizolari, turkmanlar o‘rtasida birdamlik yo‘qligi turkman xalqi uchun og‘ir kunlar tug‘dirganini tez-tez ta’kidlagan. Shuning uchun uning she’rlarida «Turkman ittifoqi» muhim o‘rin tutadi. Shoir o‘zining «Do‘kar Bo‘lduk, bizning davrimiz» she’rida yagona davlat g‘oyasini quyidagicha ifodalaydi:

Türkmenler baglasa bir ýera beli,
Gurudar Gulzumi, darýoýi-Neli,
Taka, go‘klang, ýo‘mut, ýazir, alili,
Bir patishoya gulluk etsak bäshimiz [6, B.18].

Maxtumquli yurtni yaxshi boshqarish, xalq farovonligini oshirish tarafdori.

U adolatli podshoh bo‘lishi kerakligini biladi. Bu fikrni u she’rlarida ham bayon etadi:

Ýurtda bo‘lsa odil sultan,
Ag‘ir (kuchli) davlati bellidir.

Adolat bilan hukmron shohni qo‘msab yurgan Maxtumquli o‘z xohish-istagini quyidagicha ifodalaydi, u shunday dedi:

Bodi sabo, gelar bo‘ldung,
Har joýda bir galar boldung,
Pona nazar solar boldung,
Adolatli sulton bormi? [6, B.150].

O‘z davrida nohaq va zolim xo‘jayinlar va yomon boshqaruvchilarning zulmlariga shaxsan guvoh bo‘lgan Maxtumquli, she’rlarida bu zolim va shafqatsiz beklarni keskin tanqid qilgan:

Gömüldi daryolar, yiqildi dog‘lar,
Ýetimlar gözýoshin döke boshladi,
O‘rramsidan bo‘lan haromxo‘r beglar,
Ýurdi bir ýonindan ýiqa boshladi [1, B.41].

Yana Maxtumqulining quyidagi satrlarida biz shoirning Fattohxon nomli bek zulmidan g‘azabini va bu zulm darajasini ko‘ramiz:

Aýirding otadan, ena, gardoshdan,
Gollardan, aýakdan, sakoldan, schdan,
Dandondan, zabondan, aqildan, hushdan
Zindon etding bu jahoni sen, Fattoh [6, B.30-31].

Bu misollarga nazar tashlasak, shoir hayotligida turkmanlar siyosiy ittifoq tuzishga harakat qilganini ko‘ramiz. Chunki xalq boshidan kechirayotgan muammolarning asosiy sababi markaziy hokimiyatning yo‘qligidir. Ulug‘ turkman shoiri bu holatdan xabardor bo‘lgani uchun bu muammoning yechimi sifatida «turkman birligi»ni ko‘rsatdi.

Ijodkorning kishiligi va adabiy shaxsiyatini shakllantirish omillari oiladan tortib muhitgacha bo‘lgan keng ko‘lamli omillarni tashkil etadi. Oila muhiti ijodkorning tug‘ilib o‘sgan joyidir. U ko‘rgan va oilasidan olgan hamma narsa uni shakllantiradigan qurilish unsurlardan biri bo‘ladi.

Binobarin, Maxtumquli turkmanlar og‘ir sharoitlarda yashagan XVIII asrda ularning yaxshiroq, sharafli hayot kechirishlarini istadi va bu maqsadda o‘z maslahat va tavsiyalarini berdi. U o‘z davridagi ijtimoiy-iqtisodiy tartibsizliklarga yechim izlab, ikki asrdan so‘ng tashkil topadigan mustaqil Turkman davlatiga asos soldi. Turkmanlar juda yaxshi ko‘rgan, xalq shoiri sifatida qabul qilgan Maxtumquli tarbiyasida, uning dunyoqarashi, adabiy ijodining shakllanishida otasi Ozodiyning ta’siri pedagogik jihatdan ham katta ahamiyatga ega bo‘lib, u berilgan sa’y-harakatlarning qanday bo‘lishini ko‘rsatadi. Shuning uchun uning ijodida insonparvarlik, vatansevarlik va ijtimoiy adolat kabi masalalar muhim va yetakchi o‘rin egallaydi.

Adabiyotlar

1. Aşırov, Tahir. Türkmen Şairi Mahtumkulu’nun Düşünce Yapısı Etkisi / Türk Dünyası Bilgeler Zirvesi, Eskişehir 2013. Türk Dünyası Kültür Başkenti Ajansı: Gönül Sultanları Buluşması, 2013. 118. 480 .

2. Biray, Himmet. Mahtumkulu Divanı. – Ankara: Kültür Bakanlığı, 1992. – S. 11.
3. Гаррыев Б. А. Ватачы шахыр Магтымгулы. – Ашгабат, 1942. – С. 12.
4. Hayati Yılmaz, Mahtum Kulı'nın Hayatı, Edebî Kişiliği ve Şiirlerinden örnekler / Bilge Dergisi 50. 2007: 108-125. – S. 109-110, 77.
5. Hudayberdiyeva Bagul. Mahtumkulu firâkî'nin şiirlerinde tasavvufî kavramlar. Kastamonu. 2021.
6. Magtymguly. Eserler ýygyndysy, Çapa taýýarlan: Annagurban Aşyrow, dil-edebiýat ylymlarynyň doktory. – Aşgabat: MGI, 2012.
7. Sağlam, Soner Azadi (Hayatı-Edebi Şahsiyeti ve Eserleri). Ege Üniversitesi Sosyal Bilimler Enstitüsü, Basılmamış Doktora Tezi. – İzmir, 2011.

Rezyume

Ushbu tadqiqotda biz shuhrati Turkmanistondan tashqariga chiqib, turk dunyosining ko'plab geografiyalarida tanilgan va turk dunyosining yetakchi namoyandalaridan biri, she'rlari rus, ingliz, ispan kabi dunyoning bir qancha mashhur tillariga tarjima qilingan Maxtumquli ijodi asosida uning vatansevarlik va insonparvarlik g'oyalarini aniqlash va tarixiy tahlil qilishga harakat qildik. Shuninglek, tadqiqotimizning asosiy nuqtalari – turkmanlarning XVIII asrdagi ijtimoiy-siyosiy ahvoli, Maxtumquli asarlaridagi vatanga muhabbati, insoniylik haqidagi fikrlari aks etishi, ijtimoiy masalalarga yondashuvi kabi mavzular muhokama qilinadi.

Kalit so'zlar: turkman adabiyoti, Maxtumquli, didaktik she'r, vatansevarlik, insonparvarlik, ijtimoiy-siyosiy fikrlar.

Summary

In this study, we will determine his patriotism and humanitarian ideas based on the works of Makhtumquli, whose fame has gone beyond Turkmenistan and is known in many geographies of the Turkic world and one of the leading figures of the Turkic world, whose poems have been translated into several popular languages of the world, such as Russian, English, and Spanish. We tried to do

historical analysis. Therefore, the main points of our research - the socio-political situation of the Turkmen in the 18th century, the love of the country in Makhtumkuli's works, his thoughts about humanity, and his approach to social issues will be discussed.

Key words: Turkmen literature, Makhtumquli, didactic poem, patriotism, humanitarianism, socio-political thoughts.

Резюме

В данном исследовании мы определим его патриотизм и гуманитарные идеи на основе произведений Махтумкули, слава которого вышла за пределы Туркменистана и известна во многих географических регионах тюркского мира и одного из ведущих деятелей тюркского мира, стихи которого были переведен на несколько популярных языков мира, таких как русский, английский и испанский. Мы попытались провести исторический анализ. Поэтому будут рассмотрены основные моменты нашего исследования – общественно-политическое положение туркмен в XVIII веке, любовь к Родине в творчестве Махтумкули, его мысли о человечности, подход к социальным вопросам.

Ключевые слова: туркменская литература, Махтумкули, дидактическая поэма, патриотизм, гуманизм, общественно-политическая мысль.

MAXTUMQULI SHE’RIYATINING LINGVOPOETIK XUSUSIYATI

Hakim Yarashevich AHMEDOV,
Termiz davlat universiteti
O‘zbek filologiyasi fakulteti dekani,
filologiya fanlari bo‘yicha falsafa doktori

Har bir til jamiyat bilan birgalikda uzluksiz taraqqiy etib borar ekan, lingvistik omillar tilshunoslar oldiga yangi-yangi tadqiqotlarni ko‘ndalang qo‘yaveradi. Ayniqsa, badiiy asar tilini o‘rganish o‘zbek tilshunosligining hozirgi kundagi munozarali va dolzarb

masalalaridan biridir. She’r poetik nutq talablari asosida ohang jihatdan ma’lum bir tartibga solingan, hayotga munosabatni his-tuyg‘ular vositasida ifodalaydigan, o‘quvchi va tinglovchiga estetik ta’sir etadigan, muayyan ritmik qurilishga ega bo‘lgan ijod mahsulidir.

She’riyatda ohangdorlik yoki xushohanglikni ta’minlash eng birinchi shart hisoblanadi. Unda so‘zlar tarkibida qatnashuvchi tilning eng kichik birligi fonemalar ham, qofiyalar ham xushohanglikka xizmat kilishi lozim. Bularning hammasiga til vositalari orqali erishiladi. Ayni shu o‘rinda tilshunoslik bilan adabiyotshunoslikning tekshirish obe’kti ham, manfaati ham — to‘qnashadi.

Sharq mutafakkirlari tadqiqotlarida badiiy asar tili adabiyotshunoslik yoki tilshunoslik nuqtayi nazaridan alohida ajratilmaydi, deb ta’kidlanadi. Manbalarda ta’kidlanadiki, zarif inson so‘z qadriga yetadi. So‘zning mag‘zini chaqib, tub ildizini qidiradi. Insonni ulug‘laydigan, uni qaro yerdan osmonu falakka ko‘taruvchi fazilat ham so‘zdir. O‘z ona tilini sevmagan, til zamirida yotgan tarixni bilmagan, qiziqmagan odam barkamol sanalmas. U kim, qaysi yurt va qaysi millatga mansub ekanidan qattiy nazar. Turkman xalqining ulug‘ farzandi Maxtumquli Firog‘iy ijodida ham yuqorida ta’kidlangan fikrlar yakdilligini ko‘ramiz. Umuman, Maxtumquli shaxsi va ijodi haqida gapirganimizda, adib nafaqat turkiy xalqlar, ayni paytda jahon adabiyoti va madaniyati tarixida alohida o‘rin egallagan atoqli shoir va mutafakkirdir.

Hassos so‘z san’atkorining chuqur gumanizm bilan sug‘orilgan asarlari mard va matonatli, mehnatkash turkman xalqining ezgu qadriyatlari va olijanob fazilatlarini tarannum etishi, hamisha xalq bilan hamdard bo‘lishga, turli millat va elatlar o‘rtasida o‘zaro ahillik va hamjihatlik rishtalarini mustahkamlashga qaratilgan mazmun-mohiyati bilan barchamiz, ayniqsa, yoshlarimiz uchun ibrat namunasidir.

Maxtumquli Firog‘iy 18 asr ma’rifiy she’riyatining buyuk darg‘alaridan bo‘lib, butun turkiy xalqlar uchun tushunarli va sevimli shoir, ma’rifatli siymo, orif oshiq, sohibi hikmat bo‘lgan valiy zotdir. Uning insonparvarlik, xalqparvarlik, vatanparvarlik g‘oyalari bilan

yo‘g‘rilgan she’riyatida pok islomiy ma’rifat ruhi gurkirab, yashnab turadi.

Shoir ijodida poetik leksikologiya yo‘nalishining tadqiqot ko‘lami juda keng qamrovlidir. U o‘z doirasida sinonim, omonim, antonim so‘zlarni, ma’no ko‘chishlari, shuningdek, xalq tilida ommalashgan barqaror qurilmalar ham talaygina. Voqelikdagi narsa-hodisalar orasidagi bizga ko‘rinmagan, biroq san’atkorona o‘tkir nigoh bilan ilg‘angan o‘xshashlik, aloqadorlik asosidagi ko‘chimlar o‘quvchini hayratga soladi, unga zavq bag‘ishlaydi. Maxtumquli ijodidan bahramand bo‘lar ekanmiz, biz unda ko‘plab yuqorida ta’kidlangan jihatlarni ko‘rishimiz mumkin.

*Har yigitning **aslin bilay desangiz**,*
*Ma’rakada **o‘tirib-turishin ko‘ring**.*
Birov bilan oshno bo‘lay desangiz,
*Avval o‘z **so‘zida turishin kuring**.*

Og‘zaki nutq va badiiy manbalardagi frazeologik birliklarni kelib chiqish manbasi va uning semantikasi, shuningdek, inson faoliyati va unga aloqador sohalarga qaratilganligiga ko‘ra bo‘linishi frazeologik birliklarni tasniflashning an’anaviy usuli hisoblanadi. Hozirgi zamon frazeologiyasida frazeologik birliklarni tematik va etimologik tamoyillarga ko‘ra tasniflash muhim. Bu tamoyilning ahamiyati shundaki, «Frazeologik birliklarni o‘rganishning etimologik tomoni ko‘p jihatdan u yoki bu frazeologik iboralar o‘zlashtirilgan xalqlar madaniyati va hayotini tushunishga yordam beradi»[1].

Maxtumquli ijodiga mansub bo‘lgan yuqoroidagi she’riy parchada *«Aslini bilmoq, o‘tirib turmoq, so‘zida turmoq»* ka’bi iboralar qo‘llanilgan bo‘lib, bu iboralarni e’timologik tamoyillarga ko‘ra tasniflash muhim**.** *Aslini bilmoq* iborasida *asli* so‘zi shaxsning kelib chiqishi, nasl va nasabi haqidagi qarashlarni namoyon qiladi. She’riy parchadagi «O‘tirib turmoq» iborasi qahramonning odob axloqi haqidagi tushunchalarni shakllantirsa, «so‘zida turmoq» iborasi er yigitning va’dasida turishini anglatadi.

Tarixdan ma’lumki, turkmanlar O‘zbekiston hududida qadim zamonlardan buyon yashab keladilar. Ular o‘zlarining ko‘p asrlik

madaniyati va an’analarini saqlagan holda O‘zbekistonning ko‘pmillatli yagona oilasiga uyg‘un tarzda qo‘shilib ketganlar. Turkmanlarni o‘zbek xalqi bilan tili, madaniyat, urf-odat va tarixiy ildizlarining yaqinligi, shuningdek, ikkala xalq uchun umumiy bo‘lgan epos, afsona va xalq dostonlari birlashtiradi. So‘zimizning isboti sifatida Maxtumquli Firog‘iy ijodiga ko‘z yugurtisak, unda har ikki millatning asl so‘zi, hikmatlari, maqol, va iboralarining mujassamlashganiga guvoh bo‘lamiz. Maxtumquli she’rlarida xalq og‘zaki ijodining nodir namunalari va qadriyatlari o‘z akchini topgan. Jumladan, adibning pand, nasihat,o‘git tarzidagi she’riy misralari xalqona uslubda shakillangan.

Yaxshi niyat, sendan tilagim ko‘pdir,
Achchiq so‘zlar tildan chiqqan bir o‘qdir,
Tuqqanning tuqqanga bahosi yo‘qdir,
Og‘ani, iniga muhtoj aylama.

Maxtumquli Firog‘iy ijodiga tegishli yuqoridagi misralarda «Yaxshi niyat», «Achchiq so‘zlar», «Tildan chiqqan o‘q» kabi turg‘un birikmalar va o‘xshatishlar talaygina bo‘lib, bularning barchasi shoir ijodida poetik leksikaning naqadar boy ekanligidan dalolat beradi.

Maxtumquli o‘z ijodida xalq og‘zaki ijodi milliy san’atning boshlang‘ichi, sarchashmasi ekanligi, u kishilar kashf qilgan ilk san’at turi, quroli so‘z va ohangdir, deb ta’kidlaydi. Shu sababli ham boshqa milliy madaniyatning ko‘p turlari va taraflari bilan chambarchas bog‘langan. Boshqacha aytsak, og‘zaki ijod xalqning o‘tmishi, buguni va kelajagini o‘zida ifoda etuvchi, uning taqdiri bilan chambarchas bog‘liq, shu bilan birga umumxalq tilining takrorlanmas go‘zalligini, boyligini va uning tuganmas imkoniyatlarini namoyon qiladigan, yangi-yangi lisoniy birliklar, shu jumladan, xalqona frazeologik birliklarni yaratishga xizmat qiluvchi ijodiy jarayondir. Umuman olganda, Maxtumquli Firog‘iy ijodi ikki birodar xalqqa va uning adabiyotiga, tiliga, madaniyatiga xizmat qilishning eng ajoyib namunasidir.

Adabiyot

1. Ekiz F.A. Jale D. Etimologicheskiye aspekty frazeologizmov razgovornogo stilya v russkom i tureskom yazыkax // Filologiya i iskusstvovedeniye. 14. Sravnitelno-istoricheskoye, tipologicheskoye i sopostavitelnoye yazыkoznaniye.

Rezyume

Ushbu maqolada Maxtumquli she'riyatida qo'llanilgan komponentli barqaror qurilmalar va ularning semantikasi va ularning o'zaro munosabati, adib ijodida qo'llanilgan frazeologik birliklarning tabiati tadqiq etilgan.

Kalit so'zlar: Maxtuumquli ijodi, So'z qadri, Shoir ijodida poetik leksikologiya, Adib she'rlarida Og'zaki nutq va badiiy manbalardagi frazeologik birliklar tahlili.

Summary

This article studies the component stable techniques used in Magtymguly's poetry, their semantics and interrelation, the nature of phraseological units used in literary works.

Key words: Makhtuumkuli's work, the meaning of words, poetic lexicology in the poet's work, oral speech in the poet's poems and analysis of phraseological units in artistic sources.

Резюме

В данной статье изучаются компонентные устойчивые приемы, используемые в поэзии Махтумкули, их семантика и взаимосвязь, характер фразеологизмов, используемых в литературных произведениях.

Ключевые слова: творчество Махтуумкули, значение слов, поэтическая лексикология в творчестве поэта, устная речь в стихах поэта и анализ фразеологизмов в художественных источниках.

MAXTUMQULI IJODIDA TASAVVUF OHANGLARI

Abdimurod ARSLONOV,
Termiz davlat universiteti dotsenti,
filologiya fanlari bo‘yicha falsafa doktori

Tarix va adabiyot har bir xalqning ma’naviyati va madaniyati darajasini belgilovchi muhim omillardandir. Islom olamiga ko‘plab ulug‘ din va fan olimlari, benazir fozil kishilarni yetkazib bergan Markaziy Osiyo o‘lkasidan atoqli so‘z ustalari, adib va shoirlar ham yetishib chiqqan. Musulmonlar ilm-fanda qanchalik ko‘p xizmatlarni qilishgan bo‘lsa, adabiyot sohasida ham shunchalik oldinda edilar. Taniqli ma’rifatparvar Ismoil G‘aspirali «Turkiston ulamosi» kitobida shunday yozadi: «Ovrupoda ulum va funun juda oz tarqalgan bir zamonda Turkiston qit’asinda aqliy va naqliy ilmlar bilan jiddiy shug‘ullanar edilar». Ammo, ming afsuslarki, yaqin o‘tmishimizda ana shunday ulug‘ xalqning boy ilmiy va adabiy merosi «diniy» va «eskilik» tamg‘alari bilan unuttirildi: xalq o‘zining buyuk olimlari va adiblari asarlaridan bebahra qoldi, qancha-qancha nodir kitoblar o‘tga yo suvga tashlab yo‘q qilindi. O‘rniga esa kishi ruhiy olamiga hech qanday ta’sir qilmaydigan, aksincha ruhni va axloqni barbod qiladigan soxta mafkura va adabiyot taklif qilindi. Turkman xalqining ulug’ shoiri Maxtumquli asarlari ham uzoq yillar shu tamg’a bilan o‘z xalqidan yiroqlashtirildi.

Maxtumquli barcha turkiy xalqlar singari o‘zbek xalqining ham o‘z shoiriga aylangan buyuk ijodkordir. Shoir asarlari qo‘lyozmalari asrlar davomida xalqimiz orasida keng tarqalgan. Yurtimizda adib nomini bilmaydigan, uning purma’no she’rlari kirib bormagan o‘zbek xonadoni bo‘lmasa kerak.

Maxtumquli ijodida lirik she’rlar, liro-epik dostonlar, g‘azal va muxammaslar yetakchi o‘rin egallaydi. Uning «Bo‘lmasa», «Kelgay», «Bilan», «Naylayin», «Yetmas», «Bular», «Ketdi zamona» kabi lirik, falsafiy, pand-nasihat xarakteridagi she’rlarida sharq xalqlarining, xususan, turkman, o‘zbek, qozoq, qirg‘iz, umuman, Markaziy Osiyo xalqlari hayoti, urf-odatlari, o‘z davrining muhim ijtimoiy-siyosiy hodisalari, shoirning ichki kechinmalari

o‘ziga xos poetik mahorat bilan ifoda etilgan. Asarlarida millatni birlashishga chaqirgan. Ular o‘rtasidagi nizo-janjallarni tugatishga uringan.

Adibing ishq-muhabbat mavzusidagi she’rlarida tasavvufona ohang, chuqur falsafiy mohiyat kitobxonni o‘ziga ohanrabodek tortadi. Shoirning

«Maxtumquli, shukr et sen Xudoga,

O‘lim barobardir shohu gadoga…» deb boshlanuvchi she’rida hayot va o‘lim, inson va borliq, go‘zal insoniy fazilatlar va odob-axloqqa oid qarashlari islom dini hamda tasavvufiy qarashlar ta’sirida yaratilgan.

Deyarli barcha she’rlariga Qur’oni Karim oyatlari, hadisi sharifning mazmun-mohiyati singdirilgan. Shoir she’rlarida payg‘ambarlar, Bahouddin Naqshband, Ahmad Yassaviy singari ulug‘ zotlar juda ko‘p tilga olinadi. Shuningdek, «Allohga munojot», «Riyodan, yo Rab», «Sochdi Muhammad», «Yo Rasul» va ko‘plab she’rlarida payg‘ambarimiz Muhammad sallollohu alayhi vasallamga murojaat ohanglari shoir she’riyatining eng asosiy tamoyillaridan biridir.

She’rlaridan adibning ilk ustozi otasi ekani ta’kidlanadi. Ammo u boshqa ko‘plab o‘zigacha o‘tgan sharq allomalarini ham zikr qiladi. Maxtumqulining aksar she’rlarida Xoja Ahmad Yassaviy, Mavlono Jaloliddin Rumiy, Alisher Navoiy, Muhammad Fuzuliy, So‘fi Allohyor, Boborahim Mashrablar singari, bir ustozi komilni topish, unga qo‘l berib bog‘lanish zarur ekani uqtiriladi.

Masalan:

Oqil bo‘lsang, ista bu yo‘lda bir pir,
Rizqingga kafildir Alloh – Muqtadir;
Ixlos bilan bir komilga qo‘l bergan
Yetar bir manzilga, yetmayin qolmas;
Qirqingda tavba aylab, bir murshidga qo‘l bersang,
Ko‘nglingni birga bog‘lab, aziz Subhona kelding;
Pulsirot ustinda, hayhot kuninda,
So‘fiylarni karomatli Pir chekar,

– kabi satrlarini o‘qir ekansiz inson hayoti ustozssiz qora tun ekaniga ishonch hosil qilasiz. Shuningdek, hazrat Navoiy kabi Maxtumquli

ham hazrati Bahouddin Naqshband tariqatiga hurmati baland ekanligi va o‘zi ham shu sulukdagi bir solik ekanligini hazrat Naqshband haqlaridagi oshiqona she’rlaridan payqash mumkin.

Maxtumqulining tasavvufiy mavzusidagi she’rlari, jumladan, ilohiy ishq va islomiy ma’rifat g’oyalari singdirilgan asarlarini mustabid tuzum davrida o‘rganishga imkon berilmadi yoki ularning mohiyati mustabid tuzum mafkurasiga moslab buzib talqin etildi. Yurtimiz istiqlolga erishgach biz ko‘plab mumtoz adiblar qatorida Maxtumqulining ham islomiy ma’rifat ruhidagi she’rlarini talqin qilish va sharhlash hamda keng o‘quvch ommasiga yetkazish imkoniga ega bo‘ldik. Shoirning ana shunday teran ma’rifiy ma’nodagi asarlaridan biri «Holimga mening» she’ridir.

Karam ayla, yo Rab, qudratli Subhon,
G‘arib, g‘amgin kechgan holimga mening.
Aqlim hayrondadir, dilda pushaymon,
Bilmaslikda kechgan solimga mening.

Mahsharda bo‘lmasang Sen menga dalda,
Yo Rab, nechuk bo‘lar ishim shu holda,
Imonim yukini yetkazgan yo‘lda,
Yo‘lto‘sar qo‘ymagil, yo‘limga mening.

Din qilichin ursam, tanda zo‘rim yo‘q,
Muhtojga non berar, qo‘lda zarim yo‘q,
Faqirmanam, sendan o‘zga yorim yo‘q,
Bir tasalli bergin, ko‘nglimga mening.

Istasa, teng to‘shlar boshga oltin toj,
Faqirlik mulkidan menga bergin boj,
Yo Yaratgan, nomardga etma muhtoj,
Tilagim, duch etma, zolimga meni(ng).

Ojizmanam, sendan o‘zga kimim bor,
O‘z bergan joningga jabr etma, Jabbor,
Maxtumquli aytar, karamli G‘affor,
Boqma, qilganimga, fe’limga mening. [4]

Shu bilan birga, Maxtumquli she’riyatida xalq og‘zaki ijodiga yaqinlik bor. Maxtumquli turkiy xalqlarning maqol va matallarini, xalq tiliga xos ayrim unsurlarni adabiyotga olib kirishda katta xizmat qilgan. Shoir ijodidagi hikmatli misralar turkiy xalqlarning hikmatli so‘zlari, aforizmlari qatoridan o‘rin olgan.

Maxtuquli zukko shoir, donishmand inson sifatida o‘z ijodida, umuman faoliyati davomida asosiy e’tiborni komil inson masalasiga qaratdi. Shoir asarlarida komil inson qanday bo‘lishi kerak, uning zohiriy va botiniy xusuiyatlari xususida javob berishga harakat qildi. Zero, bugungi kunda ham ma’naviy yetuk kishilar, yoshlar dunyoqarashi, kamoloti haqida ko‘p gapirilmoqda. Prezidentimiz qator asarlari, nutq va suhbatlari, umuman faoliyatlari davomida ma’naviyat, ma’rifat, o‘tmish merosimizga hurmat kabi jihatlarga e’tiborni tortmoqdalarki, bu bejiz emas. Bugungi kunda yetuk kishilarni tarbiyalashda Maxtumquli merosining ham alohida o‘rni bor. Shoir she’riyati g‘oyat mazmunli va sermashaqqat hayoti davomida to‘plagan boy tajribasi va xulosalarining yig‘indisidir.

Maxtumquli hayotda ko‘rgan, kechirgan, yaxshi va yomon kunlari, mehru jafolarni ushbu misralarda aniq bayon eta olgan:

Har nodonga sochma darding so‘zingni,
Hasrat o‘ti jisming yoqqancha bo‘lmas.
G‘ussa bilan dona-dona ko‘zingdan
Ashki nadomating oqqancha bo‘lmas.

Qone’ bo‘lib, izzatda tut o‘zingni,
Tama’ qilib, sarg‘aytmagil yuzingni.
Har nomardga hayf aylama so‘zingni,
So‘zingning binosin yiqqancha bo‘lmas.

Mag‘rur bo‘lib kezma umring guliga,
Sovrilarsan bir kun xazon yeliga.
Yuz yil yashab, tushsang ajal qo‘liga,
Sog‘ingdan so‘lingga boqqancha bo‘lmas.

Ko‘ngli qora bilan bo‘lmanglar ulfat,
Yuqar undan turli-turli kasofat.
Har necha ko‘mirga aylasang izzat,

Egningga qorasi yuqqancha bo‘lmas.

Maxtumquli hargiz topmadi omon,
Til yomoni tig‘dan, tabardan yomon
Yomon til yonida zahri ko‘p ilon,
Chaqsa-da, bir chivin chaqqancha bo‘lmas [3].

Ushbu satrlar shoir hayotining xulosasi, donishmand insonning hayot, kishilar, ularning fe’l-atvorlari haqidagi qarashlarining xulosasi sifatida yaratilgan desak mubolag‘a bo‘lmaydi.

Adabiyotlar

1. Maxtumquli. Asarlar (E.Ochilov tarjimasi). – Toshkent: Akademnashr, 2013.
2. Maxtumquli. Bulbul nolasi (E.Ochilov tarjimasi). – Toshkent: Hilol-nashr, 2014.
3. Махтумқули. Ошиқлар Ҳақ ишқинда / Сараланган шеърлар. – Тошкент: Зилол булоқ, 2020.
4. https://kh-davron.uz/kutubxona/jahon/turk/maxtumquli-sherlar-maqsud-asror-tarjimalari.html

Rezyume

Ushbu maqolada ulug’ turkman shoiri Maxtumquli Firog’iyning tasavvuf va islomiy ma’rifat g’oyalari asosida yaratilgan she’rlari va adibning komil inson haqidagi qarashlari o‘rganilgan.

Kalit so‘zlar: tasavvuf, islomiy ma’rifat, ustozi komil, murshid, hayot va o‘lim, inson va borliq.

Резюме

В данной статье исследуются стихи великого туркменского поэта Махтумкули Фироги, основанные на идеях суфизма и исламского просвещения, а также взгляды писателя на совершенного человека.

Ключевые слова: суфизм, исламское просвещение, совершенный учитель, муршид, жизнь и смерть, человек и бытие.

Summary

In this article, the poems of the great Turkmen poet Makhtumquli Firoghi, based on the ideas of Sufism and Islamic enlightenment, and the views of the writer on the perfect person are studied.

Key words: Sufism, Islamic enlightenment, perfect teacher, murshid, life and death, man and being.

МАХТУМҚУЛИ ЛИРИКАСИДА ОНОМАСТИК БИРЛИКЛАРНИНГ ЎРНИ

Шариф ЁҚУБОВ,
Термиз давлат университети доценти,
филология фанлари номзоди

Махтумқули Фироғий туркман адабиётининг йирик вакили, буюк ижодкори, туркман адабиётини жаҳонга олиб чиққан ва туркий халқлар адабиётининг ёрқин юлдузи сифатида барча туркий халқларнинг қалбидан жой олган ўзига хос ва такрорланмас сиймолардан биридир. Унинг ижоди, шеърларининг жозибадорлиги, халқона усулларда ёзилганлиги, халқ ҳаёти билан чамбарчас боғланганлиги туфайли тез ўзлаштириб олинади ва уни ўқиган кишининг қалбида бир умр сақланиб қолади.

Ономастик бирликларнинг ўзига ҳос муҳим хусусиятларидан бири бу номларнинг узоқ яшовчанлигидир. Шу туфайли уларни халқ ҳаёти ва тарихининг кўзгуси дейиш мумкин. Мумтоз адабиёт вакилларининг деярли барчаси ономастик бирликлардан самарали фойдаланишган. Улар иштирокида чиройли образлар яратишган. Барча шоирлар сингари Махтумқули ҳам ономастик бирликлардан кенг фойдаланган. Унинг ижодида ономастиканинг барча турлари қўлланганини кузатамиз.

Антропонимлар киши исмлари, фамилиялари билан боғлиқ бўлган барча атамаларни ифодалайди. Шоир ижодида шахсни аташнинг XVIII асрда анъана бўлган барча усулларидан ўринли фойдаланган. Унинг ижодида антропонимлар – яъни шахсни

атовчи бирликларнинг деярли барча турлари қўлланилган. Аввало, яратганни ифодаловчи Оллоҳ таолонинг номлари: Оллоҳ, Тангри, Худо каби унинг тўқсон тўққизта гўзал исмларини ифодаловчи сўзлардан самарали фойдаланганини кузатамиз. Шунингдек, пайғамбарлар, фаришталар, сахобаларнинг, авлиёларнинг исмлари шоир асарларида алоҳида ҳурмат билан тилга олинганининг гувоҳи бўламиз. Шарқ адабиётида такрор–такрор қўлланиб, сайёр образлар даражасига айланган Фарҳод, Ширин, Мажнун, Лайли, Вомиқ, Узро, Тоҳир, Зуҳра, Сайфулмулук, Зулайҳо, Юсуф сингари бадиий асар қаҳрамонларининг номлари ҳам шоир асарларида лирик қаҳрамон билан ёнма-ён юрганини кўрамиз. Антропонимларнинг бир қисми Махтумқулидан олдин ва шоир ҳаёт бўлган даврда яшаган Фаттоҳ, Насимий, Миркулол, Эшмуҳаммад, Искандар, Озодий, Менглихол, Камолхон афғон, Муҳаммадсафо, Мўлламамат, Абдулло, Пилқус (Александр Македонскийнинг отаси Филипп II нинг туркман адабиётидаги номи), Дурди шоир каби тарихий шахсларнинг номлари учрайдики, шоир улардан бадиий асарнинг мазмунини ҳаётий далиллар билан таъминлаш мақсадида ўринли фойдаланишга мушарраф бўлган.

Махтумқули ижодида илоҳий ғоялар асосий ўринда туради. У ҳаётнинг бош яратувчиси Оллоҳ ва унинг пайғамбарлари, фаришталари, азиз авлиёлар ва сахобалар унинг асарларида такрор-такрор қўлланилиб, шоирнинг асосий ғоявий фикрларини баён қилишга ёрдам беради. Ижодкор бутун оламни яратувчи Оллоҳни бир қатор номлар билан атайди. Яратганга мурожаат қилганда Оллоҳ, Тангри, Худо сўзларини ишлатади. Оллоҳ номларини асарларига олиб кирганда унинг юқоридаги табаррук исмлари билан бир қаторда яна унинг бир кам юз номларидан фойдаланади. «Абу Ҳурайро ривоят қиладилар:Аллоҳ таолонинг бир кам юз, яъни тўқсон тўққизта исми бўлиб, кимки уни ёд билса, жаннатга киргайдир»[1]. Махтумқули Оллоҳнинг ана шу исмларидан фойдаланиб, Қодир Оллоҳ, Ҳақ, Ҳақ таоло, Қодир Худо, Жаббор, Парвардигор, Яратган, Илоҳ, Саттор, Раб, Субҳон, Карим, Раҳим каби

шаклларда ишлатади. «Ҳозирги ўзбек тилида Аллоҳнинг гўзал номлари заминида ясалган кўпгина исмлар мажуд ва улар ўзбек кишиларининг атоқли отлари ҳисобланади[2]. Барча оламни ва мавжудотларни яратувчи Оллоҳ ҳамма нарсага қодир. У – оламни яратувчи. Барча воқеалар унинг изни билан бўлади. Унинг қудрати чексиз.

Қудратиннан Масиҳони яратди ул бепадар,
Ўтни Иброҳим Халилга лолазор этган карим.

Оллоҳнинг қудрати шу қадар буюкки, Намруд томонидан мавҳ этиш учун Иброҳим Халилуллоҳни ёниб турган ўтга оттиради. Аммо унинг қудрати билан гуркираб ёниб турган олов гулзор, лолазорга айланади. Пайғамбар Исо (а.с.) Исо Масиҳни онаси бокира қиз Марямнинг вужудида мўъжиза билан отасиз пайдо этди[3]. У 30 ёшга етганда пайғамбар қилиб жўнатилди.

Оллоҳнинг иродаси билан ҳар бир инсон дунёга келар экан, албатта уни бир кун тарк этади. Ҳеч ким дунёда абадий қолмайди. Энг буюк шахслар ҳам бу дунёни тарк этиб кетади. Ҳеч ким бу дунёдан ҳеч нарса қолиб кета олмайди. Барчаси қолиб кетади.

Тахти осмонда учган
Сулоймон ўлди кетди...
Шунча йиғнаб Иброҳим
Нимани олди кетди![9]

Подшолик ва бутун мол-мулкини ташлаб дарвишлик йўлига кирган Иброҳим Адҳам назарда тутилади. Юқоридаги сатрларда мол-дунёга ҳирс қўйиш қораланади. Ҳар бир мусулмон киши қаноат билан умр кечириши, ўз рисқига амал қилиб яшаши зарурлиги баён қилинади.

Махтумқули ижодида сайёр адабий образларнинг номлари ҳам кўплаб учрайди. Шоир шеърларида Фарҳод, Мажнун, Вомиқ, Юсуф, Ширин, Лайли, Азро, Зулайҳо тимсолларидан талмеҳ санъатини қўллаб чиройли образлар яратади. Шоир асарларида бу образлар сафига Гўрўғли,Тоҳир, Зуҳра, Моҳим,

[9] Махтумқули. – Термиз, 1991. – Б. 32.

Сайфулмулк тимсолларининг келиб қўшилганини кузатамиз. Сайёр образлардан ижодкор ўзининг муҳаббати, ички кечинмалари, теран туйғулари, ўз Ватанига бўлган муҳаббати ва руҳий ҳиссиётларини ифодалашда самарали фойдаланади. Қиёслаш методи орқали ўз муҳаббатининг кўламини кўрсатади.

Қочар бўлди фалак пусиб,
Тоғга қувди бизни қисиб.
Нозли ёрим аста босиб,
Лайли, Ширинdек солланди. (- Б.143)

Ушбу байтда шоир севгилисини Шарқ адабиётининг севимли гўзаллари Ширин билан Лайлига таққослайди. Маъшуқасининг юриши, саллониб қадам ташлашларини бутун араб ва ажамни лол қолдирган гўзалларга қиёс қилади. Севгилисининг портретини чизишда улардан ўхшатиш воситаси сифатида фойдаланади. Махтумқули ўзини Фарҳод, Мажнун, Азро, Тоҳирга қиёслайди. Баъзан ўзини уларга ўхшатса, баъзан ўз севгисининг кўламини баён қилишда улар билан тенглашади. Ҳатто улар Махтумқулининг севгиси олдида ҳайратга тушади.

Мажнун манам Менглихоннинг ўтинда,
Ёниб-куйсам, йўқдир онинг ёдинда.
Фарҳод-Ширин, Зуҳра-Тоҳир отинда,
Таҳсил олиб бўлдим мен ҳам парвона. (-Б.188)

Шоир Менглихолнинг ишқида ўзини Мажнунга қиёс қилади. Бир шеърида Лайлини оловга, Мажнунни унинг атрофида айланиб жисмини ўтга ураётган парвонага ухшатади. Шу чиройли детални эслаб, ўзини ҳам севгилиси Менглихолнинг севгиси (ўти) олдида ўзини эс-ҳушини йўқотган Мажнунга тенглаштиради. Айрим шеърларида ўз ишқининг улардан-да ортиқ эканини таъкидлайди.

Ишқим бордур Мажнундан олтмиш ҳисса зиёда,
Қувватим бордир қирқ йил дарс айтарға Фарҳода. (- Б.26)

Ўз ишқини Фарҳод, Мажнун, Вомиқ, Тоҳирга қиёс қилиш мумтоз адабиётда шоирлар томонидан кўп қўлланилади.

Ижодкорлар ўз муҳаббатини баён қилиш учун кўпроқ ишқий кечинмаларининг улардан ҳам ошиқ эканини баён этади. Махтумқули салафлари анъаналарига содиқ қолган ҳолди ўз ишқи, дардини, севгилисига бўлган муҳаббатини шундай тасвирлайдики, ҳатто Мажнун бу севги олдида изтиробга тушади, қаттиқ ўртанади.

Бир ҳумойни қўлга олсак,
Айирарлар ҳамроҳ бўлсак.
Надж тоғига чиқар бўлсак,
Ҳолимга Мажнун ўртанди. (- Б. 144)

Махтумқули жуда зиддиятли замонда яшади. Қизилбошлар босқинига қарши олиб борилган урушлар, баъзан қабилалар ўртасида бўлиб турадиган ички низолар халқнинг тинкасини қуритди. Шоир бутун вужуди ва ижоди билан қабилаларни иттифоқлиққа чақиради. У ўз юрти туркман элининг бир улуғ адолатли подшоҳ атрофида бирлашишини орзу қилар экан, ўз юртдошларини аҳилликка чақиради. Ўз туйғуларини баён қилиш учун Шарқ адабиётида доимий қўлланиб келадиган сайёр образлар деталларидан фойдаланади.

Фироғий сўзлар дардини,
Тулки овламиш қурдини.
Севади туркман юрдини,
Сарбон бўлур бир хон истар. (- Б.190)

«Жон истар» шеърида Мажнуннинг Лайлидан айрилиб кўз ёшлари сел бўлганидай, Фарходнинг Ширинни истаб ишқ жабрини тортганидек, Вомиқ Азрони деб кўзидан ёш ўрнида қонлар оққани сингари, Зулайҳонинг Юсуфни кўриб ишқи ортгани каби ўз туркман юртини жон-дилдан севган Фироғий ватанига сарбон бўладиган бир хонни севишини истайди. Орзу қилиб яшайди. Мажнун, Фарход, Вомиқ ва Зулайҳо ўз ёрларининг ишқида қанча изтироб чекса, қайғурса, жабру-жафо чекса, шоир хам Ватаннинг равнақи ишқида барча туркман улуғларининг қалбига йўл топадиган адолатли подшоҳни орзу

қилади. У барча элатлар ва туркман уруғларини бирлаштира оладиган раҳнамони орзу қилади.

Махтумқули ижодида туркман, ўзбек, қирғиз, тарсо, жўҳид, татар, озарбайжон, араб, афғон, ҳабаш, қозоқ, ҳинд халқлари билан туркман уруғлари: така, ёвмут, гуклан, эрсари, алили каби халқ ва қабила номлари ҳам учрайдики, шоир уларнинг ҳаммасига нисбатан ҳайриҳоҳлик билан қарайди. Туркман халқи ва уруғларига меҳр-муҳаббати бўртиб турса-да, бошқа бирон бир халқни камситмайди. Бу хамма буюк ижодкорларга хос. Шоир ижодида босқинчи қизилбошлар (эронликлар)га нисбатан норозилик, нафрат туйғулари сезилиб туради. Шоир яшаган ўта зиддиятли ва ташвишли замонда мамлакатлар ўртасида тез-тез урушлар бўлиб турарди. Ана шундай ўзаро урушлар халқ бошига кўплаб фалокатлар олиб келар эди. Махтумқули халқ шоири сифатида халқни бирлаштиришга, ўз элини ҳимоя қилишга чорлайди.

Ғофилликда душман олди ташимиз,
Ҳар ёна тарқабди тенгу тўшимиз.
Беш йилда бир китоб тузган ишимиз,
Қизилбошлар олиб вайрон айлади. (- Б. 243)

«Махтумқули табиатни жуда севган. Унинг сирларини билган. Ҳамиша саёхат қилишга интилган, толмас, хушчақчақ, ширинзабон йигит бўлган»[4]. Шу боис Махтумқули ижодида топонимлар салмоқли ўрин тутади. Уларнинг аксарияти шоирнинг ўзи кўрган ўрин-жой номлари бўлса, айримлари узоқ ўлкаларда жойлашган Булғор, Сақлаб, Ҳабаш, Чин-Мочин, Юнон каби мамлакатлар, шаҳарлар ва овуллар ҳисобланади. Шоир ўз ижодида улардан самарали фойдаланади. Унинг шеърлари ва достонларида Миср, Яман, Рум, Арзи Қарс, Юнон, Фаранг, Қипчоқ, Қозоқ (Қозоғистон), Форс, Афғон, Озарбайжон, Табриз, Қорабоғ, Турон, Хоразм, Фарғона, Туркистон, Қашқар, Ҳинд, Чин-Мочин, Шому Шариф, Деҳистон, Нурота, Бободарғон, Боқирғон, Хўтан, Дакан, Арзи Румистон, Зангистон, Эрон, Ҳазар, Кашмир, Лебоб (Чоржўй), Сайрам сингари жой номлари; Коф, Санги тоғ, Надж, Тур, Қоратоғ, Ҳисор тоғи,

Ҳайбар тоғи, Қарс, Жунуд тоғи, каби оронимлар; Нил, Қулзум, Жайҳун, Баҳри Хазар, Уммон, Ҳавзи Кавсар, Ғарқойил, Жайҳун каби океанлар, дарёлар ва денгизларнинг номлари учрайди. Ономастиканинг яна бир ажралмас қисми ҳисобланган Самандар, Хориш (Илон), Хумой, Дулдул каби зоонимлар, Каҳкашгон, Ломакон, Ой, Кун, Муштарий, Хуршид, Моҳ, Арш, Етти қават осмон сингари астронимлар ҳам учрайди. Улар фақат бир ҳил қолипда эмас, балки хилма-хил маъноларда товланиб турли-туман вазифа ҳам бажаради. Унинг асарларида топонимлар орқали Ватанига бўлган муҳаббати бўртиб туради. У ўзи туғилиб ўсган жойини чин дилдан севишини кўрсатади. Махтумқули бир қатор шеърларида ўзи туғилиб ўсган юртини улуғлайди. Ўз юртини алоҳида бир илиқлик ва ғурур билан тилга олади. Унинг «Туркманнинг», «Санги тоғ», «Айирма», «Кўзларинг», «Шерғози» каби шеърларида ўз юрти, элига бўлган чексиз туйғулари баралла акс этиб туради.

Туркманлар, боғласак бир ерга белни,
Қуритар Қулзумни, дарёи Нилни.
Така, ёвмут, гукланг, язир, алили,
Бир давлатга хизмат этсак бешимиз.

Ушбу бандда Арабистондаги Қулзум ва Нил дарёси гидронимлари орқали ҳар қандай оғир мушкул иш маъносида қўлланган. Эл, халқ бирлашса. ҳар қандай дарёни, ҳатто денгизларни қуритиш мумкинлигини баён қилиш орқали халқ қудратининг юксаклигини кўрсатади.

Улуғ шоирлар ҳар бир сўзга турли маънолар юклайдики, улар шоир қаламида жило сочади. Қулзум сўзини ҳам Махтумқули қуйидагича қўллайди.

Қулзумдай гуноҳнинг теран дардини,
Чин тавба қуритар, анга эм бўлиб. (- Б. 104)

Қулзумдай оғир гуноҳинг бўлса ҳам чин дилдан қилинган тавба ундан фориғ қилиши мумкин. Инсон доим ҳар бир ишни ўйлаб қилиши керак. Баъзан бирон бир ишни нотўғри қилиб қўйса тавба қилиши лозимлиги кўрсатилади. Махтумқули ўз

юртини, туғилиб ўсган тупроғини, тоғлари-ю дарёларини чин дилдан севади. Уни ўз ижодида алоҳида бир меҳр билан куйлайди.

Билмайин сўрғонлара, айтинг бу ғариб отимиз,
Асли –Гарказ, эли –Атрак, оти –Махтумқулидир. (- Б. 161)

Сангутоғ қувончим манинг,
Кезарман саринғда санинг. (с.-195)

Шоир ўз ижодида униб-ўсган Гарказ қишлоғи, гуклан уруғи ва ёнидаги Сангитоғ(Сўнгтоғ)ни алоҳида меҳр ва ғурур билан куйлайди. Инсон тоғга кўтарилар экан, пойида ястаниб ётган кенгликларни кўриб, ўзини жуда енгил ҳис этади. Қалбини мусаффо ҳис-туйғулар чулғаб олади. Махтумқули ёшлигидан Сангитоғни кўп кезган, энг яхши ҳиссиётлари шу ерда кечган. Шу туфайли кексалик чоғида ҳам Сангитоғга чиқиб туриш унга алоҳида бир қониқиш ато этган. Махтумқулининг ўзи туғилиб ўсган юртига бўлган муҳаббати улуғ туркман элига, юртига бўлган муҳаббати билан чулғаниб кетган ватанпарвар инсон, туркман халқининг севимли шоири ва ғурури бўлиб абадий яшайди.

Адабиётлар

1. Абу Абдуллоҳ Муҳаммад ибн Исмоил ал Бухорий. Ҳадис. IV жилд. – Тошкент: Қомуслар Бош таҳририяти, 1992. – Б. 194.
2. Бегматов Э. Исм чиройи. – Тошкент: Фан, 1994. – Б. 12.
3. Ислом энциклопедияси. – Тошкент: Ўзбекистон миллий энциклопедияси, 2017. – Б. 235.
4. Ҳасанов Ҳ. Сайёҳ олимлар. – Тошкент: Ўзбекистон, 1981. – Б. 221-223.

Резюме

Махтумқули ижодида ономастиканинг деярли барча турлари қўлланган. Мақолада антропонимлар орасида илоҳий номлар ва сайёр тимсолларнинг ҳамда айрим топонимларнинг сўз санътини яратишдаги ўрни таҳлил қилинади. Уларни

бадиий-услубий қўллашда шоирнинг тенгсиз маҳорати очиб берилган.

Калит сўзлар: ономастик бирликлар, илоҳий номлар, сайёр образлар, гидронимлар, талмеҳ санъати.

Summary

Almost all types of onomastics were used in Makhtumkuli's work. The article analyzes the role of divine names and travel symbols and some toponyms in the creation of word art among anthroponyms. Their artistic and methodical use shows the unparalleled skill of the poet.

Key words: onomastic units, divine names, traveling images, hydronyms, the art of talme.

Резюме

В творчестве Махтумкули использованы практически все виды ономастики. В статье анализируется роль божественных имен и путевых символов, а также некоторых топонимов в творчестве слова среди антропонимов. Непревзойденное мастерство поэта раскрывается в их художественно-стилистическом применении.

Ключевые слова: ономастические единицы, божественные имена, путевые образы, гидронимы, искусство тальме.

ШОИР ШЕЪРИЯТИНИНГ ЎЗИГА ХОС ЖИҲАТИ

Муҳайё Аҳмадовна ҲАМРАЕВА,
Термиз давлат университети доценти,
филология фанлари номзоди

Таниқли бельгиялик шоир, композитор, қўшиқчи, актёр, режиссёр Жак Брел шоирлар ҳақида «Шоир бизни юрак ютиб ботинимизга – руҳиятимиз қаърига назар солишга ва унда сийратимизни ўзимиз тасаввур этгандек эмас, балки аслида ўзимизнинг ким эканимизни аниқ кўришга даъват этади» [1] деганларида минг бора ҳақ бўлганлар.

Ушбу фикрни туркман шоири Махтумқули Фироғий шеърияти хусусида сўз кетганда ҳам қўлласак мақсадга мувофиқ бўлади. Махтумқули Фироғий шеърлари билан ўз сийрати ва сувратини тўла намоён эта олган ижодкордир. Унинг ижод намуналари ўзгача бир пафос билан ўқилади. Мисралардаги оҳангдорлик унга ўзгача бир жозиба бағишлайдики, беихтиёр унинг маҳоратига тан бермоқдан ўзга илож йўқлигини англайсиз. Гўёки, юракни тўлқинлантирадиган мисралар куйи билан туғилган дейсиз. Айниқса, унинг қуйидаги мисралари инсонни бир лаҳза бўлсада, ўйлашга, ўткинчи умрнинг ҳар онидан тўғри хулоса чиқаришга ундайди десак, фикримиз муболаға бўлмайди:

Қодир Олло, сендан сўрорим кўпдир,
Сен мени номарда муҳтож айлама.
Хазинангдан бергил менинг ризқимни,
Бандангни бандангга муҳтож айлама. [5, 33-б]

Қалб оғриғи билан битилган ушбу мисраларда бир томондан инсон ёлғиз қолган онларида юрак салтанатидаги энг яхши изҳорларини Аллоҳга айтиб, ундан мадад сўраши тарзида баён бўлган бўлса, яна бир жиҳати ҳаёт деб аталмиш бу дарсхонада ўз қалбига Аллоҳга илтижо айлаб, куч олаётгани, мақсади сари ҳар қандай синовни енгиб ўтадиган, курашларда тобланаётган мард инсон сийрати гавдаланади. Мисраларда лирик қаҳрамоннинг ҳаётдаги асосий шиори тўғрилик бўлгани ва неки ният бўлса барини ижобат бўлишини исташи, бу йўлда ҳалол ва ҳаром, мард ва номард, оқибат каби қоидаларни асосий мезон деб билиши ўз аксини топган. Шоирнинг қуйидаги мисралари тарбиявий аҳамиятга эга эканлиги унинг замиридаги маънодан англашилади. Гўёки, инсон ҳаёти давомида ҳар лаҳза яхши ният қилиши зарурлиги, қалби мунаввар ҳислардан шуълаланган дил эса ўзгаларга фақат яхшилик соғиниши зарурлигини ёдга солгандай назаримизда.

Яхши ният-сеннан тилагим чўхдир,
Аччиқ сўзлар тилдан учган бир ўқдир.

Қардошнинг қондошга баҳоси йўқдир-
Оғани инига муҳтож айлама. [5, 33-б]

Француз-италян шоири, таржимон, қўшиқчи, композитор Лео Ферре «Поэзия бу – овоз. Уни тинглай билиш керак. Худди мусиқани тинглагандек. У, камонча ишга тушиши билан ғижжакка жон киргандек, товуш пардалари ҳаракати билангина жонланади. Кўз қоғоздаги босма ҳарфлар навосини тинглаши лозим»[1] деганлар. Айни фикр Махтумқули шеърияти билан узвийлик касб этган. Шоирнинг қуйидаги мисралари ҳам фикримиз қанчалик ҳақиқатлигидан нишонадир:

Махтумқули, Ҳақдан тила борини,
Иймон тила, яъни асл-зарини.
Обод айла икки дийдам нурини,
Ўнг кўзим чап кўзга муҳтож айлама. [5, 33-б]

Шоир шеърнинг якуний хулосасида одамзодга иймон тиламоқни истаганини сезиш қийин эмас. Махтумқули шеъриятида «Униб-ўсган ўз юртингдан айрилма» шеъри муҳим аҳамият касб этган. Боиси шоирнинг асарлари кўпчилиги Ватан мавзусида. У Ватанга бўлган чексиз меҳрини тараннум этишни ўзининг асл ҳаётий мақсади деб билади.

Мастона юргунча ғайри юртинда,
Униб-ўсган ўз юртингдан айрилма.
Мағрур каклик каби нафсинг йўлинда,
Дома тушиб қанотингдан айрилма! [5, 42-б]

Халқимизда «Ўзга юртда шоҳ бўлгандан кўра, ўз юртингда гадо бўл!» деган мақол бор. Ушбу мақол топиб айтилган. Сатрлар бошланмасига эътибор қаратсак, беихтиёр юқоридаги мақол ёдга тушади. Шоир эса нафс йўлида ўзлигини топишга интилаётганларга, «Сени осмонларга олиб чиққан, керак бўлса, қайсидир соҳада мукаммал билимга эга бўлишингга сабабкор бўлган шу юрт, у ҳамиша сени суяб тургувчи ва ҳаётингда тиргак бўлгувчи куч, бошқача айтганда, янги орзулар сари учишингда қанот бўлади. Лек сен нафс деб қанотингдан воз кечма!» демоқчи бўлганини англаш мумкин.

Шоир ушбу шеърида юртга бўлган муҳаббатини барчасидан устун қўяди. Шоир шеъриятини кузатар экансиз, унинг мумтоз адабиётимиз вакиллари ижодини чуқурроқ ўргангани ва яхши билиши таҳлил давомида кўринади. Унинг ушбу шеърига янада чуқурроқ назар соладиган бўлсак, сабр, иззат, насиба, сир, дўстлик, қадр каби ҳаётий принципларнинг моҳиятини янада кучлироқ англаш қийин эмас. Лирик қаҳрамон гадоларнинг кўнгли шоҳликни истаса ҳам, нодонларнинг кўнгли эса ёлғон сўзни рост десалар ҳам, инсонни қадрсиз қиладиганлар душманларни дўст деганларида ҳам, камолотга етишингда меҳнатини аямаган устозларни қадрига етиш зарурлигини уқтиргандек таассурот қолдиради гўё. Қуйидаги мисраларда эса, шоир «... Бошингга не келса тилингдан келар, Махтумқули, халқ ёдиндан айрилма!»[5, 42-б] дея нола қилади. Ушбу мисралар йиллар ўтсада, халқ юрагида шоирнинг мангуга яшаётганидан даракдир. Махтумқули Фироғий шеърияти мавзулар кўлами ва ранг-баранглиги жиҳатидан ҳам муҳим аҳамият касб этади. Шоирнинг «Эл яхши» шеъри ҳам унинг юртга бўлган чексиз меҳрининг бетимсол намунаси десак, фикримиз муболаға бўлмайди. Шоирнинг ҳаётий мисраларини мутолаа қилар экансиз, ҳар қандай ҳолда ҳам элни, юртни эъзозлаш, уни асраш, ардоқлаш зарурлигини ҳис қиласиз. Мардлик куйчиси деб эътироф этилган шоирнинг ижодини кузатиш асносида, унинг ижодида мавзулар кўлами кенглиги билан бирга бадиий санъатлардан ҳам унумли фойдаланганини кўриш мумкин.Унинг «Эл яхши» шеъри фикримиз далилидир.Ушбу шеърда шоир классик адабиётда ҳам, бугунги шеъриятда ҳам жуда кенг қўлланиладиган бадиий санъатлардан бири калом-и жомиъ (арабча – ҳикматли ўгит) [3,53-54-б]дан фойдаланган. Аслан ушбу санъат ҳикмат ва шикоят билан зеб берилган шеър демакдир. Калом-и жомиъ уч турга бўлинади:

1) шикоят руҳида ёзилган шеър;

2) ҳикмат-ла йўғрилган шеър;

3) ўгит билан зийнатланган шеър[3,53-54-б].

Ушбу шеър ўгит билан зийнатланган шеър дейиш асносида, унинг айрим нуқталарини таҳлил чизиғига

тортилганда, шоирнинг поэтик маҳорати қай даражада эканлиги кўринади. Мисраларнинг ҳар сатри шеърият мухлисини ҳаётда инсонийликни улуғлаб яшаши зарурлигидан огоҳ қилади. Лирик қаҳрамон бу рўйи заминга дунёга келган инсон борки, бир-бирининг қадрига етмаганлардан, сўзлаган сўзининг маъносига етмаганлардан сақласин деб Аллоҳга илтижо қилади.

Одам бўлиб, одам қадрин билмаган-
Кишилардан ўтлаб юрғон мол яхши.
Сўзлағонда сўз маънисин билмаган,
Инсонлардан сўзлай олмас лол яхши. [5, 82-б]

Айниқса, ёмонликдан, қаҳрдан, миннатли ошдан, ҳар жойда элнинг борлигини ҳамда яшаш тарзидан маълум маънода маълумот берувчи бозорсиз шаҳарлардан қовжираган, қуриган чўлни афзал билиши китобхон кўз ўнгида лирик қаҳрамоннинг камтаргина суврати ва сийратини намоён қилади:

Худойим сақласин шаррдан, қаҳрдан,
Миннатли ош аччиқ бўлар заҳардан.
Ҳар бир ерда бир бозорсиз шаҳардан,
Қовжираган, қуриб ётган чўл яхши. [5, 82-б]

Ҳаттоки, шоир тилидан айтилган ҳар ким ўзи учун муқаддас санайдиган ерини Мисрга қиёслаши, байрами ва тўйи ҳамиша ёдида эканлиги, жони соғ бўлган инсон ҳар бир ўтган куни учун шукр қилиб яшаши кераклигини уқтиради:

Ҳар кимнинг ўзина Мисрдир жойи,
Ўлса ёддан чиқмас байрами-тўйи.
Жон соғлигин бўлмас ҳеч тенги, тойи,
Оқшом ётиб, эрта шукрин қил яхши. [5, 82-б]

Ҳаётда ёрнинг кулиб боқишидан, ишқ ўтида ўртанган билан, ўзга элларда мусофирлик тўнини елкасига илиб, дарбадар кезгандан кўра, урса ҳам, сўкса ҳам, хўрласа ҳам жонидан азиз бўлган шу юрт, шу эл яхши дея юртга бўлган беқиёс фарзандлик меҳрини тараннум этган десак, муболаға бўлмайди:

Бир бевафо ёрга кулиб боққандан,

Ширин жонни ишқ ўтинда ёққандан.
Ёт элларда мусофирлик чеккандан,
Урса, сўкса, хўрласа-да эл яхши. [5, 82-б]

Қуйидаги мисрада шоир ёмон гап айтиб, инсон кўнглига озор беришдан кўра, майингина эсиб ўтган елни яхши дея одамзодни ёмонликдан йироқ бўлишга, не бўлсада, ўзгаларга яхшилик қилишга ундайди:

Махтумқули, сўз айлагин ҳар бобдан,
Бул дунё тутдирмас, чирикдир тубдан.
Бир беисбот-қуруқ гапдан, бад гапдан,
Майингина эсиб ўтган ел яхши. [5, 82-б]

Умуман олганда, шоир шеърияти мавзулар кўлами жиҳатидан, ижод намуналарининг гўзал ташбеҳларга бойлиги, оҳорли ифодалардан фойдаланиш маҳорати юқорилиги билан муҳим аҳамият касб этади. Шоир шеърлари инсонни ҳар қандай ҳолатда ҳам тириклик эҳсони бўлган ҳаётни қадрлашга, ҳар онда Ватанни севиб ва ардоқлашга ундаши ҳамда шукр қилиб яшаш кераклиги, самимиятга қорилган сатрлари билан шеърият ихлосмандлари қалбидан муқим жой олиши табиийдир.

Адабиётлар

1. Жаҳон адиблари адабиёт ҳақида. ziyouz.uz. 2016 йил, 4 май.
2. kh-davron.uz/kutubxona/jahon/turk/maxtumquli-sherlar-maqsud-asror-tarjimalari.html
3. Бобоев Т., Бобоева З. Бадиий санъатлар. Методик қўлланма. – Тошкент, 2011. – 122 б.
4. Махтумқули. Дунё ўтиб борадур. Шеърлар. – Тошкент: Шарқ, 2007. – 240 б.
5. Махтумқули-Фироғий. Сайланма. – Тошкент: O‘zbekiston, 2008. – 408 б.

Резюме

Ушбу мақола таниқли туркман шоири Махтумқули Фироғийнинг «Муҳтож айлама», «Униб-ўсган ўз юртингдан айрилма», «Эл яхши» каби шеърларининг таҳлилига

бағишланган. Шоир шеъриятида Ватан, одамийлик, ҳаёт мавзуларининг ёрқин рангларда акс эттирилиши, ижодининг ўзига хос жиҳати, оҳорли ифодалар ҳамда бадиий санъатлардан фойдаланиш маҳоратини ўрганиш асносида текширилди.

Махтумқули Фироғий таниқли туркман шоири, айни пайтда ўзбекнинг оташин шоири ҳисобланади. Унинг гўзал шеърлари, туркий халқлар томонидан ўзгача бир пафос билан куйланиб келинган. Махтумқули Фироғий шеъриятида бадиий санъатлардан бири калом-и жомиънинг қўлланилиши, шоирнинг поэтик маҳорати масаласини ўрганиш билан боғлиқ масалалар таҳлилга тортилгани билан ҳам аҳамиятлидир.

Калит сўзлар: шоир шеърияти, шоир шеъриятининг ўзига хос жиҳати, Ватан суврати, самимий сатрлар, лирик қаҳрамон қалби, мавзулар кўлами ва бошқалар.

Summary

This article is devoted to the analysis of famous Turkmen poet Mahtumkuli Firogiy’s poems such as «Muhtoj aylama», «Unib-o‘sgan o‘z yurtingdan ayrilma», «El yaxshi». In the poet’s poetry, the themes of the Motherland, humanity, and life are reflected in bright colors, the unique aspect of his work, poetic expressions, and the skill of using artistic arts were examined.

Mahtumkuli Firogiy is a well-known Turkmen poet, and at the same time, he is considered a fiery Uzbek poet. His beautiful poems were sung by Turkic peoples with a special pathos. In the poetry of Mahtumkuli Firogiy, the use of one of the artistic arts, kalam-i-jami, is also significant in that the issues related to the study of the poet’s poetic skills are analyzed.

Key words: the poet’s poetry, the unique aspect of the poet’s poetry, the poem of the Motherland, sincere lines, the heart of the lyrical hero, the scope of topics, etc.

Резюме

Данная статья посвящена анализу таких стихотворений известного туркменского поэта Махтумкули Фироги, как «Мухтадж айлама», «Униб-ўсган ўз юртингдан айрилма», «Эл яхши». В поэзии поэта в ярких красках отражены темы Родины,

человечества и жизни, рассмотрены своеобразие его творчества, поэтические средства выражения, мастерство использования художественных искусств.

Махтумкули Фирогий – известный туркменский поэт, и в то же время его считают пламенным узбекским поэтом. Его прекрасные стихи были воспеты тюркскими народами с особым пафосом. В поэзии Махтумкули Фироги использование одного из художественных искусств - калам-и-джами значимо еще и тем, что анализируются вопросы, связанные с изучением поэтического мастерства поэта.

Ключевые слова: поэзия поэта, своеобразие поэзии поэта, поэма о Родине, искренние строки, сердце лирического героя, масштаб темы и др.

MAXTUMQULI IJODIDA ETNOGRAFIZMLAR AKSI

Nurali Rashidovich AMONTURDIYEV,
Termiz davlat universiteti
o‘zbek tilshunosligi kafedrasi mudiri,
filologiya fanlari bo‘yicha falsafa doktori

Mashhur ma’rifatparvar, insonparvarlikka yo‘g‘rilgan ijod namunasi bilan nom qozongan turkman shoiri Maxtumquli Firog‘iy nafaqat XVIII asr, balki turkman adabiyotida alohida mavqega ega. Firog‘iy asarlarining mavzu, janr va shakl jihatdan o‘ziga xosligi, asarlari tilining xalqchilligi bilan alohida ajralib turadi. Ayni mana shu xususiyatlari sabab ko‘p asrlik tarixga ega turkman adabiyotini yangi bir bosqichga ko‘tara oldi. Maxtumquli ijodida yetakchi g‘oya – bu turkman xalqiga yetkizilgan jabr-zulm, uning vatani tuproqlariga yopirilib kelgan chet el bosqinlariga barham berish, tarqoq yashayotgan, o‘zaro nifoq va ziddiyatlar sabab inqiroz ostonasiga borib qolgan qabila hamda urug‘larni birlashtirish, shu yo‘l bilan qudratli bir davlatni barpo etishdek milliy vatanparvarlik his-tuyg‘ularidan iborat.

Maxtumquli ijodida xalq dardi, ayrim rahbarlarning el-yurt taraqqiyotiga e`tiborsiz ekani, xalqning ma’naviy-ma’rifiy

qiyofasidan nolish holatlari ko‘zga tashlanadi. Ta’kidlab o‘tilgan mavzularga yechim islom dini va uning tamoyillaridan izlanadi. Firog‘iy ijodi inson tarbiyasi, nafs kabi muammolar tahlili va uslubi jihatidan Ahmad Yassaviy an`analarini davom ettiradi.

Uning she`riyati soddaligi, turkman tiliga xos leksik birliklarning jozibadorligi, leksik-semantik imkoniyatlaridan unumli foydalangani bilan ham ajralib turadi. Xususan, turkiy tillar etnomadaniyatini ifodalovchi etnoleksemalar, turkman xalqi yashash tarzi, milliy mentalitetini aks ettiruvchi maqollardan o‘rinli foydalangan.

Dunyo tilshunosligida til vositalariga har bir xalqning urf-odatlari va an’analarini aks ettiruvchi, milliy o‘zligini anglatuvchi, ma’naviyatini belgilovchi muhim omil sifatida qaraladi. Ma’lumki, har bir milliy tilning o‘ziga xos takrorlanmas ma’no va mazmunga ega bo‘lgan lug‘aviy birliklari mavjud bo‘lib, uni xalq madaniyati, ma’naviy qadriyatlari, o‘ziga xos tafakkur tarzi hamda milliy-tarixiy an’analari bilan bog‘liq ravishda o‘rganish muhim ahamiyat kasb etadi [3, B.3].

Til – madaniyatning ko‘zgusi bo‘lib, unda nafaqat insonni o‘rab olgan real borliq, uning real yashash sharoitlari, balki xalqning ijtimoiy o‘zini o‘zi anglash, uning mentaliteti, milliy xarakteri, hayot tarzi, an`analari, urf-odatlari, axloqi, qadriyatlar yig‘indisi va dunyoqarashi ham aks etadi. ...Til – madaniyatning quroli, vositasidir. U xalq madaniyati vositasida inson shaxsiyatini, til sohibini shakllantiradi [2, B.7]. Maxtumquli ijodida ham turkman xalqi urf-odatlari, yashash tarzi, fe’l-atfori, dunyoqarashi, ijtimoiy, madaniy qarashlari o‘z ifodasini topgan.

Barcha turkiy xalqlarda bo‘lgani kabi Maxtumquli ijodida ham islom diniga oid diniy-e`tiqodiy tushunchalar yetakchilik qiladi.

Derdi: dunyo turmas, umri boqiy yo‘q,
*Kunduz **ro‘za**, kecha bo‘lsa, uyqu yo‘q* [1, B.25].

Yoki

Odam o‘g‘li, sening yuraging darddir,
*Aylanib, o‘rgilib qilgil **namoz**ni* [1, B.26].

Maxtumquli ijodida nafaqat turkman, balki umumturkiy etnomadaniy qadriyatlar ham ko‘p uchraydi. Jumladan, qadimiy bayramlardan biri bo‘lgan navro‘z va uning tarovati alohida tavsiflanadi:

*Oltmish yoshda, **navro‘z** kuni, luv yili,*
Turdi ajal, yo‘lin to‘sdi otamning [1, B.24].

Yoki

*Kelsa **navro‘z** olamga, rang qilar jahon paydo,*
Bulutlar ovoz urib, tog‘ qilar tuman paydo [1, B.28]

Qadimda ko‘plab xalqlar tabiat hodisalarini ilohiy qudrat ramzi sifatida qarab, unga atab turli amallarni bajarib kelishgan. Xususan, qadimdan chorvachilik va dehqonchilik bilan shug‘illanib kelgan turkiy xalqlarning asosiy tirikchilik manbai yog‘ingarchilik bilan bog‘liq bo‘lgan. Shu sabab ham ularda yomg‘ir kam bo‘lgan – qurg‘oqchilik yillari Yaratgandan yomg‘ir so‘rab turli marosimlar o‘tkazib kelingan. Islom diniga qadar qurbonliklar (hayvonlar) yoki turli amallar bajarilgan (*Yada (Jada)* – toshi vositasida yomgir chaqirish marosimi bo’lib, bu toshning yomg’ir chaqirishi va ayrim kasalliklarga da’vo bo’lishida qo’llanilishi haqida XI asrning buyuk tilshunos olimi Mahmud Qoshg’ariyning «Devoni lug’at-it turk» asarida ham ma’lumot berilgan; «Sust xotin..»). Islom dini kirib kelgach, ommaviy namoz o‘qish, xalqning ulug‘lari, yirik din peshvolari Allohdan yomg‘ir so‘rashgan. Maxtumquli ijodida ham mana shu etnomadaniy qarash o‘z aksini topgan.

Seningdek Qodirdan tilak tilarman,
Rahm aylabon, yomg‘ir yog‘dir, Sultonim!
G‘aribman, g‘amginman, nolish aylarman,
Rahm aylabon, yomg‘ir yog‘dir, Sultonim![1, B.30]

Ijodkorning quyidagi baytlari ham etnomadaniy qarashlarni aks ettirishida uslub va ohang jihatidan alohida ajralib turadi. Maxtumquli Turdi shoir («Turdi shoir, sendan so‘rab ko‘rayin», «Xabar ber»), otasi Ozodiy («Ota-o‘g‘il dardlashuvi»), Zunubiy kabi o‘z davrining ma’rifatparvar ijodkorlari bilan aytishuvlarida milliy-ma’naviy qarashlar, etnomadaniy jarayonlarni mohirona aks ettiradi. Masalan,

Maxtumquli:
- Ul nimadir, yetti o‘lka kezadir?
Ul nimadir, belin bir zot ezadir?
Ul nimadir, odam kabi sezadir?
Shoir bo‘lsang, shundan bizga xabar ber!
Turdi shoir:
*- Ul **cho‘pon**dir, yetti o‘lka kezadir,*
*Ul **qo‘y** erur, belin tayoq ezadir,*
***Bedov ot**lar odam kabi sezadir,*
Bizdan salom bo‘lsin, javob shundaydir! [1, B.44]

Ushbu baytlarda ham Maxtumquli diologik uslubdan foydalangan holda turkman xalqi hayotida chorvachilikning qay darajada ahamiyatli ekanini ko‘rsatib bera olgan.

Maxtumquli ijodida lingvomadaniy birliklardan topishmoq shaklidagi nazmiy parchalar muhim ahamiyatga ega. Shoirning «Xabar ber» (Turdi shoir bilan aytishuvi), «Turdi shoir, sendan so‘rab ko‘rayin» kabi she`rlarida mana shu uslubdan foydalanilgan.

Ul ne daraxt, oltmish ikki butog‘i,
Qirq sakkiz ko‘z-o‘q, o‘n ikki sadog‘i,
Ul ne xondir, sakkiz erur o‘tog‘i,
O’tog‘in ichining oshi nechadir?

Ul kimdir, boqiyda bir ravshan ko‘z bor,
Oldida ma’nisi, to‘rt ming to‘rt yuz bor,
Otasi eridir, oshiq bir qiz bor,
Qo‘shilmas hurlarga, toshi nechadir? [1, B.70]

Maxtumquli ijodida xalq orasida uchraydigan ma’lum an`ana, irim-sirimlar ham aks etadi. Rasulullоh sollallohu alayhi vasallamdan rivoyat qilingan hadislarda «Folchilik, irim-sirimlar butparastlik bilan barobardir», «Irim qiluvchi yoki irim qildiruvchi bizlardan emas», deyilgan. Shoir ijodida ham mana shu qarashlar o‘z ifodasini topgan:

Qarang, Qur’on ochib, talay nodonlar
Iqbolni bir pulga sotib boradir [1, B.77].

Maxtumquli ijodida turkiy xalqlar etnomadaniyatiga xos kiyim va uning qismlari nomi uchraydi. Shoir diniy qarashlarini ifodalashda kiyim va uning qism nomlarini o‘z hamda ko‘chma ma’noda qo‘llagan:

*G’azab **to‘n**in kiyib, kelar daryoga,*
Daryolar qo‘rqibon, qurir, yoronlar [1, B.96]

Yoki Maxtumquli va Turdi shoir savol-javobida: «- Ul nimadir, ***yoqa***si bor, yoni yo‘q?», «- Ul ***kafan***dir, ***yoqa***si bor, yoni yo‘q» [1, B.44];

Ta’kidlash kerakki, islom dini an`analariga so‘zsiz amal qiluvchi turkman xalqi motam-marosim jarayonlarida ham «kafan» termini ko‘p qo‘llanadi. Ushbu so‘z aslida arabcha bo‘lib, *qabr kiyimi*, *libosi* ma’nosida turkiy xalqlarga kirib kelgan. Maxtumquli ijodida o‘z va ko‘chma ma’noda qo‘llanadi.

Xulosa o‘rnida shuni ta’kidlash kerakki, Maxtumquli o‘zi yashagan davrdagi turkman xalqi hayoti, turmish tarzi, ijtimoiy-siyosiy, ma’naviy olamini real aks ettira oldi. U xalqni ma’rifatli bo‘lishini, milliy o‘zligini, ya’ni tili, madaniyati, qadriyatlarini asrab-avaylashini istaydi va bu yo‘lda targ‘ibotchi sifatida gavdalanadi.

Adabiyotlar

1. Maxtumquli. Saylanma (Mirza Kenjabek tarjimasi). docviewer.yandex.uz
2. Usmonova Sh. Lingvokulturologiya. – Toshkent, 2019. – B. 7.
3. Курбаназарова Н. Сурхондарё воҳаси тўй маросими этнографизмларининг семантик табиати ва лингвомаданий тадқиқи. Фил.фан.бўйича фалс.док. дисс. – Термиз, 2021. – В. 3.
4. Turdikulov S.D. Surkhandarya mitraums as an object of study of toponymics // Thematics Journal of Education. – 2021. – T. 6. – №. November.

Rezyume

Ushbu maqolada Maxtumquli Firog‘iy ijodida uchraydigan turkman xalqi va madaniyatidagi umumturkiy etnografizmlar tahlil qilindi. Bunda shoirning millat taqdiriga befarq emasligi, el-yurt

ozodligi yo‘lida milliy an`ana va qadriyatlarni ezozlovchi misralarida yaqqol ko‘zga tashlanadi.

Kalit so‘zlar: etnografizm, Navro‘z, jada, yoqa, etnoleksema.

Summary

This article analyzed all-Turkmen Ethnography in the Turkmen people and culture found in the work of Makhtumkuli Firogiy. In this, the fact that the poet is not indifferent to the fate of the nation is clearly visible in the verses that oppress national traditions and values on the way to the liberation of el-yurt.

Keywords: ethnography, Navruz, jada, collar, ethnolexema.

Резюме

В этой статье были проанализированы общетюркские этнографизмы в туркменском народе и культуре, встречающиеся в творчестве Махтумкули фараги. В этом проявляется неравнодушие поэта к судьбе нации, в его стихах угнетающие национальные традиции и ценности на пути к освобождению страны.

Ключевые слова: этнографизм, Навруз, джада, ёка, этнолексема.

MAXTUMQULI SHE’RLARIDAGI FRAZEOLOGIK BIRLIKLARNING STRUKTURAVIY MODELLARI

Nazarbay Radjapbayevich KILICHOV,
Qoraqalpoq davlat universiteti dotsenti,
filologiya fanlari bo‘yicha falsafa doktori

Frazeologik birliklar obrazlilikni, ekspressivlik va emotsionallikni yuzaga keltiruvchi muhim vositalar bo‘lib, ular badiiy matnlarning, ayniqsa, she’riy asarlarning ifodaviy ta’sirchanligini oshirishga xizmat qiladi. Chunki tildagi frazeologik birliklar har bir xalqning o‘ziga xos urf-odatlari, psixologiyasi, turmush tarzi, mentaliteti kabilar bilan bog‘liqdir. «Tilning frazeologik fondi xalqning madaniyati va mentaliteti haqidagi eng

qimmatli manbadir, unda xalqning afsonalari, urf-odatlari, marosimlari, bayramlari, odob-axloqi va hokazolar mujassamlashgan» - deb yozadi V.A.Maslova [1, B.43].

Maxtumquli Firog‘iy she’riyati badiiyatni ta’minlashda turli ko‘chimlar, o‘xshatishlar, sifatlashlar, maqol-matallar bilan birga frazeologizmlarning ham o‘ziga xos o‘rni bor. Shoir she’rlari tarkibida turkman tilining og‘zaki va yozma shakllarda asrlar davomida qo‘llanilib kelayotgan an’anaviy frazeologik birliklar bilan birga shoir individulal uslubiga xos frazeologizmlar ham faol istifoda etilganki, bu orqali mutafakkir shoir turkman adabiy tilining rivojlanishiga ham o‘z hissasini qo‘shgan.

Firog‘iy she’rlarida qo‘llanilgan frazeologizmlarni dastlab strukturasi, komponentlari tartibi, shakli bilan bog‘liq jihatlar tahlil qilish maqsadga muvofiq hisoblanadi. Shoir asarlarida qo‘llanilgan frazeologizmlarni tarkibiga ko‘ra quyidagicha tasnif qilish mumkin:

I. Ikki komponentli frazeologizmlar.

II. Uch komponentli frazeologizmlar.

III. To‘rt komponentli frazeologizmlar.

I. Ikki komponentli frazeologizmlar.

Ikki komponentli frazeologizmlar shoir she’rlarida katta guruhni tashkil qiladi. Tarkibiga ko‘ra bunday frazeologik birliklarni otli va fe’lli kabi ikki guruhga bo‘lish mumkin.

Maqolada Maxtumquli she’rlaridan olingan frazeologizmlar va misollar asliyatida, ya’ni turkman tilida beriladi. Chunki shoir she’rlarining o‘zbek tilidagi tarjimalarida frazeologizmlarning ko‘pchiligi boshqa variantli yoki so‘zlar bilan tarjima qilingan. Shundan kelib chiqqan holda faqat ma’nolarini tarjima qilish zarur bo‘lgan o‘rinlardagina ularning o‘zbek tilidagi tarjimalari beriladi.

Ikki komponentli otli so‘z birikmalari miqdori juda oz: *köňli jem* [2] (25), *köňli dar* (560), *göwün diregi* (33), *bagty gara* (67/309), *köňli gara* (479), *iki ýüzli* (157), *aýy dostlugy* (337), *agzy ala* (254), *gara gün* (446) kabilar. Masalan:

Eý-ä, dostlar, däli dünýä,
Ýagşy günlerim har kyldy,
Iki ýüzli, loly dünýä,
Şady-horramym zar kyldy («Har kyldy»).

Yoki:

Bedasyl götermez bäş gün mesligi,
Kelpezä ýuwtdyrmaz aždar maslygy,
Bilgil uzak gitmez aýy dostlugy,
Gahry gelse, depäň üzre daş döker («Daş döker»).

Maxtumquli she'riyatida turkman tilining tub qatlamiga oid so'zlar bilan birga arabcha, forscha o'zlashmalar ham qo'llanilgan bo'lib, bunday o'zlashma lug'aviy birliklar ham yakka holda alohida tushunchalarni badiiy-ta'sirchan ifodalashga xizmat qilgan yoki umumturkiy fe'l so'zlarga qo'shilib, frazeologizmlarni hosil qilgan. Shoir she'rlarida keng ma'noni ixcham, lo'nda, ta'sirli ifodalash maqsadida, shuningdek, she'riy vazn, qofiya talablaridan kelib chiqib, anglatmoqchi bo'lgan ma'noning eng qisqa shakllaridan foydalanadi. Bu jarayonda xalq so'zlashuv tilida faol qo'llaniluvchi so'zlar bilan birga o'zlashmalarni ham qo'llaganki, mazkur holat nafaqat uning she'riyatining badiiy-estetik qiymatinigina oshirib qolmasdan, turkman adabiy tilining lug'at fondining boyishiga, sinonimlar qatorining kengayishiga, turkman adabiyotining yangi obrazlar, ifoda vositalari bilan to'ldirilishiga erishilgan. Masalan:

Diýerdi ýar: «Men aşygam öz elimle katl edem»,
Andan owwal gam meni paýmal edip almalydyr.

Ushbu baytda qo'llanilgan *katl edem* birikmasi frazeologizm bo'lib, «arabcha o'zlashma+etmek» qolipida kelgan. Jumladan, *katl etmek* «og'ir gunohi yoki jinoyati sababli podshoh amriga binoan jallod tomonidan maxsus joyda o'ldirilmoq» ma'nosini ifodalaydi. Mazkur frazema she'rda ko'chma ma'noda ishlatilgan va ma'shuqa tomonida oshiqning ko'nglini zabt etish tushuniladi. Turkman adabiy tilida nofaol frazema hisoblanadi.

Ýigit halyn garrylyga
Salaýyn diýseň, öýlengin.
Kethudalyk endişesin
Kylaýyn diýseň, öýlengin («Öýlengin»).

Mazkur baytda qo'llanilgan *endişe kylmak* «fors-tojikcha o'zlashma+kyl» qolipida bo'lib, *endişe kylmak* «o'z xatti-

harakatlarining yaxshi yoki yomon (odatda salbiy) oqibatlarini o‘ylab, biror gap gapirishdan, ish qilishdan o‘zini tiyish yoki ijobiy natijalarini o‘ylab o‘sha ishni qilishga kirishmoq» ma’nosini ifodalaydi.

II. Uch komponentli frazeologizmlar: *ykballar ters gelmek* (16), *täleýiň ters gelmek* (327), *ykbalym keç turdy* (70), *ykbaly laýa çökmek* (510), *ykbaly laýa batmak* (527), *paýmal edip almak* (17), *köňli(mi) şat eýlemek* (46), *köňli şat bolmak* (396/399), *köňlüni hoş eýlemek* (17), *köňli hoş olmaz* (46), *köňle gaýgy getirmezlik* (387), *köňül jem bolmak* (298), *köňli karar tapmak* (328), *köňül perwaz eýlemek* (371), *köňlüm lerzan boldy* (359), *köňlüň daş etmezlik* (384), *köňli gyş bolmak, köňli ýaz bolmak* (403), *köňlüne teselli bermek* (418), *köňlüňi haýra baglamak* (455), *köňlün dar eýlär* (482), *köňlüňi giň eýlemek* (493), *köňli jaý tapmazlyk* (482), *göwnüm laýa batypdyr* (173), *terki dünýä eýlemek* (23), *göwnünde gara bolmaslyk* (23), *özün tuta bilmezlik* (29), *derdine derman tapmazlyk* (30), *göz dikip durmak* (31), *gazap donuny geýmek* (31), *sözi ýerde galmazlyk* (38), *nany zäher kylmak* (39), *jahany zyndan etmek* (40), *üflas ýagdaýa düşmek* (42), *gurt oýnyny gurmak* (42), *ýagşydan-ýamandan aňlamak* (45), *agy-garany seljermek* (78), *janyna kast etmek* (46), *ömrüniň tanapyn kesmek* (49), *jany hijrana salmak* (55), *iş başa salmak* (55), *başa iş düşmek* (271/467), *amanady berer boldum* (64), *hak ýoluna girmek* (85), *özüni tuta bilmek* (87), *derdi-dagy çekmek* (92), *ömrüni zaýa eýlemek* (123), *dert-yzharyn kyldyň* (160), *çykmaz dertge salmak* (187), *baş alyp gitmek* (190), *gözi dört olmak* (193).

Maxtumquli she’rlarida qo‘llanilgan bunday frazeologizmlarning aksar qismi ot+qo‘shma fe’l, juft so‘z+fe’l qoliplarida tuzilgan. Masalan:

Yhlasym ary kyl, ýalanym ýok et,
Tilimi deraz kyl, ýüzümi ak et,
Hatardan hyfz eýle, haramdan päk et,
Towpygym ýar eýläp, toba ber çyndan («Çykardym çenden»).

Hak ýolunda her kim haýr-yhsan kylar,
Kyýamat gün bir ýerine on geler,
Namart duşman görse, gussadan öler,

Goç ýigitler dördün, bäşin aňlamaz («Salar guşyn aňlamaz»).

III. To‘rt komponentli frazeologizmlar. Bunday frazeologik birliklarning ham aksar qismi fe’l frazeologizmlar bo‘lib, ularning aksari mustaqil predikatsiya orqali shakllangan gapga teng keladi. Shuningdek, ayrim ot frazeologizmlar ham mavjud (ýüňi ýeten goç ýigit). Shoir she’riyatida to‘rt komponentli frazeologizmlar miqdori ko‘p emas. Ular quyidagilar: *döwlet humaýy elden çykmak* (25), *serine köýler gelip-geçmek* (21), *göwün içre jaý tutmak* (121), *ýamandan boý satyn almak* (158), *başy sansyz derde duşmak* (239), *täleý-bagtym giňden salmak* (268), *ýürek-bagry gara bolmak* (309), *köňlüni gam dumany basmak* (385), *başy gara guma batmak* (360), *akyl käsesi boş bolmak* (384), *ýüňi ýeten goç ýigit* (395), *sarp edere jaý tapmazlyk* (446), *niýetiň-päliň ýagşy tutmak* (462), *göwün gämisi gark boldy* (515), *her işe başyn goşmak* (565). Masalan:

Ýedi ýaşan arap atyň şanynda
Mälim bolmaz, depe nedir, düz nedir.
Ýüňi ýeten goç ýigidiň ýanynda
Elli nedir, altmyş nedir, ýüz nedir («Depe nedir, düz nedir»).

Umuman, mutafakkir shoir Maxtumquli Firog‘iy she’riyatida shaklan barkamol, mazmunan jozibador frazeologik birliklar qo‘llanilgan bo‘lib, ular strukturaviy jihatlari hamda she’riy vazn talablariga ko‘ra ikki komponentli ixcham frazeologizmlar ancha miqdorni tashkil etadi. Bunday frazeologik birliklarning arabcha va fors-tojikcha lug‘aviy birliklar asosida hosil qilingan ko‘rinishlari nafaqat shoir asarlari tilini, uning she’rlar orqali ifodalamoqchi bo‘lgan nozik his, tuyg‘u, yuksak fahm-farosatga yo‘g‘irilgan pand-nasihat ma’nolarini, balki turkman adabiy tilining lug‘at fondini boyitishga ham xizmat qiladi. Bir ma’noni turli sinonimik variantlarda hissiy-ta’siriy ifodalashga sharoit yaratadi. Shuningdek, uch, to‘rt komponentli frazeologizmlar miqdori uncha ko‘p bo‘lmasa ham, komponentlari tarkibi va mazmuniga ko‘ra she’riy mazmunning yorqinroq ifodalanishiga xizmat qiladi.

Adabiyotlar

1. Маслова В.А. Лингвокультурология. 2-е издание. – Москва: Academia, 2004. – 43 с.

2. Magtymguly. Saýlanan eserler ýygyndysy. – Aşgabat: Türkmen döwlet neşriýaty gullygy, 2014.

Rezyume

Mazkur maqolada Maxtumquli Firog‘iy she’rlarida qo‘llanilgan frazeologik birliklaning strukturaviy tuzilish modellari izohlangan.

Kalit so‘zlar: frazeologik birliklar, strukturaviy model, ikki komponentli, uch komponentli va to‘rt komponentli frazeologizmlar.

Резюме

В данной статье объясняются модели структурной структуры фразеологизмов, используемых в стихотворениях Махтумкули Фироги.

Ключевые слова: фразеологизмы, структурная модель, двухкомпонентные, трехкомпонентные и четырехкомпонентные фразеологизмы.

Summary

This article explains the structural structure models of phraseological units used in the poems of Makhtumkuli Firoghi.

Key words: phraseological units, structural model, two-component, three-component and four-component phraseologisms.

MAXTUMQULI FIROG‘IYNING SHE’RIYATIDA TALMEH SA’NATINING O‘RNI

Humayun NADIM MUHAMMAD,
Termiz davlat universiteti
o‘zbek tili va adabiyoti kafedrasi katta o‘qituvchisi
filologiya fanlari bo‘yicha falsafa doktori

Sherzod Duminovich TURDIQULOV,
Termiz davlat universiteti
o‘zbek tilshunosligi kafedrasi katta o‘qituvchisi
filologiya fanlari bo‘yicha falsafa doktori

Har bir xalqning ajdodlardan kelayotgan ma’naviy-axloqiy madaniyat bilan bog‘liq bo‘lgan o‘z tarixi bor. Turkman she’riyati azaldan qadimiy turkman diyori hayotini o‘zida aks ettirgan. So‘z ustasi, mumtoz shoir, mutafakkir Maxtumquli Firog‘iy she’riyatida **talmeh** san’atining o‘ziga xos faolligi kuzatiladi. Uning «Odam Havvosidan ayrilmadimi» va ayrim mavzusidagi she’rlarida tarixiy shaxslar siymosi va merosi har jihatdan ibrat namunasi ekanligi ta’kidlanadi.

Xalqimiz tarixining muhim voqeligi, qadriyatlari, allomalari, buyuk shaxslari, bahodir-u sohibqironlari, ma’naviyatimizning ulug‘ mutafakkirlarimiz siymosi adabiyotimizda badiiy san’at vositalaridan talmehda ishora qilinib, sharaflanadi. Talmeh san’atida dastlab mashhur asarlar va uning qahramonlari, bayt va xalq maqollariga ishora qilingan. Undan so‘ng ifoda doirasi kengayib, muhim tarixiy voqealar, mashhur tarixiy siymolar bilan bog‘liq hodisalarga ishora qilish talmehning asosiy manbaiga aylanib ketgan. Talmeh (arabcha – nazar solmoq, ishora qilmoq) – she’rda mashhur qissa, mashhur bayt, yoxud mashhur maqolga ishora qilsh usuli [1, B. 397].

Shoir ijodi juda serqirra bo‘lib, unda dunyo tuzilishi, inson hayoti qadriyatlari, inson va tabiat o‘rtasidagi uyg‘unlik chuqur ifodalangan. Shoir she’rlari xalq maqollari, matallari, xalq

qo‘shiqlariga aylangan. Uning ijodi bir necha asrlar davomida sharq san’ati va falsafiy g‘oyalari rivoji uchun namuna bo‘lib kelmoqda.

Talmeh she’riy san’ati mumtoz adabiyotimizda ham, hozirgi zamon she’riyatimiz namoyandalari ijodida ham keng qo‘llanilgan ma’naviy san’at hisoblanadi. Maxtumquli Firog‘iyning ijodida talmeh san’atini quyidagi tasnifi kuzatiladi:

1) Payg‘ambarlar obrazlari;
2) U hazrat (s.a.v.) va u zotning oila a‘zolari;
3) Sahobalar, din, tasavvuf, avliyo obrazlari;
4) Tarixiy siymolar obrazi;

Maxtumquli Firog‘iyning quyidagi she’riy parchalarda talmeh sanatidan foydalanish mahorati yorqin namoyon bo‘ladi.

ODAM HAVVOSIDAN AYRILMADIMI?!.

Nurindan yaratdi ikki azizni,
Bug‘doy yeb, Behishtdan ayrilmadimi?
Uch yuz yil axtarib, sargardon bo‘lib,
***Odam Havvo**sidan ayrilmadimi?*
***Odam Ato** haj ayladi bosh bilan,*
Yuzin yuvdi ko‘zdan oqqan yosh bilan,
***Qobil** urdi ul **Hobil**ni tosh bilan,*
Ini og‘osidan ayrilmadimi?
Vo-vaylo, yer yuzi kufrda bo‘ldi,
***Nuh**ning azob suvi jahonga to‘ldi,*
Musulmon bo‘lganlar kemaga mindi,
***Nuh** ham o‘z o‘g‘lidan ayrilmadimi?*
Payg‘ambar, podishoh, xalifa bo‘lib,
Qo‘liga muhr olib, nasihat qilib,
Bir kuni ko‘ngliga manmanlik kelib,
***Dovud** qirq o‘g‘lidan ayrilmadimi?*
***Dovud** o‘tdi, farzandiga yer qoldi,*
Xudoyimdan unga bir uzuk keldi,
Nurdan bo‘lgan ul uzukni dev oldi,
***Sulaymon** taxtidan ayrilmadimi?*
*Haqning O‘zi bilan so‘zlashgan **Muso**,*
Ul vaqtda yo‘q edi uningdek raso,
***Bibi Maryam** o‘g‘li – hazrati **Iyso**,*

Qochib, kofirlardan ayrilmadimi?
***Ibrohim** Payg‘ambar dunyoga keldi,*
*Orzu-armon bilan **Hojar**ni oldi, Ko‘p o‘t yoqib,*
***Namrud** ul o‘tga soldi, **Namrud** o‘z qizidan ayrilmadimi?*
Ya’qub yig‘lab, ojiz bo‘ldi ko‘zidan,
Hech foyda topmadi aytgan so‘zidan,
Orzuli yoridan, guldek yuzidan –
***Yusuf** Zulayxodan ayrilmadimi?*
***Chahoryor** yosh to‘kib, ul **Payg‘ambar**dan,*
***Shayx**lar murididdan, shohlar navkardan,*
To‘ti hamrohidan, zanbur shakardan,
Bulbul gulistondan ayrilmadimi?
Maxtumquli, ta’lim olgil ustoddan,
Bu dunyoda har kim kechar bir otdan,
Layli Majnunidan, Shirin Farhoddan,
***Vomiq Uzro**sidan ayrilmadimi?* [4, B.57]

Maxtumquli Firog‘iy turkman adabiyotining atoqli namoyandalaridan biridir. Maxtumquli ijodida ko‘rinib turibdiki, o‘z she’rlari bilan insonlarni odob-axloq, vatanparvarlik, insonparvarlik, ilm va xayr-saxovatga, iymon to‘g‘rilikka, birlikka e’tibor qaratishga chorlaydi. Xiva va Buxoro madrasalarida o‘qigan; irfon va tasavvuf bilan qiziqib naqshbandiya tariqatiga kirgan. Firog‘iy turkiy, forsiy va arab tillarini yaxshi bilgan va Qur’on va hadisda ham mohir va iqtidorli olim bo‘lgan. Firog‘iyga fors va arab adabiyoti ayniqsa tasavvuf yo‘nalishidagi adabiyotlar katta ta’sir ko‘rsatgan. Bu masala ilmiy sohalarda turkman xalqlari orasida fors va arab adabiyoti kitoblarining keng tarqalganligi, shuningdek, tasavvuf she’riyatiga shaxsiy va doimiy qiziqish bilan bog‘liq. Bu samaradorlik diniy ta’lim va tarbiya sohasida alohida o‘rin tutgan – ushbu maqolada diniy leksemalar va tasavvufga oid va islomiy so‘zlarning qo‘llanilishi eng yuqori darajaga egaligini shoirni she’rlarida misol bilan ko‘rsatib o‘tamiz.

Maxtumquli Firog‘iy shoir Davlatmamat – Ozodiy oilasida tug‘ildi. Ozodiyning kutubxonasida Alisher Navoiy, Nizomiy, Firdavsiy, Sa’diy kabi shoirlarning devonlari, Al –Xorazmiy,

Forobiy, Beruniy, Ibn Sino kabi allomalarning risolalari mavjud edi. Adabiyotshunos olimlarning xabar berishlaricha, bu kutubxonada falsafa, tibbiyot, riyoziyot va ilmi – nujumga oid kitoblar ham anchagina bo‘lgan. Shoir ana shu kitoblarni mutolaa qiladi, hayot sirlarini o‘rganadi. Keyinchalik u Xivadagi Sherg‘ozixon madrasasida, Buxoro va Andijon madrasalarida tahsil oladi.

Maxtumquli Firog‘iy 18-asrda yashab, turkman mumtoz adabiyotini takomillashtirishga katta hissa qo‘shgan, turkman adabiy tilini rivojlantirishda ulkan ishlar qilgan shoirdir. U turkiy xalqlar folklori va adabiyotini chuqur o‘rganadi, Nizomiy, Fuzuliy, Alisher Navoiy, Firdavsiy ijodidan bahramand bo‘ladi. Shoir buyuk tasavvuf allomalari Bahouddin Naqshband, Ahmad Yassaviy singari ulug‘ zotlarni juda ko‘p martalab she’rlarida tilga oladi. Bashariyat farzandlarini doimo mehr oqibatli, do‘st-birodar bo‘lib yashashga da’vat etadi.

Maxtumquli she’riyatida o‘tmishdagi fors madaniyati o‘zining islomiy komilligi bilan namoyon bo‘ldi. Firdavsiy, Sa’diy, Hofiz, Xoqoniy, Nizomiy, Mavluviy, Sanoiy, Iroqiy kabi buyuk shoirlar uning she’riyatida aniq asosga ega bo‘lib, u islomning buyuk mutasavviflari va forsiy zabon olimlar asarlari bilan yaqindan tanishib va ularni asarlarini o‘rganib bahramand bo‘lgan.

Firog‘iyning sherlarida sevgi, vatan va hayoti masalalardan tashqari imon, namoz, zakot, haj, oxirat, Ollohdan qo‘rqish, vafo va yuzlab mavzular o‘rin olgan.

Shuningdek, birinchi she’r «Maxtumquli Devonida» (Rabim Jalil) deb nomlangan. Shundan so‘ng Payg‘ambarimizni maqtov (Hamd) bo‘lgan. Bu esa turkman adabiyotining eng yaxshi va eng go‘zal misralaridan biri hisoblangan kuchli va ajoyib (G‘org‘ach Rasul) nomi bilan mashur she’r.

Dushdi bir xushliq jahon nusrating g‘org‘ach ***Rasul,***
Sarnigun bo‘ldi sanamlar lamta’ting g‘org‘ach ***Rasul****.*

Payg‘ambar – Oy nuri, ismi payg‘ambarlar ro‘yxatida bosh sahifasida yozilgan va uning bayrog‘i har doim yalpirab turgan. Uning maqomi yetti osmondan ham balanddir deb yozadi:

Nuri mahvash quyosh qutlig‘ habibim,

Oding sardaftarda lavhada balli.
Yetti osmon to‘qqiz aflok ustunda,
Bashar Rasulinda ziyoda balli. [3, B.340]

Ey Payg‘ambar, sen oyning tojisan, ko‘z nurisan, sen osmonda farishtasan, sen esa yerda insonsan, sen yerning hukmdorisan, maqomimning jannat ustuni Lavhi mahfuzda ma’lum.

Mohilarning toji san ko‘zlar chirog‘i
*Ko‘kda **malak** yerda bashari rogi.*

Maxtumquli Firog‘iy Payg‘ambarimiz (s.a.v.) va u zotning oilalariga bo‘lgan muhabbatini so‘z bilan ifodalab bo‘lmaydi. Shu boisdan ham u ko‘pchilik she’rlarida bu qadrdonlar nomini katta muhabbat bilan tilga oladi.

*Yuz yigirma to‘rt mingu yetti yuz **Payg‘ambari**,*
Uch ming o‘n uch mursalu, ham alar – toji sari,
Yuz yigirma to‘rt ming durdonaning bosh gavhari,
Ummatining shofi’i, Maxtumqulining manzari,
Ul Muhammad Ahmadi Muxtori ko‘rdim – shundadir [2, B.87].

Maxtumquli she’rlarida payg‘ambarlar, sahobalar va tarixiy shaxslarga munosib **talmeh** san’ati ziynatli tasvir vositasi sifatida eng faol va shoir badiiy mahoratini ko‘rsatuvchi badiiy san’at sifatida muhim o‘rin tutadi. Shunday ekan, Payg‘ambarimiz (s.a.v.) va u zotning oila a‘zolari, sahobaiy ikromlarni sevish katta baxtdir. Maxtumquli Firog‘iy ularni qalbi bilan sevgan, ular haqida adadiy asarlar yaratgan. Uning she’rlarida milliy ruh, mardlik, vatanparvarlik, or-nomus, poklik, tabiatni sevish, kattalarga hurmat, sadoqat, mehr-oqibat va boshqa fazilatlar ko‘p. Vatanga bo‘lgan buyuk muhabbat, xalq g‘ururi, sog‘lom millatparvarlik ruhini o‘zida mujassam etgan bu bebaho she’rlar qalblar chirog‘idir. Uning falsafiy qarashlarini she’rlarida zo‘r badiiylik bilan ifodalashi har bir o‘quvchiga yanada ta’sirchanroq bo‘ladi. Ana shunday boy ma’noli she’rlar esa o‘quvchi qalbiga yo‘l oladi. Shoirning asarlari jahon tillariga tarjima qilinib, qayta-qayta nashr etilmoqda. Maxtumquli she’rlari dunyoning bir qancha tillariga tarjima qilingan.

Adabiyotlar

1. Бобоев Т. Адабиётшунослик асослари. – Тошкент: Ўзбекистон. – Б. 397.
2. Mirzo Kenjabek. Maxtumquli saylanma. 2007. – B.163.
3. Maxtumquli Farog‘i. Kobul devoni. – Kobul: Afg‘oniston. – B. 545.
4. Guzidaiy Devoni Maxtumquli Farog‘iy. – Tehran: Al-hoda Publishing Group, 2014. – B. 528.

Rezyume

Maqolada Maxtumquli Firog‘iyning talmeh san’atidan foydalanish mahorati va shoirning ijodi haqida so’z boradi. Shoir she’rlarida payg‘ambarlar, sahobalar va tarixiy shaxslarga talmeh san’ati ziynatli tasvir vositasi sifatida faol o‘rin tutganligi ochib berilgan. Uning milliy ruh, mardlik, vatanparvarlik, poklik, tabiatni sevish, kattalarga hurmat, sadoqat, mehr-oqibat va boshqa fazilatlar haqida qarashlari bayon etilgan.

Kalit so‘zlar: Maxtumquli, talmih, payg‘ambarlar, tasavvuf, vatanparvarlik.

Summary

This article expresses about Makhtumquli Firoghi's skill in using the art of Talmih and the work of the poet. In the poems of the poet. It is revealed that the art of Talmih to the prophets, companions and historical figures has an active place as a tool of decorative imagery. His views on national spirit, courage, patriotism, purity, love of nature, respect for elders, loyalty, kindness and other qualities are described.

Key words: Makhtumquli, talmih, prophets, sufism, patriotism.

Резюме

В этой статье рассказывается об умении Махтумкули Фироги использовать искусство талмиха и творчество поэта. В стихах поэта раскрывается, что искусство талмиха пророкам, сподвижникам и историческим деятелям занимает активное место как инструмент декоративной образности. Описаны его взгляды на национальный дух, мужество, патриотизм, чистоту,

любовь к природе, уважение к старшим, верность, доброту и другие качества.

Ключевые слова: Махтумкули, талмих, пророки, суфизм, патриотизм.

МАХТУМҚУЛИ ШЕЪРЛАРИНИНГ ҒОЯВИЙ-БАДИИЙ ХУСУСИЯТЛАРИГА ДОИР

Сайёра РАИМОВА,
Термиз давлат университети доценти

Муҳташам туркий адабиётнинг ориф шоирларидан бири Махтумқули Фироғийдир. Унинг адабий мероси, поэтик маҳорати юзасидан тадқиқотлар амалга оширилганига қарамасдан, шоирнинг фитратига сингиб кетган исломий қарашларнинг бадиий талқинлари яқин-яқингача етарлича тадқиқ қилинмади, шеърлар тагматнидаги маънолар ўзининг муносиб баҳосини олган эмас. Тўғри, ўз даврида Ҳ. Вамбери, А.Н. Самойлович ва З.В.Тўғон каби олимлар унинг ижодидаги шеърларнинг диний-маърифий ғоялар билан суғорилганини қайд этган бўлса-да, шеърнинг ботиний табиатидаги жуда улкан исломий-фалсафий руҳнинг «мағзи» тўлиқ «чақилмади», шу боисдан ҳам халқчил шеърлар деган содда баҳолар ҳам берилди. Бироқ айтиш мумкинки, Фироғий шеърларининг маъносини англаш учун ўқувчидан махсус тайёргарлик ва билим талаб этилади. Адабиётшунос олим, профессор Баҳодир Каримов таъбири билан айтганда, «Яқин ўтмишда адабиётшунослар Махтумқули ижодининг асл негизи оят ва ҳадисларга, Шарқнинг улуғ мутафаккирлари тафаккурига уйғунлигини эътироф этиш имконига эга бўлмади»[1,18]. Чунки адабиётшунослигимизнинг бирёқлама, мафкуравий-сиёсий тазйиқ остидаги даврлари асл асарларнинг бўй-бастини кўрсатишга имкон бермади. Сўнгги йиллардаги ўзбек махтумқулишунослигида қилинган энг яхши ва янги тадқиқотлар сифатида Каримбой Қурамбоевнинг «Махтумқули

– илҳом чашмаси», Баҳодир Каримнинг «Махтумқули инсоният шоири» номли тадқиқотларини кўрсатиш мумкин.

Аслида шоирнинг ислом фалсафаси билан уйғунлашган шеърлари ботинига сингдирилган қарашлари замирида у яшаган оилавий муҳит ва мадраса таҳсилининг сезиларли таъсири мавжуд эди.

Биринчидан, оила муҳити нуқтайи назаридан эътибор қаратадиган бўлсак, профессор Баҳодир Каримовга кўра «Давлатмаммад Озодий ўз даврининг билимдон олими, таниқли зиёлиси бўлган. Икки минг байтдан кўпроқ ҳажмли маснавий усулида ёзилган «Ваъзи Озод» асарининг мазмуни Озодийнинг Қуръони каримни, ислом дини тарихи, Расулуллоҳ (с.а.в.) ҳадислари, шариат аҳкомларини жуда яхши билганини кўрсатади»[1,4].

Шунингдек, унинг ислом дини тарихи, саодат асри воқеликлари ёхуд сарвари коинот ва саҳобаи киромларнинг динимизни кенг ёйиш йўлидаги саъй-ҳаракатлари биргина шеър доирасида ўзининг бадиий талқинларини топа олган, ҳақиқий муслимнинг тоза эътиқоди йўл-йўриқлари акс этган бетакрор, ўта пишиқ ва тагдор шеърларининг ғоявий-эстетик жиҳатлари ҳам унинг шахсияти ҳамда олам ва одамга муносабатидан далолат бериб турибди. Фикримизнинг далили сифатида «Тушди бир хўшлуғ жаҳона»[2,352] номли шеърини кўришимиз мумкин:

Сен ки келдинг дунёя бутлар бўлдилар сарнигун,
Ортди ислом шуҳрати, кофирлар ҳам ўлди забун.
Ҳам Абу Бакр, Умар, Усмон чу бўлғач раҳнамун,
Бўлди кофир зид санга исми микринг мўъминун,
Икки дунё бўлди хушнуд раҳматинг кўргач, Расул.

Шоир Абу Бакр Сиддиқ, Умар ибн Ҳаттоб, Усмон ибн Аффон каби чориёрларнинг муборак исмларини зикр этишдан аввал Расул (с.а.в.)га «Кулли олам бўлди иқрор суннатинг кўргач, Расул. Роҳи зулмат бўлди равшан оятинг кўргач, Расул» дея муножот этади. Шоирнинг шеърда Пайғамбаримиз Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи васалламнинг муборак номлари ва сифатлари ҳамда ул зотнинг илмидан, ибратли ҳаётидан, йўл

йўриқларидан воқиф бўлган Абу Бакр Сиддиқ, Умар ибн Ҳаттоб, Усмон ибн Аффон (розияллоҳу анҳу) ларни эътироф этиши лирик қаҳрамоннинг шоир шахсияти билан бир бутунлик касб этишини изоҳлайди, яъни шоирнинг маънавий олами бетакрор исломий ғоялар руҳи билан суғорилганига гувоҳ бўламиз. Шундан англашиладики, шеърда ифодаланаётган лирик қаҳрамон табиати ботинида муқаддас динимиз тарихини, унинг арконларини пухта ўзлаштирган, мустаҳкам илоҳий билимларга эга шоир шахсияти туради.

Ҳурмат ила Ҳақ салом берган Сафийуллоҳ каби,
Оламни ғарқ айлаган Нуҳи-Набийуллоҳ каби,
Кўкда Кунга ёр ўлган Ийсо-Бариҳуллоҳ каби,
Неча минг пайғамбар, ул Мусо-Калимуллоҳ каби,
Қолдилар ҳайратда лавлок, ҳилъатинг кўргач, Расул.

Шоир Расулуллоҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) васфида охир замон пайғамбаригача ўтган бир юз йигирма тўрт минг пайғамбарлар орасидан Одам Сафийуллоҳ, Нуҳ Набийуллоҳ, Ийсо-Бариҳуллоҳ ва Мусо-Калимуллоҳ (алайҳиссаломлар)ларнинг исмларини келтириш орқали Сарвари коинот(с.а.в)нинг олам яралган замонлардан буён бу муборак ном мавжуд эканлигини ва алалхусус, барча пайғамбарлар тилида олийхислат, энг акмал дея эътироф этилганини уқтиради. Расул (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) ва унгача ўтган пайғамбар (алайҳиссаломлар)ларнинг муборак исмларини истифода этиш орқали ҳам бадиий ифодада нидо санъати ва гўзал талмеҳлар яратишга эришади.

Иккинчи бир жиҳати у таълим олган мадрасаи олияларнинг таъсири натижаси ҳам унинг чин инсонлик, мўъминлик рутбасига эришиб, мусулмон биродарини имон-эътиқодли инсон бўлишга, Ҳақни танишга, ҳаромдан ҳазар қилишга чорловларидан ва ўзи туз-наъмак тотган ерга эҳтироми ўлароқ вужудга келган бадиий ифодаларидан ҳам илғаш мумкин.

Манбаларда келтирилишича, у отасидан дуо олиб, Хивадаги Шерғози мадрасасида таҳсил олиш учун келгани ва мадрасани тамомлагандан сўнг илм олган масканига бағишлаб

ёзган «Хуш қол, гўзал Шерғози»[2,80] шеъридан ҳам унинг гўзал инсонийлик фазилатларидан воқиф бўлиш мумкин:

Илму таълим олган сени унутмас,
Кетар бўлдим,хуш қол, гўзал Шерғози

Шеър мазмунидан ҳам англаш мумкинки, ҳар бир ишда ибтидо бўлганидек интиҳо ҳам мавжуд. Лириканинг субъектив ташкилланишига кўра автопсихологик лириканинг гўзал намунасини яратган шоир «Макон айлаб, уч йил едим тузингни» дея эҳтиром кўрсатаётган лирик қаҳрамоннинг кўнгил розларини, руҳий кечинмаларини батафсил ёритади.

Шоирнинг поэтик маҳорати, шеърларининг ғоявий бадиий хусусиятларига эътибор қаратар эканмиз, Қуръони карим сураларининг биринчи оятларида келган муқаддас каломларнинг номи билан боғлиқ интертекстлар, имон калималари, гўзал тасбеҳлардан иборат ўзга матнлар шунчаки қўлланмаганини билиш мумкин. Бу ишоралар ҳақиқий мусулмон учун лозим бўлган фарзлар эканини тушуниш учун эса ўқувчида етарлича ирфоний тушунчалар бўлишини тақозо этади.

«Ҳақ сени сарвар яратди»,
Ошиқ айтар: «Иллаллоҳ!»
Қалдирғоч - «Алҳамдуллоҳ!»
Лайлак дер: «Қулҳуваллоҳ!»
Ханнон – Маннон ичинда [2,359].

Иккинчи мисрадаги «Иллаллоҳ!» интертекстини кенгайтириб кўрадиган бўлсак, ҳақиқий мусулмоннинг иймон калимаси бўлган «Ла илаҳа иллаллоҳ Муҳаммадур Расулуллоҳ» яъни калимаи тоййиба ҳосил бўлишини, учинчи мисрадаги «Алҳамдуллоҳ!» интертексти эса Оллоҳга ҳамд сифатида айтилаётган тасбеҳлардан биридир.

Тўртинчи мисрадаги «Қулҳуваллоҳ!» интерматни муқаддас Мусҳафнинг Маккада нозил бўлган тўрт ояти каримадан иборат «Ихлос» сурасининг биринчи оятининг «(Эй Муҳаммад алайҳиссалом), айтинг: «У Оллоҳ Бирдир.(Яъни, Унинг ҳеч қандай шериги йўқдир. У Якка-ю ёлғиздир.)» [3,979],

дея тафсир қилинувчи биринчи калимаси ҳисобланади. «Пайғамбар алайҳис-салом ушбу сураи карима ҳақида: «Ихлос» сураси Қуръоннинг учдан биридир», деб марҳамат қилганлар» [3,979].

Хулоса ўрнида шуни эътироф этиш лозимки, Махтумқули шеърларидаги ҳикматгўйлик, тагматндаги исломий-фалсафий қарашлар инсониятни эзгу амал сари чорласа, унинг ғоявий-эстетик ва жанр трансформацион жиҳатлари адабиётшуносликда яна кўплаб тадқиқотларга асос вазифасини ўтайди.

Адабиётлар

1. Каримов Б. Махтумқули – инсоният шоири. – Тошкент: Муҳаррир, 2024. –124 б.
2. Сайланма / Махтумқули Фироғий. – Тошкент: Ўзбекистон, 2008. – 408 б.
3. Шайх Алоуддин Мансур. Қуръони азим мухтасар тафсири. – Тошкент: Мовароуннаҳр, 2019. – 985 б.

Резюме

Мазкур мақолада Махтумқули Фироғийнинг айрим шеърлари таҳлилга тортилди. Шунингдек, шоир шеърларидаги бадиий хусусиятлар ҳамда поэтик маҳорат масалаларига эътибор қаратилди.

Калит сўзлар: Махтумқули Фироғий, ғоявий-бадиий хусусият, Қуръони карим, ҳадиси шариф, интертекст.

Summary

This article mentions some of the poems of Magtymguly Firogi. Attention was paid to the artistic features and poetic skill of the poet’s poems.

Key words: Magtimkuli Firogi, Goyavi-badi Khususiyat, Kuroni Karim, Khadisi Sharif, intertext.

Резюме

В данной статье упоминаются некоторые стихотворения Махтумкули Фироги. Уделялось внимание художественным особенностям и поэтическому мастерству стихотворений поэта.

Ключевые слова: Магтимкули Фироги, Гояви-бади Хусусият, Курони Карим, Хадиси Шариф, интертекст.

МАХТУМҚУЛИ ИЖОДИДА ҲУДУДЛАРНИНГ ГЕОГРАФИК ТАЪРИФИ

Алланов Қилич Аллақулович,
Термиз давлат университети
география кафедраси доценти, география фанлари номзоди

Чориев Абдиқайим Қодирович,
Термиз давлат университети
география кафедраси катта ўқитувчиси

Туркман халқи жаҳон цивилизацияси пайдо бўлган кўҳна Шарқнинг энг қадимий халқларидан бири эканлиги айни хақиқат. Неча минг йиллик суғорма деҳқончилик ва яйлов чорвачилиги билан шуғулланиб келиш давомида бу элнинг энг салмоқли туркий забон ҳалқида жаҳонга мақталса арзигулик қадриятлар, урф-одатлар, табиати ва инсонларини бадиий завқли мисраларда тараннум этган шоирлари, олиму фузолалари, исломшунослари етишиб чиққан. Шундай инсонлардан бири шоир Махтумқулидир.

Туркманистон ғарбидаги Сумбар-Атрек водийси Махтумқулининг ватанидир. Махтумқули шу ерда, Санги тоғ этагида Хожиговшан овулида 1733 йилда туғилган ва бобосининг исмини, яъни Махтумқули деб исм қўйишди. Шу ерга 1790 йилларда отаси Давлатмамад (шоир Озодий) қабри ёнига дафн этилган[1].

Махтумқулининг бобоси (Махтумқули) учун шеър тўқиш шунчаки хавас бўлган бўлса, отаси (Давлатмамад) хақиқий шоир бўлиб етишади. У Озодий тахаллуси билан кўплаб қўшиқ ва ғазаллар яратади, унинг 6 минг мисрадан иборат «Вазъи Озод» номли достони сақланиб қолган.

Махтумқули оилада учинчи ўғил бўлиб туғилади ва 9 ёшдан шеър ёзишни машқ қила бошлайди.

Махтумқули оилавий ҳаётида ҳаловат топмайди. Човдурхон бошчилигида Афғонистонга вакил қилиб жўнатилган акалари Абдулла ва Муҳаммадсафо душманлар томонидан шафқатсиз ўлдирилади. Катта хонадоннинг бутун оғирлиги Махтумқули елкасига тушади.

Махтумқулининг «Гўзал Шерғози» шеъридан маълум бўлишича, у Хивада таҳсил олаётган даврида бирин-кетин отаси ва онасидан жудо бўлган:

Комил бўлиб, саранжомлик қилибман,
Машаққат-ла ул падардан қолибман,
Каъбамдан айрилиб, жудо бўлибман,
Кетар бўлдим, хуш қол, гўзал Шерғози![1]

Махтумқули ўзи севган қизи Менглига уйлана олмайди, сабаби қалин пулини тўлашга қурби етмайди.

Давом этиб келаётган қадимий урф-одатларга кўра Махтумқулини катта акасининг бева қолган хотини Оққизга никоҳлаб қўядилар. У Оққиздан икки ўғил кўради. Ўғилларидан бирининг исми Сарибой, бошқасиники Иброҳим бўлиб, биринчиси 7 ёшда, иккинчиси 12 ёшда нобуд бўлади[1].

Аввал севгилисидан, кейин нуридийдаларидан жудо бўлган, оилавий ҳаётдан бахтини тополмаган шоир чуқур қайғу-хасрат ичида қолиб, бутун умрини бадиий ижодга бағишлайди.

Махтумқули Фироғий ниҳоятда зўр, таъсирли, халққа ёқадиган, туркманга ҳам, ўзбекка ҳам ўз тилидек тушуниладиган шеърлари билан бутун Шарққа машҳурдир. Унинг асарларини Сурияда ҳам, Ироқда ҳам, Туркия ва Эронда ҳам, Афғонистон ва хатто Арабистонда ҳам халқлар фахр билан куйлайдилар.

Махтумқули ватанпарвар шоир, файласуф, географ ва сайёҳ ҳамдир. У ўз ватанини, ўз ҳалқини, ўз маданиятини ниҳоятда севган. Унинг ўткир табиий-географик нуқтаи-назардан ёзилган асарларидан бири «Туркманнинг» шеъридир. Бунда туркман элининг ҳудуди табиий-географик жиҳатдан зўр ифтиҳор билан куйланган, яъни, буни қуйидаги шеъридан ҳам билиш мумкин:

Жайҳун билан Хазар бахри ораси,

Чўл устидан эсар ели Туркманнинг,
Гул ғунчаси, қаро кўзим қораси,
Қора тоғдан энар сели Туркманнинг.

Хақ сайламиш, бордир унинг сояси,
Ёйилар чўлида нори, мояси,
Ранг-баранг гул очар қиру қояси,
Ғарқ бўлмиш райҳонга чўли Туркманнинг.

Қизил-яшил бўлиб чиқар париси,
Ҳар ёққа таралар мушк-анбар иси,
Бек, тўра, оқсоқол, юртнинг эгаси,
Кўз қувнатар гўзал эли Туркманнинг.

Отаси марддир, у марднинг зурёди,
Мағрурдир, чунки Гўркли авлоди,
Дала-қирда ўққа тутса сайёди,
Ола билмас, йўлбарс ўғли Туркманнинг.

Ғафлатдан қолмас, жанг куни хор бўлмас,
Қарғишу нафратга гирифтор бўлмас,
Булбулдан айрилиб, сўлиб, зор бўлмас,
Доим анбар сочар гули Туркманнинг

Кўнгиллар, юраклар бир бўла бошлар,
Уюшса, эрийди тупроқлар, тошлар,
Бир суфрада тайёр қилинса ошлар,
Юксалади бахт-иқболи Туркаманнинг.

Кўнгил ҳаволанар отга чиққанда,
Тоғ лаълга айланар қиё боққанда.
Бол келтирар дарё тўлиб оққанда,
Кам бўлмас меваси, боли Туркманнинг.

Кўнгли қоралар ҳам уруғнинг ёри,
Толеи терс эмас, ёғар ҳақ нури.
Мардлар отга минса, борар жанг сари.
Ёв устига элтар йўли Туркманнинг.

Сархуш бўлиб чиқар, бағри доғланмас,

Тошларни синдирар, йўли боғланмас,
Кўзим ётга тушмас, дил йироқланмас,
Сўзлар Махтумқули-тили Туркманнинг. [1]

Махтумқули табиатни жуда севган, унинг сирларини билган, ҳамиша саёҳатга интилган, толмас, хушчақчақ ва ширин забон йигит бўлган.

Махтумқулининг сайёҳатлари тўғрисида унинг ўз асарларини ўқибгина хулоса чиқариш мумкин.

Махтумқули ёшлигидан саёҳатларда юриб, Каспий бўйидан то Амударёгача кезган. Бухорода таълим олган, сўнгра Афғонистонга ўтган. Ҳиндистонда бир йил уч ой турган, қайтиб Фарғонани (Андижон, Марғилон) кўрган. Қозоғистоннинг Туркистон шаҳрига борган. Хоразмга-Хивадаги Шерғозихон мадрасасига келиб ўқиган, сўнг яна ўз элига – Атрек дарёси водийсига, Деҳистонга қайтган.

Шундан сўнг Озарбайжон, Эрон, Туркиянинг Шарқий қисми, Ироқни айланиб келган. Унинг сайёҳ-географ эканлигини қуйидаги шеърий мисраларидан ҳам билиш мумкин:

Кўзим кўрмуш Ҳиндистон,
Эйрон билан ҳам Афғон,
Уммон, Хазар, Деҳистон,
Борсам мизона тушмас.

Юқорида Ҳиндистони,
Орқада Туркистони,
Авлиёлар Уммони,
Ул Румистонни кўрсам. [2]

Озарбайжон сайёҳатидан олган таассуротини у шундай ифодалаган;

Сафар этиб борсак Нуха мулкига,
Кўнгли истагандек яйлоқлари бор,
Сайран этсак ғунчасига, гулига,
Боғчасида булбул ўйноқлари бор,
Ёри гўзал, ҳаста одам соғ бўлур,
Оғриқ, бежон, ғариб кўнгли чоғ бўлур,

Серчаман дарахти билан боғ бўлур,
Ажаб, қуш солмоққа овлоқлари бор. [2]

Махтумқулининг «Гўкланг», «Гурганинг», «Ҳасар тоғи», «Хазаристонга сари» каби шеърларида ҳам жойлар бадиий-географик тасвирланган.

Унинг Астраханда бўлганлиги ҳам, у ерда русслар ҳаёти билан танишганлиги ҳам шеърларида баён қилинган. Ҳатто Эрон билан Ҳиндистон орасидаги Уммон денгизи бўйларида – ё Уммон тупроғида (хозирги Покистон ерларида) ҳам бўлган, бунга унинг шерларида шама бор. Шоир Ўрта Шарқдаги барча туркман қабилалари орасига кириб, уларнинг аҳволини, озодлик, мустақиллик ва фаровонлик орзуларини билди, шу билан бирга табиатини географик нуқтаи-назардан ўрганди.

География фани учун шоирнинг «Бу дунё» шеъри жуда қимматлидир. Бу шеърида шоир дунёнинг катталигини, айрим мамлакатларнинг масофалари, тиллар ва бошқалар тўғрисида бадиий образлар билан куйлайди.

Махтумқулининг шу географик шеърини айнан келтирамиз:

Мағрибдан Машриққа дунёнинг юзи,
Айтманг бизга номаълумдир бу дунё,
Ободи, хароби, дарёси, тузи,
Юз қирқ олти минг оғач йўлдир бу дунё.

Бу жаҳон юзида ишлар пайдодир,
Ранг-барангдир, томошадир, ғавғодир,
Қирқ олти минг-денгиз, дарёдир,
Етмиш икки турли тилдир бу дунё.

Бир эллик минг узоқ йўллар унда бор,
Дев-пари маскани, қуллар унда бор,
Тошлар, тоғлар, оч арслонлар унда бор,
У ерда одамдан чўлдир бу дунё.

Ўн икки минг оғач жойи Ҳиндистон,
Олти минг оғач йўл арзи Румистон,

Тўрт минг Сақлап, Санжоб, тўрт минг Деҳистон,
Гўё кечиб борган селдир бу дунё.

Беш минг оғач ажут-маъжут, минг саҳро,
Етти минг жазира, етти минг дарё,
Бу дунё шундайдир, бир тубсиз дарё,
Эллик минг, бир ботмон молдир бу дунё.

Икки минг уч юз оғач аҳли исломдир,
Ироқ, Озарбайжон, Мисрдир, Шомдир,
Хуросон, Форс, бадроҳида томомдир,
Йўқ бўлганда қол-мақолдир бу дунё.

Махтумқули номинг бўлди Фироғий,
Фориғ бўлиб, торт ўзингни қирғоққа,
Ҳисоб этдим, дунё бошдан-оёққа,
Уч юз олтмиш йиллик йўлдир бу дунё. [2]

Махтумқулининг ушбу шеърида кўрсатилган масофалар – «146 минг оғач», «12 минги Ҳиндистон», «7 минг жазира» кабилар албатта, шартли, символик рақамлардир. Уларни на квадрат километр, на километрга айлантириб таққослаб бўлмайди. Шундоқ бўлса-да, бу шеър Махтумқулининг географик савияси кенг эканлигини исботлайди.

Махтумқули, айниқса Санги тоғни (Сўнгтоғ) маҳаббат билан тилга олади. У ҳаётининг сўнги дамларида шу тоғ тепасига кўтарилиб, охирги шу шеърини айтган экан:

Санги тоғ
Жондан азиз, Санги тоғи,
Кўкка етар белинг сенинг,
Душман кўрса Девдай бўлар,
Ёвмут, гўкланг элинг сенинг.

Гашт айлабон яйлов борсак,
От чоптириб, соврин берсак,
Кенг майдонда хирмон қурсак,
Нондан тўлар дулинг сенинг.

Тикка, адил йўлинг кечар,
Қирлар бағри кўнглинг очар,
Салқин чашма сувинг ичар,
Сурув-сурув молинг сенинг.

Турли-туман ўтинг битар,
Хар даранг бир элга етар,
Қатор-қатор карвон ўтар,
Шифобахшдир йўлинг сенинг.

Махтумқули давон ошган,
Даври-даврон сендан кечган,
Туғилган ердан эл кўчган,
Қандай кечар холинг сенинг. [1]

Махтумқули асарларини ўқиганингизда кўплаб географик жой номлари тилга олинган ва бу ҳудудларга географик таърифлар берилган яъни: Мағриб, Мағрибистон, Миср, Нил, Қулзум денгизи, Яман, Хабаш, Макка, Уммон, Рум, Румистон, Арзи, Карс, Юнон, Фаранг, Шом, Сақлаб, Булғор, Қипчоқ, Қозоқ, Ироқ, Боғдод, Карбало, Эрон, Мозондарон, Исфоҳон, Кирмон, Форс, Афғон, Хирот, Балх, Дамғон, Шибирғон, Ақча, Бадахшон, Қандахор, Андхўй, Хазаристон, Озорбайжон, Табриз, Шамоҳи, Нуха, Ширвон, Қорабоғ, Дарбанд, Турон, Хоразм, Жайхун, Хива, Бухоро, Самарқанд, Марғилон, Андижон, Фарғона, Сайром, Туркистон, Нурота, Бободарғон, Қашқар, Хўтан, Ҳинд, Чин-мочин, Қоф тоғи, Деҳистон, Манқишлоқ, Атрек, Гурган, Баҳри, Хазар ва бошқалар.

Таниқли шарқшунос олим Е. Бертельснинг ёзишича, Махтумқули адабий меъросининг умумий миқдори тахминан 16-18 минг мисрага етади.

Туркманистон ФА ва Россия Федерацияси ФА академиги Агажан Бабаев шоирнинг 700 га яқин лирик асарлари бизгача етиб келганлиги ҳақида маълумот беради.

Ўзбек олимаси С.Шукруллаева эса собиқ қўлёзмалар институти (ҳозирги Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси Абу Райҳон Беруний номидаги Шарқшунослик институти Ҳамид Сулаймон фонди)даги 1997-рақамли

қўлёзмада шоирнинг 900 дан ортиқ шеъру ғазаллари мавжудлиги тўғрисида хабар беради.

Махтумқулининг ижодий мероси бутун башариятга, биринчи галда Хитойдан то Ажам (Ироқ) гача бўлган худудда яшаётган халқларда, мана 3 асрга яқин вақт мобайнида маърифат улашиб келмоқда.

Ўрта Осиё маданиятининг фахри, ҳам туркман, ҳам ўзбек фарзанди Махтумқули Фироғий XVIII аср ўрталаридаги ажойиб шоир ва сайёҳ-географ, етти иқлимга манзур бўлган шеърларининг мазмуни кўп ҳолларда туғилиб ўсган ватани ёки муайян бир географик ҳудуд билан боғланган, шу сабабли ҳам шоир Махтумқулини географ ва энг машҳур ватанпарвар инсон дейиш ўринлидир.

Адабиётлар

1. Махтумқули. Дунё ўтиб борадир: Шеърлар. – Тошкент: Шарқ, 2007. – 240 б.

2. Ҳасанов Ҳ. Ўрта Осиёлик географ ва сайёҳлар. – Тошкент: Ўзбекистон, 1964. – 252 б.

Резюме

Мақолада туркман халқининг етук шоири, файласуф Махтумқули ҳаёт йўли ҳамда ижодида жой номларининг талқини борасида сўз юритилади.

Калит сўзлар: Махтумқулининг ҳаёт йўли, шеъриятидаги топонимик номларнинг берилиши.

Резюме

В статье рассказывается об известном поэте туркменского народа, философе Махтумкули, а также о толковании топонимов в его творчестве.

Ключевые слова: Образ жизни Махтумкули, топонимические названия в его поэзии.

Summary

The article talks about the famous poet of the Turkmen people, the philosopher Magtymguly, as well as the interpretation of place names in his work.

Key words: Magtymguly’s lifestyle, toponymic names in his poetry.

MAXTUMQULI IJODIDA BIBLIONIMLARNING LEKSIKOGRAFIK XUSUSIYATLARI

Mansur XAMIDOV,
Termiz davlat universiteti
o‘zbek tili va adabiyoti kafedrasi katta o‘qituvchisi,
filologiya fanlari bo‘yicha falsafa doktori

Har qanday asarning lisoniy ostonasi – biblionimdan boshlanadi. Nutqning yozma ko‘rinishida adabiy turlarning tarkibida mavjud bo‘lgan janrlar mahsuli bo‘lgan ijodiy asarlarning «bismillosi» aynan biblionimdir. Og‘zaki nutqda ham biz asarlarni biblionimdan boshlaymiz. Masalan, she’r aytganimizda dastlab uning nomi va muallifini aytamiz: Maxtumquli – «So‘zlarim» she’ri. Ba’zida shu biblionimning o‘zidan asar mazmun-mundarijasini anglab olamiz. Maxtumqulining «Vafot bor» she’riy asarini o‘qimasdan turib bu dunyoda hech kim abadiy qolmasligini, hamma foniylikdan boqiylikka rixlat qilishini yodga soladi. She’rning matnida diniy mazmundagi fikrlar zanjiri uchun biblionim ochqich vazifasini bajaradi.

Adabiy-uslubiy malaka va mahorat unsurlarini tadqiq etish matn uslubiyati muammolariga murojaat qilishni taqozo etadi [8, B.35]. Biblionim asar, risola va kitoblar uchun nomdir [3, B.82]. Lekin u matn uchun shunchaki bir shartli ramz – belgi emas, matnning mohiyati, mazmuni, maqsadi va vazifasi bilan uzviy aloqador bo‘lgan muhim tarkibiy qismi hamdir. Shu bois badiiy asarga aniq va maqsadga muvofiq biblionim qo‘yish talab qilinadi. Bu esa ancha murakkab ijodiy jarayondir. Biblionim muammosi adabiy-ijodiy faoliyat sohasiga, badiiy mahorat-u ma’naviy ruhiyatga daxldor muammo hisoblanadi. Bu muammoga oid nazariy va amaliy ma’lumotlar va ulardan o‘z o‘rnida ustalik bilan foydalanish katta ahamiyatga ega [7, B. 30-33].

Biblionimlar sintaktik qurilishi jihatdan qanday bo‘lmasin yozma nutqning tarkibiy qismi sifatida nutqiy birlik sanaladi. Ko‘pincha, ular mazmuni, tuzilishi jihatdan ellipsisga uchragan nutq parchalari sifatida namoyon bo‘ladi. Biblionim sifatida kelgan so‘z yoki so‘z birikmasi matn ichida ma’lum gapning qismi bo‘lib kelgan holatidan birmuncha farq qiladi. Ular gapning qismi bo‘lgan so‘z yoki so‘z birikmasi emas, balki butun bir tuzilmadir [7, B. 32-35]. Shunga ko‘ra, qanday tuzilishidan qat’iy nazar, biblionimni mustaqil sintaktik birlik – gap sifatida qaragan ma’qul:

a) Biblionim o‘zining tabiatiga ko‘ra nutq hodisasi sanaladi;

b) Biblionim sifatida, odatda, ma‘lum turdagi sintaktik andozalar qo‘llanadi;

d) Nisbatan mazmuniy-intonatsion tugallikka ega bo‘ladi;

e) Predikativlikka ega bo‘ladi;

f) Har qanday biblionimdan, sintaktik qurilishidan qat’iy nazar, ma‘lum darajada xabar anglashiladi. Shu jihatdan ham barcha turdagi biblionimlar kommunikativ birlik – gap hisoblanadi. Bu hol biblionimlarga xos bo‘lgan nominatsiya – atash, nomlash vazifasiga, ularning lug‘aviy tarkibi, lisoniy tuzilishi xususiyatlariga zid kelmaydi.

Aksariyat olimlar har qanday biblionim uchun asosan uchta: atash (nominativ), xabar berish, ma’lum qilish (reklama) vazifasi xos bo’lib, ular o‘rtasida raqobat va o‘zaro bog‘liqlik bor, deb hisoblashadi. Bu vazifalar turli xil yorliqlar uchun ham xosdir. Boshqa ishlarda esa biblionimlarning tashviq qilish, ishontirish va bayon qilish vazifalarini ham bajarish ta’kidlanadi. Ishontirish va mazmunni ixcham bayon qilish vazifasi asar biblionimlari uchun ham xos bo‘lib, ular yana boshqa vazifalarni ham bajaradi. Asar sahifalarini kuzatish biblionimlar quyidagi vazifalarni bajarishi mumkinligini ko‘rsatadi: 1) atash; 2) farqlash;
3) xabar berish; 4) reklama qilish; 5) ishontirish; 6) ko‘rsatma berish; 7) tashviq qilish; 8) murojaat qilish; 9) ixcham izoh va boshqalar.

Biblionimlar o‘zlari biriktirilgan matnning nomi sifatida axborotlarni bir-biridan ajratib, farqlab ham turadi [2, B.24]. Darhaqiqat, asar nomi bo‘lmasa, Anvar Obidjonning «Maqolasiz sarlavha» hajviyasidagi holatga tushishi tayin. Ba’zan nomlar ikki

ijodkorda bir xil bo‘lsa ham matnning shakli, mazmuni, voqealar rivoji kabi xususiyatlari bilan farq qiladi.

Badiiy asar tilini tadqiq etish masalasi tilshunoslikda o‘ziga xos estetik mohiyatga ega bo‘lgan ayni vaqtda, Qardosh xalq shoiri Maxtumqulining badiiy olamini lingvopoetik jihatdan tahlil etish turkiy tilshunoslikda, shuningdek, turkman va o‘zbek tilshunosligidagi tillararo munosabat va hamkorlik masalasida yangi qiyofa kasb etadi. **Maxtumquli** (taxallusi – ***Firog‘iy***)ning tildan foydalanish mahorati nafaqat asarlari matnida, balki o‘sha asarlarga qo‘yilgan nomlarda ham yaqqol ko‘zga tashlanadi. Badiiy asar nomi oddiy kitobxonning e’tiborini jalb qilish bilan birga tilshunoslar nazaridan ham chetda qolmaydi. Ayniqsa, uning falsafiy, diniy, estetik, madaniy, ma’rifiy, sotsiologik qarashlari aks etgan she’rlari alohida ahamiyatlidir. Biz ushbu maqolamizda ijodkorning biblionim qo‘llash mahoratini tahlil qilar ekanmiz, ularni tematik jihatdan quyidagicha guruhlashni lozim topdik.

1. Falsafiy nomlar. Shoirning ijodida falsafiy biblionimlar sermahsuldir. Uning hayot, umr, jamiyat va insonlar haqidagi o‘ylari, kuzatishlaridan chiqargan xulosalaridek yuzaga chiqadi. Biblionimlarning aksariyati gap strukturasida bo‘lib, inversiya holatida tartiblashgan. falsafiy biblionimlarida undalma, kishilarga, umumga qaratilgan murojaat kabi ifodalanadi. «*Yo‘lmish bu dunyo», «Kelgan ham bordir», «Inson yaratdi», «Bu naqldir odamzod», «Ucha bilmam naylayin», «Qoldi, naylayin», «Bormi yoronlar», «Uchdim yoronlar», «Botdi, yoronlar», «Bo‘lmas, yoronlar», «Qolar, yoronlar», «Fig‘on kelgaydir», «So‘libdir fig‘on bilan», «Sabr bilan bitar tez ham bo‘lmasa», «Ko‘ngildir vayron», «Jilvali, pokiza qizdir bu dunyo»* singari asarlarining nomlari o‘zida falsafiy va mantiqiy yuk tashib, asar matnidagi voqealar tizginini ushlab turadi. Boshqacha aytganda badiiy matnning lingvistik markazi bo‘lib maydonga chiqadi.

2. Paremiologik birliklar asos bo‘lgan nomlar. Tilning paremiologik fondini xalq durdonalaridan tuzilgan va uning madaniyatidan mustahkam o‘rin olgan javohir sandig‘i deyish mumkin. Maxtumquli asarlarida paremiologik birliklardan maqollar, matallar, ibora va topishmoqlar kabi xalq og‘zaki ijodi namunalari

diniy-tasavvufiy holatda qayd etiladi. Masalan, Durdi shoir bilan **«Aytishuv»**idagi topishmoqsifat savol-javoblar o‘ziga xos manzara hosil qiladi. **«Unib-o‘sgan o‘z yurtingdan ayrilma»** biblionimi *«O‘zga yurtda (shoh) sulton bo‘lguncha o‘z yurtingda cho‘pon (gado) bo‘l»* maqoliga semantik uyg‘undir. Kuni bitgan iborasiga **«Oy-kuningiz botmoqda»** biblionimi hamohanglik kasb etadi [8, B.27].

3. Pretsedent nomlar. Badiiy asar (*nomi va matn tarkibi ta’kid bizniki – M.X.*)da qo‘llagan pretsedent nomlar, eng avvalo, lingvopoetik ahamiyatga ega bo‘lgan muhim semantik-stilistik komponentlardan biridir [9, B.41]. Asar matnida tasvirlangan qahramonning xarakter xususiyati orqali tilshunos olim Gumboldtning «xarakter yaratish uchun eng qulay vosita tildir» [1, B.319]. degan qarashini shoir Maxtumquli yana bir bor tasdiqlagan. Uning ijodidagi bu kabi nomlardan **Abdulla (**Maxtumqulining akasi), **Xush qol, go‘zal «Sherg‘ozi», Yo, Ahmad shoh** kabi biblionimlar bilan bir qatorda ***Otamiz Odamning to‘nin kim bichdi, Odam ato-la uchrashdi, barqaror etgan Karim, Bilol bor, sochdi Muhammad, Alidir, ul Hasan birla Husayn, yo Muhammad Mustafo, Muhammad kelar deb, chekkum Yusuf deya-deya, ellik ming yil davron surgan Banijon*** kabi islom diniga aloqador ulug‘ shaxslar nomi bilan bog‘liq biblionimlar salmoqli o‘rin egallaydi.

M.Yo‘ldoshev va Q.Yadgarovlarning «Badiiy matnning lisoniy tahlili» fanidan amaliy mashg‘ulotlarni tashkil etish kitobida «Oksyumoron grekcha so‘z bo‘lib, «o‘tkir lekin bema’ni» degan ma’noni bildiradi. Ular ayrim adabiyotlarda «okkazional birikmalar», «noodatiy birikmalar» yoki «g‘ayriodatiy birikmalar» deb ham yuritiladi. Bunday birikmalar individualligi, yangiligi, ko‘nikilmaganligi va ohorligi bilan tasvir ifodaviyligini ta’minlaydi....bunday g‘ayriodatiy birikmalar antitezaning bir ko‘rinishi sifatida talqin qilinadi...bunday birikmalar shoirning badiiy tafakkur mahsuli hisoblanadi» deb qayd etiladi [4, B.68]. Mana shu oksyumoronlar Maxtumquli asarlarining nomlarida ham mavjud. Masalan, *«savol-sinov», «dard ingraydir», «qimmat yaxshidir»* kabi noodatiy birikmali nomlarning qo‘yilishi shoirning betakror uslubini namoyon qilgan.

Yuqoridagi fikrda oksyumoronlarni ayrim adabiyotlarda «okkazional birikmalar» va «antiteza» deb ta’kidlanishi bizningcha to‘g‘ri emas. Zero, «okkazional so‘zlar... insonning faqatgina intellekti – fikrlash qobiliyatigagina emas, balki uning hissiyotiga, voqelikni, dunyoni estetik jihatdan qabul qilishiga bog‘liq holda dunyoga keladi» [5, B.78].

4. Parafrazaik nomlar. Lingvokulturologiya fani doirasida o‘rganiluvchi
o‘xshatishlarning turg‘un va individual turlari tasnif qilinadi. Bu guruhlashni tasviriy ifodalarga ham qo‘llasak bo‘ladi. Chunki publitsistik uslubda zohir bo‘luvchi oq oltin, zangori ekran, samo lochini, dala malikasi kabi tasviriy ifodalar tilimizda turg‘unlashib qolgan. Ijodkorlar badiiy asarlari matnida individual tasviriy ifodalar yaratadiki, bu til rivojiga, xususan perifrazalar fondiga sezilarli ta’sir ko‘rsatadi. Maxtumquli she’riy matnlarida ham bu xil holatni uchratishimiz mumkin. Bu bilan muallif tasviriy ifodalarini kashf etgan. Jumladan, *«Jilvali, pokiza qiz – dunyo», «Uch yuz oltmish yillik yo‘l – dunyo», «Din bobomiz – Xalilulloh», «Mo‘jiz asosi – Muso kalim», «Oxirat yo‘ldoshing - imon», «Badan shohi – ko‘ngil», «Rasul yoroni – Abu Bakr Siddiq», «Biru Bor - Xudo»* kabi biblionimlar individual tasviriy ifodalarga misol bo‘ladi.

5. Diniy mazmundagi nomlar. Maxtumquli ijodida diniy mavzu yetakchilik qiladi. Uning she’rlarida ifodalangan fikrlar, mavzular integratsiyasida diniy nomlar, birikmalar asosiy o‘rin tutadi. Zero, diniy ifoda Maxtumqulining o‘ziga xos uslubi hisoblanadi. Ayniqsa, arab alifbosidagi harflar asosida yozilgan «Men benavoga», «Bitmak kerak» biblionimlari va dialogik nutqda yozilgan savol-javob tarzidagi she’riy matnlari shoirning din ilmida ham yuksak mahoratga egaligidan darak beradi.

Xulosa qiladigan bo‘lsak, badiiy asar nomlari tilshunoslikda milliy tilning noyob xazinasidir. Biblionimlar o‘zida matnning quyi, o‘rta va yuqori ma’no mushtarakligini jamlagan yaxlit lingvopoetik hamda leksikografik xaritadir. Shu jihati bilan dolzarb hisoblanadi. Ayniqsa, terminologiya rivojida biblionimlarning o‘rni va ahamiyati yuqori darajada. Demak, Maxtumquli badiiy merosi, biblionimlari tillar ravnaqi yo‘lida qimmatli manbalardan biri bo‘la oladi. Biz

bunga ijodkor asarlarining biblionimlarini tahlil qilish jarayonida uning nafaqat badiiy ijodkor, shu bilan birga tilshunos-nominator ekanligiga ham amin bo‘ldik.

Adabiyotlar

1. Гумбольдт В. Избранные труды по языкознанию. – М.: Прогресс, 1984. – С. 319.
2. Ёқубов Ш. Навоий асарлари ономастикаси: Филол. фанлари номзоди... дисс. автореф. – Тошкент, 1994. – Б. 24.
3. Йўлдошев Б. Бадиий асар сарлавҳаларининг семантик ва грамматик хусусиятлари ҳақида (Абдулла Қаҳҳор ва Саид Аҳмад асарлари асосида) / Ўзбек тилшунослиги масалалари. Мақолалар тўплами. – Самарқанд, 2001.
4. Йўлдошев М. Ядгаров Қ. Бадиий матннинг лисоний таҳлили фанидан амалий машғулотларни ташкил этиш. – Тошкент. – Б. 68.
5. Лыков А.Г. Окказиональное слово – как лексическая единица речи // Филологические науки, 1971. № 5. – С. 78.
6. Primov A., Aqmanova Sh. Biblionimlarning nutqiy-kommunikativ va funksional xususiyatlari // Ilm Sarchashmalari. 2017-yil, 9-son. – B. 30-33.
7. Тошалиев И. Сарлавҳалар стилистикаси. – Тошкент, 1995. – Б. 32-35.
8. Усмонова Ш. Лингвокультурология фанидан маърузалар курси. – Тошкент, 2014. – Б. 27.
9. Худойберганова Д. Прецедент номларнинг антропоцентрик талқини // Ўзбек тили ва адабиёти. 2015, 2-сон. – Б. 41.

Rezyume

Ushbu maqolada biblionimlarning o‘ziga xos nutqiy, uslubiy xususiyatlariga to‘xtalindi. Bunda turkman shoiri Maxtumqulining asarlaridagi biblionimlarga murojaat qilindi. Maxtumquli – Firog‘iyning biblionimlari leksikografik jihatdan tahlilga tortildi va tematik jihatdan tartiblashtirildi.

Kalit so‘zlar: Biblionimlar, pretsedent nomlar, parafrazaik nomlar, ironiyali nomlar, lingvopoetika, she’riy matnlar.

Summary

This article focuses on the unique rhetorical and stylistic features of biblionyms. At the same time, a reference was made to the biblionym in the works of the Turkmen poet Magtymguly. The biblionyms of Magtymguly-Firogi were lexicographically analyzed and systematized thematically.

Key words: biblionyms, precedent names, paraphrasic names, ironic names, linguopoetics, poetic texts.

Резюме

В данной статье основное внимание уделяется уникальным риторическим и стилистическим особенностям библионимов. При этом была сделана ссылка на библионим в творчестве туркменского поэта Махтумкули. Библионимы Махтумкули – Фраги были лексикографически проанализированы и систематизированы тематически.

Ключевые слова: библионимы, прецедентные имена, парафразические имена, иронические имена, лингвопоэтика, поэтические тексты.

MAXTUMQULI LIRIKASIDA AN’ANAVIY YO‘L OBRAZI

Feruza Bobonazarovna SULTONQULOVA,
Termiz davlat universiteti
o‘zbek adabiyotshunosligi kafedrasi katta o‘qituvchisi,
filologiya fanlari bo‘yicha falsafa doktori

Turkman adabiyoti shakllanishida katta hissa qo‘shgan Maxtumquli Firog‘iy XVIII asr ma’rifiy she’riyatining yirik vakili sifatida yorqin iz qoldirgan. U o‘zining xalqona, didaktik, diniy-ma’rifiy ruhdagi she’rlari bilan turkiy xalqlar adabiyoti rivojiga Alisher Navoiy ijodidan keyin sezilarli ta’sir qildi. Shoirning she’riyati butun turkiy xalqlar uchun tushunarli bo‘lib, ayniqsa, o‘zbek xalqi orasida necha yuzlar o‘tsa-da mashhur bo‘lib kelmoqda. Maxtumquli – shoir, ma’rifatli siymo, orif oshiq, sahibi hikmat bo‘lgan valiy zotdir. Uning insonparvarlik, xalqparvarlik,

vatanparvarlik g‘oyalari bilan yo‘g‘rilgan she’riyatida pok islomly ma’rifat g‘oyasi yetakchi o‘rinda turadi. Maxtumqulining butun ma’rifati, islomiy muhabbati, ishqi, shavqi, qayg‘usi she’rlarida aks etadi. Uning she’rlarini o‘zbek tiliga tarjima qilgan shoir Mirza Kenjabek «Maxtumquli she’riyati bani basharga qilingan otashin va ma’rifiy xitoblardan iborat. Maxtumquli she’riyati Qur’oni karim va hadisi shariflar ma’nolarining she’riy sharhidan iborat. Maxtumquli she’riyatining bosh yo‘nalishi: iymon-e’tiqod, o‘lim va hayot, qiyomat haqligi, dunyoning foniyligi va oxiratning boqiyligi, ogohlik bilan oxiratga hozir ko‘rmoq zaruriyati kabi ezgu g‘oyalardir» [1, B.3] deb e’tirof etgandi.

Shoir ijodidagi shunday yuksak g‘oyalari uning she’rlardagi yo‘l va yo‘lovchi kabi timsollar orqali istifoda etilgan. Ma’lumki, uning ijodi tasavvuf ta’limoti bilan bog‘liq. Tasavvuf she’riyatida esa yo‘l muhim obrazlardan biridir. Tasavvuf adabiyotida uning turli ma’no ifodalari borligini ko‘rish mumkin. Taniqli o‘zbek tasavvufshunos olimi Ibrohim Haqqulov talqinicha tasavvufda yo‘l – «ishq yo‘li, sir yo‘li, hurriyat yo‘li»dir [2, B.109].

Turk olimi professor Suleyman Uludag‘ni «Tasavvuf atamalari so‘zligi»da yo‘lning tasavvufga aloqador yigirmaga yaqin ma’nolarini ko‘rsatadi: «1. Tariq, tariqat, roh. 2. *tas*. Haqqa boradigan va solikni ilohiy huzurga yetkazadigan vosita. Yo‘lga kirmoq: tariqatga kirmoq; yo‘lga keltirmoq: bir kimsaning tariqatga kirishini ta’minlamoq; yo‘l rahbari: birovning tariqatga kirishini ta’minlagan yo‘l ko‘rsatuvchi, tolibni murshidning huzuriga chiqargan kishi; yo‘l ko‘rsatmoq: irshod etmoq; yo‘ldosh: ayni tariqatga mansub kishi; yo‘ldan qolmoq: tariqatda bo‘shanglik, tanballik qilmoq; yo‘lda qolmoq: bir bekatda (manzilda) turib qolmoq; yo‘lsizlik: tariqat odob va arkoniga mos bo‘lmagan harakatlar qilish; yo‘l bermoq: shayxning muridiga izn bermog‘i; yo‘l qoidalari: odob, arkon; yo‘ldan urmoq: Haqqa boradigan yo‘lda yo‘l to‘smoq, soxta shayxlik qilmoq; yo‘ldan uruvchi: rohzan, soxta shayx; yo‘ldan ketgan horimas: tariqat odob va usuliga amal qilgan charchamay, zahmat chekmay Haqqa yetadi; mashaqqatli yo‘l manzildan a’lodir: qiyin bo‘lsa-da yo‘l yurmoq bir manzilda turib qolmoqdan yaxshidir; yo‘l farzandi: murid» [3, B.387-388].

Turk adabiyotida mazkur obrazning har jihatdan kamoloti, shubhasiz, hazrat Alisher Navoyi ijodida ko‘zga tashlanadi. Navoyining birgina «G‘aroyib us-sig‘ar» devonidagi «fano yo‘li», «din yo‘li», «porso yo‘li», «adam yo‘li», «xonaqah yo‘li», «hijron yo‘li», «falak yo‘li», «ishq yo‘li», «sarsar yo‘li», «faqr yo‘li», «ko‘z yo‘li», «sirishk yo‘li», «rizo yo‘li», «talab yo‘li», «haq yo‘li», «nazar yo‘li», «ko‘ngul yo‘li», «ovoralig‘ yo‘li», «xarobot yo‘li» kabi poetik ifodalar yo‘l obrazining mohiyatini ochishga, muallif badiiy niyatini yuzaga chiqarishda muhim orin tutadi [4, B.23-26].

Shu jihatdan turkman shoiri Maxtumquli she’riyatida ham yo‘l obrazining bir qator badiiy talqinini ko‘rish mumkin. «Haqqa ayon erdi holim» she’rida yozadi:

Tengu to‘shim bo‘z yigitlar,
Har kim bir ishga ulashdi.
Haq har kimga bir yo‘l berdi,
Har kim bir bunchga talashdi». [1, B.23]

Ushubu parchadagi «*Haq har kimga bergan yo‘l*» turlicha mazmun kasb etishi bilan ahamiyatlidir. Mutasavvuf olimlar ta’kidlaganidek, bu yo‘l haq hidoyat yo‘li bo‘lib, unda inson komillik sari harakat qilmoqlik kerak. Ikkinchidan haq har kimga bergan yo‘l hayot, umr demakdir. Bunda ham insonning umrini mazmunli, yaxshi amallar bilan o‘tkazmog‘i muhimdir.

Kimlar kirdi Haq yo‘liga,
Yaxshilik tushdi fe'liga,
Kim qilich oldi qo‘liga,
Choldi, Islom dinin ochdi. [1, B.23]

She’rda yo‘l obrazi shoirning ham o‘z holini ochishga xizmat qilgan: «Maxtumquli, mening yo‘lim Ul do‘stlardan ayro tushdi».

Uning yasavviyona ruhda bitilgan she’rlarida «ishq yo‘li» an’anaviy tarzda tasavvufiy ma’no kasb etgan.

Ishq yo‘lin havas aylab,
Kelgan bormi, yoronlar?
Dardimni bayon etsam,
Bilgan bormi, yoronlar? [1, B.24]

Ma’lumki, tasavvufda ishq yo‘li oddiy yo‘l emas. Bu yo‘l Haqqa yetmoqning yagona yo‘li sanaladi. Shoir bir qarashda zohiriy ishqdan so‘z ochgandek bo‘ladi. Ammo ishq yo‘li botiniy bo‘lib, haqqa yetmoqlikdir. Maxtumqulining ko‘plab she’rlarida lirik qahramoni – «haq yo‘li» sari «manzil»ga «ko‘ch»adi, «qirq yo‘l kechadi». «Haqqa to‘g‘ri bo‘lsa, yo‘li bandaning» – toza umrida haromga yondoshmas, kirga bulg‘anmas» bo‘lib yashaydi.

Qulzumni qir bilib, qirq yo‘l kecharman,
Agarki mayl etsa yor bizim sari.
Qadam yerga qanot bog‘lab ucharman,
Desa dilbar: «Oshiq, yur bizim sari» [1, B.60].

Maxtumquli ijodidagi kabi XX asr o‘zbek she’riyatida ham yo‘l obrazi an’anaviy ravishda qo‘llanilib kelinmoqda. Fitrat, Cho‘lpon va Usmon Nosir yo‘l va yo‘lchi obraziga ko‘p murojaat etadi. Ayniqsa Cho‘lpon ijodida yo‘l va yo‘lovchi obrazi shoirning erk g‘oyalarini ifodalashda asosiy motivlardan biri bo‘lib xizmat qildi. Shuningdek, turkman shoiri Maxtumquli ijodidagi yo‘l obrazidagi tasavvufiy talqinlar o‘zbek she’riyatining iste’dodli shoirlaridan Usmon Azim ijodida ham kuzatiladi. *«U odam yiqilar, U odam o‘tar... U odam bor yo‘g‘i endi* ***yo‘ldir, yo‘l****»*. Xalqimizda bir inson yashagan vaqt umr yo‘li metaforasida ifodalangan. Shoir *«****Yo‘l bo‘l****!» deb insonni yaratar tangri, Hamma o‘z yo‘lida mangu sayyoddir»* deya insonning dunyoga kelishi va hayotda bir yo‘lovchi misoli yashab o‘tishiga ishora qilsa, boshqa she’rida «Eng yuksak *yo‘l – Ollohning yo‘li*, Eng ***og‘ir yo‘l*** esa *insonning umridir*» deydi [5, B.14].

Xulosa qilib aytganda, o‘zbek tasavvuf adabiyotining yetakchi obrazlaridan bo‘lgan an’anaviy yo‘l obrazi turkman she’riyatiga ham ta’sir qilgan va shoir Maxtumqulining tasavvufiy g‘oyalarini ifodalashda mahorat bilan foydalangan. Umuman, yo‘l obrazini qiyosiy o‘rganish turkiy xalqlar adabiyotining o‘zaro adabiy ta’sir va aloqalarini ko‘rsatishda muhim omil bo‘lib xizmat qladi.

Adabiyotlar

1. Maxtumquli. Saylanma. – Tarjimon va so‘zboshi muallifi M.Kenjabek. – Toshkent, 2004. – B. 2.
2. Ҳаққулов И. Ирфон ва идрок. – Тошкент: Маънавият, 1998. – Б. 109.
3. Süleyman Uludağ. Tasavvuf terimleri sözlugu. – İstanbul: Kabalcı Yayıncılık, 2016. – S. 438.
4. Avaznazarov O. Yo‘l obrazi: an’ana va novatorlik // «Jadidchilik harakati va uning turkiy xalqlar adabiyotiga ta’sirini o‘rganish muammosi» mavzusidagi Xalqaro ilmiy konferensiyasi to‘plami. – Qarshi: Nasaf NMIU, 2023. – B. 23-26.
5. Султонқулова Ф. Усмон Азим шеъриятида метафорик образлар талқини: Филол.фан.фалс.докт. дисс.автореф. – Жиззах, 2022. – Б. 14.

Rezyume

Mazkur maqolada an’anaviy obrazlardan bo‘lgan yo‘l motivining turkman shoiri Maxtumquli she’riyatidagi ahamiyati ilmiy va badiiy tahlil etilgan.

Kalit so‘zlar: diniy-ma’rifiy, shoir, tasavvuf, tariqat, yo‘l, an’anaviylik, obraz.

Резюме

В данной статье научно и художественно анализируется значение мотива дороги из традиционных образов в поэзии туркменского поэта Махтумкули.

Ключевые слова: религиозно-просветительский, поэт, мистика, секта, путь, традиционализм, образ.

Summary

In this article, the significance of the road motif from traditional images in the poetry of the Turkmen poet Maxtumquli is scientifically and artistically analyzed.

Key words: religious-educational, poet, mysticism, sect, path, traditionalism, image.

MAGTYGULY PYRAGYNYŇ ŞYGYRLARY ÖWÜT-NESIHATYŇ UMMANY

Chari Davletmametovich CHARIYEV,
Berdaq nomidagi Qoraqalpoq davlat universiteti
turkman tili va adabiyoti kafedrasi assistenti

Oybek Erkin o‘g‘li NURJONOV,
Berdaq nomidagi Qoraqalpoq davlat universiteti
o‘zbek tilshunosligi kafedrasi dotsenti v.b.,
filologiya fanlari bo‘yicha falsafa doktori

Türkmen halkynyň beýik akyldary, şahyry, filosofy, başarjaň wesýetçi-terbiýeçisi Magtymgulynyň döredijiliginiň agramly bölegi nesillerden-nesillere ýetirilmek bilen, ynsanlaryň kalbyna ornaşyp bilim-terbiýe alýan ýaş nesillerimizi milli ruhda terbiýelemäge özboluşly ýolgörkeziji bolup çykyş edýär. Ynsanperwer şahyr Magtymgulynyň döredijiliginiň Jemşidiň jamyna deňelmeginiň aňyrsynda onuň umman ýaly giň we çuň döredijiliginiň içinden eriş-argaç bolup geçýän esasy pikir, ynsanlary göreldeli terbiýelemek bolup, öz döwründe öňe süren pikirleri nesillere nesihat hökmünde geçmek bilen bagtyýar geljegimize aýdyň göz ýetirmäge, şöhratly geçmişimize guwanmaga ýol açýar. Şahyryň naýbaşy eserlerinde öňe sürýän pikirleri töwerekleýin durmuşa ornaşdyrylsa, terbiýeçilik işlerinde köpçülikleýin ulanylsa, öňde goýan aýdyň hem belent maksatlarymyza ýetmäge şert döreder.

Magtymguly Pyragy biziň üçin egsilmez ruhy baýlyk, ajaýyp bir dünýä bolup ynsanlaryň ahlaklylyk derejesiniň kämilleşmeginde aýratyn orun tutýar. Şahyryň eserleriniň içinden eriş-argaç bolup geçýän meseleler: agzybirlik, zähmetsöýerlik, ata Watana bolan söýgi, dostluk-doganlyk, türkmen halkynyň adatlaryna, däp-dessurlaryna, edim-gylymyna hormat goýmak meselelesine içgin çemeleşilmek we olaryň oňyn çözgüdini tapýanlygy bilen düşündirilýär. Şahyr türkmen nusgawy edebiýatyny millileşdirmek bilen halkyň ýaşaýyş-durmuşy bilen berk baglanyşygy ýola goýmany başarýar. Bu bolsa onuň döredijiliginiň terbiýeleýjilik ähmiýetini ýokarlandyrýar. Türkmen halkynyň geçmişini we geljegini görüp

bilen şahyr sada dilde, düşnükli, şol bir wagtyň özünde çeperçilik taýdan has kämil eserleri döredip bilipdir [1, B.248-249].

Umman dek çuň mana öwrülen türkmen halkynyň beýik akyldary, şahyry, filosofy, başarjaň wesýetçi-terbiýeçisi Magtymgulynyň döredijiliginiň agramly bölegi nesillerden-nesillere ýetirilmek bilen, ynsanlaryň kalbyna ornaşyp, ýurdumyzyň gülläp ösmeginde, ýaş nesillerimiziň milli ruhda terbiýelenmeginde özboluşly ýolgörkeziji bolup çykyş edýär. Magtymguly Pyragynyň şygyrlarynyň ençemesi terbiýe mekdebi hökmünde atalar sözlerine öwrülip, halk döredijilik eserlerine siňip gidipdir. Meselem, şahyryň döredijiliginde Watana, tebigata bolan söýgi, agzybirlik, myhmansöýerlik, dost-doganlyk, beren sözüňde tapylmak, saglygyň gadyr-gymmaty, arassaçylyk barada şygyrlar köp. Bu barada ençeme mysallary getirmek bolar: «Ýagşy oguldan rehnet arygy akar», «Hergiz ýaman bilen bile bolmaňlar», «Watandan daş düşen istär mekanyn», «Ýamanyň zyýany iline ýeter», «Mert çykar myhmana güler ýüz bilen», «Akylly az gürlär, gorkar tilinden», «Akyl ýigit söz başlamaz «men» bilen», «Ýagşy ýigit ýol ýitirmez», «Ýagşy söze gulak salgyl», «Kitap okan gullar magnydan dokdur». Ýagşy söz adamyň gözelligine, pähim-paýhasyna, ykbalyna göni täsir edýär. Şonuň üçin gowy sözlemek, hoşniýetli gürlemek endigini ynsanyň kalbyna ýaşlygyndan guýmaly, şol ruhda terbiýelemeli. «Ýagşy söz ýylany hininden çykarar» diýlişi ýaly, ol misli bir miweli agaçdyr. Magtymgulynyň:

Asla adamzada ajy söz urmaň…
***
Ajy sözler dilden çykan bir okdur…
***
Deň-duş bilmez, many aňmaz ýigitden,
***

Agylyňda yssy beren it ýagşy – diýip belleýşi ýaly, ýagşy söz adamkärçiligiň gözbaşydyr. Magtymguly adamyň juwanlyk möwritinde päk ahlakly häsiýetleriň özünde jemlenmegine uly üns beripdir. Ol ýigidiň işiniň şowly bolmagynda ynamlylyk, halallyk, mertlik, arassalyk, göreldelik, yhlaslylyk we wepadarlyk ýaly gowy gylyklaryň oňyn täsirini düşündirýär. Ýaş nesli terbiýelemekde iň wajyp usullaryň biri hem şahsy göreldedir. Magtymguly ynsan perzendiniň

ata-enesine nähili sarpa goýmalydygy barada nusga bolan şahyrdyr. Türkmenlerde gadymdan gelýän ýörelgä görä, çaga heniz aga-gara düşünip-düşünmänkä, ene-ata, il-ulsa, tebigata, Watana söýgi duýgusy bilen terbiýelenýär. Magtymguly atamyz öz döredijiliginde durmuşda özüňi alyp barmagyň kada-kanunlarynyň üstünde köp durupdyr [2, B.242].

Owwal Magtymguly özüň düzetgil,
Özüňni sen özgelere göz etgil.
Az iýgil, az ýatgyl, sözüň az etgil,
Ne bar manysyz söz uzamak bilen.

Magtymguly Pyragynyň ençeme goşgulary watançylyk, öwütündew, tebigat hakyndadyr. «Gidiji bolma» atly goşgy hem şolaryň biri bolup, ony köpimiz ýatdan bilýäris. Öwüt-nesihat häsiýetli bu goşgy özünde watansöýüjiligi, ynsanperwerligi, hoşniýetliligi jemleýändigi bilen tapawutlanýar. Türkmene mahsus bolan ajaýyp häsiýetleri şahyrana wagyz edýär.

Gel, köňlüm, men saňa nesihat kylaý,
Watany terk edip gidiji bolma

– diýip başlanýan kalby heýjana getiriji setirlerde ata Watanyň mukaddesligi, onuň goýnunda ýaşamagyň höziri, has dogrusy, Watanly bolmak bagtynyň buýsanjy bar. Şahyr beýle bagtdan binesip galmazlygy, ilkinji nobatda, özüne, öz köňlüne nesihat edýär. Watany terk etmek onuň başga bir ýerden tapyp bolmajak eşretinden, sapasyndan mahrum bolmakdyr. Pyragy bu eşret-sapadan aýrylma diýip ýüzlenýär. Häzirki wagtda bu goşgy bütin türkmen halkyna pent bolup, ýüreklerde ýaşaýar.

Men diýdim bir niçe pendi-nesihat,
Bilseň nesihatdyr, ýogsa pesihat,
Pesihat bilmegil, barça nesihat,
Ýalgançy sözleri aýdyjy bolma.

Şahyr bu bentde özüniň birnäçe nesihat edendigini aýdyp, olaryň ýerine ýetirilmegini ündeýär. Ondaky nesihat sözi size tanyş hem bolsa, pesihat sözi üýtgeşik eşidilýändir. Pesihat çeper sözlüliligi

aňladýar. Diýmek, goşgy bendindäki pendi-nesihatlar ýöne bir çeper, owadan söz däl-de, durmuşda gerek bolýan ahlak kadalary eken. Ahlak kadalary bolsa ynsany bezeýän, ylaýta-da, oňa juda zerur bolan gylyk-häsiýetleriň jemidir. Şolaryň biri hem akyldar şahyrymyz Magtymguly Pyragynyň «Ýalgançy sözleri aýdyjy bolma» diýşi ýaly, ýalan sözlemezlikdir. Ýalan sözlemegi halkymyz hemişe ýazgarypdyr. Olar öz nesilleriniň dogruçyl, lebzine ygrarly, paýhasly bolmagy üçin uly alada edipdirler. Muňa birnäçe rowaýatlar, tymsallar, nakyllardyr atalar sözleri hem şaýatlyk edýär. Ýalan sözleýän adamyň özüne we daş-töweregine zyýan etmekden başga alan galasynyň bolmaýandygy barada «Ýalan söz adam duşmany, sözleseň etdir puşmany», «Ýalan sözden saklan, ýaman gözden», «Ýalanyň ömri gysga» ýaly nakyllar bar [3, B.72].

Magtymguly atamyz başga bir bentde ýalan sözläniňden dymyp oturanyň ýagşydygyny «Söz tapsaň sözlegil, tapmasaň, bol hap,//Goldan gelmez işni ediji bolma» diýip belläpdir. Adamyň başarmaýan zadyny etjek bolmaly däldigi bilen düşündiripdir. Dogry sözlemegi başarmasaň, dymmagy ündeýän başga-da setirler şahyryň döredijiliginde örän köp duşýar: «Magtymguly, ýangyl, öçgül, //Ýa lal otur, ýa dür saçgyl». Bu bolsa şahyryň sözlemek medeniýetine uly üns berendigini aňladýar [].

Akyldar şahyrymyz Watandan aýrylmagyň agyr dertdigini, il-günüň görer gözüňdigini:

— Ýat illerde mysapyrlyk çekenden,
Ursa, sökse, horlasa-da, il ýagşy

— diýen setirlerde has içgin beýan edýär. Ynsana gan bilen geçýän häsiýetleriň biri bolan watanperwerligi dabaralandyrýan setirler biygtyýar «Müsürde şa bolandan Kenganda geda bol» diýen nakyl we onuň özeninde duran kyssa hakydaňa dolýar.

Magtymgulynyň goşgularynyň özeni, hamyrmaýasy halk durmuşy bilen aýrylmaz baglanyşykly. Şahyryň döredijiligi umman ýaly çuň. Akyl-paýhasyňy durlamak, kalbyňy päklemek, nesil terbiýesini kämilleşdirmek üçin bu ummandan ganybermeli. Şahyr öwüt-nesihat, ahlak-didaktiki goşgularynda, ynsanyň gylyk-häsiýetine degişli şygyrlarynda, şeýle-de dünýewi, pelsepewi, yşky

lirikasynda-da halkyň ýürek arzuwlaryny, bagtly günlere teşneligini beýan edipdir. Ol «Türkmeniň» diýen goşgusynda şeýle diýýär:

Köňüller, ýürekler, bir bolup başlar,
Tartsa ýygyn, erär topraklar, daşlar,
Bir suprada taýýar kylynsa aşlar,
Göteriler ol ykbaly türkmeniň!

Bu gün Magtymgulynyň arzuwlan zamanasy hasyl boldy, türkmen halkynyň ykbaly göterildi. Häzirki wagtda biziň Magtymguly Pyragynyň arzuwlan zamanasynda ýaşaýandygymyzy häli-şindi dile getirmegimiz öz gözbaşyny şu setirlerden alýar. Watan, il-gün bilen bir bolmak, bitewi bolmak döwletliligiň nyşany bolup, ol halkyň milli mertebesini, kökleriň asyrlaryň jümmüşine ýaýramagyny üpjün edýär. Bu barada şahyr: «Magtymguly halkdan syryn gizlese,//Dişini uşadyň ýalan sözlese» ýa-da «Il-halkyň bir iş tutanda,//Sen ondan galyjy bolma», «Halk tutan işe men haýran», «Magtymguly, halk ýadyndan aýrylma» diýen setirleri goýupdyr. Beýle setirler akyldaryň döredijiliginde juda kän [4, B.99].

Görnüşi ýaly, Pyragynyň ynsanperwerligi, halallygy, agzybirligi ündeýän eserleri ähli adamzat üçin bahasyna ýetip bolmajak gymmatlykdyr. Magtymguly Pyragy her bir türkmeniň şygyrlaryna köp ýüzlenen şahyryna, pikirdeşliginden göwünlerine teselli tapan syrdaşyna, durmuş maslahatçysyna, ruhy goldawçysyna öwrüldi. Akyldaryň edebi mirasynyň ýokary ähmiýetli tarapy onuň döredijiliginiň halk pähimleri we halk döredijiligi bilen tebigy baglanyşyp gidýänligidir. Şahyryň ençeme goşgulary nakyllara we atalar sözlerine öwrülip gidipdir. Magtymguly Pyragynyň edebi mirasynyň gymmaty we terbiýeçilik ähmiýeti örän uludyr. Çünki Magtymgulynyň goşgulary ähli döwürlerde-de türkmen halky üçin ruhy goldaw bolup hyzmat edýär. Diýmek, şahyryň goşgularyna düşünjek bolsaň, onuň gözbaşynda duran gymmatlyklarymyzy çuň öwrenmek gerek.

Edebiýatlar

1. Türkmen ruhunyň almaz täji. Magtymguly Pyragynyň 290 ýyllygyna bagyşlanan makalalar ýygyndysy. – Aşgabat: Türkmen döwlet neşirýat gullugy, 2014.

2. Magtymguly. Eserler ýygyndysy. – Aşgabat: MGI, 2012.
3. Köňül gözgüsi. Magtymgulynyň 290 ýyllygyna bagyşlanan makalalar ýygyndysy. – Aşgabat: Türkmen döwlet neşirýat gullugy, 2014.
4. Аннанепесов М. Магтымгулы ве онуң заманасы. – Ашгабат: Түркменистан, 1990.

Rezyume

Makalada Magtymguly atamyzyň pähim-paýhasa ýugrulan goşgularynyň käbirleriniň sada düşündirişini ýetirdik. Sebäbi şahyryň döredijiligi, ozal hem belleýşimiz ýaly, juda giň we çuňňur. Magtymgulynyň şygryýet älemi - türkmen edebiýatynyň buldurap akýan, çuňňur mana we çeper söze teşne kalplary gandyrýan çeşmesi.

Daýanç düşünjeler. Magtyguly Pyragy, beýik akyldar, şahyr, filosof, ruhy baýlyk, şygyr, öwüt-nesihat, agzybirlik, zähmetsöýerlik, ata Watana bolan söýgi, dostluk-doganlyk.

Summary

In the article we gave a simple explanation of some of the wisdom poems of our grandfather Magtymguly. Because the poet's work, as we have already said, is very broad and deep. The universe of Magtymguly's poetry is a flowing source of Turkmen literature, satisfying hearts thirsting for deep meaning and artistic expression.

Key words. Magnificent Prophet, great thinker, poet, philosopher, spiritual wealth, poetry, advice, unity, hard work, love of country, friendship and brotherhood.

Резюме

В статье мы дали простое объяснение некоторых стихотворений-мудростей нашего деда Махтумкули. Потому что творчество поэта, как мы уже говорили, очень широко и глубоко. Вселенная поэзии Махтумкули – это струящийся источник туркменской литературы, удовлетворяющий сердца, жаждущие глубокого смысла и художественного слова.

Ключевые слова. Великолепный Пророк, великий мыслитель, поэт, философ, духовное богатство, поэзия, совет, единство, трудолюбие, любовь к отечеству, дружба и братство.

BADIIYLIK IFODASIDA YUKLAMALARNING ISHTIROKI
(Maxtumquli she’riyati talqinida)

Ikhbol SHAMSUDINOVA,
Termiz davlat universiteti
o‘zbek tilshunosligi kafedrasi o‘qituvchisi

She’riyat har doim inson his-tuyg‘ularining yorqin ifodasi sifatida baholangan. Adibning ruhiy kechinmalari misralar orqali ifodalanganda jarangdorlik, musiqiylik jozibasini beradi. Chunki she‘rda so‘zning sehrli jozibasi, inson ruhiyatiga ta’sir ko‘rsata oladigan darajadagi ko‘tarinkiligi namoyon bo‘ladi. Lirik janrga minglab yillar mobaynida, asosan, inson tuyg‘ulariga ta’sir ko‘rsatish vositasi sifatida qaralgani uchun uning musiqiyligi, ohangdorligi va jarangdorligiga alohida e’tibor berilgan. She’rning inson hissiyotlariga ta’sir kuchini oshirishda musiqiy zarb (ritm), qofiya, poetik sintaksis, inversiyalardan foydalanilgan va shu usulda so‘zlarning harakatchanligi, yoqimliligi ta’minlanilgan [4, B.1].

She’riyatda ritorika va inkor shakllar ham musiqiylik va eksspressivlikni bera oladi. Ritorik inkor ma’nosi fe’lning *bo‘lishsizlik shakli, emas, yo‘q* so‘zlari, *so‘roq olmoshlari va yordamchi so‘zlar* orqali ham ifodalanadi Shuning uchun bunday grammatik shakllardan foydalanib barmoqda she’r yozishdan juda ko‘p shoirlar unumli foydalangan. Maxtumquli ijodini kuzatishda inkor shakllardan she’rning nomlanishida ham foydalanganligining guvohi bo‘ldik. Jumladan, *«Yaxshi qaysi, yomon qaysi, bilinmas», Hosiling nedir sening, «Odam o‘g‘li yotma g‘ofil», «Bu manzilga kelgan ketmayin qolmas», «Foniy dunyoga inonmang», «o‘lsang seni kimlar yodlar», «Kerakmas», «Bo‘lmas», «Aylanmas», «Haq chun ne ish bitirding», «Qanotim yo‘q ucha bilmam», «Naylayin», «Ko‘ring odamzodni, ne xayol etar», «Namasan»* …[5, https]

Yordamchi so‘zlar ham she’riyatda musiqiylikni ta’minlashda muhim rol o‘ynaydi. Ayniqsa, so‘roq yuklamalari badiiyatda ta’sirchanlikni oshiruvchi, hissiyotlarni jo‘shqinligini ta’minlovchi ifoda vositalaridan biri sanaladi. Bilamizki, yordamchi so‘zlarda atash semasi yo‘qligi uchun ularda ifoda semasi va vazifa semasi

kuchayib voqealanadi. Ular grammatikada bir turkumga va yordamchi so‘zning bir xil ma’no turiga kiritilsa-da, ifoda semasiga ko‘ra bir-biridan farqlanadi. Ifoda semasi deganda semema tarkibidagi turli qo‘shimcha ma’no (uslubiy bo‘yoq, shaxsiy munosabat, qo‘llanish doirasi va davri)ni atovchi sema tushuniladi. Atash semasi kabi ifoda semasi ham leksema sememasini farqlash quvvatiga ega bo‘lgan sema bo‘lib, ular leksik paradigmada aniqlanadi [3, B.147]. o‘zbek tilida yuklama yordamchi so‘zlar sirasiga kirsa-da, bog‘lovchi va ko‘makchi kabi so‘zlarni va qo‘shma gap tarkibidagi gaplarni funksional «bog‘lash» belgisiga ko‘ra boshqa yordamchi so‘z turkumlariga nisbatan beqaror, o‘zgaruvchan sanaladi. Ammo so‘zlovchining turli emotsional holatlarini berishda yuklamaning o‘rni beqiyosdir [1, B.314]. Bu haqda kompyuter lingvistikasida sentiment analiz haqidagi ilmiy qarashlarda batafsil ma’lumot berilgan [2, B.83]. Turkman shoiri Maxtumquli ham ayrim she’rlarining har bir misrasida inkor shakllardan unumli foydalangan. Ular orasida ***[-mi]*** so‘roq yuklamasi juda ko‘p uchraydi. Masalan, birgina «*Bormi»* she’rida o‘n ikki marta shu yuklama keltirilgan va shoir tuygularining hissiyotlariga hamohangligini ta’minlagan.

Jahongashta devonalar,
Men kabi hech yongan bormi?
Ishq qurboni parvonalar
U olovdan yongan bormi


She’rda shoir adolatsiz tuzum va hukmdorga qarshi hissiyotlarini ham shu yuklama orqali ifodalaydi:

Bodi sabo kelar bo‘ldi
Har joyda bir qolar bo‘ldi
Qiyo nazar solar bo‘ldi
Adolatli sulton bormi?

Ishqi ilohiyni haddi a’losida kuylagan barchaga manzur va mashhur she’rlaridan «Namasan» she’rida ham ***[-mi]*** yuklamasidan badiiylik ifodasi sifatida unumli foydalangan:

Qaroqchimi, yo sayidmi, xojami?
Yo soqiymi, yo sharobmi, yo jommi?

Yo yilmisan, yo kunduzmi, yo jommi?
Yo oymisan, yo kunmisan, namasan?



NAMASAN

Asli seni ko‘rmaganman, dildorim!
Qumrimisan, bulbulmisan, namasan?
G‘amgin dilni xaëlingda aldarman,
Bog‘ ichinda gul-gulmisan, namasan?

Qaroqchimi, ë sayidmi, xo‘jami?
Ë soqiymi, ë sharobmi, ë jommi?
Ë yilmisan, ë kunduzmi, kechami?
Ë oymisan, ë kunmisan, namasan?


Ë mushkmisan, ëki chambil, ë anbar,
Aytolmayman, ë charxmisan, ë chambar?

Darëmisan, ë mavjmisan, ë safsar,
Girdobmisan, to‘lqinmisan, namasan?

Oltinmisan, kumushmisan, zarmisan?
Ë arshmisan, Kursimisan, ermisan?
Ë ëqutmi, ë marjonmi, durmisan?
Ë chirog‘mi, ë ziësan, namasan?

Maxtumquli, kech nomusu oringdan,
Qo‘lingni tort bu vafosiz koringdan.
Jahon to‘la, sen g‘ofilsan ëringdan,
Ë mastmisan, ë shaydosan, namasan?

Ko‘rinadiki besh bandli qisqa she’rda ***[-mi]*** so‘roq yuklamsi 31 o‘rinda kelib lirik mohiyatni ochishga yordam bergan. Ushbu she’rda shoir ***[yo]*** ayiruv bog‘lovchisini va inkoriy takrorlarni ham badiiy musiqiylik isifatida qo‘llagan. Quyida ***[AntConc]*** dasturiy ilovasi orqali she’rda ***[yo]*** takroriy bog‘lovchisining 21 o‘rinda kelganligini aniqladik.



Shoir she’riyatining ijobiy tomonlaridan biri – tilining soddaligida. U she’rlarida xalq tiliga yaqin leksik birliklardan foydalanib, sarlavha qo‘yishda ham so‘roq yuklamali so‘zlarni qo‘lladi. Jumladan, «Bilgan bor***mi*** yoronlar?», «Bilding***mi***?», «Yig‘lamasdan kulgan bor***mi***?», «Qodir haqqa arzilmas***mi***?», «Odam Havvosidan ayrilmadi***mi***?», «Yo, Rab qulamas***mi*** buyuk tog‘lar, hey?»… Shoir ushbu she’rlarining matnida ham ***[-mi]*** yuklamasini 10 – 12 martagacha qo‘llagan va badiiy tasviriy ifoda uslubining soddaligi, rang-barangligiga erishgan:

Ey yoronlar, musulmonlar, Yig‘lamasdan, kulgan bormi?
Yolg‘onchi – foniy dunëda Ketgach, qaytib kelgan bormi?
Falak, kimlarni shod etding, Kimni g‘amdan ozod ətding,
Bir nechalarni mot etding, Sendan rozi bo‘lgan bormi?

Maxtumquli *nedir, nimadir, ne, nedan, nedir, kim, ne manzil, qaysidir, qaydan, qay makonda* kabi so‘roq shakllari bilan ham leksik parallelelizmlar yaratgan va she’rlarining shirali bo‘lishi va xalq tiliga yaqinlashishiga erishgan.

Xulosa qilib aytganda, shoir she’riyatida leksik takrorlar, inkor shakllari, yordamchi so‘zlar va ayniqsa, ***[-mi]*** yuklamasi adabiy tilni jonli tilga yaqinlashtirishga, xalq tili xazinasidan foydalanib, adabiy tilni boyitishga xizmat qilgan.

Adabiyotlar

1. Baxavadinovna S. I. O‘zbek tili milliy korpusida yordamchi so‘zlar bazasi (So‘roq-taajjub yuklamalari misolida) //Academic research in educational sciences. – 2021. – T. 2. – №. 10. – C. 312-320.
2. Shamsudinova I. Kompyuter lingvistikada sentimental tahlil //Fan va innovatsiya. – 2023. – T. 2. – №. C6. – S. 81-84.
3. Hozirgi o‘zbek adabiy tili. Darslik. B.Mengliyev – Toshkent: Excellent Polyagrahy, 2020 – 147 s.
4. https://uz.wikipedia.org/wiki/She%CA%BCriyat.
5. https://adabiyot.islamonline.uz/kitoblar/nazm/120-maxtumquli.pdf

Rezyume

Maqolada Maxtumquli she’riyatida o‘zbek tilidagi inkor formalar, ritorika va yordamchi so‘zlar, xususan, ***[-mi]*** so‘roq yuklamasidan foydalanishning badiiy ekspressivlikni ta‘minlashdagi ahamiyati ochib berilgan.

Kalit so‘zlar. She’riyat, ritorika, inkor shakllar, yuklamalar, badiiy intonatsiya, sentiment ta’sir, atash va ifoda sema.

Summary

The article reveals the significance of the use of negative forms, rhetoric and auxiliary words in the Uzbek language in Magtymguly’s poetry, in particular, the use of question mark[s] in ensuring artistic expressiveness.

Keywords. Poetry, rhetoric, negative forms, prepositions, artistic intonation, emotional impact, nomination and expression.

Резюме

В статье раскрывается значение использования отрицательных форм, риторики и вспомогательных слов на узбекском языке в поэзии Махтумкули, в частности, использования вопросительного знака [-ми] в обеспечении художественной выразительности.

Ключевые слова. Поэзия, риторика, отрицательные формы, предлоги, художественная интонация, эмоциональное воздействие, номинация и экспрессия.

MAXTUMQULINING POLISEMANTIK SO‘ZLARDAN FOYDALANISH MAHORATI

Yunus Jummayevich DAVIDOV,
Termiz davlat universiteti
O‘zbek tili va adabiyoti kafedrasi o‘qituvchisi

Polisemiya har qanday tilda ham salmoqli o‘rin tutadi. Til boyligi faqat so‘zlar, iboralar bilangina emas, so‘zlarning leksik ma’nolari bilan ham o‘lchanadi. Demak, so‘zlarning ko‘p ma’noliligi

– polisemiya til boyishida o‘z o‘rniga ega. Polisemiya inson bilimining xarakteri bilan bog‘liq ekan, turli xalqlardagi bilim xarakterining turliligi ham o‘sha xalq tilidagi polisemiyalarda o‘z aksini topadi. Aniqroq qilib aytganda, polisemiya milliy xarakterga ega bo‘ladi. Leksik ma’nolarning, tilshunoslikda tan olinganidek, milliy xarakterga ega bo‘lishi polisemantik so‘zlarda o‘z aksini topmasdan iloji ham yo‘q. Chunki polisemantik so‘zlar leksik ma’nolar hisobigagina tarkib topadi [2, B.7]. Polisemiya bir til doirasida so‘zlarning turli ma’nolari o‘rtasidagi munosabatlarni belgilaydi. Borliqdagi predmet, hodisalarning o‘zaro mustahkam bog‘liqligini va uning tilda o‘z ifodasini topganini ko‘rsatadi. Polisemiyada ma’no aniqligini belgilashda matnni hisobga olish lozim. Negaki polisemantik so‘zning anglatayotgan ma’nosi gap tarkibidagi boshqa so‘zlar orqali ochiqlanadi. So‘zlarning ko‘p ma’noliligi natijasida yuzaga keladigan ko‘chma ma’no va ulardagi nozik attenkalari badiiy adabiyotda muhim tasviriy vosita sifatida keng qo‘llanadi.

Tilimizdagi so‘zlarning katta qismi ko‘p ma’nolidir, chunki kishilar o‘zining kundalik hayotida yangi paydo bo‘lgan tushunchalarning har biri uchun alohida alohida so‘zlar qo‘llasa, so‘zlarning soni juda ko‘payib ketib, ularni xotirada saqlash mumkin bo‘lmay qolardi. Natijada, tildan foydalanish ham qiyinlashib, u sekin-asta yaroqsiz holga kelib qolgan bo‘lardi. Shuning uchun ham har qaysi tilda sanoqli til birliklarining turli kombinatsiyalaridan cheksiz tushuncha va fikrlarni ifodalashga harakat qilinadi. Ana shunday harakat tufayli tilda ilgari mavjud bo‘lgan so‘zlarga yangi-yangi ma’nolar yuklanadi. Natijada polisemantik so‘zlar yuzaga keladi. Ma’lum tildagi polisemiya o‘rganilar ekan, o‘sha xalqning tarixiy taraqqiyoti, fikrlash doirasi va nuqtayi nazariga ham e’tibor qaratiladi.

M.Mirtojiyev ta’kidlaganidek, polisemiya sivilizatsiya belgisidir. Qaysi xalqda fan, texnika, madaniyat, san’at taraqqiy etgan bo‘lsa, o‘sha xalq obyektiv borliqning o‘zaro aloqasini shuncha ko‘proq ko‘radi, ularni bir-biriga ko‘proq qiyos etadi va bular tilda ko‘proq o‘z aksini topadi. So‘z ma’nolarini o‘zgartirib turuvchi

taraqqiyotlar ketma-ket sodir bo‘lib turadi. Bu esa polisemantik so‘zlar taraqqiyoti uchun sabab bo‘ladi [2, B.9].

B.Umurqulov ta’kidlaganidek, badiiy asar tilining badiiylik, obrazlilik va ta’sirchanlik ko‘lami janr xususiyatlariga ko‘ra bir xil emas. Bu vositalar nisbatan poeziya tilida bo‘rtibroq turadi [4, B.11]. Atoqli turkman shoiri Maxtumquli she’rlarida ko‘p ma’noli so‘zlarni mahorat bilan va o‘rinli ishlatgan. Ma’lumki, tilda ko‘p ma’nolilik hodisasi voqelikdagi predmet xususiyati nomini boshqasiga ko‘chirish orqali ro‘y beradi. Maxtumquli ham o‘z asarlarida tilning mana shu xususiyatidan unumli foydalangan. Adib o‘z asarlarida ma’no ko‘chish usullaridan turli badiiy maqsadlarda foydalanganligini kuzatishimiz mumkin. Jumladan, Maxtumquli sh’eriyatida metafora, metaniya, sinekdoxa, vazifadoshlikdan obrazlilik va ta’sirchanlikni ta’minlash maqsadida foydalanilgan. Ko‘chim turi sifatida metaforalarning ifoda imkoniyatlari polisemiyaning boshqa turlariga nisbatan rang-barang tasnif imkoniyatlari bilan ajralib turadi [1, B.68]. Maxtumquli Firog‘iy ham ko‘chimning bu turi orqali turlicha ma’nolarni ifodalagan.

Maxtumquli:
*–Ul nimadir **darvozasiz qal’adir?***
*Ul nimadir, **derazasiz binodir?..***
Durdi shoir:
*U **ko‘ngildir, darvozasiz qal’adir,***
*U **qabrdir, derazasiz binodir**… (Aytishuv)*

Ma’lumki, metaforada nom o‘xshashlik orqali ko‘chadi. Adib *ko‘ngilni darvozasiz qal’aga, qabrni darvozasiz binoga* o‘xshatishi ham metaforik ko‘chimni yuzga keltirgan.

*O‘tdi **yozing,** keldi **qishing**,*
Namoz, ro‘za bo‘lsin ishing…(Olajakdir)

Bu baytda *yoz va qish* so‘zlari *umr*, *vaqt* ma’nosini obrazli ifodasiga xizmat qilgan. Maxtumquli ijodida metafora ta’sirchanlik va obrazlilikni ta’minlashda faol qo‘llanilganligini kuzatishimiz mumkin.

Maxtumquli, omon-omon,

*Ajal – **o‘qdir**, falak **kamon**…*

Ajalni o‘qqa, falakni kamonga o‘xshatishi ham yuqoridagi fikrimizning isbotidir.

Shoir sh’erlarida ko‘chimning metonimiya turidan ham faol foydalangan.

*Kim **og‘ritgan** bo‘lsa ota-onani,*
Otash-olov to‘nga tiqarlar ani…

Bu baytda *ranjitmoq* ma’nosi *og‘ritmoq* so‘zi orqali qayta nomlangan.

*Sog‘ **quloqning** quvonchi,*
***Kar** yoninda sezilgay.*

Bu parchada *quloq* so‘zi shaxs ma’nosini anglatib, senekdoxani yuzaga keltirgan bo‘lsa, *kar* so‘zi metonimiyani yuzaga keltirgan.

Shoir she’rlarida ko‘chimning sinekdoxa usulidan ham samarali foydalangan. Ma’lumki, senekdoxada butun orqali qism yoki qism orqali butun anglashiladi. Maxtumquli ijodida sinekdoxaning har ikki turini ko‘plab uchratishimiz mumkin.

***Boshingga** ne kelsa tilingdan kelar,*
Maxtumquli, xalq yodindan ayrilma! (Unib - o‘sgan o‘z yurtingdan ayrilma)
Qariga aylandi biz ko‘rgan yoshlar,
*Oyoq osti bo‘ldi, biz ko‘rgan **boshlar**.*

(Ko‘cha boshladi) Har ikkala baytda *bosh* so‘zi orqali *insonning o‘zi, butun tanasi,* nazarda tutilgan, ya’ni qism orqali butun ma’nosi ifodalangan.

Maxtumquli bir polisemantik so‘zni turli ma’nolarda qo‘llash orqali turlicha tasvir yaratgan. Masalan, *sochmoq* fe’lini quyidagi ma’nolarda qo‘llaganini kuzatishimiz mumkin.

1.*Ma’nisiz ayyomlar, anglamas erlar,*
*Koshki surgon bo‘lsa, **sochaydim** durlar.**(Kelgan ham bordir)***
2. *Firog‘iy, boshlasam so‘zim **sochmog‘a**,*
Onglamaslar yuz tutarlar qochmog‘a. ***(Nuqsona kelgay)***
3. *Rahmating eshigi arshdan ochilsin,*
*Nuring inib, yer yuzina **sochilsin.** (Yomg‘ir yog‘dir, Sultonim)*

4. Avval-dastlab borib Haybar tog‘inda
*Kofirlar qonini **sochdi** Muhammad. (Sochdi Muhammad)*
5. Zolimlar mazlumning jismin qabartib,
*Qamchisindan qonlar **socha** boshladi. (Qocha boshladi)*
6. G‘avg‘o qo‘pdi, rahmat – buyandi tuzlar,
***Sochildi** qon yoshlar, ochildi ko‘zlar. (Devona keldi)*
7.Ol-yashil kiyinib chiqar parisi,
*Barq urib bo‘y **sochar** anbarning isi.(Turkmanning)*

Atoqli adib bu baytlarning har birida sochmoq fe’lini turli ma’nolarda qo‘llagan. Jumladan, birinchi gapda sochmoq o‘z ma’nosida ishlatilgan bo‘lsa, ikkinchi gapda *aytmoq* ma’nosida, uchinchi gapda *tarqalmoq* ma’nosida, to‘rtinchi gapda to‘kmoq ma’nosida, beshinchi gapda *sachratmoq* ma’nosida, oltinchi gapda *oqmoq* ma’nosida, ettinchi gapda esa *taratmoq* ma’nosini ifodalashga xizmat qilgan.

R. Normurodov ta’kidlaganidek, yozuvchi ijodida qo‘llangan ko‘pma’noli so‘zlarni tahlil etish, ijodkor badiiy mahoratining qay darajada ekanligini belgilab beradi. [3, B. 31].

Maxtumquli polisemantik so‘zlardan samarali foydalanib, ular ma’nosining kengayishiga ham ma’lum darajada hissa qo‘shgan.

Adabiyotlar

1. Мадазизова Д. Полисемияда метафоранинг ўрни / Ижтимоий-гуманитар фанлар. – В. 68.
2. Миртожиев М. Ўзбек тилида полисемия. – Тошкент: Фан, 1984. – 135.
3. Нормуродов Р. Шукур Холмирзаевнинг бадиий маҳорати. –Тошкент, 2013.
4. Умуркулов Б. Поэтик нутқ лексикаси. – Тошкент: Фан, 1990. –110.

Rezyume

Ushbu maqolada atoqli turkman shoiri Maxtumqulining ko‘pma’noli so‘zlardan foydalanish mahorati yoritilgan. Adib asarlarida ko‘chimning barcha turlaridan, ya’ni metafora, metonimiya, sinekdoxa kabi hodisalardan samarali foydalanib, badiiy tasvir yaratganligi tahlil etilgan.

Kalit so‘zlar: polisemiya, ko‘chma ma’no, metafora, metonimiya, obrazlilik, ta’sirchanlik.

Summary

This article highlights the skill of using ambiguous words of the famous Turkmen poet Makhtumquli. It is analyzed that in the works of the writer, he effectively uses all types of metaphor, such as metaphor, metonymy, and synecdoche, to create an artistic image.

Key words: polysemy, figurative meaning, metaphor, metonymy, imagery, impressiveness.

Резюме

В данной статье освещается мастерство использования многозначных слов известного туркменского поэта Махтумкули. Анализируется, что в произведениях писателя он эффективно использует все виды метафоры, такие как метафора, метонимия и синекдоха, для создания художественного образа.

Ключевые слова: полисемия, переносное значение, метафора, метонимия, образность, впечатляемость.

MAXTUMQULINING «YURAGING QON ICHINDA» SHE’RI BADIIY TAHLILI

Abdulvosit Nurulla o‘g‘li GULOBOV,
Termiz davlat universiteti
o‘zbek adabiyotshunosligi kafedrasi o‘qituvchisi

Avvalo, Maxtumquli hayoti va ijodi borasida qisqacha to‘xtalsak. Atoqli turkman shoiri, xalq dardini o‘zining she’rlariga singdirgan jo‘shqin qalb shoir Maxtumquli Firog‘iy 1733-yil Gurgan daryosi sohilidagi Hojigavshon qishlog‘ida tug‘ilgan. Otasi Davlatmamad Ozodiy xalq ichida mashhur shoirlardan edi [1. B.3]. Dastlabki ta’limni otasidan oladi, she’riyatga qiziqishi ham otasidan o‘tgan deyishimiz mumkin. Keyinchlik Niyozsiddiq mulla qo‘lida ta’lim oladi, Idrisbobo madrasasida, keyin Buxoroda Ko‘kaldosh, Xivada Sherg‘ozixon madrasalarida tahsil oladi [1.B.4]. Maxtumquli

mumtoz adabiyot bilan oshno bo‘ladi va Navoiy, Fuzuliy, Firdavsiylarning asarlarini mutolaa qiladi [1.B.4].

2019-yil bir qator o‘zbek adib tarjimonlari Mirzo Kenjabek, Maqsud Asror, Muzaffar Ahmad, Xurshid Davron tomonidan «O‘z yurtingan ayrilma» nomi bilan Maxtumquli she’rlarini kitob holida tarjima qilib nash etildi. [2.B.2] Maxtumquli ijodida xalqona ruh, ijtimoiy tengsizlikka qarshilik, eng muhimi ichki tuyg‘ularini badiiy bo‘yoqlar bilan izhor qilish yaqqol sezilib turadi, uning «Yuraging qon ichinda» nomli she’ri ham, avvalo, shoir o‘ziga qaratgan bo‘lsa ham, lekin she’ri orqali odamizod qanday yashashi kerakligi, dunyoga kelganida uni nimalar kutishi, nimalardan saqlanishi kerakligi to‘g‘risida badiiy bo‘yoqlar, tashbeh [3.B.213], talmeh, majozlar orqali yoritib bergan. Asar tahliliga o‘tadigan bo‘lsak:

Ko‘ngil, ne ish bitirding, kelding jahon ichinda,
Qolding dunyo g‘aminda, yuraging qon ichinda,
Obod deya qo‘l cho‘zding, tagi vayron ichinda,
Tan tuproqdir, aylanmas javhari jon ichinda,
Rustam qumga qorilib, qoldi yakson ichinda,
Sen alarning yoninda qolmassan son ichinda [1.B.15].

Birinchi band shoirning ko‘gilga murojaati bilan boshlanadi; «Ko‘ngil, ne ish bitirding, kelding jahon ichinda», birinchi misradan shoir o‘z hayotini sarhisob qila boshlaydi, ikkinchi misrada: «Qolding dunyo g‘aminda, yuraging qon ichinda», – deya o‘tgan umrida dunyoni g‘am qilib olganidan afsuslanadi, uchinchi misrada: «Obod deya qo‘l cho‘zding, tagi vayron ichinda»– «Tagi» vayron dunyoni obod deb qo‘l cho‘zding deb o‘zini koyiydi, to‘tinchi misrada: Inson tuproqdan yaratilganligi, zeb-ziynatlar asl fitratni buzishini aytadi, beshinchi misrada: talmeh [3.B.135] san’atini mohirlik bilan ishlatadi, hattoki Rustam kabi insonlar ham oxiri tuproqqa qorildi deya, oltinchi misrada: Sen Rustamday insonlarni oldida hechsan, shular yerga qorildi sen dunyo istama, insoniylikni, asl fitratingni saqla deydi.

Dunyolik deb choparsan, to ichingda dam bordir,
Dam ichingdan chiqqanda boshingda ming g‘am bordir,
G‘am ostinda yotarsan, na anga malham bordir,

To‘ymas ko‘zing, to‘lmoqqa bir hovuch xok-qum bordir,
Bu jahonda, odamzod, sendan g‘ofil kim bordir?
Qurtga, qushga nazar qil, kulli farmon ichinda [1.B.15].

Ikkinchi band birinchi bandning mantiqiy davomi: Dunyo deb chopasan, chunki ichingda «dam» hoyu-havas, nafs bor, o‘sha «dam» ichingdan chiqsa boshinga ming xil azob uqubatni soladi, endi bu g‘amning, azobning malhami yo‘q, Och ko‘zingni faqat o‘lganingda «bir hovuch xok-qum» to‘ydiradi. Bu dunyoda «sendan g‘ofil kim bordir» atrofinga qara qush, qurt hammasi Allohning farmoni ichida.

Ey yoronlar, ul dunyo borgan bordir, kelgan yo‘q,
O‘lik tirik holindan xabar, xotir bilgan yo‘q,
Charxi falak dastindan yig‘lagan bor, kulgan yo‘q,
Fikr qiling, qardoshlar, ko‘hnalardan qolgan yo‘q,
Yolg‘onchining vafosi yo‘qdir desam, yolg‘on yo‘q,
Dunyoga bel bog‘lagan qoldi ziyon ichinda [1.B.15].

Uchinchi bandda shoir o‘z hamnishinlariga maslahatlar beradi: Dunyoning o‘tkinchiligi, unga ko‘ngil qo‘yib bo‘lmasligi «Charxi falak dastindan yig‘lagan bor, kulgan yo‘q»-deya dunyoni mazammat qiladi, Bu dunyodan hamma o‘tishligi, «ko‘hnalardan qolgan yo‘q» – deydi, dunyoga ko‘ngil qo‘yish faqat ziyonligini aytadi.

Yo Iloho, Sen saqla qaroqchidan yo‘llarda,
Sog‘u so‘lda sarsonlar qoldirmagin cho‘llarda,
Ko‘ngil dunyo ishqinda, harom so‘zlar tillarda,
Men bir ojiz bandaman, kaminaman qullarda,
Ko‘p gunohlar topibman oz fursatli yillarda,
Xijolatda qo‘ymagil yaxshi-yomon ichinda! [1.B.15]

To‘rtinchi bandda shoir yaratganga munojot qiladi, yordam so‘raydi: «Sen saqla qaroqchidan yo‘llarda» deydi, «qaroqchi» deb hayot yo‘lidagi dunyoviy hoy-u havas, nafs qutqularini aytadi, yana «Ko‘ngil dunyo ishqinda, harom so‘zlar tillarda» – deya o‘z holidan achinadi, keyingi misralarda o‘zini ojiz banda ekanligi, gunohlari ko‘pligi shunday bo‘lsa ham yaratgandan «Xijolatda qo‘ymagil yaxshi-yomon ichinda» – deya yordam so‘raydi.

Maxtumquli, aldaydi lo‘li falak bezanib,
Ko‘nglingni moyil qilma, unga qarshi tuzanib,
Ne farog‘at, yotarsan, qo‘l-oyog‘ing uzanib,
Ajal yotar oldingda, o‘qin, yoyin kezanib,
Mahshar kuni boraver iymoningni qozonib,
Quruq kelding, bo‘sh ketma oxirzamon ichinda!.. [1, B.16]

Beshinchi bandda shoir to‘g‘ridan to‘g‘ri o‘ziga murojaat qilib, dunyo xuddi bezangan kelin kabi aldashini, dunyoga yaxshi ko‘rinish uchun «tuzanib» qalbingni unga moyil qilma deydi, Bu dunyodan farog‘at izlab, «qo‘l-oyog‘ing uzanib», g‘amsiz yashayapsan, lekin unutmaki, «Ajal yotar oldingda, o‘qin, yoyin kezanib»-deydi, iymoningni Mahshar kuni uchun hozirla, «Quruq kelding, bo‘sh ketma oxirzamon ichinda» deya inson dunyoga hech narsasiz kelishi, hechda iymoni u bilan birga ketishi kerakligini aytadi.

Xulosa o‘rnida shuni ta’kidlash mumkinki, Maxtumquli she’rlarida xalqona ruh, diniy-tasavvufiy qarashlar orqali, ota-onaga hurmat, yaqinlariga xayrixohlik, xalq dardiga achinish, millat axloqiga kuyunish kabi ezgu g‘oyalar borligini sezishimiz mumkin.

Adabiyotlar

1. Maxtumquli Firog‘iy. Saylanma. – Toshkent: O‘zbekiston, 2008.
2. O‘z yurtingdan ayrilma: she’rlar. Firog‘iy Maxtumquli / Tarjimonlar Mirzo Kenjabek, Maqsud Asror, Muzaffar Ahmad, Xurshid Davron. – Toshkent: Yangi asr avlodi, 2019. – B.128.
3. Atoulloh Husayniy. Badoye-us sanoyi. – Toshkent, 1981.
4. Hojiahmedov A. Mumtoz badiiyat malohati. – Toshkent: Sharq, 1999.

Rezyume

Ushbu maqolada Maxtumqulining hayoti va ijodi, devondagi she’rlarining, g‘oyaviy-badiiy xususiyati yoritilgan. Shuningdek, «Yuraging qon ichinda» – deya boshlanuvchi g‘azali badiiy tahlil qilingan. G‘azalda majoz, tashbeh, talmeh, munojot, nido kabi she’r san’atlaridan foydalanilgan.

Kalit so‘zlar: Devon, she’r, dunyo, oshiq, yurak, qon, Gurgan, Hojigovshon, tuproq, qul.

Summary

This article describes the life and work of Makhtumquli, the ideological and artistic nature of his poems in the Divan. Also, the ghazal that begins with «Your heart is in the blood» is analyzed artistically arts are used.

Key words: Devon, poem, world, lover, heart, blood, Gurgan, Hajigovshan, soil, slave.

Резюме

В данной статье описывается жизнь и творчество Махтумкули, идейно-художественная природа его стихов в Диване, а также художественно анализируется газель, начинающаяся словами «Твое сердце в крови».

Ключевые слова: Девон, поэма, мир, возлюбленный, сердце, кровь, Гурган, Гаджиговшан, почва, раб.

MAGTYMGULY PYRAGYNYŇ DÖREDIJILIGINDE DILIŇ ÇEPERÇILIK SERIŞDELERINIŇ ULANYLMAGY

H. BEGJANOW,
NDPI Gazak dili we edebiýaty
kafedrasynyň stajýor mugallymy

Türkmeniň beýik ogly Magtymguly Pyragynyň köptaraply döredijiliginde poetik sintaksise, ýagny çeperçilik serişdelere uly üns berilýär. Şeýle hem şahyr özüniň döredijiliginde pikir-duýgularyny emotsional täsirli beýan etmekde sözleri ýerli-ýerinde ussatlyk bilen ulanyp bilipdir.

Türkmen klassyk şahyry Magtymgulynyň goşgularynyň çeperçiligi diýlen düşünje örän köp zady öz içine alýar. Şonuň üçinem biz bu makalamyzda şahyryň goşgularynyň çeper dili babatynda gürrüň ederis. Çünki dil adamzat aragatnaşygynyň möhüm serişdesi bolmak bilen birlikde çeper eserleriň hem çeperçilik taýdan ýokary derejeli bolmagynyň, ýazyjynyň, şahyryň beýan etjek bolýan

wakasynyň okyjylar köpçüligi tarapyndan höwesli okalmagynyň möhüm serişdesidir. Çeper eserlerde degişli sözleri saýlap almak, olary ýerli-ýerinde ulanmak, jümleleri oňat düzmek awtora beýan edýän wakasyny dogry we aýdyň görkezmäge uly kömek edýär. Ine, şol sebäpli hem her bir eseriň (isle proza bolsun, isle poeziýa bolsun, onuň tapawudy ýok) çeperçilik tarapynyň güýçli, talaba laýyk bolmaklygy ozaly bilen şol eseriň diliniň oňat, hemme taraplaýyn işlenen bolmagyna baglydyr.

Magtymgulynyň döredijiliginden belli bolşy ýaly, onuň eserleriniň dili sada, türkmen halkynyň gepleşik dilinde ýazylypdyr. Eýsem, şahyr özüniň şygyrlarynda özünden öňki döwürlerde döredilen eserleriň diliniň leksikasyny köp ulanypdyr. Şonuň bilen birlikde Magtymgulynyň eserleriniň diliniň leksikasynda öz döwri bilen baglanyşykly bolan käbir leksik aýratynlyklar hem duş gelýär. Onuň eserleriniň diliniň leksikasyny özünden öňki asyrlardaky eserleriň leksikasy bilen deňeşdirenimizde, halk diliniň doly suratda Magtymguly tarapyndan peýdalanylandygyny açyk görmek mümkin.

Mundan başga-da şahyryň döredijiliginde, öňki eserlere garanyňda, arap-pars sözleri örän az ulanylypdyr. Şeýle-de bolsa, Magtymguly öz döredijiliginde arap-pars sözlerini düýbünden ulanmandyr diýmek bolmaz. Sebäbi, näxili-de bolsa, ol sözler şahyryň döredijiliginde-de belli bir derejede orun tutupdyr.

Magtymgulynyň leksikasynda duş gelýän aýry-aýry sözlere, terminlere gelenimizde, olaryň köpüsi henize çenli hem häzirki zaman türkmen dilinde aktiw suratda ulanylýar. Şu ýerde ýene bir zady belläp geçmelidiris. Ol hem bolsa, Magtymgulynyň dilinde-de käbir setirlerdäki sözler ýeke-ýekelikde alnanda düşnükli bolsa-da, şol setirleriň üsti bilen şahyryň aňlatjak bolýan pikirine düşünmek örän kyn düşýär. Muňa mysal edip şahyryň:

Altmyş ýaşan ýetmiş ýylky sopular,
Az galandyr, aý-günüňiz batmaga,
Beýik dagyň başyndaky üç agaç,
Düýbi bir bolmasa çatyp bolmaýar[1.56].

- dien setirlerini mysal getirmek bolýar.

Ýokarky setirlerde getirilen sözleriň hemmesi aýry-aýralykda düşnükli bolsa-da, şol setirleriň üsti bilen aňladyljak pikirlere düşünmek kyn. Şol setirlerde ýöredilen pikirleri her kim özüçe düşündirjek bolýar. Bu ýagdaý şahyryň öz pikirini açykdan-açyk aýtman, gizlin ýollar bilen, başga hili aýdanymyzda, ikinji bir predmetiň üsti bilen, göçme manyda aňlatmak üçin ulanylan edebi usullarynyň biridir.

Dilde sözleriň ulanylyşy, bir sözüň sözlükdäki manysy bilen çäklenmän, ondan has giň manyda ulanylýar, ýagny dildäki sözler dolanşyga düşende, olaryň aňladýan manylary sözlükdäki manylardan örän giň bolýar we göçme manyda getirilmek bilen öňki manysyndan bütinleý başga manylarda hem ulanylýar. Dildäki sözleri dolanşykda öňki manysyndan başga göçme manyda getirip, olaryň üsti bilen aýry-aýry düşünjeleri aňlatmak şol sözleri ulanýan adamlaryň, şol sanda şahyrlaryň, ýazyjylaryň dili gowy bilmeklerine we olaryň ussatlyklaryna hem bagly bolýar. Bu meselede-de Magtymgulynyň özüniň ussatlygy bilen şol döwürlerdäki şahyrlardan tapawutlanýar. Ol özüniň eserlerinde sözleriň göçme manyda gelişlerini her hili formalarda ulanmak bilen, öň ýatlap geçişimiz ýaly, bu meselede hem türkmen diliniň baýlygyndan giň suratda peýdalanypdyr.

Ine, şeýlelikde şahyr türkmen diliniň baý hazynasyndan ýerlikli peýdalanmak bilen birlikde, özüniň pikir-duýgularyny şahyrana sintaksis arkaly hem beýan etmegi başarypdyr. Bu şahyrana sintaksis Magtymgulynyň goşgularynyň akgynly okalmagyny, pikir-duýgynyň emotsional täsirli edip bermegi üçin şahyra uly mümkinçilikleri beripdir.

Magtymgulynyň öz goşgularynda dildäki çeperçilik serişdeleri ulanylyşy barada gürrüň etmezden ozal, beýik akyldar şahyryň özüniň dile, dildäki sözlere nähili garandygy barada bir naçe söz aýtmak gerek. Magtymguly dilde ulanylýan her bir söze örän paýhasly, düşünjeli garamak bilen sözün manysyna doly düşünmekligi halka öwüt-nesihat beren şahyrdyr. Ol «Geçer sen» diýen goşgusynda:

Akmak sözden haraý etmez, aňlamaz,
Aryf bolsaň, söz magnysyn içer sen. –

diýip, dilde ulanylýan sözleriň üsti bilen dürli pikirleriň aňladylýandygyny, şoňa düşünmek üçin bolsa sözleriň hakyky manylaryna akyl ýetirmelidigini beýan edýär. Mundan başga-da Magtymguly «Janyňdan» diýen goşgusynda:

Alma agza, ýaman sözi ýadyňa,
Tiken bolup, dürtüp geçer donuňdan.

Ýa-da:

Her ýaman söz jana ýylan dişidir,
Soksa, zähri asan çykmaz iniňden [2.75].

diýip, ýaman, ýerliksiz ulanylýan sözleriň adama erbet täsir edýänligini, şonuň üçin-de süýji sözli, mylaýym bolmalydygyny we dildäki sözlere parhsyz garamaly däldigini görkezip geçýär.

Magtymgulynyň eserleriniň dili barada gürrüň edilen wagtynda ýokarda belläp geçişimiz ýaly onuň goşgularynyň türkmen halkynyň öz gepleýän dilinde ýazylanlygy, halka düşnüksiz bolan sözleriň düýpden diýen ýaly ulanylmazlygy esasy bellenilip geçilmeli zatlaryň biridir. Magtymgulynyň haýsy goşgusyny okasaň-da onuň halkyň öz dilinde, halka düşnükli bolan dilde ýazylandygyna göz ýetirmek kyn bolmaýar.

Magtymgulynyň goşgularynyň çeperçilik taýdan ýokary derejeli bolmaklygynyň esasy sebäpleriniň biri-de onuň dilde bar bolan çeperçilik serişdelerinden ussatlyk bilen peýdalanyp bilenligidir. Magtymguly özüniň beýan etjek bolýan wakasyny, ýagdaýyny degişli saýlanyp alnan sözler arkaly beýan etmekligi başarypdyr. Mysal üçin, ol «Göze myhmandyr» diýen goşgusynda:

Agyrdyr heňňamlar, uzakdyr ýollar,
Soraşsa ýigitler, sözleşse tiller,
Baharda açylan reňbe-reň güller,
Bir pasyl açylar, ýaza myhmandyr [3.101].

diýip, şu bendiň ahyrky iki setirinde gülleriň açylýan döwrüni, şondan soň olaryň solup gidýänligini degişli sözleriň üsti bilen beýan edýär. Şu bentde Magtymguly hem meňzetmeden, hem sinonoimlerden ussatlyk bilen peýdalanýar. «Bahar» hem-de «ýaz» diýen sinonim sözlerini ulanmak bilen, birinjiden, goşgynyň

çeperçiligine zyýan ýetirýän gaýtalamadan daşlaşýar, ikinżiden bolsa, goşgynyň sazlaşykly çykmagy üçin gerekli bolan ýagdaýy, ýagny setirleriniň bogun sanynyň deň bolmagyny gazanýar.

Magtymguly öz goşgularynda diňe bir ýokarky ýaly sinonim sözleri ulanmak bilen çäklenmän, eýsem şol bir manyny aýry-aýry sözlerden düzülen manydaş söz düzümleriniň üsti bilen hem beýan edýär we şonuň bilen birlikde goşgynyň çeperçilik tarapyny güýçlendirýär. Mysal üçin, Magtymguly «Garrylykdyr, ýaranlar» diýen goşgusynyň bir bendinde:

Diýseň söz eşitmez, gulak ker bolar,
Olturyp, turmagy derdeser bolar.
Süýekleri syzlap, derbe-der bolar,
Dert ýamany garrylykdyr, ýaranlar.

diýýän bolsa, şol goşgusynyň beýleki bir bendinde:

Tende kuwwat galmaz, ýüzüňde görküň,
Olturyp, turmaga ýetişmez erkiň,
Aşy içip bolmaz soňyra örküň,
Dert ýamany garrylykdyr, ýaranlar[4.123].

diýip aýdýar. «Garrylykdyr, ýaranlar» diýen goşgusyndan alnan şu iki bendiň ikisiniň hem ikinżi setirinde Magtymguly adam garrandan soň onuň oturyp-turmasynyň kyn bolýandygyny görkezýär. Emma şol manyny öňki ulanan sözleriniň üsti bilen beýan etmän, başga-başga sözler arkaly aňladýar. Birinji bentdäki «derdeser bolar» diýen söz düzüminiň manysyny şahyr ikinji bentde «ýetişmez erkiň» diýen söz düzüminiň üsti bilen berýär. Bu bolsa Magtymgulynyň şol bir manyny, şol bir zady dürli-dürli söz düzümleriniň üsti bilen beýan edenligini görkezmek bilen birlikde, onuň diliň leksikasynda bar bolan sözlerden hem usattlyk bilen peýdalananlygyny görkezýär.

Magtymguly dildäki çeperçilik serişdeler bilen birlikde özüniň şygyrlarynda şahyrana sintaksisden hem ýerlikli peýdalanypdyr. Sözleriň obrazlylygy, emotsional täsirliligi diňe bir leksiki serişdeler arkaly däl-de, eýsem sözleriň biri-biri bilen baglanyşygy, sözlemleriň gurluşy (sintaksisi) arkaly-da gazanylýar. Mälim bolşy ýaly, sözlemler öz beýan edýän pikiriniň häsiýetine görä, dürli intonatsiýaly we her hili görnüşli bolýarlar. Şular hem çeper eserlerde awtoryň we gahrymanlaryň dürli ýagdaýlardaky pikir-duýgularynyň

öz bolşuna görä şöhlelenmegine mümkinçilik berýär. Çeper eserlerde sözler diňe manylary boýunça däl-de, eýsem çeper şekillendirijilik ähmiýeti boýunça-da baglanyşýarlar. Intonatsiýanyň, basymyň üýtgemegi, sözlerin adaty ýerlerinin çalşyrylmagy, jümleleriň ýüzlenme ýa-da sorag formasynda gurnalmagy bilen-de aňladyljak bolunýan pikiriň hasiýeti, äheňi özgerýär.

Şeýlelikde, Magtymgulynyň poeziýasynda şahyrana sintaksisiň bir görnüşi inwersiýa gem giňden ulanylypdyr. Meselem:

Al-ýaşyl bürenip çykar perisi ,
Kükreýip bark urar anbaryň ysy,
Beg, töre aksakgal ýurduň eýesi ,
Küren tutar gözel ili türkmeniň.

Ýa-da:

Golun sallap maral gabak periler
Iner alkymyndan däli Gürgeniň.

Ýolda ýolukdyrdym çeşmi jadyny
Ölçerdim el çoýdum yşkyň oduny
Köňül aýnasyna ýaryň adyny
Suratkeşlik edip çyzmaly boldum[5.120] «Gyzmaly boldum» diýen setirlerde sözlemdäki sözleriň adaty ýerleri çalşyrylyp ulanylypdyr. Türkmen diliniň umumy kadasy boýunça sözlemiň habary eýesinden soň gelýär. Inwersiýada ol kada bozulýar. Ýokarda Magtymgulynyň şygrynda birinji setirindäki sözlemi okanymyzda, birinjiden, onuň akgynlylyk häsiýetini duýýarys, ikinjiden, sözlemdäki sözleriň hem biriniň aýratynlykda aňladýan manysynyň has nygtalýandygyny, şonuň netijesinde tutuş sözlemiň hem «janlanýandygyny», emotsional häsiýetiniň güýçlenýändigini duýýarys. Eger biz şol sözlemi diliň sintaksisiniň umumy kadasy boýunça «Perisi al-ýaşyl bürenip çykar» diýip aýtsak, onda onuň akgynlylygynyň, «janlylygynyň», emotsional häsiýetiniň gowşaýandygyny açyk duýýarys.

Şeýlelikde, Magtymguly özüniň goşgularynda dildäki çeperçilik serişdelerinden ýerlikli ulanyp bilipdir we şygyrlarynyň emotsional täsirli bolmagyny gazanypdyr.

Edebiýatlar

1. Magtymguly. Şygyrlar. – Aşgabat, 1992.
2. Ataew K. XVIII asyr türkmen edebiýaty. – Aşgabat, 2010.
3. Annanepesow M. Magtymguly we onuň zamanasy. – Aşgabat, 1990.
4. Ýagmyrow O. Magtymgulynama. – Aşgabat, 1992.
5. Magtymguly. Şygyrlar. – Aşgabat, 1994.

Gysgaça mazmun

Çeper eserlerde degişli sözleri saýlap almak, olary ýerli-ýerinde ulanmak, düzmek awtora beýan edýän wakasyny dogry we aýdyň görkezmäge uly kömek edýär. Ine, şol sebäpli hem her bir eseriň çeperçilik tarapynyň güýçli, talaba laýyk bolmaklygy ozaly bilen şol eseriň diliniň oňat, hemme taraplaýyn işlenen bolmagyna baglydyr. Makalada türkmen klassyk şahyry Magtymgulynyň goşgularynda dilimizde ulanylýan çeperçilik serişdelerden giňden we ýerlikli peýdalanadygyny goşgulary arkaly analiz etmäge çalyşyldy.

Açar sözler: şahyr, şygyr, stil, leksika, şygryýet, janr. poetik sintaksis.

Rezyume

So‘zlarni to‘g‘ri tanlash, ularni o‘z o‘rnida qo‘llash, tartibga solish muallifga o‘zi tasvirlayotgan voqeani to‘g‘ri va aniq ko‘rsatishga yordam beradi. Shuning uchun ham har bir asarning badiiy jihati kuchli va o‘quvchilarga mos bo‘lib, bu asar tilining har tomonlama barkamol bo‘lishiga bog‘liq. Maqolada turkman mumtoz shoiri Maxtimqulining she’rlarida tilimizda qo‘llanilgan badiiy vositalardan keng va o‘rinli foydalangani tahlil qilingan.

Kalit so‘zlar: shoir, she’riyat, uslub, lug‘at, she’r, janr, poetik sintaksis.

Summary

Choosing the right words, using them in their place, arrangement helps the author to show the story he is describing correctly and clearly. That is why the artistic aspect of each work is strong and suitable for the students, and it depends on the language of the work being well-rounded. In the article, an attempt was made to analyze that the classical turkmen poet Magtymguly made

extensive and appropriate use of the artistic means used in our language in his poems.

Keywords: poet, poetry, style, vocabulary, poetry, genre, poetic syntax.

Резюме

Подбор правильных слов, использование их на своих местах, расстановка помогают автору правильно и ясно показать описываемый им рассказ. Вот почему художественный аспект каждой работы силен и подходит для студентов, и это зависит от того, насколько хорошо написан язык работы. В статье предпринята попытка проанализировать, что классик туркменского поэта Махтумкули широко и уместно использовал в своих стихах художественные средства, употребляемые в нашем языке.

Ключевые слова: поэт, поэзия, стиль, лексика, жанр. поэтический синтаксис.

MAXTUMQULI IJODIDA EPITETLAR

Zarifa NORMURODOVA,
Termiz davlat universiteti
o‘zbek tili va adabiyoti kafedrasi o‘qituvchisi

Turkman va o‘zbek xalqlarining tarixi mushtarak, tili, madaniyati, urf-odatlari o‘xshash. Bu ikki qardosh diyor doimo bir-biriga do‘stona munosabatda, mustahkam aloqalarda bo‘lib kelishgan. Maxtumquli Firog‘iyning turkman xalqi oldidagi eng buyuk xizmatlaridan biri uning hamjihatlik yo‘lidagi izchil kurashi va o‘zaro nizolarni keskin qoralashidir. Mana, qancha vaqtdan buyon mutafakkir shoirning ahillik, hamjihatlik haqidagi saboqlaridan turkman xalqining necha-necha nasli tarbiyalandi va tarbiyalanmoqda. Barqaror davlatni orzu qilgan Maxtumquli g‘oyalarining naqadar haqligini hayot isbotladi. O‘zbek adabiyotida Maxtumquli an’analarini o‘rganish, shu masaladan kelib chiqqan holda shoir ijodining mavzular ko‘lami, o‘zbek xalqi orasida mashhur bo‘lgan shoir she’rlarini lingvistik tahlil qilish, shoirning

uslubiy mahoratini ko‘rsatishni maqolamizda maqsad qildik. Maxtumquli she’riyatini turkman xalqi qanchalik sevib mutolaa qilsa, o‘zbek xalqi qalbiga ham she’riyati shu qadar yaqin. Hofizlar tomonidan shoir she’rlari asosida bir qancha qo‘shiqlar kuylangani va xalqimiz tomonidan sevib tinglanayotgani fikrimizning dalilidir.

Bugun shoirning aziz eliga u orzu qilgan porloq istiqbol nasib etdi. Mustaqil va betaraf Turkmaniston davlati jahon xaritasida tinchlik va hamjihatlik mamlakati sifatida maydonga chiqdi va tanildi. Hamjihatlikning buyuk kuchiga ishongan turkman xalqi Maxtumqulidek fidokor ajdodlaridan hamisha minnatdordir. Maxtumquli ijodi o‘zbek xalqi uchun qadrdon, ko‘plab she’rlari asosida kuylanayotgan qo‘shiqlari sevib tinglanadi. Bu yil Maxtumquli Firog‘iyning tavalludiga 300 yil to‘ldi. Turkmaniston 2014-yilni Maxtumquli yili deb e’lon qilganligi ham millat mutafakkiriga bugungi minnatdor avlodlarning beqiyos ehtiromi timsolidir.

Maxtumquli badiiy so‘zni yuksak qadrlagan. Shoirning malham yanglig‘ she’rlari, da’vatkor so‘zlari barcha davrlarda katta-yu kichikning ruhini poklab, bu go‘zal dunyoga, insonga, hayotga muhabbat uyg‘otadigan, xalq ko‘nglini yuksakka ko‘tarib, butun turkman jamiyatining ruhiy sog‘lomligiga xizmat qilib kelyapti [1, B.592].

«Turkmanning…» she’rida shunday misralar bor:

Ko‘ngillar, yuraklar bir bola boshlar,
Uyushsa, eriydi tuproqlar, toshlar,
Bir sufrada tayyor qilingan oshlar,
Yuksaladi baxt-iqboli turkmanning.

Bu she’r qo‘shiq qilib kuylangan, turkman xalqi uchun XVIII-XIX asrlarda milliy madhiya bo‘lib xizmat qilgan. Lekin bu aniq g‘oyani noahil xalqining bir dasturxon atrofida jam bo‘lishini qanday qilib amalga oshirish mumkin edi? Mutafakkir shoir buning uchun bir boshga bo‘ysunish zarurligi, bir mardning atrofiga jam bo’lish kerakligi g‘oyasini ilgari surdi. Shoir har qanday og‘ir va mushkul

sharoitlarda ham o‘z elining baxtiyor kelajagiga bo‘lgan ishonchini yo‘qotmadi. [1, B.491]

Tilshunoslikda Maxtumquli ijodiga oid turli tadqiqotlar amalga oshirilgan. Jumladan, o‘zbek tilshunosligida shoir ijodi bilan bog‘liq bir qator filologik tadqiqotlar amalga oshirilgan. O‘zbek tilshunos olimlari B.Nazarov [4, Б.3-9], H.Abdullayev [5, B.85], K.Quramboyev [6.B.63], E.Ochilov [7, B.160], J.Yusupovlar [8, B.145-146]tomonidan ham mazkur masala asosan filologik nuqtayi nazardan tadqiq qilingan.

Maxtumquli she’rlarida orzu-intilishlarini, dard-istiroblarini, xalqning kelajagi, hayotning shafqatsizliklarini turli tasviriy vositalar, obrazlar orqali ifodalagan.

Ey do‘stlarim, telba dunyo
Yaxshi kunlarim xor qildi.
Ikki yuzli, lo‘li dunyo
Meni shodlikka zor qildi.

Ushbu she’rda telba dunyo va lo‘li dunyo badiiy tasvir vositasi, ya’ni epitet bo‘lib xizmat qiladi. She’rga ta’sirchanlikni oshirish bilan bir qatorda ma’lum bir mazmun ifodalashga xizmat qiladi. Ma’lumki, telba, lo’li salbiy bahoga ega. Telba so‘ziga o‘zbek tilining izohli lug‘atida aqldan ozgan, devona, jinni, quturgan, asov deb izoh berilgan [9, B.198]. Demak, dunyo shu qadar telbaki, teskari bo‘lib qolganligidan yaxshi kunlar xor qilganligi, ikki yuzli, bari shodliklarini lo‘li dunyo tortib olganligini o‘kinch bilan ifoda etadi. Lo’li so‘zi ham ko‘chma ma’noda qo‘llangan bo‘lib, urishqoq, tilanchi, janjalkash, shallaqi degan semalarga ega. [10, B.63] Yoki:

Avval kerak yor yigitga,
Do‘st yo‘q ko‘ngli tor yigitga,
Asli yolg‘iz er yigitga
Zolim falak ozor qildi.

Shoir she’rlarining katta qismi hasbi xol tarzida yozilgan bo‘lib, o‘zining ichki tug‘yonlarini, qalb kechinmalarini bayon qiladi. Zolim so‘zi O‘TIL da «zulm qiluvchi, zulmkor, jabr qiluvchi, rahm-shafqatni bilmaydigan, berahm, berahmlikni, shafqatsizlikni

ifodalovchi, jabr – zulm bilan to‘lib-toshgan, qahrli kabi ma’nolari berilgan» [11, 381]. Bundan ko‘rinadiki, zolim so‘zi salbiy bahoga ega. Mazmun planining yo‘nalishi bo‘lmish baho turli xil til sathlarida namoyon bo‘ladi. Tilshunos olim G‘. Qambarov baho munosabatiga quyidagicha ta’rif beradi: «Baho subyekti deganda, ma’lum predmetni o‘z nuqtai nazaridan yoki boshqa predmetga qiyosan baholovchi shaxs tushuniladi» [12, B.9]

Zolim falakning dastidan
Oshiqlarda ot qolmadi.
Qora yerning shum fe’lidan
Uzoq umr, zot qolmadi.

Keltirilgan misolda zolim falak, qora yer, shum fe’l kabi epitetli birikmalarda qo‘llangan epitetlarda salbiy ma’no ifodalangan.Misoldagi epitetlarning barchasida
xususiyat ifodalanib, o‘sha xususiyat orqali esa predmetning bahosi aniqlanadi. Qora yer, ya’ni beshafqat o‘lim tufayli yer o‘z komiga necha ming kishini tortyaptiki, uning shum fe’lidan uzoq umr ko‘radigan yer yuzida biror zot qolmayotganidan shoir azob chekadi. Shum so‘zi yomon fikrdagi; niyati buzuq; yomon, yaramas ,baxtsizlikka duchor qiluvchi, qo‘lidan har qanday yomonlik keladigan, ayyor, makkor, quv, qildir kabi ma’nolarda qo‘llaniladi. [11, B. 687]

Ayrildim g‘uncha gulimdan,
Qora sochli sunbulimdan,
Xush ovozli bulbulimdan,
Shirin guftordan ayrildim.

Bu misrada ham shoirning hijron nolalari, yorning go‘zalligi badiiy tasviriy vositalar asosida tasvirlangan-ki, she’rni o‘qigan o‘quvchida yor haqidagi tasavvurning paydo bo‘lishiga xizmat qilgan. Turkiy xalqlar adabiyotida oshiq yorni go‘zalligini g‘uncha obrazi orqali ifodalash an’ana hisoblanadi. Qolaversa, g‘uncha yoshlik, nafislik kabi semalarga ham egadir. Shoir she’rlarini o‘qir ekanmiz, misralarda mung, hasrat, hassos shoirning xalqi ozodligi yo‘lidagi orzu va da’vatkor so‘zlarini tuyamiz. Xulosa qilib aytganda, shoir ijodini o‘rganish, uni filologik aspektda tadqiq qilish

Maxtumquli ijodini kengroq anglashga, til uslubini, badiiyatini ochib berishga xizmat qiladi.

Adabiyotlar

1. Nadim M. H. Ethnocultural situation of Uzbek people in Northern Afghanistan //Theoretical & Applied Science,(6). – 2021. – С. 490-492.
2. Турдикулов Ш. Д. Сурхондарё ономастик сатҳида теотопонимлар //Educational Research in Universal Sciences. – 2022. – Т. 1. – №. 5. – С. 217-220.
3. Turdikulov S. D. Ethnolinguistic features of surkhandarya microtoponyms (on the example of theotoponyms) //Theoretical & Applied Science. – 2020. – №. 4. – С. 81-83.
4. Назаров Б. Махтумқулининг замонавийлиги //Ўзбек тили ва адабиёти. –Toshkent, 2008. № 5. – Б. 3-9.
5. Абдуллаев Ҳ. Махтумқули ва ўзбек адабий муҳити. – Toshkent: Фан, 1983. – Б.85.
6. Қурамбоев К. Махтумқули шеърияти Ўзбекистонда. М.Қўшжонов. – Toshkent: Фан, 1984. – Б. 63.
7. Очилов Э. Махтумқули. – Тошкент: O‘zbekiston, 2015. – 160 б.
8. Юсупов Ж., Сапаров М. Магтымгулы эсерлериниң өзбек дилине тержемелери барада // «Магтымгули ва дуняниң руҳи-медени гымматлыклары» атлы халкара ылымый мәсләҳати тезислери. – Ашгабат: 2008. – С. 8.
9. O‘zbek tilining izohli lug‘ati. V jild. – Toshkent: G‘.G‘.NNMU, 2023. – B.198.
10. O‘zbek tilining izohli lug‘ati. III jild. – Toshkent: G‘.G‘.NNMU, 2023. – B.63.
11. O‘zbek tilining izohli lug‘ati. VI jild. – Toshkent: G‘.G‘.NNMU, 2023. – B. 381, 687.
12. Қамбаров Ғ. Баҳо муносабати ва унинг ўзбек тилида ифодаланиши. Фил.фан.ном.дисс. – Toshkent, 2008. – Б. 9.

Rezyume

Ushbu maqolada turkman xalqining buyuk farzandi, istiqlol kuychisi shoir Maxtumqulining ijodining tilshunoslikda o‘rganilishi, badiiy til mahorati, uslubi, o‘ziga xos ijodi haqida so‘z yuritilgan.

Kalit so‘zlar: epitet, baho, baho subyekti, badiiy tasvir vositasi, salbiy baho, til uslublari.

Summary

In this article, the work of the poet Makhtumkuli, the great son of the Turkmen people, the singer of independence, is studied in linguistics, his artistic language skills, style, and his unique creativity are discussed.

Key words: epithet, evaluation, subject of evaluation, tool of artistic image, negative evaluation, language styles.

Резюме

В данной статье в лингвистике изучается творчество поэта Махтумкули, великого сына туркменского народа, певца независимости, обсуждаются его художественные языковые навыки, стиль, уникальное творчество.

Ключевые слова: эпитет, оценка, предмет оценки, инструмент художественного образа, негативная оценка, языковые стили.

MAXTUMQULI SHE’RLARIDAGI IKKI KOMPONENTLI FRAZEMALARNING STRUKTUR-SEMANTIK XUSUSIYATLARI

Nazarbay Radjapbayevich KILICHOV,
Qoraqalpoq davlat universiteti dotsenti,
filologiya fanlari bo‘yicha falsafa doktori

Gowher AMANGELDIYEVA,
Qoraqalpoq davlat universiteti talabasi

Buyuk mutafakkir Maxtumquli Firog‘iy she’rlari turkiy xalqlar orasida juda mashhur bo‘lib, yengil o‘qilishi, xalqona ruhi bilan o‘qirmanlarning ong-u shuuridan mustahkam o‘rin egallab

kelmoqda. Ayniqsa, shoir she’rlarida uchraydigan alohida leksemalar, an’anaviy turg‘un o‘xshatishlar, shoir qalb prizmasida qayta ishlangan xalq maqollari, frazeologizmlar, ko‘chma ma’noli so‘zlar o‘qirmanlar tilida har xil munosabatlar bilan, turli davralarda esga olinadi, aytiladi, biror munosabat bilan fikr tasdig‘i uchun keltiriladi. Maxtumquli she’rlaridagi yuqorida sanalgan leksik, frazeologik, paremiologik birliklarning bir qismi o‘quvchilar uchun tushunarli bo‘lsa, ayrimlarini izohlash, sharhlash, tavsiflashga ehtiyoj seziladi. Zotan, milliy til va o‘sha tilning badiiy-tasviriy vositalari aynan xalq qalbidan o‘rin olgan buyuk yozuvchilar, shoirlar, mutafakkirlar asarlari orqali shakllanadi, avloddan avlodga, otadan bolaga o‘tib, tilda barqaror o‘rniga ega bo‘ladi.

Maxtumquli she’rlarida qo‘llanilgan frazeologizmlarni dastlab strukturasi, komponentlari tartibi, shakli bilan bog‘liq jihatlar tahlil qilish maqsadga muvofiq. Darhaqiqat, ikki komponentli frazeologizmlar shoir she’rlarida katta guruhni tashkil qiladi.

Shuni alohida ta’kidlash kerakki, maqolada Maxtumquli she’rlaridan olingan frazeologizmlar va misollar asliyatida, ya’ni turkman tilida beriladi. Chunki shoir she’rlarining o‘zbek tilidagi tarjimalarida frazeologizmlarning ko‘pchiligi boshqa variantli yoki so‘zlar bilan tarjima qilingan.

Ikki komponentli fe’lli so‘z birikmalari miqdoran juda ko‘p bo‘lib, ularning aksar qismi ot+fe’l qolipida uchraydi va tarkibidagi ot so‘zlarni genetik jihatdan quyidagi tarkibiy qismalarga ajratish mumkin:

1. Arabcha o‘zlashma+fe’l (et, kyl, eýle, bol).
2. Fors-tojikcha o‘zlashma+fe’l (et, kyl, eýle, bol).
3. Har ikkala qismi umumturkiy qatlamga oid so‘zlardan tashkil topgan ikki komponentli frazemalar.

Frazeologik birliklarning yana bir o‘ziga xos xususiyati ularning tuzilishi go‘yo oddiy erkin so‘z birikmalariga o‘xshasa ham, strukturasi turg‘un bo‘lib, boshqa turli birikmalar bilan bog‘lanmaydi va so‘z tartibining o‘zgarishiga yo‘l qo‘ymaydi. Turkiy tillardagi, xususan, turkman tilidagi bunday birikmalar ko‘proq yozma uslubga xos, so‘zlashuv tilida kam qo‘llaniladi. Ushbu lug‘aviy birliklar turkman tili leksikasidagi qo‘shma fe’llardan va ko‘makchi fe’lli so‘z

qo‘shilmalariga shaklan (tuzilishiga ko‘ra) o‘xshash, ammo ulardan ham sintaktik munosabatiga, ham semantikasiga ko‘ra farq qiladi. Ya’ni qo‘shma fe’llar ikkita mustaqil so‘zning o‘z mustaqil ma’nolarini saqlagan holda birikishidan tuzilib, ot+fe’l yoki fe’l+fe’l ko‘rnishida bo‘ladi. Masalan: *gyzyl bolmak, alyp bermek, baryp gelmek, satyn almak* va boshqalar. Shuningdek, ko‘makchi fe’lli so‘z qo‘shilmalari ikki yoki undan ortiq fe’llardan iborat bo‘lib, tarkibiga ko‘ra yetakchi fe’l+ko‘makchi fe’l qolipida tuziladi va bu qolipda yetakchi fe’l oldin, ko‘makchi fe’l (birdan ortiq ham bo‘lishi mumkin) keyin keladi: *okap oturmak, ýazyp bermek, okap berip durmak*. Ko‘makchi fe’lli so‘z qo‘shilmalari tarkibida nechta fe’l bo‘lishiga qaramasdan umumiy bir ma’noni ifodalaydi va bir so‘z sifatida qaraladi.

Firog‘iy she’rlaridagi arabcha yoki fors-tojikcha o‘zlashmalarga qo‘shilib keladigan *et, kyl, eýle, bol* fe’llari qisman ma’nosini yo‘qotib, yordamchi fe’l vazifasida va kesimni shakllantiruvchi vosita vazifasida keladi hamda o‘zidan oldin kelgan so‘zlar bilan birga umumiy ko‘chma ma’no ifodalaydi. Asosiy ma’no birinchi komponent orqali yuzaga chiqadi, ammo ikkinchi komponent tushirilsa, fe’l frazeologizm ifodalagan ma’no to‘liq yuzaga chiqmay qoladi. Shundan kelib chiqib ularni bemalol frazeologizmlar tarkibiga kiritish mumkin bo‘ladi. Shuningdek, frazeologizmlar tarkibidagi *et, kyl, eýle, bol* fe’llari uslubiy-funksional xususiyatlariga ko’ra ham farqlanadi: *kyl, eýle* fe’llari uslubiy xoslangan, faqat badiiy (odatda, turkman mumtoz she’riyati tilida) istifoda etiladi; *et, bol* fe’llari esa uslubiy betaraf, so‘zlashuv tilidaga ham, kitobiy tilda ham faol qo‘llaniladi.

Maxtumquli she’rlarida qo‘llanilgan ikki komponentli frazemalarni tarkibiga ko‘ra quyidagi guruhlarga bo‘lishimiz mumkin:

1. **Arabcha o‘zlashma+fe’l** (et, kyl, eýle, bol): *aman galmak* (39)[10], *wepat kylmak* (315), *şehit bolmak* (39), *watan tutmak* (17/ 58), *katl etmek* (17), *gaflata batmak* (17), *mejlis sürmek* (20), *pata bermek*

[10] Shu va bundan keyingi misollar quyidagi manbadan olingan hamda bundan so‘ng faqat manbaning beti ko‘rsatilib ketiladi: Magtymguly. Saýlanan eserler ýygyndysy. – Aşgabat: “Türkmen döwlet neşriýaty gullygy”, 2014.

(20/35/ 47), *rowaç bermek* (25), *habar tutmak* (26), *amanady(ň) almak* (277/325), *hyýanat etmek* (278), *mürewwet etmek* (469), *ynsabyňy ýuwutmak* (357), *kanagat etmek* (560), *reşk etmek* (560).

Arabcha+fe'l qolipdagi ikki komponentli frazeologik birliklarning ikkinchi qismi – fe'l so'zlar variantli bo'lishi ham mumkin. Bunday holda ikkinchi komponent – fe'llar shakl va ma'nosiga ko'ra turlicha bo'lishiga qaramasdan har ikkalasi ma'lum bir harakat va holatni ifodalashi nuqtayi nazaridan variantli hisoblanadi: *wepat bolmak – wepat kylmak, doga kylmak – doga okamak, höküm sürmek – hökm eýlemek – höküm etmek – hökmi geçmek*; *akly gitmek – aklyn ýitirmek – akly çaşmak*; *toba kylmak – toba etmek*; *döwlet gelmek – döwlet gülmek*; *döwlet* gitmek – *döwleti gaçmak*; *yzzat kylmak – yzzat etmek*; *gadam goýmak – gadam urmak*; *mürewwet etmek – mürewwet kylmak*; *tama etmek – tama kylmak*; *lütf etmek – lütf eýlemek*. Masalan:

Hasrat bile geçdim, haýranda galdym,
Dergähiň daldadyr, sygynyp geldim,
Nebs ile şeýtanyň paýmaly boldym,
Eýäm, sen *lütf edip*, gutargyl ondan («Çykardym çenden»).

Birinchi komponenti ayni bir so'z, ikkinchi komponenti (fe'l) harakat-holatni turli ma'no bo'yoqlari – ottenkalari orqali aks ettirishiga ko'ra ba'zi frazeologik birliklar sinonimlik hosil qiladi: *nazary ýetişmek – nazary tokunmak – nazary düşmek* «ulug' avliyolarning, pirlarning ixlosi singmoq yoki kimningdir e'tiboriga sazovor bo'lmoq»; *nazar salmak – nazar kylmak* «e'tibor bermoq, diqqatini qaratmoq»; *gam ýuwutmak – gam çekmek* «qattiq qayg'uga tushmoq»; *döwlet(im) göçmek – döwlet sowulmak* – «mol-dunyosini yo'qotmoq, uyining barakasi ketmoq, umrining mazmuni qolmaslik, ruhiyatida xotirjamlikning yo'qolishi». Masalan:

Magtymguly, akyl başymdan uçdy,
Ykbalym ýatypdyr, *döwletim göçdi* («Görer gözüň – iliňi»).

Maxtumquli she'rlaridagi ikki komponentli frazeologizmlar birinchi komponentlar o'rtasidagi sinonimlik asosida ham

ma’nodoshlik yuzaga kelishi mumkin: *jebir görmek – jepa görmek*; *yzzat etmek – hormat etmek*. Masalan:

Nije zähmet çeken zatlar,
Jepeny görmeli boldy («Ýörmeli boldy»).

Ayrim frazeologizmlar tarkibidagi fe’llar esa harakatning kim tomonidan bajarganligiga ko‘ra farq qiladi hamda bunday holatda variantlilik emas farqli ma’nolar yuzaga keladi: *şehit bolmak* – o‘z xohishiga ko‘ra shahid bo‘lmoq, *şehit kylmak* – boshqa birov tomonidan bajarilgan harakat-holat. Yoki: *bikarar bolmak – bikarar kylmak*. Masalan:

*Şehit bolan*laryň serin galdyrdyň,
Unudar sen tagty-käni sen, Fettah («Fetdah»).

Shuningdek, ikki komponentli fe’l frazeologizmlar o‘zaro antonimlik ham hosil qiladi: *döwlet gelmek – döwlet gitmek*; *döwlet gülmek – döwleti gaçmak*, *döwlet(im) göçmek*; *ykbal oýnamak – ykbal ýatmak*. Masalan: *ykbal oýnamak* (327/363), *ykbal ýatmak* (515, 520/528)

Ykbalyň oýnasa, döwlet ýar bolsa,
Daga azy ursaň, daşy syndyrar.

2. **Fors-tojikcha o‘zlashma**+fe’l (kyl, et, eýle, bol): *bagyş kylmyş* (32)*, dessan düzmek* (35), *ten bermek* (349), *paş etmek* (356), *dama düşmek* (356), *bagty turmak* (363), *pisent etmezlik* (391), *nan tapmak* (396/399), *ryswa bolmak(mazlyk)* (411), *kelle goýmak* (500), *hemra bolmak*, *hemra kylmak* (508), *çyragy(m) öçmek* (522).

Bu qolipdagi frazeologik birliklar komponentlari orasida ham xuddi arabcha o‘zlashmalar orqali shakllangan frazeologizmlar tarkibidagi kabi frazeologik variantlilik, sinonimlik, antonimlik, polisemiya kabi hodisalar uchraydi:

Frazeologik variantlilik: *bagş eýlemek – bagş etmek – bagş kylmak*; *zar kylmak – zar eýlemek*; *lap etmek – lap urmak*; *arzuw etmek – arzuw eýlemek*. Masalan, *lap etmek*, *lap urmak* frazeologizmlari «maqtanib gapirmoq, o‘zini maqtamoq», «mubolag‘a qilmoq» ma’nolarini ifodalaydi:

Lap edip dahan doldurma,
Jeň nan degil diş üstünde («Baş üstünde»).

Yoki:

Öýünde *lap urar* her kim,
Batyr söweşde bellidir («Daşda bellidir».)

Mazkur qolipdagi frzeologik variantlilikda ham harakat-holatning bajaruvchiga nisbatan farqlanishi asosida yuzaga keladigan, ya'ni fe'l nisbatlari asosida farqlanuvchi variatsiya ham kuzatiladi: *weýran etmek – weýran bolmak*; *hemra bolmak – hemra kylmak*.

Frazeologik sinonimiya: *berbat kylmak*, *weýran etmek*; *derde galmak*, *derde duşmak*, *dert çekmek, derde ýanmak*; *günä gazanmak*, *günä galmak*; *panydan geçmek, jan çykmak, çyragy(m) öçmek*; *har kylmak*, *zar kylmak*, *zar eýlemek*. Masalan, *panydan geçmek, jan çykmak, çyragy(m) öçmek* frazeologik birliklari «vafot etmek, dunyodan o'tmoq, o'lmoq, qazosi to'lmoq» ma'nolarini badiiy-ta'sirchan ifodalashga xizmat qilgan:

Eý, ýaranlar, ýowuz dessan bitildi,
Bir goçak *panydan geçdi* diýdiler.(«Geçdi diýdiler»)

Yoki:

Ýigitler gojalyp, goja ýigit bolmuş,
Çyragym öçüpdir, narym görünmez («Gözel ýarym görünmez»).

Frazeologik antonimiya: *umyt etmek – umyt üzmek*; *arman çekmek – arzuw etmek*; *jan almak – jan bermek*; *har kylmak – hoşnut etmek*; *bagty turmak – bagty ýatmak*. Masalan: *umyt etmek* (26/ 29), *umyt üzmek* (62/ 427/448/542),

Ahmet patyşadan habar tutmaga,
Umyt etdi iller Çowdur han üçin («Çowdur han üçin»).

Yoki:

Abdylla gitfi diýip *umyt üzüpdim*,
Bezirgenler gelip, ondan uç kyldy (Uç kyldy).

Frazeologik polisemiya: «bendi kylmak»:
1) qo'l-oyog'ini bog'lamoq, tutqin qilmoq, asir olmoq:

Ger gadam ursa saýýat, bolmaýyr ol duşygär,

Bendi kylyp ala bilmez, düşmez türkmen balasy («Türkmen binasy»).

Yoki:

Ähli beýtin ýyglaşar, nalasy arşa ýetip,

Bendi kyldy men pakyry, görgül ol pelek tutyp («Aýrylyp»).

2) o‘ziga bog‘lab olmoq, o‘ziga mahliyo qilmoq:

Roýy aý dek jurga hallar, *bendi kylar* göreni,

Şuglasy älemi ýakar, mahy-tabana meňzemez («Meňzemez»).

3. **Har ikkala qismi umumturkiy qatlamga oid so‘zlardan tashkil topgan ikki komponentli frazemalar**: *goşun çekmek* (24), *ýörüş kylmak* (23), *biliňi guşamak* (31), *dyza çökmek* (30), *tor gurmak* (31), *baş goşmak* (öýlenmek) (35/ 45), *baş gutarmak* (88), *güni ýaşmak* (514), *gözi doýmazlyk* (528).

Umuman, Maxtumquli she’rlari tilini lingvistik jihatdan tadqiq qilish, uning asarlari tilidagi frazeologik birliklarni struktur-semantik va lingvomadaniy jihatdan tahlil qilish nafaqat turkman tilshunosligi uchun, balki turkologiya, tarixiy leksikologiya, tarixiy lingvopoetika masalalarini o‘rganishda ham muhim ahamiyatga ega.

Adabiyotlar

1. Magtymguly. Saýlanan eserler ýygyndysy. – Aşgabat: Türkmen döwlet neşriýaty gullygy, 2014.

Rezyume

Mutafakkir Maxtumquli Firog‘iy she’rlarida uchraydigan alohida leksemalar, an’anaviy turg‘un o‘xshatishlar, shoir qalb prizmasida qayta ishlangan xalq maqollari, frazeologizmlar, ko‘chma ma’noli so‘zlar, paremiologik birliklarning bir qismi o‘quvchilar uchun tushunarli bo‘lsa, ayrimlarini izohlash, sharhlash, tavsiflashga ehtiyoj seziladi. Mazkur maqolada ushbu birliklarning shoir ijodi misolidagi lisoniy tahlillar hamda ularga doir ilmiy xulosalar keltirilgan.

Kalit so‘zlar: Maxtumquli Firog‘iy she’rlarida alohida leksemalar, an’anaviy turg‘un o‘xshatishlar, xalq maqollari,

frazeologizmlar, ko‘chma ma’noli so‘zlar, paremiologik birliklar tahlili.

Summary

Individual lexemes found in the poems of the thinker Magtymguly Firogi, traditional stable comparisons, folk proverbs, processed through the prism of the poet’s heart, phraseology, words with a figurative meaning, some paremiological units are intended for readers. of these need to be explained, interpreted and described. This article presents a linguistic analysis of examples of poets of these units and scientific conclusions about them.

Key words: analysis of individual lexemes, traditional stable comparisons, folk proverbs, phraseological units, figurative words, paremiological units in the poems of Magtymguly Firogi.

Резюме

Отдельные лексемы, встречающиеся в стихотворениях мыслителя Махтумкули Фироги, традиционные устойчивые сравнения, народные пословицы, переработанные в призме сердца поэта, фразеология, слова с переносным смыслом, часть паремиологических единиц предназначена для читателей. из них необходимо объяснить, интерпретировать и описать. В данной статье представлен лингвистический анализ примеров поэтов этих единиц и научные выводы о них.

Ключевые слова: анализ отдельных лексем, традиционных устойчивых сравнений, народных пословиц, фразеологизмов, образных слов, паремиологических единиц в стихотворениях Махтумкули Фироги.

MAXTUMQULI IJODIDA ORONIMLARNING QO‘LLANISHIGA DOIR AYRIM MULOHAZALAR

Zohirjon Sobirovich KENJAYEV,
Termiz davlat universiteti
o‘zbek tilshunosligi kafedrasi o‘qituvchisi

Sherzod Duminovich TURDIQULOV,
Termiz davlat universiteti
o‘zbek tilshunosligi kafedrasi katta o‘qituvchisi,
filologiya fanlari bo‘yicha falsafa doktori

Turkman klassik adabiyotining otasi deya e’tirof etilgan Maxtumquli nafaqat shoir, balki faylasuf, ma’naviyat yetakchisi, xalqining birligi, yaxlitligi uchun kurashuvchi ham bo‘lgan. U turli-tuman turkman qabilalarini millat va davlatga birlashtirishga intilib, tinchlik va hamjihatlikka chaqirdi. Uning tili xalqqa qulay va yaqin bo‘lib, she’rlarini ifodali va obrazli qilish uchun badiiy vositalardan foydalangan. Uning adabiy merosi Turkmaniston va butun turkiy dunyo madaniy-tarixiy boyligining qimmatli manbai bo‘lib qolmoqda [7.B.3012]. Bundan tashqari, Maxtumquli xalq tilini, folklorini yaxshi bilganligi uchun onomastik biliklarni misralarda o‘rinli va samarali qo‘llaydi. Bu esa Maxtumquli asarlaridagi o‘zbek va turkman xalqlari uchun umumlingvomadaniy xarakter kasb etuvchi onomastik birliklarni o‘rganish zarurati borligini ko‘rsatadi. Chunki o‘zbek va turkman xalqlari azaldan qo‘shnichilik, quda-andachilik do‘st-u birodarlik ruhida yashab kelganlar.

A.K.Matveyev: «Onomastika dunyosi, eng avvalo, kishi va joy nomlari (antroponimlar va toponimlar) nihoyatda katta, jamiyat uchun mohiyatli va go‘zaldir» – deya ta’riflaydi [1.B.35]. Onomastika (yunoncha: onomastikos – ismga bog‘liq, opot - ism) 1) tilshunoslikda otlar, ularning tarixi, tilda qo‘llanilishini o‘rganadi. 2) Onomastika turli xos nomlarga (antoponimiya, toponimika, etnonimika) bo‘linadi [3]. Onomastikaning tadqiq doirasi bu bilan chegaralanib qolmaydi. Atoqli otlarning mohiyatini, ularning kelib chiqishini va keyinchalik xalqning hayotidagi faoliyatini ham qamrab oladi. Ilmiy manbalarga ko‘ra, atoqli va turdosh otlar ma’nosini ifodalovchi ismlar ishlatilganiga ikki ming yildan oshdi. Tilning

onomastik sathini atoqli otlar tashkil qiladi. Atoqli otlar «onomastik birliklar» nomi bilan yuritiladi. Xuddi shunga o‘xshash fikrni Ozarbayjon tilshunosi A.Gurbanov izlanishlarida ham kuzatishimiz mumkin.

Maxtumquli ijodi xalq og‘zaki ijodi tiliga yaqin turganligi bois, uning ijodida xalq hayoti bilan bog‘liq onomastik birliklar talaygina. Quyidagi misrasida bir nechta tarixiy shaxslarni, joy nomlarini ko‘rishimiz mumkin:

Bir nechalaring oshiga gar og‘u qotildi,
Taqdiri azal kotibidin bo‘yla yozildi,
***Mansur** «Anal Haq» deya, ko‘r, dorga osildi,*
*Mag‘rib shohining ul qizi **Kan’on**ga chatildi,*
***Yusuf**ni ko‘ring, qul dedilar, anda sotildi,*
*Oxirda ko‘ring, **Misr**da sulton bo‘lib o‘tdi.*

Maxtumquli ijodini tahlil qilar ekanmiz, shoir ijodidan o‘rin olgan onomastik birliklarni shartli ravishda quyidagicha tahlil qilishimiz mumkin:

T/R	Toponim	Antropo-nim	Teonim	Ornitonim	Oronim	Biblionim
1	Misr	Layli	Muhammad	Boyqush	Sangi	«Farhod va Shirin»
2	Ka’non	Majnun	Sulaymon	Haqqush	Sino	Bo‘ston»,
3	Arabiston	Xusrav	Yusuf	Qaqnus	Qobus	«Madoniy»
4	Turkiston	Shirin	Dovud	To‘ti	Xaybar	«Soqiynoma»
5	Chin	Sherg‘ozi	Idris	Davlat qushi	Junud	«Shohnoma»
6	Hindiston	Iskandar	Azroil	Jon qushi	Judiy	«Chor devon»

Maxtumquli serqirra ijodkor. Yuqorida ta’kidlanganidek, uning ijodi bilan tanishar ekansiz ko‘plab sohalarni mukammal bilganligini guvohi bo‘lasiz. Chunki ijodiy merosida so‘z qo‘llash mahorati, til ilmidan yaxshi xabardorligi yaqqol ko‘zga tashlanadi. Ijodkor oronimlardan yaxshigina xabardor bo‘lib, misralarda etalon vazifasini o‘tovchi oronimlarni mahorat bilan tanlaydi.

Oronimlar guruhini tashkil etuvchi birliklardan bo‘lgan tog‘ nomlaridan ***Sangi tog‘i, Sino tog‘i, Qobus tog‘i, Xaybar tog‘i, Junud***

tog‘i, Judiy tog‘i, Qof tog‘i, Tur tog‘i, Ta’lamun tog‘i kabilar shular jumlasidandir. Ijodkor ushbu oronimlarni shunchaki qo‘llamaydi. Ularning o‘ziga xos tomonlarini, xalq orasidagi etimologik va mifologik qarashlariga tayanib, xalqona ruhni ham singdiradi. Xususan, Ozodiyning:

- Shaytonning qaysi o‘g‘lidir,
Odam Ato bilan tushdi?
Haqning Rasuli – Payg‘ambar,
Xaybarda qancha urushdi? – degan savoliga:

- Shaytonning Xannos o‘g‘lidir,
Odam Ato bilan tushdi.
Xaybar tog‘inda Payg‘ambar
Chun yetti oylab urushdi,

- deya javob qaytaradi. Bundan ko‘rinib turibdiki, Maxtumquli payg‘ambarlar tarixini yaxshi bilgan. Chunki Xaybar tog‘ida 628-yilda Muhammad s.a.v boshchiligidagi ilk musulmonlar va Xaybar vohasida yashovchi yahudiylar o‘rtasida 150-yilda jang bo‘lgan.

Qof tog‘i *zabarjad, rang-barang tog‘dir,*
Qaqnus bir qush, doim unda tuzoqdir.

Yuqoridagi misrqada «izofaviy birikma ko‘rinishidagi Ko‘hi Qof mifotoponimi hisoblanadi. Ko‘hi Qof – o‘zbek xalq o‘g‘zaki ijodi namunalarida, xususan, ertak, dostonlarda afsonaviy tog‘ nomi sifatida tilga olinadi» [2.B.84]. Bu tog‘ o‘zbek xalqi lingvomadanyatida ham ***«uzoq makon (o‘lka)»*** etalonini ifodalab keladi.

Maxtumquli Islom dunyosi uchun muqaddas deb hisoblanadigan ***«Yetti tog‘«***ga ishora qilgan o‘rinlari ham mavjud. Bu fikrning isbotini adibning «Iymonim yo‘ldosh bo‘lsa» nomi ostidagi she’ridan o‘rin olgan quyidagi misrada uchratamiz:

Jon foniy, jahon shaydo,
Mundane hech yo‘qdir foyda,
Yetti tog‘, *yetti daryo*
Dali dunyoni ko‘rsam.

Afsonaviy yetti tog‘ xalq og‘zaki ijodi namunalarida ko‘p bora tilga olinadi. Chunki ushbu tog‘lar muqaddas sanalib, ziyorat uchun borilishi manbalarda qayd etiladi. Xususan, Sofa va Marva Makkadagi ikki muqaddas tepalik hisoblanib. ularga borish haj va umrani bajarish amallaridan biri hisoblanadi. Yetti to‘g‘ning yana biri Arofat tog‘i. Ushbu tog‘da Haj amallaridan biri bajariladi. ***Arofat*** tog‘i Jannatdan haydalgan Odam alayhissalom va Havvo onamiz yer yuzida topishgan aziz joy sanaladi. ***Jabal an-Nur*** tog‘ining nomi o‘zbekchaga tarjima qilinsa, *«nurli tog‘«* degan ma’noni bildiradi. Payg‘ambar sollallohu alayhi vasallam aynan shu tog‘dagi Hiro g‘orida ko‘p yillar odamlardan xoli qolib ibodat qilganlar. U zot alayhissalomga birinchi vahiy ham shu yerda nozil bo‘lgan.

Maxtumqulining yetti afsonaviy tog‘ni tilga murojaatidan, u yerlarni ziyorat qilishga bo‘lgan ishtiyoqidan islom va tasavvuf ilmini yaxshi bilganligini anglashimiz mumkun.

Xulosa o‘rnida shuni aytishimiz mumkinki, Maxtumquli turkman adabiyotini bezatibgina qolmay, balki hayot go‘zalligini, xalqning tinchlik va mustaqillikka intilishini qadrlaydigan har bir inson uchun ilhom manbai bo‘lib xizmat qiladi. Uning she'rlari kitobxonlar bilan qizg‘in muloqotni davom ettirib, o‘z xalqining tarixi va qalbini asrlar osha yetkazgan holda turk va jahon adabiyotida ta’riflab bo‘lmas meros qoldirdi» [7.B.3010]. Uning ijod namunalarini o‘rganar ekanmiz, asarlarining til xususiyatlarini tahlil qilar ekanmiz turkiy xalqlar xos milliy-madaniy merosni, tarixi va qadriyatlari yaqqol ko‘zga tashlanib turishini guvohi bo‘lamiz.

Adabiyotlar

1. Матвеев А.К. Ономатология. – Москва: Наука, 2006.
2. Bozorov H. O‘zbek xalq ertaklarining lingvomadaniy tadqiqi: Filol.fan.b.fals.dok. ...diss. – Termiz, 2023. – B. 84.
3. https://uz.wikipedia.org/wiki/Onomastika
4. Eshnozar o‘g‘li Q. M. Mahmud Kashgari’s work «Devonu Lugatit Turk» as a source of enrichment of the current Uzbek language // Zien Journal of Social Sciences and Humanities. – Tashkent, 2022. – C. 17-18.

5. Kenjayev Z. Boysun tuman qo‘shma tarkibli oronimlari // Евразийский журнал социальных наук, философии и культуры. – Ташкент, 2022: 2. – №. 13. – С. 169-173.

6. Sobirovich K.Z. O‘zbek tili oronimlarining tarixiy manbalarda qo‘llanishi // Philological research: language, literature, education. – Toshkent, 2024: 2. – №. 2.

7. Tohfa Mammadaga kizi Talibova. Анализ литературного наследия классика туркменской литературы Махтумкули Фраги // Path of Science. Vol. 9. No 9. 2023. – P. 3012.

8. Турдиқулов Ш.Д. Сурхондарё ономастик сатҳида теотопонимлар //Educational Research in Universal Sciences. – 2022. – Т.1.– №.5.– С. 217-220.

9. Turdikulov S.D. Ethnolinguistic features of Surkhandarya microtoponyms (on the example of theotoponyms) //Theoretical & Applied Science. – 2020. – №. 4. – С. 81-83.

Rezyume

Ushbu maqolada Maxtumquli Firog‘iyning ijodida onomastik birliklarning qo‘llanishi bilan bog‘liq o‘rinlarga e’tibor qaratilgan. Jumladan, onomasiologiyaning muhim tarmoqlaridan biri oronimlarning Maxtumquli misralaridan o‘rin olishi va ushbu birliklarni qo‘llashdan ko‘zlagan asosiy maqsadi tahlilga tortilgan.

Kalit so‘zlar: turkiy, turkiy xalqlar, onomastika, oronim, lingvomadaniy, yetti afsonaviy tog‘.

Summary

This article focuses on places related to the use of onomastic units in the works of Makhtumkuli Firoghi. In particular, one of the important branches of onomasiology is the taking place of oronims from Makhtumkuli verses and the main purpose of using these units is analyzed.

Key words: Turkic, Turkic peoples, onomastics, oronim, linguistic culture, seven legendary mountains.

Резюме

В данной статье основное внимание уделяется местам, связанным с употреблением ономастических единиц в творчестве Махтумкули Фироги. В частности, одним из важных

разделов ономасиологии является место оронимов из стихов Махтумкули и анализируется основная цель использования этих единиц.

Ключевые слова: тюрки, тюркские народы, ономастика, ороним, языковая культура, семь легендарных гор.

MAXTUMQULI ASARLARIDA NUTQ MADANIYATI VA NOTIQLIKNING O‘ZIGA XOS TALQINI

Sherali Abdinazarovich BAZAROV,
Termiz agrotexnologiyalar va innovatsion rivojlanish instituti
o‘zbek tili va adabiyoti (tillar) kafedrasi o‘qituvchisi

Jamiyat madaniy-ma’rifiy taraqqiyotida, millat ma’naviy kamolotining muhim jihatlarida nutq madaniyati va notiqlik san’ati ham o‘ziga xos o‘ringa ega. Shu bois ham mamlakatimizda madaniy-ma’rifiy islohotlarning, jumladan nutq madanyatiga e’tiborning davlat siyosati darajasiga o‘sib chiqishi, farzandlarimizning notiqlik malakalarini oshirish, nutqiy madaniyati masalalariga e’tiborini qaratish har qachongidan ham dolzarblik kasb etmoqda. «Davlat tili haqida»gi, «Ta’lim to‘g‘risida»gi qonunlar va boshqa ko‘pgina hujjatlarda ma’naviy-ma’rifiy tarbiyaga, til masalalariga alohida e’tibor qaratilgan. Barcha fikrimizni o‘z ona tilimizda, ya’ni davlat tilida mustaqil, ravon va go‘zal ifodalash uchun bizda nutqiy madaniyat hamda notiqlik yetarli darajada shakllangan bo‘lishi kerak. Hozirgi kunda yosh avlodda notiqlik qobiliyatini shakllantirish va izchil kamol toptirish, bu yo‘lda samarali usullarni izlab topish eng muhim vazifalardan biri hisoblanadi.

Madaniyat tushunchasi keng tushuncha bo‘lib, u jamiyat hayoti va faoliyati bilan bog‘liq bo‘lgan barcha jarayonlarni va hodisalarni qamrab oladi. Nutq madaniyati jamiyat hayotining hamda jamiyat madaniyatining o‘ta muhim ajralmas tarkibiy qismidir. U fikr almashish, muomala bilan so‘zlash kabi zaruriy jarayonlarni o‘z ichiga oladi, ular orqali voqelikka aylanadi. Nutq madaniyati faqatgina adabiy tilni ongli va maqsadga muvofiq me’yorlashga (uni qayta ishlash va boyitishga) qaratilgan harakatlargina emas, balki

millatning umumiy madaniyatini ko‘tarish, odamlarda ma’lum «til didi»ni tarbiyalashga xizmat qiluvchi faoliyat hamdir[1].

Notiqlik san’atining asosiy vazifasi bu – notiq bo‘lishga undovchi qonuniyatlarni o‘rgatishdan iborat, ammo hamma ham notiq bo‘lavermaydi. Bo‘lajak notiqda qobiliyat va iste’dod ham bo‘lishi kerak. Chunki, u – san’at . Shuning uchun ham ba’zi notiqlar ma’lumotlarni chuqur bilgani holda o‘z fikrini erkin nutqi bilan yetkazib berolmasligi, natijada tinglovchilar uni tushunmasligi mumkin. Mohir notiqlar nutqini esa tinglovchilar yaxshi tushunadi. U voqea-hodisa haqida aniq-ravshan va jonli ma’lumot berishi orqali tinglovchi onggiga ta’sir etadi. Ularni kuldira olishi, yig‘latishi va xayolot olamini zabt etishi mumkin. Notiqlik san’atining maqsad va vazifalaridan asosiylari ham ana shunday no‘noq notiqlar kamchiliklarini aniqlash va mohir notiqlar yutuqlarini kuzatish va yo‘l-yo‘riq ko‘rsatishdan iborat. Nutqimizda uchrab turadigan nuqson va kamchiliklami bartaraf etish, notiqlik san’ati zimmasidagi umumdavlat ahamiyatiga ega bo‘lgan ijtimoiy-siyosiy vazifalardan sanaladi.

Nutq madaniyati tilni – aloqa aralashuv qurolini ishlatishga bo‘lgan munosabatdir. Til vakillarida bu noyob qurolning imkoniyatlariga munosabat, uni ishlatishdagi boshqa omillar: tafakkur, ong, borliq, turli vaziyat va holatlar, maqsadga bo‘lgan munosabat qanchalik yuqori saviyada bo‘lsa, nutq madaniyati ham shunchalik yuqori saviyada bo‘ladi. Aksi bo‘lsa, unda nutq madaniyati ham past saviyada bo‘lishi muqarrar. Nutq madaniyati to‘g‘risida gap borar ekan, tabiiyki, nutqda so‘zlarning o‘rinli va o‘rinsiz ishlatilishi to‘g‘risida ham bahs boradi. Qo‘llangan til birligini to‘g‘ri yoki noto‘g‘ri deyilganda, albatta, ma’lum bir mezonga asoslanishimiz tayin. Mana shu mezon tilshunoslikda adabiy til me’yori deb yuritiladi.

Notiqlik haqidagi ta’limot uzoq o‘tmishiga ega. U qadimgi Rim va Afinada shakllangan bo‘lsa ham, ungacha Misrda, Assuriyada, Vavilon va Hindistonda paydo bo‘lganligi ma’lum[2]. U zamonlarda davlat arboblarining obro‘-e’tibori va yuqori lavozimlarga ko‘tarilishi ularning notiqlik mahoratiga ham bog‘liq bo‘lgan. Notiqlik san’ati sarkardalik san’ati bilan teng qo‘yilgan. Bunga

Demosfen va Sitseronlar hayoti yorqin misol. Ota-bobolarimiz yashagan hududlarda, avvalo, xalq og‘zaki ijodi, «Avesto», «O‘rxun-Enasoy» yodgorliklari, Turon zaminning Alp Er To‘nga haqidagi dostoni va boshqa yozma yodgorliklari xalqimiz tarixi, ijtimoiy-iqtisodiy hayoti, madaniyati, tilini o‘rganishda muhim manba bo‘lish bilan birga, notiqlikka undovchi materiallarga boyligi bilan qimmatga egadir.

Insonni, uning ma’naviy olamini kashf etadigan bir qudratli vosita borki, u ham bo‘lsa, so‘z san’ati, badiiy adabiyotdir. Adabiyotning insonshunoslik deb shoir va yozuvchilarning esa inson ruhining muhandislari, deb ta’riflanishi bejiz emas, albatda. Mahtum quli ijodi XVIII asr turkman va jahon adabiyotining, jumladan o‘zbek adabiyotining yorqin sahifalaridan birini tashkil etadi. Maxtumquli Firog‘iy asarlarida ham nutq madaniyati va notiqlik san’atiga xos shakllar mavjud. Iste’dodli turkman shoirining o‘zbek xalqi o‘rtasidagi obro‘-e’tibori, uning jo‘shqin she’riyati professor J.Sharipov, Q.Tohirov va K.Kuramboyev kabi o‘zbek olimlarining ishlarida ham tadqiq qilingan. Maxtumquli Turkistondagi shaharlardan tashqari Ozarbayjon, Eron, Afg‘oniston, Hindistonga ham sayohat qilib, ajnabiy shahar hayoti, u yerlardagi xalqlar turmushi bilan ham tanishadi. Markaziy Osiyo, Ozarbayjon, Eron folklori va adabiyotini chuqur o‘rganadi, Nizomiy, Fuzuliy, Alisher Navoiy, Firdavsiy ijodidan bahramand bo‘ladi. Maxtumquli ayniqsa o‘zbek madaniyati tarixi bilan yaqindan tanishib, bir qancha liroepik dostonlar, juda ko‘p g‘azallar yaratib, o‘z davri hayotini, o‘z xalqi urf-odatlari, o‘tmish tarixini kuylaydi. Maxtumquli she’rlari Jumaniyoz Sharipov, Jumaniyoz Jabborov, Muzaffar Axmedov hamda Mirzo Kenjabek tarjimalarida o‘zbek tilida bir necha marotaba chop etilgan.

Maxtumquli Firog‘iy lirikasining katta qismini odob-axloq mavsusidagi pand-nasixat she’rlar tashkil etadi. Shoir she’rlarida shunchalik quruq nasihatgo‘ylik bo‘lib qolmasdan u inson baxt-saodatiga rahna soluvchilarni qoralashga qaratilgan. Oqilona va odilona didaktika ruhida yozilgan asarlarida shoir insoniy fazilatlarni ulug‘laydi, vatan, jamiyat va jamoat manfaatlarini himoya qiladi. Xalq dardi bilan yongan, o‘rtangan Maxtumqulining oltindan ham

qadrli pand-nasihatlari muhim ijtimoiy masalalarni qamrab olgan. Shoirning «Ayrilma», «Bo‘lma», «El yaxshi», «Bo‘lmas», «Ko‘rining» kabi she’rlari pand-nasihat ruhida yozilgandir.

Ko‘ring
Har yigtning aslin bilay desangiz,
Ma’rakada o‘tirib-turishin ko‘ring.
Birov bilan oshna bo‘lay desangiz,
Avval o‘z so‘zida turishin ko‘ring [3].

Maxtumquli she’rlarida xalq falsafasi kuchli, pand-nasihat yetakchi, u ko‘rgan –kechirganlarini qalamga olib, ular yuzasidan teran xulasalar chiqaradi. Bu fikrlarning hikmat kabi jaranglashi shundan:

Nomardlar ham yaramaslar, nochorlar,
Tuzing ichib, ishing bo‘lsa qocharlar,
Siringni fosh etib, aybing ocharlar,
Qadring bilgan ulfatingdan ayrilma!

Maxtumquli xalq maqol-matallari, hikmatli so‘zlari, obrazli iboralarini juda yaxshi biladi va mahorat bilan she’rlariga singdirib yuboradi. Ayni paytda, o‘zi ham sodda, ixcham, va teran hikmatlar yaratadiki, ular nafaqat turkman, balki barcha turkiy xalqlarining hikmatli so‘zlar xazinasidan joy olgan:

Olimga yondoshsang, ochilar ko‘zing,
Johilga yondoshsang, ko‘rdek bo‘larsan.
Odam bor, ming tuman yedirsang ozdir,
Odam borki, yegan nopniga yetmas.

Binobarin, o‘zining tarixi, adabiyoti va hayotini chuqur bilgan bu donishmand inson teran fikrlarni xalqona va sodda bir tarzda she’riy misralarga tizib chiqadi. Bu she’rlar xalq donoligining yorqin namunasidir. Maxtumquli asarlarining umr boqiyligini ta’minlagan eng asosiy omil ham aslida shunda. Bizning ota-bobolarimiz azaldan odamiylikni, qadr-qimmat va mehr-oqibatni har qanday zar-u oltinlardan, ma’dan-u boyliklardan afzal bilgan. Odamiylik, mehr-oqibat birinchi galda so‘zlarimiz orqali amalga oshiriladi. Insonga

berilgan ulug‘ ne’matlardan biri ham shu so‘z va so‘zlash ne’matidir. Buning qadriga yetish muhim fazilat hisoblanadi.

Adabiyotlar

1. Rasulov R., Mo‘ydinov Q. Nutq madaniyati va notiqlik san’ati. – Toshkent, 2015. – B. 12.

2. Bekmirzayev N. Nutq madaniyati va notiqlik asoslari. – Toshkent: Fan, 2007. – B. 11.

3. Махтумқули Фироғий. Сайланма. – Тошкент: Ўзбекистон, 2008. – Б. 85.

4. Bazarov Sh., Jurnalist va blogerlar faoliyatida nutq madaniyatining o‘rni va ahamiyati // Tamaddun nuri. 2023-y 7-son.

5. Abdinazarovich B. S. (2023, November). Nutq madaniyatini buzuvchi faktorlar. Konferensiyalar| Conferences (Vol. 1, No. 1, pp. 541-545).

Rezyume

Mazkur maqolada Maxtumquli asarlarida nutq madaniyati va notiqlikning o‘ziga xosligi shuningdek, nutqining ta’sirchanligini oshirish yo‘llari yoritib berilgan. Maqola davomida shoir ijodidagi pand-nasixatomuz fikrlarning tinglovchiga ta’sir etadigan holatlari haqida so‘z boradi. Maqola so‘nggida asosli fikr-mulohazalar, xulosa va takliflar berilgan.

Kalit so‘zlar: xalq og‘zaki ijodi, didaktika, nutq madaniyati, notiqlik.

Резюме

В данной статье освещаются культура речи и своеобразие речи в произведениях Махтумкули, а также пути повышения эффективности его речи. В ходе статьи пойдет речь о ситуациях, в которых мысли проповедника в творчестве поэта воздействуют на слушателя. Обоснованные мнения, выводы и предложения приведены в конце статьи.

Ключевые слова: фольклор, дидактика, культура речи, ораторское искусство.

Summary

This article highlights the culture of speech and the originality of speech in the works of Magtymguly, as well as ways to increase the effectiveness of his speech. During the article we will talk about

situations in which the thoughts of the preacher in the poet's work influence the listener. Reasoned opinions, conclusions and suggestions are given at the end of the article.

Key words: folklore, didactics, speech culture, oratory.

MAXTUMQULI SHE'RLARIDA TALMEH SAN'ATINING QO'LLANILISHI

Nilufar Ibragim qizi ABDULLAYEVA,
Termiz davlat universiteti
o'zbek adabiyotshunosligi kafedrasi o'qituvchisi

Maxtumquli she'riyati – nurli she'riyat. Uning ijodida dunyoviy va islomiy ilm-ma'rifatdan xabar beruvchi she'rlari alohida mavqe'ni ishg'ol etadi, yuraklarni larzaga soladi. Maxtumquli she'riyati barcha turkiy millatlar, jumladan, o'zbeklarning ham ma'naviy mulkiga aylangan. Shoirning hayot va o'lim, inson va borliq, go'zal insoniy fazilatlar va odob-axloqqa oid she'rlarida islom dini va tasavvufiy qarashlari yaqqol sezilib turadi. Bunday she'rlar shoir to'plamlarining salmoqli qismini egallaydi [1, B.118]. Hatto muhabbat mavzusidagi eng go'zal she'rlari Yaratganga bo'lgan ilohiy ishq kechinmalari bilan uyg'un tarzda berilganligini kuzatish mumkin. Aytishlaricha, Maxtumqulining ilk she'ri «Turgil, dedilar» manzumasidir. Shoir she'rda Alloh taolo ato etgan ma'naviy ikromni shukrona va hissiyot bilan bayon etadi:

Bir kecha yotardim, tunning yarmida,
To'rtta otliq kelib, «Turgil!», dedilar,
«Xabar bergaydirmiz fursat yetganda,
Bul yerda erlar bor, ko'rgil!» dedilar.
Nazarim tushganda ul to'rt mardona,
Ko'nglim jo'sha keldi, boshim gardona,

- deya shoir ma'no olamida erlar – valiy zotlarni ko'rib, ko'ngli jo'sh urib, boshi aylanganini aytib, his-hayajonini izhor etadi. Ma'no olamidan Maxtumquliga insonlarni she'r bilan Haqqa da'vat etish izni va iste'dodi berilgani manzuma zamirida ifodalangan. Bu

«O‘g‘lon, Alloh yoring, borgil, dedilar» satridan ham anglashiladi. Maxtumqulining «Turgil» dedilar (Tush) [3, B.189] she’riga nazar soladigan bo‘lsak, she’rning boshidan oxrigacha talmeh san’atidan foydalanilgan. Talmeh san’ati (arab. – ishora qilish, biror narsa tomonga yengil nazar tashlash) –mumtoz she’riyatda keng qo‘llangan badiiy san’atlardan biri. Bunda shoir mashhur shaxslar, joy nomlari, bir qissa, voqea yoki asarga ishora qilish orqali misralarni shakllantirishdir.[4, B.110]

O‘ltirdik, keldi ikki pirzoda,
Ko‘zidan yosh oqar, dili duoda,
«Huv, Haq!» debon chekdi olti piyoda,
«Odam endi kelar, ko‘rgil!» dedilar.

Ushbu misralarda kelgan «Huv, Haq!» zikri tasavvuf olamida va barcha tariqatlarda mashhur bo‘lgan zikrlardan hisoblanadi.

To‘rtta otliq keldi, bari sabzaboz,
Asolari yashil, oti qirg‘iy, boz,
«Majlis halqasini qurmang bo‘yla oz,
Odam ko‘pdir, kengroq olgil!» dedilar.

Bu misralarda kelgan «Majlis halqasi» esa tariqatlardagi Allohni yod etish halqasi hisoblanib, unda shayxning ortidan ergashib, barcha majlis qatnashchilarning halqa shaklda Allohni zikr etishidir.

Nurdan indi oltmish otli oriflar,
«Muhammad» deb, tamom qarshi yurdilar,
Sog‘lik-salomatlik bir-bir so‘rdilar,
«Turmang, ulug‘ joyga yurgil!» dedilar.

Bu misralarda Payg‘ambar Muhammad (s.a.v)ni tilga olib uning yo‘lida ekanligini hamda Allohga vasfiga yetishish uchun undan umidvorligini aytib o‘tmoqchi bo‘gan shoir, shu nomni tilga olib talmeh san’atini shakllantirgan [2, B.183.

«Alidir!» dedilar, tutdi dastimdan,
Bo‘yra to‘shagimni oldi ostimdan.

Men bilmadim, nima quydi ustimdan,
«Uchragan davrondir, surgil!» dedilar.
Haydardan so‘radim barin otma-ot,
«Hazrati payg‘ambar uldir, bo‘lma yot,
Ul Salim xojadir, Bobo zurriyod,
Ul Vaysil Qarondir, bilgil!» dedilar.

Bu baytlarda kelib talmeh san’atini hosil qilayotgan tarixiy shaxslar islom adabiyotidagi mashhur mutasavvuflar bo‘lib, Uvays ibn Amir al Qaroniy – islom va sufizmda juda hurmatli shaxs hisoblanadi. U, Muhammad Payg‘ambar (s.a.v) davrlarida yashab o‘tgan. (Bu avliyo odam o‘zining butun umrini dunyo bo‘ylab sayohat va islomni targ‘ibot qilish bilan o‘tkazgan. Uvays Qaroniyning umri va o‘limi ko‘plab afsonalarga sabab bo‘lgan. Aytishlaricha uning Siffa jangida o‘limidan so‘ng yettita sulton Qaroniy uni kim dafn etishini hal qila olishmagan ekan. Har bir sulton tobut tayyorlab qarashsa ularning har birida avliyo yotgan ekan.)

«Ul Bahouddin, ul ham bir erdir,
Biri Zangi bobo, ul-da nomdordir,
Suyunishib turgan to‘rt choriyordir,
Maqsading ne bo‘lsa, aytgil!» dedilar.
Ikki shayx halqadan balqidi oftob,
«O‘g‘longa fotiha bering – dedi, sof –
Yuz yigirma to‘rt ming anbiyo, ashob,
Barisi shulardir, bilgil!» dedilar.
Rasulullоh aytdi: «Yo Shohimardon,
Ayo, Salim xoja, yo bobo Salmon,
Abubakir Siddiq, yo Umar, Usmon,
Bu qulning maqsadin, bergil!» dedilar.
Salim, bobo Salmon buyurdi mardga,
Piyolani tutib, soldilar dardga,
Ketdi aql-hushim, yotdim shu yerda,
«Arshda, farshda ne bor, ko‘rgil!» dedilar.

Mazkur she’rning boshqa bandlarida ham talmeh san’ati mavjud bo‘lib, unda to‘rt xalifa, tasavvuf olamida ma’lum va

mashhur bo‘lgan mutasavvuf allomalarni ham tilga olib shoir ulardan islomiy ko‘mak olganligini ta’kidlab o‘tadi.

Shoirning yana bir she’riga e’tibor qaratsak, «Sado bo‘ldim», endi yuqorida tahlil qilgan she’rimizdan farqli ravishda Maxtumquli bu she’rida tasavvufiy olimlar emas, balki xalq orasida adolati, mard va jasurligi bilan mashhur bo‘lgan xalq og‘izaki ijodi qahramonlarini keltirib, talmeh san’atini shakllantiradi, bu tahlillardan namoyon bo‘ladiki, Maxtumquli ham diniy bilimlarni, ham turkiy xalqlar adabiyotini ham juda yaxshi bilgan va bilgan bilimlarini o‘z ijodida o‘rinli joylarda qo‘llay olgan.

Saltanatda, Sulaymon, gar sursa yuz siyosat,
Kelsa pari podshosi – Oqtemiru, Jonpo‘lot,
Yuz ming devga bosh bo‘lgan dev to‘rasi Temirbod,
Magas shohi Tartarus hamrohlik etsa, hayhot,
Mur malagi Munzora kelsa behad, bag‘oyat,
Muso nurga qo‘l ochib, Iso o‘qib yuz oyat,
Xizr duo aylabon, Ilyos etsa munojaat,
Bundoq murda jasadga maholdir topmoq najot,
Kuydim, pishdim yor-do‘stlar, o‘rtandim, ado bo‘ldim.

«Ko‘rdingmi» nomli she’rida esa lirik qahramon turkey xalqlar gultoji Alisher Navoiyga murojaat qilib, Navoiyning huzurida o‘zini nochor va undan ancha pastda his qilgan holda kamtarlik bilan «Navoiy – jandali – egni xirqapo‘sh, Mening sohibjamolimni ko‘rdingmi?!» deb so‘ramoqda, bizning nazarimizda o‘sha lirik qahramon qidirayotgan «sohibjamol» – Alloh ishqida mast bo‘lgan Maxtumqulining o‘zi, bu xulosaga kelishimizning sababi, keyingi misralarda lirik qahramon o‘zining «sohibjamolini» Kaba atrofidan, Jayhun ustidan, Shom-u Iroqdan, Rum -u Qipchoqdan, Chin-Mochindan, Zamoil o‘rnidan, Arshning ichidan izlaydi, xattoki islom olamining shayxi Ahmad Yassaviyga ham «sohibjamolini» so‘rab murojaat qiladi. Shoir bu she’rni yozishda talmeh san’atidan mohirona foydalana olgan, hamda keltirgan har bir tarixiy shaxs yoki tarixiy joy nomini o‘z o‘rnida qo‘llay olgan.

Anqosifat turib: «Huv!»deb qalqqan qush,
Kechalar tirikdir, kunduzi behush,

Navoiy – jandali – egni xirqapo‘sh,
Mening sohibjamolimni ko‘rdingmi?!
Qon etibdir, falak, bag‘rim firoqda,
Elmudom kezarman yor deb so‘roqda,
Ka’ba atrofida, Shomda, Iroqda,
Mening sohibjamolimni ko‘rdingmi?!
Rumda yo Qipchoqda, Chinda-Mochinda,
Zamoil o‘rnida, Arshning ichida,
Iqlim tegrasida, falak burjida,
Mening sohibjamolimni ko‘rdingmi?!
Oshiqlar ohida, Gulzum davrida,
Qubbatil islomda, Jayhun bahrida,
Sidro sahrosida, Iso shahrida,
Mening sohibjamolimni ko‘rdingmi?!
Hazrat Ali soldi olamga dovi,
Qofdan Ka’ba tushdi hazratning chovi,
Yo iqlim egasi Ahmad Yassavi(y),
Mening sohibjamolimni ko‘rdingmi?!
Maskan tutmish Qora dengiz burnida,
Alining mulkida, Iso o‘rnida,
Yerning orqasida, ko‘kning qornida,
Mening sohibjamolimni ko‘rdingmi?!

Xulosa qilib aytish mumkinki, Maxtumquli uslubida, asarlarining shakli va mazmunida turkman og‘zaki ijodi namunalarining ta’siri sezilib turadi. U turkman maqol, matallarini, xalq tiliga xos unsurlarni adabiyotga olib kirishda katta xizmat qilgan. Ayni paytda shoirning purma’no misralari millatning hikmatli so‘zlari, aforizmlari qatoridan joy olgan. Bir so‘z bilan aytganda, Maxtumquli xalqining tili, aytar so‘zi bo‘lib, turkmanning qalbini, orzu-armonini, millat ma’naviyatini olam ahliga kuylagan.

Adabiyotlar

1. Ўзбек адабиёти тарихи масалалари. – Тошкент: Фан, 1976. – Б.118.
2. Ўзбек классик шеърияти жанрлари. – Тошкент: Ўқитувчи, 1979. – Б.183.

3. Махтумқули Фироғий. Сайланма. – Тошкент: Ўзбекистон, 2008. – Б. 408.

4. Ҳусайний, Атоуллоҳ. Бадойиъ-с-санойиъ, (аруз вазни ва бадиий воситалар ҳақида) Форс. А. Рустамов тарж. – Тошкент: Адабиёт ва санъат нашриёти, 1981. – Б. 400.

Rezyume

Ushbu maqolada Maxtumquli she’rlarida «talmeh» san’atining qo‘llanilishiga hamda she’rlarda keltirilgan tarixiy shaxs, joy nomlarining sharhlari ko‘rsatib o‘tilgan. Shoirning talmeh san’atidan she’rlarida mohirona foydalanganligi haqida so‘z yuritiladi.

Kalit so‘zlar: Maxtumquli she’riyati, talmeh san’ati, islomiy allomalar, xalq og‘izaki ijodi qahramonlari, lirik qahramon.

Summary

This article shows the use of the art of Talmeh in Makhtumquli's poems, as well as the comments of the names of historical persons and places mentioned in the poems. It is said that the poet skillfully used the art of Talmeh in his poems.

Keywords: Makhtumquli’s poetry, talmeh art, Islamic scholars, heroes of folklore, lyrical hero.

Резюме

В этой статье показаны комментарии Махтумкули к использованию искусства талмех в своих стихах, а также к историческим личностям и географическим названиям, представленным в стихах. Упоминается, что поэт умело использовал искусство талмеха в своих стихах.

Ключевые слова: поэзия Махтумкули, искусство талмеха, исламские ученые, герои устного народного творчества, лирический герой.

MAXTUMQULI SHE’RIYATIDA AYTISHUV: AN’ANA VA IZDOSHLIK

Mahfuza Shavkatjon qizi MUXTOROVA,
Termiz davlat universiteti
o‘zbek adabiyotshunosligi kafedrasi o‘qituvchisi

Maxtumquli Firog‘iy XVIII asr ma’rifiy she’riyatining buyuk darg‘alaridan bo‘lib, butun turkiy xalqlar uchun tushunarli va sevimli shoir, ma’rifatli siymo, orif oshiq, sohibi hikmat bo‘lgan valiy zotdir. Uning insonparvarlik, xalqparvarlik, vatanparvarlik g‘oyalari bilan yo‘g‘rilgan she’riyatida pok islomiy ma’rifat ruhi gurkirab, yashnab turadi.

Maxtumquli uslubida xalq og‘zaki ijodiga yaqinlik bor. Maxtumquli turkman xalqining maqol va matallarini, xalq tiliga xos ayrim unsurlarni adabiyotga olib kirishda katta xizmat qilgan. Shoirning purma’no misralari turkman millatining hikmatli so‘zlari, aforizmlar qatoridan o‘rin olgan. Maxtumquli ijodi Yevropa va rus sharqshunoslari, turkman va o‘zbek olimlari tomonidan tadqiq etilgan, qiyosiy o‘rganilgan. Xususan, Navoiy ijodining Maxtumquliga ta’siri va boshqa adabiy ta’sir masalalari tekshirilgan (S. Qoriyev, «Navoiy va Maxtumquli», «Maxtumquli va Islom shoir», «Maxtumquli she’rlari asosida yaratilgan o‘zbek xalq qo‘shiqlari» va boshqalar). Shuningdek, Maxtumqulining «Namasan», «Ayrildim», «Oshiq bo‘lmisham», «Ustodingdan ayrilma», «Ko‘ring» she’rlari Komiljon Otaniyozov, Bobomurod Hamdamov, Ortiq Otajonov tomonidan maromiga yetkazib kuylangan.

Maxtumquli she’riyati barcha turkiy millatlar, jumladan, o‘zbeklarning ham ma’naviy mulkiga aylangan. Bir necha marta she’rlari o‘zbek tiliga tarjima qilinib, nashr etilgan. Ko‘plab she’rlari hofizlar tomonidan kuyga solib aytiladi. Maxtumquli haqida kinofilm, spektakl va badiiy asarlar yaratilgan.

Maxtumquli she’riyati – nurli she’riyat. Uning ijodida dunyoviy va uhroviy ilm ma’rifatdan xabar beruvchi savol-javob tarzidagi she’rlar alohida mavqe’ni ishg‘ol etadi, yuraklarni larzaga soladi. Adibning Turdi shoir bilan aytishuviga diqqat qilaylik:

Maxtumquli:
- *U nimadir, qizil va ko‘k o‘sadi?*
U nimadir, oyog‘i yo‘q bosadi?
U nimadur, yetti daryo kezadi,
Shoir bo‘lsang, shundan bizga xabar ber!
Turdi shoir: **-** *U ekindir – qizil va ko‘k o‘sadi,*
U ilondur – oyog‘i yo‘q bosadi,
U baliqdir – yetti daryo kezadi,
Bizdan salom bo‘lsin, javobimiz shu!

Maxtumquli: *– Ul nimadir, yoqasi bor, yoni yo‘q?*
Ul nimadir, qanoti bor, qoni yo‘q?
Ul nimadir, odam yutar, joni yo‘q?
Shoir bo‘lsang, shundan bizga xabar ber!
Turdi shoir: *– Ul kafandur, yoqasi bor, yoni yo‘q,*
Kapalakdur, qanoti bor, qoni yo‘q,
Qaro yerdur, odam yutar, joni yo‘q,
Bizdan salom bo‘lsin, javob shundaydir...[1, B. 9]

Savol-javob she’rlarida «tajohuli orifona» tarzida, ya’ni bilib turib bilmaslikka olib, zamondoshining iste’dodi va ilmi-ma’rifatini sinash uchun savollar o‘rtaga qo‘yiladi. Bu so‘roqlarga javob berish uchun esa iste’doddan tashqari, keng qamrov, nozik farosat, ulkan ilm-irfon ham bo‘lishi zarur.

Aytishuvning ilk bandlarida borliqdagi tirik mavjudotlarning uzluksiz harakatda ekanligi haqida so‘z yuritilgan. Ekinlar, baliqlar-u ilonlarning naqadar tabiatning noyob ne’mati va jonzoti ekanligini go‘zal satrlar va qochirimlardan mahorat bilan foydalanib ta’riflab bera olgan. Turdi shoirning savollarida Maxtumquli nozik did va iste’dod, zukkolik bilan javob bergan. Birgina ikkinchi savol-javobda kafan va odamni yutadigan qora yer sirasiga kapalak obrazini mahorat bilan joylay olganligi ulkan iste’dod egasi ekanligini yana bir bor isbot etmoqda. Dunyoniy foniy ekanligini barchamiz bir kuni yoqasi bor, yoni yo‘q bo‘lgan kafanlar aro joni yo‘q bo‘lgan qora yer yutishiga, hatto undan qanoti bor bo‘lgan kapalak ham qochib keta olmasligiga ishora qilmoqda. Qolgan satrlarda ham diniy, dunyoviy, falsafiy va irfoniy mavzular haqida so‘z yuritilgan.

Maxtumquli boshlab bergan aytishuv an’anasi yillar o‘tib, qator shoirlar tomonidan davom ettirildi va davom etib kelmoqda, xususan, shoir Shafoat Termiziy ijod namunalarida ham buni ko‘rishimiz mumkin. Shayx Abdol Mo‘min Turkman bilan aytishuv shaklidagi mushoiralari mavjud.

- *Bizdan savol ul Shafoat do‘g‘ona,*
Yupunni chaqquvchi to‘qson nimadir?
Boqib bolasini yeydir qay ona ?
Ekmay, bar yiqquvchi dehqon nimadir?
- *Bizdan javob Mo‘min shoir sherdona,*
Yupunchaqar qishdir – to‘qson o‘shadir.
Boqib bolasini yeydir Yer ona,
Malik-ul mavt – ulug‘ dehqon o‘shadir [2, B.25]

Ushbu satrlar bilan boshlanuvchi mushoiramizda Shayx Abdol Mo‘min Turkman shoir Shafoat Termiziyga do‘st, do‘g‘ona (amakivachcha) deb murojaat qiladi va ushbu satrlarda ona yer, qish fasli, ayniqsa, Malik ul-mavt (Jabroil) timsollarini ochib berishda nihoyatda zukkolik bilan yondashgan. Asosan, mushoira yuqorida ta’kidlab o‘tganimiz kabi savol-javob san’atidan foydalangan, qish faslini yupunni chaqquvchi deb istiora san’atini, boqib bolasini yeydir ona deya jonlantirish san’atini yuzaga keltirgan.

She’r matnini tahlil qilarkanmiz undagi ***do‘g‘ona, yupun, tayroq, muqim, maxluq, qavm, lison, qarog‘*** kabi so‘zlarning eskirib, bugungi kun iste’molidan chiqqanligi ma’lum bo‘laadi. Biroq shoir eskirgan va tarixiy so‘zlarni she’rning har bir misrasida qo‘llaydi va uning badiiy ta’sirchanligi, obrazlarning yorqinligi shu bilan birga o‘zining badiiy-g‘oyaviy maqsadiga erishadi. «… adabiyot so‘zlar va obrazlar orqali fikr yuritadi. Obrazlar vositasida she’riy kartina yaratiladi, ma’lum mavzu va g‘oya yortiladi. Obrazli ifodalar orqali so‘zning ma’no tarovatini, ohanglar silsilasini yanada teranroq anglaymiz» [3, B.36]. Aytishimiz mumkinki, Shafoat Rahmatullayev ham so‘zni yurak-yuargidan his qilib, undagi ma’no tovlanishlari, so‘z va ohanglar uyg‘unligida betakror obrazlar yaratdi.

Mumtoz adabiyotimizda ham, zamonaviy she’riyatimizda ham barcha ijodkorlar badiiy mahoratini ko‘rsatuvchi faol san’atlardan

biri o‘xshatish (tashbeh)dir. Ayniqsa, Shafoat Rahmatullayev ijodida tashbih san`ati lirik qahramon tuyg‘ularini aks ettirish vositasi qilib qo‘llagan.

- Har zamon ham vadur xapqning iqboli?
Ayting, nechuk dard ahliyaing ahvoli?
So‘rayversak, bitmas dunyo savoli?
Do‘st Shafoat, shunnan biza xabar ber.
- Vatan va shoh erur xalqning iqboli,
Doim bir xil dard ahlining ahvoli.
Shoir xalqin to qiyomat savoli,
Mo‘min inim, bizdan javob shul erur.

Shafoat Rahmatullayevning badiiy mahorati shundaki, sodda so‘zlar va xalqchil iboralar orqali aslida inson tuyg‘ularini o‘ta chuqur qatlamlarini, qismat va taqdir chiziqlarini ramziy ma’noda ifodalay olgan. Shoir sheriyatining vazifasi inson taqdiri, olis tarix, bobolar o‘giti, kelajak yorqinligi, Vatan erki, muhabbat kabi tuyg‘ularni tasvirlash orqali chuqur falsafiy mazmunni anglatishni maqsad qilgan. Shoir ijodida badiiy obrazlarning boyligi ayni shu tasvirlarda aks etadi.

Adabiyotlar

1. Maxtumquli Firog‘iy. Saylanma. – Toshkent: O‘zbekiston, 2008. – 408 b.
2. Шафоат Раҳматулло Термизий. Озод сўз. – Тошкент: Янги аср авлоди, 2003. – Б. 25-27.
3. Сабирдинов А. Ойбек шеъриятида сўз ва образ. – Тошкент: Академнашр. – Б. 36.
4. https://www.e-adabiyot.uz/maqola/1081

Rezyume

Mazkur maqolada Maxtumquli Firog‘iyning ijod namunalari orasida eng yuksak o‘rinda turuvchi Turdi shoir bilan qilgan aytishuvi va she’rning badiiyati masalalariga e’tibor qaratilgan. Shoir ijodining Shafoat Termiziy ijodiga adabiy ta’siri jihatlariga to‘xtalingan.

Kalit so‘z: Maxtumquli Firog‘iy, aytishuv, Turdi shoir, Shafoat Termiziy, Shayx Abdol Mo‘min Turkman, mushoira.

Summary

This article focuses on Turdi, who ranks highest among the works of Makhtumkuli Feroghi, with the poet, and the issues of the artistry of the poem. The literary influence of the poet's work on the work of Shafoat Termizi was discussed.

Key words: Makhtumquli Firoghi, speech, Turdi poet, Shafoat Termizi, Sheikh Abdol Momin Turkman, mushoira.

Резюме

В данной статье основное внимание уделяется Турди, занимающему среди произведений поэта первое место среди произведений Махтумкули Фероги, и вопросам художественности стихотворения. Обсуждалось литературное влияние творчества поэта на творчество Шафоата Термизи.

Ключевые слова: Махтумкули Фироги, речь, поэт Турди, Шафоат Термизи, шейх Абдол Момин Туркман, мушоира.

MAGTYMGULU-PYRAGYNYŇ MUNAZARA ŞEKILLI ŞYGYRLARY

Saýat Saparklyçewna AWEZKLYÇEWA,
Berdak adyndaky Garagalpak döwlet universiteti
türkmen dili we edebiýaty kafedrasy assistenti

Çary Döwletmämedowiç ÇARYÝEW,
Berdak adyndaky Garagalpak döwlet universiteti
türkmen dili we edebiýaty kafedrasy assistenti

Bu ýyl dünýäniň köp döwletleri umumadamzat şahyry, beýik akyldar, gumanist Magtymguly-Pyragynyň doglan gününiň 300 ýyllyk ýubileýini uly dabara bilen belleýär.

Beýik şahyryň ölmez-ýitmez edebi döredijiligi hemme döwürler we ähli milletler üçin egsilmez ruhy hazyna bolup hyzmat edip gelýär. Indi tas, bir ýarym asyra golaý wagt bäri Magtymgulynyň döredijiligi dürli taraplardan derňelip öwrenilip gelinýär we meşhur şahyr barada gyzykly monografiýalar ýazylyp köpçülige ýetirildi.

Şeýle işleriň ulgamynda žanrlaryň taryhyna aýratyn orun degişlidir. Biz žanrlaryň taryhy diýenimizde, ýazuwly edebiýatdaky žanrlary göz öňünde tutýarys.

Biz bu çaklaňja işimizde Magtymgulynyň munazara şekilli şygyrlary hakynda pikir ýöretmegi makul bildik. Gönüden-göni şahyryň munazaralaryna geçmezden öň bu janr hakynda kelam agyz aýdyp geçsek maksada laýyk bolardy.

Ähli liriki žanrlaryň türkmen poeziýasynda yz galdyryşy ýaly, munazara hem öz köki, ýaýrawy, däpleri bilen çeper edebiýatyň taryhynda düýpli orun alan žanrdyr.

Elbetde, munazara poeziýanyň görnüşine giryär. Onuň kesgitlemesini ylmy-teoretiki işleriň ählisinde diýen ýaly birmeňzeş beryärler. Alym R.Rejepow oňa şeýle kesgitleme beryär: «Munazara-(çekişme, jedel) Gündogar edebiýatynda gadymy žanrlardan biri bolup, onuň mazmuny iki sany gapma-garşy predmetiň arasyndaky çekişme we jedelden ybarat.Jedele tebigat hadysalary, jansyz predmetler, şeýle hem köplenç häsiýetleri boýunça biri-birine garşy zatlar gatnaşýarlar.Çekişmede her kim öz gowy taraplaryny sanap öwünýärler, garşysyndakydan özüniň beletligini subut etmäge çalyşýarlar.Ahyrynda bir tarap özüniň ýeňilendigini boýun alýar.Iň soňunda öwgi mazmunly kiçijik bölüm bolýar.Bu žanryň maksady ýiti zehinliligi terbiýelemekden ybaratdyr...»[1.R.24]

Gündogar edebiýatynda munazara žanrynyň sallançagyny XI asyr pars-täjik edebiýatynyň beýik şahyry Esedi Tusy üwreýär. Onuň «Ýer we gögüň çekişmesi», «Arap we ajamyň çekişmesi», «Gije we gündiziň çekişmesi» ýaly munazaralary dünýä meşhurdyr. Orta Aziýa türki halklaryň gadymy halk döredijiliginde hem munazaralaryň bolandygyny Mahmut Kaşgarynyň meşhur sözlügi tassyklaýar. Meselem sözlükde «Gyş bilen ýazyň çekişmesi» atly munazara bar.Diýmek, munazara öz köküni halk kitabyndan alyp gaýdýan eken. Türkmen şahyry Mahmut Gaýybynyň «Otuz iki tohum kyssasy» diýen eseri hem munazara žanrynda ýazylypdyr.

Munazara žanryna berilýän esasy kesgitleme şundan ybaratdyr. Emma munazara diňe «jedel, bäsleşme» diýen manylary aňlatman, adaty aýdyşygy, ozmagy, öz pikirinde galmagy hem aňladyp bilýär.

Şu jähitden alanyňda munazaranyň çägini giňelden A.Bekmyradow, E.Aşyrowa, B.Şamyradow, A.Aşyrow ýaly alymlar mamladyrlar.

Nusgawy poeziýamyzdaky munazara dahylly eserleriň derňewi ýörite durulyp geçilmäge mynasypdyr.

Biz munazaranyň Magtymgulynyň döredijiliginde şöhlelenişine seredip geçmegi makul bildik.

Gündogar edebiýatyny örän inçelik bilen öwrenen Magtymguly öz galamyny munazarada hem ezber işledipdir we ajaýyp munazara-aýdyşyklar döredipdir. Alym A.Mülkamanowyň «Magtymgula nähili düşünmeli?» atly makalasynda munazaralara giň düşündiriş berilýär. Dogrudan hem, Ol Azady, Durdy şyh, Orazmeňli dagylar bilen aýdyşyklaryndan başga-da islendik goşgusyny tapmaça öwrüp, sorag bendini ýasap, özi jogap berip gidip otyr.

Magtymgulynyň ýedi bentden ybarat «Bilmezmiň» muhammesi tutuşlygyna aňrybaş munazaradyr. Biz onuň iki bendini mysal almak bilen çäkleneliň:

Galam alyp, namany gönderdigim bilmezmiň?
Efsun urup, hüthüti inderdigim bilmezmiň?
Arş üstüne galdyryp, mündürdigim bilmezmiň?
Dört gije, üç gün aglap, diňdirdigim bilmezmiň?
Eşek münüp Isa dek, ýeldirdigim bilmezmiň?

Hüthüt kimiň Pereňden Çyn-Maçyna bardygym,
Bag içinde Bylkysyň saçyn açyp gördügim,
Süleýmanyň tagtyndan sözläp habar berdigim,
Guş gonsun diýp başyma bilbil heňin gurdugym,
Çärşenbe gün çäş wagty gondurdygym bilmezmiň?[5.M.121]

Bu munazarada Rabguzynyň «Kyssasyl Enbiýa» kytabynyň köp rowaýatlary sowal şeklinde berilýär: «Rowaýata görä bir gün Süleýman ozalky ýel uçurýan tagtyndan hem gowy tagt ýasamagy buýurýar.Säher atly döw jadyly tagt ýasaýar.Süleýman tagta çykanda, kerçler ýüzüni ýelpäpdirler,tawuslar ganatlarynyň ujundan müşki- anbar sepipdirler, beýleki guşlar gelip, onuň başyna ganatlaryny gerip, saýa salyp oturypdyrlar. Bir gün Süleýman tagtynda otyrka bir ýerden gün şöhlesi düşýärmiş. Seretseler Hüthüt

diýen guşuň ýeri boş eken. Şa gahar edip, Hüthüti tapyp kerçem-kerçem dograp, garynjalara hörek etmegi höküm edýär. Ony tapyp getirmegi laçyna tabşyrýarlar.laçyn bütin dünýäni aýlanyp, ahyry ony tapyp getirýär.Hüthüt Sawa diýen şäheriň patyşasy Bylkys atly gyzyň owadanlygyna haýran bolup, gijä galandygyny aýdýar hem şol gyzyň Süleýmana mynasypdygyny habar berýär. Bu hoş habary üçin Süleýman Hüthüti öldürmek pälinden dänýär. «Süleýman dek ähdimni syndyrdygym bilmezmiň?» diýen setir hem şu rowaýat bilen bagly bolsa gerek.

«Eşek münüp, Isa dek ýeldirdigim bilmezmiň?» diýen setiriň manysy Bibi Merýemiň ogly Isa pygamber hakyndaky rowaýatyň mazmunydyr.

Magtymgulynyň döredijiliginde syrly şygyrlar örän köp. Şahyryň «Bilmezmiň», «Şondadyr», «Aýrylmadymy», «Ýaşy näçedir «, «Şalyk bile», «Ýkbal bolmady», «Paýany bolmaz», «Ýeldim tut», «Kürs çykar», «Gördüňmi», «Näme sen», «Ýar bizim sary», «Aly siziňdir», «Aşyk bolmuşam», «Ot nedir», «Dagy bäş», «Seýran içinde», «Diwana geldi», «Üçi öwlatdan», «Kepderi», «Kaýdadygy bilinmez», «Jan içinde», «Habar ber- Şeýledir « ýaly goşgularynyň ählisi munazaradyr.[4.B.12]

Magtymgulynyň tapmaça häsiýetli goşgularynda Senaýynyň (XII asyr) «Hadika» eseriniň uly täsiri görünýär. Senaýynyň bir kasydasynda bir topar guşlaryň ady tutulýar. Magtymguly «Jan içinde» atly şygryny ýazmakda Senaýydan täsirlenipdir diýmek bolar.

Şahyryň 29 bentden ybarat poemasynda haýwanat dünýäsinden bilbil, ýarganat, aňka, bezgek, durna, ishak, musyja, laçyn, turaç, ördek, gaz, tawus, kaknus, toty, keyik, gurt, at, ýaby, eşek, düýe ýaly guşlar we haýwanlar özara aýdyşyp, hersi öz tarypyny ýetirýär. Magtymgulyda haýwanat dünýäsi, Gaýybyda ösümlik dünýäsi özara bäsleşýär.

Bu ýerde bäsleşmekden ötri, hersi öz ýaşaýşyny beýan edýär. Sözümiz gury bolmaz ýaly poemadan mysallara ýüzleneliň:

Bilbil aýdar: köşgim bar,
Bahar gözleşigim bar,
Gülzar üçin yşkym bar,

Bagy-bossan içinde.

Aňka aýdar: ýolçyýam,
Hüthüt aýdar: ilçiýem,
Süleýmana sawçyýam,
Ýalan jahan içinde...[2.M.286]

Şeýdip, goşguda jemi 16 guş öz arzy-halyny aýdyşýar. Bu ýerde hem biri beýlekisini ýeňmek üçin däl-de, olaryň keşbi, wezipesi görkezilýär. Ýöne alty sany haýwanyň aýdyşygynda biri-birinden rüstemlik duýulýar:

At aýdar: aslym zordur,
Munça gymmatym bardyr,
Üstüme münen ärdir,
Dag-düz meýdan içinde.[2.M.287]

Magtymguly Gündogaryň edebiýatyndan, taryhyndan, ylmyndan habarly bolupdyr diýen pikir, şahyr hakynda pikir ýöreden ähli edebiýatşynaslaryň işlerinde bar. Biz bu ýerde üýtgeşik zat aýtmakdan daşda. Emma «Jan içinde» atly poemadan Senaýynyň «Hadik» şygrynyň, Ferideddin Attaryň «Bilbilnama», «Guşlaryň söhbedi» poemalarynyň ysy gelýär. Diýmek, Magtymgulynyň şol eserlerden habarly bolany ikuçsuzdyr. Ýone şahyr Senaýydyr, Attary asla gaýtalanok. Kimdir birine köre-kör öýkünmek Magtymgulyda ýok. Ýone şahyr Gündogaryň syrly eserlerini özleşdirendigini habar bermek bilen çäklenipdir. Ýusup Hemedanynyň muridi Senaýyny Magtymguly bilmändir diýip bolmaz. Sebäbi ol uly Pir Hemedanynyň özüni hem «San bolsam» atly şygrynda ýatlap geçýär. Şahyryň şygyrlaryna inçeden düşünjek bolsaň, Gündogar rowaýatlaryna ezber bolmalysyň.

Şeýlelikde, sözümizi jemläp aýtsak Magtymgulynyň munazara şekilli şygyrlary hakynda näçe söhbet etseň hem az ýaly. Şahyryň özboluşly munazaralary çözmesi kyn tapmaça ýaly bolup nusgawy edebiýatda özboluşly yz galdyrdy. Heňňamlar aýlanyp dur. Belki biziň görüp ýada duýup bilmedik zatlarymyzy geljekki Magtymgulyşynaslar öwrenerler we adamzat genisiniň syrly setirlerini ynsanlara düşündirerler.

Edebiýatlar

1. Rejebow R. Edebiýat ylmyna degişli terminleriň sözlügi. – Aşgabat: Türkmenistan, 1966.
2. Magtymguly. Saýlanan eserler. Iki tomluk. T.1. – Aşgabat: Türkmenistan, 1983.
3. Magtymguly. Saýlanan eserler. Iki tomluk. T.2. – Aşgabat: Türkmenistan, 1983.
4. Bekmuradow A. Magtymgulynyň poeziýasynda şahyrana däp hem täzeçillik gözlegleri. – Aşgabat: Ylym, 1989.
5. Magtymguly. Eserler ýygyndysy. – Aşgabat.

Rezyume

Maqolada bahs-munozara janri va uning Magtimguliy ijodidagi aks etishiga e’tibor qaratilgan.

Kalit so'zlar: klassika, bahslar, insholar, maqollar, topishmoqlar.

Rezyume

Makalada munazara žanry we onuň Magtymgulynyň döredijiliginde şöhlelenişi barada durulyp geçilen.

Daýanç sözler: nusgawy edebiýat, munazara, ozmak, aýdyşyk, tapmaça.

Summary

The article focuses on the debate genre and its reflection in Magtymguly's creativity.

Key words: classics, debates, essays, proverbs, riddles.

Резюме

В статье основное внимание уделяется жанру дебатов и его отражению в творчестве Магтимгули.

Ключевые слова: классика, диспуты, очерки, пословицы, загадки.

MAXTUMQULI IJODIDA VATANPARVARLIK TUYG‘ULARINING ULUG‘LANISHI

O‘rozxol NAZAROVA,
Termiz davlat universiteti
qoshidagi akademik litsey o‘qituvchisi

Ulug‘ turkman shoiri va mutafakkiri Maxtumquli ijodida vatanparvarlik va insonparvarlik g‘oyalari haqida so‘z yuritar ekanmiz, eng avvalo mavzu mohiyatini shoirning she’riyatidan izlashni milliy istiqbol, mustaqillik bilan bog‘lashga harakat maqsad qildim. Bugungi kunda biz gashtini surayotgan mustaqilligimiz natijasida qo‘lga kiritilgan bu ulug‘ ne’mat – Vatan va millat madhidir. Darhaqiqat bu ulug‘ ne’matning tarixi uzoq o‘tmishga borib taqaladi. Turkman xalqining tarixi, buguni va ertasi Maxtumquli ijodining bosh g‘oyasi edi. Shoirning ijodida diniy – tasavvufiy mavzudagi she’rlari yetakchi o‘rin tutadi. Afsuski sho‘ro mafkurasi shoirning islomiy ma’rifat va tasavvuf haqiqatlari ufurib turgan asarlari mutolaasidan bizni bebahra qilgan edi. Maxtumquli she’rlari Jumaniyoz Sharipov, Jumaniyoz Jabborov, Muzaffar Ahmedov, Mirzo Kenjabek, Ergash Ochilov tarjimalarida o‘zbek tilida bir necha marta chop etilgan. Bugungi kunda istiqlolimiz tufayli turli majmua va darsliklarga kiritilgan J.Sharipov, S.Erkinov, Q.Tohirov, K.Quramboyev, S.Qoriyev, M.Kenjabek, B.Karimov, E.Ochilovlar shoirning ijodi xususida tadqiqodlar olib borganlar. «Maxtumquli asarlarining mavzulari, janrli xususiyatlari, shakliy o‘ziga xosligi, asarlari tilining nihoyatda xalqchilligi bilan ko‘p asrlik turkman adabiyotini yangi bir bosqichga ko‘tardi. Shoir asarlarining yetakchi g‘oyasi bu turkman yerlari ustiga yopirilib turadigan chet el bosqinchilariga barham berish tarqoq yashayotgan o‘zaro nifoq va ziddiyatlardan zada bo‘lgan qabila hamda urug‘larni birlashtirish bilan osoyishtalik va ittifoqlikka asoslangan qudratli bir davlatni barpo etishdek milliy vatanparvarlik his tuyg‘ularidan iborat. Ana shu millat manfaatlari yo‘lida qayg‘urish, ma’rifatparvarlik yo‘li bilan bu g‘oyani samarali kuchga aylantirish shoir ijodining asosiga aylandi. Bu yo‘ldagi izlanish she’riyat kuchi bilan yuksak ufqlarga talpinish Maxtumqulini o‘z davrining ko‘zga ko‘ringan

taraqqiyparvar siymosi darajasiga ko‘tardi»[1]. Shoir ijodida muhim o‘rin tutuvchi «Turkmanning» she’ri millatning kechagi va bugungi kuni, tarixi va kelajagi, tabiati va nabotot dunyosi haqida tasavvur beradi:

Jayhun bilan xazar baxri orasi,
Cho‘l ustidan esar eli turkmanning.
Gul – g‘unchasi qaro ko‘zim qorasi,
Qora tog‘dan enar seli turkmanning.[2]

Shoir Vatanning har bir qarich yerini qadrlagan va unda o‘sgan gul va g‘unchalarni ko‘z qorachig‘iday ardoqlagan. Yurtiga shamol va selning qaydan esishi va qanday paydo bo‘lishini his qila oladi.

Mirzo Kenjabek o‘z tarjimalariga yozgan so‘z boshida «Maxtumquli Firog‘iy XVIII asr ma’rifiy she’riyatining buyuk darg‘alaridan biri bo‘lib, butun turkiy xalqlar uchun tushunarli va sevimli shoir, ma’rifatli siymodir. Uning insonparvarlik, xalqparvarlik, vatanparvarlik g‘oyalari bilan yo‘g‘rilgan she’riyatida pok islomiy ma’rifat ruhi yarqirab, yashnab turadi»[3] – degan fikrni bildiradi. Maxtumquli she’riyatida diniy falsafiy mavzudagi she’rlari muhim o‘rin tutadi. Afsuski, sho‘ra mafkurasi sho‘irning islomiy marifat va tasavvuf haqiqatlari ufurib turgan asarlari mutolaasidan bizni bebahra qilgan edi. Shoir turkman cho‘llarining o‘ziga xos tabiati xususida to‘lib-toshib kuylaydi:

Haq siylamish –bordir uning soyasi,
Yoyilar cho‘lida nori moyasi.
Rang-barang gul ochar qiru qoyasi,
G‘arq bo‘lmish rayhonga cho‘li turkmanning.

Maxtumquli she’riyatida taralayotgan bu qadimiy nola Vatan va millat qayg‘usi edi. Shoir o‘rta sharqdagi barcha turkman qabilalari orasiga kirib, ularning ahvolini, ozodlik, mustaqillik va farovonlik orzularini bildi, shu bilan birga og‘zaki adabiyotini o‘rgandi. Xalq tarixi, adabiyoti va hayotini chuqur bilgan donishmand shoir millat haqidagi fikrlarini xalqona va sodda uslubda ifodalab beradiki bu she’rlar xalq donaligining yorqin namunasidir:

Qizil –yashil bo‘lib chiqar parisi,
Har yoqqa taralar mushk-anbar isi,

Bek, to‘ra, oqsoqol, yurtning egasi,
Ko‘z quvnatar go‘zal eli turkmanning.

Maxtunquli ijodi ko‘plab chashmalardan suv ichgan, ular Qur’oni karim va unga yozilgan tavsiflar, hadisi sharif, diniy adabiyotlar, tasavvuf falsafasi va adabiyot, Sharq mumtoz so‘z sanati va xalq og‘zaki ijodi. Shuning uchun shoir ijodiga islomiy mavzularni ham so‘fiyna ruhni ham, xalqona ohanglarni ham, so‘fiyona ruhni ham, xalqona ohanglarni ham, mumtoz adabiyot tasirini ham ko‘ramiz, ular uzoq omuxta bo‘lib, Maxtunquli asarlarining yuksak badiiyat ta’sirchanligi va umurboqiyligini taminlagan. Shoir Sherlariga payg‘anbarlar, avliyolar, sahobalar, tasavvuf pirlari xalq qahramonlarining nomiga ko‘p guch kelamiz. Shoir sherlarining umrboqiyligini ta‘minlagan eng asosiy omil haqiqat, adolat va mardlikdir. U kishilarni ikki toifaga; mard va nomardga ajratadi. Mard insonlarni ko‘plab she’rlarida ulug‘laydi:

Otasi marddir, u mardning zuryodi,
Mag‘rurdir, chunki Go‘ro‘g‘li avlodi,
Dala-qirda o‘qqa tutsa sayodi,
Ola bilmas, yo‘lbars o‘g‘li turkmanninning.

Yoki Maxtunquli uchun Turkman xalqini saqlab qolishning sharti uning ko‘chmanchlik davridagi qadimiy shon – shavkati: beqiyos mardligi hamjihadlik tuyg‘usi, kulfatgda qolganlardan yordamga tayyor turish, mehmondo‘stlik va saxiylik kabi fazilatlarni asrash ekanligi ham tushunarli. Hamidulla Hasanov shunday yozadi: «Maxtunquli firog‘iy nihoyatda zo‘r, tasirli, xalqqa yoqadigan turkmanga ham, o‘zbekga ham o‘z tilidek tushuniladigan she’rlari bilan butun Sharqqa mashhurdir, uning asarlarini Suriyada ham, Iroqda ham, Turkiya va Eronda ham, Avfg‘oniston va hatto uzoq Arabistonda ham turkmanlar faxr bilan kuylaydilar»[4]. Shoir sherlarni barcha turkiy xalqlar qatori, o‘zbek xalqi ham sevib o‘qiydi va xalqimiz orasida asrlar davomida mashhur bo‘lgan:

Ko‘ngillar yuraklar bir bo‘la boshlar,
Uyishsa, eriydi tuproqlar, toshlar,
Bir sufrada tayyor qilinsa oshlar,

Yuksaladi baxt-iqbolin turkmanning.

U she’rlarida tarqoq turkman urug‘ining birlashishiga, ular orasidagi o‘zaro nizolarni bartaraf etishga da‘vat qiladi. Darhaqiqat Vatan va xalq mavzusi Maxtumquli she’riyatining o‘q ildizi edi:

Ko‘ngillar havolanar otga chiqqanda,
Tog‘lalga aylanar qiyo boqqanda,
Bol keltirar daryo tolib oqqanda,
Kam bo‘lmas mevasi, boli turkmanning.

Shoir ovozidan taralayotgan navolar vatanparvarlik va insoniylikni madh etuvchi eng ulug‘ tuyg‘ulardir.Uning she’rlarida eng buyuk sof muhabbat tuyg‘usi bu vatanga bo‘lgan muhabbat ekanligini his qilamiz.

Ko‘ngli qoralar ham urug‘ning yori,
Toleyi ters emas, yog‘ar Haq nuri,
Mardlar otga minsa borar jang sari,
Yov ustiga eltar yo‘li turkmanning.

Shoirning insonparvarlik, xalqparvarlik, vatanparvarlik g‘oyalari bilan yoritilgan sherlarida pok islomiy marifat ruhi yashnab turadi. Xulosa qilib aytish kerakki, shoir she’rlarida uning ijodida Vatanga bo‘lgan muhabbat eng buyuk muhabbat ekanligi aks etadi. Har bir yurt farzandi Vatanni ko‘z qorachig‘idek asrash uning madaniy va marifiy meroslarini qadrlashi kabi buyuk falsafa tushuncha tarannum etiladi. Maxtumquli Firog‘iy ustoz shoirimiz Mirza Kenjabek e’tirof etganlaridek XVIII asr ma’rifiy she’riyatining buyuk darg‘alaridan bo‘lib butun turkiy xalqlar uchun tushunarli sevimli shoir, ma‘rifatli siymo, orif oshiq sohibi hikmat bo‘lgan valiy zotdir. Jondek aziz mustaqilligimizga, ozod va erkinligimizga marifatparvar bobolarimiz tufayli erishganmiz. Shuning uchun har bir o‘g‘il – qiz, har bir yurt farzandi o‘z vatanini asrashga bo‘lgan javobgarlik hissi yanada jo‘sh urib jonlanadi.

Adabiyotlar

1. Эркинов С. Махтумқули. https://ziyouz.uz/ilm-va-fan/tarix/manaviyat-yulduzlari/Maxtumquli-1733-1783/

2. Махтумқули. Дунё ўтиб борадир. Шеърлар. – Тошкент: Шарқ, 2007. – Б.196.
3. Мирза Кенжабек. Махтумқули – валий шоир. https://www.э-adabiyot.uz/maqola/1081
4. Ҳасанов Ҳ. Ўрта осиёлик географ ва сайёҳлар. – Тошкент, 1964. – Б. 203-204.

Rezyume

Ushbu maqolada Maxtumquli Firog‘iyning vatanparvarlik ruhidagi she'rlari xususida fikr-mulohaza yuritiladi.

Kalit so‘zlar: shoir, mutafakkir, xalq, tarix, vatan, tabiat, haqiqat, ma'rifat, hikmat.

Резюме

В данной статье рассматриваются патриотические стихи Махтумкули Фироги.

Ключевые слова: поэт, мыслитель, народ, история, Родина, природа, истина, просвещение, мудрость

Summary

This article discusses the patriotic poems of Makhtumkuli Firoghi.

Key words: poet, thinker, people, history, homeland, nature, truth, enlightenment, wisdom.

MAXTUMQULI LIRIKASIDA AYRIM TASAVVUFIY-RAMZIY LEKSEMALAR TAHLILI

Madina YUNUSOVA,
Termiz davlat universiteti talabasi

Firog‘iy taxallusi bilan ijod qilgan mashhur turkman shoiri Maxtumquli ijodi nafaqat turkman adabiyotida, balki o‘zbek adabiyotida ham o‘zgacha ahamiyatlidir. She’rlarining teran fikr, mukammal tafakkur mahsuli ekanligi she’rsevarlarni o’ziga jalb qiladi. Uning vatanparvarlik, insonparvarlik, xalqparvarlik, do‘stonalik, odamiylik, vaqti kelganda, chuqur tanqidiy qarashlar va

g‘oyalar, didaktik ruh bilan yog‘rilgan she’rlari orqali Maxtumqulini ma’rifatli siymo, do’stlik kuychisi sifatida e’tirof etamiz.

Maxtumquli lirikasida ishq-muhabbat mavzusidagi she’rlar alohida ajralib turadi. «Shoirning hayot va o‘lim, inson va borliq, go‘zal insoniy fazilatlar va odob-axloqqa oid she’rlarida islom dini hamda tasavvufiy qarashlar ta’siri yaqqol seziladi». [1, B.561]

Ko‘plab she’rlari Qur’oni Karim oyatlari va suralari, hadisi sharifning mazmun-mohiyati bilan sug‘orilgan.

Bir kecha yotardim, sahar vaqtida
Bahovaddin otlig‘ devona keldi.
Asosin sudraklab kelmish Buxordan,
Haq ishqinda mast-u mastona keldi. [2.1, B.63]

U Bahouddin Naqshband va Ahmad Yassaviy kabi tariqat asoschilarini ko‘p yodga oladi va shu o‘rinlarda tariqatning ba’zi bir amallari va konsepsiyalari haqida ham to’xtalib o’tadi. Yuqoridagi misrada naqshbandiya tariqati asoschisi tilga olingan bo‘lsa, boshqa bir she’rida naqshbandiylikning asosiy «eshik»laridan biri bo‘lgan «sirni yashirish» va «hush dar dam»ga ham ishora bor.

Maxtumquli 40 yoshida tariqat yo‘lida Pirga qo‘l bergani, Haq vasliga talabgorlik yo‘lidan borganini uning bir nechta she’rlari dalillaydi:

Qirqingda tavba aylab, murshidga qo‘l berarsan,
Ko‘nglingni Haqqa bog‘lab, aziz subhonga galding. [2.2, B.41]

Qiyomat haqligini, dunyoning foniyligini, oxirat boqiyligini she’rlarida bot-bot takrorlaydi, musulmon ahlini ogohlikka va oxiratga hozirlik ko‘rishga chaqiradi, da’vat etadi:

Isrofil sur chalib, xalqlar tirilsa,
Ahli olam arosatga surilsa,
Shafoatgoh Rasul munoda qilsa,
Maxtumquli deyub so‘rog‘ etishsa. [2.3, B.11]

Yoki:

Maxtumquli, sen dam-badam
Oxirat sari ur qadam.

Yaxshi-yomon – barcha odam
Ajalning giriftoridir.

Ma’rifatparvar shoirning purma’no va jilvagor she’rlarini tahlil qilish jarayonida uning din va tasavvufni chuqur anglay bilganini nazarda tutgan holda tahlil qilish to‘g‘ri bo‘ladi. Shu sababdan Maxtumquli ijodida tasavvuf g‘oyalari va tasavvufiy-ramziy leksemalarning ham salmoqli hissasi bor. Orif shoir Allohga bo‘lgan ilohiy ishqini ochiq-oydin tarannum etgan, ya’ni ramziy-majoziy so‘zlardan kam va o‘z o‘rnida foydalangan. Shoir g‘oyalari tasavvuf g‘oyalari bilan hamohang.

Uning lirikasida turli narsa-buyum, predmet, obyekt, ichimliklarni ifodalovchi ramziy so‘zlar bilan ilohiy ishqqa, tariqatga, soliklarning ishq safariga ishora etuvchi she’rlarini tahlilga tortish zarur.

Alar shunday degach, tilim ochildi,
Qona-qona may – muhabbat ichildi.
Ko‘nglimnan yeti tavr savol kechildi,
Dedim: «Ruxsat bo‘lsa, kelsin zabona». [2.4, B. 15]

Yuqoridagi to‘rtlikda «may» leksemasi ramziy ma’no tashiydi. Biroq shoir ramziy va botiniy ma’nosini bir o‘rinda yonma-yon keltirish orqali asl ma’noni ifodalaydi. «May – muhabbat», ya’ni Allohga bo‘lgan ishq, ilohiy fayziyot.

Maxtumquli lirikasida boshqa ramziy leksemalarga qaraganda «may», «mayxona», «sharob» kabi ramziy ma’no ifodalovchi so‘zlar ko‘proq uchraydi.

Chiqordim boshdan endi dunyo havasin mutloq,
Qay yerga oyoq bosding, ko‘zing och: o‘zingga boq,
Kul bo‘lib, yelga sovril, ul otashda joning yoq,
Lozim bo‘ldi o‘qimoq «analhaqu minalhaq»,
May ichib mayxonadan, mastona bo‘ldim endi. [3, B. 177]

Yuqoridagi she’rni tahlil etishda ramzlar, ya’ni tasavvufiy-ramziy so‘zlarni mahorat bilan qo‘llaganligini ko‘rish mumkin. Ayniqsa, oxirgi satrga e’tibor berilsa, buning isbotini ko‘rish mumkin. «May», «mayxona», «mastona» – bu 3 leksema

Maxtumqulining ishqi haqiqiyni topish yo‘lidagi mashaqqatlari-yu muhabbatini ko‘rsatadi.
May – Allohga bo‘lgan ilohiy ishq, ilohiy tajalliyot va ma’rifat ramzi. Mayxona – lug‘aviy ma’nosi «may ichiladigan joy» bo‘lsa, ramziy ma’nosi «orif pirning huzuri» ni anglatadi, komil inson huzuri ramzi. Mastona esa Haqqa yetishmoqni oliy maqsad qilgan solik, Alloh Taolo oshig‘idir.

Sahar turib ishqning kitobin ochsam,
O‘qib-o‘qib durri-ma’nilar sochsam,
Qirq-la jam bo‘lib, piyola ichsam,
Kunji-mayxonada oyog‘ yetishsa. [2.5, B.11]

Bunda haqiqiy soliklik hayoti ifodalangan deyish ham mumkin. Bu to‘rtlikning asli bunday: «Saharlarda ishq yo‘lida Alloh kalomini o‘qib, uning qimmatbaho dur kabi ma’nolarini boshqalarga ham anglatsam, qirq yoshda tariqat yo‘lida Murshidga murid bo‘lib, ishqi yo‘lida yurib, Pir huzurida ishqi haqiqiyga yetishsam».

Ammo «sharob», «may» so‘zlari qatnashgan she’rlarining barchasida ham bu leksemalar ramziy ma’no tashimaydi. Masalan, quyidagi she’rida millatni sharob ichishdan qaytarish, agar qaysi xalq mast qiluvchi ichimliklarni ichishni odat qilsa, oqibati yomon bo‘lishi va barcha balo-yu qazo shu joyga kelishi haqida ogohlantirgan.

Qay el odat etsa sharob ichmog‘a
To’un-balo o‘shal makona galgay. [2.6, B. 14]

E’tiborni tortadigan yana bir ramzlardan biri «go‘zal» leksemasidir. Bilamizki, «go‘zal» va «go‘zal yor» deganda Allohga va Allohning rasuli Muhammad Mustafo (s.a.v)ga ishora bordir.

Makkadan chiqdi bir go‘zal
Madinaga ravon o‘ldi.
Ko‘rgan toj etdi boshina,
Ko‘rmagan bag‘ri qon o‘ldi. [2.7, B. 37]

Maxtumqulining quyidagi she’rida «do‘st» leksemasi ramziy ma’noni anglatadi. Ya’ni bunda do‘st deya Alloh taolo nazarda tutilgan. Boshqa she’rlarida do‘st so‘zi bilan birga «sultonim» kabi

leksemalar bilan Yaratgan Zotni nazarda tutadi. Bunda islom olamida sodir bo‘lgan eng go‘zal voqealardan biri – me’roj kechasi, u kundagi Payg‘ambarimizning 7 qavat osmondan o‘tib, buyuk Zot bilan yuzlashishi voqeasiga ishora bor va kimda kim uning Rasulligini inkor etuvchilardan bo‘lsa, kufr qiluvchilardan bo‘lishi haqida yozgan:

Do‘stga yetti bora-bora,
Yetti ko‘kni yora-yora,
Hama munkir o‘shal yora,
Kufurdir, begumon o‘ldi. [2.8, B. 37]

Xulosa qilib aytganda, Maxtumquli lirikasida islom ma’rifati, tasavvuf haqiqati, tasavvufiy g‘oyalar xalqona sodda tilda ifodalangan. She’rlarining mazmunan teranligi, ixchamligi va ohangdorligi o‘quvchi o‘zbek kitobxonini o‘ziga jalb eta oladi.

Adabiyotlar

1. O‘zbekiston Milliy ensiklopediyasi. – Toshkent: davlat ilmiy nashriyoti, 2003, V tom. – B. 561.
2. Maxtumquli. Bu naqldir. Tarjimon: Abdimo‘min Jumayev. – Toshkent: Kamalak, 1991. – B.63.
3. Maxtumquli. Dunyo o‘tib boradir. Nashrga tayyorlovchi: Ergash Ochilov. – Toshkent: Sharq, 2007. – B. 177.
4. Maxtumquli. Hikmatlar. Tarjimon: Ergash Ochilov. – Toshkent: O‘zbekiston, 2015.
5. Najmiddin Komilov. Tasavvuf. – Toshkent: Movarounnahr – O‘zbekiston, 2009.

Rezyume

Muallif ushbu maqolada buyuk turkman shoiri Maxtumqulining falsafiy-tasavvufiy qarashlarini ochib berishga harakat qilgan. She’rlaridagi tasavvufiy-ramziy leksikaga alohida e’tibor qaratgan. Ramziy so‘zlarning botiniy ma’nosini yoritishda shoirning bir nechta she’rlarini tahlilga tortgan.

Kalit so‘zlar: Maxtumquli lirikasi, falsafiy qarashlar, tasavvufiy g‘oyalar, tasavvufiy-ramziy leksemalar, didaktik ruh.

Summary

In this article, the author tried to reveal the philosophical and mystical views of the great Turkmen poet Makhtumkuli. Her paid special attention to mystical and symbolic vocabulary in his poems. Having highlighted the true meaning of symbolic words, he analyzed several of the poet's poems.

Keywords: Makhtumkuli's lyrics, philosophical views, mystical ideas, mystical-symbolic lexemes, didactic theme.

Резюме

В этой статье автор попытался раскрыть философские и мистические взгляды великого туркменского поэта Махтумкули. Особое внимание в своих стихах он уделял мистико-символической лексике. Осветив истинное значение символических слов, он проанализировал несколько стихотворений поэта.

Ключевые слова: лирика Махтумкули, философские воззрения, мистические идеи, мистико-символические лексемы, дидактическая тема.

MAXTUMQULI IJODIDA METAFORALAR

Sevara Shuxrat qizi XONGELDIYEVA,
O‘zbek filologiyasi fakulteti talabasi
Ilmiy rahbar: **Bekpo‘lat UMURQULOV**

So‘zlarda ikki xil ma’no turi mavjud bo‘lib, birinchisi o‘z ma’no, ikkinchisi esa ko‘chma ma’no deb yuritiladi. Birinchi ma’no turiga to‘xtalsak, o‘z ma’no so‘zlarning yakka holda kelganda ham matn ichida kelganda ham bir ma’noni anglatsa bu o‘z ma’noli so‘z deyiladi. Agar yakka holdagi ma’nosi bilan matn ichidagi ma’nosi ikki xil bo‘lsa unda bu so‘z matn ichida ko‘chma ma’noda qo‘llanayotgan bo‘ladi. Ma’no ko‘chishining nima asosida yuzaga kelishiga ko‘ra *metafora, metonimiya, sinekdoxa, vazifadoshlik* singari turlari mavjud. Bular ma’no ko‘chish usullarining ketma-

ketligi. Bundan tashqari ma’no ko‘chishning kinoya, tag ma’no degan turlari ham mavjud.

Nutqimizda eng keng tarqalgan ma’no ko‘chish usuli ***metaforadir.*** Metafora (yunoncha metophora-ko‘chirish) bir predmet nomining boshqa predmet nomiga ular o‘rtasidagi ma’lum o‘xshashlik asosida ko‘chishidir. «Metafora – biror narsa yoki harakatni tushuntirish maqsadida ma’lum bir boshqa obyekt xususiyatidan foydalanadigan adabiy tushuncha» – deb ta’riflaydi John Stephen [1.B.246]. Ko‘proq tashqi o‘xshashlikka metafora deyiladi. Metafora usulida nom ko‘chishi narsa va hodisalar o‘rtasida nisbiy o‘xshashlikka ko‘ra bo‘ladi va ularning rangi, shakli, harakati ikkinchi shunday predmet belgisi bo‘lgan nomni oladi. Masalan, tandirning og‘zi – og‘iz so‘zining ma’nosi odam yoki hayvon og‘ziga tashqi o‘xshashlik asosida vujudga kelgan. Xususan, Arastu bu atamani keng ma’noda qo‘llagan. Faylasuf o‘zining «Ritorika» asarida quyidagi fikrni ifodalaydi: «Metafora yuksak darajada aniqlik, yoqimlilik va oxorlilik jozibasiga ega, undan o‘rinli foydalanish nutqni bezaydi» [2]. Narsa va hodisalar o‘rtasidagi o‘xshashlik turli asosda bo‘lishi mumkin:

1. Ikki predmet o‘rtasidagi shakliy o‘xshashlik. *Masalan*, odam qulog‘i – qozon qulog‘i.

2. Ikki predmet qayerda joylashishi bo‘yicha o‘xshashlik. *Masalan,* Itning dumi – samalyotning dumi.

Metafora ma’no ko‘chishi quyidagicha amalga oshadi:

1. Inson a’zolarining nomi boshqa narsalarga ko‘chadi.

Masalan: ko‘chaning boshi, yer yuzi, kitobning beti, shishaning og‘zi, choynakning burni, dutorning qulog‘i.

2. Inson kiyimlari qismlarining nomi boshqa narsalarga ko‘chadi. Masalan: tog‘ning etagi, daryoning yoqasi, eshikning tugmasi.

3.Qush, parranda, hayvon a’zolarining nomi boshqa narsalarga ko‘chadi. Masalan: Futbolchilarimiz chap qanotdan hujum uyushtirdilar, varrakning dumi osmonda chiroyli tebrandi.

4. Harakat-holat, belgi-xususiyatlar ham o‘xshashlik belgisiga ko‘ra metafora asosida ma’no ko‘chishiga uchraydi. Masalan: gapni

gapga ulamoq, osmon ko‘z yoshini to‘kdi, sovuq xabar, xazon bo‘lmoq, shirin xayol, shirin gap.

5. Metaforalarga juda yaqin vosita o‘xhsashliklar bo‘lib, ular yordamida shaxs va predmetlar bir-biriga o‘xshatiladi. Masalan: Adashgan it kabi Furqat qayon borgum bilolmasman, Ulug‘bek misoli oftob.

Turkman xalqining ulug‘ farzandi va shoiri Maxtumquli Firog‘iy ijodida ham yuqorida sanab o‘tilgan bir qancha ma’no ko‘chish usullarini ko‘rishimiz mumkin. Jumladan, uning ijodida uchraydigan bir qancha metaforalarni tahlil qilamiz:

Maxtumquli chekar faryod,
Mening ahvolimga xayxot!
***Falakning qo‘lidin** bunday*
Mening baxtim qora qildi [3, B.92]…

Yuqorida keltirilgan to‘rtlikda ***«Falakning qo‘lidin»*** degan jumla orqali ma’no ko‘chishining metafora usuli yuzaga kelgan. Ya’ni o‘z ma’nosida falakning qo‘li bo‘lmaydi, ammo ko‘chma ma’noda metaforada inson a’zolarining nomi boshqa narsalarga ko‘chishida ma’no ko‘chgan. Bu jumla orqali shoir «Falakning qo‘lidin bunday mening baxtim qora qildi – falakning, dunyoning ishi shunday mening baxtimni qora qildi» degan ma’noni yuzaga keltirgan.

*Baland **tog‘ boshida** yo‘ldan*
Tong-saxar kechmisham, beklar.
Eranlar yurgan manzilda
Sayr etib kezmisham, beklar [4, B.74].

Yuqorida berilgan ***«tog‘ boshida»*** jumlasi orqali ko‘chma ma’noda metaforada inson a’zolarining nomi boshqa narsalarga ko‘chishida ma’no ko‘chgan.

***Yer yuzini** qora tuman aylading,*
Ayt-chi, falak, kimni omon aylading?!
Firog‘iyni, boq, beiymon aylading,
Nomusim, iymonim – Ozodim qani [4, B.47]?!

Bu she’riy parchada ham inson a’zolarining nomi boshqa narsalarga ko‘chishi kuzatiladi. Chunki ***«yer yuzi»*** – yerning yuzi bo‘lmaydi, ya’ni bu yerda yerning ustki qismi degan ma’no anglashiladi.

Metaforalarga juda yaqin vositalar o‘xshatishlar bo‘lib, ular yordamida shaxs va predmetlar bir-biriga o‘xshatiladi. Quyida Maxtumquli ijodida ham shunday o‘xshatishlarni uchratishimiz mumkin:

Firog‘iy der: men ***yoy kabi,***
Dunyoda bir ***saroy kabi,***
Ko‘ring bu kun ul ***oy kabi***
Sayr etib yurmisham beklar [4, B.75].

Ya’ni to‘rtlikdagi *«yoy kabi», «saroy kabi», «oy kabi»* so‘zlar orqali shaxs va predmet o‘rtasidagi o‘xshashlikni yuzaga keltirgan. Bunday o‘xshatishlarni Maxtumquli ijodida ko‘plab kuzatish mumkin:

Ota-onam o‘tdi – zorman,
Suvsiz hovuz kabi xorman,
Hech kim kutmagan bahorman,
Ixlosim arigan kunlar [4, B.76].

Maxtumquli ijodida harakat-holat, belgi-xususiyatning o‘xshashlik belgisiga ko‘ra metafora asosida ma’no ko‘chishiga ham bir qancha misollar mavjud. Quyida shunday ma’no ko‘chishlarini tahlil qilamiz:

Malomat ko‘p, gar keng jahon,
Orada qo‘ydi ***shirin jon,***
Ustimizda shafqatsiz xon,
Zulm tig‘in urgulik bo‘ldi [4, B.38].

Yuqorida keltirilgan ***«shirin jon»*** belgi-xususiyatning o‘xshashligiga ko‘ra metafora hisoblanadi. Yana bir belgi-xususiyatning o‘xshashlik belgisini quyidagi jumlada kuzatamiz:

Do‘stlar, ishonchim yo‘q sira umrga,
Baxtim qorasi *rang berar ko‘mirga,*
Toleim quyoshi qular chuqurga,

Ey zamon, uyg‘ot uxlagan iqbolim [4, B.79].

«Baxtim qorasi» bu yerda belgi-xususiyatning metafora usuli orqali ko‘chishidir. Ya’ni hayotining yomon kunlarini shoir «baxtim qorasi» deya ta’riflagan. Bilamizki, qora rang belgi-xususiyatiga ko‘ra dilni xira qiluvchi qiyinchilik, g‘am-tashvishni bildiradi.

Aldoviga uchma also,
Ildizing qirqar har asno,
*Oqibatsiz **lo‘li dunyo***
Borgan sari yot ko‘rinar [4, B.225].

Yuqorida keltirilgan parchada esa metaforaning harakat-holatga o‘xshashlik bo‘yicha ko‘chishini kuzatishimiz mumkin. Chunki ***«lo‘li dunyo»*** deb shoir lo‘lidagi harakat-holatni dunyoga nisbat bermoqda. Lo‘lilarning aldovini hamma yaxshi biladi, shoir she’rida dunyoga lo‘li holat-harakatini berish orqali, dunyoning aldamchi va o‘tkinchi ekaniga ishora qilmoqda.

Xulosa qilib aytadigan bo‘lsak, ko‘chma ma’no biror so‘z leksik ma’nosi referenti bilan obyektiv borliqdagi narsa, voqealik, harakat, holat, belgi yoki sezgi kabilardan biri aloqador yoki munosabatda bo‘lganligi uchun, uning nomida atalib ketishi orqali yuzaga keladi. Ya’ni so‘z leksik ma’nosi ikkinchi bir leksik ma’noni hosil qiladi. Shu sababli keyingi leksik ma’no metafora deb ataladi [5.B.7]. So‘zlarning ko‘chma ma’noda qo‘llanilishi, ular ifodalagan ikkinchi bir leksik ma’nolar to‘g‘risida juda ko‘plab olimlar, jumladan, prof. M.Mirtojiyev va I.Shukurov, Z.Tohirov, D.Xo‘jayeva; shuningdek, prof. Sh.Rahmatullayev va R.Yunusovlar chuqur ilmiy tadqiqot ishlarini olib bordilar. Hozirgi zamon tilshunoslari ham ko‘chim turlari, xususan, metaforalarning turli xil jihatlarini ilmiy tadqiq etib kelmoqdalar. Biz o‘ylaymizki, bugun tilshunoslik sohasida qilinayotgan har qanday izlanishlar kelgusida ilmiy ishlar uchun asos vazifasini o‘taydi.

Adabiyotlar

1. O‘zbek tili stilistikasi. – Toshkent: O‘qituvchi, 1983. – B. 246
2. O‘zME. Birinchi jild. – Toshkent, 2000.

3. Maxtumquli. Saylanma she’rlar. – Ashxabot: Turkmaniston, 1976.
4. Maxtumquli asarlar. – Toshkent: Akademnashr, 2013.
5. Xayitboyeva M. Xarakter-xususiyat asosidagi metaforalarni o‘rgatish usullari. BMI. – Toshkent, 2018. – B.7.

Rezyume

Bu maqolada Maxtumquli ijodida uchraydigan ko‘chma ma’nolar va ularning turlari, ma’no ko‘chishidagi metafora va uning uslubiyati borasidagi fikr-mulohazalar yuritilgan.

Kalit so‘zlar: Ko‘chma ma’nolar, metafora, metonimiya, sinekdoxa, vazifadoshlik.

Summary

This article discusses the figurative meanings found in Magtymguly’s works and their types, metaphors in conveying meaning and its methodology.

Key words: figurative meanings, metaphor, metonymy, synecdoche, mission.

Резюме

В данной статье обсуждаются встречающиеся в творчестве Махтумкули переносные смыслы и их виды, метафоры в передаче смысла и ее методология.

Ключевые слова: переносные значения, метафора, метонимия, синекдоха.

ТУРКИЙ ТИЛЛАРНИ ЎРГАНИШДА «ТАВОРИХИ ГУЗИДА – НУСРАТНОМА» АСАРИНИНГ ЎРНИ

Сурайё Улуғбековна ГАФУРОВА,
Фарғона давлат университети
тилшунослик кафедраси катта ўқитувчиси,
филология фанлари бўйича фалсафа доктори

Туркологлар томонидан XV-XVI асрда яратилган асарлар тилининг фонетик, лексик ва грамматик қурилишини ўрганиш бўйича бажарилган ишлар айниқса диққатга сазовордир. Кейинги йилларда ёзма ёдгорликлар тилининг хусусиятларини ўрганиш соҳасида жуда кўп илмий тадқиқотлар олиб борилди, монографиялар чоп этилди. Хусусан, ўзбек тилшунос олимларидан С.Муталлибов, Э.Фозилов, А.Қаюмов, Қ.Маҳмудов, Ш.Шукуров, Ғ.Абдураҳмонов, А.Рустамов, Қ.Содиқовалар манбалар тилини ўрганишди ҳамда баъзиларининг танқидий матнини яратишди. Эски ўзбек адабий тили хусусиятларини ўрганишда А.Рустамов, Э.Умаров, С.Аширбоев, Ҳ.Дадабоев, Б.Юсупов, У.Санақулов, Б.Ўринбоев, А.Матғозиев, М.Қодиров, З.Ҳамидов, А.Иброҳимов ва бошқаларнинг изланишлари эътиборга молик.

Шунинг билан бирга, («Бобурнома») (Благова 1955), «Шайбонийнома» (Турабова 1966), «Шажараи тарокима» (Кононов 1958), «Шажараи турк» (Иванов 1969) ва «Зарбулмасал» (Исҳоқов 1976) асарлари тили ўрганилди ва булардан баъзиларининг танқидий матни ҳам яратилди.

Б.Аҳмедов ўзининг тарихга оид изланишларида «Фатхнома», «Шайбонийнома», «Меҳмонномаи Бухоро», «Тарихи Муқимхоний», «Убайдулланома», «Тарихи Абулфайзхоний» асарлари қаторида «Таворихи гузида – Нусратнома» ҳақида ҳам қисман тўхталиб, XVI-XVIII асрлардаги Ўрта Осиё тарихига оид қимматли маълумотларни келтиради [3]. Хусусан, давр шароитининг мураккаблиги,

Мовароуннаҳр халқларининг баъзи норозиликлари, Самарқанд, Бухоро, Ўш, Ахси, Андижон, Қарши, Қоракўл ва Ўрта Осиёнинг бошқа шаҳарларидаги қўзғолон сабаблари манбада тўлиқ очиб берилиши айтиб ўтилади. Шунингдек, олим асарни икки мустақил қисмдан «Таворихи гузида» ва «Нусратнома»дан иборат, деб ёзган [2, 187-189].

Ўтган асрнинг 60-йилларида матншунослик тадқиқотлари асарнинг матн ва композиция тарихини, унинг барча мавжуд бўлган нусха ва қисқартирилган вариантларини ўрганиш натижалари «Таворихи гузида – Нусратнома»нинг асл қўлёзма нусхаси бизгача етиб келмаганлигини кўрсатди. Шарқшунос олим Анваржон Акрамовнинг асар қўлёзмаларини илмий истифодага киритгани аҳамиятли бўлиб, у амалга оширган танқидий матн муаллифникига бир оз яқинлигини эътироф этиш мумкин. У асарнинг барча мавжуд нусхаларини ўрганиб, тайёрлаган қиёсий матни асосида 1965 йилда номзодлик ишини ҳимоя қилиб [1, 23], 1967 йилда асарнинг факсимилесини нашр этди [6].

Манбашуносликнинг асосий вазифаси тарихий манбаларнинг дастлабки, муаллиф томонидан ёзилган нусхаси дастхатини топиш ва агар оригинал нусха йўқолиб кетган бўлса, у ҳолда асарнинг мавжуд кўчирма нусхаларини ўзаро бир-бирига таққослаб, солиштириш йўли билан унинг дастлабки нусхасига яқин бўлган танқидий матнни тузиш ва кенг жамоатчиликка етказишдан иборатдир.

Ўрта Осиё халқлари тарихига оид манбаларни ўрганиш ва уларни оммалаштириш ишларида ўзбек олимлари ҳам бир қанча салмоқли ишларни амалга оширдилар. Тарихий асарларнинг тарихий матнини тузиш ғоят машаққатли иш бўлиб, тадқиқотчидан узоқ йиллар мобайнида чидам ва матонат билан меҳнат қилишни талаб этади. Шунга кўра, ЎзФА Шарқшунослик институтининг илмий ходими Анвар Акрамовнинг ўзбек халқи тарихига оид муҳим манбалардан бўлмиш «Таворихи гузида – Нусратнома» асарининг танқидий матнини тузиб, чоп этиши таҳсинга сазовор ишдир [6]. Олимнинг 1965 йилдаги филология фанлари номзоди

даражасини олиш учун ёзган диссертацияси юқоридаги иш учун тамал тоши бўлган эди [1? 176]. Иш уч бўлим ва икки бобдан иборат бўлиб, у асар ҳақидаги умумий маълумотлар, барча нусхалар матнининг манбашунослик нуқтаи назаридан олиб борилган тадқиқи, асар танқидий матнини тузишда эътиборга олинган тамойиллар ҳамда асар мундарижасининг рус тилидаги аннотациясидан иборат. Учинчи бўлимда асарнинг араб ёзувидаги танқидий матни тўлиқ келтирилади.

А.Акрамов «Таворихи гузида – Нусратнома»нинг танқидий матнини тузишда асарнинг еттита нусхасидан фойдаланган, асосий нусха сифатида эса, Лондон нусхасини танлаган, чунки бу нусха бошқаларига нисбатан мазмунан тўлароқ ва хаттот томонидан хатоларга камроқ йўл қўйилган нусха ҳисобланади. Тадқиқотчининг аниқлашича, Ленинград нусхаси Лондон нусхасидан, Тошкентда сақланаётган нусхалари эса, уларнинг «Ўғуз, Аланқуво ва Шайбонийнома» нусхасидан кўчирилган. Лондон нусхаси 1504 йил (909 ҳижрий) воқеалари билан тугалланади. Тошкент нусхаси эса 1510 йил (916 ҳижрий), яъни Шайбонийхоннинг вафотигача бўлган даврни ўз ичига олади. 1967 йилда нашр қилдирилган факсимеле нусхада ҳам ҳар икки Лондон ва Тошкент нусхаларининг танқидий матни бирин-кетин босилган ва бу билан «Таворихи гузида – Нусратнома»нинг мукаммал матни тикланган.

Асар танқидий матнини тузишда тадқиқотчи унинг турли нусхалари ўртасидаги фарқларни кўрсатиш билан чегараланиб қолмай, балки бу фарқларнинг келиб чиқиш сабабларини ҳам текширган. А.Акрамов ўзи таҳлил қилаётган манба номининг тўғри ўқилиши хусусида ва бу асарнинг муаллифини аниқлаш борасида ҳам нозик илмий мулоҳазалар юритган.

Ишнинг қимматли жиҳатларидан яна бири шуки, унда ҳар бир боб ёки ҳикоянинг қисқача мазмунидан хабардор этувчи шарҳли мундарижалар берилган. Улар ўз навбатида тарихий воқеалар учун кўрсаткич ролини ўтаб, китобхонга унинг ўзи қизиққан воқеа ва ҳодисани қўлёзмадан (яъни танқидий матндан) тез ва осон топиб олиш имконини беради. Китобда асарнинг танқидий матни фото ҳолида берилган, бу нарса

тадқиқотдан фақат тарихчи ёки филолог мутахассисларнинггина фойдалана олишига имкон беради. Баъзи саҳифаларнинг аксини тўлиқ ўқиб бўлмайди. Асарни кенг ўқувчилар оммасига етказиш эҳтиёжи унинг ҳозирги ўзбек алифбосида чоп этилишини тақозо этади. «Таворихи гузида – Нусратнома» Тошкент нусхасининг топилиши танқидий матнни анча тўлатди. Афсуски, ана шу нодир нусха ҳақида батафсил маълумот бермаган. Лоақал, бу нусхадан олинган парчага шарҳли мундарижа ҳам тузилмаган. Шундай бўлса ҳам, ўзбек ҳалқи, шунингдек, Ўрта Осиёдаги бошқа халқлар тарихига оид қимматли манба бўлмиш «Таворихи гузида – Нусратнома» танқидий матнининг А.Акрамов томонидан тузилиши манбашуносликка қўшилган катта ва муҳим ҳисса бўлди, бу нодир асар мукаммал нусхасининг эълон қилиниши XV-XVI асрларда Ўрта Осиёда мавжуд бўлган сиёсий-ижтимоий ҳаётни, давр тилини ўрганиш ва уни ёритишда ҳам катта аҳамият касб этади.

А.Акрамовдан сўнг 1994 йилда ушбу асарни филология фанлари номзоди А.Л.Халилов ўз номзодлик диссертацияси учун объект қилиб олди [7, 142]. Иш икки бобдан иборат бўлиб, биринчи бобда асардаги от категориялар, иккинчи бобда феълга хос грамматик категорияларнинг ифодаланиши таҳлил қилинган. А.Халилов ҳам асар муаллифи тўғрисидаги А.Иброҳимовнинг фикрини тасдиқлаб, ўз илмий тадқиқотида ҳар икки асар тилини бир қатор грамматик категориялар бўйича таққослайди [7, 10] ҳамда «Нусратнома»нинг муаллифи Муҳаммад Солиҳ эмас, деган хулосага келади. А.Халилов эски ўзбек тилида назмий асарлар тили насрий асарлар тилидан кескин фарқ қилишини [8, 226] ҳисобга олган ҳолда «Таворихи гузида - Нусратнома» ва «Шайбонийнома» асарлари ўртасидаги фарқлар ва ўзига хосликларни аниқлаб, диссертация ишида мисоллар асосида баён этган.

Манбани ўқир эканмиз, Россия нусхасини кўчирган хаттот эски ўзбек тилидан яхши хабардор бўлмаган ва у Ўрта Осиёда ҳам кўчирилмаган, деган тахминлар бор. Чунки ундаги кўплаб жумлалар хато ёзилган, баъзи ҳолларда сўз ва маълум бирикмаларни ўқиб ҳам бўлмайди, такрорлар кўп. Қўлёзма

матни 147 саҳифадан иборат ва 113b, 114a саҳифалари тоза, оппоқ ҳолатда, 54b-55a саҳифалари йўқолган. Бу нусхани кўчиришда хаттот томонидан йўл қўйилган қўпол хатолар, қасддан ўзгартиришлар кузатилмайди. Барча камчиликлар жузъий орфографик хатолардир.

Асарнинг яна еттита қисқартирилган қўлёзма нусхалари мавжуд бўлиб, улар асосан тўпламлар ичига киритилган ва турлича номлар билан аталган [6, 51-62]. Бу қўлёзмаларнинг таҳлили, уларнинг юқоридаги нусхалардан эмас, балки ҳозиргача бизга маълум бўлмаган бошқа манбалардан фойдаланиб ёзилганини кўрсатади [6, 69].

Юқоридагилардан келиб чиқиб айтиш мумкинки, Англия нусхаси саҳифаларида ҳам муайян камчиликлар мавжуд бўлсада, бугунги кунда у энг мукаммал нусха саналади. Шу жиҳатдан Англия нусхасини бирламчи нусха сифатида фойдаланиш мақсадга мувофиқ. Қолган нусхалар эса уни тўлдиришга хизмат қилади. Асар Марказий Осиё халқлари тарихини ўрганишда қимматли манба бўлиб, тарихий маълумотларга турли шарҳларнинг ҳам қўшилгани даврий қиёслаш учун, тарихий ҳақиқатни аниқлаш учун ишончли манбалар сонини яна биттага оширади.

Адабиётлар

1. Акрамов А.М. Таварих-и гузида – Нусрат-наме: Сочинение анонимного автора XVI в.: Автореферат дис. на соискание учен. степени кандидата филол. наук. – Ташкент: Наука, 1965. – 23 с.
2. Аҳмедов Б. Ўзбекистон тарихи манбалари (Қадимги замон ва ўрта асрлар) – Тошкент: Ўқитувчи, 2001. – Б. 187-189.
3. Аҳмедов Б. Ўрта Осиёнинг XV-XVIII асрлар тарихий-жўғрофий адабиёти (ёзма ёдгорликлар). – Тошкент, 1985.
4. Gafurova S. Nusrat-name as historical source // Zbiór artykułów naukowych recenzowanych, 58.
5. Gafurova S. About one of the unique sources on the history of the uzbek language in the XVI century // World Bulletin of Social Sciences 5, 42-44.

6. Таварих-и гузида-Нусрат-наме / Иследование, критический текст, аннотированное оглавление и таблица сводных оглавлений кандидата филол. наук А.М.Акрамова. – Тошкент: Фан, 1967. – 630 с.

7. Халилов А.Л. «Нусратнома» асари тилининг морфологик қурилиши (Грамматик категориялар). Фил.фан.ном. илмий даражасини олиш учун ёзилган дисс. – Тошкент, 1994. – 142 б.

8. Щербак А.М. Грамматика староузбекского языка. – М, - Л., 1962. – С. 226.

Резюме

Мақолада XV-XVI асрда яратилган асарлар, хусусан, «Таворихи гузида – Нусратнома»нинг тили, шунингдек, унинг турли нусхаларининг қиёсий тадқиқи хусусида сўз боради.

Калит сўзлар: Ўрта Осиё халқлари тарихига оид XV-XVI асрда яратилган манбалар, «Таворихи гузида – Нусратнома»нинг тили ва унинг қўлёзма нусхалари.

Резюме

В статье рассматриваются произведения, созданные в XV-XVI веках, в частности, язык «Таварихи гузида – Нусратнама», а также сравнительное исследование различных его копий.

Ключевые слова: источники XV-XVI веков по истории народов Средней Азии, язык «Таварихи гузида – Нусратнама» и его рукописные копии.

Summary

The article examines works created in the 15th-16th centuries, in particular, the language of «Tawarihi Guzida - Nusratnama», as well as a comparative study of its various copies.

Key words: sources of the 15th-16th centuries on the history of the peoples of Central Asia, the language of «Tawarihi Guzida - Nusratnama» and its handwritten copies.

ТИЛ РИВОЖЛАНИШИГА ЭТНОС ЯШАШ ТАРЗИНИНГ ТАЪСИРИГА ДОИР (ўзбек ва туркман тиллари мисолида)

Зулпикар Худайкулович ТЎЙМУРАДОВ,
Қарши давлат университети доценти, т.ф.н.

Махмуд Қошғарий яшаб ўтган XI асрда унинг «Девону луғотит турк» [1] асарининг тили ўша вақтдаги барча туркийларнинг мавжуд қарлуқ, ўғуз ва қипчоқ лаҳжаларида сўзлашувчи гуруҳлари учун бирдек тушунарли бўлган. Ривожланишнинг кейинги босқичларида туркий тиллар ўша даврдаги мавжуд фарқлар негизида умумтуркий тилдан ажралиб борди.

Ўзбек тили мустақил ривожланиб умумтурк тилидан ажраб чиққанлиги [2: 26-б.] таъкидланаётган XII асрда шарқ ва шимолдаги кўчманчи ўғузларнинг кўпчилик қисми жануби-ғарбий ҳудудларга ўтиб, Туркманистон ҳудудига турли этносларнинг кириб келиши камайгандан сўнг туркман халқи шаклланиши тезлашди ва унинг тили ҳам мустақил ривожлана бошлади [3: 28, 169-б.]. Алишер Навоий ва уни ўзининг устози деб билган Махтумқули XV, XVIII асрларда бу тилларнинг мукаммал адабий тил даражасига кўтарилишига улкан хисса қўшдилар.

Махтумқули Фироғий ўз шеърларида ҳозирда туркман тилида сақланмагани ҳолда ўзбек тилида ишлатилиб келинаётган кўплаб сўзлар мавжуд. Бунга мисоллар: *афзал; пинҳон; қатл; базм; қад; ғаввос; йироқ; мубтало; боди сабо; рақс; жойиз; осий; жанда; беъдор; муаззам; кўзгу; чеҳра; шавқ; ҳандон; само; мой; шафқат; маън қилмоқ* [4]. Бу ҳодисани кейинги асрларда туркман тилига кўчманчилик ҳаёт тарзи таъсирининг кучайиши билан тушунтирмоқ мумкин.

Маҳмуд Қошғарийнинг «Девону луғотит турк» асарида ўша даврда умумтуркий бўлган шундай сўзлар борки, ҳозирги даврда улар ўзбек тилида сақланиб қолмасдан туркман тилида сақланиб келмоқда [5: 139...145-б.]. Бу сўзларни келтирамиз:

- атїзладі; атизлади – ерни ажратиб қўйди [1: 3-том, 294 б.]. Туркман тилида «атыз» сўзи «ернинг алоҳида бўлаги» маъносида ишлатилади;

- башмақ; *башмақ* – тўпиқ [1: 1-том, 433-б.]. Туркман тилида туёқни «пашмаг» деб аташ сақланиб келмоқда;

- бўклўнді; *буклунди* – йиғилди, тўпланди. Сув йиғилди, тўпланди [1: 2-том, 278-б.]. Туркман тилида «сув бөкленди» ибораси сақланган бўлиб, «сувнинг олди ёпилди» деган маънода ишлатилади;

- дағ, дағ ол; *дағ, дағ ол* – йўқ, у ундай эмас [1: 3-том, 167-б.]. Инкор этувчи «дағ ол» ибораси туркман тилида «дәл» шаклига ўтган;

- ігläді; *игладu* - касал бўлди [1: 1-том, 283-б.; 3-том, 290-б.]. Туркман тилида бу сўзнинг «игледи – озиб қолди» маъносида ишлатилиш варианти сақланиб қолган;

- їмїр; *имир* – туман; булут; ёруғлик билан қоронгуликнинг бир-бирига аралашиши [1: 1-том, 88-, 120-б.];

- јанді; *йанди* – қўрқитди [1: 3-том, 72-б.]. Туркман тилида «янады» сўзи «қўрқитди» маъносида ишлатилади;

- јарїш; *яриш* – пойга [1: 2-том, 263-б.; 3-том, 17-, 79-б.]. Туркман тилида «ярыш»;

- јас; *йас* – ўлим, ҳалокат [1: 3-том, 174-б.]. Бу сўз туркман тилида аза маъносида қўлланилади;

- јатїз, јатїз јэр; йатиз, йатиз йер – ҳар бир энли, кенг нарса, кенг ер [1: 3-том, 17-б.]. Туркман тилида бу сўз «атыз» шаклида сақланган бўлиб, томорқа, деҳқончилик қиладиган ер маъносида қўлланилади;

- јіг: јіг эт; *йиг: йиг эт* – пишмаган хом гўшт. Ҳар бир хом нарсага јіг дейилади [1: 3-том, 158-б.]. Туркман тилида «хом» маъносида ишлатиладиган «чыг» сўзи бор. М.: чыг мал – хом ашё;

- јігränді; *йигранди* – қўрқувдан териси ҳурпайди, гўштни хом ҳисоблаб ейишдан воз кечди [1: 3-том, 119-б.]. Бу сўз туркман тилида сақланган бўлиб, «ёқтирмади» маъносида қўллананади;

- jїғрілдї; йиғрилди – совуқдан қалтиради [1: 3-том, 117-б.]. Одамнинг совуқдан ғужанак бўлишини ёки кирпининг ғужанак бўлишини англатувчи «йыгрылди» сўзи туркман тилида сақланган;

- jітіғ; *йитиғ* – ўткир, қайралган [1: 3-том, 25-б.]. Туркман тилида бу сўз «йити» шаклида фойдаланилади;

- jїшїқлїғ; *йишиқлиғ* – дубулға [1: 3-том, 57-б.]. Туркман тилида «кийим - кечак» маъносида ишлатиладиган «эгин-эшик» атамасининг иккинчи қисми шу сўздан келиб чиққанга ўхшайди;

- jэк; *йек* – шайтон, ёмон кимса [1: 1-том, 265-б.; 2-том, 274-б.; 3-том, 175-б.]. Туркман тилида бу сўз «ёмон» маъносида ишлатилади;

- кэбітті, кэпітті; *кебитти, кепитти* – қуритти, бир оз қуритти [1: 2-том, 344-; 3-том, 273-б.]. Туркман тилида «кепитди» сўзи «бир оз қуритди» маъносида ишлатилади;

- кізlаді, кізlашді; *кизлади, кизлашди* – яширди, яширишди [1: 2-том, 260-, 402-б.; 3-том, 315-, 332-б.]. Туркман тилида «гизлемек» сўзи бўлиб, бу сўз «яшириш» маъносида қўлланилади;

- кökрамак; *кўкрамак* – баланд овоз билан бақирмоқ, бўкирмоқ демакдир [1: 2-том, 20-б.]. Бу сўз туркман тилида «кукремек» шаклида сақланган;

- köні, köні нэң; *кони, кони нэнг* – тўғри, тўғри нарса [1: 3-том, 165-, 254-б.]. Туркман тилида «тўғри чизиқ» маъносида «гөни чызык» ибораси ишлатилади;

- кэркі; *керки* – ўроқ, ранда [1: 1-том, 405-б.] Туркман тилида тишли ўроқ «керки» деб аталади;

- қалїшдї; *қалишди* – сакрашди, ирғишди [1: 2-том, 122-б.]. Туркман тилида бу сўз «кўтарилди» маъносидаги сўзларда сақланиб қолган: масалан «аяга галды», «еринден галды»;

- қарїнчақ, қарїнча; *қаринчақ, қаринча* – чумоли. [1: 1-том 460-б.; 3-том, 385-б.]. Туркман тилида «гарынжа» шаклида сақланиб қелган;

- қїрнақ; *қирнақ* – жория, чўри [1: 1-том, 439-б.]. Туркман тилида «гырнаг» шаклида сақланган;

- қоғшадї, кэwшäді; *қоғшади, кэвшади* – бўшашди, юмшади [1: 3-том, 302-б.]. Туркман тилида бу сўз «говшады» шаклида фойдаланилади;

- кўjфäнді; куйфанди – сустланди [1: 3-том, 214-б.]. Туркман тилида шу маънодаги «гүйменди» сўзи ишлатилади;

- қуршағ; *қуршағ* – белбоғ, боғ, ўрама [1: 1-том, 432-б.]. Туркман тилида «гушаг» шаклида сақланган;

- мэң; *менг* – хол [1: 3-том, 371-б.]. Бу сўз туркман тилида сақланган бўлиб, менг холга қараганда ўлчам жиҳатдан катталиги ва теридан бўртиб чиқмаганлиги билан ажралиб туради;

- мэңзätті; *менгзатти* – ўхшатти [1: 2-том, 413-, 414-б.]. Туркман тилида «меңзетти»;

- ёртті; *ортти* – бекитти, яширди [1: 3-том, 430-б.]. Туркман тилида «өрти» сўзи «кийим» «уст ёпинчиқ» маъносида қўлланади;

- оғра, оғрағїл; *оғра, оғрағил* – йўл ол [1: 3-том, 325-, 326-б.]. Туркман тилида шу маънодаги «угра» сўзи қўлланилади;

- сабдї, сабїлдї; *сабди, сабилди* – ўтказди, етказди, улади [1: 2-том, 10-, 122-б.]. Туркман тилида «улади», «уланди» маъносидаги «сапды», «сапылды» сўзлари сақланган;

- сағ эlік; *сағ элик* – ўнг қўл [1: 3-том, 168-б.]. Туркман тилида «саг эл»;

- сawїлдї; *савилди* – оғди, ботти. Кун оғди, кун ботти [1: 2-том, 142-б.]. Туркман тилида «оғди, ариди, четлашди» маъноларини берувчи «совулды» сўзи сақланган;

- сатғадї, сатғашді; *сатғади; сатғашди* – қўшилди, учрашди [1: 2-том, 248-б.; 3-том, 302-, 303-б.]. Туркман тилида бу сўз «саташды» шаклида сақланган;

- сарлашді; *сарлашди* – ўрашди [1: 2-том, 249-б.]. Туркман тилида бу сўз «сарады» шаклида айтилиб, «ўради» маъносида тушунилади;

- сїғун; *сиғун* – буғу [1: 1-том, 388-б.]. Бу сўз туркман тилида «суғун» тарзида сақланган;

- сіңäк; *сингак* – пашша, чивин [1: 3-том, 110-, 378-б.]. Туркман тилида «сиңек» шаклида;

- соғун; *соғун* – пиёз. Пиёз туркманчасига «соған» [1: 1-том, 388-б.];

- суқу; *суқу* – ҳовонча [1: 3-том, 246-б.]. Бу сўз туркман тилида «сокы» шаклида сақланган;

- сусғақ; *сусғақ* – сув ва сув каби нарсаларни ботириб оладиган асбоб [1: 1-том, 437-б.]. Туркман тилида «сусаг» шаклида қўлланиб келинмоқда;

- талқїландї; *талқиланди* – ғўраланди (узум ғўраланди) [1: 3-том, 218-б.]. Туркман тилида аччиқроқ, шўрроқ сувни «талхы сув» деб аташ бор;

- тўз, тўз јэр; *туз, туз йэр* – тўғри, текис нарса, текис ер [1: 1-том, 314-б.; 3-том, 135-б.]. Бу сўз туркман тилида «дүз» шаклида сақланиб қолган бўлиб, «текислик, текис ер» маъносида қўлланади;

- ўшўтті; у*шўтти* – совуққа қолдирди [1: 1-том, 218-б.]. Туркман тилида бу сўз «үшетти (совуқ қоттирди)» шаклида сақланган;

- ӫwдіді; *эвдиди* – терди, йиғди [1: 1-том, 271-б.; 2-том, 295-б.]; Бу сўз туркман тилида «өвдеди, өдеди» шаклларида сақланган;

- чіläді, тонуғ чіläli; *чилади, тонуғ чилади* – намлади, тўнни нам қилди [1: 3-том, 287-б.]. Туркман тилида «чыг» сўзи сақланган бўлиб, «нам» деган маънода қўлланилади;

- чішäтті; *чишатти* – тўсди [1: 2-том, 355-б.]. Туркман тилида «чиш этти» ибораси сақланган бўлиб, бола сийганини англатади;

- чэбіш; *чебиш* – олти ойлик эчки боласи [1: 1-том, 349-б.];
- чэк ўк; *чек ук* – темирчининг болғаси [1: 2-том, 331-б.]. Бу сўз туркман тилида «чекич», «чөкүч» шаклларида сақланган;
- чэрмэтті; *черметти* – тугдирди [1: 2-том, 408-б.]. Бу сўз туркман тилида «енгни шимартириш» маъносида қўлланилади.

Юқорида ўзбек тилида сақланиб қолмасдан туркман тилида сақланиб қелаётган сўзлардан намуналар келтирдик. Хўш, нега бу сўзлар ўзбек тилида истеъмолдан чиқди? Гап шундаки, ўтмишда бир тилда гаплашган халқлар тилида фарқларнинг ортиб боришига сабаб бўладиган омиллардан бири ўлар ҳаёт тарзларининг фарқланиб боришидир. Кўпчилик туркман уруғлари кўп асрлар давомида ҳаёт тарзини ўзгартиришмаган, Қорақум саҳроси ва унинг атрофида яшаб ярим ўтроқ, ярим кўчманчи чорвадорлик маданиятини сақлаб қолишган. Шунинг учун ҳам Маҳмуд Қошғарий замонидаги кўчманчилик турмушида кўп ишлатиладиган сўзлар туркманларнинг истеъмолидан чиқмаган, сўзлар фонетикаси ҳам кам ўзгаришга учраган. Кейинроқ ўтроқлашган ўзбек уруғларида ҳам шундай ҳолни кузатиш мумкин. Амударё ва Сирдарё орасидаги унумдор тупроқли ерларда истиқомат қилаётган ўзбекларнинг қадимги этник аждодлари бўлган туркий қабилалар эса кўп асрлар, хатто минг йиллардан буён ўтроқ ҳаёт маданиятига, яъни зироатчилик, ҳунармандчиликка ўтишган. Шунинг учун ҳам уларнинг лексикасидан кўчманчи чорвадор турмушидагина зарур бўладиган сўзлар истеъмолдан чиқиб, ўтроқ ҳаёт билан боғлиқ янги, Ўрта Шарқда оммалашган сўзлар истеъмолга кирган. Сўзлар фонетикаси ҳам кўпроқ ўзгаришга учраган. Бу ҳодиса икки хил шароитда яшаб келган ўзбеклар ва туркманлар тилларида фарқнинг ортишига сабаб бўлган. Бироқ фарқ катта эмас ва бу икки халқ вакиллари бир-бирларини қийинчиликсиз тушуниша олишади. Зеро, ўзбек ва туркман халқлари этник келиб чиқиши бир бўлган қардош халқлардир.

Адабиётлар

1. www.ziyouz.com. Маҳмуд Қошғарий. Туркий сўзлар девони (Девону луғотит турк). Солиҳ Муталибов таржимаси. 3 томлик. – Тошкент: ЎзФА нашриёти, 1963.

2. Ўзбек халқининг келиб чиқиш тарихи / А.Асқаров. – Тошкент: O‘zbekiston НМИУ, 2015. – 680 б.

3. Гаррыев А., Росляков А.А., Артыков А., Ишанов К. Түркменистан ССР - ниң тарыхы. – Ашгабат: Магарыф, 1989.

4. Тўймурадов З.Х. Туркийлар тарихидан қайдлар / Монография. –Қарши: Насаф НМИУ, 2023. – 208 б.

5. Махтымгулы. Сайланан эсерлер. Н.Ашыров ве Г.Кулыевиң редакциясы билен. – Ашгабат: Туркменистан дөвлет нешириятты, 1957. – 532 б.

Резюме

Махмуд Қошғарий яшаб ўтган XI асрда унинг «Девону луғотит турк» асарининг тили ўша вақтдаги барча туркийларнинг мавжуд қарлуқ, ўғуз ва қипчоқ лаҳжаларида сўзлашувчи гуруҳлари учун бирдек тушунарли бўлган. Ривожланишнинг кейинги босқичларида туркий тиллар ўша даврдаги мавжуд фарқлар негизида умумтуркий тилдан ажралиб борди. Мазкур мақолада шунга мос далиллар таҳлилга тортилган.

Калит сўзлар: Махмуд Қошғарийнинг «Девону луғотит турк» асари ва умумтуркий сўзлар.

Summary

In the 11th century, when Mahmud Kashgari lived, the language of his work «Devonu Lugotit Turk» was equally understandable to all Turkic groups of that time, speaking the existing Karluk, Oghuz and Kipchak dialects. At later stages of development, the Turkic languages separated from the common Turkic language based on the differences that existed at that time. This article reviews the relevant evidence.

Key words: the work of Mahmud Kashgari «Devon Lugotit Turk» and common Turkic words.

Резюме

В XI веке, когда жил Махмуд Кашгари, язык его произведения «Девону Луготит Тюрк» был одинаково понятен всем тюркским группам того времени, говорившим на существующих карлукском, огузском и кыпчакском диалектах. На более поздних этапах развития тюркские языки отделились от общетюркского языка на основании существовавших в то время различий. В данной статье анализируются соответствующие доказательства.

Ключевые слова: произведение Махмуда Кашгари «Девону луготит тюрк» и общетюркские слова.

ТУРКИЙ ТИЛЛАРДА СЎЗНИНГ ҚУДРАТИ ВА ВАЗИФАСИ

Маҳфузулло РАҲМОНОВ,
Фарғона давлат университети
тилшунослик кафедраси доценти,
филология фанлари номзоди

Сурайё МАВЛОНОВА,
Фарғона шаҳар 22-мактаб ўқитувчиси

Биз ҳаётда кўп учрайдиган маънавий жиноятлардан бири сўкиш, сўкиниш, ҳақоратлашдир. Бу одамнинг маданиятсизлигини, ахлоқсизлигини кўрсатади. Динимизда бу борада қатъий қайтариқлар бор. Пайғамбаримиз САВ «**Аллоҳ таолога ва Қиёмат кунига ишонган киши фақат яхши гапларни айтсин ёки сукут сақласин**!», деганлар. Бироқ бу йўриққа ҳар доим ҳам амал қилавермаймиз. Тили бузуқлик инсон бошига нафақат бу дунёда, балки охиратда ҳам азоб-уқубатлар келтиради.

Бугун ушбу иллатнинг бу дунёдаги зарарларига тўхталмоқчимиз. Илмий изланишларга асосланган маълумотлар сизни ҳам бефарқ қолдирмайди, деб ўйлаймиз.

Тадқиқот натижалари биз эшитадиган ва талаффуз қиладиган сўзлар инсоннинг жисмоний, руҳий ва ҳатто наслий ҳолатига ҳам таъсир кўрсатишини исботлади. Сўз ва товушлар инсон тафаккурига ва бутун вужудига бунёдкор ёки вайронкор энергия билан таъсир этиши мумкин. Олимлар фикрича, сўкиниб, бақир-чақир билан гапириш касалманд болалар туғилишининг сабабларидан бири экан.

Квант генетикаси институти олимлари олиб борган изланиш натижаларига кўра, сўкиниб гапирадиган одамдаги хромосомалар тузилишини фаол ўзгартиради ва шикастланади, оқибатда ДНК молекулалари «салбий дастур» бўйича ишлай бошлайди ва бу авлодларга ҳам ўтади. Тадқиқотлар ҳақорат сўзлари мутантлаштирувчи кучга ҳам эга эканини кўрсатди. Бу энергия нурланишга ўхшайди, яъни тили бузуқлик инсон ва унинг авлодларини тубанлаштирувчи маънавий вирусдир [1,122-126].

Олимлар ва тиббиёт ходимлари биргаликда яна бир муҳим жиҳатни аниқлашди: тилини «тоза» тутган ота-оналарнинг фарзандлари чиройли ва соғлом бўлиб туғилар экан. Буларнинг акси бўлганларда эса болалар иммун тизими суст ҳолатда дунёга келади.

Яна бошқа тарафдан, сўз бу муносабат демакдир. Тилимиздан чиққан ҳар бир калом бизнинг ўзгаларга ва ўзгаларнинг бизга бўлган муносабатини белгилайди. Ҳазрат Навоий «Инсонни сўз айлади жудо ҳайвондин, Билки, гуҳари шарифроқ йўғ ондин», дея сўзни моддиятдан устун қўйганлари бежиз эмас. Сўзлаш индивидни одамга, маъноли сўзлаш эса одамни инсонга айлантирувчи восита. Айниқса, ўзбек тили ҳақиқатдан ҳам гавҳардек қимматбаҳо топилмаларга бой. Аммо уларни ўз ўрнида муносиб қўллай олиш маънавиятга боғлиқ. Сўз, тил ва маънавият ҳамиша узвий тушунча эканлиги чин ҳақиқат. Яъни соф она тилида равон ва гўзал сўзлай олиш қобилиятига эга бўлиш учун киши ич-ичидан ўта маънавиятли инсон бўлиши лозим. Акс ҳолда сунъийлик, сохталик сезилиб қолади.

Маълумотларга кўра, сайёрамиз аҳолиси 7111 тилда сўзлашар экан. Ана шу тилларнинг атиги 1 % да (70 та тилда) ер шари аҳолисининг 90 % гаплашади. Бизнинг тилимиз ана шу барқарор 1 % га киради. Ўзбек тилида ер юзида 40 миллионга яқин аҳоли гаплашади. Бу ер юзида ҳар 200 нафар одамдан бири ўзбек тилида сўзлайди, деганидир. Бошқача айтганда, ўзбек тили сўзлашувчилари сонига кўра сайёрамизда энг кенг тарқалган 40 та тилдан биридир (Бу тилларнинг ҳар бири камида 30 миллион аҳоли гаплашади) [2,96-99]. Кўриниб турибдики, ўзбек тилининг халқаро мақоми ҳавас қиладиган даражада.

Биргина эслатма, ҳар қандай ҳолатда ҳам биз дунёдаги энг бой ва энг чиройли тиллардан бирида сўзлашаётганимизни, гапларимизда олтин меъёр тушунчасини қўллашни ёддан чиқармайлик. Она тилимиз чинакамига тарихимиз, тақдиримиз ва келажагимиз эканлигини унутмаслик керак.

Аллоҳ инсонларга сўзлаш неъматини ато этган. Улуғ зотлар таъбири билан айтганда, инсон мол-дунёси билан яхшилик қилмоқчи бўлса, бойлиги бир кунда тугаб қолиши мумкин. Аммо инсонда бир хазина борки, қанча сарфлангани билан тугамайди. У ширин сўздир.

Ҳадиси шарифда: «Ким агар бировнинг айбини айтиб, одамларга ошкор қилса, то ўзи ҳам шу айбни қилмасдан дунёдан кетмайди», -дейилган. Биз ҳар бир айтган сўзимиз олдида масъулмиз. Боязид Бистомий Аллоҳни зикр этишдан аввал «Дунё сўзларини сўзлаган эдим», дея оғизларини уч бора юварканлар. Одамлар зоҳиран гурунг шаклидаги ғийбатларнинг ботиний оламда номаи аъмолига гуноҳ бўлиб битилаётганидан ғофилдирлар. Пайғамбаримиз САВ айтганларидек, жим турмоқдан суҳбатлашиш яхши, ёмон суҳбатдошдан ёлғизлик яхши.

Оилада ёки инсонлар орасидаги нохушликлар кўпинча қўпол сўз оқибатида содир бўлади. Бунинг акси кўпгина муваффақиятларнинг омили ширин сўздир. Шунинг учун ҳар бир инсон ширинсўз, мулойим бўлишга интилмоғи лозим. Аллоҳ таоло: «Бандаларимга айтинг, (ширк аҳлига) гўзал (сўзлардан) сўзласинлар. Зеро, шайтон уларнинг ўрталарида

бузғунчилик қилур» (Исро, 53), деб огоҳлантирган. Мана шу оятда Аллоҳ таоло мусулмонларни ўзаро муносабатларида, суҳбатларида ширинсўзли бўлишга буюради. Агар улар буйруққа итоат этмай, ёмон сўзларни ихтиёр қилсалар, албатта шайтон ораларини бузади.

Тил инсоннинг жисман энг кичик, аммо масъулият ва вазифаси жиҳатидан катта эътиборга лойиқ аъзосидир. Уни фақат хайрли, яхши муомалада ишлатиш ва ёмон, дилозор сўзларни айтишдан сақлаш лозим. Ислом динида тилга бу қадар катта эътибор берилишининг боиси, тилнинг қалбга яқинлигидир. Қайси бир инсоннинг қалби пок ва соф бўлса, унинг тилидан бол томиб, ширин гаплар чиқади. Бундай кишиларнинг дўсти ҳам кўп бўлади. Тил ва қалб ўртасидаги узвий боғланиш ҳақида Расулуллоҳ САВ бундай деганлар: «Бандanинг имони тўғри бўлмайди, токи унинг қалби тўғри бўлмагунча, шунингдек, қалби тўғри бўлмайди, токи унинг тили тўғри бўлмагунча».

Маълумки, тил орқали содир қилиниши мумкин бўлган ғийбат, чақимчилик, туҳмат ва ёлғон гувоҳлик бериш кабилар таъсирида инсонлар ўртасидаги меҳр-муҳаббат пойдевори дарз кетиши, емирилиши мумкин. Инсон одоб-ахлоқини гўзал ва ёқимли қиладиган омиллардан яна бири яхшилар билан ҳамсуҳбат бўлишдир. Бундай суҳбатлар киши қалбини ибратли хулқ-атвор билан бойитади ва уни яхши ишларни амалга оширишга ундайди.

Фарзандни комил инсон қилиб тарбиялашнинг муҳим жиҳати унда сўзлашиш одобини шакллантиришдир. Тил хоҳлаган тарафга бурилаверади. Тил туфайли не бир қалблар орому ҳузур топиб, қувончга тўлса, аксинча не бир кўнгилларни тил вайрон қилиши мумкин. Тил соҳибининг қалб кечинмаларини юзага чиқаради. Агар тил эгаси фасоҳату нафосатли, гапирганида дур мисоли сўзларидан нуру зиё таралиб турадиган, эзгу қалбли инсон бўлса, унинг сўзлари ҳар қандай дарду мусибатга даво, яраланган қалбларга малҳам, ўксик дилларга юпанч бўлади. Борди-ю, сўз соҳиби бунинг

тамоман акси бўлса, унинг сўзи масрур қалбни ғамли, тик бошни эгик, хуш кайфиятни тушкун этувчи оғуга айланади.

Бу фикрлар исботи ўлароқ ушбу ҳикматли ҳикояга эътибор қаратайлик: Бир подшоҳ туш кўрибди, тушида бор тишлари тўкилиб кетганмиш. Уйқудан уйғонгач, икки вазирини ҳузурига чорлабди. Кўрган тушини баён қилиб: «Бу тушнинг таъбири нима? Агар таъбирини топсангиз, фақат ростини сўйланг», дея уларга мурожаат қилди. Вазирлардан бири сўз бошлади: «Подшоҳим, бу яхшилик аломати эмас, барча қариндош-уруғларингиз барвақт вафот этиб кетишади, сиз ўзингиз ёлғиз қоласиз». Подшоҳ бу жавобдан ниҳоятда дарғазаб бўлиб, вазирни зиндонга ташлашни буюрди. Сўнгра иккинчи вазир: «Шоҳим, бу тушингиз кўп яхшилик ва қувонч аломатидир. Аллоҳ узоқ умр ато этилур. Сиз бошкалардан купрок умр кечирасиз. Бу қутлуғ неъмат муборак бўлсин!», дея эҳтиром билан қўлларини кўксига қўйди. Яхши таъбир ва қутловдан хурсанд бўлган подшоҳ бу вазирига инъом этишни буюрибди.

Бир хил маънодаги икки хил таъбирни берган вазирлардан бири фаҳму фаросатдан узоқда, сўзлаш ва эҳтиром одобидан бехабар бўлиб, таъбирни ўзининг сифатига мувофиқ шу даражада қўпол баён қилди, натижада ғазабга йўлиқди. Закий ва доно, теран ақл ва назокатли сўз соҳиби бўлган иккинчи вазир эса туш таъбирини ўз фазилатига муносиб тарзда баён қилиб, олқиш ва мукофотга сазовор бўлди.

Демак, азиз фарзандларнинг кишилар билан сўзлашиши, ўзаро муомаласи, гапирган сўзлари ҳикмат касб этиши учун мураббий ва муниса мураббияларнинг қалблари ушбу олий сифат одоблар билан тўлиб тошган бўлиши керак. Шундагина фарзандлари улғайиб, балоғат ёшига етганида, кўрган кўзлар қувонадиган, суҳбатлашган инсонлар яна бир бора дийдорлашсам дейдиган, комил инсон бўладилар. Бундай ўғил-қизларни улғайтириш ҳар бир ота-онанинг энг олий орзусидир.

Ҳозирги замон мисолида атрофимизга назар солсак, ачинарли воқеаларга дуч келамиз. Хусусан, айрим ёшларимиз ўртасида «ота, она» каби улуғ сўзларни турли бачкана сўзларга

алмаштириб айтиш, афсус, учраб турибди. Баъзи катталар бунга бепарво.

Замонамиз олимларидан бири раҳматли Фозил қори Собиров маърузаларида бундай деганлар: «Кўриниши туппа-тузук, ёши ўрта, масжидга жаноза хабарини айтиш учун келган бир кишидан сўрадим: Кимингиз қазо қилди? – Кампирни бериб қўйдик, - деди. –Қайси кампир? Ким бўлади сизга? – Онам. – Эй номард, мени дунёга келтирган, дуолари ижобат, пойи қадамлари остида жаннат бўлган, уйимнинг гавҳари, меҳрибоним, ойижоним ўтдилар, деб кўзёши қилгин, - дедим ва: «Бир парча гўштдан вояга етказган, қип-қизил қонидан оппоқ сутини меҳр билан ажратиб берган, неча-неча тунларни бедор ўтказиб, минг бир машаққатларни чекканг онанг энди «кампир» бўлиб қолдими, суф сендақа фарзандга», деб койигим келди».

Баъзи ёшларимизнинг саломларига қандай жавоб беришни билмайсан киши. «Ассалому алайкум» сўзининг маъносини бузиб, нима деяётганларини ўзлари ҳам билмайдилар. Наҳотки «Ассалому алайкум» дея тўлиқ, очиқ ва равшан қилиб салом беришнинг иложи бўлмаса?! Наҳотки, ота-оналар фарзандларининг бераётган саломига эътибор қилмайдилар? Ҳар бир фарзанд эрталаб ота-она ҳузурига салом билан кириб келади-ку ахир! «Бола бошидан» деганларидек, эндигина тили чиқиб келаётган фарзандларга тўғри, чиройли ва керакли сўзларни гапириш ўргатилса, бу ўрганганлари унга умрбод ҳурмат, бахт-омад келтиради.

Адабиётлар

1. Gafurova S. Historical source as a legacy of the past // Theoretical & Applied Science, (9), 271-273.
2. Gafurova S. Ideographic dictionaries as historical sources // Scientific Bulletin of Namangan State University 1 (7), 219-225.

Резюме

Мақолада маънавий жиноятлардан бири сўкиш, сўкиниш, ҳақоратлаш сингари нутқий иллатлар борасида сўз юритилган. Тақдим этилган материал социолингвистик таҳлилга тортилиб,

тил орқали содир қилиниши мумкин бўлган ғийбат, чақимчилик, туҳмат ва ёлғон гувоҳлик бериш кабилар таъсирида инсонлар ўртасидаги меҳр-муҳаббат пойдевори дарз кетиши, емирилиши мумкинлиги ҳақида хулоса қилинади.

Калит сўзлар: нутқий одоб, маънавий жиноят ва унинг ижтимоий оқибатлари.

Summary

The article talks about speech vices such as swearing, swearing, insulting, which is one of the moral crimes. The presented material is subjected to sociolinguistic analysis, and it is concluded that the foundations of love between people can be cracked and eroded under the influence of gossip, slander, slander and false testimony, which can be carried out through language.

Key words: speech etiquette, moral crime and its social consequences.

Резюме

В статье говорится о речевых пороках, таких как ругань, ругань, оскорбление, что является одним из моральных преступлений. Представленный материал подвергается социолингвистическому анализу, и делается вывод о том, что основы любви между людьми могут растрескиваться и размываться под воздействием сплетен, злословия, клеветы и ложных показаний, что может осуществляться посредством языка.

Ключевые слова: речевой этикет, моральное преступление и его социальные последствия.

ШАРҲИ МАЪНОИИ ВОЖАҲОИ ИФОДАГАРИ ОЛОТИ МАИШӢ ДАР ШЕВАҲОИ ТОҶИКОН ВА ЎЗБЕКОНИ СУРХОНДАРЁИ ШАРҚӢ ДАР АСОСИ ФАРҲАНГ ВА ЛУҒАТҲО

Сайёра Эшонқуловна САИДОВА,
Донишгоҳи давлатии Тирмиз
факултети филологияи рус ва забонҳои шарқ,
кафедраи филологияи тоҷик ва забонҳои шарқ

Беҳтарин дастоварди инсон ин бо забон ифода кардани фикр мебошад. Пешрафту тараққиёти ҷомеа дар бахшҳои фарҳангӣ, сиёсӣ ва иқтисодӣ сараввал бо забон шакл мегирад. Бо забон таърихи гузаштаву имрӯзаи инсон баён мегардад. Забон падидаи иҷтимоӣ буда, аз шакл ва маънои воҳидҳои забонӣ аз роҳи тайкардаи халқу миллатҳо далолат медиҳад.

Сухан кардан фақат хоси инсон аст. Бо сухан корҳои бузург ба сомон мерасад. Бинобар ин ҳама ниёз ба сухан гуфтан дорад. Суханвар саъю кӯшиш мекунад, ки андешаҳо ва афкор, донишу биниш ва таҷрибаи андӯхтаи худро ба дилҳои шунаванда ҷой диҳад. Аз ҳамин ҷиҳат суханварон, муршид (пир, шайх), устод, роҳнамо ва мураббии дилсӯз барои пешбурди ҳамаҷонибаи ҷомеаи худ мебошанд.

Забон одамонро бо ҳамдигар наздик мегардонад. Дар бораи забон файласуф ва донишманди Юнони қадим Эзоп чунин мегӯяд: «Забон моро ба ҳамдигар муттаҳид менамояд. Бидуни забон мо аз ифодаи мақсаду мароми хеш оҷиз будем. Забон калиди дониш ва силоҳи ҳақиқату хирад аст. Василаи забон шаҳрҳо ва қасрҳои бошукӯҳ месозанд. Мо тавассути забон ишқу муҳаббати хешро баён менамоем. Ба василаи забон дарс меомӯзанд, ҳакро ба субут мерасонанд, панду насиҳат мегӯянд, ситоишу ибодат ба ҷо меоваранд, ҳарфе мефаҳмонанд, месароянд, ибодат мекунанд ва тасдиқу таъкид менамоянд». [10, С. 7]

Забон дар тамоми даврaҳои тараққиёти ҷамъият барои рушду камоли маърифату маънавиёти инсон нақши бузург бозидааст ва имрӯз ҳам аз он аҳамият бархурдор аст. Забон бо

ҳамин мақоми волои худ барои тамоми аъзои ҷомеа баробар хизмат менамояд ва аз ин ҷиҳат онро пояи ҳастии миллат медонанд. Сухани адиби барҷастаи Доғистон Расул Ғамзатов ин маъноро тақвият мебахшад: «Агар донам, ки пагоҳ забони ман аз байн меравад, дар он сурат тайёрам, ки имрӯз бимирам». [10, С. 7]

Чи хеле ки таъкид кардем, забон ҳодисаи ҷамъиятӣ мебошад ва барои пешрафти ҷамъият саҳми бузург дорад. Дар ин бора яке аз забоншиносони маъруфи тоҷик М. Қосимова чунин мегӯяд: «Забон ҳамчун ҳодисаи ҷамъиятӣ бо тараққиёти ҷамъият такомулу инкишоф меёбад. Аз ин рӯ, ҳар як забон дар алоқамандии зич бо таърихи халқ, ки доранда ва бунёдкори он забон мебошад, омӯхта бояд шавад». [2, С. 15]

Вазифаи аввалиндараҷаи ҳар як забоншинос аз нишон додани заминаи гуногуни шаклгирии воҳидҳои забонӣ иборат аст, ки ин барои муайян кардани ташаккулу таҳаввули ҳар як забон ёрӣ мерасонад. Дар бораи забони тоҷикӣ ва меъёрҳои инкишофи он забоншинос М. Лутфуллоев чунин иброз дорад: «Забони модарии мо, ки худ ширину гуворост, муҳити тоза, оромию осудагиро мепарварад. Лаҳни форамро гӯши шунавою тоза, муҳити гуворо мебояд, ҳам гӯянда ва ҳам шунавандаи ин забон одамони поку покиза, орӣ аз ҳама фисқу фуҷур бошанд». [3, С. 11]

Мавриди таҳқиқ гирифтани лексикаи ҳар як забон вобаста ба соҳаҳои алоҳидаи фаъолияти аҳолӣ дар бобати равшан кардани ҷиҳатҳои таърихии ҳаёти моддиву мадании халқ аҳамияти зиёд дорад. Чунки «Таърихи ҳар як истилоҳ бевосита ба таърихи ашё, васоити меҳнат, касбу кор, хулоса, ба таърихи зиндагии мардум алоқаманд аст» [9, С. 98].

Доир ба гурӯҳбандии вожаҳо ба бахшҳои ҷудогонаи фаъолияти аҳолӣ ва омӯхтани онҳо дар асоси луғат ва фарҳангҳо дар забоншиносии тоҷик чанд рисолаи илмӣ бахшида шудааст. Аз ҷумла, Ҳалимова С. «Вожаю истилоҳоти пешаварӣ дар осори Сайидои Насафӣ», Ҳалимова М. «Либосвожаҳо дар забони тоҷикӣ» ва рисолаи номзадии С. Усмонзода аз ҷумлаи онҳост. Ба замми ин як зумра забоншиносони тоҷик аз қабили Ш.

Бобомуродов «Корбурди пасванди -гар дар ашъори Лоиқ», С. Низомова «Калимасозии пасванди -гар дар «Ёддоштҳо»-и С. Айнӣ», Талбакова Ҳ. «Истеъмоли калимаҳои ифодакунандаи касбу ҳунар (дӯзандагӣ) дар «Маъвои дил»-и Р. Ҷалил» ва мақолаҳои алоҳидаи Набиева Г. «Инкишофи лексикаи сару либос», Муҳаммадиева М. «Қайдҳо дар бораи баъзе хусусиятҳои лексикаи нонвой», Шарофов Н. «Оид ба лексикаи касбу ҳунари забони тоҷикӣ»-ро навиштаанд, ки барои ҳаматарафа омӯхтани ҳаёти иҷтимоии халқ аҳамияти калон дорад. Ин муаллифон дар тадқиқотҳои худ оиди луғатҳои соҳаҳои касбу ҳунар, асбобу анҷоми рӯзгор, ному ҳайвоноту паррандаҳо, хазандаҳо, дарахтони бӯстонӣ, анвои зироат ва мисли онҳо маълумотҳои муфид овардаанд.

Мақсади мо аз мақолаи мазкур таҳлилу баррасии хусусиятҳои маъноии вожаҳои мансуб ба олоти маишӣ дар асоси луғатҳо мебошад. Яъне калимҳои ба соҳаи ҳаёти маишие, ки тоҷикон ва ӯзбекони ноҳияҳои Сариосиё ва Узун дар ҳаёти ҳаррӯзаи худ истифода мебаранд, дар луғатҳо чӣ тавр шарҳ дода шудааст. Дар мақолаи худ мо кӯшиш кардем,ки намунаҳои баъзе вожаҳои иҷтимоиро дар асоси луғатҳо биёрем. Масалан, олоти маишӣ дар «Луғати русӣ ба форсӣ» -и А. В. Старчевский аз қабили «чэнгел//чангол-вилка», «душахэ//душоха-вилы», «санджак//санҷак-булавка», «сакка // саққо-водовоз», «бозубэнд//бозубанд-билязик», «мурэбба//мураббо», «ширинӣ// конфет-қанд» ва ғайраҳо. [7, С. 87]

Бояд қайд кард, ки вожаҳои ифодакунандаи олоти маишӣ дар фарҳанги дарҷгардида зери таҳқиқ як боби алоҳидаро ташкил медиҳад.

Вожаи дигар «браслет» дар луғати А. В. Старчевский дар шаклҳои «бозубанд», «билязик» [7, С. 75] тарҷума шудааст. Ин калима дар «Луғатнома»- и Деҳхудо бо якчанд маъно шарҳ ёфтааст.: 1. Ҳар чизе,ки ба бозу банданд, хоҳ аз сангҳои қиммате бошад ё ғайри он; банди мурассаъ, ки зинатро ба бозу банданд; пораи зеварест маъруф; ҳалқае, ки ағлаб аз фузулоти қиммате таҳия ба бозуи паҳлавонон баста мешудааст; 2. Масолеҳи ҳар чиз чунончӣ риштаи тасбеҳ ва давол ва амсоли он барои

шамшер; Ба маънии чизест, ки дар даруни он дуо гузошта ба бозу мебанданд. [1, С. 412]

Намунаи дигари тарҷумаи вожаи «браслет» ин «билязик» мебошад, ки калимаи туркӣ буда, дар фарҳанги забони русӣ бо якчанд маъно шарҳ дода шудааст. «bilezik» - (туркӣ)-1. Бозубанд; ҳалқа, доира, доирашакл; 2. Банди даст; Банд, бандак» [6, С. 143-45]. Вожаи мазкур дар забони ӯзбекӣ дар шакли «билакузук», яъне «билак» (запястье – банди даст) ва «узук» - (кольцо-ангуштарин) — мегӯянд, ки маънои «ангуштарини даст»- ро медиҳад.

Бояд қайд кард,ки вожаи «архалук»архаистӣ буда,аз забони туркӣ(аркалук) вом гирифта шудааст ва дар луғати тафсирии забони русии Ушаков ба маънои «либоси кӯтоҳи мардони Осиё, ки ҳамчун ҷома мепӯшанд,»оварда шудааст. [8, С. 61]

Вожаи «куверт» дар «Луғатнома»-и Деҳхудо дар шакли «табақ» тарҷума шудааст [7, С. 78]. Ҳоло ин калимаро таҳлил хоҳем кард. Дар «Луғатнома»- и Деҳхудо калимаи табақ ба маънои зиёд оварда шудааст: 1.Муарраб аст. Аслаш табук ва форсӣ аст. Рикобе ва хон; 2. Зарфе, ки ғизо мехӯранд ба он. Зарфи маъруф. Бӯшқоб. Зарфи паҳн, ки бар он таом хӯранд. Пешёра. Бӯшқоб ё косамонанде будааст. Ва басо мешавад, ки қасд аз табақи чинӣ бошад. Ё бӯшқоб, ки яке аз физилот сохта шуда бошад; 3. Зарфи мудаввари паҳн, бузург аз чӯб, ки зуруф ё ашёи дигаре бар вай ниҳанд; зарфи мудаввари бузург, ки аз чӯб сохта шуда бошад». [1, С. 153]

Ҳаминро низ бояд қайд кард,ки вожаи «бӯшқоб»-ро ҳамчун муродифи истилоҳи табақ овардан мумкин аст. Он чунин шарҳ дода шудааст: «бӯшқоб (туркӣ) мураккаб аз «бӯш»-и туркӣ ба маънои тиҳӣ ва «қоб» ба маънии зарф. Пӯшқоб. Зарфи ғизохӯрии паҳн ва гирд ва камамиқ монанди давре ва рикобе, ки сукар ва сукараҷа низ мегӯянд. Вожаи «сукар//сукараҷа»-ро дар «Луғатнома»-и Деҳхудо чунин шарҳ гардидааст: 1. Зарфи кӯчакест,ки дар он нону хӯришот ва монанди он карда бар мавоид ниҳанд. Форсист ва қийла муарраб сукура ва чун хӯрдан дар он аз одоби мусбаттарин аст ва кулли неъмат дар он хӯранд. 2. Воҳиди вазн. [1, С. 224]

Истилоҳи «табақ» дар «Фарҳанги тафсирии забони тоҷикӣ» чунин тафсир шудааст: 1. Зарфи паҳн барои кашидани хӯрокҳои ғализ; табақи лангарӣ, табақи калон; табақи чӯбин, табақи аз чӯб тарошидашуда; дегу (косаву) табақ, зарфҳои хӯрокпазӣ ва хӯрокхӯрӣ. [9, С. 568]

Вақте ки маънои вожаи «куверт-табақ «-ро аз фарҳангҳои тафсирии дузабона мебинем,ба хулосае омадан мумкин аст, ки шарҳи истилоҳи мазкур дар луғатномаҳову фарҳангҳо як хел нест. Дар забони тоҷикӣ намуди дигари вожаи «табақ» ба маънии «лаълӣ-паднос» бештар истифода шуда, калимаи «зарф» маънои ҳамон «табақ»-ро дорад. Лекин вожаи «пешёр» ба мазмуни «табақ, зарф» кор фармуда намешавад. [9, С. 875]

Дар луғатҳои тафсирии забони русӣ истилоҳи «возжа» ба шакли «вожжа//вожжи» низ омада, чунин шарҳ гардидааст: Қисме аз камарбанд, ки аз ресмон ё бофтаи ғафс иборат буда, барои идора кардани аспон хизмат менамояд [8, С. 196-331]. Ин калима дар «Фарҳанги форсӣ ва русӣ» -и Ю. А. Рубинчик дар шакли «узда», яъне «ҷилав» тарҷума шудааст.

Дар «Луғатнома»-и Деҳхудо калимаи «хифтон» ба якчанд маъно шарҳ ёфтааст: 1. Навъе аз ҷомаи рӯзи ҷанг бошад, ки онро қазоганд гӯянд ва туркии қалмоқӣ гӯянд, хингафт ва сатабр будааст аз абрешим, ё пашм ва шамшерзананда бар он мелағжида ва асар намекардааст; қазоганд, паном; ҷаббае, ки рӯзи ҷанг пӯшанд.

Хулоса, вақте ки шарҳи истилоҳоти ифодакунандаи олоти маиширо аз Фарҳангу луғатҳо меҷӯем, маълум мегардад, ки як қисми вожаҳои ба ҳаёти маишии одамон тааллуқдошта як қисми алоҳидаи фарҳангҳоро ташкил мекунанд. Кор бо фарҳангу луғатҳо қиммати ин гуна калимаҳоро баланд бардошта ба тадқиқотҳои дигари илмӣ роҳ мекушоянд.

Пайнавишт

1. Деҳхудо, Алиакбар / Луғатнома (Луғати энсиклопедӣ). Зери таҳрири Муҳаммад мӯъмин ва Ҷаъфар Шаҳидӣ. Ношир: муассисаи интишорот ва чопи донишгоҳт Теҳрон (чопи дуввум аз давраи ҷадид: 1377 ҳ). 1998. Ҷ. 2, 3, 5, 9.

2. Қосимова М. Очеркҳо оид ба синтаксиси ҷумлаҳои содаи насри асри XI. – Душанбе: Ирфон, 1976. – 255 с.

3. Лутфуллоев М. Азизномаи лутф. – Душанбе: Садои Шарқ, 2005. – 136 с.

4. Мақсудов Т. Лексика ва фразеологияи шеваи тоҷикони Исфара. – Душанбе: Ирфон, 1977. – 197 с.

5. Персидско – руский словар / Ю. А. Рубинчик. – Иран, Мешхед, 2006. – 790 с.

6. Севортян Э. В. Этимологический словарь тюркских язиков. Общетюркские и межтюркские основы на букву «Б». Т. 2. – Москва: Наука, 1978. – 350 с.

7. Старчевский А. В. Переводчикь сы русскаго языка на персидский. - / А. В. Старчевский. – Санктъ Петербургъ. Типография и Литография А. Траншеля, Стремянная №12, 1886. – 173 с.

8. Толковый словарь русского языка. Под редакцией профессора Д. Н. Ушакова. – Москва, Огиз, 1935 – 1940. Т.1. – 1564 с.

9. Фарҳанги тафсирии забони тоҷикӣ (иборат аз ду ҷилд). Зери таҳрири Сайфиддин Назарзода (раис), Аҳмадҷон Сангинов, Саид Каримов, Мирзо Ҳасани Султон. – Душанбе: Пажӯҳишгоҳи забон ва адабиёти ба номи Рӯдакӣ. 2008. – 950 с. Ҷ. 1. – 950 с. Ҷ. 2. – 897 с.

10. Хӯҷаев. К. Суханварӣ. – Душанбе: Маориф, 1997. – 227 с.

Rezyume

Insonning eng yaxshi yutug‘i – fikrni tilda ifodalashdir. Jamiyatning madaniy, siyosiy va iqtisodiy sohalardagi taraqqiyoti va taraqqiyoti, avvalambor, til bilan belgilanadi. Insonning o‘tmishi va hozirgi tarixi til orqali ifodalanadi. Til ijtimoiy hodisa bo‘lib, xalqlar va millatlar bosib o‘tgan yo‘l bo‘ylab til birliklarining shakl va ma’nosini ko‘rsatadi.

Nutq faqat odamlarga xosdir. So‘zlar ajoyib ishlarni amalga oshiradi. Shuning uchun hamma gaplashishi kerak. Notiq o‘z fikr va mulohazalarini, bilimi, dunyoqarashi, to‘plangan tajribasini tinglovchilar qalbiga yetkazishga harakat qiladi. Bu borada notiqlar,

murshidlar (oqsoqollar, shayxlar), ustozlar, yo‘lboshchilar, ustozlar o‘z jamiyatini har tomonlama ravnaq toptirish ishtiyoqida.

Har bir tilshunosning asosiy vazifasi har bir tilning shakllanishi va evolyutsiyasini aniqlashga yordam beradigan til birliklari shakllanishining turli asoslarini ko‘rsatishdir.

Ushbu maqoladan maqsad maishiy texnikaga oid so‘zlarning semantik xususiyatlarini lug‘atlar asosida tahlil qilish va ko‘rib chiqishdir. Ya’ni Surxondaryo viloyatining Sariosiyo va Uzun tumanlari tojik va o‘zbeklari kundalik turmushda qo‘llaydigan maishiy hayot sohasiga oid so‘zlar lug‘atlarda qanday izohlanganligini ko‘rsatib berishdir.

Kalit so‘zlar: hududiy dialektlar va texnikaga oid so‘zlarning ma’no qirralari.

Summary

The best achievement of a person is to express thoughts in language. The progress and development of society in the cultural, political and economic spheres is primarily determined by language. The past and present history of a person is expressed through language. Language is a social phenomenon and indicates the form and meaning of linguistic units along the path traversed by peoples and nations.

Speech is unique to humans. Words do great things. That's why everyone needs to talk. The speaker tries to convey to the hearts of the listeners his thoughts and opinions, knowledge, vision and accumulated experience. In this regard, speakers, murshids (elders, sheikhs), teachers, guides and mentors are passionate about the all-round advancement of their society.

The main task of every linguist is to show the various bases of formation of linguistic units, which helps determine the formation and evolution of each language.

The purpose of this article is to use dictionaries to analyze and consider the semantic features of words related to household appliances. That is, to show how the dictionaries explain words related to the sphere of everyday life, used by Tajiks and Uzbeks of the Sariosiysk and Uzunsky districts of the Surkhandarya region.

Key words: regional dialects and semantic aspects of technical words.

Резюме

Лучшее достижение человека – выражать мысли языком. Прогресс и развитие общества в культурной, политической и экономической сферах в первую очередь определяется языком. Прошлая и настоящая история человека выражается посредством языка. Язык является социальным явлением и указывает на форму и значение языковых единиц на пути, пройденном народами и нациями.

Речь свойственна только человеку. Слова совершают великие дела. Поэтому всем нужно говорить. Спикер пытается донести до сердец слушателей свои мысли и мнения, знания, видение и накопленный опыт. В этом отношении ораторы, муршиды (старейшины, шейхи), учителя, гиды и наставники увлечены всесторонним продвижением своего общества.

Основная задача каждого лингвиста — показать различные основы образования языковых единиц, что помогает определить формирование и эволюцию каждого языка.

Цель данной статьи – на основе словарей проанализировать и рассмотреть семантические особенности слов, относящихся к бытовой технике. То есть показать, как в словарях объясняются слова, относящиеся к сфере бытовой жизни, используемые таджиками и узбеками Сариосийского и Узунского районов Сурхандарьинской области.

Ключевые слова: региональные диалекты и семантические аспекты технических слов.

ЎЗБЕК-ТОЖИК ЗУЛЛИСОНАЙНЛИГИ

Махфират Саъдуллаевна ҚУРБОНАЛИЕВА,
Термиз давлат университети
Тожик филологияси ва шарқ тиллари кафедраси катта ўқитувчиси, филология фанлари бўйича фалсафа доктори

Ўзбек-тожик адабий алоқалари ушбу халқларнинг ўзи сингари узоқ тарихга ва мустаҳкам илдизларга эга. Исломдан олдинги даврлардаёқ бугунги ўзбек ва тожик халқларининг аждодлари бўлмиш қадимги турклар ва сўғдлар ўртасидаги маданий алоқалар, жумладан бугунгача сақланиб қолган сўғдий матнларда маълум миқдордаги туркча сўзларнинг учраши халқларимиз ўртасида ўта қадим замонлардан бошлаб маълум даражадаги адабий алоқалар ҳам мавжуд бўлганлигини кўрсатади [6, С.4-35].

XI-XII асрларда яшаб ўтган ўзбек халқининг буюк шоир ва мутафаккирлари Юсуф Хос Ҳожиб, Аҳмад Югнакий ва Аҳмад Яссавий асарларидаёқ форс-тожик шеъриятидаги мавзулар ҳамда поэтик образларга эргашиш бошлаганини кузатиш мумкин. Икки халқ ўртасидаги адабий алоқаларда бошланган бу яхши анъана кейинги асрларда ҳам давом этди. Кўплаб ўзбек шоир ва ёзувчилари форс-тожик адабиётининг таниқли намояндалари ижодидан илҳом олиб, ўзбек тилида ўлмас асарлар яратишди. Форс-тожик шеърияти, хусусан ғазалчилиги ва достончилиги анъаналарининг ўзбек адабиётидан ҳам жой олиши ушбу жараённинг муҳим хусусиятларидан бўлди.

Ўзбек халқи орасида машҳур форс-тожик шоирлари ижодига бағишланган ва мунтазам равишда ўтказиб турилган анжуманлар ўзбек-тожик адабий алоқаларидаги яна бир муҳим қисмни ташкил этади. Октябрь инқилобигача бўлган даврда ўзбек халқи орасида шоҳномахонлик, маснавийхонлик, хамсахонлик, ҳофизхонлик, бедилхонлик йиғинлари, Саъдийнинг «Гулистон» ва «Бўстон» асарлари ҳамда бошқа буюк сўз усталарининг асарларини ўқиш ва ўрганишга бағишланган йиғинлар анаъана тусини олган эди. Адабиёт билимдонлари, олимлар ва тадқиқотчилар адабиётнинг йирик ва машҳур вакилларига бағишланган хотира кечалари ва бошқа адабий йиғинларни уюштириш, уларда ушбу буюк сўз

санъати усталари асарларидан намуналар ўқиш, уларни таҳлил қилиш ва улар борасида турли баҳс-мунозаралар юритиш орқали ўзларида адабиёт ва шеъриятга нисбатан вужудга келган чанқоқлик ўтини ўчиришга уринганлар [4, С. 46-59].

Ўзбек-тожик адабий алоқаларидаги яна бир муҳим қирра сифатида ҳар иккала халқ шоир ва ёзувчилари орасида кенг тарқалган зуллисонайнлик, яъни иккала тилда ҳам баравар ижод қилиш анъанасини ҳам эслатиб ўтиш мумкин. Ўзбек-тожик адабий алоқаларининг илк даврлариданоқ бошланган ўзбек-тожик зуллисонайнлиги нафақат барча туркийзабон ва форсийзабон халқлар ўртасида, яъни Марказий Осиё, Афғонистон, Эрон, Ҳиндистон ва Туркияда мавжуд бўлган туркий-форсий зуллисонайнликда, балки умумжаҳон адабиётидаги зуллисонайнлик ҳодисасида юқори ўринлардан бирини эгаллаб, жаҳон халқлари адабиётидаги нодир ҳодисалардан бири ҳисобланади. Зеро жаҳоннинг бошқа халқлари ўртасидаги адабий алоқаларда ҳар иккала халқ адабиёти вакилларининг бараварига ҳар иккала тилда ижод қилиши ўта кам учрайдиган ҳодисалардан ҳисобланади.

Икки тилда ижод қилувчи ўзбек шоирлари билан бир қаторда кўпгина тожик шоирлари ҳам ўзбек тилида ижод қилиб, нафақат икки адабиёт, балки бевосита икки халқ ўртасидаги дўстлик ва қардошлик алоқаларининг мустаҳкамланишига хизмат қилишди. Тожикистонлик адабиётшунос олим Т.Мардоновнинг эътироф этишича, бир-биридан алоҳида бўлган икки мустақил адабиёт сифатида вужудга келиб, ўзига хос ривожланиш ва такомиллашиш босқичларини бошидан кечириб борган ўзбек ва тожик адабиётлари яқин алоқалар ҳамда ўзаро бойиш жараёнида янгича ғоявий-эстетик сифатлар касб этиб борди [2,С.145]. Тожик тили ва унинг бадиий тасвир воситалари – эпитетлар, ўхшатишлар, муболағалар, антонимлар ва бошқа образли ифодалар ўзбек тили ва ўзбек шеъриятини бойитган бўлса, ўзбек тили ва унинг лексик воситалари тожик тили ва тожик шеъриятини янгича бўёқлар, образли ифодалар ва миллий колорит билан безади [7, С.162].

Ўзбек-тожик зуллисонайнлигининг вужудга келиши XI – XII асрларга бориб тақалади. Бу даврдаги ўзбек халқининг буюк шоир

ва мутафаккирлари Юсуф Хос Ҳожибнинг «Қутадғу билиг», Аҳмад Югнакийнинг «Ҳиббатул-ҳақойиқ» ва Аҳмад Яссавийнинг «Девони ҳикмат» асарларида форс-тожик шеъриятидаги дидактик ва ахлоқий мавзуларнинг таъсири билан биргаликда форс-тожик тилидан ўзлашган сўзлар, иборалар ҳамда поэтик образларнинг қўлланила бошлаганини кузатиш мумкин. Жумладан Юсуф Хос Ҳожибнинг «Қутадғу билиг» достони Фирдавсийнинг «Шоҳнома» достони яратилган аруз вазни мутақориб баҳрида ва маснавий шаклида ёзилган. Биз айнан ана шу адабий жараёнда ўзбек-тожик зуллисонайнлигининг тамал тоши қўйилган, деб айта оламиз. Ундан кейинги даврларда бундай адабий алоқалар жараёни ривожлана бориб, илк бора ўзбек шоирлари орасида икки тилда – ўзбек ва тожик тилларида ижод қилувчи шоирларнинг вужудга келишига олиб келди. Жумладан, XIII – XIV асрларда яшаб ўтган ўзбек шоирлари Носириддин Бурҳониддин Рабғузий, Бадр Чочий, Лутфий, Амирий ва бошқалар ўз асарларини катта маҳорат билан икки тилда – ўзбек ва тожик тилларида яратишди.

Шу ўринда ўзбек-тожик зуллисонайнлигидаги яна бир муҳим ҳодиса – ширу шакар услубида шеър ёзиш анъанасининг ҳам ўзбек-тожик адабий алоқаларининг илк даврларидан бошланганлигини эслатиб ўтиш лозим. Маълумки ширу шакар ёки муламмаъ деб аталадиган бу услуб шеърий сатр ёки байтларни икки тилда ёзишдан иборат бўлиб, бунда сатрнинг биринчи ярми бир тилда, иккинчи ярми эса иккинчи тилда ёзилган шеър деб аталади. Эслатиб ўтиш лозимки, бошида муламмаъ форс-тожик ва араб тилларида яратилган бўлиб, форс-тожик адабиёти классикларидан Саъдий, Шамс Табризий, Ҳофиз Шерозий ва Камол Хўжандийлар форс-тожик ва араб тилларида гўзал ва мазмунга бой муламмаълар яратишган. Ўзбек ва тожик тилларида муламмаълар, яъни ширу шакар услубидаги шеърлар ёзиш анъанаси ҳам ўша замонлардан бошланади. Юқорида эслатиб ўтилган Шамс Табризий форс-тожик ва араб тилларидаги муламмаълар билан биргаликда, форс-тожик, араб ва туркий (ўзбек) тилларидаги муламмаълар ҳам яратган [5, С.23]. Аммо айрим манбаларда келтирилишича, тожик ва ўзбек тилларида ёзилган илк муламмаъ намунаси Мавлоно Жалолиддин Румийга тегишлидир [10, С.42].

Ёро, ба ҳар ду олам ялғуз сени севарман,
Гар ту ба ман наойи, аз ғамакат ўларман.

Бевосита ўзбек ва тожик тилларида ширу шакар услубидаги шеърлар ёзиш анъанаси илк бор тожик классик шоири Хўжа Исмат Бухорий (XV– XVI асрлар) ижодида кузатилади. Айтиш мумкинки, бир ғазални икки тилда ёзиш шоирнинг имкониятларини чеклаб қўймаган, балки унга лирик қаҳрамонинг туйғуларини чуқурроқ, тўлароқ ва аниқроқ ифода этишга ёрдам берган. Ўзбек шоирлари эса муламмаънинг бадиий имкониятларини кенгайтиришди. Улар бир асарда икки тилда ёзилган сатрлар, байтлар ва парчаларни келтириш билангина чекланиб қолмасдан, ушбу шеърий услубни юқорироқ босқичларга кўтаришди. Масалан Ҳайдар Хоразмий ўзининг «Муҳаббатнома» достонида ғазал шаклида ёзилган ўн битта муҳаббат мактубидан тўртинчи, саккизинчи ва ўн биринчи мактубларни тожик тилида битган. Бундан ташқари ушбу достондан жой олган бир неча маснавий ва қитъаларда ҳам айрим тожикча байтлар учрайди.

XIV асрдаёқ анчагина ривожланишга эришган ўзбек-тожик зуллисонайнлиги XV–XVI асрларда мисли кўрилмаган даражада оммалашади. Бу давр ўзбек-тожик адабий алоқаларининг мустаҳкамланиши ва ўзбек-тожик зуллисонайнлигининг одат тусига кириши билан характерланади. Худди ана шу даврда ўзбек ва тожик халқларининг буюк шоир ва мутафаккирлари бўлмиш Алишер Навоий ва Абдураҳмон Жомий ўртасидаги дўстлик ва ҳамкорлик туфайли ўзбек-тожик адабий алоқалари кучайиб, ушбу алоқаларнинг янада ривожланиши асослари қўйилади.

Ўзбек ва тожикларни нафақат яқин қариндошлар, балки маънавий биродарлар ҳам деб атаган Абдураҳмон Жомий ўзининг «Баҳористон» асарида Навоийнинг туркий ва форсий тилларда ижод қиладиган ўта моҳир зуллисонайн эканлигини эслатиб ўтади. Айтиб ўтиш лозимки, Навоийнинг форс-тожик шеърияти даҳолари Ҳофиз, Хусрав Деҳлавий ва Абдураҳмон Жомийнинг ғазаллари ва қасидаларига жавобан ёзган ғазаллари ва қасидалари ўзбек-тожик зуллисонайнлигининг ривожида катта ўрин тутди. Шу даврда яшаб ўтган ўзбек шоирлари Саккокий, Ҳайдар Хоразмий, Атоий, Яқиний, Гадоий, Лутфий, Сайид Аҳмад, Муҳаммад Солиҳ ва

бошқалар, шунингдек тожик шоирлари Давлатшоҳ Самарқандий, Зайниддин Восифий ва бошқалар ҳам икки тилда ижод қилиш орқали ушбу адабий жараённинг кенгайиши ва чуқурлашишига катта ҳисса қўшишди.

Адабиётшунос Р.Воҳидовнинг фикрича, XV асрнинг иккинчи ярмига келиб икки тиллилик туркий тиллардаги адабиётга хос бўлган хусусиятга айланди [9, С.76]. Аммо бошқа бир адабиётшунос Р.Орзибеков бу даврга келиб икки тиллиликнинг ҳар иккала адабиёт, яъни ҳам ўзбек, ҳам тожик адабиётига хос хусусиятга айланганлигини айтиб ўтади [8, С.43].

Ўзбек-тожик адабий алоқаларининг энг муҳим қирраларидан бирига айланиб бўлган зуллисонайнлик ўзининг узоқ тарихи давомида баъзида кучайиб, баъзида сустлашган бўлсада, ҳеч қачон бутунлай тўхтаб қолмаган. Шу жиҳатдан XVIII асрнинг иккинчи ярми – XX аср бошларидаги ўзбек ва тожик адабиёти ривожи алоҳида аҳамият касб этади. XVIII асрнинг иккинчи ярми ва XIX асрнинг биринчи ярмида Ўрта Осиё Хива, Бухоро ва Қўқон хонликларига бўлиниб кетганидан сўнг, ушбу хонликлардан ҳар бирида алоҳида адабий доиралар шаклланиб, уларда ўзбек ва тожик тилларининг мавқеини тенглаштиришга бўлган ҳаракат юз беради. Натижада барча шоирлар зуллисонайнлик анаъанасига мурожаат қилишади. Ўзбек шоирларидан Машраб, Турди, Адо, Нозил, Хижлат, Увайсий ва Амирийлар ўз асарларини она тиллари билан биргаликда тожик тилида ҳам яратишади. Шунингдек, Ғозий, Махмур, Ҳотиф, Нола, Холис, Рамзий, Парий, Риндий, Касрат, Дилшод Барно, Қамбархон Хўжандий, Муаттархон ва Анбар Отинлар ҳам бу даврнинг машҳур зуллисонайн шоирларидан ҳисобланишади. Улар ўзбек ва тожик тилларида шунчалик даражада табиий равишда ва маҳоратли тарзда ижод қилишганки, ҳозиргача улардан қай бирининг аслида қайси халққа тегишли эканлигини аниқлаш қийин [1, С. 19].

Айтиб ўтиш лозимки, XVIII асрнинг иккинчи ярмидан XX аср бошларигача бўлган бу даврда Ўрта Осиёнинг Бухоро, Самарқанд, Қўқон, Фарғона, Хўжанд ва Истаравшан каби маданият марказларида ўзбекча-тожикча муламмаълар ёзиш анъанаси давом эттирилди. Ушбу шеърий услубда ижод қилган шоирлар сифатида

Мирзо Сиддиқ Фано, Махмур, Сипандий, Завқий, Мунис, Аваз, Шоҳин, Муқимий, Фурқат, Надим, Асирий, Туғрал, Румоний ва бошқаларни эслатиб ўтиш мумкин. Шулардан бири Тошхўжа Асирий муламмаънинг чегараларини кенгайтириб, нафақат тожик ва ўзбек тилларида, балки араб, тожик, ўзбек ва рус тилларида битилган, яъни арабча, тожикча, ўзбекча ва русча байтлар кетма-кет келадиган кичик достон ҳам ёзади [3, С. 92;93].

ХХ асрнинг 50 – йилларида икки қардош республика Ўзбекистон ва Тожикистон ўртасидаги маданий ва адабий алоқаларнинг мустаҳкамланиши, жумладан театрлар гастроллари, маданият ва санъат кунларининг ўтказилиши, қўшиқчилар ва таржимон шоирлар ўртасида тажриба алмашинуви ўзбек ва тожик адабиётларида муламмаъ ёки ширу шакар услубининг тикланишига сабаб бўлди. Шу даврдан бошлаб ҳар икки республикада яшаб ижод қиладиган ўзбек шоирларидан Ғ.Ғулом, С.Абдулла, Чустий, А.Пўлат, С.Акбарий, В.Абдулла, Э.Воҳидов, Т.Тўла, Ў.Жамол ва бошқалар, тожик шоирларидан эса М.Аминзода, М.Раҳимий, Б.Раҳимзода, А.Деҳотий, Х.Назаров, Р.Абдуллозода, Ж.Қувноқ, Н.Назирий, М.Жўра ва бошқаларнинг анъанавий ширу шакар услубида ёзилган кўплаб шеърлари юзага келади.

Ҳақиқатдан ҳам ўзбек-тожик адабий алоқалари ва унинг муҳим қисмларидан бўлган ўзбекча-тожикча ширу шакар шеър халқларимиз ўртасидаги азалий дўстлик муносабатларининг рамзига айланиб бўлган, десак хато қилмаган бўламиз.

Ҳозирги Ўзбекистонимизда миллий қадриятларимизни тикланиши, улуғ аждодларимиз қолдирган бой тарихий-маданий меросини кенг ўрганилиши ва тарғиб этилиши борасида олиб борилаётган сиёсат туфайли йиллар давомида унут бўлиб кетган кўпгина азалий анъаналаримизга қайтадан ҳаёт бахш этилди. Адабиётимиз тарихида ўз ўрнига эга бўлиб, ўтмиш маданий меросимизнинг ажралмас қисмига айланган зуллисонайнлик анъанасини ҳам бугунги адабий алоқалар туфайли қайтадан ҳаёт касб этаётган миллий қадриятларимиздан бири деб аташ мумкин. Шунинг билан биргаликда, янги Ўзбекистонимизда яшовчи барча миллат вакилларининг ўз тиллари ва миллий урф-одатларини авайлаб асрашлари ҳамда ривожлантиришлари, шунингдек

уларнинг юртимиз ҳаётининг барча соҳалари, жумладан маданий ҳаётдаги фаол иштироки учун кенг имкониятлар эшигини очиб берди.

Хулоса қилиб айтганда ўзбек ва тожик халқлари ўртасидаги бир неча асрлик дўстлик ва ҳамкорликнинг, жумладан яқин адабий алоқаларнинг самараси ҳисобланган ўзбек-тожик зуллисонайнлиги ўз навбатида ўзбек-тожик адабий алоқаларининг, қолаверса, халқларимиз ўртасидаги дўстлик муносабатларининг янада мустаҳкамланишига хизмат қилган ва хизмат қилиб келмоқда.

Адабиётлар

1. Абдуллоева У.Б. Художественный билингвизм в творчестве Садриддина Айни: Автореферат диссертации на соискание ученой степени кандидата филологических наук. – Душанбе, 2010.
2. Мардонов Т.Н. Арабско-таджикское двуязычие в поэзии IX – X вв. – Душанбе: Маориф, 1993. – С. 162.
3. Шодиев Э. Антология поэтов Худжанда. – Худжанд, 1966.
4. Шодиев Э. Ўзбек-тожик адабий алоқалари. – Душанбе, 1973. (ўзбек тилида)
5. Улмасова З.Х. Двуязычие как важнейшая форма таджикско-узбекских литературных взаимосвязей: Автореферат диссертации на соискание ученой степени кандидата филологических наук. – Худжанд, 1998.
6. Зуҳра Заршинос (эронлик тадқиқотчи). Сўғд тилига умумий бир нигоҳ. Форс тилидан Шокиржон Олимов таржимаси ва изоҳлари билан // «Сино» журнали, 2011 й. 37-38-39-40 сонлар. – Б. 4-35.
7. Зоҳидов В. Боқий халқ даҳоси // Алишер Навоий. Ўн беш томлик асарлар. I том. – Тошкент, 1963.
8. Орзибеков Р.К. Ўзбек лирик шеъриятида икки тиллилик анъаналари масаласига доир // Ўзбек ва тожик адабиётларида жанр масалалари. – Самарқанд, 1982.
9. Вохидов Р. XV асрнинг иккинчи ярми ва XVI асрнинг бошларида ўзбек ва тожик шеърияти. – Тошкент, 1983.

10. Ҳаёт Неъмат Самарқандий. Форс-тожик ва ўзбек адабий алоқалари // «Сино» журнали, 2001 й. 4- сон.

Резюме

Ўзбек ва тожик халқлари ўртасидаги бир неча асрлик дўстлик ва ҳамкорликнинг, жумладан яқин адабий алоқаларнинг самараси ҳисобланган ўзбек-тожик зуллисонайнлиги ўз навбатида ўзбек-тожик адабий алоқаларининг, қолаверса, халқларимиз ўртасидаги дўстлик муносабатларининг янада мустаҳкамланишига хизмат қилган ва хизмат қилиб келмоқда. Ўзбек-тожик адабий алоқалари ва унинг муҳим қисмларидан бўлган ўзбекча-тожикча ширу шакар шеър халқларимиз ўртасидаги азалий дўстлик муносабатларининг рамзига айланиб бўлган. Бу мақола ана шу ҳақда.

Калит сўзлар: Ўзбек ва тожик халқлари ўртасидаги адабий алоқалар, ўзбек-тожик зуллисонайнлиги.

Summary

The Uzbek-Tajik friendship, considered the result of several centuries of friendship and cooperation between the Uzbek and Tajik peoples, including close literary ties, has served and continues to serve to further strengthen Uzbek-Tajik literary ties, as well as friendly relations between our peoples. Uzbek-Tajik literary ties and Uzbek-Tajik poetry shiru shakar, which is one of its important parts, have become a symbol of eternal friendship between our peoples. This article is about that.

Key words: literary connections between the Uzbek and Tajik peoples, Uzbek-Tajik patriotism.

Резюме

Узбекско-таджикская дружба, считающаяся результатом нескольких столетий дружбы и сотрудничества между узбекским и таджикским народами, в том числе тесных литературных связей, служила и продолжает служить дальнейшему укреплению узбекско-таджикских литературных связей, а также дружеских отношения между нашими народами. Узбекско-таджикские литературные связи и узбекско-таджикская поэзия ширу шакар, являющаяся одной из ее важных частей, стали символом вечной дружбы между нашими народами. Эта статья об этом.

Ключевые слова: литературные связи между узбекским и таджикским народами, узбекско-таджикский биллингвизм.

MAXTUMQULI IJODIDA VATANPARVARLIK, INSONPARVARLIK G‘OYALARINI DARS JARAYONIDA FOYDALANISH

Dilorom Sharifovna YAKIBOVA,
Termiz davlat universiteti
Boshlang‘ich ta’lim kafedrasi katta o‘qituvchisi

Muhtaram Prezidentimiz Sh.Mirziyoyev 2020-yil 24-yanvarda Oliy Majlisga qilgan Murojaatnomasida: «Nafaqat yoshlar, balki butun jamiyatimiz a’zolarining bilimi, saviyasini oshirish uchun, avvalo, ilm-ma’rifat, yuksak ma’naviyat kerak. Ilm yo‘q joyda qoloqlik, jaholat va albatta, to‘g‘ri yo‘ldan adashish bo‘ladi. Sharq donishmandlari aytganidek, «Eng katta boylik – bu aql-zakovat va ilm, eng katta meros – bu yaxshi tarbiya, eng katta qashshoqlik – bu bilimsizlikdir!», – deya ta’kidlaydi.

Bugungi kunda yurtimizda yoshlar uchun barcha imkoniyatlar, xususan, ta’lim, fan, sport, adabiyot, madaniyat, san’at va boshqa sohalarda imkoniyatlarning eshigi keng ochilgan. Yurtimizdagi barcha oliy ta’lim muassasalari, akademik litseylar, kasb-hunar kollejlari va umumta’lim maktablarida Muhtaram Prezidentimiz tomonidan ilgari surilgan beshta muhim tashabbus bo‘yicha qator ishlar amalga oshirilib kelinmoqda. Hamma davrlarda ham tarbiyachilar yoshlarni axloqi va odobi, iymoni va vijdoni, bilimi hamda malakasini davr talablari va ehtiyojlari bilan uyg‘unlashtirib shakllantirishga harakat qilganlar. Shunga ko‘ra, har qanday tarbiya jarayoni oxir-oqibat, o‘z maqsad va mohiyatiga ko‘ra g‘oyaviy tarbiyadir.

Sog‘lom g‘oyaviy tarbiya esa – yuksak dunyoqarash va e’tiqod tarbiyasini ham anglatadi. Shu o‘rinda tarbiya hamda ta’lim beruvchining shaxsiy sifati hamda o‘z ishiga fidoyiligi bu masalada g‘oyat muhim ekanligini unutmaslik kerak. Bu xususda G‘azzoliy shunday yozadi. «Shayxning (tarbiyachining) muridini tarbiyalash

kaliti - yerdan ungan ne’matning yaxshi hosil bermog‘i uchun dehqon uning atrofini begona o‘tlar, tikanlardan tozalagani kabi bir hol».

Mazkur fikrlardan xulosa chiqargan holda, yoshlar tarbiyasiga barchamiz mas’ullikni his qilib, jamiyatimizga xos bo‘lmagan illatlarga qarshi birgalikda kurashishimiz lozim. Zero, barkamol avlod va yuksak axloqli vatanparvar yoshlar bugunimiz va ertamizning haqiqiy davomchilaridir. Prezidentimiz Shavkat Miromonovich Mirziyoyev o‘z asarlarida vatanga va insonga sadoqat, vatanparvarlik va insonparvarlik his-tuyg‘ularini bolalar tarbiyasiga singdirib borish kerakligini uqtirib: «Avvalambor bizning tayanchimiz va suyanchimiz, umidimiz va kelajagimiz bo‘lmish farzandlarimizni, yosh avlodimizni Vatan va insonparvarlik tuyg‘usi va maqsadi ruhida tarbiyalashimiz ham qarz, ham farzdir».

Maxtumquli Firog‘iy XVIII asr ma’rifiy she’riyatining buyuk darg‘alaridan bo‘lib, butun turkiy xalqlar uchun tushunarli va sevimli shoir, ma’rifatli siymo, orif oshiq, sohibi hikmat bo‘lgan valiy zotdir. Uning insonparvarlik, xalqparvarlik, vatanparvarlik g‘oyalari bilan yo‘g‘rilgan she’riyatida pok islomiy ma’rifat ruhi gurkirab, yashnab turadi.

Maxtumquli taqriban, 1733-yilda Turkmanistonning janubi-g‘arbidagi Atrek (Atrok) daryosi sohillarida, ma’rifatli islomiy oilada dunyoga keladi. Otasi Davlatmand Ozodiy o‘z davrining taniqli shoirlaridan bo‘lib, uning she’riy kitobi hamda «Va’zi Ozod» nomli asari mavjud. Ozodiy ijodi, ayniqsa, «Va’zi Ozod» kitobi to‘liq islomiy ruhda bo‘lgani bois sho‘ro davrida yetarli o‘rganilmagan. Bu kitobda muallif ulug‘ mutafakkir shoir Alisher Navoiy ijodini yaxshi o‘zlashtirgan, ayniqsa, «Mahbub ul-qulub» asaridan ta’sir olgan adib sifatida namoyon bo‘ladi.

Davlatmand Ozodiy shunchaki shoir emas, balki zamon allomasi, taqvo va ma’rifat ahlining peshvosi, avliyoi barhaq ekanini Maxtumqulining bir necha marsiyasidan anglash mumkin. Shoir otasi haqidagi marsiyada yozadi:

Mol-u davlatlarga ko‘ngil qo‘ymadi,
Bu jahonning ishratini suymadi,
Eski sholdan ortiq po‘shish kiymadi,
Oxirat uyi bo‘ldi qasdi otamning.

«Munkir bilmas, muxlislarning shakki yo‘q, Payg‘ambar dastidir dasti otamning» satrlari hazrati Rasulullоh (s.a.v.)ning: «Kimki bir olim kishini hurmat qilsa, muhaqqaq, u meni hurmat qilgan bo‘ladi» hamda: «Har bir muttaqiy olim mening ahli baytimdandir», - degan muborak hadisi shariflariga asoslangan.

Nuqabo der: uch yuz eran ko‘rishdi,
Chiltanda otamga nazarim tushdi,
Nujabo borsam, hafttanlarga qorishdi,
Abdollardir chin payvasti otamning.

Bu misralar Ozodiyning shubhasiz valiy zot ekanini anglatadi. Nuqabo, Nujabo avliyolarning muayyan guruhlaridir. «Nuqabo» – «naqib» so‘zidan, naqiblar – biror jamoa va guruhning ulug‘lari, e’tiborli kishilari, raislari; «nujabo» – «najib»so‘zidan, najiblar – buzurgvorlar va tanlangan aziz zotlar degani. Abdollar – valiylikning qutbdan oldingi martabasiga erishgan zotlar, demakdir.

Mahshar kuni g‘amsiz kirar behishtga,
Har kim chindan bo‘lsa do‘sti otamning! –

Bu satrlar hazrati Payg‘ambarimiz (s.a.v.) ning «Kishi oxiratda yaxshi ko‘rgan kishisi bilan birga bo‘ladi», – degan hadisi shariflariga tayanadi. Maxtumqulidek shariatda sobitqadam va istiqomatda mustahkam zotning bu mujdasi oddiy ta’rif emas, balki ma’no olamidan yetgan shavq natijasidir.

Maxtumquli otasi singari boshlang‘ich ta’limni qishloq maktabida oladi. Keyin Markaziy Osiyoning ulkan madaniyat va ilm-fan markazlaridan bo‘lmish Ko‘hna Xiva shahrida, «Sherg‘ozixon» madrasasida o‘qiydi. Qiziloyoq ovulidagi (hozirgi Chorjo‘y viloyati, Xalaj tumani) Idris Bobo madrasasida bir qancha vaqt ilm oladi. «U Buxoroyi sharifdagi Ko‘kaldosh madrasasida ham ta’lim olgan», – degan ma’lumot bor. Xivadagi eng nufuzli o‘quv dargohi sanalmish «Sherg‘ozixon» madrasasida Maxtumquli uch yil o‘qib, muhim ilmlarni o‘zlashtirib, Qur’oni karimni xatm qiladi, o‘zi aytganidek, dili ochiladi, oq-qorani, haq-nohaqni, do‘st-dushmanni ajratadigan bo‘ladi. Yosh olim madrasa bilan xayrlashuv she’rida shukrona tuyg‘ularini bunday ifoda etadi:

Haqdan bizga buyruq – farz erur bilim,
Senda ta'lim oldim, ochildi dilim,
Kelsin deya kutar ul Karkaz elim,
Ketar bo'ldim, xush qol, go'zal «Sherg'ozi».
Ajratarman endi oqu qaroni,
Do'st-raqib, qardoshim, Haqni, yoronni,
O'qidim, ko'tardim Kitob – Qur'onni,
Ketar bo'ldim, xush qol, go'zal «Sherg'ozi».

Shoir she'r davomida «Ilm, ta'lim olgan seni unutmas», - desa, oxirida «Aslo unutmasman tillo qopisin», - deya minnatdorlik izhor etadi. Biz bu she'rga «Xivadagi Sherg'ozixon madrasasi bilan xayrlashuv» deya ost sarlavha qo'ydik. U Xivadan qaytgach, mudarrislik qilgani, ayni vaqtda zargarlik bilan shug'ullangani naql qilinadi.

Maxtumquli arab, fors tillarini puxta o'zlashtirgan, chig'atoy – eski o'zbek tilini mukammal bilgan. Bu hol uning ijodidagi so'z boyliklaridan ham ayondir.

Ijodidan ma'lumki, Maxtumquli Markaziy Osiyo va Yaqin Sharqning bir qancha diyorlarini kezgan, Buxoro, Xiva, Afg'oniston, Ozarboyjonda bo'lgan.

«Zangi Boboni ko'rsam», - deyishiga ko'ra, Toshkentga ham kelgan bo'lishi kerak.

Na'layni Arshga tojdir,
Nomi olamga foshdir,
Ikki jahon muhtojdir –
Arab zabonni ko'rsam, -

deyishiga ko'ra, Madinai munavvarada hazrati Payg'ambarimiz (s.a.v.)ning muborak ravzalarini ziyorat qilmoq niyatida ekani, yana: «Iymonim yo'ldosh bo'lsa, Borsam, Ka'bani ko'rsam» yoki: «Niyatim Ka'badir, xayolim hajdir, Ixlosim bor haj tavofin etmoqqa», - deyishiga qaraganda, muborak haj ibodatini ado etmoqni niyat qilganligi anglashiladi.

Naqlga ko'ra, Maxtumqulining ilk she'ri «Turgil, dedilar» manzumasidir. Shoir she'rda Alloh taolo ato etgan ma'naviy ikromni shukrona va hissiyot bilan bayon etadi:

Bir kecha yotardim, tunning yarmida,
To‘rtta otliq kelib, «Turgil!», dedilar,
«Xabar bergaydirmiz fursat yetganda,
Bul yerda erlar bor, ko‘rgil!» dedilar.
Nazarim tushganda ul to‘rt mardona,
Ko‘nglim jo‘sha keldi, boshim gardona, -

deya shoir ma’no olamida erlar – valiy zotlarni ko‘rib, ko‘ngli jo‘sh urib, boshi aylanganini aytib, his-hayajonini izhor etadi. Ma’no olamidan Maxtumquliga insonlarni she’r bilan Haqqa da’vat etish izni va iste’dodi berilgani manzuma zamirida ifodalangan. Bu «O‘g‘lon, Alloh yoring, borgil, dedilar» satridan ham anglashiladi.

Y.E. Bertels bu she’rni A.S. Pushkinning «Prorok» («Payg‘ambar») nomli she’ri bilan taqqoslab, mushtarak va farqli jihatlarini topishga uringan. Chunki, unda ham «Turgil, ey Payg‘ambar, chorla, da’vat et!» degan xitob bor. Ammo Pushkinning «Payg‘ambar» she’ri aslida hazrati Rasulullоh sallallohu alayhi vassallam haqlarida bo‘lib, unda, shaqqi sodr, ya’ni bolalikda hazrati Payg‘ambarimizning ko‘kraklarini farishtalar yorib, qalblarini poklagani, keyin esa ko‘ksilariga hikmat to‘la cho‘g‘dek oltin jom joylaganlari hamda vahiy voqealari, u zotga insonlarni ogoh etib, Haqqa da’vat qilish amr etilgani ifodalangan. She’rdagi: «Vosstan, prorok, i vijd, i vnemli» («Turgil, ey Payg‘ambar, chorla, da’vat et») satri «Muddassir» surasidagi «Qum fa anzir» – «Tur va ogoh et!» oyatidan olingan. A.S.Pushkin yozadi:

Yotardim kimsasiz yobon ichinda,
Menga vahiy keldi Allohdan shunda:
«Turgil, ey Payg‘ambar, chorla, da’vat et,
Irodamga bo‘ysun, bas, tamomila;
Sen barru bahrni kezib, irshod et,
Insonlar qalbin yoq, haq Kalom ila!»

Pushkin Qur’oni karim tarjimasini o‘qib, «Podrajanie Koranu» («Qur’ondan iqtibos») she’riy turkumini yozgan bo‘lsa, oradan yillar o‘tib, «Payg‘ambar» degan she’rini bitgan. Demak, bu borada u hazrati Payg‘ambarimiz (s.a.v.) ning hayotlarini ham o‘rgangan,

deyish mumkin. Ammo she’rda Payg‘ambarga mos bo‘lmagan nojoiz so‘zlar ham borki, bu ifodalar shoirning o‘z shaxsiga oiddir. Negaki, u she’rning ilk nusxasida so‘nggi baytni o‘z-o‘ziga xitob qilish bilan yakunlagan. Keyin qayta ishlab, Qur’on oyati ma’nosini ifodalagan.

Maxtumqulining «Turgil, dedilar» she’ridagi tafsilot zohiran hazrati Payg‘ambarimiz voqealariga o‘xshagani uchun Bertelsni qiziqtirib qolgan. Holbuki, Hazrati Payg‘ambarimiz voqealari vahiyga va Qur’onga asoslangan, Maxtumquli voqeasi esa ma’no olamidan yetgan xabardir. She’rlarda o‘xshashlik yo‘q, voqealarda o‘xshashlik bor. Bas, Bertelsning taajjubi ilmga asoslanmagan, balki zohiriy o‘xshashlikdan tug‘ilgan mulohazalardir.

Adabiyotlar

1. Quronboyev K. Maxtumquli she’riyati. – Toshkent, 1978.
2. Maxtumquli. Dunyo o‘tib boradur. – Toshkent: Sharq, 2007.
3. Maxtumquli. She’rlar. – Toshkent, 1976.
4. Maxtumquli. Tanlangan asarlari. – Toshkent, 1962.
5. Turkman shoirlar. – Toshkent, 1963.

Rezyume

Mazkur maqolada Maxtumquli she’rlaridan, nasihat va hikmatlaridan dars jarayonida foydalanishning amaliy ahamiyati haqida fikr yuritilgan.

Kalit so‘zlar: Sog‘lom g‘oyaviy tarbiya, ta’lim tizimi, boshlang‘ich ta’lim, dars, dars samaradorligi.

Summary

This article discusses the practical importance of using Makhtumquli's poems, admonitions and wisdom in the course of the lesson.

Key words: Healthy ideological upbringing, education system, primary education, lesson, lesson efficiency.

Резюме

В данной статье рассматривается практическая значимость использования стихов, наставлений и мудростей Махтумкули в ходе урока.

Ключевые слова: Здоровое идеологическое воспитание, система образования, начальное образование, урок, эффективность урока.

XORAZM DIALEKTAL ZONASIDAGI TURKMAN SHEVALARINING O‘RGANILISHI

Elyor Ilxom o‘g‘li ALIMARDANOV,
Alisher Navoiy nomidagi ToshDO‘TAU tayanch doktoranti

Axat Axmatovich SHUKUROV,
Termiz davlat universiteti dotsenti

Tillar zonasi bir hududda bir necha klaster, idiomlarning yoki qarindosh bo‘lmagan tillarning fokus nuqtasiga ko‘ra joylashishini anglatadi. Bu tushunchalar jahon tillarining qit’alar va ularning qismlari hududlarida joylashishlarini ifoda qiladi va tillar zonasini belgilashda nazariy asos bo‘lib xizmat qiladi hamda Yevropa tillari, Afrika tillari kabi tushunchalarni yuzaga chiqaradi [1, B. 76].

Til zonasi o‘zaro yaqin tillarni (idimolarni) yaqinlik darajasi va bir fokus nuqtasiga ko‘ra birlashtiradigan hududdir. Dialektal zona bir til doirasidagi lahja, dialekt va shevalarning fokus nuqtasiga ko‘ra joylashish hududlaridir. Fokus nuqtasi yirik shahar shevasi bo‘lib, atrof shevalarga doimiy ravishda o‘z ta’sirini o‘tkazib turadi va qayta aloqada bo‘ladi hamda dialektal zonaning o‘ziga xos rivojlanishini ta’minlaydi.

O‘zbek tili massivi ilmiy jihatdan A.Jo‘rayev tomonidan dialektal zonalarga ajratilgan bo‘lib, «O‘zbek tili massivini areal tadqiq qilishning nazariy asoslari» monografiyasida o‘zbek tilini 11ta dialektal zonaga va 7ta azonal hududlarga bo‘ladi [7.B.62-91].

Xorazm dialektal zonasiga Xorazm viloyati, Qoraqalpog‘istonning janubiy tumanlari (To‘rtko‘l, Ellikqal’a, Beruniy, Amudaryo tumanlari), Turkmaniston Respublikasining Toshhovuz viloyati (viloyatdagi o‘zbeklar yashaydigan) hududlarini ishg‘ol qiladi. Zonaning fokus nuqtalari – Urganch va Xiva (o‘g‘uz) shevalari bo‘lib, dialektal zonadagi til va shevalarga muntazam

ravishda o‘z ta’sirini o‘tkazadi. Shunga ko‘ra, o‘zbek-qoraqalpoq, o‘zbek-turkman, o‘zbek-qozoq tillari aloqalari kuzatiladi va arealda ichki (shevalararo) va tashqi (tillararo) oraliq shevalar yuzaga kelgan.

Dialektal zonadagi turkman shevalari monografik planda S.Arazkuliyev tomonidan o‘rganilgan. A.P.Potseluyevskiy, A.Annanurov, J.Amansariyev, N.Nartiyev kabi olimlar esa, hudud shevalarini o‘z tasniflarida qayd etadi. Aytish joizki, turkman shevalarining tasniflarida o‘zbek tilidagi kabi xilma-xil qarashlarni ko‘rish mumkin. Masalan, hududiy jihatdan joylashuviga ko‘ra, shuningdek, urug‘chilik an’anasini yaxshi saqlagan turkman shevalarining urug‘lar asosida tasniflanishi diqqatga sazovordir.

Turkman shevalarining dastlabki tasnifi A.P.Potseluyevskiy tomonidan amalga oshirilgan bo‘lib, olim turkman shevalarini 2 guruhga ajratadi [12.B.29-30]. Birinchi guruh shevalariga taka, yovmut, ersari, sariq, salir kabi markaziy shevalarni, ikkinchi guruhga Eron va O‘zbekiston hududlariga yaqin noxur, anav, xasar, nerezim, bujak kabi shevalarni kiritadi. Demak, Xorazm dialektal zonasidagi turkman shevalari ikkinchi guruhga kiritiladi. Olim ikki guruh shevalarining o‘ziga xos xususiyatlari sifatida quyidagilarni keltiradi. Birinchi guruh dialektlarida **s, z** tovushlarning apikal **(θ, δ)** talaffuz qilinishi, leksikada, asosan, o‘z qatlamga doir so‘zlar qo‘llanilishi, hozirgi zamon affiksining *-jar / -jär* shaklida qo‘llanilishi kabi faktlar misollar bilan keltirilsa, ikkinchi guruh shevalarida esa, **s, z** tovushlarning dorsal talaffuz qilinishi, leksikada *jaz* o‘rniga *bahar, aγač* o‘rniga *deräxt, γazan* o‘rniga *čödän* kabi arab-forscha so‘zlarning qo‘llanilishi, hozirgi zamonning *alamän* ko‘rinishida foydalanishini qayd etadi.

Turkman shevalarining tasnifida A.Annanurovning tasnifi ham e’tiborga loyiqdir [4.B.52-60]. Olim ikki muhim xususiyatga asoslanib: **θ ~ s, δ ~ z** undoshlarining aytilishi va hozirgi zamon fe’lining asosida *jörmek* ko‘makchi fe’lining qo‘llanilish va qo‘llanilmasligiga ko‘ra turkman shevalarini 2ga bo‘ladi [4, B. 52-60]. **θ, δ** tovushlarining mavjudligi va hozirgi zamon fe’lining *jörmek* yordamchi fe’li bilan ifodalanadigan dialektlar sifatida taka, yovmut, salir, sariq, ersari, alili, go‘klan, qoratoshli, emrali, ota, sakar, mehin, murcha, burkaz, qirko‘yli shevalarini kiritadi va **s, z** undoshlari va

hozirgi zamon *jörmek* o‘rniga *durmaq* yordamchi fe’li qo‘llaniladigan shevalarga anav, xasar, noxur, olam, surxi, xatap, mukri, chovdir, eski, kirach, bayat, sayat, nerezim, bujak, igdir, duyeji kabi shevalarni kiritadi. Xorazm dialektal zonasida turkmanlarning ota, go‘klan, salir, igdir, duyeji kabi urug‘lari ko‘plab uchraydi. Shu asnoda, ota, go‘klan, salir urug‘lari shevalari birinchi guruhga mansub bo‘lsa, igdir, duyeji urug‘lari shevalari esa, ikkinchi guruhga kiritiladi.

O‘zbek shevalarining fonetik tamoyil asosida tasnif qilinishi A.K.Borovkov tomonidan amalga oshirilgan. Fonetik tamoyil asosida turkman shevalarini ham tasnif qilishga urinishlar bo‘lgan. Bu borada J.Amansariyev turkman shevalarini **θ ~ s, δ ~ z** tovushlarining aytilishiga qarab 2ga: apikal dialektlar (taka, yovmut, go‘klan, salir, sariq, ersari, qoratoshli, alili, emrali) va dorsal (chovdur, noxur, anev, eski, mukri, surxi, kirach, arabachi, chandir, cheges, xatap, bayat, duyeji, qipchoq) dialektlarga bo‘ladi [3.B.59-61].

N.Nartiyev turkman shevalarini hududiy, tarixiy va lingvistik xususiyatlariga ko‘ra 2 guruhga: 1) o‘g‘uz; 2) qipchoq dialektlariga ajratadi [11.B.46].

N.Nartiyevning tasnifiga ko‘ra, o‘g‘uz guruhiga yovmut, taka, ersari, sariq, salir, go‘klan, chovdir, alili, qoratoshli, emrali, ota, chandir, sakar, olam, surxi, xatap, bayat, mehin, murcha, burkaz, mujovar, arabachi urug‘ shevalari mansub bo‘lsa, qipchoq dialektlari O‘zbekiston va Eron chegarasidagi turkman shevalari noxur, anav, xasar, nerezim, mukri, bujak, igdir, duyeji, eski, xidirali, charjov, kirach kabi turkman urug‘lari shevalari kiradi. Demak, olimning tasnifiga ko‘ra, dialektal zonadagi ota, salir, go‘klan urug‘lari shevalari o‘g‘uz guruhiga, igdir, dueje urug‘lari shevalari qipchoq guruhiga to‘g‘ri keladi. Aytish joizki, urug‘chilik an’anasi turkmanlarda hamon saqlanib kelinmoqda. Bir urug‘ shevalari boshqa urug‘ shevalari bilan umumiylik kasb etadi, yoki boshqalaridan tafovutlarga ega bo‘ladi. Shuning uchun ham, turkman shevalari tasnifida urug‘ qabilalar nomi yaqqol keltiriladi. Urug‘chilik an’anasi o‘zbek qipchoqlarida ham yaxshi saqlangan, shuningdek, o‘zbek dialektologiyasida urug‘ shevalari maxsus

o‘rganilgan ishlar ham mavjud. Masalan, T.Mirsoatov Qirq urug‘ shevalarini, M.Valiyev o‘zbek tilining Nayman urug‘ shevalarini, X.Jo‘rayev Turk-kaltatoy urug‘ shevalarini, B.Xasanov esa turk-barlos urug‘ shevalarini o‘rganganlar.

Ma’lum bo‘ldiki, turkman shevalari 2 dialektga: o‘g‘uz va qipchoq dialektlariga bo‘linadi. Xorazm dialektal zonasidagi turkman shevalari ham mazkur tasniflardan o‘rin olgan. Dialektal zonadagi turkmanlar aksar areallarda istiqomat qiladi va bu borada F.Abdullayev: «turkmanlar Xorazm viloyatining hamma tumanlarida uchraydilar va ayrim tumanlar aholisining 1/4 qismigacha tashkil qiladi, deya qayd etadi [2.B.238]. To‘rtko‘l turkmanlari shevasini o‘rgangan S.Arazkuliyev turkman shevalarini yondosh, qarindosh tillarining ta’siriga bog‘lab, 2 guruhga ajratadi: 1) qoraqalpoq tili ta’sirli turkman shevalari; 2) o‘zbek tili ta’sirli turkman shevalari [5.B.6]. Olim birinchi guruhga ota urug‘i shevalarini, ikkinchi guruhga igdir, duyeji, go‘klan kabi urug‘ shevalarini kiritadi. Monografiyani o‘rganish asnosida shunga guvoh bo‘ldikki, ishda aksar o‘rinlarda o‘zbek tilining ta’siri haqida ma’lumot beriladi va misollar keltiriladi. Ammo qoraqalpoq tilining ta’siri haqida so‘z ochilmaydi. O‘rinli savol tug‘iladi qoraqalpoq tilining ta’siri bo‘lmasa, nega shevalarni tasnif qilinishida aynan qoraqalpoq tili ta’sirli shevalar sifatida keltirildi? Olimning o‘zi: birinchi guruh shevalari (qoraqalpoq tili ta’sirli) ikkinchi guruh shevalari (o‘zbek tili ta’sirli) kabi ta’sir doirasiga tushib, keskin o‘zgarishlarga uchramaganligini yozadi [5.B.13]. Bizningcha, olim o‘zbek tilining ta’siri ostidagi turkman shevalaridan aynan shunday xususiyatga ega bo‘lmagan shevalarni alohida ko‘rsatish maqsadida shunday yo‘l tutgan bo‘lishi mumkin.

Demak, Xorazm dialektal zonasida turkman shevalarining 2 dialekti mavjud: o‘g‘uz va qipchoq. O‘g‘uz shevalari (otalar) fonetik, leksik, grammatik xususiyatlari bilan markaziy turkman shevalariga yaqin turadi. Qipchoq shevalarida (igdir, duyeji, go‘klan, shix) esa qipchoq tillariga xos ǯ-lashish bo‘lmasa-da, fonetik, leksik, grammatik xususiyatlari bilan qipchoq tillariga yaqin turadi. Ta’kidlash joizki, zonadagi turkman tilining qipchoq shevalari kuchli darajada o‘zbek tilining o‘g‘uz shevalari ta’siri ostida.

Dialektal zonadagi turkmanlar zonaning janubiy-g‘arbiy (Amudaryo tumani), janubiy-sharqiy (Tuproqqal’a tumani Sarimoy, Nukus yo‘li mahallalari) qismlarida, shuningdek, markaziy (Urganch, To‘rtko‘l, Ellikqal’a tumanlari) qismlarida istiqomat qiladi va mazkur hududlar geterogen areallar sifatida o‘zbek-turkman tillari kontakti amalga oshadi.

Ta’kidlash lozimki, arealdagi turkmanlar kamida bilingvist hisoblanadi. Shunga ko‘ra muloqotda o‘zbek va turkman tillaridan foydalanadilar. Ular qo‘llaydigan o‘zbek tili ham, turkman tili ham sof bo‘lmasdan, oraliq til hisoblanadi. Ya’ni o‘zbek tilidan foydalanganda turkmancha unsurlar, turkman tilida esa, o‘zbekcha unsurlar aralash qo‘llaniladi. Shuning uchun ham bu ko‘rinishdagi shevalar oraliq shevalar tarkibiga kiritiladi.

Hududdagi turkman areallari tadqiq etilganda, ularda turkman tilining saqlanishi bir xil emasligi aniqlandi. Masalan, Qo‘shko‘pir tumani Shixobod mahallasi, Shovot tumani Bo‘ston mahallasi, Yangiariq tumani Vakillar mahallasi, Bog‘ot tumani Qal’ajiqqal’a mahallasi, Ellikqal’a tumani Tozabog‘ mahallalarida yashovchi etnik turkmanlardan asosan, keksa avlod vakillari turkman tilini saqlaganlar. O‘rta yosh vakillari va yoshlar mazkur areallarning o‘zigagina xos bo‘lgan oraliq shevalarida muloqot qiladilar (turkman tilida emas). Keksa avlod vakillari ham aksar hollarda o‘rta yosh va yoshlar bilan muloqotda oraliq shevadan foydalanadi. Lekin To‘rtko‘l tumani Oqqamish, Oqboshli, Kaltaminor, Otayurt, Paxtachi, Paxtaobod, Atauba, Bezirgan, Tuproqqal’a tumani Sarimoy, Nukus maskani, Beruniy tumani Ozod, Maxtumquli, Amudaryo tumani Amir Temur qishloqlarida yashovchi turkmanlar o‘zaro muloqotda turkman tilidan foydalanadilar. Shuningdek, mazkur qishloqlardagi turkmanlar maktabda o‘z ona tili – turkman tilida ta’lim oladi. To‘rtko‘l tumanida 20ta, Ellikqal’ada 2ta, Beruniyda 2ta, Amudaryoda 1ta, Urganchda 1ta, Tuproqqal’ada 2ta turkman tilida ta’lim beradigan maktablar bor. Shuningdek, mahalliy turkmanlar oliy ta’limda ham turkman tilida ta’lim olishi mumkin. Jumladan, Berdaq nomidagi Qoraqalpoq davlat universitetida turkman tili va adabiyoti bakalavr yo‘nalishi va Lingvistika: turkman tili magistratura mutaxassisligi, Ajiniyoz nomidagi Nukus davlat

pedagogika institutida turkman tilida dars beriladigan boshlang‘ich ta’lim va sport tarbiyaviy ish yo‘nalishlari mavjud.

Aytish joizki, mazkur turkman areallarida turkmanlar o‘zaro bir-birlari bilan turkman tilida so‘zlashsalar-da boshqalar bilan muloqotda ular o‘zbek tilidan foydalanadilar. Shu jihatdan, ular tabiatan kamida bilingvist, unda trilingvist yoki multilingvistdirlar. Sababi, Janubiy Qoraqalpog‘iston tumanlarida yashovchi turkmanlar turkman tilidan, shu bilan birga, davlat tili sifatida o‘zbek va qoraqalpoq tillaridan ham ta’lim oladilar hamda o‘zbek va qoraqalpoq mediasini birdek kuzatib boradilar. Shuning uchun ham, Janubiy Qoraqalpog‘iston turkmanlari o‘z tillari – turkman tilidan tashqari o‘zbek va qoraqalpoq tillarini yaxshi biladi. Ammo Xorazm viloyatidagi turkmanlar (Urganch tumani Turkmanlar, Tuproqqal’a tumani Nukus maskani va Sarimoy mahallalari) ular to‘laqonli bilingvist hisoblanadi. Ular o‘z ona tillaridek o‘zbek tilini yaxshi biladi.

Areal lingvistikada til oroli tushunchasi mavjud. Til oroli termini ilk bor nemis tilshunos olimi V.Kun tomonidan 1847- yilda qo‘llanilgan. V.Kun til oroli (nem. Sprachinsel) terminini Sharqiy Prussiyaning Kyonigsberg yaqinida nemis tilida so‘zlashuvchi aholi bilan o‘ralgan slavyan tilli jamoasini ajratib ko‘rsatish uchun ishlatgan. Atrofi o‘zbeklar bilan o‘ralgan turkman areallariga til oroli sifatida qarash mumkin. Sababi, boshqa tillararo innovatsion markazdan yiroq bo‘lsa-da, lekin mazkur tilda muloqot qiladigan va o‘zicha rivojlanib borayotgan turkmanlar shevasi til oroliga to‘g‘ri keladi.

Atrofi bir yoki bir nechta tillar bilan o‘ralgan lingvistik hududga til oroli deyiladi. Adabiyotlarda til oroli termini lingvistik va dialektologik orol terminlari bilan ham ataladi. Agar har bir dialekt faqat o‘ziga mansub chegaralarda qolsa, bunday til landshaftini lingvistik yoki dialektologik orol deb hisoblash mumkin bo‘ladi [13.B.63]. Demak, til oroli deb, atrofi boshqa tillar bilan o‘ralgan, innovatsion markazdan uzilgan, alohida rivojlanish jarayonidagi lingvistik hududga nisbat beriladi.

Ma’lum hududlarda turkman tilidan qay darajada foydalanishiga ko‘ra turkman areallarini 2ga ajratish mumkin: a)

muloqotda turkman tilidan faol foydalanadigan areallar; b) muloqotda turkman tilidan foydalanmaydigan yoki passiv foydalanadigan areallar.

Muloqotda turkman tilidan faol foydalanadigan turkman areallariga To‘rtko‘l tumani Oqqamish, Oqboshli, Kaltaminor, Otayurt, Paxtachi, Paxtaobod, Atauba mahallalari, Tuproqqal’a tumani Sarimoy, Nukus maskani mahallalari, Beruniy tumani Maxtumquli mahallasi, Amudaryo tumani Amir Temur mahallalari kiradi. Mazkur areallarda turkman tilidan mahalliy xalq vakillari yoshlar, o‘rta yosh vakillari hamda yoshi keksa avlod vakillari faol foydalanadilar.

Muloqotda turkman tilidan foydalanmaydigan yoki passiv foydalanadigan areallarga Urganch tumani Turkmanlar mahallasi, Qo‘shko‘pir tumani Shixobod mahallasi, Shovot tumani Bo‘ston mahallasi, Yangiariq tumani Vakillar mahallasi, Bog‘ot tumani Qalajiqqal’a mahallasi, Ellikqal’a tumani Tozabog‘ mahallalari kiradi. Ushbu areallarda turkman tilidan asosan yoshi keksa avlod vakillarigina foydalanadi, o‘rta yosh vakillari va yoshlar esa, muloqotda oraliq shevalardan foydalanadilar.

Adabiyotlar

1. Ashirboyev S. Areal lingvistika. – Toshkent: Bookmany print, 2023.

2. Абдуллаев Ф. Хоразм шевалари. – Тошкент, 1961.

3. Амансарыев Ж. Түркмен диалектологиясы. – Ашгабат: Түркменистан, 1970.

4. Аннануров А. К вопросы о классификации диалектов туркменского языка // Известия Академии Наук Туркменской ССР, серия общественных наук. 1967, № 2.

5. Аразкулыев С. Гарагалпагыстан АССР-ның Дөртгүл районындакы түркмен геплешиклери. – Ашгабат, 1961.

6. Боровков А.К. Вопросы классификации узбекских говоров // Известия АН УзССР, №5. 1953.

7. Джураев А. Б. Теоретическое основы ареального исследования узбекоязычного массива. – Ташкент: Фан, 1991.

8. Жураев Х. Фонетико-морфологические и лексические особенности узбекских говоров, носящих этническое название

«Тюрк-Калтатай» (по материалам Самаркандской, Джизакской и Сырдарьинской областей УзССР): Дис. … канд. филол. наук. – Ташкент, 1975.

9. Kuhn W. Deutsche Sprachinsel-Forschung. Geschichte, Aufgaben, Verfahren. Plauen im Vogtland. – Berlin: Wolff, 1934.

10. Мирсагатов Т. Кыркский говор узбекского языка: Дис. … канд. филол. наук. – Ташкент, 1954.

11. Nartyýew N. Türkmen dialektologiýasy. – Aşgabat, 2010.

12. Поцелуевский А.П. Диалект туркменского языка. – Ашхабад, 1936.

13. Olloyorov Q. Areal lingvistika fanini o‘qitish asoslari (o‘quv-uslubiy qo‘llanma). – Toshkent: Adabiyot uchqunlari, 2020.

14. Валиев М. Найманский говор узбекско языка: Дис. … канд. филол. наук. – Ташкент, 1963.

15. Хасанов Б. Исследрвание узбекских говоров типа тюрк-барлас: Дис. … канд. филол. наук. – Ташкент, 1980.

Rezyume

O‘zbek tili massivining dialektal zonalarga ajratilishi olimlar tomonidan amalga oshirilgan. Zonalashtirishda mavjud arealda bir nechta til va shevalarning borligi va ularga fokus nuqtasining ta’siri bo‘lishi muhim hisoblanadi. Xorazm dialektal zonasida o‘zbek tilining o‘g‘uz va qipchoq shevalari hamda turkman, qozoq, qoraqalpoq tillari amal qiladi. Maqolada Xorazm dialektal zonasidagi turkman shevalarining o‘rganilishi haqida ma’lumot beriladi.

Kalit so‘zlar: Xorazm dialektal zonasi, o‘zbek tili, o‘g‘uz lahjasi, qipchoq lahjasi, turkman tili.

Summary

The division of the massif of the Uzbek language into dialectal zones was carried out by scientists. In zoning, the presence of several languages and dialects in the existing area and the influence of the focal point on them is considered important. In the Khorezm dialectal zone, the Uzbek and Kipchak dialects, as well as the Turkmen, Kazakh, and Karakalpak languages are used. The article provides information on the study of Turkmen dialects in the Khorezm dialectal zone.

Key words: Khorezm dialectal zone, Uzbek language, Oghuz dialect, Kipchak dialect, Turkmen language.

Резюме

Деление массива узбекского языка на диалектные зоны было осуществлено учеными. При зонировании важным считается наличие на существующей территории нескольких языков и диалектов и влияние на них очага. В Хорезмской диалектной зоне используются узбекский и кыпчакский диалекты, а также туркменский, казахский и каракалпакский языки. В статье представлены сведения об изучении туркменских диалектов в Хорезмской диалектной зоне.

Ключевые слова: Хорезмская диалектная зона, узбекский язык, огузский диалект, кипчакский диалект, туркменский язык.

SIFAT TURKUMLI EVFEMIZMLARNING NUTQDAGI O‘RNI VA O‘ZIGA XOS XUSUSIYATLARI

Sirojiddin TURDIMURODOV,
Termiz davlat universiteti
o‘zbek tilshunosligi kafdedrasi katta o‘qituvchisi

Nutqimizda mavjud sifat turkumiga oid evfemizmlar tildagi nozik farqlarni vujudga keltirishi tabiiy. Evfemizmlarning mazmun-mohiyatini idrok etish shaxsning qaysi mental muhitga mansubligi, fikriy faoliyatiga ham bog‘liq. Til va nutqda ijodiy va obrazli tafakkur mahsulini ifodalash so‘z ma’nolarining ko‘chimi orqali ham fikrlash darajasi bilan belgilanadi. Til egasining, ya’ni so‘zlovchining tinglovchi(lar) bilan muloqot qobiliyati metaforik evfemizmlarni qo‘llashda o‘z aksini yaqqol ko‘rsatadi. Ayniqsa, sifat metaforik evfemik ma’noli leksemalarning qo‘llanilishida lisoniy bilim, zakovat va nutqiy malaka hamkorligi juda ham ahamiyatli hisoblanadi.

Evfemizatsiya, birinchidan, o‘zlikni namoyon qilish vositasi bo‘lish bilan birga, ikkinchidan, bir vaqtning o‘zida, tinglovchida vujudga kelishi mumkin bo‘lgan kommunikativ o‘ng‘aysizlikning

oldini oladi [1, B.217]. Masalan, izohli lug‘atlarda bosh so‘z sifatida berilgan **ko‘r** leksemasi o‘rnida *ko‘zi ojiz, qori*; pakana leksemasi o‘rnida *past(roq) bo‘yli*; novcha leksemasi o‘rnida *baland bo‘yli*; cho‘loq leksemasi o‘rnida *oqsab(roq) yuradigan (sifatdosh)*; kar leksemasi o‘rnida *qulog‘i og‘ir(roq);* zo‘rovon leksemasi o‘rnida *bo‘yni yo‘g‘on* ifodalarining qo‘llanilishi fikrimizning dalilidir.

Nutqimizda sifat metaforik evfemik ma’noli leksemalar ham ma’lum katta qismni tashkil etadi. Bularga masalan, **kar** [2, B. 318] o‘rnida *qulog‘i og‘ir(roq)*; **bo‘g‘oz** o‘rnida *og‘iroyoq, homilador, ikkiqat, yukli*; **ko‘r** o‘rnida *ko‘zi ojiz, qori*; **xarob** (qiyinchilikda qolgan, nochor) o‘rnida *yupun*; **semiz** o‘rnida *etli, bir qop et, gumbaz, mesh, meshkay, tulum*; **tayini yo‘q, betayin, uyatsiz, sharmanda** leksemalari o‘rnida *etaksiz*; **odamxo‘r, qonxo‘r** leksemalari o‘rnida *etxo‘r*; **kambag‘al** o‘rnida *bo‘yni ingichka, qo‘li kalta, yoqasi kir, muhtoj tabaqa, faqir*; **moxov** leksemasi o‘rnida *buzilgan*; **kasal** o‘rnida *betob, bemor*; **nogiron** o‘rnida *uzurli, imkoniyati cheklangan*; **erga tegmagan** yoki **erdan chiqqan** leksemalari o‘rnida *boshi ochiq*; **ersiz** leksemasi o‘rnida *beva, boshi ochiq*; **esi past, telba, tentak** leksemalari o‘rnida *devona*; **taksikoz** leksemasi o‘rnida *boshi qorong‘u*; **aqli past, yetishmaydigan** leksemalari o‘rnida *bir qaynovi ichida*; **sotqin** o‘rnida *quloq*(izohlanmagan); **er ko‘rmagan** o‘rnida *bokira, iffatli, sof, onasi o‘pmagan*; **tekinxo‘r** o‘rnida *qo‘liga ketmon ushlamagan*; **nogiron, shol** leksemalari o‘rnida *to‘shakka mixlangan*; **erksiz** o‘rnida *mazlum*; **savodsiz** o‘rnida *omi, avom*; **ochko‘z, qurumsoq** o‘rnida *o‘limtik*; **qari**, o‘rnida *keksa, yoshi ulug‘* va b. Ushbu sifat so‘z turkumiga oid leksik birliklarning ko‘pchiligi izohli lug‘atlardan joy olgan va ba’zilari nutqiy holatlarda qo‘llanilishi kuzatiladi. Izohli lug‘atlardan joy olgan ushbu leksik birliklarning ko‘pchiligi bosh so‘z shaklida ham berilganligini, ba’zilari esa bosh so‘z izohida ishora tarzida berilganligini kuzatish mumkin.

Sifat metaforik evfemik ma’noli birliklarni mazmunan: **a)** xususiyat bildiruvchi metaforik evfemik ma’noli leksemalar; **b)** hajm-o‘lchov bildiruvchi metaforik evfemik ma’noli leksemalar **v)** hid bildiruvchi metaforik evfemik ma’noli leksemalar kabi turlarga ajratib tahlil qilish evfemik ma’noli leksemalarning alohida

xususiyatlarini ochib berishga yordam beradi deb o‘ylaymiz. Sifatlarning boshqa ma’noviy turlari bilan bog‘liq evfemik ma’noli leksemalarni tadqiqimiz davomida uchratmadik [3, B.102-112].

Xususiyat bildiruvchi evfemik ma’noli leksemalar: ko‘r leksemasi o‘rnida *ko‘zi ojiz*, kar o‘rnida *qulog‘i og‘ir, qori; jinni leksemasi o‘rnida nodon;* uyatsiz, sharmanda leksemalari o‘rnida *etaksiz*; odamxo‘r, qonxo‘r leksemalari o‘rnida *etxo‘r*; axloqsiz o‘rnida y*engiltak*; ersiz, turmushga chiqmagan yoki erdan ajralgan birliklari o‘rnida *boshi ochiq*; bo‘g‘oz o‘rnida *og‘iroyoq, homilador, ikkiqat, yukli*; kambag‘al o‘rnida *oyoqyalang, bo‘yni ingichka, qo‘li kalta, yoqasi kir, muhtoj tabaqa, faqir*; moxov o‘rnida *buzilgan;* kasal, kasalmand leksemalari o‘rnida *betob, bemor, xasta*; nogiron o‘rnida *uzurli, imkoniyati cheklanganlar;* esi past, telba, tentak leksemasi o‘rnida *devona;* taksikoz o‘rnida *boshi qorong‘u*; aqli past, yetishmaydigan leksemalari o‘rnida *bir qaynovi ichida*; er ko‘rmagan birligi o‘rnida *bokira, iffatli, onasi o‘pmagan*; tekinxo‘r, yalqov, tanbal leksemalari o‘rnida *qo‘liga ketmon ushlamagan*; nogiron, shol o‘rnida *to‘shakka mixlangan*; erksiz, bechora leksemalari o‘rnida *mazlum;* savodsiz o‘rnida *omi, avom*; ochko‘z, qurumsoq leksemalari o‘rnida *o‘limtik*; jalab leksemasi o‘rnida *buzuq, fohisha, yengiltak, yengiloyoq, suyuq, suyug‘oyoq;* behayo, besharm birliklari o‘rnida *beti (yoki yuzi)ochiq, ibosiz*; qari o‘rnida *keksa, nafaqaxo‘r, yoshi ulug‘; y*etim o‘rnida *sag‘ir, hech kimi yo‘q*; nochor, ko‘rimsiz o‘rnida *faqirona;* aybdor, gunohkor leksemalari o‘rnida *tili qisiq, dumi qisiq, tili kalta, og‘zi uyatli, yuzi shuvut*; shilqim o‘rnida y*elim*; jinni o‘rnida *nodon* kabilarni misol tariqasida keltirsh mumkin. Ushbu o‘rindagi sifat metaforik evfemik ma’noli leksema o‘z vazifasini, ya’ni nutqni yanada ta’sirchan shakllanishiga xizmat qiladi.

Hajm-o‘lchov bildiruvchi evfemik ma’noli birliklar: semiz o‘rnida *etli, to‘la, bir qop et, gumbaz*; oriq (shevada ***arriq***) leksemasi o‘rnida eti suyagiga yopishgan, ozg‘in(roq)dan kelgan kabilarni misol qilib keltirishimiz mumkin. Hajm o‘lchov bildiruvchi evfemik evfemik ma’noli leksemalar xususiyat bildiruvchi evfemik ma’noli leksemalarga nisbatan kamchilikni tashkil etmoqda.

Hid bildiruvchi metaforik evfemik ma’noli leksemalar xususiyat bildiruvchi, hajm-o‘lchov bildiruvchi metaforik evfemik ma’noli leksemalarga nisbatan kam qo‘llaniladi. Masalan, sassiq so‘zini aytish, undan nutqda foydalanishdan qochish o‘rinlarida bunday evfemik ma’noli leksemalar yuzaga keladi. Uning o‘rnida yoqimsiz hid, ob-havo buzilmoq kabi birliklardan foydalaniladi. *Bugun ertalab omborxonaga tushganimda u yerdan yoqimsiz hid kelayotgan edi. Ertalab mehmonxonaning eshigini ochsam xonaning ob-havosi buzilgan edi (so‘zlashuvdan).* Bu kabi evfemalarning qo‘llanilishi bevosita nutqiy jarayonda yuzaga keladi [3, B.102-112].

Evfemik ma’noli leksemaning qo‘llanilishida so‘z turkumlarining o‘rni haqida shunday fikr bildirish mumkin: **a)** qo‘pol, uyatli, noo‘rin qo‘llaniluvchi birlik qaysi so‘z turkumiga tegishli bo‘lsa, uning o‘rnida qo‘llaniluvchi evfemik ma’noli leksema shu so‘z turkumiga tegishli bo‘ladi; masalan, **ilon, qizamiq** so‘zlari ot so‘z turkumiga doir bo‘lsa, uning o‘rnida qo‘llaniluvchi *arg‘amchi, gul* evfemik ma’noli leksemalari ham ot so‘z turkumi bilan ifodalangan. Yana bir misol **bo‘g‘oz, semiz** so‘zlari sifat so‘z turkumiga oid bo‘lsa, uning o‘rnida qo‘llaniluvchi *homilador, ikkiqat, etli* leksemalari ham sifat so‘z turkumiga tegishli ma’no anglatmoqda. Bu holat **pora bermoq, tug‘moq** fe’l so‘z turkumiga oid bo‘lsa, uning o‘rnida ko‘chma ma’noda qo‘llaniluvchi *uzatmoq, qutilmoq, dunyoga keltirmoq* ham shu so‘z turkumi, ya’ni fe’lga oid bo‘ladi; **b)** qo‘pol, uyatli, noo‘rin birlik qaysi so‘z turkumiga tegishli bo‘lsa, uning o‘rnida qo‘llaniluvchi evfemik ma’noli leksema boshqa so‘z turkumida ifodalanishi mumkin: masalan, **nogiron** sifat so‘z turkumiga doir leksema uning o‘rnida qo‘llaniluvchi uzurli, imkoniyati cheklangan evfemik ma’noli leksemalaridan *imkoniyati cheklangan* fe’l (sifatdosh) bilan ifodalanmoqda.

Til va nutqda qo‘pol, noo‘rin qo‘llaniluvchi birlik qaysi so‘z turkumiga tegishli bo‘lsa, uning o‘rnida almashib qo‘llaniluvchi evfemik ma’noli leksema ham asosan shu so‘z turkumida, ayrim o‘rinlarda boshqa so‘z turkumlari bilan ham ifodalanadi. Bu esa evfemik ma’noli leksemalarni sinonim so‘zlardan farqlashda muhim ahamiyat kasb etadi.

Adabiyotlar

1. Грайс Г. Логика и речевое общение // Новое в зарубежной лингвистике. – М, 1985. – С. 217.
2. Ўзбек тилининг изоҳли луғати. 5 томлик, 1-том. – Тошкент: Ўзбекистон, 2020. – 318 б.
3. Турдимуродов С. Ўзбек тилининг изоҳли луғатларида эвфемик маънолар талқини. филол.фан. фал. док. (PhD) дисс... – Термиз, 2022. – Б.139.
4. Омонтурдиев А.Ж. Профессионал нутқ эвфемикаси (чорвадорлар нутқи мисолида): Филол.фан. д-ри. дисс. – Тошкент, 2009. – 253 б.
5. Омонтурдиев А. Ўзбек тилининг қисқача эвфемик луғати. – Тошкент: ФАН, 2006.– 48 б.
6. Ўзбек тилининг изоҳли луғати. 5 томлик, 3-том.– Тошкент: ЎзМЭ, 2006-2008. – 599 б.
7. Ўзбек тили лексикологияси. – Тошкент: Фан, 1981. – Б. 315.
8. Turdimurodov S. O‘zbek tilida evfemik ma’no. – Toshkent: Lessson Press, 2023. – B 112.

Rezyume

Ushbu maqolada nutqimizda mavjud qo‘llaniladigan ayrim sifat so‘z turkumiga oid evfemizmlarning lingvistik xususiyatlari haqida fikr-mulohazalar bildirilgan.

Kalit so‘zlar: evfemizm, til, nutq, xususiyat, hid, hajm-o‘lchov, metafora, ko‘chim.

Резюме

В данной статье высказаны мнения о языковых особенностях эвфемизмов, относящихся к некоторым прилагательным, используемым в настоящее время в нашей речи.

Ключевые слова: эвфемизм, язык, речь, признак, запах, объёмность, метафора, перенос.

Summary

This article expresses opinions about the linguistic features of euphemisms related to some adjectives currently used in our speech.

Key words: euphemism, language, speech, sign, smell, volume, metaphor, figurative meaning.

REALIYA XALQ RUHIYATI IFODASI

Dilrabo Allanazarovna ERGASHEVA,
Termiz davlat o‘qituvchisi,
filologiya fanlari bo‘yicha falsafa doktori

Tilga antropotsentrik yondashuv alohida olingan kommunikativ vaziyatlarda qo‘llanuvchi til vositalarini, psixologik va aniq kommunikativ vaziyatlardagi milliy-madaniy faktorlarning axborot almashinuv jarayonidagi tahlili, kompleks tadqiqini taqazo etadi. Bu holat bugungi kunda milliy til bilan uyg‘unlashgan madaniyat va mentalitet masalalarini jadallik bilan tekshirayotgan lingvokulturologiya sohasida ham yaqqol ko‘zga tashlanadi [Maxmaraimova Sh, 2017:3].

Lingvomadaniyatshunoslik sohasining o‘rganish obyektlaridan biri madaniyat va mamlakatga xos bo‘lgan realiyalardir. Realiya (realise; realia – «moddiy», «haqiqiy») – bu ma’lum bir madaniyatga mansub xalqning turmushi, ma’naviy qarashlari, tarixi, an’analari, urf-odatlari, san’ati bilan bog‘liq bo‘lgan real faktlar. Realiyalar milliy va tarixiy kolorit ifodachisi bo‘lganligi uchun ularni boshqa tillarga tarjima qilish tarjimondan alohida yondashuv va mahorat talab qiladi [Musaeva F, 2020:92-96].

O.Axmanovaning fikriga ko‘ra, realiyalar – bu mumtoz grammatikada tashqi lingvistika tomonidan o‘rganiladigan turli-tuman omillar; moddiy madaniyat buyumlari [Axmanova O.S, 2007:381].

Ularga xalqning tarixi va madaniyatiga oid birliklar, shu tilda so‘zlovchilarning lisoniy aloqalari kabilarni kiritish mumkin. Tilshunoslik va tarjimashunoslikda predmetlarni ifoda etuvchi so‘z va iboralar keng ma’noda realiya deb yuritiladi [Xolmonova Z, 2021:2-11].

Milliy realiya: muayyan xalqning hayoti, turmushi, madaniyati, ijtimoiy-tarixiy taraqqiyoti uchun xarakterli bo‘lgan

predmetlar, hodisalar va obyektlarni nomlovchi, boshqa xalqlar uchun unchalik tushunarli bo‘lmagan, milliy koloritni ifodalovchi so‘zlar yoki so‘z birikmalari; muqobilsiz leksika turlaridan biri [Xudoyberganova, 2015:32] tarzida talqin qilinadi.

Badiiy matndagi realiya birliklar ma’lum narsa-buyum haqida axborot berish bilan birga shu narsa-buyumning lisoniy ifodasida aks etgan milliy-madaniy semalar, kognitiv belgi va pragmatik ma’noni ham ifoda etadi.

Realiya vazifasida, odatda, moddiy narsa-buyum, ashyolar ko‘p qo‘llansa, ayrim o‘rinlarda milliy munosabat, qadriyatlar ham mohiyatiga ko‘ra realiya hodisasini ifoda etadi. O‘zbek milliy qadriyatiga xos bo‘lgan «ko‘k kiyish» (aza tutish) – eri vafot etgan ayollar aza vaqtida (islomda aza uch kun, lekin eri vafot etgan ayollar uchun to‘rt oy-u o‘n kun) oddiy matodan qora yoki ko‘k libos kiyishadi. Ba’zi xalqlarda, jumladan o‘zbeklarda azani uzoq tutish – bir yilgacha qora yoki ko‘k kiyim kiyish, to‘y qilmaslik, to‘yga chiqmaslik va hakazo odatlar saqlangan. Bu udumlar xalq hayotiga g‘oyat singib ketgan. Boshqa millat vakillari ko‘pincha aza vaqtida qora kiyim kiyishadi, o‘zbek ayollari esa asosan ko‘k rangli kiyim kiyib, oq ro‘mol o‘rashadi.

«Ulug‘bek xazinasi» romanida Mirzo Ulug‘bekning volidai muhtaramasi bo‘lgan Gavharshod begim obrazi va uning ruhiy dunyosiga xos xislatlari yuqoridagi «ko‘k kiymoq» milliy realiya birligi orqali yorqin ifodalangan: *Mirzo Ulug‘bek ko‘zini yumib boshini sekin chayqadi. U volidai mehriboniga nisbatan ko‘nglida iliq bir tuyg‘u uyg‘otishga harakat qildi. Lekin ko‘z oldiga uzun bo‘yli, ko‘k ipak ko‘ylak kiyib, boshiga ko‘k ro‘mol o‘ragan, qo‘lidan tasbehi tushmaydigan kalondimog‘ bir xotin keldi... Bobosi Amir Temur Ko‘ragoniy shahodat sharobini ichgandan beri Gavharshod begim bu kiyimini, ko‘k ipak ko‘ylagi bilan k‘ok ro‘molini tashlamas, go‘yo sohibqiron uchun to o‘lguncha motam tutgan, shu bilan dunyo ishlaridan qo‘l yuvib, u dunyo g‘amiga o‘tgan edi.* Adib personaj qiyofasini, xarakter- xususiyatlarini, uning ichki kechinmalari, dard-u xasratlarini tasvirlashda o‘zbekona, ayollarga xos, o‘z jufti-haloliga uning vafotidan keyingi hurmatini, sadoqatini, el-ulus oldidagi sharm-hayosini motam belgisi bo‘lgan «ko‘k kiymoq» milliy

realiyasi orqali yorqin koʻrsatgan. Ushbu realiya adibning «Adolat manzili» romanida ham qoʻllangan. «Koʻk kiymoq» milliy realiya sifatida asar qahramoni Bibisoraning eri Mamat mergan halokatidan keyingi ruhiyat tasvirini, oʻy-kechinmalarini yaratishda muhim vosita boʻlib xizmat qilgan: *Yoʻq, bu odatda uloqdan joʻr qiyqiriq bilan qaytadigan uloqchilar toʻdasi emas, motam sukunatiga choʻmgan ulkan olomon edi! Olomon yaqinroq kelgach, qoʻsh ot ustida oq kigizga oʻrab-chirmalgan bir narsa koʻrindi. Yurak oʻlgur sezar ekan! Hamma baloni sezar ekan yurak oʻlgur: oq kigizga oʻralgan – Mamat merganning suyagi ekan!*

Bibisora egniga koʻk kiyib bir yil aza tutdi, U Mamat mergandan keyin boshqa er qilmayman, deb ont ichgan, undan qolgan yodgorim – Marjonoyni oq yuvib, oq tarab katta qilsam-u, yaxshi joyga berib, bu dunyodan tinchgina oʻtsam, u dunyoda Mergan bilan uchrashganimda yuzim oq, jismim pok boʻlsa, deb oʻylagan edi. Ushbu matnda qahramonning ruhiy kechinmalarini «koʻk kiymoq» milliy realiya birligidan tashqari, qandaydir noxushlik, kulfat yuz berganini sezish *yurak oʻlgur sezar ekan! Hamma baloni sezar ekan yurak oʻlgur* birliklari orqali ifodalangan. *Yurak oʻlgur* ifodasi ham oʻziga xos milliy realiya hisoblanadi, chunki *qurib ketgur, ogʻzingdan qoning kelgur, bir baloga yoʻliqgur* kabi qargʻishlarning boshqa tillardagi muqobili mavjud emas. Shuning uchun *yurak oʻlgur* birikmasini ham milliy realiya deb hisoblash mumkin. Ushbu romanda oʻzbek qizlariga xos boʻlgan iffat, hayo, sadoqat kabi xislatlarni oʻzida jo qilgan Oltinoy tasviri va uning ruhiy kechinmalari ham «koʻk kiymoq» milliy realiya birligi orqali tasvirlangan. Oltinoyning boʻlajak qaynotasi Suyun Burgut vafotidan keyin, xuddi allaqachon shu oilaga kelin boʻlib tushgandek aza tutib, koʻk kiyishi va bu tasvir orqali uning ruhiy iztiroblari, gʻam-tashvishlari tashqi qiyofasiga singib ketgan kechinmalari muallif tomonidan aniq va ravshan ifodalangan: *Sal oʻtmay, qoʻlida patnis, Oltinoy kirdi. Goʻyo Lochin bilan allaqachon qovushganday, goʻyo bu oilaga kelin boʻlib tushganday, goʻyo qaynotasiga motam tutayotganday koʻk koʻylak kiyib, boshiga koʻk doka roʻmol tashlab opti. Bu libos uning chehrasiga yurakni jiz ettiruvchi maʼsum bir maʼyuslik baxsh etibdi. Oʻziyam, toʻlin oyday yumaloq yuzi xiyol*

cho‘zilib, katta-katta ko‘zlari bo‘taloqning ko‘zlariday mo‘ltirab qopti! («Adolat manzili»)

Realiyalar, odatda, faqat shu xalq va elat moddiy madaniyati, o‘tmishiga oid nomlar, milliy qahramonlar va mifologik mavjudotlar nomi bo‘lishi mumkin. Yozuvchi asarlarida qahramon ruhiy holatini yoritishda badiiy tasvir vositasi sifatida frazeologik birikmalardan ham foydalanadi. O‘zbek tilida keng qo‘llanuvchi *«ko‘ngli g‘ash», «tabi xira»* iboralari insonning xafalik, g‘ashlik kabi ruhiy holatlarini ifodalaydi. Odil Yoqubov qahramon ruhiyatida kechayotgan tug‘yonlarini «ko‘ngli xufton», «dili xufton» frazeologik birikmalari orqali tasvirlaydi. Masalan, *Marjonoy, garchi Oltinoyning gaplaridan yuragi tars yorilay desa ham, qizaloqni qo‘lidan kelgancha yupatdi, «Qo‘rqma, hammasi yaxshi bo‘p ketadi», deb tasalli berdi, o‘zi esa, ko‘ngli xufton, tomga chiqib, Marjontovning yo‘liga tikildi. Qani endi Suyun burgutning qorasi ko‘rinsa, mashinasining changi chiqsa, Marjonoy bu changni ko‘zlariga to‘tiyo qilardi!* («Adolat manzili») Mazkur matnda *xufton* milliy realiya birligi ko‘ngil so‘zi bilan birikib qahramonning g‘ashlik, tushkunlik, bezovtalik holatlarini ifodalagan; *Bilmadim, buvim kelinoyim bilan gaplashdimi, gaplashgan bo‘lsa u nima dedi, lekin kelinoyim bir marotaba ham menga qayrilib qaramadi. ...Ko‘nglim xufton, men kecha-yu kunduz uning yo‘lini poyladim, bir og‘iz so‘ziga zor, uydan chiqqanida ko‘zlariga tikildim, lekin u har safar meni ko‘rganda uzoqdan teskari burilib ketar edi*. («Yaxshilik») Ushbu matndagi milliy realiya birligi (ko‘nglim xufton) qahramon ruhiyatida kechayotgan xafalik, behalovatlik, g‘am-alamdan iztirob chekish holatlarini yoritib berishga xizmat qilgan. Xufton o‘zbek milliy realiyasiga oid so‘z hisoblanadi. Xufton fors-tojikcha so‘z bo‘lib, «uxlamoq» degan ma’noni bildiradi. Xufton – quyosh botgandan bir-ikki soatdan keyingi kech soat yettidan o‘ngacha davom etadigan vaqt; diniy atama sifatida: quyosh botgandan keyin o‘qiladigan namoz. Xufton deganda ko‘pincha «xufton namozi» tushunchasi anglashiladi. Xufton xalq tasavvurida «qora», «qorong‘u» ma’nolarida ham o‘zlashib, frazeologik birikmaning shakllanishiga asos bo‘lgan. Masalan, *dili (ko‘ngli, ta’bi) xufton* iborasi xafa, g‘ash, tushkun kabi ma’nolarda qo‘llanadi [O‘zbek

tilining izohli lug‘ati, 2006:430]. Yozuvchi ushbu frazeologik birlik orqali, qahramonlarning xavotirlanish, xafalik, yuragidagi g‘ashlik holatlarini yorqin aks ettirgan. Yozuvchining obrazli tafakkuri, moddiy hayotidagi narsa-hodisalarning uning tasavvurida butunlay o‘zga olam ranglarida jilolanishi sanaladi. Bu tafakkur shakli uchun zamon va makon ikkilamchi hodisadir. Sababi ijodkor asarlarida inson ruhiy holatini ifodalashda, uning individual tasavvur olami ishga tushadi. «Adolat manzili» romanida yozuvchi qahramon ruhiyatidagi tug‘yonlarini «qumg‘on» o‘zbek maishiy turmush realiyasi asosida o‘xshatish vositasida badiiy tasvirlaydi: *Veteran, ko‘ziga hech narsa ko‘rinmay, asfalt yo‘lda qoqinib, go‘yo cho‘g‘ga ko‘milgan qumg‘onday qaynab, xayolan hamon Mansur mesh bilan olishar edi.* Mazkur matnda yozuvchi qahramonning alamdan, nafratdan o‘ta kuchli ga‘zablanish holatini qumg‘onning qaynashiga qiyoslaydi. Bilamizki, qumg‘on qaynaganda suv ko‘pirib, toshib idishdan tashqariga otilib chiqa boshlaydi. Bu holatni ijodkor asar qahramoni ruhiyatiga ko‘chiradi. Qumg‘on – choy qaynatish uchun mo‘ljallangan, misdan yasaladigan, ichi qalay bilan oqartirilgan, shakli ko‘zasimon, dastali, qopqoqli choy idish [O‘zbek tilining izohli lug‘ati, 2006:439]. Qumg‘on ko‘pincha o‘zbek hunarmandlari tomonidan o‘yma naqshlar bilan bezatiladi. Qadimdan sopol qumg‘onlar keng tarqalgan, sanoat rivojlanishi bilan ular temirdan, misdan yasala boshlagan. Hozirgi kunda bu idish deyarli ishlatilmasa-da, uning atamasi o‘zbek maishiy-turmush realiyasi sifatida og‘zaki va badiiy nutqda qo‘llanib kelinmoqda.

Odil Yoqubov qahramonlarining ruhiy holatini ifodalashda maishiy turmush realiyalari hisoblangan *qoziq* (qoqib kiritishga mo‘ljallangan o‘tkir yog‘och yoki temir), *moychiroq* (sopol yoki metaldan yasalgan idish, qadimda unga zaytun moyi quyib ishlatishgan), *doka (*paxta ipidan juda yupqa va siyrak to‘qilgan gazlama. Odatda oq, ba’zan ko‘k tusda tikilgan), *bigiz* (kosiblarning nina uchli metall quroli) kabi birliklardan unumli foydalangan. Buni quyidagi matnlar tahlilida kuzatamiz: U*ning ko‘zlarida shunday bir qo‘rquv, shunday bir daxshat bor ediki, men hech qachon o‘rni kelmaydigan yomon bir narsa ro‘y berganini his qildim-u o‘rnimda qoqqan qoziqdek qotib qoldim.* («Yaxshilik») Adib *qoziq* realiya

birligining qattiq jismdan yasalgani va uni yerga qoqilganda tik holatda turishini qahramon ruhiyati (karaxtlik holati) ga ko‘chirgan; *Malikul sharob dag‘al barmoqalari bilan tomog‘ini silab, «qult» etib yutindi, uning tokchadagi moychiroqday horg‘in multiragan ko‘zlari to‘satdan jiqqa yoshga to‘ldi.* («Ko‘hna dunyo») Ushbu matnda qahramonning tushkun kayfiyati uning ko‘zlarida aks etgan ifoda *moychiroq* realiya birligi vositasida ko‘rsatilgan; *Domla Shomuradov qalt-qalt titrab o‘rnidan turmoqda, uning dag‘al, yalpoq yuzi, qo‘llari dokaday oqarib ketgan edi.* («Diyonat») Asardagi personajning ichki ruhiyati (qo‘rquv) yuziga ko‘chgan *doka*ning rangiga qiyoslangan; *U hamon titrar, hamon yuragi bigiz suqilgandek bezillab og‘rirdi.* («Adolat manzili») Bigizning uchi juda o‘tkir bo‘lganligi bois mobodo biror joyga suqilsa, o‘ta kuchli og‘riq beruvchi temir metal hisoblanadi. Mantda ushbu *bigiz* realiya birligi qahramonning qattiq iztirobga tushish holatini ifodalagan.

Realiya birliklarining badiiy matnlardagi tadqiqi leksemalarning semantik taraqqiyotini tahlil qilishda muhim ahamiyat kasb etadi. Realiya birliklari ma’lum bir xalq, millat turmush tarziga oid tushunchalarni ifodalar ekan, vaqt o‘tgan sari semantik maydonida madaniy munosabatlarni, psixolingvistik, kognitiv belgilarni o‘zida namoyon eta boradi. Badiiy matndagi milliy realiyalar ham qahramonlar ruhiy holatini yorqinroq ochib berishga xizmat qiladi. Realiya milliy-madaniy qadriyatlar ifodasi sifatida badiiy matnga alohida ruh bag‘ishlaydi va ijodkor ruhiy olamining o‘ziga xos milliy xoslangan belgilarini namoyon qiladi.

Adabiyotlar

1. Maxmaraimova Sh. Lingvokulturologiya /O‘quv qo‘llanma/ – Toshkent: Cho‘lpon nomidagi NMIU, 2017. – B. 3.
2. Musaeva F. O‘zbek shevalarida milliy realiyalar // O‘zbek tili va adabiyoti. – Toshkent, 2020. – № 2. – B. 92–96.
3. Axmanova O.S. Slovar lingvisticheskix terminov. 4-ye izd. – M.: Kom Kniga, 2007. – S. 381.
4. Xolmonova Z. Realiyalar semantikasining tarjima matnlardagi ifodasi. Maqola. 2021.2.11. http://library.ziyonet.uz.
5. Xudoyberganova D. Lingvokulturologiya terminlarining qisqacha izohli lug‘ati. – Toshkent: Turon zamin ziyo, 2015. – B. 32.

6. Xolmonova Z. Realiyalar semantikasining tarjima matnlardagi ifodasi. Maqola. 2021.2.11. http://library.ziyonet.uz.
7. Normurodov R. Shukur Xolmirzaev asarlarining til xususiyatlari: Filol. fan. nomz. diss... avtoref. – Toshkent, 2000. – B. 4.
8. O‘zbek tilining izohli lug‘ati. 5 tomlik, 4-tom. – Toshkent: O‘zME, 2006–2008. – B. 430.
9. O‘zbek tilining izohli lug‘ati. 5 tomlik, 5-tom. – Toshkent: O‘zME, 2006–2008. – B. 439.

Rezyume

Maqolada til va tafakkurning o‘zaro munosabati, bu aloqadorlikning badiiy asar nutqida ifoda etilishi, unda til birliklarining aktuallashuviga sabab tugdiruvchi omillar, ruhiy holatning muallif reaiyasidagi ifodalanishi to‘g‘risida so‘z yuritiladi.

Kalit so‘zlar: til, tafakkur, milliy realiya, ularning o‘zaro munosabati, badiiy asar tili ijodiy tafakkurning namoyon bo‘lish shakllaridan biri sifatida, psixolingvistik qarashlar, psixolingvistik talqin.

Summary

The article talks about the relationship between language and thinking, the expression of this relationship in the speech of an artistic work, the factors that cause the actualization of language units in it, the expression of the mental state in the author's work.

Key words: language, thinking, national reality, their interaction, the language of artistic work as one of the forms of manifestation of creative thinking, psycholinguistic views, psycholinguistic interpretation.

Резюме

В статье говорится о взаимосвязи языка и мышления, о выражении этой связи в речи художественного произведения, факторах, обусловливающих актуализацию в ней языковых единиц, выражение психического состояния в авторском произведении.

Ключевые слова: язык, мышление, национальная действительность, их взаимодействие, язык художественного

произведения как одна из форм проявления творческого мышления, психолингвистические взгляды, психолингвистическая интерпретация.

ERGONIMLARNING FUNKSIONAL-SEMANTIK VA STRUKTUR TASNIFI XUSUSIDA

Fazilat Baxtiyorovna KULTAYEVA,
Termiz davlat universiteti
o‘zbek tilshunosligi kafedrasi o‘qituvchisi

U yoki bu nomni idrok etishda murojaatchi ongida paydo bo‘ladigan tasvir nomi ko‘rsatilgan korxona faoliyatidan ko‘proq yoki kamroq mavhumdir. Nominator assotsiativ-majoziy ismni «semantika kengligi» va nomda ishlatiladigan so‘z yoki so‘zlar bilan bog‘langan murojaatchi tomonidan qabul qilingan majoziy obyektiv va subyektiv assotsiatsiyalar asosida tanlaydi. S.M.Mezeninning so‘zlariga ko‘ra: «so‘z (leksema) tasvirga nisbatan eng moslashuvchan birlik bo‘lib, denotativ va belgilovchi funksiyalarni birlashtirgan semantikaning kengligi tufayli maksimal obrazli salohiyatga ega»[1]. Shuningdek, u «obyektga nisbatan tasvirning cheklangan, qo‘polligi aks ettirishning umumiy xususiyatidir, lekin faqat uning eng yuqori darajasida – inson idrok etish darajasida – tasvirning cheklanganligi va qo‘pollashishi ongli jarayondir». Ergonimlarning nomlari tarkibidagi semantika nuqtai nazaridan tahlil qilingan kafe, bar, restoran, o‘quv markazlari, savdo inshootlari nomlarini shartli ravishda quyidagi guruhlarga bo‘lish mumkin[2]:

1. Nominatsiyasi jonsiz nomlarga asoslangan ergonimlar guruhi: *«Diydor»* kafesi, «*Kayfiyat»* kafesi, *«Cnos»* kafesi, *«Yoqut»* bar, *«Samo»* kafesi, *«Bog»* kafesi, *«Milliy taomlar»* kafesi, *«Orzu»* kafe-bar, *«Yettinchi osmon»* kafesi, *«Oqshom»* karaoke-bar, *«Brilliant»* to‘y liboslari saloni, *«Ideal»* restoran-mehmonxona, *«Ideal plus»* kafesi, *«Istiqlol»*_to‘yxonasi, *«O‘zbegim»* kafe-bar, *«Tanho»*, *«Afruz»* restoran majmuasi, *«Yagona»* Disco & bar, *«Yulduz»* bari, *«Fayz»* savdo majmuasi, *«Surxon»* to‘yxonasi, *«Fayz»* bari, *«Sohil*» bari, *«Osiyo»* restorani, *«Ulfat»* kafe-bari,

«Kushon» restorani, *«Uch o‘g‘lon»* kafesi, *«Boss»* kafe-bari, *«Chaqmoq»* kafesi, *«Sofiya»* kafe-bari, *«Do‘stlar»* kafesi, *«Dinamo»* sport bari, *«Samo»* restorani, *«Bodom»* kafesi, *«Shashlik»* bari, *«Chinor»* oshxonasi, *«Dengiz marvaridi»* oshxonasi, *«Arslonbek»* oshxonasi, *«Avazbek»* restorani, *«Shodlik»* kafe va boshqalar. Bu usul ushbu turdagi nomlar uchun an’anaviy hisoblanadi[3]. Shu bilan birga, ta’kidlash joizki, ba’zi nominatsiyalar to‘g‘ridan-to‘g‘ri yoki assotsiativ ravishda kafe, bar, restoranlarga xos bo‘lgan xizmatlar turini ko‘rsatadi: *«Milliy taomlar»* choyxonasi, *«Sho‘rchi fast food»* tez ovqatlanish kafesi, *«Pizza»* tez ovqatlanish kafesi, *«MEaT BURGERS»*, gril bar *«BBQ BaR»* tez ovqatlanish restorani, *«Yess pizza»*, *«Sho‘rchi zakaz somsa»* oshxonasi, *«Tilla baliq»* oshxonasi, yetkazib berish bilan «avtosushi» kafe tarmog‘i, *«KFC»* tez ovqatlanish restorani (Kentucky Fried Chicken — «Kentucky Fried tovuq») bu esa ergonimning ma’lumot berish funksiyasining muhimligini tasdiqlaydi.

Bu guruhda fitonimlardan tuzilgan ergonimlarni alohida ajratish mumkin: *«Olma»* kafesi, *«Limon»* kafesi, *«Gul»* do‘koni, *«Manadarin-s»* bari, *«Sakura»* bari, kafesi, *«Pomidor fast»* oshxonasi.

Shuningdek, maqom bo‘yicha shaxsning xususiyatlarini o‘z ichiga olgan nomlar bilan ifodalanadigan ergonim-xarakteristikalar: kafe-bar *«Uch qirol»*, kafe-bar *«Lady»*, «*Monarx»* bar-restorani, *«Qirollar»* restorani, *«KOROLLA»* restoran bari, *«Bek»* kafesi, *«Malika»* maishiy-texnika do‘koni», *«Sultan»* maishiy-texnika do‘koni va boshqalar.

Ergonimlar guruhi nominatsiyasi tegishli nomlarga asoslangan. Bu guruhning asosini antroponimlardan hosil bo‘lgan onimlar tashkil etadi: *«Narimon hoji ota»* cafe, *«Sohib»* qurilish do‘koni, *«Ozoda»* kafesi, *«Sogdiana»* kafesi, *«Abdulla bobo»* muzqaymoqxonasi, *«Sohib Aralov»* kafesi, *«Shaxrizoda kafe-snack»* bar, *«Tura chapag‘on»* restorani, *«Kushon»* restoran majmuasi, *«Boybo‘ta»* choyxonasi, *«Sherzodbek»* oshxonasi, *«Botir»* oilaviy kafesi, *«Xojiyev»* oshxonasi, *«Bahrom»* oshxonasi, *«Nigora»* to‘y saloni, shou-bar *«Dilnoz GOLD»*, *«Dildora»* to‘y saloni, *«Nargiza-81»* qandolat do‘koni, *«Anvarbek»* kostyum-shim do‘koni, *«Mustafoxon»*

kostyum-shim do‘koni, *«Jalol ota»* savdo majmuasi, *«Nora»* to‘y saloni, *«Milana»* go‘zallik saloni, *«Shukrona»* restoran kafesi, *«Dinara»* to‘y saloni Nomlar aholining etnik madaniyatini aks ettiruvchi mifonimlardir.

Mifonimlar – afsona va ertaklardagi onomastik makonning har qanday sohasining xayoliy obyektining nomi: *«Pandora»* club-restoran, *«Yoqub»* o‘quv markazi, *«Humo»* savdo markazi, *«IQRO»* o‘quv markazi Pandora (qadimgi yunoncha Pandora - «hamma narsa bilan in’om etilgan» yoki hamma narsaga qodir), qadimgi yunon mifologiyasida - Zevs buyrug‘i bilan Prometey tomonidan odamlarga olov o‘g‘irlaganliklari uchun jazo sifatida yaratilgan birinchi ayol. Qiziq, u Zevsdan olingan idishni (Pandora qutisi) ochdi, undan barcha baxtsizliklar va ofatlar darhol dunyo bo‘ylab tarqalib ketdi va faqat Umid yopilgan qopqoq ostida qoldi. Bunday nomlar tasodifiy emas, ular hissiy va ruhiy ta’sirga, mijozning ijobiy assotsiatsiyasini uyg‘otishga qaratilgan.

Tirik mavjudotlar va tirik deb qabul qilingan mavjudotlarni deb ataydigan ergonimlarni alohida guruh sifatida ajratib ko‘rsatish kerak: *«Delfin»* mashina ehtiyot qismlari do‘koni, *«Gul»* do‘koni, *«Burgut»* kafesi, *«Lochin»* kafesi;

Noaniq semantikaga ega bo‘lgan eng kichik nomlar guruhi *«APIL-TAPIL»* tez oshxonasi, *«C-3»* kiyim-kechak do‘koni.

Tahlil qilingan barcha inshoot nomlarini ham haqiqiy, ham ramziy nomlarga bo‘lish mumkin[4]:

1. Haqiqiy ergonimlar, o‘z nomi bilan ushbu obyektning mazmuni yoki faoliyatini bildiradi: *«Kabob»* choyxonasi, *«Tirik baliq»* oshxonasi, *«Do‘mboq jo‘ja»* grill markazi, milliy taomlar oshxonasi, oziq-ovqat do‘koni, *«Tabiiy gullar»* do‘koni, telefon ustaxonasi, *«Kitoblar olami»* kitob do‘koni tez ovqatlanish restorani. Haqiqiy motivatsiyaga ega ergonimlar kompaniya xizmatlari haqida eng keng tasavvurni beradi, aniq, iste’molchilarni chalg‘itmaydi, lekin ular ramziy bilan solishtirganda kichik guruh bilan ifodalanadi. Haqiqiy motivatsiyadan farqli o‘laroq, ramziy motivatsiya korxona faoliyati va mazmuni haqidagi savolga javob bermaydi. U masofadan turib bu haqda tasavvur berishi mumkin[5]: *«Samo»* to‘yxonasi, *«Qadam»* restorani va boshqalar. U mavhum tabiatga ega bo‘lib,

tadbirkorning faoliyat doirasini ko‘rsatmaydi: *«Mo‘jiza»* tikuv-sexi, *«INMART»* ko‘ngilochar savdo markazi, *«AFSONA»* kelin liboslari uyi, *«Daymart»* savdo majmuasi va boshqalar. Zamonaviy davr xilma-xillik bilan ajralib turadi. Har bir nom alohida ajralib turishini va mijozni hayratda qoldirishini xohlaydi. Zamonaviy til modasining ajoyib xususiyatlaridan biri bu til o‘yinidan foydalanishdir.

Grafikani qasddan buzish, ismning istalgan qismini ajratib ko‘rsatish unga yangi ma’no tus beradi va ko‘pincha qabul qiluvchini qiziqtiradi: *«BiroN»* oshxonasi, *«CHINor»* shashliklari.

Shunday qilib, biz tomonidan tahlil qilingan ergonimlarning aksariyati pragmatik xususiyatga ega bo‘lib, bu Surxondaryo viloyati ergonimlariga xos bo‘lgan, mijozni nomga nisbatan ijobiy his-tuyg‘ularni uyg‘otishga qaratilgan umumiy ovqatlanish, o‘quv markazlari, savdo do‘konlari nomlari o‘z-o‘zini reklama qilish elementini ko‘rsatadi. Ergonimlar nominativ(nomlash, atash) funksiyani bajarish uchun tan olingan, ular tarkibiy jihatdan ajralmas birliklardir. Tijorat tashkilotlarining ergonimlarining aksariyati bir so‘zli oddiy shakllar bilan ifodalanadi, ikki so‘zli konstruktsiyalar kamroq tarqalgan. ergonimlarning strukturaviy turlari:

1. Bir asosli (uning asosi bir ildizga to‘g‘ri keladi): *«Mo‘jiza»* tikuv sexi, *«Lochin»* kafesi, «*Burgut»* kafesi, *Grand»* kafesi «Diydor»kafesi, «Orzu» to‘yxonasi, «Afruz» restorani, «Versal» kafesi, «Qadam» restorani, «Samo» to‘yxonasi, «Fonon» tilla do‘koni, «Malika» maishiy-texnika do‘koni, «Orient» soat do‘koni, «Barbie» to‘y saloni, «Iqro» o‘quv markazi, «Cnos» kafesi, «Marjona» to‘y liboslari, *«Ostona»* eshiklar do‘koni.

2. Yasamalar (asos va qo‘shimcha mavjud): *«O‘qituvchi»* kitob do‘koni, *«Sevimli»* kafe-bar, *«Shukrona»* kafesi kabilar.

3. Kompleks (asosida ikki yoki undan ortiq ildiz morfemalari mavjud): Technoshop, «Shoxsaroy» to‘yxonasi, kabilar.

4. Tegishli ismlar: «Dildora» to‘y saloni, «Nora» to‘y saloni, «So‘g‘diyona» kafesi, «Bek» kafe-bari, «Ozoda» kafe-bari.

5. Ikki-uch so‘zdan iborat ergonimlar: *«Yettinchi osmon»* kafe-bari, «*MEaT BURGERS»* gastrobari, *«TEMIR GULLAR»* mashina ehtiyot qismlari do‘koni, *«Ilm nuri»* o‘quv markazi, *«Story grand»*

qurilish mollari do‘koni, *«Oltin shaharcha»* maktabgacha ta’lim muassasasi.

O‘rganilayotgan ergonimlar, qoida tariqasida, ikki usulda shakllanadi: semantik va to‘g‘ri so‘z yasalishi. Semantik usul ergonim-so‘zlar bilan ifodalanadi:

a) Transonimizatsiya. Bu jarayonida boshlang‘ich onamastik birliklarning faoliyati har xil bo‘ladi. Bunda antroponimlar va toponimlar ko‘proq ishlatiladi, boshqa sinflarning birliklari esa kamroq ishlatiladi. Transonimizatsiya paytida asl nomning shakli o‘zgarishsiz qoladi. Umumiy ovqatlanish muassasalari, asosan, antroponimlar bilan ifodalanadi: *«Nikol»* restorani, *«So‘g‘diyona»* kafesi, *«Dinara»* go‘zallik saloni kabilar. Familiyalar alohida holatlarda qo‘llaniladi: *«Xojiyev»* restorani, *«Mirzayev»* oziq-ovqat do‘koni;

b) Transonimizatsiyaning dastlabki nomlari sifatida toponimlar ko‘p emas: *«Sho‘rchi»* restoran majmuasi, *«Denov zakas somsasi»*, *«Jarqo‘rg‘on tandir go‘shti»*.

Surxondaryo viloyatidagi ergonimlarning strukturaviy xususiyatlarini hisobga olib, nominatsiyalarni mulkchilik nuqtai nazaridan quyidagi tarzda tasnifladik[4]:

1) ergonim - ot: *«CHinor»* restorani, *«Diydor»* kafesi, *«Bek»* kafe-bar, *«Zefir»* va boshqalar;

2) ergonim - sifat: *«Pokiza»* restorani, *«Tanho»* restorani;

3) ot + ot: restoran *«Dengiz marvaridi»,* bar *«Rustami Doston»* restoran *«Sayohatchilar klubi»;*

4) sifat + ot: *«Shirin hayot»* mebellar uyi.

Termiz shahrining ergonimlarini nomlar tomonidan bajariladigan asosiy funksiyalar nuqtai nazaridan tahlil qilaylik:

1) obyektni aniqlashning nominativ funksiyasi (har qanday to‘g‘ri nomning asosiy funksiyasi);

2) informatsion;

3) reklama (tovar va xizmatlarni sotish sohasi uchun mo‘ljallangan nomlarning o‘ziga xos funksiyalari).

Agar ushbu uchta funksiyani amalga oshirish nuqtai nazaridan ergonimlarning yig‘indisini ko‘rib chiqsak, unda ergonomik sohada har xil turdagi nominatsiyalar quyidagicha taqsimlanadi: ergonomik

maydonning periferiyasi informatsion bo‘lmagan va bo‘lganlardan iborat. Reklama nomlari: *«Chinor»* restoran majmuasi, *«Yettinchi osmon»* kafe-bari, *«Lady»* kafe-bari, *«Fayz»* savdo majmuasi, «*Siz uchun»* restorani, *«Bek»* kafe-bari, *«Dengiz marvaridlari»* restorani, *«Kushon»* qahvaxonasi, *«Ali Murtazo»* savdo majmuasi va boshqalar. Tegishli nomlardagi ma’lumotlar va ularni taqdim etish usuli tufayli ergonimlar o‘zlarining asosiy maqsadiga - mijozlar e’tiborini jalb qilishga erishadilar. Termiz shahridagi kafelar, barlar, restoran, savdo inshootlari, to‘y salonlarining nomlari ikki turdagi: reklama va informativ ma’lumotlarni o‘z ichiga oladi.

Iste’molchining e’tiborini jalb qilish uchun ergonimdagi oqilona ma’lumotlar eng dolzarb hisoblanadi. Odatda, bu so‘zning keng ma’nosida taqdim etilayotgan xizmat haqida ma’lumot: *«Abdulla bobo»* osh markazi, *«Brilliant»* tilla taqinchoqlar do‘koni, *«Baraka»* oziq-ovqat do‘koni va boshqalarni misol tariqasida ko‘rsatish mumkin. Reklama ma’lumotlari - bu farqlovchi va baholovchi xususiyatning boshqa turi: *«Kushon»* restoran tipidagi kafe, *«Inmart»* va *«Daymart»* savdo markazi kabilar.

Shunday qilib, go‘zallik salonlari nomlarining ishlash xususiyatlarini tahlil qilib, muvaffaqiyatli ergonim yaratish uchun bir nechta muhim shartlarni aniqlash mumkin deb hisoblaymiz:

1. Ergonimlarni hosil qilishda ism qolipli, ma’nosiz va omonim bo‘lmasligi uchun nom yaratish imkoniyatlaridan to‘liq foydalanish kerak. Siz individual nom yaratishga harakat qilishingiz kerak. Omonimiyaning mavjudligi ergonimiyada jiddiy kamchiliklardan biridir.

2. Nom yaratishda adresant o’zbek tili imlo qoidalariga e’tibor berishga majburdir.

3. Nomlarda korxona faoliyati turiga zid bo‘lgan soxta uyushmalar bo‘lmasligi kerak.

4. Chet el lug‘atini haddan tashqari ko‘p ishlatishga berilmaslik kerak.

5. Iloji bo‘lsa, o‘rganilayotgan hududning o‘ziga xos xususiyatlarini hisobga oling.

Shunday qilib, ergonimning samarali ishlashining muhim shartlaridan biri bu nominatorning maqsadi va nomning turli xil

psixologik va motivatsion xususiyatlarga ega bo‘lgan potentsiali adresat tomonidan idrok etilishining tengligidir. Iste’molchi uchun ergonimning informativligi ustuvor komponent hisoblanadi. Bu tovar sotishda birinchi navbatda katta rol o‘ynaydigan oqilona ma’lumotdir. Shu sababli, reklama jozibadorligidan ko‘ra ma’lumotlilikni tanlagan nomzodlar muqarrar ravishda g‘alaba qozonishadi. Hozirgi vaqtda informatsion ergonimlar sonining ko‘payishi tendentsiyasi kuzatilayotgani bejiz emas.

Adabiyotlar

1. Мезенин С. М. Образность как лингвистическая категория // Вопросы языкознания. – 1983. – №6. – С. 49 24
2. Kultayeva F. Ergonimlarning jahon va o‘zbek tilshunosligida o‘rganilishi / E Conference Zone. 2022.
3. Kultaeva F. Study of ergonyms in uzbeki linguistics / World Bulletin of Social Sciences 16 (2022): 11-14.
4. Kultayeva F. Production Characteristics of Ergonomics // American Journal of Language, Literacy and Learning in STEM Education (2993-2769) 1.10 (2023): 666-670.
5. Kultaeva F. Analysis of ergonomic units at the onomastic level. (2022).

Rezyume

Ergonimlarning aksariyati pragmatik xususiyatga ega bo‘lib, bu Surxondaryo viloyati ergonimlariga xos bo‘lgan, mijozni nomga nisbatan ijobiy his-tuyg‘ularni uyg‘otishga qaratilgan umumiy ovqatlanish, o‘quv markazlari, savdo do‘konlari nomlari o‘z-o‘zini reklama qilish elementini ko‘rsatadi. Ergonimlar nominativ(nomlash, atash) funksiyani bajarish uchun tan olingan, ular tarkibiy jihatdan ajralmas birliklardir. Ushbu maqolada joy nomlariga xos ana shu jihatlar tahlilga tortilgan.

Kalit so‘zlar: ergonimik birliklar, ergonimlarda pragmatika.

Summary

Most ergonyms are of a pragmatic nature, which is typical for the ergonyms of the Surkhandarya region, and the names of restaurants, educational centers, and shopping stores, aimed at evoking positive feelings in the buyer towards the name, speak for

themselves. Ergonyms are recognized as performing a nominative (naming, nominal) function; they are structurally inseparable units. This article analyzes these toponym-specific aspects.

Key words: ergonomic units, pragmatics in ergonomics.

Резюме

Большинство эргонимов имеют прагматический характер, что характерно для эргонимов Сурхандарьинской области, а названия ресторанов, образовательных центров, торговых магазинов, направленных на то, чтобы вызвать у покупателя положительные чувства по отношению к названию, говорят сами за себя. Эргонимы признаются выполняющими номинативную (назывательную, именную) функцию, они являются структурно неразделимыми единицами. В данной статье анализируются эти специфические для топонимов аспекты.

Ключевые слова: эргономические единицы, прагматика в эргономике.

ELEKTRON MORFEM O‘QUV LUG‘ATINING TIL TA’LIMIDAGI ROLI

Saodat BOYSARIYEVA,
Termiz davlat universiteti
o‘zbek tilshunosligi kafedrasi o‘qituvchisi

Bugungi kunda o‘zbek tilidan amaliy foydalanish kompetensiyasini shakllantirish dolzarb vazifa sifatida ko‘rilmoqda. Mamlakatimizda ona tili ta’limiga qaratilayotgan keng ko‘lamli islohotlar jamiyatda og‘zaki va yozma nutqini ravon bayon etuvchi, savodxon yoshlarni tarbiyalashni ko‘zda tutadi hamda o‘zbek tilini chet tili sifatida targ‘ib etish masalalarini qamrab oladi. Jamiyatda tillararo kommunikatsiyani ta’minlash, til qurilishini tadqiq etish, tilni me’yorlashtirish, til egasining tafakkuri, nutqini o‘stirishda hamda til o‘zlashtirishda lug‘atlarning o‘rni beqiyosdir.

Globallashuv asrida esa til ta’limida interaktivlik, rang-baranglik, tezkorlik, qulaylik kabi imkoniyatlarni taqdim etuvchi

vositalar (elektron darsliklar, o‘quv platformalari, elektron lug‘atlar) qo‘l keladi. O‘tgan asrning 50-yillarida paydo bo‘lgan elektron lug‘atlarning til ta’limidagi ahamiyati bir qator ilmiy nashrlarda o‘z isbotini topgan. Amaliy leksikografiya hamda kompyuter lingvistikasi sohalarining obyekti hisoblangan elektron lug‘atlarni yaratish va ommalashtirish har ikki soha oldida turgan vazifadir. Tadqiqotchilar lug‘at tuzish amaliyotiga kompyuter texnologiyalarining jalb etilishi til darslarini samarali tashkil etishda qo‘l kelishini ta’kidlab o‘tishgan [1. B. 3-5.]. Ma’lumki, lug‘atlardan yozma nutqni me’yorlashtirish maqsadida foydalaniladi.

Ona tili va chet tili darslarida so‘z yasalishini o‘rganish o‘quvchining til savodxonlik darajasini oshishiga yordam beradi [2. B. 7.]. Shu sababli ham ko‘pgina tadqiqotchilar so‘z yasalishi bu faqat ilg‘or o‘quvchilar uchun deb ta’kidlashadi.

Til va o‘quvchining lug‘at boyligini oshirishda so‘z yasash qonuniyatlari yetakchilik qiladi. Muayyan tilni o‘zlashtirishda o‘quvchining so‘z boyligini rivojlantirish uchun quyidagi jihatlarga e’tibor berish o‘rinlidir:

1. So‘zni kontekst asosida o‘rganish;
2. Lug‘atdan foydalanish;
3. So‘zni grammatik tahlil qilish (morfem tahlil).

O‘zbek lug‘atchiligida so‘zlarning ilk bor morfem tahlilda berilishi A.G‘ulomov, A.N.Tixinov, R.Qo‘ng‘urov [3. B. 9-10.] muallifligi ostida nashr etilgan «O‘zbek tili morfem lug‘ati» talabalar auditoriyasiga qaratilgan, shuningdek, bir vaqtning o‘zida imlo lug‘at vazifasini ham bajargan. Mualliflarning ta’kidlashicha, lug‘at vositasida o‘zak, so‘z yasovchi, so‘z o‘zgartiruvchi qo‘shimchalarning qo‘shiluvi natijasida sodir bo‘ladigan fonetik o‘zgarishlar haqida ham ma’lumot olishlari, yozuvdagi har xillikni oldini olishda ham foydalanish mumkin bo‘lgan. Yuqorida ta’kidlab o‘tilgandek, o‘zbek tilining morfem lug‘ati talabalar uchun edi. Jahon kompyuter leksikografiyasining tajribasiga ko‘ra dastlabki elektron lug‘atlar tilda mavjud bosma lug‘atlarni raqamlashtirish mahsulidir. Xuddi shu yondashuvga asosan elektron shakldagi morfem o‘quv lug‘ati shu vaqtga qadar yaratilgan morfem lug‘atlardan quyidagi jihatlari bilan farqlanishini nazarda tutiladi [4. B. 2.]:

1. Lug‘at o‘zida sinxron yondashuvga asoslangan morfem tahlilga egaligi;
2. Lug‘atdan foydalanuvchi olgan bilimlarni tekshirish imkonini beruvchi grammatik topshiriqlar mavjudligi;
3. Qidiruv interfeysida so‘zlarning grammatik shakllari aniqlanganligi;
4. Grammatik qo‘shimchalar kombinatsiyasi hisobga olinganligi;
5. Morfem hosila birliklari modellashtirilganligi;
6. Lug‘at tarkibidagi so‘zlar faol- nofaol so‘zlarga ajratilganligi;
7. Lug‘at tuzish asosida o‘zakdosh so‘zlar lug‘ati shakllantirilganligi.

Morfem lug‘at asnosida o‘zakdosh so‘zlar lug‘ati shakllantirildi.

ehtiyot	ehtiyot/kor, ehtiyot/kor/lik, ehtiyot/kor/ona, ehtiyot/la, ehtiyot/lik, ehtiyot/siz, ehtiyot/siz/lik
ek	ek/in, ek/in/li, ek/in/siz, ek/in/zor, ek/uv/chi, ek/uv/li, ek/uv/siz

Ushbu lug‘atda 11 917 ta so‘z bo‘lib, ulardan 3 735 tasi o‘zakdosh so‘zning birinchi asosi hisoblanadi. 3 735 ta birlikning 63,2 % ini ot so‘z turkumi tashkil etganini yuqoridagi jadvalda ko‘rishingiz mumkin. Miqdor ko‘rsatgichlariga muvofiq quyidagi tartibni keltirish mumkin. Ot 2362 ta, sifat 686 ta, fe’l 361 ta, taqlid so‘z 228 ta, ravish 57 ta, son hamda olmosh 12 tadan, modal so‘z 9 ta, undov so‘z 8 ta asosdan iborat.

O‘zakdosh so‘zlarning turkumi	O‘zakdosh so‘zlarnig birinchi asosi	%	O‘zakdosh yasama so‘zlar soni	%	Bir uyaga mansub so‘zlar miqdori
Fe’l	361	9,7	1200	14,6	1561
Ot	2362	63,2	5232	63,9	7597
Sifat	686	18,3	1234	15,0	1920

Ravish	57	1,5	111	1,35	168
Son	12	0,3	29	0,35	41
Olmosh	12	0,3	27	0,33	39
Taqlid so‘z	228	6,1	315	3,85	543

Tadqiqotimiz davomida shakllantirilgan so‘z tarkibi lug‘ati hamda morfemalar modeli ham inson, ham mashina omilini inobatga oladi. Ya’ni lug‘atdan grammatik bilimlarni mustahkamlash maqsadida talaba, o‘quvchilar bilan bir qatorda kompyuter leksikografiyasi uchun lingvistik resurs vazifasida ham foydalanish mumkin. O‘quv lug‘atlari maktablarda asosiy qo‘llanma vazifasini bajaradi. O‘quv lug‘ati tarkibi so‘zlardangina iborat bo‘lmay, balki muayyan darajada til ko‘nikmasini shakllantirish uchun interaktiv grammatik topshiriqlar ishlab chiqilishi nazarda tutilgan. Barcha so‘zlarning ma’nosini izohlashda o‘zbek tili elektron korpusidagi http://uzbekcorpus.uz/ o‘zbek tilida yaratilgan lingvistik lug‘atlar, tilning morfologik ma’lumotlar bazasi, o‘quv adabiyotlari va turli janrdagi ilmiy, rasmiy, badiiy matnlar namunalaridan o‘rinli foydalanildi.

Elektron morfem o‘quv lug‘atlarni o‘z navbatida 2 xil ko‘rinishda foydalanuvchilarga taqdim etish mumkin:

1. Windows uchun mo‘ljallangan dasturiy ta’minot asosida (online va CD-ROM);
2. Mobil ilovalar ko‘rinishidagi lug‘atlar (android).

Web-sahifa ko‘rinishidagi morfemalar lug‘atini http://tilshunos.com/ sahifasi orqali topish mumkin. Platforma ta’limiy xarakter kasb etadi. Ushbu sahifa morfemalalar lug‘atida tashqari, omonim, sinonim, paronim so‘zlar lug‘atini ham o‘z ichiga olgan.

Muayyan tilini o‘zlashtirishda tildagi so‘z yasalish modelini o‘rganish so‘z turkumlarini yaxshi o‘zlashtirishga ko‘maklashadi. Ona tili va chet tilini o‘zlashtirish jarayonida so‘z yasalishini o‘rganish o‘quvchining til savodxonlik darajasini oshishiga yordam beradi [2. B.12]. Shu sababli ham ko‘pgina tadqiqotchilar so‘z yasalishi bu faqat ilg‘or o‘quvchilar uchun deb ta’kidlashadi.

Til va o‘quvchining lug‘at boyligini oshirishda so‘z yasash qonuniyatlari yetakchilik qiladi. So‘z yasalishi muayyan

qonuniyatlarga bo‘ysunuvchi, tilni va til o‘rganuvchining so‘z boyligini boyituvchi vosita hisoblanadi.

O‘zbek tili ta’limi hamda amaliy leksikografiyaimizning iqtiqboli hisoblangan elektron lug‘atlarni yaratish, ularni ona tili darslarida o‘quvchining mustaqil ishlashi uchun foydalanishda samara beradi.

Adabiyotlar

1. Sue Atkins B.T. (ed.), 1998, Using Dictionaries: Studies of Dictionary use by Language Learners and Translators.
2. Tschichold C., Hacken P. Word-formation in second language acquisition. – Mouton de Gruyter, 2015.
3. Ғуломов А., Тихонов А., Қўнғуров Р. Ўзбек тили морфем луғати. – Тошкент: Ўқитувчи, 1977. – 463 б.
4. Boysariyeva S. Electronic dictionaries as a new stage of lexicography //Science and Innovation. – 2024. – T. 3.– №. 2. – C. 32-34.
5. http://uzbekcorpus.uz/
6. http://tilshunos.com/

Rezyume

Maqolada lug‘at tuzish amaliyotiga kompyuter texnologiyalarini jalb etish mazkur yo‘nalish rivojida muhim ahamiyat kasb etishi haqida fikrlar ilgari surilgan. Shuningdek, ona tili darslarida morfologiyani o‘qitish samaradorligiga erishish maqsadida elektron morfem o‘quv lug‘atidan foydanish taklif etilgan.

Kalit so‘zlar: lug‘at tuzish amaliyoti va kompyuter texnologiyalari, elektron morfem o‘quv lug‘ati.

Summary

In the article, opinions are put forward that the involvement of computer technologies in the practice of creating a dictionary is of great importance in the development of this direction. It is also suggested to use the electronic morpheme educational dictionary in order to achieve the effectiveness of teaching morphology in mother tongue classes.

Key words: vocabulary practice and computer technology, electronic dictionary for studying morphemes.

Резюме

В статье выдвигаются мнения, что привлечение компьютерных технологий в практику создания словаря имеет большое значение в развитии этого направления. Также предлагается использовать электронный морфемный учебный словарь для достижения эффективности преподавания морфологии на уроках родного языка.

Ключевые слова: практика словарного запаса и компьютерные технологии, электронный словарь для изучения морфем.

TIBBIY TERMINLARNING LINGVOSTILISTIK XUSUSIYATI

Mirziyo Eshnozarovich QOBILOV,
Termiz davlat universiteti
o‘zbek tilshunosligi kafedrasi o‘qituvchisi

Kasallik nomlariga oid terminlarning stilistik tuzilishi va uning jahon tilshunosligidagi tadqiqi borasida ko‘plab izlanishlar olib borilmoqda. Jumladan, rus tilshunosligida f.f.d, prof. T.V. Kochetkova ilmiy rahbarligida «Названия болезней и их стилевой диапазон» (Kasallik nomlari va ularning uslub diapazoni) M.Ye.Chijova muallifligida maqola (2013) e’lon qilingan bo‘lib, maqolada shifokor va bemor o‘rtasidagi aloqa jarayonida ishlatiladigan kasallik nomlarining tahlili amalga oshirilgan, muallif kasallik nomlarining o‘ziga xos xususiyatlari yuzasidan tipologik tadqiqotlar olib boradi va ushbu nominatsiyalarning mumkin bo‘lgan stilistik diapazonini hisobga olgan holda ularni tasniflashga urinish amalga oshiriladi, [1, B.5] «Лингвостилистические особенности научно-популярных медицинских текстов» (Ilmiy-ommabop tibbiy matnlarning lingvistik va stilistik xususiyatlari) (muallifeferat-2012) N.I.Dortsueva [2, B.3] kabilar tomonidan o‘rganilgan va shu kabi ilmiy izlanishlar hozirgi kungacha ham olib borilmoqda.

Ilmiy uslub fan, texnika, ishlab chiqarish va shu kabi sohalar bilan bog‘liq bo‘ladi. Shunga ko‘ra o‘ziga xos vazifa ham bajaradi.

Ilmiy nutq, asosan, ilmiy ishlar nutqi bo‘lib, uning aniq ko‘rinishlari ilmiy maqola, ilmiy risola, dissertatsiya, monografiyalar, ilmiy ma’ruzalar shaklida namoyon bo‘ladi.

Har bir stilning, shu jumladan, ilmiy stilning ham ikkita muhim belgisi bor: birinchisi, ekstralingvistik, ikkinchisi, lingvistik belgilardir. Ekstralingvistik belgilar bevosita til hodisasiga kirmagani uchun ba’zi olimlar uni tekshirish obyektiga kiritmaydilar, ba’zilari bu belgilarni ham hisobga oladilar.

Ekstralingvistik belgilarga ijtimoiy faktlar, aloqaning vazifa vamaqsadi hamda uslubiy sathlari kabi hodisalar kiradi. Bu o‘rinda uslubiy sathlar haqida fikr yuritamiz. Bir butun milliy adabiy tilning bir necha funksional uslublarga bo‘linishi obyektiv hodisadir. Chunki jamoa a’zolari ijtimoiy-sotsial talablardan kelib chiqib turli guruhlar (olimlar, yozuvchilar, publitsistlar, davlatning ish yurituvchilari kabi) ga bo‘lingan. Bu sotsial guruhlarning o‘zaro aloqa qilishi natijasida (nutqning kimga qaratilganligi jihatidan) ular o‘z tillarini, ya’ni nutqlarini yaratganlar. Har bir nutq ma’lum darajada o‘z an’ana hamda nutqqa bo‘lgan talabini saqlaydi. Shuning uchun hech vaqt ilmiy nutq badiiy nutq kabi, badiiy nutq esa ilmiy nutqdek tuzilmaydi.

Har bir nutqqa bo‘lgan talab aloqaning maqsad va vazifasi, axborot beruvchi va qabul qiluvchi, aloqa formasi kabi birinchi darajali ekstralingvistik faktorlardan kelib chiqadi. Ilmiy nutqning maqsad va vazifasi ilmiy aloqadan: axborot beruvchi — olimlar, qabul qiluvchilar esa — oliy ma’lumotli kishilardan; aloqa formasi yozma yoki og‘zaki adabiy nutq shaklidan iborat bo‘lishidir. Shu faktorlar natijasida ilmiy uslub shakllanadi va yaxlit adabiy til fonida boshqa nutq turidan farqli bo‘lib turadi.

Ilmiy uslubda fikr ifodalash usuli ham boshqachadir. Uni badiiy yoki so‘zlashuv nutqlariga qiyoslasak, o‘rtadagi farq yanada konkretlashadi. Ilmiy matn obyektiv haqiqatni logik tafakkur, mantiqiylik orqali aks ettiradi. Shuning uchun ilmiy adabiyot boshidan oxirigacha asosan muhokama yuritish va isbotlashdan iborat bo‘ladi. Bu hodisalar uning stil sathlarida aks etadi.

Ilmiy uslubning sathlariga aniqlik, obyektivlik, mantiqiy izchillik, neytrallik, qisqalik va to‘liqlik kabi faktorlar kiradiki, bu

faktorlar ko‘p hollarda ilmiy matnning lingvistik belgilarida ko‘rinadi.

Har qanday nutq narsa va hodisani aniq tasvirlashga harakat qiladi. Ilmiy nutq narsa va hodisani mantiqiy fikrlash, mantiqiy mushohada yuritish orqali izchil bayon etadi.

Aniqlik hodisasi predmet ma’nosini anglatuvchi so‘zlarning nominativ ma’noda ishlatilishida, monosemantik xususiyatga ega bo‘lishida, sinonimiyaning bir qadar chegaralanishida, atamalarning ilmiy nutqqa mos qo‘llanishida ko‘rinadi. Umuman, aniq fikrsiz bilimning bo‘lishi mumkin emas. Ayni shu jihat ilmiy matn yoki ilmiy uslubning o‘ziga xos jihati hisoblanadi.

Obyektivlik narsa va hodisalarning haqqoniy ekanligida, ularning aniq fan tushunchalari asosida izohlanishida, fikrning faktik materiallar, teorema va formulalar, misollar bilan isbot qilinishida, bunga kishining to‘liq ishonch hosil qilishida yana ham yaqqol ko‘rinadi.

Mantiqiy izchillik mavhum otlar va atamalarning ko‘p qo‘llanishida, fikrning bir-biriga mantiqiy bog‘lanishida, bayon etilishida, takrorning miqdor jihatdan ko‘p bo‘lishida, takrorning ilmiy nutq uchun normalligida, ilmiy nutqda izchillikni yuzaga keltiruvchi maxsus o‘ziga xos birikma va so‘zlarning (*yuqorida, quyida, bu o‘rinda, xulosa qilib aytganda, yuqoridagilardan ko‘rinadiki* va boshqalar) mavjudligida aks etadi.

Qisqalik ilmiy nutqqa xos belgidir. Ilmiy bayon ortiqcha tasvirni, izohni talab etmaydi. Shuning uchun ilmiy bayonda narsa va hodisalar tasviri uchun uzundan-uzoq o‘xshatish, sifatlash, parallelizm kabi tasviriy vositalar qatnashmaydi. Bu kabi ortiqcha bayon fikrni chalg‘itib, diqqatni bo‘ladi. Shu sababli: ilmiy bayon doimo qisqalikka intiladi. U, asosan, yoyiq sodda gaplardan tuziladi. Qo‘shma gaplar tarkibida bog‘lovchilar ko‘proq ishlatiladi.

To‘liqlik ilmiy nutqning sintaktik belgilarida ko‘rinadi. Tushuncha ma’nosini anglatgan so‘zlar aniq ma’noni to‘la qamrab olishga harakat qilar ekan, nutqda shu ma’noni tashuvchi aniqlovchi, to‘ldiruvchi, hol, kesim kabi bo‘laklar tushirib qoldirilmaydi. Ilmiy nutqda to‘liqsiz gaplar uchramaydi. Bunga ilmiy nutqning monologik xarakterda bo‘lishi ham sababchidir.

Ilmiy nutqda so‘zlovchi (men), muallif hamda tinglovchi (*sen, siz* birlik) kitobxon mavjud. So‘zlovchi o‘z nutqini II shaxs orqali barchaga qaratadi. Ilmiy uslubda III shaxs, o‘zga ishtirok etmaydi. O‘zganing fikri muallif tomonidan bayon etilishi mumkin (masalan, *u bunday degan edi, uning fikricha....* kabi o‘zganing fikri keltiriladi).

Ilmiy nutqda tinglovchi xabarni o‘zi oladi, lekin o‘zgaga xabar qilish ma’nosida nutq tuzilmaydi (masalan*, unga aytib qo‘ying, unga tushuntirib qo‘yinglar* tarzidagi nutq yo‘q). Shu bilan birga, tinglovchi o‘zganing fikrini so‘zlovchiga o‘tkazadigan nutq ham yo‘q. Ya’ni yozma ilmiy matnda tinglovchi faqat axborot oladi, lekin axborot bermaydi. Ilmiy matn shunday xarakterda tuzilsa-da, lekin baribir «yashiringan» dialog xarakterga egadir. Muallif o‘zining yozgan asariga qachondir javob bo‘lishini kutadi. Shuning uchun u *«muallifning mana bu fikriga qo‘shilmayman»* degan javobga yo‘l qo‘ymaslikka harakat qiladi. Muallifning ko‘z oldida o‘ta talabchan kitobxon namoyon bo‘lib turadi. Buning uchun muallif o‘z fikrini isbotlash uchun juda ko‘plab faktik materiallarni keltirish bilan tinglovchinining ishonchini qozonadi. Shu maqsadda ilmiy nutqda har bir so‘z aniq, to‘g‘ri ma’noda qo‘llannilib, aytmoqchi bo‘lgan fikr to‘liq bayon etiladi.

Ilmiy nutq ko‘rinishining o‘ziga xos belgilari yana quyidagilardan iboratdir. Bu nutq ko‘rinishlarida ilmiy terminlar juda keng qo‘llaniladi. Bunda fanning turli sohalariga oid terminlar ko‘p uchraydi. Terminlar esa, asosan, shu fan sohasiga doir, agarda ma’lum bir kasb yo‘nalishi bo‘ladigan bo‘lsa, o‘sha kasbga doir terminlar faqat o‘zining asosiy tub ma’nosida qo‘llanilishi kerak bo‘ladi. Bu borada Mahmud Qoshg‘ariyning «Devoni lug‘atut turk» asarida keltirilgan tibbiy terminlarga, ya’ni kasallik nomlariga e’tibor qaratsak. Asarda har bir kasallikka alohida ta’rif berilib, ularning xalq tilida qo‘llangan shakli hamda qisman davolash usullari borasida ham bir qancha fikrlar bildirib o‘tilgan. Masalan:أُذُز – уӟуз [3, B.127] so‘zini oladigan bo‘lsak, ushbu so‘z hozirgi zamon tibbiyotida *egzema* (xalq tilida *qo‘tir)* nomi bilan uchraydi. Endi esa ushbu so‘z ma’nosini izohli hamda ensiklopedik lug‘atlar asosida tushuntirishga harakat qilamiz. Avvalombor yuqoridagi so‘zning izohli lug‘atda berilishini ko‘rib chiqsak:

QO‘TIR – *Inson tanasida pufakchalar hosil qilib, qattiq qichishtiradigan yuqumli teri kasalligi hisoblanadi. Qo‘tir (lot.* scabies*, rus. chesotka, чесотка) — yuqumli teri kasalligi bo‘lib, mikroskopik parazit — qo‘tir kanasi, qo‘tir qichitmasi (lot.* Sarcoptes scabiei var. hominis*) tomonidan chaqiriladigan akarodermatit guruhidagi akariaz hisoblanadi. Qo‘zg‘atuvchining nomi qadimgi yunoncha* ***σάρξ*** *(go‘sht) va* ***κόπτειν*** *(kemirish, g‘ajish, kesish) va lotincha* **scabere** *(qashilash) so‘zidan olingan. Kasallikning xarakterli belgilari qichish va papulovezikulyoz toshma hisoblanib, ba’zida toshmalarni qashish natijasida infektsiya tushishi sabab ikkilamchi yiringli elementlar qo‘shilishi mumkin. Insonlarda qo‘tirning yuqori darajada yuqimliligi qo‘tir kanasining qisqa fursatda inson terisiga kirishi bilan tushuntiriladi. Ushbu vaqt oralig‘i 15-20 daqiqani tashkil qiladi.*

1.*Tiqilinch va iflos joylarda, yotoqlarda yashovchi kishilar turli terlama, qo‘tir.. va boshqa shunga o‘xshash yuqumli kasalliklarga duchor bo‘ladilar. [4, B. 87] 2. Shunday kasallikka yo‘liqqan. Qo‘tir bola. Qo‘tir echki. Pismiq, egasidan xo‘p kaltak yeb, yana biltanglab qolgan qo‘tir itdek, egilib-bukilib, yerga sirpangandek bo‘lib inqilladi.* [5, B.95]

Ayni so‘zni etimologik lug‘at asosida, ushbu so‘zning kelib chiqishi haqidagi ma’lumotga e’tibor qaratamiz: Qo‘tir – qadimgi turkiy tilda ham shunday ma’noni anglatgan bu ot asli *қomyp* tarzida talaffuz qilingan(DS,461); o‘zbek tilida ikkinchi bo‘g‘inidagi [*y*] unlisi [*u*] unlisiga almashgan: *қomyp – қomup*[6, B.180].

Ushbu termin haqida to‘liqroq ma’lumot olish uchun ensiklopedik lug‘atga ham murojaat qilsak: Qo‘tir – qo‘tir kanalari qo‘zg‘atadigan infeksion teri kasalligi; u qo‘l barmoqlari orasidagi burmalar, bilak-kaft bo‘g‘imining ichki tomoni, qorin sohasida uchraydi. Kasallik bemordan yoki uning buyumlari orqali yuqadi. Terida tugunchasimon va pufakchasimon toshmalar, «qo‘tir izlari» paydo bo‘lib, qichishadi. Qichima ayniqsa kechasi zo‘rayadi. [7, B.134]

TEPKI – tib. – 1 Asosan, bolalarda uchraydigan, quloq oldi bezining yallig‘lanishidan iborat o‘tkir yuqumli kasallik. *Tepki ko‘proq qish, bahor fasllarida uchraydi.* I. Fozilov, *Tepki. Tepki*

kasali bilan hamma yoshdagilar ham og‘rishi kuzatiladi. «Saodat» 2 Ayrim kasalliklar tufayli paydo bo‘ladigan mayda, pufakchasimon qizil dog‘lar; toshma, gul. Qizilcha kasali… yuqadigan bo‘lib… ikkinchi kunida kishining taniga qizil tepkilar chiqadi. Z. Tohiriy, «Sog‘liqni saqlash».

TEPKI II – Xalq orasida qadimdan yashab kelayotgan kasallik nomi bo‘lib, bu nom uning da’vo muolajasi nomidan kelib chiqqan, sababi bu kasallik aynan teptirish orqali davolanadi.

Egizak farzandli ayol tepsa ketadimi?

Bolaga tepki chiqsa, ko‘pchsilik ota-onalar egizak farzand ko‘rgan ayolni qidirishga tushadilar. Aslida bu «davo chorasi» hech qanday foyda keltirmaydmi. Chunki har bir sog’lom fikrli inson virusli xastalikni «tepib» davolash mumkin emasligini yaxshi anglaydi. Unda nima sababdan «teptirgach» kasallik chekinadi, deb so‘rashingiz mumkin. Shunchaki virus hujum qilganida immunitetimiz biroz sustlashadi, bir muddat o‘tib, o‘z kuchini tiklab olgach esa, yana kurashishni davom ettiradi va g’alaba qozonadi. Natijada sog’aya boshlaymiz, «teptirish» aynan shu vaqtga to‘g’ri kelib qoladi, xolos. Irimlarga ishonmay, shifokor ko‘rigidan o‘tishni maslahat beramiz. Mazkur matnda tibbiy diskursga xos matniy ko‘rinishdagi savol-javob voqyelangan. Unga ko‘ra, tibbiyot xodimi adresatga, garchi uning savoli ilmiy jihatdan noo‘rin bo‘lsa ham, tibbiy axloq nuqtayi nazaridan, hurmat tamoyiliga, shuningdek, hamkorlik tamoyilining «sifat» mezoni[11]ga amal qilgan holda javob yo‘llamoqda. Garchi adresatga yo‘llanayotgan ma'lumot ommaviy uslub doirasida voqyelanayotgandek tasavvur uyg‘otsa ham, undagi ayrim birikmalar, klishe holatiga kelib qolgan ifodalar mazkur matnni yaxlit holda bo‘lmasa-da, ilmiy diskurs sifatida qarashga sabab tug‘diradi. Yuqoridagi har ikki – lug‘at maqolasi hamda ijtimoiy tarmoqdagi savol-javob tariqasidagi matnlarni qiyoslarkanmiz, har ikkisida ham ilmiy uslubga doir, tibbiy diskursni voqyelantiruvchi leksika, terminologik tizim mavjudligini qayd etamiz.

[11] Graysning hamkorlik tamoyiliga ko‘ra, undagi sifat mezoni uzatilayotgan ma’lumotning aniq va haqiqatga mos kelishini shartlaydi. Tibbiyot xodimining ilmiy haqiqat yuzasidan to‘g‘ri ma’lumot berishi so‘zlovchi va tinglovchi o‘rtasidagi hamkorlik tamoyillariga mos keladi.

KO‘RICHAK (appenditsitning yalig‘lanishi) – taxminan 15 foiz bolalarda uchraydigan kasallikdir. Kasallik bola ikki yoshga yetgunigacha hech qanday faollik ko‘rsatmaydi, ammo 8 yoshdan 14 yoshgacha bo‘lgan bolalarda nisbatan ko‘proq uchraydi. Kasallikning boshlanish vaqtida bola qornining o‘ng yoki pastki qismida qattiq og‘riq turadi, darmonsizlik, isitma va ko‘ngil aynishidan shikoyat qiladi. Xastalik tez vaqtda rivojlanadi va og‘riq bir zum o‘tmay nihoyatda kuchayadi. Shu bilan appendiks devorlari zararlanib, ichidagi moddalar qorin bo‘shlig‘iga tushadi va bu bola hayotiga jiddiy xavf solishi mumkin. Zudlik bilan kasalxonaga yotqizilib, jarrohlik amaliyotini o‘tkazilmasa, jiddiy vaziyat yuzaga kelishi yoki bolani saqlab qolish imkoniyati kamayishi mumkin.

Yuqoridagi ma’lumot o‘zbek lingvomadaniyatida ko‘richak kasalligi to‘g‘risidagi kognitiv bilimlarning pirovardida «ko‘richak – oldi olinmasa xavf bilan yakunlanuvchi xastalik» mazmunida mujassamlanishiga sabab ko‘rsatgan. Shu tufayli ham *ko‘richak* konsepti milliy lingvomadaniyatimizda xavf, kuchli bezovtalikka sabab tug‘diruvchi tushunchalardan sanaladi: – *Prokuratura ko‘richakda gumonlanib operatsiya qilingan ayolning o‘limi sabablarini o‘rganmoqda… Andijonning Qo‘rg‘ontepa tumani shoshilinch yordam bo‘limiga isitma va og‘riq bilan olib kelinib, o‘tkir ko‘richak kasalligi bilan operatsiya stoliga yotqizilgan Oysirg‘a Davlatova vafoti bo‘yicha prokuratura izoh berdi*. Keltirilgan matn *ko‘richak* konseptining «oldi olinishi kerak bo‘lgan kasallik» ma’nosini tasdiqlaydi. Yoki tibbiy diskursdan yana bir lavhaga e’tibor qaratsak:

– Doktor, iltimos, tezroq qarang, xotinim ko‘richak bo‘lib qolibdi!

− Tashvishlanmang, ikki yil muqaddam men xotiningizning ko‘richagini olib tashlaganman. Insonda ikkinchi marta ko‘richak bo‘lishi mumkin emas!

−To‘g‘ri, doktor! Ammo insonda ikkita xotin bo‘lishi mumkin....

Anglashilmoqdaki, ko‘richak bilan og‘riganlar haqida tezkor qayg‘urish o‘zbek lingvomadaniyatida stereotip xarakterni kasb etganidan, da'vodagi bu kabi shoshilinchlik ham tashqi jihatdan tabiiy qabul qilinadi.

TISH OG‘RIG‘I. Qattiq tish og‘rishi bir qator o‘ziga xos muammolarni vujudga keltiradi — uyqu va kayfiyatni buzadi, ovqatlanishga to‘sqinlik qiladi, mehnat faoliyatini tamoman cheklaydi, og‘riq esa boshqa joylarga ham ko‘chishi mumkin. Tishlardagi og‘riq ko‘pincha isitma chiqishi, yonoqlarning va milklarning yallig‘lanishi, umumiy holatning tamoman yomonlashuvi bilan birga kechadi. Bularning barchasi shifokorga zudlik bilan borish zarur ekanligini bildiradi. Qattiq tish og‘rig‘i bo‘lgan taqdirda siz stomatologga tezda murojaat qilishingiz kerak bo‘ladi.

Bir odam tishini oldirib kelibdi.

Sherigi:

— Tishing haliyam og‘riyaptimi?, - *desa*,

— Bilmadim, uni o‘sha yerda qoldirgandim, - *debdi*.

Mazkur diskursda *tish og‘rig‘i* konsepti tashigan ma’no va unga doir presuppozitsiyaning adresat va adresant tomonidan anglanishiga e’tibor bersak. Uning, avvalo, *tishni oldirib, uning og‘rig‘idan qutulmoq* mazmunidan iborat ekanligi ushbu konseptni semantik komponent tahlil qilish jarayonida ham kuzatiladi. Jumladan, *tish og‘rig‘i* konseptidagi – intensional(markaz)da: «tananing bosh qismini bezovta qiluvchi kuchli og‘riq» hamda «og‘riqli tishni oldirib tashlash lozim» semalari; periferiya (semema yadrosidan chekkada joylashgan ma’no zarrasi)da esa: «oldirilgan tish o‘rni uzoq vaqt og‘riq beradi» semalari joylashadi. Demak, tishni oldirish tamomila uning og‘rig‘idan qutulishni anglatmaydi. Shu sababdan adresat (nutqiy murojaatni qabul qiluvchi) *bilmadim* fe’lini o‘zi anglamagan holda to‘g‘ri qo‘llamoqda hamda *tishni oldirib, uning og‘rig‘idan qutulmoq* mazmunli pressupozitsiyani qisman yuzaga chiqarmoqda.

Xulosa qilib aytganda, kasallik nomlariga oid terminlarning lingvostilistik xususiyatini o‘rganish orqali ushbu terminlarning xalq orasida hamda ilmiy matnlarda qo‘llanilishini, shuning bilan birgalikda, ularning badiiy matnga baxsh etadigan o‘ziga xos pafosini keng doirada his qilishimiz mumkin. Bu o‘rinda A.Qahhor qalamiga mansub «Bemor» hikoyasida qo‘llanilgan bemor ayolning og‘rib qolishi va uni davolashga oid turli chora-tadbirlar orqali asar yana ham ta’sirchan ochib berilgan. Shu va shu kabi kasallik nomlarining

turli uslublar doirasida qo‘llanilishi va ularning o‘ziga xos xususiyatlari ushbu maqolada ochib berilgan.

Adabiyotlar

1. Фадеева Г. М. Идеи пражской школы в стилистике профессора э. г. ризель: антропоцентрический и деятельностный подходы. Fadeeva G.M. Ideas of the Prague School in Professor E. Rizel’s Stylistics: Anthropocentric and Activity Approaches . Discourse precision: functional characteristics . In: Bulletin of the Moscow Region State University. Series: Linguistics, 2022, no. 3, vol. 2, pp . 42-50. DOI: 10.18384/2310-712X-2022-3-2-42-50

2. Дорцуева Н.И. Лингвостилистические особенности научно-популярных медицинских текстов: Диссертация на соискание ученой степени кандидата филологических наук. – Бишкек, 2012.

3. Mahmud Qoshg‘ariy. Devoni lug‘atut turk /Solih Mutallibov. – Toshkent: Fanlar akademiyasi nashriyoti, 1960.

4. Ismoilov N. Kasallarni parvarish qilish. – Toshkent, 1961.

5. Ismoiliy M. Farg‘ona tong otguncha / Birinchi kitob. Qadr guldurosi. – Toshkent: Sharq, 2010. – 464 b.

6. Rahmatullayev Sh. O‘zbek tilining etimologik lug‘ati. (I jild.589-b) – Toshkent: Universitet, 2000.

7. Xonazarov Q. Ensiklopedik lug‘at. 2-jild. – Toshkent, 1990. – 507 b.

Rezyume

Ushbu maqolada terminlar, xususan, kasallik nomlariga oid terminlarning lingvostilistik xususiyatlarini ochib berishga doir izlanishlar olib borilgan, ya’ni kasallik nomlariga oid terminlarning uslublar doirasida qo‘llanishi o‘ziga xos tarzda ochib berilgan. Shu bilan birgalikda, ilmiy uslub va uning umumiy turlari, ichki tuzilishlariga oid ma’lumotlar o‘rin olgan. Qomusiy asar hisoblangan Mahmud Qoshg‘ariyning «Devonu lug‘atit turk» asarida keltirilgan kasallik nomlariga oid terminlarning ta’rif va tavsifi, shu bilan bir qatorda, ularning hozirgi o‘zbek tilining izohli lug‘ati hamda o‘zbek tilining ensiklopedik lug‘atlari o‘rtasida berilishi, ularda berilgan ta’riflarning o‘xshash va farqli tomonlari ham keltirib o‘tilgan.

Kalit so‘zlar: Termin, ilmiy stil, publitsistik uslub, badiiy uslub, kasallik nomlariga oid terminlar.

Summary

In this article, research was conducted to reveal the linguostylistic features of the terms, in particular, the terms related to the names of diseases, that is, the use of the terms related to the names of diseases in the framework of styles was revealed in a unique way. At the same time, information about the scientific method and its general types and internal structures is included. The definition and description of the terms related to the names of the diseases listed in Mahmud Kashgari's «Devonu Lugatit Turk», which is considered an encyclopedic work, as well as their explanatory dictionary of the current Uzbek language and encyclopedic dictionaries of the Uzbek language. between them, the similarities and differences of the definitions given in them are also mentioned.

Key words: term, scientific style, journalistic style, artistic style, terms related to disease names.

Резюме

В данной статье проведено исследование по выявлению лингвостилистических особенностей терминов, в частности терминов, относящихся к названиям заболеваний, то есть употребление терминов, относящихся к названиям заболеваний, в рамках стилей. раскрывается уникальным образом. При этом включается информация о научном методе, его общих видах и внутренней структуре. Определение и описание терминов, относящихся к названиям болезней, перечисленных в книге Махмуда Кашгари «Девону Лугатит Тюрк», считающейся энциклопедическим трудом, а также толковом словаре современного узбекского языка и энциклопедических словарях узбекского языка. между ними также упоминаются сходство и различие данных в них определений.

Ключевые слова: термин, научный стиль, публицистический стиль, художественный стиль, термины, связанные с названиями болезней.

ANTROPONIMLARDA EVFEMIK VA DISFEMIK XUSUSIYATLARNING AKS ETISHI

Yusufbek XOLDOROV,
Termiz davlat universiteti
Lingvistika (o‘zbek tili) yo‘nalishi magistranti

O‘zbek tilining onomastik sathini tahlil qilar ekamiz, undagi antroponimlar davrlar o‘tishi bilan bir necha bosqichlar asosida o‘zgarishlarga uchraganini ko‘rishimiz mumkin. Odamlar hayotining istalgan bosqichida tirik va jonsiz mavjudotlarni tushunishni xohlashadi. Bu mantiqiy jarayonni nomlash orqali amalga oshiradi. Ayniqsa, turkiy xalqlarda bolaga ism berishda turli xil motivlar alohida ahamiyatga ega. O‘zbek va turk millatlari ismlar orqali bolaga ezgulik, sog‘lik-salomatlik, uzoq umr, baxt-saodat tilash yoki ularni kuch va qudrat sohibi bo‘lgan hayvonlarga, nafosatli qushlarga, qimmatbaho toshlar va joy nomlariga qiyoslash orqali ism tanlashga intilishadi.Bu hodisa nomlarning bevosita madaniyat bilan chambarchas bog‘liqligi bilan izohlanadi. Islom madaniyatining kirib kelishi ham shaxs nomlarida o‘z aksini topgan. Bir qancha tarixiy asarlarda kuzatiladiki, dastlabki antroponimlar geografik nomlar hamda jonivorlar motividan olingan. Xususan, «Qutadg‘u bilig» hamda «Devonu lug‘otit-turk»da joy nomidan kelib chiqqan topoantroponimlar (joy nomlari asosida ifodalangan ismlar): turklar xoqoni, *Turklar buyrug‘i, O‘ga buyrug‘i, O‘tikon begi, Yag‘mo begi, Uch O‘rdu xoni, Ili xoni, Bo‘ka yabg‘usi, Ko‘k Ayuq, Alp Er to‘nga* tilga olinadi. Bundan tashqari, bu bosqichda hayvonlar motivi ham antroponimik konteksda o‘z aksini topgan. Masalan, *Bo‘ri, Bug‘uboy, Jayron, Haydar (sher), Bulbul, Yunus(yahudiycha-kaptar), Maral (kiyik).*

Keyingi bosqich evfemik tabiatga egaligi bilan xarakterlanadi. «Chaqaloqqa qo‘yiladigan ism uning taqdiriga ta’sir qiladi, ismlar hosiyatli va hosiyatsiz bo‘ladi deyilgan tasavvurlar davrlar o‘tishi bilan ismlarni bolaning himoyachisiga, unga qandaydir bog‘langan, unga doimo va bir umr esh, hamdam bo‘lib yuradigan vositaga aylantira borgan. Shu tarzda «asrovchi ismlar» yoki «himoya nomlari» deb yuritiluvchi nomlar guruhi yuzaga kelgan», deydi

tarixchi olim Sh.O‘ljayeva. Tilshunoslikda bu evfemizatsiya deb ataladi. Turkiy xalqlarda nom berishning odatdagi tartib va talabidan tashqari bir nechta sabablarini tilshunos olim A.Omonturdiyev «Professional nutq evfemikasi» nomli kitobida ham sanab o‘tgan:

1. Rasmiy nom bilan yashayotgan bola yoki o‘smir surunkali kasal bo‘laversa, nomi (xususan, Alloh, payg‘ambar, avliyo yoki umuman, burjlar nomi bilan atalgan bo‘lsa, nomni ko‘tarolmadi deb hisoblanib) qaytariladi yoki u kamtarona evfemik bir nom bilan almashtiriladi. Natijada, bola qo‘shaloq nom (bir rasmiy, bir evfemik atama)ga ega bo‘lib qoladi. Bu nomning ikkinchisi himoyalovchi, saqlovni nom sifatida faollashib ketadi.

2. Oilada bola turavermasa, tug‘ilib o‘laversa, navbatdagi tug‘ilgan chaqaloqqa, o‘g‘il-qizligidan qat’iy nazar, *O‘lmas, Tursun, Turg‘un, Umrzoq, Sotiboldi, Xudoyberdi, Yashar, Turdiboy, Toshtemir*, *Bo‘ri, Arslon* kabi balo-qazodan himoyalovchi, asrovchi, yomon ko‘zdan saqlovchi, yovuz ruhlarni chalg‘ituvchi ot yoki evfemik atamalar qo‘yiladi.

3. Ayrim sotsial qatlam (masalan, shoirlar) ma’lum maqsad va niyat bilan o‘zlariga taxallus tanlaydilar yoki laqab orttiradilar. Bu taxallus yoki laqab bora-bora faollashib, rasmiy atamaga aylanadi. Chaqaloqlikdagi nomi kishilar xotirasidan uzoqlashadi. Hozirgi ko‘pgina yoshlar *Ulug‘bek, Muqimiy, Habibiy, Chustiy, Oybek, Uyg‘unlarning* asl nomlarini bilmaydilar. Bundan qat’iy nazar, taxallus va laqablar muomala madaniyati rivojiga evfemik nutq taraqiyotiga hissa bo‘lib qo‘shiladi.

Lekin bu «Asrovchi ismlar» nafaqat mazmunan ijobiy, chiroyli nomlardan, balki ko‘p holda qo‘pol, xunuk ma’noli nomlardan tashkil topishi ham mumkin. Vaholanki, bolaga xunuk ma’noli so‘zlardan yasalgan ismlarning berilishi chaqaloqni yomon ko‘zlardan, ko‘z tegishdan asrash, go‘dakning dushmani bo‘lmish yovuz kuchlarni chalg‘itish, aldash maqsadi bilan bog‘liqdir. O‘zbek ismlari orasida «asrovchi ismlar»ni tarixchi Sh.O‘ljayeva quyidagi guruhlarga ajratadi. Ularning ayrimlari quyidagicha:

Sog‘lik, uzoq umr tilashini ifoda etuvchi ismlar: *Tursun, Turdi, To‘xtasin, O‘lmas, Yursin, Omonturdi, Turg‘un, Turg‘unoy, Ergash, Yo‘ldosh* kabi.

Turli kasalliklarni engishi, chidamli, irodali, mustahkam bo‘lib o‘sishini orzu qilib qo‘yilgan ismlar: *Tosh, Toshboy, Toshxon, Temur, Temura, Metinboy, Po‘lat, Cho‘yonboy, Qilichboy, Xanjara, Halqonboy, Teshaboy, Boltaboy, Mahkam, Mahkamoy, Berk, Berkinoy* va boshqalar.

Yashovchanlik, barhayotlik, chidamlilik, uzoq umr ramzi bo‘lmish daraxtlar, narsalar nomidan yasalgan ismlar: *Chinor, Chinora, Sadaboy, Archaboy, Yovshan* va hokazo.

Yoqimsizlik, noxushlik, achchiqlik ramzi hisoblanuvchi narsalar, o‘simliklar nomidan yasalgan ismlar: *Sarimsoq, So‘g‘onboy, Piyozbek* va shular kabi. Mana shunday ismlar qo‘yilsa chaqaloqning dushmani, yovuz kuchlar bolaga yaqinlashmaydi, undan nari ketadi deb hisoblashgan.

Ba’zan ataylab xunuk ma’noli nomlarni qo‘yishgan: *Yomonbola, Itolmas, Itemas, Kasofat, Shag‘alboy, Sabila* kabi. Kishilar bola shunday nomlansa e’tiborsiz bo‘ladi, unga ko‘z tegmaydi deb hisoblashgan.

Har ikki (evfemizm va disfemizm) hodisa ham okkazional xarakterga ega bo‘lib, ular mudom o‘zgarib turadi, doimo yangi. Faqat disfemizmdan farqli o‘laroq, evfemizm vaqt o‘tib, lisoniy birlikka aylananish xususiyatiga ega va, shu bilan birga, o‘z evfemik xususiyatini ham yo‘qota oladi. Bu tez-tez qo‘llanish sababidan amalga oshadi. O.D.Pastuxova aytganidek, vaqt o‘tishi bilan yoqimsiz narsalar evfemizatsiyasi samarasiz bo‘ladi, chunki ular biron bir nozik mavzuni tasvirlashda kutilmaganda aytilganda o‘z ma’nosining ravshanligi va aniqligi bilan quloqqa yoqimsiz eshitila boshlaydi. Disfemizmlar esa ortofemaga aylanmay, salbiy kuchida qolish bilan xarakterlanadi.

Onomastikaning bir bo‘limi bo‘lgan antroponimika barcha tillarda o‘ziga xos semantik xususiyatga ega.Ularning evfemik xususiyatlari ham turli xil hamda ular ma’lum vaqt davomida diniy-aqidaviy qarashlar, ijtimoiy sabablar ta’sirida shakllanib boradi.

Adabiyotlar

1. Yusuf Khass Hajib, Wisdom of Royal Glory (Kutadgu Bilig): A Turko– Islamic Mirror for Princes, translated, with an

introduction and notes, by Robert Dankoff. – Chicago– London: University of Chicago Press, 1983. – 52 p.

2. Ўлжаева Ш. https://www.facebook.com/groups/246149995752425/posts/330761413957949/

3. Омонтурдиев А. Профессионал нутқ эвфемикаси. – Тошкент: Фан, 2006. – 27 Б.

4. Ахметов А. Туркі Тілдерінден табу мен эвфемизмдер. – Алмати: Ғўлўм, 1995. – 176 б.

Rezyume

Ushbu maqolada antroponimlar va ularning evfemizatsiya hamda disfemizatsiyasiga oid muammolar, o‘zbek va dunyo tilshunosligi misolida evfemik xususiyatga ega bo‘lgan ismlarning disfemalashuviga misollar keltirilib,tahlilga tortilgan.

Kalit so‘zlar: ismlar, topoantroponim, jonivorlar motivi, taqiqlangan ismlar, arabcha ism, evfemizm, disfemizm.

Summary

This article presents and analyzes problems associated with anthroponyms, their euphemization and disphemization, examples of disphemization of names with euphemistic properties using the example of Uzbek and world linguistics.

Key words: names, topoanthroponym, animal motif, forbidden names, Arabic name, euphemism, dysphemism.

Резюме

В данной статье представлены и проанализированы проблемы, связанные с антропонимами, их эвфемизацией и дисфемизацией, примеры дисфемизации имен с эвфемистическими свойствами на примере узбекского и мирового языкознания.

Ключевые слова: имена, топоантропоним, животный мотив, запрещенные имена, арабское имя, эвфемизм, дисфемизм.

O‘RTA ASRLARDA O‘ZBEK TILINING NUFUZI VA UNI O SHIRISHGA BO‘LGAN HARAKATLAR

Dilnoza ESONTURDIYEVA,
Termiz davlat universiteti
Lingvistika (o‘zbek tili) yo‘nalishi magistranti

O‘zbek tilining bugungi kundagi mavqeyini va mustaqillikdan keyingi yillarda yurtimizdagi lisoniy vaziyat va olib borilayotgan til siyosatini tadqiq etishni niyat qilgan tilshunos, shubhasiz, ishni mustaqillikkacha ham bo‘lgan til tarixini o‘rganishdan boshlaydi. Shu maqsadda o‘zbek tili tarixiga doir manbalar bilan tanishish barobarida bu mavzuda juda ko‘p zabardast tilshunoslar ish olib borganiga guvoh bo‘lamiz. Ular tomonidan talaygina tadqiqot ishlari va manbalar yozilganiga qaramasdan hali bu borada yaxlit holdagi yoki mukammal darajadagi yangicha talqinda yozilgan ilmiy tadqiqot ishi yetarli emas deb hisoblaydi tilshunos U.Sanaqulov. [1, b.5] «O‘zbek tili tarixi, asosan, o‘zbek xalqiga tegishli yozma manbalar tili faktlari, qisman, umumturkiy til yozma manbalari hamda xalq og‘zaki ijodi til materiallari asosida belgilanadi. Bu manbalarning yaratilish tarixi esa uzoq davrlar bilan o‘lchanadi.»[1, b.6] Shu bois ham uni davrlar kesimida tasniflab tahlil qilish ancha qulay.

Manbalarga tayanadigan bo‘lsak hatto Ilk O‘rta asrlar(IV asr oxiridan-IX asr o‘rtalarigacha)da ham o‘zbek tilining nufuzi yaxshigina baland bo‘lgan. G‘.Abdurahmonov tasnifiga ko‘ra Qadimgi turkiy adabiy tili(VI-X asrlar) deb ataladigan tilimizning bu davriga doir juda ko‘p yodgorliklar topib o‘rganilganligi fikrimizning isbotidir. Bu manbalar turkiy run xatida bitilgan O‘rxun-Enasoy yodgorliklari nomi bilan mashhur ekanligini yaxshi bilamiz. Keyingi, ya’ni rivojlangan O‘rta asrlarda (ya’ni IX asr oxiridan XV asr boshlarigacha bo‘lgan davr) esa o‘zbek tilining yanada taraqqiy etganini ko‘rishimiz mumkin. Mahmud Qoshg‘ariyning «Devonu-lug‘atit-turk» («Turk tillari devoni»), Yusuf Xos Hojibning «Qutadg‘u bilig» («Saodatga yo‘llovchi bilim»), Ahmad Yugnakiyning «Hibatul haqoyiq» («Haqiqatlar armug‘oni»), Xorazmiyning «Muhabbatnoma», Rabg‘uziyning «Qissai Rabg‘uziy» asarlari shu davrda yaratilgan bo‘lib, ularning tili davriy

nuqtayi nazardan eski turkiy til deb ataladi va XI-XIII asrlarga to‘g‘ri keladi.[3] Yuqoridagi asarlar umuminsoniy ahamiyatga molik, insoniyat tamadduni gultoji bo‘lgan durdona asarlar hisoblanadi hamda Xoqoniya nomini olgan Qoraxoniylar davlati adabiy tilida, ya’ni eski turkiy tilda yozilgani bilan o‘sha davrda o‘zbek tilining nufuzini namoyon etuvchi qimmatli dalildir. Turkiy tilning nufuzi Qoraxoniylar va Xorazmshohlar davrida ulkan mamlakatning adabiy tili sifatida nufuzi baland bo‘lgan. Biroq Somoniylar davrida hukmdorlar fors tili va forsiy adabiyotga ishtiyoqmand bo‘lishgan. Shunga qaramay, Somoniylar buyurtmasiga ko‘ra X asrda hatto Islom olamining eng muqaddas kitobi Qur’oni Karim turkiy tilga tarjima qilingan. Garchi asl nusxasi saqlanib qolmagan bo‘lsada, bizgacha uning XII va XIII asrlarda ko‘chirilgan nusxalari yetib kelgan[2, b.97]. Bu tarixiy faktlar ham o‘zbek tilining o‘rta asrlardagi mavqeyini yaqqol ko‘rsatib bermoqda.

Rivojlangan O‘rta asrlarning so‘ngida, ya’ni Temuriylar davrida esa tilimiz nufuzini oshirish uchun ulkan ishlar olib borildi. Shuni aytish kerakki, Arabcha, forscha so‘z va iboralarning ko‘plab qo‘llanishi va uslubiy vositalar sababli kitobiy til jonli tildan jiddiy farq qilgan. Yozma adabiyotning kam tarqalganligi tufayli lahja xususiyatlari saqlanib qolgan. Bunday xususiyatlar adabiy asarlarda ham ma’lum darajada o‘z aksini topgan. Farg‘ona va Movarounnahrda yozilgan adabiy asarlar tili bilan Xorazmda yozilgan adabiy asarlar tili o‘rtasida ma’lum lahjaviy farqlar sezilib turgan. Eski o‘zbek tilining ilk shakllanish davrida (XIII-XIV asrlar) bu narsa yaqqol ko‘rinar edi, keyinchalik esa bunday lahjaviy xususiyatlar aralashib ketadi. Masalan, Xorazmiyning «Muhabbatnoma» va Said Ahmadning «Taashshuqnoma» asarlarida o‘g‘uz lahjasi xususiyatlari, Qutbning «Xusrav va Shirin» asarida qipchoq lahjasi xususiyati o‘z aksini topgan bo‘lsa, XVI asrga oid «Boburnoma»da qarluq, o‘g‘uz va qipchoq lahjalarining xususiyatlari aralash holda qo‘llangan. Shu tariqa lahja xususiyatlari asta-sekin yo‘qola borib, XV-XVI asrlarda yagona, umumiy adabiy til xususiyatlari asosiy o‘rinni egallaydi.[4] Eski o‘zbek tili Alisher Navoiy davrida, uning asarlarida o‘z rivojining eng yuqori pog‘onasiga ko‘tarildi. Shoir o‘zining o‘nlab nazmiy va nasriy

asarlari bilan bu tilni kamolotga yetkazdi, uni davlat tili darajasiga olib chiqishga harakat qildi. U nafaqat o‘sha va keyingi davrlar o‘zbek adabiy tilining asoschisi, rivojlantiruvchisi, balki tadqiqotchisi hamdir. Navoiy o‘zining «Muhokamat ul-lug‘atayn» asarida Eski o‘zbek tili (turkiy)ni fors tiliga qiyoslash asosida uning fonetik, leksik va grammatik sohalarda rivojlangan til ekanligini nazariy jihatdan asoslab, ko‘rsatib beradi. Hazrat Alisher Navoiy ona tilimizni (tarixiy manbalarda u «Chig‘atoy tili» deb ataladi) «Turk nazmi» deb atab uni nafaqat badiiy adabiyot tili, balki butun mamlakat uchun yagona rasmiy tilga aylantirishga uringan. Uning sa’y-harakatlari va taklifi bilan Husayn Boyqaro barcha shoirlarni turkiy tilda ijod qilishga chaqirgan.[4] Alisher Navoiyning bu sohadagi katta xizmatlaridan yana biri shundan iboratki, u juda katta hududdagi tarqoq adabiy tilni uslub jihatidan ham, tarkib jihatdan ham birlashtirdi va shu katta hududdagi shevalar, lahjalar va ayrim tillardagi asosiy xususiyatlami o‘zining badiiy-amaliy faoliyati bilan yagona umumiy til darajasiga keltirdi, adabiy tilni sayqallashtirdi, uni keng ko'lamga va yangi bosqichga olib chiqdi. Masalaga ana shu nuqtai nazardan qaraganda, Alisher Navoiy qo‘llagan til uzoq yillar davomida faqat o‘zbeklar uchungina emas, balki yon atrofunizdagi boshqa turkiy xalqlar uchun ham adabiy til sifatida xizmat qilib kelganligini faxr bilan qayd etib o‘tishimiz lozim bo‘ladi. [1, b.238]

Boburning nasriy asari «Boburnoma» esa Navoiyning nasriy asarlaridan tilining ancha soddaligi, jonli tilga yaqinligi bilan hatto hozirgi zamon o‘quvchisiga ham tushunarlidir. Alisher Navoiydan keyin yaratilgan nasriy asarlar va ayrim dostonlarda Eski o‘zbek tilining an’anaviy me’yorlaridan biroz uzoqlashish, uni xalq tiliga yaqinlashtirish tamoyili kuzatiladi. Ko‘plab she’riy asarlarda, g‘azallarda esa eski o‘zbek adabiy tili an’analari davom etgan. Xulosa qilib O‘rta asrlarda ham o‘zbek tilining nufuzi ancha yuqori bo‘lgan ekan va uni oshirish uchun talaygina muhim va ulkan ishlar amalga oshirilgan deb bemalol ayta olamiz.

Adabiyotlar

1. Sanaqulov U. O‘zbek adabiy tili tarixining ilk davrlari. – Toshkent: G‘afur G‘ulom, 2004.

2. K.Sh.Sirojiddin o‘g‘li. Markaziy osiyo tarixi zamonaviy tarixshunosligidagi yondashuvlar. (Qo‘lyozma huquqida). – Toshkent, 2019.
3. infografikauz.blogspot.com. O‘zbek tili tarixi.
4. milliycha.uz sayti. «Eski o‘zbek tili» maqolasi.

Rezyume

Ushbu maqolada o‘rta asrlarda o‘zbek tilining nufuzi qay darajada bo‘lgani va uni oshirish uchun kimlar tomonidan qanday harakatlar qilingani manbalar asosida o‘rganildi va xulosalar chiqarildi.

Kalit so‘zlar: o‘rta asrlar, tilning nufuzi, davrlashtirish, adabiy til, o‘zbek tili tarixi.

Резюме

В данной статье на основе источников и выводов изучен уровень влияния узбекского языка в средние века и какие действия кем предпринимались для его повышения.

Ключевые слова: Средневековье, влияние языка, периодизация, литературный язык, история узбекского языка.

Summary

This article, based on sources and conclusions, examines the level of influence of the Uzbek language in the Middle Ages and what actions were taken by whom to increase it.

Key words: Middle Ages, influence of language, periodization, literary language, history of the Uzbek language.

MILLIY XARAKTERDAGI FRAZEOLOGIZMLARNING SEMANTIK XUSUSIYATLARI

Mahfuza Hamro qizi ISHQURBANOVA,
Termiz davlat universiteti
Lingvistika (o‘zbek tili) yo‘nalishi magistranti
Ilmiy rahbar: f.f.f.d S.Turdimurodov

O‘zbek xalqi azal-azaldan purma’no so‘zlarga, chiroyli o‘git va nasihatlarga boy xalq sanaladi. Chunonchi, o‘zbek voqeligi asosida shakllangan frazeologizmlar ilmiy adabiyotlarda milliy xarakterli *frazeologizmlar* atamasi bilan yuritiladi [1, B.217-218]. Frazeologik birliklar tilda tayyor holda mavjud bo‘lgan, ko‘p uchraydigan, fikrni keng qamrovli, obrazli, o‘tkir ifodalaydigan turg‘un birikmalardir. Frazeologizmlar ichida o‘zbek turmush tarzidagi hayotiy voqelikni, kuzatishlarini ifodalovchi, xalqning ijtimoiy-iqtisodiy, ma'daniy va ma'naviy hayotini aks ettiruvchilari talaygina topiladi. Masalan, tilimizdagi *atlas ko‘ylakka bo‘z yamoq (*arzimagan nuqsonning yaxshi narsani buzishi) frazeologizmida atlas qadimda o‘zbek xalqining eng oxorli milliy matosi hisoblangan, bo‘z esa uning aksi. Ushbu buyumlar orasidagi farq bu frazeologizmning yuzaga kelishiga asos bo‘lib xizmat qilgan. Ya’ni chiroyli bir narsaning arzimagan xato tufayli xunuk bir narsaga aylanishi.

Atala. *Atala maxsum*-Bo‘shashgan, lalaygan, lanj odam haqida. *Atala ichdingmi?* Hadeb yiqilaveradigan yoki bo‘shashgan, lallaygan odamga hazil sifatida aytiladigan ibora. *Atalaga bismillo*- bu iboraning ma’nosi quyidagicha: ma'lumki, atala suyuq, hazm bo‘lishi, yutilishi oson taom. Shu tufayli ham juda oson, yengil bitadigan ish haqida gap ketganda ushbu ibora ishlatiladi. *Atalaning ichidan suyak chiqmoq*- umuman kutilmagan odamdan yaxshi gap chiqmoq. – *O‘lmang siz! Ataladan suyak chiqib, muncha buning og‘zidan novvot tomib qoldi desam, hammasi pulning xushomadi ekan-da?* (K.Yashin, Oftobxon).

Beshik. B*eshik ketdi* – qiz farzand tug‘ilganda uni unashtirib qo‘yish *Agar otasi rozi bo‘lsa, shu qizga uylanardim, dedi o‘ziga-o‘zi. Bordi-yu, ungacha otasi erga berib yuborsa-chi? Yoki beshik kerti qilib qo‘yilgan bo‘lsa, nima bo‘ladi?* (R.Jalil, Po‘lod va Gulro‘)

Beshigini tebratmoq – betakalluf muomalada bo‘lmoq, odatda bu ibora o‘zidan kichik kishiga nisbatan ishlatiladi. Shuningdek, bu ibora o‘stirmoq, ulg‘aytirmoq ma’nosida ham keladi. *Nega sen o‘z tinchingdan ayrilib qolding? Ayrilganni bo‘ri yer edi-ku! Onang umid bilan beshigingni tebratgan. Shu bechora onang sendan nima ko‘rdi*. (A.Qahhor, Qo‘shchinor chiroqari).

Milliy frazeologizmlarning ko‘pchiligi xalqimizning hayotiy kuzatishlari, turmush tajribasi, geografik joylashuvi,o‘ziga xos tushunchalari asosida shakllangan. O‘zbek xalqining milliy o‘ziga xosligini ifodalovchi bir qancha milliy liboslari mavjud. Bu kabi kiyimlar xalqining madaniyati va tarixi bilan chambarchas bog‘liq. Ular orasida, ayniqsa, *do‘ppi* leksemasi bilan bog‘liq frazeologizmlar ko‘pchilikni tashkil etadi.Ma'lumki, do‘ppi bosh kiyimi milliyligimizni aks ettiradi. Xalqimizda «*birovning do‘ppisini birovga kiygizmoq»* iborasi mavjud bo‘lib, o‘zining foydasini ko‘zlagan holda boshqalarni aldab, laqillatmoq ma’nosini beradi. Juda tez va oson bitadigan ishlarni esa, «*do‘ppini almashtirgandek»* iborasi bilan ifodalash mumkin. A.Mamatov o‘z o‘quv-uslubiy qo‘llanmasida do‘ppi so‘zi bilan bog‘liq frazeologizmlarni tahlil qilar ekan «*do‘ppisini osmonga otmoq»* iborasini quyidagicha izohlaydi:kishi quvonganda, biron ijobiy voqea-hodisadan, xabardan xursand bo‘lganda beixtiyor do‘ppisini osmonga otish hollari uchraydi. Shunday xursandchilik va quvonish ottenkasini obrazli ifodalash ehtiyoji asosida ushbu ibora paydo bo‘lgan[3, 62].

Bundan tashqari *do‘ppi* leksemasi bilan bog‘liq boshqa frazeologizmlar ham mavjud bo‘lib, *«do‘ppisini yerga qo‘yib o‘ylamoq»* frazeologizmi xotirjamlik bilan, bamaylixotir, diqqatni bir yerga jamlab, uzoq o‘ylamoq degan ma’nolarni beradi, ya'ni do‘ppisini olib qo‘yib, shoshilmasdan mulohaza yurituvchi kishiga nisbatan qo‘llaniladi. «*Do‘ppining tagida odam bor»* siringni birovga aytma,chaqma-chaqar, gap tashuvchi kishilardan ehtiyot bo‘l ma’nolarini bildiradi. «*Do‘ppi tor kelganda»* frazeologizmini ikki xil ma’noda tushuniladi. 1)ish tig‘iz yoki noiloj qolgan vaqtda. (Do‘ppi tor kelib qoladigan vaqtlarda kabob qilib yuboramiz. M.Muhamedov, Qahramon izidan); 2) kamchilik, yetishmovchilik yuz berganda. O‘ylab qarasam,do‘ppi tor ekan. Kattaroq ish qilishga qo‘limiz kalta

ekan. (I. Rahim Ixlos). «*Do‘ppisini ol desa,kallasini olmoq»* biror bir vazifani keragidan-da ortiq, qo‘pol tarzda amalga oshirishga nisbatan ishlatiladi. *Tasaddug‘ingiz ketay, do‘ppisini olib kel desangiz, axir biz jallod.. boshini kesib keltiramiz-da* (Hamza, Boy ila xizmatchi). Yuqoridagilarnging barchasi do‘ppi leksemasi atrofida birikib turli xil ma’noga ega frazeologizmlarni hosil qilgan.

To‘n (chopon) – o‘zbek madaniyatida kiyim ustidan kiyiladigan, ichiga paxta solib qavilgan uzun milliy kiyim [2, B.238]. To‘n so‘zi bilan bog‘liq bir qancha frazeologizmlar mavjud. *To‘nini teskari kiymoq*- o‘jarlik qilmoq, qaysarlik qilmoq. Aynan nima uchun bu iborada to‘nini teskari kiyish orqali qaysarlik qilish ma’nosi berilayotganligiga ezoh bersak. Erkin Vohidovning talqinicha: avvallari kambag‘al kishi g‘azab otiga minib, mushtlashaman degan vaqtda to‘nini teskari kiyib olgan. Qon yoki loy tegsa to‘nining astariga tushsin, yertilsa astari yirtilsin,yamoq tushsa astariga tushsin degan maqsadda to‘nini teskari kiyib olgan. Chunki kambag‘alning to‘ni ikkita bo‘lmagan. Yirtilsa boshqasini kiya olmagan. Shu sababli ushbu ibora paydo bo‘lgan. Shuningdek, *bir to‘ni ikki bo‘lmadi (qashshoqlikda kun kechirish)* iborasi ham yuqoridagi jihat bilan bog‘liq. Kambag‘al kishining bitta to‘ni ikkita bo‘la olmagani,uning hanuzgacha qashshoq ekanligini ifodalaydi. *Gapga to‘n kiygizmoq* – gapni boplab, qoyilmaqom qilib gapirmoq (yana boshqa bir manbada gapni qo‘shib-chatib gapirmoq deyiladi). *Soyasiga qarab to‘n bichmoq* – aslini bilmay turib xulosa chiqarmoq.

Kavush. *Kavushini to‘girlab qo‘ymoq*- adabini bermoq,jazolamoq, xaydab yubormoq ma’nolorida qo‘llaniladi.Kavushini to‘g‘rilab qo‘yish ke*rak;* qurilishni ham, kollektivni ham sariq chaqaga sotadi bu. (A.Muxtor, Tug‘ilish) *Kavushi ko‘chada qolgani yo‘q*-oyog‘i ko‘chada qolgani yo‘q. Chorlamagan joyga borish uchun sening kavushing ko‘chada qolgan emas. (A.Qodiriy. O‘tgan kunlar)

Do‘mbira – ikki torli, pardasiz, dutorga qaragan-da kaltaroq, chertib chalinadigan cholg‘u asbobi. O‘roz daraxtga suyanib, do‘mbirasini chertar edi. Oybek, Tanlangan asarlar [2, B.674]. Milliy cholg‘u asbobi bo‘lgan do‘mbira leksemasi tayanch bo‘lib xizmat qilgan bir nechta frazeologizmlar mavjud. *Do‘mbira qilib chalmoq* –

o‘zgalarning gapini shov-shuv qilib aytib yurmoq, mish-mish qilmoq, ovoza qilmoq. Mana shundaqalar kishining sirini do‘mbira qilib chaladi-da,ehtiyot bo‘lish kerak. (A.Muhiddin, Qitmir). *Do‘mbira qilmoq* – do‘mbira singari shishirib yubormoq. Bunda do‘mbiraning tashqi ko‘rinishiga nisbatlagan holda semiz, yumaloq qilib yubormoq frazeologizmi shakllangan. Yalqov, dangasa kishilarga nisbatan d*o‘mbirasini chertib yurmoq (*bekor, ishsiz yurmoq) iborasi ishlatiladi. Negaki bo‘lar-bo‘lmasaga do‘mbira chertib, ishsiz yuradigan kishiga shunday iborani qo‘llash odat tusiga kirgan.

Tanbur. *Qulog‘iga tanbur chertmoq* varianti: – tinglovchining befarqligi, loqaydligidan norozi bo‘lmoq. *Devorga tanbur chertgandek* – kimningdir gapiga e’tiborsiz munosabat bildirganda. Madina hech narsani eshitmas, onasining so‘zlari devorga tanbur chertganday edi. Ammo ona buni tushunishni xohlamas, qiziga nasihat qilishdan to‘xtamasdi. So‘zlashuv uslubi)[4;133]. *Ho‘kizning qulog‘iga tanbur chertmoq – gapni behuda gapirmoq «Kimga depti xo‘jayin?» – hay*ron bo‘lib so‘radi Gulsumbibi. «Ho‘*kizning qulog‘iga tanbur chertdimmi, nodon xotin! – qizishib ketdi Yormat.– Kimga bo‘lar edi, boy otam o‘ziga so‘rayapti»*. (Oybek, Qutlug‘ qon)

Arava. O‘tmishda transport vazifasini bajargan *arava* bilan bog‘liq frazeologizmlar ham talaygina. Masalan, *aravangni tort* – ishingni qil, jo‘na ma’nolarini beradi. *Aravani quruq olib qochmoq*-uddasidan chiqa olmaydigan ish yoki narsani gapirib maqtanmoq, quruq, balandparvoz gap gapirmoq. Bu iboraning shakllanishiga e’tibor qaratadigan bo‘lsak,ichida hech narsasi yo‘q aravani olib qochish go‘yoki maqtanishga arzigulik narsa haqida behuda gapirishga o‘xshaydi. *Aravani quruq olib qochding, og‘ayni. Gapga ham amirkon moy surtib, g‘irchillatvoradigan bo‘psanda*.. (S.Ahmad, Oriyat).

Yana bir hayotiy tajribalarga asoslangan arava bilan bog‘liq iboralardan biri: «*aravani teng tortmoq»*. Bilamizki, qadimda arava birgalikda, baravar tortilsa tekis va ravon yurgan. Shu tufayli hamma teng mehnat qilishini ushbu ibora bilan qo‘llash mumkin. *O‘z aravasini o‘zi sudramoq (varianti: o‘z aravasini o‘zi tortmoq*-qiyinchiliklarni o‘zi, boshqalarning yordamisiz bajarmoq. Po‘latjon majlislarda prezidiumlar*ga saylanish va gazetaga tushish shavqini*

*kechirmagan, bir chekkad*a o‘z aravasini o‘zi sudrab yurgan kishilardan edi. (S.Ahmad, Qadrdon dalalar). *Ot tuynukka, arava eshikka kelganda* – ish tiqilinch bo‘ilib qolganda biror ishni bajarishga urinmoq. Oy tuynukka, arava eshikka kelganda darding chiqadi sen bolaning ham! Shuncha darding bor ekan, shu paytgacha nega aytmading. (Gazetadan)

Shunday qilib, o‘zbek xalqining o‘ziga xosligi milliy frazeologizmlarda aks etadi. Milliy o‘ziga xoslik frazeologik birliklarning grammatik, semantik, fonetik, leksik xususiyatlarida ham namoyon bo‘ladi. Milliy xarakterdagi frazeologizmlarning ko‘pchiligi xalqimizning o‘tmishini, madaniyatini, turmush tarzini o‘zida namoyon etganligi bois xalqqa yaqin, obrazlilik kuchli. Milliy frazeologizmlar mislsiz til hodisasi bo‘lib, ular u yoki bu xalqning mentalitetini, madaniyatini, hayot tarzini, psixologik va fiziologik hamda madaniy-ma’rifiy tomonlarini aks ettiruvchi mental tuzilmadir.

Adabiyotlar

1. Назарян А.Г. Фразеология современного французского языка. – С. 33-36. Молотков А.М. Основы фразеологии русского языка. – С. 217-218.

2. Ўзбек тилининг изоҳли луғати. 5 томлик, 1,5-том. – Тошкент: Ўзбекистон, 2020. – Б. 238, 674.

3. Маматов А. Ўзбек тили фразеологияси. – Тошкент, 2019. – Б. 62.

4. O‘zbek tili frazeologik lug‘ati. – Toshkent: G‘afur G‘ulom, 2022. – B.133.

Rezyume

Ushbu maqolada o‘zbek xalqining turmush tarzi bilan bog‘liq holda yaratilgan milliy-madaniy xususiyatga ega frazeologizmlarning semantik shakllanishi tahlil qilinadi.Shuningdek, frazeologik birlik bo‘lib shakllanishida asosiy komponent vazifasini bajargan so‘zlarga alohida e’tibor beriladi hamda shakllangan frazeologizmlarga mos misollar keltiriladi.

Kalit so‘zlar: frazeologizmlar, frazeologik birlik, milliy xarakterdagi frazeologizmlar, semantika.

Summary

In this article, the semantic formation of national-cultural phraseology created in connection with the lifestyle of the Uzbek people is analyzed. In addition, special attention is paid to the words that served as the main component in the formation of a phraseological unit, and suitable examples of the formed phraseology are given.

Key words: phraseologisms, phraseological unit, national character phraseology, semantics.

Резюме

В данной статье анализируется семантическое формирование национально-культурной фразеологии, созданной в связи с образом жизни узбекского народа. Кроме того, особое внимание уделяется словам, которые служили основным компонентом в формировании фразеологизма, и приводятся подходящие примеры сформированной фразеологии.

Ключевые слова: фразеологизмы, фразеологизм, фразеология национального характера, семантика.

ADABIY TIL VA SHEVA MUNOSABATI

Munira ESHTO‘XTAROVA,
Termiz davlat universiteti
Lingvistika (o‘zbek tili) yo‘nalishi magistranti

Adabiy til umumxalq tilining me’yorlashtirilgan, sayqallangan, lekin fonetik va grammatik jihatdan shu xalq shevalaridagi eng yaxshi xususiyatlarni o‘zida mujassam etib, hamma uchun tushunarli va ma’qul me’yorga solingan umummilliy muloqot vositasidir.

Sheva (fors. – harakat tarzi, tarz, usul) – tilning fonetik, grammatik va lug‘aviy jihatdan o‘ziga xos xususiyatlarga ega bo‘lgan eng kichik hududiy ko‘rinishi – sezilarli lisoniy tafovutlari bo‘lmagan bir yoki bir necha qishloqda yashovchilarning so‘zlashuv vositasi sifatida qo‘llanadi. Sheva – bu boshqa sheva tizimlaridan fonetik,

grammatik, so‘z yasalishi va lug‘aviy belgilariga ko‘ra farqlanuvchi lisoniy tizim sifatida mavjud bo‘ladi. [5,121]

Jamiyat tarixida tillarning keyingi taraqqiyoti milliy tillarning yuzaga kelishi bilan bog‘liq hodisadir. Millat paydo bo‘lishi bilan birga milliy til ham yuzaga keladi. Milliy tilning yagonaligi millatning tarixiy taraqiyoti orqasida shakllanadi. Milliy til dialektlar bilan o‘zaro bog‘langan holda taraqqiy etaveradi. Shuni aytish lozimki, davrlar o‘tishi bilan ma’lum bir ijtimoiy tizim o‘rniga boshqasi kelishi bilan tilda yangi so‘zlar, iboralar paydo bo‘ladi. Niccolo Machiavelli ta’kidlaganidek: «Adabiy til u yoki bu xalq, bazan xalqlarning maxsus ish hujjatlari, maktab ta’limi, kundalik yozma munosabatlar, fan, publistika, badiiy adabiyot, so‘z barcha jabhalari uchun xos bo‘lgan hodisa sifatida anglashiladi, tushuniladi, idrok etiladi». Adabiy tilning har bir sohasi – tovush tizimi, yozuvi, so‘z va gap qurilishi, so‘z qo‘llash usullari o‘z me’zonlariga ega bo‘ladi. Muhimi shundaki, adabiy tilni hamma baravar qabul qilishi, ya’ni ishchimi, ziyolimi, rahbarmi, kim bo‘lishidan qatiy nazar unga rioya qilgan holda foydalanishi kerak. Bu shubhasiz, adabiy tilda muloqot qiluvchilar va unga rioya etuvchilar uchun asosiy vazifani bajarishga turtki bo‘ladi. Jumladan jahon tilshunoslari adabiy tilnning yettita belgisini ko‘rsatadi:

1. Ishlanganlik. 2. Me‘yorlashtirilganlik. 3. Stabillik. 4. Barqarorlik – ma’lum bir tilda so‘zlashuvchi jamoaning hammasi uchun umumiylik va majburiylk 5.Uslubiy bo‘linganlik. 6.Individuallik, ya’ni muomlaning turli toifalari, ishlab chiqarish, ijtimoiy siyosiy, madaniy hayoti, ilm fan, kundalik turmush sharoitidagi umumiylik. 7. Yozma va og‘zaki shakllariga ega ekanligi. Ana shu sifatlarning hammasi mavjud tilni adabiy til deyish, xususan, hozirgi zamon tilshunosligida adabiy til va milliy til tushunchasi masalasi ko‘ndalang turadi. Negaki, adabiy til va milliy til shakllanish nuqtai nazaridan o‘zaro farqlanadi.

Adabiy til bilan shevalar o‘rtasidagi munosabat alohida muammoni tashkil etadi. Shevalar tarixan qanchalik barqaror bo‘lsa, adabiy til uchun shevalarning vakillarini lingvistik nuqtai nazardan umumlashtirish shunchalik murakkablashadi. Hozirgi kunda ko‘pgina mamlakatlar (masalan, Italiya, Indoneziya va boshqalar) da

shevalar adabiy til bilan teng suratda qo‘llanmoqda. Har bir adabiy til o‘zining tayanch dialektiga ega bo‘ladi. To‘g‘ri, o‘zbek adabiy tilining shakllanishida shevalarning barchasi u yoki bu darajada ishtirok etadi, lekin ma’lum shevalar adabiy til uchun asos, tayanch vazifasini bajaradi, ya’ni o‘zbek adabiy tili muayyan sheva va shevalardan leksik, fonetik, grammatik xususiyatlarni adabiy til fakti sifatida oladi hamda o‘sha sheva va shevalar guruhi taraqqiy etishi bilan birga taraqqiy etadi, chunki sheva jonli til bo‘lib, u doimo rivojlanishda, o‘zgarishda bo‘ladi, shu tufayli ham adabiy til shu sheva yoki shevalar guruhi rivojlanishi bilan bog‘liq ravishda taraqqiy etib boradi, aksincha, adabiy til o‘zining tayanch dialektiga ega bo‘lmasa, u bora-bora iste’moldan chiqib ketadi. Bunday tillar esa fanda «o‘lik tillar» degan atama bilan yuritiladi.

Aslida adabiy tilni bir yoki ikki sheva yoki dialekt bilan bog‘lab qo‘yish juda ham to‘g‘ri emas, balki o‘zbek adabiy tili shevalar hisobiga boyib, mukammallashib boradi. Shu ma’noda shevalar adabiy tilning boyish manbai bo‘lib qoladi. Garchand, adabiy tilda qarluq-chigil-uyg‘ur lahjasining unsurlari ko‘p uchrasada, unda qipchoq va o‘g‘uz lahjalarining xususiyatlari ham norma sifatida ishtirok etgan o‘rinlar mavjud. Masalan, adabiy tildagi *«jun», «jo‘natmoq», «jo‘nalish»* so‘zlari qipchoq lahjasiga xosdir.[5, 120] Shu jarayonda badiiy so‘z ustalarining voqea yoki qahramon sarguzashtlarini tasvirlashda shevaga murojaat qilishlarini e’tirof etishimiz mumkin. Adabiyotda milliy kolorit degan tushuncha bor. Bu esa adiblarga mahalliy xalq kechinmalarni ifodalashda sheva xususiyatlaridan keng foydalanishga imkoniyat yaratadi.

Badiiy adabiyotda adib dialektlardan ikki o‘rinda foydalanadi, ya’ni dialogik nutqda qahramonning muayyan sheva vakili ekanligini ko‘rsatish, milliy koloritni berish maqsadida hamda adabiy tilda sinonimi bo‘lmagan so‘zlarni majburan qo‘llaydi. Hatto butun boshli badiiy asarda mahaliiy sharoit, milliy mentalitetni, ruhiyatni ifodalashda to‘lig‘icha sheva xususiyatiaridan foydalangan holda tasvirlaydi. Bunga J.Sharipovning «Xorazm», Tog‘ay Murodning «Otamdan qolgan dalalar», «Ot kishnagan oqshom», «Oydinda yurgan odamlar», «Yulduzlar mangu yonadi» asarlarini misol keltirish mumkin. [5,120]

Shuni ta’kidlash lozimki, dialektlar adabiy tilning boyishi uchun tabiiy manbalardan biri bo‘lib qoladi. Dialektlarning adabiy tilga singib ketish jarayoni dastlab qiyin kechadi, lekin badiiy adabiyotning ta’sirchan kuchi orqali bir asarda qo‘llangan dialekt keyingi asarlarga o‘tadi va shu tariqa umumxalq mulkiga aylanadi va adabiy tilga o‘zlashib ketishi mumkin. Milliy tilimiz chegaralangan va chegaralanmagan leksika, yangi va eski so‘zlar, kasb-hunarga oid so‘zlar, tabu va evfemizmlar, varvarizm, jargon va argolar, xullas tilimizning barcha leksik qatlamlarini qamrab oladi. O‘zbek adabiy tili esa, ana shu lisoniy vositalarda saylab olinib, sayqallanib, tartibga solinib shakllantirilgan. O‘zbek adabiy tili ana shu sheva va lahjalardan oziqlanadi.

Adabiy tilining shakllanishida bevosita Toshkent-Farg‘ona tipidagi shahar shevalari hamda shahar shevalarining talaffuz va leksik-grammatik xususiyatlariga o‘xshash bo‘lgan qishloq shevalari adabiy tilining shakllanishida yetakchi rol o‘ynaydi O‘zbek tili taraqqiyotning barcha davralarida vujudga kelgan eng proggressiv xususiyatlarini o‘zida aks ettirganligi sababli shahar shevalari yetakchi sheva hisoblanadi. O‘zbek tili ko‘p dialektli til hisoblanadi. Bu uning murakkab tarixiy taraqqiyot yo‘lini bosib o‘tganligi, bugungi o‘zbek millati o‘tmishda xilma-xil etnik tarkibga ega bo‘lganligi bilan belgilanadi.

O‘zbek milliy tilini tashkil etuvchi turli-tuman shevalarni uch lahjaga birlashtirish mumkin. Bular: 1) qarluq-chigil-uyg‘ur lahjasi; 2) qipchoq lahjasi; 3) o‘g‘uz lahjasi. Y.D.Polivanov o‘zbek tilining ko‘p dialektli til ekanligini nazarda tutib: «O‘zbek tilining dialekt va shevalari uzoq o‘tmishda o‘zbek xalqining tarixiy taraqqiyoti bilan bog‘liq ravishda o‘zaro umumiylik kasb etib, yagona o‘zbek tilini tashkil etib borgan. Lekin ular o‘z mustaqilligini ta’minlovchi farqlarni saqlab qolavergan. Masalan, o‘zbek tilining qipchoq lahjasida qipchoq tillarining xususiyatlaridan bo‘lgan singarmonizm to‘liq saqlangan. Shu boisdan uning unli fonemalari miqdori 9 ta.

So‘z boshida y tovushi o‘rnida j tovushi qo‘llanilishi, f tovushining deyarli qo‘llanmasligi, x tovushining h tarzida ekanligi, so‘z o‘rtasi va oxirida g‘ tovushining v tarzida talaffuz etilishi, oltita kelishik shaklining to‘liq saqlanganligi va boshqa leksik farqlar

checha (yanga), bo‘la (xolavachcha), tulup (junli issiq po‘stin), lochira, g‘ilmindi, kulchatoy, (ovqat turlari) bu lahjaning nisbiy mustaqilligini ko‘rsatadi. Albatta, bu farqlar o‘zbek adabiy tilini boyitishga xizmat qiladi». Shu boisdan ham sheva va lahjalarga o‘zbek milliy tilining quyi shakli va o‘zbek adabiy tilining ichki imkoniyati sifatida qaraladi hamda ulardan unumli va oqilona foydalanish talab qilinadi. Adabiy til esa milliy tilning yuqori ko‘rinishi sifatida mazkur imkoniyatning voqelangan mahsulidir.

Ba’zi olimlar o‘zbek adabiy tili me’yorlarini belgilashda Toshkent shevasi fonetik jihatdan, Andijon, Farg‘ona shevalari morfologik jihatdan tayanch sheva degan biryoqlama fikrni ilgari suradilar. Aslini olganda, A.K.Borovkov qayd qilib o‘tganidek, o‘zbek tilining birorta shevasini ham adabiy tilga hamma jihatdan asos bo‘lgan deb aytib bo‘lmaydi. Chunki o‘zbek tilining barcha lahjalari o‘zbek adabiy tilining taraqqiyotiga ma’lum bir darajada hissa qo‘shgan. Birining ta’siri kuchaysa, ikkinchisiniki susayishi mumkin. Masalan, Andijon, Farg‘ona shevalari o‘zbek adabiy tiliga xos eng ko‘p tarqalgan grammatik shakllardan birini hozirgi zamon fe’lining *-yap* affiksi vositasida yasaluvchi shaklini bergan deyiladi. Lekin bu shakl qipchoq lahjalarida ham aynan shunday qo‘llanadi. Shunisi xarakterliki, bir nazarda adabiy tildan birmuncha uzoqroq deb tasavvur qilinadigan qipchoq lahjasi morfologiyasi singarmonizmdan, ya’ni fonetik o‘ziga xoslikdan xoli olinsa, adabiy til morfologiyasi bilan aynandir. Yoki adabiy tilga fonetik jihatdan asos deyilgan Toshkent shevasida x va h tovushlari, qaratqich va tushum kelishiklari shakllari farqlanmaydi. Qipchoq shevalarida esa ular qat’iy farqlanadi.

Qipchoq shevalarining adabiy til lug‘atini, xususan, uning chorvachilik atamalari tizimini rivojlantirishda, adabiy tilning uslubiy imkoniyatlarini boyitishda katta hissasi bor. Masalan, *qirqim, o‘tov, to‘l, sarimoy, chakki, chalop, uloq, sovliq* kabi umumiy va chorvachilik atamalari, quyruq, bovur, oq patir, tovoq, kulchatoy, lochira singari pazandachilik atamalari adabiy tilga qipchoq shevalaridan kirib kelgan. Adabiy til va sheva munosabatlarini ko‘rib chiqishdan avval «tilning o‘zi nima?» degan savolga javob qidirib ko‘raylik. Bu ko‘pchilik o‘ylagandek oddiy savol emas. Til nima?

Uning shevadan farqi nima? Bugungi kunda tilshunoslikda «til» tushunchasining aniq ta’rifi yo‘q. Bunga sabab – turli xalqlarda, turli davlatlarda, umuman odamlar orasida til har xil tushuniladi, jahon tilshunosligida qabul qilingan tillarning chegaralari turli talablar asosida belgilangan va aniq, konkret ilmiy omillarga asoslanmagan.

Aksariyat tilshunoslar bugungi kunda tilni siyosiy hodisa deb bilishadi. Ya’ni muayyan til ma’lum siyosiy chegaralar ichida shakllanadi va uning atrofdagi qardosh til shevalardan farqi biologik emas, siyosiy bo‘ladi. Bu haqida birinchi bo‘lib amerikalik germanist **Maks Vaynrayx** 1945-yili Yahudiy ilmiy institutining Nyu-Yorkda bo‘lib o‘tgan XIX xalqaro konferensiyasida hazilomuz aytib o‘tgan edi. «Til armiyasi va floti bor shevadir», degandi u. Uning bu ta’rifi bugun ham eslab turiladi. [8, 1]

Adabiy til, avvalo, yozma tildir. Ba’zan uning og‘zaki versiyasi ham ishlab chiqiladi, lekin doim emas. Yozma tilning asosiy vazifasi – turli uzoq-yaqin shevalar vakillari tushunadigan umumiy me’yor bo‘lib, u fuqarolar manfaatiga xizmat qilish lozim. Hamma hujjatni o‘z shevasida yozsa,u holda ko‘p tilli , ko‘p shevali davlatlar uchun katta tartibsizlik keltirib chiqaradi. Bunday tartibsizlikning oldini olishga esa adabiy til xizmat qiladi.Masalan Xitoyda adabiy tilning ahamiyati yanada muhimroq. Chunki Xitoy tilining shevalari bir-biridan uzoq bo‘lib, amalda har biri alohida tilga aylanib bo‘lgan. Lekin xitoyliklarning bari bir xil iyerogliflardan foydalanadi, belgilarni har xil o‘qib, bir xil tushunadi. Shu bois iyeroglif yozuvini saqlab qolish Xitoy uchun favqulodda muhim siyosiy ahamiyatga ega: xitoylar yozuvda bir-birini tushunadi, bu esa, o‘z navbatida, barcha bir millatligi haqida tasavvur hosil qiladi, ya’ni ayirmachilikning oldini oladi. Shundan kelib chiqsak, adabiy me’yorni tilning «to‘g‘ri» varianti deb hisoblash xatodir. Bu – shunchaki jamiyatga xizmat qilish uchun ishlab chiqilgan sun’iy til. Uni «to‘g‘ri» deb hisoblash kerak emas. U tilning shartli, konkret vazifaga ega shakli ekanini unutmasligimiz kerak. Buni bilsak, «yozma tildagi to‘g‘ri, shevadagi noto‘g‘ri» deb hisoblashimizga hamda shevalarning adabiy tilga yaqinligi bo‘yicha pog‘ona mavjud bo‘lishiga chek qo‘ygan bo‘lamiz, ya’ni barcha shevalarning mavqeyi bir xil bo‘ladi. Sheva muhimmi, adabiy tilmi? «Sening shevang adabiy tildan uzoq, mening shevam

adabiychaga yaqin», «Shevada gapirma, adabiycha gapir», «to‘g‘risi mana bunday bo‘ladi, shevangda noto‘g‘ri». Shu kabi ta’kidlarni, ushbu masalalar atrofidagi bahslarga hayotimiz davomida juda ko‘p duch kelamiz. Odamlarning shevaga va adabiy tilga munosabati mana shu bahslarda namoyon bo‘ladi. Til – sheva mavzusi atrofida bir qancha stereotiplar bor. Masalan:

– adabiy til – tilning «to‘g‘ri» varianti;

– adabiy tilga yaqinroq shevalarning mavqeyi balandroq;

– shevada hamma joyda ham gapirish mumkin emas.

Shevalar atrofidagi bahsning salbiy tomoni ham bor. Bu ham bo‘lsa ayrim (masalan, «j»lovchi) sheva vakillariga nisbatan haqoratomuz munosabatda bo‘lish, «qoloq», «qishloqi» deb hisoblash va hokazo.Nafaqat tildan uzoq vatandoshlar, balki ziyolilar ham ba’zan shevadan qutulib, «to‘g‘ri» gapirishga chaqirishini, shevalar iste’mol doirasini toraytirishga urinishini ko‘ramiz.[8;2] Umuman, adabiy tilga ko‘r-ko‘rona ishtiyoqni, uning me’yorlariga qat’iy yopishib olishni bugungi kun ziyolilari orasida tendensiya o‘laroq ko‘rsata olamiz.Lekin adabiy til shartli ekanini bilsak, unga munosabatimiz biroz yengillashadi. Imlo qoidalariga rioya etish kerak, albatta, lekin yozma til isloh etilmasa, qotib qoladi va og‘zaki tildan uzoqlashib boradi. Shu bois ba’zan adabiy tilni tahrir qilish, uni shevalarga moslab borish lozim. Shunday ekan, shevalar adabiy tilga emas, adabiy til shevalarga moslashib borishi lozim. Chunki, sheva tilning jonli shakli va adabiy tilning asosiy boyish manbaidir. Adabiy tilga e’tibor qaratib, ba’zan shevalarni unutib qo‘yamiz. Aslida, jamiyatda adabiy tilning ham, shevaning ham o‘rni bo‘lishi lozim. Sheva o‘zida tarixiy xotirani, madaniy ko‘nikmalarni va lug‘at boyligini saqlaydi. Yana bir masala – shevaning ham, adabiy tilning ham o‘ziga yarasha o‘rni, ahamiyati, iste’mol doirasi bor. Hech biridan butunlay voz kechib bo‘lmaydi. Shevalarni asrash, kundalik hayotda, folklorda, san’atda, TVda, internetda, kinoda, musiqada ulardan faol foydalanish lozim. Adabiy tilning o‘rni hujjatlarda, ta’limda, OAVda. Shu bois kinoda, ayrim telekanallarda, internetda shevadan foydalanilishini salbiy holat deb baholamayman. Sheva o‘z iste’mol doirasini kengaytiryapti, xolos va bunga esa ijobiy holat deb qarashimiz kerak.

Xulosa qilib aytganda, o‘zbek adabiy tilining taraqiyotida barcha lahja va shevalar birday manba bo‘lib xizmat qilgan. Bunda ularning birortasiga ustuvorlik maqomini berish ma’qul emas. Bugungi kunda adabiy til va shevalar munosabatida muttasil integratsiya jarayoni kechayapti. O‘zbek xalqining savodxonligi, maishiy hayotining tubdan o‘zgarganligi, ta’lim tizimining yuqori darajadaligi, matbuot va televideniyening rivojlanganligi, madaniy sohada amalga oshirilayotgan tadbirlar o‘zbek adabiy tili va shevalarini bir-biriga yaqinlashtirdi. Xalq shevalariga adabiy til ta’sirining asta-sekin singib borishi davom etayotir.

Adabiyotlar

1. Ashirboyev S. O‘zbek dialektologiyasi.– Toshkent: 2013.
2. Ernazarov T.J., Karimjonova V.A., Ernazarova M.S., Maxmadiyev Sh.S., Rixsiyeva K.G‘. O‘zbek dialektologiyasi. – Toshkent: Universitet, 2012.
3. Mahmudov N., Nurmonov A., Sobirov A., Qodirov V., Jo‘raboyeva Z. Hozirgi o‘zbek adabiy tili. – Toshkent: Talqin, 2005.
4. Nurmonov A., Sobirov A., Yusupova Sh. Hozirgi o‘zbek adabiy tili. – Toshkent: O‘zbekiston, 2003.
5. Turdibekov M. O‘zbek dialektologiyasi. O‘quv uslubiy qo‘llanma. – Toshkent, 2021.
6. Sayfullayeva R., Mengliyev B., Qurbonova M., Boqiyeva G. Hozirgi o‘zbek adabiy tili. – Toshkent, 2005.
7. Ernazarov T. Dialektalogiya metodologiyasi. Monografiya. – Toshkent, 2020.
8. Asanov E. Adabiy tilda gaplashish kerakmi yoki shevada // Ma’rifat, 20.02.2002.

Rezyume

Ushbu maqolada adabiy til va uning paydo bo'lishi, rivojlanishi, bugungi kundagi uning ahamiyati hamda sheva va adabiy til o‘rtasidagi munosabatlar masalalari haqida so‘z yuritilgan .

Kalit so‘zlar: adabiy til, sheva, dialekt, milliy til, lahja, og‘zaki adabiy til, yozma adabiy til, adabiy me’yor

Summary

This article talks about the literary language and its emergence, development, its importance today, and the issues of relations between dialect and literary language.

Key words: literary language, dialect, dialect, national language, dialect, oral literary language, written literary language, literary norm

Резюме

В данной статье говорится о литературном языке и его возникновении, развитии, его значении сегодня, а также о вопросах взаимоотношений диалекта и литературного языка.

Ключевые слова: литературный язык, диалект, говор, национальный язык, говор, устный литературный язык, письменный литературный язык, литературная норма.

«GO‘RO‘G‘LI» TURKUM DOSTONLARIDA LEKSIK DIALEKTIZMLARNING QO‘LLANILISHI («GO‘RO‘G‘LINING TUG‘ILISHI», «MALLA SAVDOGAR», «OLTIN QOBOQ» DOSTONLARI MISOLIDA)

To‘lg‘anoy Muzaffarovna XURRAMOVA,
Termiz davlat universiteti
O‘zbek filologiyasi fakulteti talabasi
Ilmiy rahbar: Sh.D. TURDIQULOV

O‘zbek tili turkiy tillar orasida eng qadimgi tillardan bo‘lib, sheva va dialektlarga juda boy. Bu ayniqsa, xalq dostonlarida va mahalliy aholining so‘zlashuv uslubida yaqqol o‘z aksini ko‘rsatadi, shuningdek, shevalar ham joylashuv o‘rniga ko‘ra bir-biridan farq qiladi. Professor D.Y. Polivanov asrimiz birinchi choragidayoq o‘zbek tili o‘zining ko‘p shevaligi bilan boshqa turkiy tillardan ajralib turishi haqida o‘zining ilmiy ishlarida ma’lumot bergan edi. Shu jumladan, o‘zbek xalq dostonlari ham o‘zbek tilining mahalliy ko‘rinishlaridan bo‘lib, uni o‘rganish fan uchun nazariy ahamiyat

kasb etsa, bo‘lajak til va adabiyot o‘qituvchisi uchun amaliy ahamiyatga molikdir. Hozirgi zamon jonli sheva va etnografizmlarini yozma yodgorliklarda, shuningdek, hozirgi adabiy tilimizda uchramaydigan ko‘pgina so‘z va so‘z formalari lug‘aviy birliklarni o‘zida saqlab qolganki, ularni asosli ravishda o‘rganish tilning uzoq zamonlardagi holatini aniqlashga yordam beradi. Xususan, «Go‘ro‘g‘li» turkum dostonlarining qarluq, qipchoq va o‘g‘uz shevalaridagi bir nechta variantlari bor bo‘lsada, ko‘pchiligi o‘g‘uz shevasiga mansubdir.

«Go‘ro‘g‘li» turkumi dostonlari Osiyo xalqlari orasida nihoyatda keng tarqalgan. O‘zbek, tojik, qirg‘iz, qoraqalpoq, turkman, gruzin, kurd va boshqa xalqlar og‘zaki ijodida Go‘ro‘g‘li ismi bilan bog‘liq turli xil voqealar hikoya qiliniladi. Ushbu asarlar keng tarqalganligi, turli xil tarmoqqa ega ekanligi bilan butun folklorchilarni hayratda qoldiradi. Ularni ilmiy fanga olib kirgan dastlabki olim A.Xodzko bo‘ladi. U «Go‘ro‘g‘li» turkumining ozarbayjoncha versiyasining 13 ta dostonini yozib olib, 1842-yilda nashr ettiradi. Xodzko asar haqida shunday yozadi: «Osiyoda biror burchak yo‘qki, u yerda Ko‘ro‘g‘lining nomi aytilmasin. Hatto, Bessarabiya va Moldaviyada ham uning nomini eshitasiz. Agar adiblarning shuhrati va mashhurligi ularning o‘quvchilarining soni bilan hisoblansa, unda Firdavsiy Ko‘ro‘g‘lidan biroz ortiq turadi» [1.B.3].

Go‘ro‘g‘li turkumi dostonlari ikkita katta guruhga ajratiladi. Ularning biri Kavkaz orti versiyasi deyilsa, ikkinchisi Yaqin Sharq versiyasi deb ataladi. Birinchi turga ozarbayjon, arman, gruzin, turk va boshqa millatlar orasida yashayotgan turkum dostonlar kirsa, ikkinchisiga o‘zbek, qozoq, qoraqalpoq, turkman, tojik va Markaziy Osiyo xalqlari orasida yashab kelayotgan Go‘ro‘g‘li bilan bo‘liq asarlar kiradi. Garchi ikki katta guruhdagi asarlar Goro‘g‘lining atrofida sodir bo‘lgan voqealar bo‘lsa-da, biroq asarning epik ko‘lami, voqealar rivoji kabi jihatlari bir-biridan keskin farq qiladi. Go‘ro‘g‘lining o‘zbek folkloridagi versiyasi boshqa xalqlar «Go‘ro‘g‘li» versiyasidan turkumga birlashgan dostonlarning hajman katta qismga ega ekanligi va xilma-xilligi, turkumlashishning murakkab jihatlariga asoslangan ekanligi bilan ajralib turadi.

Bugungi kunga qadar olib borilgan tadqiqotlar natijasida shu aniq bo‘ladiki, aksariyat tadqiqotlar shevalarning mavzuviy bo‘linuvchanligi boshqa turkiy til oilalariga qiyoslash orqali [2.B.18] olib borilgan. B.I.Sinsius [3.B.4] shevaga oid lug‘at ma’lumotlarni qayta ishlashda mavzuviy guruhlashning bir nechta bosqichlarini taklif qilgan. A.G.Shayxulov [4.B.] esa shevalarni mavzulashtirib o‘rganishdan ahamiyatini ta’kidlash maqsadida, leksik tematik tashniflash etnogenetik jihatdan boshqa turk tillari bilan bog‘liq tegishli leksik tuzilmalarning semantik xususiyatlarini o‘rganishga imkon berishni aytib o‘tadi. Bu boradagi K.M.Musayev hamda R.Abdina fikrlarini hisobga olgan holda [5.] biz «Go‘ro‘g‘li» turkum dostonlaridagi dialektizmlarni quyidagicha tasniflay olamiz. Bular:

1. Fonetik dialektizmlar.
2. Leksik dialektizmlar.
3. Semantik dialektizmlar.
4. Grammatik dialektizmlar.

Har qanday xalq hayotida paydo bo‘ladigan voqea hodisalar dastlab tilning leksikasida aks etadi. Shuning uchun ham leksika til strukturasi elementlari ichida eng harakatchani va xalq maishiy saviyasining onasi hisoblanadi. «Go‘ro‘g‘li» turkum dostonlari leksik xususiyati o‘rganilganda asosan 4 xil katta guruhlarga ajratgan holda tasniflash qulayroq va bu o‘quvchi uchun ham tushunilishi osonroq.

1. Eski o‘zbek adabiy tilida ishlatilgan va hozirgi kungacha shevalar leksikasida avvalgi holatida qo‘llaniladigan so‘zlar (1-jadval).

1-jadval.

Gumona gűmăŋα	Homila	Bibi Hilolning bo‘yida olti oylik gumona bo‘lgan edi [6.B.38].
Shapaq šαpăq	Quyoshga tik qarolmaydigan ot	Ravshanbek,bir shapaq tulpor yetib qalay dedi.(6.B.47)
Murdashov Műrdαšóv	O‘lik yuvuvchi kishi	Murdashovlar yuvsin qora betingni [7.B.45].

2. Qadim turkiy yozuv yodgorliklari hamda eski o‘zbek tilidan to hozirgi shevalargacha turli fonetik va semantik o‘zgarishlar bilan

yetib kelgan, lekin adabiy til normasida qo‘llanmaydigan so‘zlar (2-jadval).

2-jadval

Choyrak Čöĵrăk	Og‘irlik o‘lchovi	Oyning bo‘ynida olti choyrak arpa bilan bonat to‘rva halinchak bo‘lib borayotir. [7.B.]
Kapsan kəpsă̆n	Ulush, haq	Doim kapsan tilagan. [8.B.207]
Havvor Həvvör	tekislik	Oq havvorni bedov otga to‘ldirib. [7.B.267)

3. Adabiy tilda uchramaydigan, qadimgi turkiy yozuv yodgorliklarida ham qayd qilinmagan shevaning o‘zi uchungina xos bo‘lgan tor dialektal so‘zlar (3-rasm).

3-jadval

O‘ng‘argay Өngərgă̆ĵ	Qulay qilsin	Haq o‘ng‘argay mo‘minlarning ishini. [6.B.13]
Chaloyin Čɑlöĵï:n	Kesmoq, so‘ymoq	Qo‘yday chaloyin o‘zingdi. [8.B.35]
Bardor-bardor Bərdör-bərdör	«ko‘tar-ko‘tar qilmoq» E’zozlamoq	Kanizlar Avazning boshiga kelib, bardor-bardor qilib, Avazxonning qo‘ltig‘iga qo‘l urib, Guloyim qizning ko‘shkiga olib bordi. [8.B.223]

4. Adabiy tildagi so‘z bilan fonetik strukturasi o‘xshash bo‘lsa ham shevada boshqa ma’noda qo‘llaniladigan so‘zlar (4-jadval).

4-jadval

Gubur Gűbűr	Gubernator so‘zining qisqartmasi, hurmat ma’nosida qo‘llangan.	Kunlardan bir kuni Shohdorxon guburlarini yig‘ib, maslahat qildi. [6.B.4]
So‘yish sӨĵï:š	Erkalash	Yaxshi gaplash, yaxshi so‘yish, chirog‘im. [6.B.68]
Siyog‘ sïĵóg	Bichim,tashqi ko‘rinish	Sarg‘ayibdi Go‘ro‘g‘lining siyog‘i. [6.B.72]

5. Adabiy til va shevalarda mavjud bo‘lib, ularning birida ayrim ma’nolari o‘zgarishga yuz tutgan yoki stilistik bo‘yoq kasb

etgan so‘zlar. Shuningdek, qarindosh-urug‘chilikni bildiruvchi, odam uzvini ifodalovchi atamalar, uy ro‘zg‘or buyumlari, oziq-ovqatga oid atamalar, kiyim-kechakka oid atamalar; dehqonchilikka oid atamalar, chorvachilikka oid atamalar ham qo‘llanilgan (5-jadval).

5-jadval

Latiba Lətïbă	Burunga taqiladigan buloqi	Latibasi labiga tushgan, munchoqlari kindikdan oshgan. [6.B.14]	Kiyim-kechakka oid atama
Po‘ta PѲtă	Belga aylantirib bog‘lanadigan qimmatbaho uzun belbog‘	Belimga bog‘ladim zarli po‘tamni. [6.B.16]	Kiyim-kechakka oid
Nag‘al Năgăl	Taqa	Faqat jushqon nag‘al qoqilgan. [6.B.37]	Chorvachilik
Bovr bövƅr	Jigar	G‘arib o‘lgan, voy bovrim. [6.B.58]	Odam uzvini ifodalovchi atama
Chirgi Čïrgƅ Digil Dïgil	Ot abzali	G‘irko‘k otni yalang‘ochlab, egardi boshiga qo‘yib, chirgilardi to‘shab, digildi yopinib, otdi qo‘ydi. [9.B.42]	Chorvachilik
Shiboq Šï:böq	Qir-adirlarda o‘sadigan o‘simlik	Shiboq bilan quvullar, bahor kelsa qarovullar. [9. B.272]	O‘simlik
Chulon Čűlön	Ertalabki choydan ilgari nahorda bo‘ladigan issiq ovqat	Hamisha fuqarolarga berib turadigan chuloni bo‘ladi. [6. B.140]	Oziq-ovqatga oid atama
Lodon Lödon	Voyaga yetmagan yosh bola	Hali hozirga bizlar lodon bo‘lamiz. [6.B.28]	Qarindosh-urug‘ga oid

Xulosa qilib aytganda, turkum dostonlarida leksik dialektizmlar xilma-xil va ularning ba’zilari yo‘qolib ketish xavfi ostida ekanligini ko‘rishimiz mumkin. Ushbu holatning oldini olish uchun esa ularni yagona korpus ostida birlashtirishimiz kerak.

Adabiyotlar

1. Go‘ro‘g‘li. o‘zbek xalq dostonlari. – Toshkent: Sharq nashriyot matbaa aksiyadorlik kompaniyasi bosh tahririyati, 2006. – B.3.
2. Rahimov S. Surxondaryo viloyati o‘zbek shevalari. – Toshkent: Fan, 1985. – B.18.
3. Цинциус В.И. Проблемы сравнительно-исторического изучения лексики алтайских языков. – Ленинград: Наука, 1979. – С. 4.
4. Шайхулов А.Г. Историческая и диелектная лексика тюркоязычных народов Волго-Камско-Уралского региона. – Уфа, 1988.
5. Xolova M.A. O‘zbek milliy shevalari korpusi tahlili (Boysun tumani «j» lovchi shevalar misolida) // Monografiya. – Termiz: TerDU NMM nashriyoti, 2022.
6. Go‘ro‘g‘lining tug‘ilishi. O‘zbek xalq dostoni.
7. Oltin qoboq. O‘zbek xalq dostoni.
8. Malla savdogar. O‘zbek xalq dostoni.
9. https://dialect.uz
10. http://dialectcorpora.uz

Rezyume

Ushbu maqolada «Go‘ro‘g‘li» turkum dostonlaridagi ayrim leksik dialektizmlar va ularning o‘zbek shevalarida qo‘llanilish darajasi va ularning ishlatilish o‘rinlari ochib berishga harakat qilingan.

Kalit so‘zlar: dialekt, lahja, adabiy til, leksik dialektizmlar.

Summary

This article makes an attempt to identify some lexical dialectisms in the epics of the «Gorogly» series, the level of their use in Uzbek dialects, as well as the places of their use.

Key words: dialect, dialect, literary language, lexical dialectisms.

Резюме

В данной статье предпринята попытка выявить некоторые лексические диалектизмы в эпосах серии «Гёроглы», уровень их употребления в узбекских диалектах, а также места их употребления.

Ключевые слова: диалект, диалект, литературный язык, лексические диалектизмы.

O‘TKIR HOSHIMOVNING «QALBINGGA QULOQ SOL» HIKOYASIDA EKSPRESSIVLIKNI TA’MINLOVCHI VOSITA SUKUTNING QO‘LLANILISHI

Mehriniso Safar qizi JO‘RAYEVA,
Termiz davlat universiteti
o‘zbek filologiyasi fakulteti talabasi
Ilmiy rahbar: **D. ERGASHEVA**

Sukut (yoki jim qolish) deb, «so‘z yoki so‘zlar guruhining gap oxirida tushirib qoldirilishi»ga aytiladi [2,113]. Adabiyotlarda sukut ellipsisning bir ko‘rinishi sifatida talqin qilinadi. Bu usuldan badiiy matnda bir necha maqsadlarda foydalanilganligini kuzatishimiz mumkin: 1.Qahramon nutqinining biror-bir sabab bilan uzilishi va tugallanmay qolganligini ifodalashda; 2.Tinglovchi e’tiborini tortish maqsadida so‘zlovchining atayin jim qolishini ifodalashda; 3.Qahramonning ma’lum muddat o‘ylanib qolganligini ifodalashda [2,80].

Odatda, qahramonning sukuti(jim qolish) ko‘p nuqta bilan belgilanadi. Lekin shuni unutmaslik kerakki, ko‘p nuqta bilan tugallangan hamma gaplar ham sukutga misol bo‘lavermaydi. Sukut ham nutq kabi kommunikativ xususiyatga ega, chunki u so‘zlovchining xohishi natijasida yuzaga keladi va xabar berish, his-tuyg‘uni yetkazish, signalning navbatini almashtirish, murojaat qiluvchini faollashtirish kabi vazifalarni bajaradi. Og‘zaki sukut nutq bilan bir qatorda, hayotning barcha sohalarida lingvistik funksiya

bajarish uchun ishlatiladi, shuningdek, turli xil yozma matnlarda qo‘llaniladi [3,35].

Ba’zan muallifning o‘zi qahramonning jim qolishi va uning sababini bayon qiladi. Bunday vaziyatda ekspressivlik effekt sezilarsiz darajaga tushadi: *Xotini nima desa «yo‘q» deydigan so‘fi bu safar birdaniga «yo‘q» demasdan, xayolga ketdi. Sukut uzoqqa cho‘zilganidan keyin Qurvonbibi endi bu safar jiddiy bir chehra bilan: - Nimaga indamaysiz? Xo‘p deng! Katta odam, uyat bo‘ladi. Bir yaxshi xotinlari, bir otincha qizlari borki…*(Cho‘lpon)[4,81]. Keltirilgan ushbu parchada yozuvchi sukutni yozma tarzda so‘z bilan, ya’ni aynan «xayolga ketmoq» birikmasi bilan ifodalab ketgan va bu o‘qiyotgan kitobxonga anglashilib turibdi, bunga ko‘ra sukut holati faqatgina «sukut saqlamoq» yoki «sukut qilmoq» birikmalari bilangina emas, balki «xayolga ketmoq», «tin olmoq», «termulib qolmoq», «tikilib qolmoq», «ko‘z tikib qolmoq» kabilar bilan ham ifodalanadi. So‘z vositasida keltirilgan sukutga nisbatan ko‘p nuqta orqali beriladigan sukut kitobxonni birmuncha fikrlashga chorlashi va shuningdek, ekspressivlik darajasi yuqori bo‘lishi ham shubhasiz.

Quyida sukutning ifodalanishi «Qalbingga quloq sol» hikoyasidan olingan bir qancha gaplar misolida ko‘rib chiqiladi hamda tahlil qilinadi:

1. - *Qayerda bo‘ldi? Kim o‘zi? -Zoyirjon hozir borib mushtlashmoqchi bo‘lganday rangi o‘chib ketdi.*

- *Yo‘lda…(96b).* Ushbu gapda sukut «Yo‘lda…» so‘zi vositasida ifodalangan va qahramonning o‘ylanib qolganligini gavdalantirishga harakat qilingan

2. - *Keyin internatda o‘qidim, ishladim.*

- *Keyin-chi?*

Keyin… -Yodgorning yuragi shuv etib ketdi. «Keyin uylandim», demoqchi bo‘ldi-yu,, tili bormadi(120b). Ushbu gapda sukut «keyin» so‘zi vositasida ifodalangan hamda yozuvchi bu bilan qahramonning biroz muddat o‘ylanib qolganligini tasvir etishga harakat qilgan. Shuningdek, «tili bormadi» so‘zidan ham qahramonning sukut saqlaganligi yanada ochiqlanilgan.

3. - *Nega qorong‘uda o‘tiribsan?! – dedi chiroqni yoqib.*

- *O‘zim… Charos hozir o‘ylagan xayollari onasi oldida fosh bo‘lib qolayotgandek cho‘chib unga qarab qo‘ydi (125b).* Ushbu gapda qahramonning sukuti «o‘zim» so‘zi vositasida ifodalangan va bu sukut uning xayol surish jarayoni bilan bog‘liq holda tasvirlangan.

4. - *Kuzatib qo‘yaymi? Charos bu gapni u qo‘rqa-pisa aytganini sezdi.*

- *Yo‘q…* - *Charos titrayotgan labini tishladi(146b).* Ushbu gapdagi sukut qahramon nutqinining biror-bir sabab bilan uzilishi va tugallanmay qolganligini ifodalashda faol qo‘llanilgan. Sukutni ifodalashda keying yordamchi vosita sifatida «labini tishladi» birikmasini ham misol qilib keltirish mumkin.

5. - *O‘zing-ku, zo‘rg‘a uchga ilinib yuribsan. Endi boshqalarning ham boshini qotiryapsanmi?! Hovliqma, erga tegishga ulgurasan hali… U gapining davomini aytolmay qoldi.(153b).* Ushbu gapdagi sukut qahramon nutqinining biror-bir sabab bilan uzilishi va tugallanmay qolganligini ifodalashda faol qo‘llanilgan. Shuningdek, yozuvchi «u gapining davomini aytolmay qoldi» jumlasi vositasi bilan ham qahramonining sukutini bayon qilmoqda.

6. - *Bilaman, o‘shanda men qo‘pollik qildim,* - *Dilshod boshini quyi soldi. – Sizni ranjitib qo‘ydim. Lekin siz ham anavi yigit bilan...(170b)* Ushbu gapda ham yozuvchi qahramonning oxirgi jumlasi bilan o‘z qahramonini o‘yga toldirib, butun boshli voqelikni kitobxon ko‘z o‘nggida gavdalantirishga harakat qilmoqda.

7. - *Meni kechiring,* - *dedi anchadan keyin. Buni sizga aytmoqchi emasdim. Eshitdim, siz obro‘-e’tiborli ayol ekansiz… Ayol gapingni ayt, deganday, qoshini chimirdi(179b)*. Ushbu gapdagi sukut yozuvchi tomonidan tinglovchi e’tiborini tortish maqsadida so‘zlovchining atayin jim qolishini ifodalashda qo‘llanilgan.

8. Iskandarovning birinchi muomalasidanoq Yodgor ish yaxshilik bilan tugamasligiga aqli yetdi. «Bo‘ldi… Tamom…» U qo‘llarini yashirishga joy topolmagandek stul o‘rindig‘ini changallab yerga qaradi(191b). Yozuvchi ushbu jumlalari tarkibida qo‘llagan sukuti vositasida qahramonning neqadar ilojsiz ahvolga tushganini, boshi berk ko‘chaga qadam qo‘yganini ifodalashga urinmoqda.

Yuqorida ta’kidlanganidek, ba’zan sukut yozuvchi tomonidan ochiqdan-ochiq ifodalanadi. Bu jarayonda sukutning ekspressivlik va ta’sir kuchi biroz bo‘lsa-da kamayadi. Ushbu asarda ham yozuvchi tomonidan ochiqlanib ketilgan sukut jarayonlarini uchratishimiz mumkin. Jumladan, *«Keyin uylandim», demoqchi bo‘ldi-yu, tili bormadi(120b), Yo‘q… - Charos titrayotgan labini tishladi(146b), Hovliqma, erga tegishga ulgurasan hali… U gapining davomini aytolmay qoldi(153b)* kabilar misol bo‘la oladi. Asar davomida qo‘llanilgan sukut holati faqatgina uch nuqta yoinki «sukut saqlamoq» birikmasi bilangina emas, balki «tili bormadi», labini tishlamoq», «gapini aytolmay qoldi» kabi birikmalar bilan ham ifodalanishi mumkinligini ko‘rishimiz mumkin. Bu esa o‘z navbatida yozuvchining qanchalik mahoratli ekanligiga bog‘liqdir. Yozuvchi tomonidan qo‘llanilgan turfalik asarga o‘zgacha ko‘rk bag‘ishlashi hamda badiiy matnning ta’sirchanlik xususiyatini oshirishi asnosida kitobxonni ham zeriktirmaydi.

Xulosa qiladigan bo‘lsak, biz oddiygina deb o‘ylaydigan sukut jarayoni badiiy matnlarda qahramonlar nutqini ochib berishda juda katta ahamiyat kasb etadi. Shuningdek, badiiy matnnning ekspressivligi va ta’sirchanligini oshirishda, qahramonlar muloqotini jonlantirishda, voqelikni kitobxon ko‘z o‘nggida yorqinroq gavdalantirishda sukutning o‘rni nihoyatda beqiyosdir. Qahramonlarning ayni vaziyatga bo‘lgan munosabatini ham sukut vositasida ko‘ra olishimiz mumkin. Tahlil ostiga olingan O‘tkir Hoshimovning «Qalbingga quloq sol» hikoyasi tarkibida ekspressivlikni ta’minlovchi vosita hisoblangan sukutning uch maqsadi (qahramon nutqinining biror-bir sabab bilan uzilishi va tugallanmay qolganligini ifodalash, tinglovchi e’tiborini tortish maqsadida so‘zlovchining atayin jim qolishini ifodalash, qahramonning ma’lum muddat o‘ylanib qolganligini ifodalash) ham aniq holda tasvirlanadi. Tahlilga tortilgan gaplar tarkibidagi sukutlarning qo‘llanilish maqsadi ham ayni jarayongan mansub. Sukut nafaqat asarning, voqelikning ta’sirchanligini ta’minlovchi, balki yozuvchining so‘z qo‘llash mahoratini ham ko‘rsatib beruvchi muhim vosita hamdir.

Adabiyotlar

1. Hoshimov O‘. Shamol esaveradi. – Toshkent: Meriyus, 2017. – 256 b.
2. Qo‘ng‘urov R., Begmatov E., Tojiyev Y. Nutq madaniyati va uslubiyati asoslari. – Toshkent: O‘qituvchi, 1992. – B.113.
3. Raxmonova M. Badiiy matnlarda sukutning ifodalanishi / Central Asian journal of education and innovation, Volume 3, Issue 2, February 2024.
4. Yo‘ldoshev M. Badiiy matnning lisoniy tahlili. – Toshkent, 2008.

Summary

This article talks about the act of silence, which is considered a tool of expression, used in Utkir Khashimov’s story «Listen to the Heart», and shows this with examples.

Key words: story «Listen to your heart», ellipsis.

Резюме

В данной статье говорится об акте молчания, которое считается инструментом выразительности, использованном в рассказе Уткира Хашимова «Прислушайся к сердцу», и показано это на примерах.

Ключевые слова: рассказ «Прислушайся к сердцу», многоточие, эллипсис.

SAVDOGAR NUTQINING LINGVISTIK TADQIQI

To‘raliyev Baxodir Erali o‘g‘li,
Termiz davlat universiteti tayanch doktoranti

Annotatsiya: Ushbu maqolada qadimdan insoniyat hayotida muhim ahamiyatga ega sohalardan biri bo‘lgan savdo va savdogar nutqi leksikasining lingvistik xususiyatlari, bu borada jahon va o‘zbek tilshunosligida amalga oshirilgan ilmiy tadqiqotlar haqida fikr yuritiladi.

Kalit so‘zlar: sohaviy nutq, savdogar nutqi leksikasi, xaridor murojaati, qoliplashgan gaplar.

Аннотация: В данной статье рассматриваются лингвистические особенности лексики торгово-купеческой речи, которая с древнейших времен была одной из важнейших сфер жизни человека, а также научные исследования, проводимые в этом направлении в мировом и узбекском языкознании.

Ключевые слова: отраслевая речь, лексика торговой речи, покупательская привлекательность, клише.

Abstract: This article discusses the linguistic features of the lexicon of trade and merchant speech, which has been one of the most important areas in human life since ancient times, and the scientific research conducted in this regard in world and Uzbek linguistics.

Key words: industry speech, lexicon of merchant speech, customer appeal, cliches.

Tilda uchraydigan leksik birliklar inson tafakkuri va borliq haqidagi qarashlarining ongdagi aksi bo‘lib, jamiyatning rivojlanishi bilan takomillashadi yoki yo‘qolib boradi. Fan-texnika taraqqiyotida turli sohalarda bo‘layotgan inqilobiy o‘zgarishlar davrida nutqimizdagi ko‘plab sof turkiy leksema, ibora va maqollar unut bo‘lib ketmoqda. Ushbu til birliklarini lingvistik jihatdan o‘rganish va ilmiy tahlil qilish, lug‘atlashtirish muhim ahamiyatga ega.

So‘nggi vaqtlarda tilshunoslikning amaliy sohalariga e’tibor kuchayib, shu yo‘nalishlarda tadqiqot ishlari ko‘paymoqda. Jahon tilshunosligida jonli nutqni o‘rganish va bu sohada amaliy tadqiqotlar olib borish sezilarli darajada rivojlangan. Xususan, rus tilshunosligida **I.V.Sherstyanixning nomzodlik ishi og‘zaki reklamaning janr xususiyatlarini tavsiflab, u savdo** nutqining asosiy qismini tashkil etuvchi xarid holatining janri hamda madaniy omillarning nutqdagi qiyofasini aks ettiruvchi og‘zaki reklamaning janr shakllarini tahlil etgan, savdodagi jonli (og‘zaki) maqtov-ta’riflarni janr sifatida baholab, lingvistik tahlil qilingan**[1:3]**. **Bu tadqiqotning ahamiyatli jihati shundaki, muallif o‘zidan oldingi reklama janrining xususiyatlariga bag‘ishlangan ishlarni yaxshi o‘rganib chiqqan va og‘zaki reklamalar biror ishda tahlil etilmaganligini hisobga olib, ilmiy ishining obyekti sifatida og‘zaki reklamani belgilab olgan. Y.A.Nikanorova Peterburg bozori nutqining o‘ziga xos jihatlarini komunikativ aspekt**

asosida tahlil qilgan. U izlanishlarida “nutqiy akt va nutqiy janrning farqlari”ni ochib bergan [2:6]. I.A. Imshineskaya “tijorat reklamasining nutq uslubi, uning janr turlari” **[3:3]** haqida tadqiqot ishi olib borgan. Tadqiqotchi I.F.Proxorova nomzodlik ishida “sotuvchi va xaridor o‘rtasidagi ishonchlilik va ishonchsizlik tamoyillarini psixologik jihatdan” **[4:3]** tadqiq etgan. Savdogar va oluvchi o‘rtasidagi muloqotning qay darajada bo‘lishi, shuningdek, nutqiy vaziyat ularning dialogiga qanday ta‘sir etishi yortib berilgan. Y.V.Xarchenko professional sohalarda “shaxslararo aloqaning og‘zaki xulq modellari”**[5:5]**ni ishlab chiqqan va modellarning tuzilishi borasidagi ilmiy izlanishlarni amalga oshirilgan**.** Savdo jarayonidagi nutq bilan bog‘liq ishlardan yana biri, ya’ni “jonli marketingning komunikativ va matn xususiyatlar”**[6:2]**ini yoritishga qaratilgan ishni Y.A.Yeremina tadqiq etgan. Tijoratdagi “asosiy shaxsiy xususiyat sifatida ochiqlik faoliyatini sotuvchilik kasbi misolida psixoligik aspektda” **[6:2]** yoritib berilgan tadqiqot T.M.Babayev tomonidan olib borilgan. Rus tilshunosligida tabrik nutqi ham o‘rganilgan va nutq ko‘rinishini janr sifatidabaholashgan. Bunday ishlardan biri V.V.Dementevning ilmiy tadqiqotidir. Bundan tashqari rus tilshunosligida olib borilgan ko‘plab ishlarda ham tabrik nutqi alohida janr sifatida talqin etilgan**.** Yuqorida sanab o‘tilgan ishlarning mavzu ko‘lamidan ham aniqki, sohaviy nutq, ayniqsa, savdogar nutqi bilan qiziqish rus tilshunosligida ancha rivojlangan va shu sohaga doir ko‘plab ilmiy tadqiqotlar yozilgan.

Biroq ijtimoiy munosabatning asosiy shakli bo‘lgan jonli muloqot nutqi o‘zbek tilshunosligida hali keng ko‘lamda o‘rganilganicha yo‘q. O‘zbek tilshunosligida jonli nutqni o‘rganishga XX asrning 20-yillardayoq e’tibor qaratilgan. O‘sha davrlarda ilm-fan sohasida katta inqilob yasagan jadidlardan biri Abdurauf Fitrat o‘zbek tilining imkoniyatlarini sinchiklab o‘rgangan va o‘zbek tilining qoidalarini yaratgan. Tilga oid qarashlarini “Sarf” va “Nahv” asarlari orqali asoslab bergan. Tilning ichki xususiyatlarini va tarkibini jiddiy tahlil qilgach shunday fikrga kelgan: **“…Bilamizki, bizning shaharlarimiz yuzlab yillardan biri arab, forsi(y) adabiyotining hukmi ostida yashaydir. Shuning uchun bizda shahar tili buzulg‘andir. Tilimizning sof shaklini daladag‘i el-**

aymoqlarimizda ko‘ra olamiz. Dalada yashag‘an el-aymoqlarimiz orasida unlaring jon ozug‘i bo‘lib turg‘an dostonlar, ertaklar, matallar, laparlar, ashulalar, qo‘shiqlar bor. Shunlaring hamasini buyuk bir diqqat bilan xalq og‘zidan chiqqani kabi yozib olish kerak” [9:141]. Jadidlarning bu harakatlari nutqiy sohadagi ilk urinishlardan biri edi. Biroq bugungi kundagi sotuvchi nutqida faol leksikani sof o‘zbekcha yoki turkiy leksika deya olmaymiz. Chunki ularning tarkibida ham forsiy, arabiy, yevropa tillariga oid ayrim leksika kirib ulgurgan.

O‘zbek tilshunosligida “Nutq madaniyati” alohida fan sifatida shakllangan bo‘lsa-da, sohaviy nutq bo‘yicha qilingan ishlar sanoqli. Bugunga qadar nutq sohasida B.Husanov, V.G‘ulomov, J.Omonturdiyev, A.Omonturdiyev, E.Begmatov, M.Tursunpo‘latov, M.Yo‘ldoshev, Q.Yadgarov, N.Bekmirzayev, A.Muhiddinov, J.Rahimboy, R.Qo‘ng‘urov, Y.Tojiyev, T.Qudratov, S.Mo‘minov kabi tilshunoslar izlanishlar olib borishgan, darslik va o‘quv qo‘llanmalar yaratishgan. Yuqorida sanab o‘tilgan darslik va o‘quv qo‘llanmalar nutq mohiyati, madaniyati, uslubiyatini yoritib bergan, qilingan ishlarning aksariyati umumiy xarakterga egadir. Aynan biror soha yoki ijtimoiy qatlam vakillarining nutqi, jonli til xususiyatlarini o‘rganishga, nutq texnikasini tavsiflashga qaratilgan ishlar juda ozchilikni tashkil etadi.

O‘zbek sohaviy nutqiga oid dastlabki tadqiqotlarni Suyun Karimov, Anvar Omonturdiyev, Nizomiddin Mahmudov, Ernest Begmatov kabi taniqli tilshunoslar boshlab bergan. Biz ham ushbu izlanishimizda savdogar nutqining o‘ziga xos jihatlari haqida fikr yuritamiz.

Dastlabki kishilik jamiyatida o‘zaro munosabatlar juda sodda tarzda bo‘lgan. Jamiyat ongining yuksalib borishi natijasida natura (mahsulot ayirboshlash) ko‘rinishidagi ilk savdo munosabatlari shakllangan. Odamlar o‘zlarida mavjud mahsulot evaziga o‘zlarida bo‘lmagan mahsulotni almashtirib olishgan. Savdo jarayoni murakkab jarayon bo‘lib, sotuvchi va xaridor o‘rtasida ma’lum ijtimoiy talablarga asoslangan muloqot bo‘lib o‘tadi. Ma’lumki, dastlab bozorlar bo‘lmagan. Ijtimoiy munosabatlarning rivojlanishi natijasida keyinchalik ochiq osmon ostida, yoyma rastalarda,

xaridorni chaqirib oldi-sotdi amalga oshirilgan. Sotuvchining ko‘proq foyda topish ehtiyoji uning o‘zi sotadigan mahsulotni reklama qilishiga sabab bo‘lgan. Natijada reklamaning qadimiy shakllaridan biri − mahsulotni ovoz chiqarib, baqirib ta’riflash an’anasi shakllangan.

Zamonaviy og‘zaki nutqda reklama folklor an’analari natijasida shakllangan. Bunda reklama undovlarining o‘ziga xosligi, ularning zamonaviy sharoitda semantik xilma-xilligi ahamiyatlidir. Og‘zaki reklamaning peshtaxta, radio va televedeniyedagi reklamadan yaqqol ajralib turadigan o‘ziga xos jihati – faqat monolog ko‘rinishida emas, balki dialogik ko‘rinishining ham mavjudligidir. Sotuvchi mahsulotini yoki xizmatini jonli reklama qilayotgan bir vaqtda xaridor undan mahsulotning yoki xizmatning o‘zi uchun qiziqarli jihatini so‘rab murojaat qilishi va dialog vujudga kelish holatlari ham kuzatiladi. Og‘zaki reklama jarayonida xaridor va sotuvchi munosabatlari bevosita kechadi. Savdo hududlarida kechadigan reklama polifunksional bo‘ladi: chunki kommunikantlar – axborot yetkazuvchilar tomonidan og‘zaki shakldagi axborot, modallik, subyektiv baho munosabati va turli munosabatlarning sinkretizimi reklama vositasida namoyon bo‘ladi. Reklamada milliy va madaniy g‘oyalar, qadryatlarga mos keladigan ruhiy stereotiplarning mavjudligi sotish muloqotidagi muvaffaqiyatni ta’minlaydi. Reklamaning xususiyatlarini tadqiq etgan va uning tarixi bilan qiziqib ko‘rgan tadqiqotchi I.V.Shestryanix quyidagicha xulosa beradi: “…shahar va qishloqlarni aylanib yurgan savdogarlar va chayqovchilar o‘zlarining mollarini shu qadar beparvolik va mohirlik bilan maqtashdiki, bu an’ana savdo nuqtasida zamonaviy og‘zaki reklamada davom etmoqda” **[1:11]**. Sotuvchi nutqi mubolag‘aviy va ishontiruvchi xaraterda bo‘ladi.

Savdo sohasi vakillarining nutqida o‘ziga xos so‘zlar, terminlar, jargonlar, frazeologik birliklar, paremiologizmlar mavjud. Bu birliklar faqatgina jonli so‘zlashuv nutqidagina qo‘llanib, adabiy tilda deyarli ishlatilmaydi. Bu soha vakillarining nutqini quyidagicha guruhlarga bo‘lish mumkin:

a) sotuvchi nutqi;

b) xaridor nutqi;

c) dallol nutqi.

Sotuvchi nutqida ishlatiladigan leksik qatlam juda qadimiy bo‘lib, ushbu soha faoliyat turining zamonaviylashuvi natijasida soha leksikasi arxaiklashmoqda. Chorvador nutqi xususiyatlarini chuqur tadqiq etgan Anvar Omonturdiyev bu sohaga xos leksik birliklarning kamayib ketishini shunday xulosalaydi: “Chorvadorlarning chorvachilik bilan bog‘liq muomala vositalari tarixiylik nuqtayi nazaridan birbiridan keskin farqlanuvchi ikki davrga: 1) sho‘ro tuzumigacha bo‘lgan; 2) sho‘ro tuzumi davri chorvadorlari nutqiga ajraladi. Birinchi davrda asrlar davomida yaratilgan, minglab nozik, obrazli so‘z va iboralar, evfemik ifodalar, terminologik vositalar, umuman aytganda, fundamental tadqiqot obyektiga arzigulik til boyliklari mavjud bo‘lib, bular ikkinchi davrga kelib, muayyan sabablar bilan, zahirasi tugayotgan kon kabi botinlashgan, professionalligini yo‘qotib, “yalang‘och”lanib qolgan; uning o‘rnini **SJK** (qo‘ylarni sun’iy qochirish punkti), **qo‘zilatish kompaniyasi, separator, qo‘zi so‘yish kompaniyasi, qo‘zini o‘stirishga qoldirmoq, davlatga go‘sht, sut, teri, jun topshirmoq, go‘sht, sut, jun, teri ishlab-chiqarish** (aslida yetishtiriladi) **davlat planini bajarmoq, qo‘y sirg‘alash, ferma mudiri, chorva buxgalteri, veterinar vrach** kabi “evfemik libosi yechilgan”, go‘yo adabiylashtirilgan, zamonaviylashtirilgan “sovetizm”lar egallay boshlaganki, bu estradaga aylangan mumtoz qo‘shiqni eslatadi”**[10:154]**. Vaqt nuqtayi nazaridan olib qaraganda olimning davrlashtirishi va bu soha vakillari nutqining “g‘arib”lashuviga sabab aniq ko‘rsatilgan. Yuqoridagi siyosiy-ijtimoiy omillar choravachilik bilan bog‘liq savdogar nutqiga ham ta’sir o‘tkazgan.

Kishilik jamiyatining turli bosqichlarida savdo va uning turlari turlicha shakllarda amalga oshirilgan. Dastlab savdo tovar ayirboshlash tarzida kechgan bo‘lsa, keyinchalik qog‘oz va tanga pullar ixtiro qilingach, pul orali savdo qilish tartib-qoidalarga asoslangan ko‘rinishda amalga oshirilgan. Qadimiy bozor turlariga chorva mollari va dehqonchilik mahsulotlari sotiladigan bozorlarni misol keltirish mumkin. Ushbu bozorlardagi sotuvchi va oluvchi, dallolning o‘ziga xos leksikasi mavjud.

“Ma’lumki, tilning eng ko‘p madaniy ma’lumotlar tashuvchisi frazeologik birliklar hisoblanadi, chunki ular xalqning madaniyati, tasavvuri, odatlari, qadimiy an’analari, obrazli tafakkuri va o‘ziga xos xulq-atvori bilan bog‘langan”**[11:28]**. Har bir mahsulot sotuvchisining alohida qoliplashgan iboralari mavjud. Savdo juda tez va qizg‘in jarayon, bu holat tasviri uchun sotuvchilar “Savdo – soqol siypaguncha” maqolini ishlatishadi. Sotuvchi bilan savdolashish imkoni bor hududlarda savdo-sotiq jarayonida ikkala tomon savdolashishga berilib ketadilar. Savdolashish vaqtida har ikkala tomonning navbatma-navbat gapirishi natijasida shovqin ham paydo bo‘ladi. Bu jarayonlarning nutqiy tasviri sifatida “Savdolashuv − savdoning yarmi”; “Savdo g‘avg‘osiz bo‘lmas, polvon – gavdasiz”**[12:87]** kabi frazeologik birliklar ishlatiladi.

Sotuvchi nutqi, ham monolog ham dialogik ko‘rinishda bo‘ladi. Boshqa soha vakillaridan farqli o‘laroq, sotuvchi va xaridor savdolashish oldidan hech qanday tayyorgarlik ko‘rmaydilar, savdolashish jarayonidagi barcha fikrlar jonli, tabiiy, favqulodda kechadi. Bu jarayonda har ikkala tarafning so‘z qo‘llashga qay darajada mohirligi namoyon bo‘ladi. Savdogar nutqini tahlil obyekti qilib olgan tadqiqotlar tilimiz tabiatiga doir bir qator yangiliklar qilish, og‘zaki jonli nutqning o‘ziga xos jihatlari haqida xulosalar chiqarish imkoniyatini beradi. Shuningdek, adabiy tilimizning yanada boyishiga, ravnaq topishiga xizmat qiladi. Sotuvchi nutqida keng qo‘llanilgan fonetik, grammatik, leksik vositalar, shuningdek, badiiy tasvir vositalaridan foydalanish natijasida savdogar mahoratini yoritib berish bo‘yicha amalga oshirilgan ilmiy xulosalangan tahlillar mavjud bo‘lishi kerak. O‘zbek tilshunosligida ushbu sohaga doir leksikani saqlash, ularning lingvomadaniy, pragmalingvistik xususiyatlarini tahlil qilish uchun xaridor va sotuvchi, sotuvchi va dallol nutqining o‘ziga xos jihatlarini lingvistik jihatdan o‘rganish zarurati mavjud.

FOYDALANILGAN ADABIYOTLAR

1. Шерстяных Инна Валерьевна. Устная реклама на месте продажи: обоснование и интерпретация жанра: Авторефарат диссертации на соискание ученой степени кандидата филологических наук. – Новосибирск, 2004. - 23 с.

2. Никанорова Елена Алексеевна. Речевой облик Петербургского рынка (коммуникативно − жанровый аспект): Авторефарат диссертации на соискание ученой степени кандидата филологических наук. – Санкт-Петербург, 2007. -21 с.

3. Имшинецкая Ия Анатольевна. Речевой стиль коммерческой рекламы в его жанровых разновидностях: Авторефарат диссертации на соискание ученой степени кандидата филологических наук. – Пермь, 2007. -22 с.

4. Прохорова Ирина Федоровна. Распознавание доверия-недоверия во взаимодействии продавца и покупателя: Авторефарат диссертации на соискание ученой степени кандидата психологических наук. − Санкт-Петербург, 2007. -25 с.

5. Харченко Елена Владимировна. Межличностное общение: Модели вербального поведения в профессиональных стратах: Авторефарат диссертации на соискание ученой степени кандидата психологических наук. -Санкт-Петербург, 2007. -52 с.

6. Еремина Екатерина Александровна. Коммуникативные и текстовые особенности прямого маркетинга: Авторефарат диссертации на соискание ученой степени кандидата филологических наук. – Москва, 2007. -22 с.

7. Turdikulov S. D. Ethnolinguistic features of surkhandarya microtoponyms (on the example of theotoponyms) //Theoretical & Applied Science. – 2020. – №. 4. – С. 81-83.

8. Бабаев Тосиф Музаффар оглы. Общительность как базовое свойство личности в коммерческой деятельности (на примере професси продавца): Авторефарат диссертаци на соискани учено степени кандидат психологически наук Москв, 2005. -20 с.

9. Fitrat A. Tanlangan asarlar. 1-jild. – Toshkent: Manaviyat, 2009. -336 b.

10. Омонтурдиев А. Профессионал нутқ эвфемикаси (чорвадорлар нутқи мисолида). Фил. фан. док. дисс. -Тошкент, 2009. -252 б.

11. Нурмуҳаммедов Ю. Ўзбек миллий-маданий дунёқарашининг фразеологик сатҳ аспектидаги таҳлили. Фил. фан. фал. док. (PhD) дисс. – Самарқанд, 2021. - 164 б.

12. O‘zbek xalq maqollari. Turdimov Sh. Muharrirligi ostida. “Sharq” nashriyot-matbaa aksiyadorlik bosh kompaniyasi bosh tahririyati, 2005-yil. -224 b.

MAXTUMQULI MISRALARIDA GO‘ZALLIK TUSHUNCHASI

Bo‘riyev Jamshid
Termiz davlat universiteti
O‘zbek tili va adabiyoti kafedrasi
o‘qituvchisi
+998944699334
jboriyev123@gmail.com

Annotatsiya Ushbu maqolada turkman Maxtumquli she’riyatining o‘ziga xos nutqiy, uslubiy xususiyatlari haqida ma’lumot berildi. Bunda turkman shoiri Maxtumqulining asarlaridagi metafora, metonimiya, epitet, ironiya, oksimoron, zeugma va so'z birikmasi, antonomaziya, o'xshatish va hokazo leksik uslubiy vositalardan ko‘p foydalanish mahorati misollar yordamida ochib berildi.

Kalit so‘zlar: Metafora, obraz, parafrazaik nomlar, epitet, lingvopoetika, she’riy matnlar.

Abstract. In this article, information was provided about the specific rhetorical and stylistic features of Turkmen Makhtumquli poetry. The skill of using metaphor, metonymy, epithet, irony, oxymoron, zeugma and word combination, antonomasia, simile, etc. in the works of the Turkmen poet Makhtumkuli was revealed with the help of examples.

Key words: Metaphor, image, paraphrasic names, epithet, linguopoetics, poetic texts.

Аннотация. В данной статье была представлена информация об специфических риторических и стилистических особенностях туркменской поэзии Махтумкули. С помощью примеров раскрывалось мастерство использования метафоры, метонимии, эпитета, иронии, оксюморона, зевгмы и словосочетания, антономазии, сравнения и т.д. в произведениях туркменского поэта Махтумкули.

Ключевые слова: Метафора, образ, парафразические имена, эпитет, лингвопоэтика, поэтические тексты.

Buyuk so‘z ustasi Maxtumquli Firog‘iy san’at va badiiylik bilan so‘zga muhabbat, shu bilan birgalikda, turkmanlarning go‘zallikka bo‘lgan hayratini yuksaklarga ko‘tardi. She’riyat tili uslubiy vositalarga boy; oddiy so‘zlar mahorat bilan qo‘llaniladi. Chuqur his-tuyg'ularni ifodalash, turkman hayoti falsafasi– Maxtumquli Firog‘iyning misralaridagi buyuklikni yaratuvchi obrazdir. She’r tili badiiy vositalarga juda boy va o‘ziga xos, sodda so‘zlar chuqur his-tuyg‘ularni ifodalashda mahorat bilan qo‘llaniladi. Maxtumquli she'riyatida so'zi tasviri, metafora, metonimiya hamda har xil epitetlar kabi stilistik vositalar samarali o‘rin egallaydi.

Shoir ijodida stilistik vositalar va badiiy obraz ham yuqori o‘rin tutadi. Stilistik metafora, metonimiya, har xil epitetlar kabi vositalar o‘quvchida katta qiziqish uyg'otadi. Ma'lumki, stilistik vosita ongli va qasddan qilingan adabiyotdir tilning ba'zi faktlaridan foydalanish eng muhim xususiyatlar ham tizimli, ham fonetik, morfologik, leksik va sintaktik ifoda vositalarining semantik shakllari generativ model sifatida taqdim etilgan[2, B. 102]. Stilistik qurilmalar yanada faollashtirish uchun mo'ljallangan tilning mos ifodalovchi vositalari leksik darajadagi stilistik vositalarning o'zaro ta'siriga asoslangan:

a) mantiqiy;

b) nominal;

v) emotsional ma’nolar. [1, B. 78]

Ular: metafora, metonimiya, epitet, ironiya, oksimoron, zeugma va so'z birikmasi, antonomaziya, o'xshatish va hokazo leksik uslubiy vositalardan ko‘p foydalanish Maxtumquliga xosdir.

Masalan: shirin zyban - shirin til, kepder topuk –kabutar-to'piq, gaz bo'un – g'oz bo'yin. Bu epitetlar Maxtumquli fikrlarining nafosatini tasvirlashda namoyon bo‘ladi ayollik xususiyatlarining nozikligi unga gapirish imkonini beradigan arab-fors qizlari alohida o'rin egallaydi. Qayta-qayta tavtologiyasiz, go'zallik va noziklik haqida, shirin tushlar va azoblar, sevishganlarning sadoqati haqida ko‘plab misralarni Maxtumquli ijodida ko‘plab uchratishimiz mumkin. Masalan:

Sibi-zenehdanlar -alma kibi yuzler, olma yuzli;

gunça dahanlar -gunça meňzeş dodaklar- tugma lablari;

simin-zakanlar-kumush yaly apak alkymlar- chin kumushdek oppoq;

gul-handan - ochylan gul - ochilgan gul[6, B. 86].

Maxtumquli she’riyati millatning milliy mentaliteti, qarashlari va estetik tajribasini ifodalovchi uslubiy vositalar va badiiy obrazga to‘ladir. Turkmanlar uchun "go'zallik" tushunchasi nafaqat ko'rinadigan shaklning go'zalligi, balki ishlarning go'zalligi, yaxshilik, butunlik va boshqalar. "Go'zal" ko'pincha individual asosda yoki jamoat konsensusiga asoslanadi. Psixologik omillarni o'z ichiga olgan ichki go'zallikning qandaydir kombinatsiyasi bo'yicha shaxsiyat, aql, inoyat, xushmuomalalik, xarizma, yaxlitlik, muvofiqlik kabi nafislik, va tashqi go'zallik (ya'ni jismoniy jozibadorlik)ni o‘z ichiga oladi. Jismoniy sifatlarni o'z ichiga olgan jismoniy joziba haqidagi oyatlar estetik asosda baholanadi. Masalan:

Eý, yaranlar bir ýuzi gul, aýa ashyk bomsam,
Barçalar maksudy – gül ragnaya oshyk bomsam.
Bilbilem, bag ichre bir gowgaýa oshyk bomsam,
Ozi gayyp, zülpleri yeldaya oshyk bolsam,
Menzilim bag ichredir, sähraya oshyk bo'lsam.

Uslubiy asboblar: ýuzi gul, aýa – oyday gul; gül ragnaýa –gul, uning yarmi qizil, yana yarmi parishon – turkman she’riyatida o‘xshatish sifatida ishlatiladi. Ayol go'zalligi; zülpleri yeldaya – qora jingalak sochlar (yelday - fors tilida 22-dekabr yilning eng uzun tunini bildiradi); bu yerda shoir jingalak qora sochlarning go'zalligini tasvirlaydi[4, B. 81].

Maxtumquli mard turkman xalqi, ayniqsa, yoshlari bilan faxrlanardi va jangda sherdek jasur edilar. Turkman shoirlari turkman yigitlarining jasoratlarini kuylagan. Dushman yoshlarning mashaqqatli jangi ostida chekinishga majbur bo'ldi. Turkman shoiri, Maxtumquli, buni o‘ziga xos go‘zallik deb baholab, quyidagi misralarni yozgan:

Ol merdiň ogludir, mertdir pederi,
Go'ro'g'li gardashi, serhoşdir seri,
Dagda-düzde kowsa, sayyatlar, diri –
Ala bilmez, yolbars ogly, turkmeniň [6, B. 56].

Insonning, askarning hayoti va Vatanni himoya qilish bilan bog'liq. Bu misralarda tinch-totuv turkman xalqining ona yurti o‘z ifodasini topgan. Asosiy fikr –tinch hayot g`oyasi va bu g`oyani hayotda ro`yobga chiqarish; jasur askarlar himoya qilishga tayyor yurt va mamlakat. Turkman xalqi, uning turmush tarzi haqida gapirar ekan, Maxtumquli o‘z mehrini namoyon etadi.

Maxtumquli asarlarida go‘zallik tushunchasi muhim estetik va ma’naviy mezon sifatida namoyon bo‘ladi. U go‘zallikni faqat tashqi ko‘rinish emas, balki ichki ma’naviy poklik, axloqiy barkamollik, ilohiy nur sifatida talqin etadi. Quyida bu tushuncha haqida asosiy jihatlar keltiriladi:

1.Go‘zallik–ma’naviy komillik belgisi

Maxtumquli she’rlarida go‘zallik ko‘pincha insonning qalb go‘zalligi, iymon, sabr, vafodorlik kabi fazilatlari bilan bog‘lanadi. U ma’naviy jihatdan pok, saxiy, sabrli kishilarni “go‘zal” deb ataydi. Bu tasavvur islomiy-ma’rifiy dunyoqarashga hamohangdir.

Misol:

"Go‘zallik kimda bor ersa, ko‘ngil unga yo‘ldoshdir…"

2. Tasviriy vosita sifatida ayol go‘zalligi

Shoir ayol qiyofasini tasvirlashda tashqi go‘zallik jihatlarini ham estetik ifoda vositasi sifatida ishlatadi. Soch, qosh, ko‘z, husn va liboslar poetik detallar bilan yoritiladi. Biroq bu go‘zallik ham ruhiy barkamollik bilan uyg‘un tasvirlanadi.

Masalan, u “yor”ni tasvirlarkan, uning o‘zida ilohiy nur, mehr-oqibat va sadoqatni mujassam qiladi.

3. Ilohiy go‘zallik tushunchasi

Tasavvufiy yo‘nalishda go‘zallik Allohning jamol (go‘zallik) sifatlaridan biridir. Maxtumquli ilohiy go‘zallikni sevgi, haqiqat va haqiqatparastlik orqali ko‘rsatadi. “Go‘zal” – bu nafaqat jismiy, balki haqiqatni tanigan va unga yetishgan zotdir.

Misol:

“Go‘zal degan – sabrli bo‘lar, do‘stning yo‘lida dard yutar”

4. Go‘zallik – jamiyat aksidir

Shoir go‘zallikni faqat individual xususiyat sifatida emas, balki xalq hayoti, tabiat, yurt manzaralarida ham ko‘radi. U yurt

go‘zalligini, xalq orasidagi halollik, mehr-oqibatni ham go‘zallik timsoli deb biladi.

Biz Maxtumquli she’riyatida go‘zallik tushunchasi haqida gapirib, buyuk shoir insonning nafaqat tashqi qiyofasini, balki insonning qahramonliklari, vafosi, aql-zakovati ham.go'zal deb hisoblaydi, degan xulosaga keldik.

FOYDALANILGAN ADABIYOTLAR RO‘YXATI

1. Гумбольдт В. Избранные труды по языкознанию. – М.: Прогресс, 1984.
– С. 319.
2. Йўлдошев Б. Бадиий асар сарлавҳаларининг семантик ва грамматик хусусиятлари ҳақида *(Абдулла Қаҳҳор ва Саид Аҳмад асарлари асосида).* Ўзбек тилшунослиги масалалари. Мақолалар тўплами,
– Самарқанд, 2001.
3. Йўлдошев М. Ядгаров Қ. Бадиий матннинг лисоний таҳлили фанидан амалий машғулотларни ташкил этиш. – Т., – Б. 68.
4. Лыков А.Г. Окказиональное слово – как лексическая единица речи// Филологические науки, 1971. № 5. – С. 78.
5. Babaýew, K. (1989). Türkmen diliniň stilistikasy. Aşgabat. Magaryf
6. Primov A., Aqmanova Sh. (UrDU) Ilm Sarchashmalari. 2017-yil, 9-son. Biblionimlarning nutqiy-kommunikativ va funksional xususiyatlari.
– B. 30-33.

BOLAGA ISM QO‘YISH BORASIDAGI ISLOMIY QARASHLAR

Qobilov Mirziyo Eshnozar o‘g‘li
Termiz davlat universiteti
O‘zbek tilshunosligi kafedrasi o‘qituvchisi
dscqobilovmirziyo@gmail.com

Annotatsiya. Bolaga ism qo‘yish inson hayotidagi eng muhim va muqaddas vazifalardan biridir. Ism nafaqat shaxsni aniqlovchi belgi, balki uning taqdiriga, xarakteriga, jamiyatdagi o‘rniga ta’sir qiluvchi omil hisoblanadi. Turli madaniyatlarda ism qo‘yishning o‘ziga xos odoblari va qoidalari mavjud bo‘lib, ularning asosiy qismi diniy va axloqiy tamoyillarga asoslanadi. Ushbu maqolada bolaga ism qo‘yish odoblari, ularning diniy, madaniy va ijtimoiy jihatlari kengroq tahlil qilinadi.

Kalit so‘zlar. Ism, antroponimlar, diniy bilim, oilaviy qarashlar, ism qo‘yish ahamiyati.

Ismning ahamiyati va ma’nosi. Ism insonning shaxsiyati va hayot yo‘lining ajralmas qismidir. Islom va boshqa ko‘plab madaniyatlarda ismning ma’nosi yaxshi va chiroyli bo‘lishi zarur deb hisoblanadi. Payg‘ambarimiz Muhammad (s.a.v.) hadislarida ismning inson taqdiriga ta’siri ta’kidlangan. Ism orqali inson jamiyatda tanilib, hurmat qozonadi. Nojo‘ya, haqoratomuz yoki yomon ma’noli ismlar esa farzandning ruhiy holatiga va jamiyatdagi mavqeiga salbiy ta’sir ko‘rsatishi mumkin[1, B. 45].

Ism qo‘yishda diniy odoblar. Islomda ism qo‘yish odoblari aniq belgilangan. Eng avvalo, ism Allohning go‘zal sifatlari bilan bog‘liq bo‘lishi yoki payg‘ambarlar, sahobalar ismlaridan bo‘lishi tavsiya etiladi. Masalan, Abdulloh, Abdurahmon kabi "‘Abdu" so‘zi bilan boshlangan ismlar Allohga qullikni bildiradi va juda maqbul hisoblanadi [2, B. 78].

Yomon yoki haqoratomuz ma’noga ega ismlardan voz kechish zarur. Shuningdek, ismni qisqartirib yoki noto‘g‘ri talaffuz qilishdan saqlanish lozim. Masalan, "Abdulloh" ismini "Abdi" yoki "Abdul" deb chaqirish hurmatsizlik sifatida qabul qilinadi [3, B. 102].

Ism qo‘yishning madaniy va ijtimoiy jihatlari. Ism qo‘yishda ota-onalar o‘z madaniyati, an’analari va jamiyatdagi odatlarni hisobga olishlari muhimdir. Ba’zan mashhur shaxslarning ismlari farzandlarga qo‘yiladi, ammo bu har doim ham ma’qul emas. Ism farzandning kelajakdagi jamiyatdagi o‘rnini belgilaydi, shuning uchun uni tanlashda ehtiyotkorlik zarur [4, B. 56].

Ism qo‘yish vaqti va marosimlari. Ism qo‘yish uchun aniq bir vaqt belgilanmagan bo‘lsa-da, ko‘plab musulmon oilalarda uchinchi yoki yettinchi kunda ism qo‘yish marosimi o‘tkaziladi. Bu marosimda farzand uchun hayrli tilaklar bildiriladi va jamiyat a’zolari bilan quvonch baham ko‘riladi [5, B. 33].

Ism qo‘yishdagi ota-ona va jamiyat roli. Ism tanlashda ota-ona o‘zaro maslahatlashishi muhim. Shuningdek, diniy olimlar va jamiyatning ijobiy fikrlari ham hisobga olinadi. Ism farzandning shaxsiyati va kelajagi uchun muhim omil hisoblanadi, shuning uchun uni tanlashda mas’uliyat yuqori bo‘lishi lozim [6, B. 89].

Xulosa qilib aytganda, bolaga ism qo‘yish odoblari nafaqat diniy, balki madaniy va ijtimoiy jihatlarni ham o‘z ichiga oladi. Ismning ma’nosi yaxshi, chiroyli va hurmatga loyiq bo‘lishi, diniy tamoyillarga mos kelishi, ota-ona va jamiyat maslahatiga asoslanishi farzandning kelajagi uchun muhimdir. Shu bois, ism tanlashda diqqat va e’tibor bilan yondashish zarur.

Foydalanilgan adabiyotlar

1. Қудратуллоҳ Сиддиқ Муҳаммад. Тошкент.: Ҳилол нашр. 2023 й. 608 бет.
2. Muhammad ibn Ismoil al-Buxoriy, Sahih al-Bukhari, Qomuslar bosh tahririyati, Toshkent:1991.
3. Xurshida Kadirova, O‘zbek ismlarida evfemizatsiya va uning disfemizatsiyalashuviga oid muammolar, Toshkent- 2022.
4. https://plan-baby.uz/tools/names
5. Arapbayeva Damegul Kurbanovna, Oila tipologiyasi va funksiyalarining o‘ziga xos talqini, Toshkent- 2023
6. Diniy maslahatlar va ism qo‘yish, Toshkent, 2017.

MAXTUMQULI SHE’RIYATIDA QOFIYA ESTETIKASINING LINGVOPOETIK TALQINI

Raximova Umida Djumayevna
Termiz davlat universiteti
O‘zbek tili va adabiyoti kafedrasi v.b.dotsenti
Tel:+998995864255 *E-mail:* umidaraximova973@gmail.com

Annotatsiya: Ushbu maqolada Maxtumquli Firog‘iy she’riyatida qofiya tizimining poetik xususiyatlari, uning badiiy-estetik funksiyalari va semantik imkoniyatlari chuqur tahlil qilinadi. Shoir qofiyalarining musiqiyligi, xalqona ruh bilan uyg‘unligi hamda ma’no yuklashdagi roli ilmiy asosda yoritiladi.

Kalit so‘zlar: qofiya, radif, poetika, musiqiylik, semantika, xalq og‘zaki ijodi, badiiy uslub, turkiy adabiyot.

Annotation: This article provides a detailed analysis of the poetic features of the rhyme system in the poetry of Makhtumkuli Firog'iy, its artistic and aesthetic functions, and its semantic possibilities. The musicality of the poet's rhymes, their harmony with the folk spirit, and their role in conveying meaning are scientifically explained.

Key words: rhyme, refrain, poetics, musicality, semantics, folklore, artistic style, turkic literature.

Аннотация:В данной статье подробно анализируются поэтические особенности системы рифмы, ее художественно-эстетические функции и семантические возможности во фрагментарной поэзии Махтумкули. Музыкальность рифм поэта, их гармония с народным духом и их роль в смысловой нагрузке рассматриваются на научной основе.

Ключевые слова: рифма, радиф, поэтика, музыкальность, семантика, фольклор, художественный стиль, тюркская литература.

Turkiy adabiyot tarixida qofiya she’riy nutqning asosiy struktur elementlaridan biri hisoblanadi. Ayniqsa, Maxtumquli Firog‘iy ijodida qofiya nafaqat shakliy vosita, balki g‘oyaviy-estetik yukni tashuvchi muhim poetik unsur sifatida namoyon bo‘ladi. Shoir

o‘z asarlarida qofiya orqali insoniy tuyg‘ular, ijtimoiy qarashlar va falsafiy mulohazalarni ifoda etadi. Maxtumquli Firog‘iy ijodi bu borada alohida e’tiborga loyiqdir. Uning she’rlari nafaqat mazmunan chuqur, balki shaklan mukammal bo‘lib, qofiya tizimi orqali o‘ziga xos badiiy ta’sir kuchiga ega.Maxtumquli Firog‘iy ijodi badiiy ohang va musiqiylik jihatidan nihoyatda boy va ta’sirchan hisoblanadi.

Qofiya – she’r satrlarining oxirida takrorlanib keluvchi tovushlar uyg‘unligi bo‘lib, u poetik matnning ritmik va estetik yaxlitligini ta’minlaydi. Maxtumquli she’riyatida qofiya mazmunni mustahkamlaydi,ohangdorlikni kuchaytiradi, xalq og‘zaki ijodi bilan bog‘liqlikni ta’minlaydi. Shoir qofiyani faqat texnik vosita sifatida emas, balki **ma’no yuklovchi poetik unsur** sifatida qo‘llaydi. Masalan, shoir she’rlarida quyidagi kabi qofiya tizimi uchraydi: ko‘ngil – yo‘ngil, dil – til. Bu yerda tovush uyg‘unligi sodda va tabiiy, qisqa bo‘g‘inli qofiyalar ohangdorlikni oshiradi, mazmuniy yaqinlik (ko‘ngil–dil) saqlangan. Natijada o‘quvchiga tez ta’sir etuvchi musiqiylik yuzaga keladi.

Qofiya tizma nutqning muhim tarkibiy qismlaridan biri bo‘lib, she’riyatda uning roli kattadir. Shoirning mahorati qisman tilda mavjud bo‘lgan qofiyadosh so‘zlardan to‘g‘ri foydalanishi bilan belgilanadi. Ulug‘ shoirlarimiz tilning bu imkoniyatidan mohirona foydalanganlar.

– Ul nimadur, yemadilar, to‘ydilar?
Ul nimadur, qiyomatga qo‘ydilar?
Ul kim edi, tovonidan so‘ydilar?
Shoir bo‘lsang, shundan bizga xabar ber!
- Ul diydordir, yemadilar, to‘ydilar,
Ul namozdur, qiyomatga qo‘ydilar,
Nasimiyning tovonidan so‘ydilar,
Bizdan salom bo‘lsin, javob shundaydir...

Savol-javob she’rlarida “tajohuli orifona” tarzida, ya’ni bilib turib bilmaslikka olib, zamondoshining iste’dodi va ilmi-ma’rifatini sinash uchun savollar o‘rtaga qo‘yiladi. Bu so‘roqlarga javob berish uchun esa iste’doddan tashqari, keng qamrov, nozik farosat, ulkan ilm-irfon ham bo‘lishi zarur.

Qofiya shoir ijodida faqat tovush uyg‘unligi emas, balki **fikrni mustahkamlovchi vosita** sifatida xizmat qiladi. Shoir qofiya orqali she’rning ichki ritmini yaratadi, o‘quvchi e’tiborini muhim g‘oyalarga qaratadi, badiiy obrazlarning ta’sirchanligini oshiradi. Bu jihatdan uning qofiyalari “sehrli” deb baholanadi.

Shoir qofiyalangan so‘zlarni tasodifiy tanlamaydi. Ular o‘zaro ma’nodosh, qarama-qarshi, yoki mazmunan bog‘liq bo‘ladi. Bu esa she’rning g‘oyaviy yaxlitligini ta’minlaydi va o‘quvchida chuqur tafakkur uyg‘otadi.

Maxtumquli qofiya bilan birga radifdan ham mahorat bilan foydalanadi. Radif she’rga ohangdorlik beradi, asosiy fikrni takrorlash orqali mustahkamlaydi, emotsional ta’sirni oshiradi.Bu usul shoir ijodining eng muhim poetik belgilaridan biridir.

Gar tutsa holimdan xabar, quruq og‘ochdan qon chiqar,

Inson sharorimdan asar topsa, tanidan jon chiqar.

“Agar mening ma’naviy holimdan, dard-u ishqimdan xabar topsa, inson u yoqda tursin, hatto qurigan og‘ochdan qon chiqadi. Sharorimdan – ichimdagi olovdan bir inson asar topsa, bu ishq o‘tining bir uchquni unga yetsa, tog‘at qilolmay, tanidan jon chiqadi”.

Shoir ishq dardida, ma’naviy holini, ilohiy tajalliylar ta’sirini mubolag‘a bilan oshkor etayotir. “Quruq og‘ochdan qon chiqar” ifodasida esa, aslida o‘z bag‘rining qonga to‘lganiga ishoradir. Qurigan daraxtdan qon chiqqach, tirik insondan jon chiqadi.

Maxtumquli qofiyalari xalq og‘zaki ijodi bilan chambarchas bog‘liq. Uning she’rlari sodda va ravon tilda yozilgan, xalq maqollari va iboralariga yaqin, milliy ruhni aks ettiradi.Bu esa uning ijodini xalq orasida mashhur qilgan asosiy omillardan biridir. Maxtumquli qofiyalari xalq tiliga yaqin bo‘lib, sun’iylikdan xoli. Bu uning she’rlarini keng ommaga tushunarli qiladi.

Ketgan kelmas yo‘lindan,
Yomon qaytmas fe’lindan,
Diyonat xalq qo‘lindan
Uchdi, deya yig‘larman.
Hozir bizning zamonda -
Yomon so‘zlar zabonda,
Zulm ishlari jahonda

Jo‘shdi, deya yig‘larman!..

Maxtumquli Firog‘iy qofiyalari o‘zining tabiiyligi, musiqiyligi va ma’no boyligi bilan ajralib turadi. Ular shoir she’riyatining badiiy kuchini oshirib, o‘quvchiga estetik zavq bag‘ishlaydi. Ularning “sehrli”ligi shundaki, ular shakl va mazmun uyg‘unligini mukammal darajada ifodalaydi. Shu bois Maxtumquli ijodi bugungi kunda ham adabiyotshunoslik uchun muhim tadqiqot obyektidir.

Turkman xalqining ulug‘ farzandi Maxtumquli Firog‘iy nafaqat turkiy xalqlar, ayni paytda jahon adabiyoti va madaniyati tarixida alohida o‘rin egallagan atoqli shoir va mutafakkirdir. Hassos so‘z san’atkorining chuqur gumanizm bilan sug‘orilgan asarlari mard va matonatli, mehnatkash turkman xalqining ezgu qadriyatlari va olijanob fazilatlarini tarannum etishi, hamisha xalq bilan hamdard bo‘lishga, turli millat va elatlar o‘rtasida o‘zaro ahillik va hamjihatlik rishtalarini mustahkamlashga qaratilgan mazmun-mohiyati bilan ibrat namunasidir.

Adabiyotlar ro‘yxati

1. Maxtumquli. Tanlangan asarlar – Toshkent: O‘zbekiston davlat nashriyoti 1963.
2. Maxtumquli. She’rlar (tarj. Maqsud Asror) – Toshkent: Badiiy adabiyot nashriyoti.
3. Maxtumquli she’riyatidan – Toshkent: G‘afur G‘ulom nomidagi adabiyot va san’at nashriyoti, 1976,
4. Maxtumquli. Saylanma – Toshkent, Sharq nashriyoti 1995,
5. Turkman mumtoz she’riyati durdonalari – Urganch: Xorazm nashriyoti, 2000,
6. Maxtumquli. Saylanma (tarj. Mirzo Kenjabek) – Toshkent: 2007.

MUNDARIJA

Termiz davlat universiteti
Abduqodir Toshqulov tabrik so‘zi..... 5

I SHO‘BA. MAXTUMQULI FIROG‘IY – XALQLAR DO‘STLIGI KUYCHISI

Мирзо Кенжабек	Махтумқули ижодида руҳий ҳаёт ва Маърифий-маънавий мавзулар талқини.....	7
Матризоев Қ.	Махтумқули менинг тақдиримда.....	37
Авездурдиева Г.Х.	Махтумқули – ўзбек-туркман дўстлиги тимсоли.....	42
Матёқубова Г.А.	Махтумқули – коинот ва кўнгил оламининг сарчашмаларида.....	47
Рустамова Ч.	Творческое наследие Махтумкули Фраги – бесценное общечеловеческое достояние.....	53
Давлатова С.Т.	Ўзбекистон ва туркманистон дўстлик алоқаларини мустаҳкамлашда Махтумқули маънавий меросининг аҳамияти.....	60
Назаров Б., Муродов Ғ.	Ибрат ва ҳайрат намунаси.....	68
Ulvi (Binnatova) Almaz, Suleymanlı Atilla	Türk dünyasının klassik şairi Məhtimqulu irsinin azərbaycanda öyrənilməsi.....	78
Sobirov A. Sh.	Turkiy xalqlarning sayroqi tili.....	85
Qosim Yashar	Turkıy xalklar she’rıyatınınq oltın davrı (Zahiraddin Muhammad Bobur, Şoh İsmoyil Xatoyi va Muhammad Fuzuliylar ijodi misolida).....	90

Abdul Khalil Ahmad Oughli, Turgut Koçoğlu	Maxtumqulı Fırog‘ıynıng sherıyat dunyosıdagı o‘namlı o‘gıtlar.....	100
Жарылкасынулы Шарип Амантай	Творчество Махтумкули в контексте казахско-туркменских литературных связей..	107
Kerwenow T.A.	Garagalpak edebiýatynda Magtymgulynyň edebi däpleriniň ösdürilişi.....	113
Қурамбоев К.	Янгича оҳангларда жилоланган таржималар..	120
Janbekow K.	Magtymguly türkmen-özbek dostlygynyň köprüsidir.....	127
G‘ulom Saxi Vakilzoda Yurtdosh Andxuyi	Xalq shoiri Maxtumquli Firog‘iy va uning haqida olimlarning qarashlari.....	132
Mohammad Naim Ghafoori	Бозтоби афкори Махтумқулии Фароғй дар кишварҳои ҳамсоя.....	141
Yorqin Muhammad Halim	Maxtumquli Firog‘iyning she’rlari musiqiy qanotlarida.....	148
Abdul wakil Rashid	Magtymguly Pyragynyň goşgularynda sopuçylyk we tarygatyň şöhlelenişi.....	150
Avazov E.X.	Maxtumquli Firog‘iy: vatanga sadoqat va do‘stlik ijodkori.....	159
Mirzayev G.R.	Maxtumquli Firog‘iy merosi – O‘zbekiston va Turkmaniston xalq diplomatiyasining muhim omili.....	166
Yuldashev N.T.	Maxtumquli she’riyatida komil inson konsepsiyasi.....	174
Shukurov A.A., Fayziyeva X.Ch.	Maxtumquli Firog‘iy ijodida pand va o‘git.....	179

Omonturdiyev A.A.	Maxtumquli – tuyg‘uni tarbiyalovchi buyuk shoir.....	182
Саидов Б.	Махтумкули Фраги – певец любви и красоты.....	187
Hojahanowa T.	Magtymguly Pyragy – türkmen özbek dostlugynyň berk binýadydyr.....	195
Amini Aziz Ahmad	Maxtumquli ijodi dunyo olimlari nigohida.....	200
Nadim Muhammad Humayun, Nazarov Z.M.	Maxtumquli Firog‘iy ijodida inson va jamiyat...	203

II SHO‘BA. MAXTUMQULI FIROG‘IY IJODI: O‘ZBEK-TURKMAN ADABIY ALOQALARI

Баҳодир Карим	Махтумқулнинг кўнгли.....	207
Ochilov E.	Maxtumquli va Mirzo Kenjabek.....	215
Ақиев Ж.	Фироғийни ёд этиб	222
Gaýlyýewa O. K.	Magtymgulynyň döredijiligi we döwrebap özbek poeziýasy.....	227
Муртазоев Б.	Алишер Навоий ва Махтумқули Фироғий….	235
Мустафоқулов Р.Б.	Махтумқули шеърияти таржималари ҳақида	242
Çaryýew S.	Magtymgulynyň edebi garaýyşlary.....	249
Матризоев Қ.	Махтумқули ижодий мероси.....	259
Сариев С.М.	Махтимқулидан илҳом олиб.....	268
Mukymowa A.	Diplomatik gatnaşyklarda edebiýatyň orny.....	274 280

Qosimov U., Jumanov A.	O‘zbek she‘riyatida Maxtumquli roli.....	
Абаев С.	Магтымгулы гүнорта арал бойларында.....	286
Jepbarova S.K.	Maxtumqulining o‘zbek tilidagi tarjimalarining tahlili (olim K.Quramboyev ilmiy tadqiqotlari misolida).....	293
Sharifi M.A	Maxdumquli Firog‘iy she’rlarida inson va Vatan tasviri.....	300
Madraximova N.Y.	Maxtumquli ijodining o‘zbek tarjimonlari.....	309
Jo‘rayev N.N.	Maxtumquli asarlarida o‘zbek va turkman lingvomadaniyati.....	314
Xudoymurodova H.M.	Maxtumquli va turkman-o‘zbek adabiy-madaniy muhiti.....	318
Sabyrowa A.	Magtymguly Pyragynyň taglym-garaýyşlarynyň edebi kökleri.....	324
Химматова Г.	Махтумқули ижоди тадқиқоти тарихидан…..	329
Oqbutayev B. X.	Maxtumquli ijodi va o‘zbek – turkman adabiy aloqalari tarixiga bir nazar.....	334
Ro‘ziyev E.O‘.	Maxtumquli ijodida ishq va oshiq talqini.....	342
Mardanov R.G‘., Gulmuradova S.O‘.	O‘zbek va turkman adabiyotining yetuk namoyandasi.....	348
Oqbutayev B.X.	Maxtumquli – oltin silsila vakili.....	352
Hamdamova N.T.	Maxtumquli va Mirzo Kenjabek she’riyatida diniy-irfoniy leksika lingvopoetikasi.....	359
Abduvoxidov S.A.	Maxtumquli Firog‘iy – xalqlar do‘stligi kuychisi	366

Qaxramonova S.D. Maxtumquli – o‘zbek va turkman shoiri..... 370

3- SHO‘BA. MAXTUMQULI IJODI LINGVOPOETIKASI

Sayyid Mohammad Olim Labib Maxtumquli ijodida vatansevarlik, insonparvarlik g‘oyalarining tarixiy tahlili..... 375

Ahmedov H.Y. Maxtumquli she’riyatining lingvopoetik xususiyati..... 381

Arslonov A. Maxtumquli ijodida tasavvuf ohanglari..... 386

Ёқубов Ш. Махтумқули лирикасида ономастик бирликларнинг ўрни..... 391

Ҳамраева М.А. Шоир шеъриятининг ўзига хос жиҳати..... 399

Amonturdiyev N.R. Maxtumquli ijodida etnografizmlar aksi..... 406

Kilichov N.R. Maxtumquli she’rlaridagi frazeologik birliklarning strukturaviy modellari..... 411

Nadim Muhammad Humayun, Turdiqulov Sh.D. Maxtumquli Firog‘iyning she’riyatida talmeh sa’natining o‘rni..... 417

Раимова С. Махтумқули шеърларининг ғоявий-бадиий хусусиятларига доир..... 423

Алланов Қ.А., Чориев А.Қ. Махтумқули ижодида ҳудудларнинг географик таърифи..... 428

Xamidov M. Maxtumquli ijodida biblionimlarning leksikografik xususiyatlari..... 436

Sultonqulova F.B. Maxtumquli lirikasida an’anaviy yo‘l obrazi..... 442

Nurjonov O.E., Chariyev Ch.D.	Magtyguly Pyragynyň şygyrlary öwüt-nesihatyň ummany.....	447
Shamsudinova I.	Badiiylik ifodasida yuklamalarning ishtiroki (Maxtumquli she'riyati talqinida).....	453
Davidov Y.J.	Maxtumqulining polisemantik so'zlardan foydalanish mahorati.....	457
Gulobov A.N.	Maxtumqulining «Yuraging qon ichinda» she'ri badiiy tahlili.....	462
Begjanow H.	Magtymguly Pyragynyň döredijiliginde diliň çeperçilik serişdeleriniň ulanylmagy.....	466
Normurodova Z.	Maxtumquli ijodida epitetlar.....	473
Amangeldiyeva G. **Kilichov N.R.**	Maxtumquli she'rlaridagi ikki komponentli frazemalarning struktur-semantik xususiyatlari..	478
Kenjayev Z.S., Turdiqulov Sh.D.	Maxtumquli ijodida oronimlarning qo'llanishiga doir ayrim mulohazalar.....	486
Bazarov Sh.A.	Maxtumquli asarlarida nutq madaniyati va notiqlikning o'ziga xos talqini.....	491
Abdullayeva N.I.	Maxtumquli she'rlarida talmeh san'atining qo'llanilishi.....	496
Muxtorova M.Sh.	Maxtumquli she'riyatida aytishuv: an'ana va izdoshlik.....	502
Çaryýew Ç.D. Awezklyçewa S.S.	Magtymgulu-Pyragynyň munazara şekilli şygyrlary.....	506
Nazarova O'.	Maxtumquli ijodida vatanparvarlik tuyg'ularining ulug'lanishi.....	512
Yunusova M.	Maxtumquli lirikasida ayrim tasavvufiy-ramziy leksemalar tahlili.....	516

Xongeldiyeva S.Sh. Maxtumquli ijodida metaforalar..... 521

VI SHO‘BA. GLOBAL DUNYO VA TURKIY OLAM: ILM-FAN, IJTIMOIY-FALSAFIY MASALALAR

Гафурова С.У. Туркий тилларни ўрганишда «Таворихи гузида – Нусратнома» асарининг ўрни..... 527

Тўймурадов З.Х. Тил ривожланишига этнос яшаш тарзининг таъсирига доир (ўзбек ва туркман тиллари мисолида)..... 533

Раҳмонов М., Мавлонова С. Туркий тилларда сўзнинг қудрати ва вазифаси..... 540

Саидова С.Э. Шарҳи маъноии вожаҳои ифодагари олоти маишӣ дар шеваҳои тоҷикон ва ӯзбекони Сурхондарёи шарқӣ дар асоси фарҳанг ва луғатҳо..... 547

Қурбоналиева М.С. Ўзбек-тожик зуллисонайнлиги..... 555

Yakibova D.Sh. Maxtumquli ijodida vatanparvarlik, insonparvarlik g‘oyalarini dars jarayonida foydalanish..... 563

Alimardanov E.I., Shukurov A.A. Xorazm dialektal zonasidagi turkman shevalarining o‘rganilishi..... 569

Turdimurodov S. Sifat turkumli evfemizmlarning nutqdagi o‘rni va o‘ziga xos xususiyatlari..... 577

Ergasheva D.A. Realiya – xalq ruhiyati ifodasi..... 582

Kultayeva F.B. Ergonimlarning funksional-semantik va struktur tasnifi xususida..... 589

Boysariyeva S. Elektron morfem o‘quv lug‘atining til ta’limidagi roli..... 596

Qobilov M.E.	Tibbiy terminlarning lingvostilistik xususiyati...	601
Xoldorov Y.	Antroponimlarda evfemik va disfemik xususiyatlarning aks etishi.....	611
Esonturdiyeva D.	O‘rta asrlarda o‘zbek tilining nufuzi va uni oshirishga bo‘lgan harakatlar.....	615
Ishqurbanova M.H.	Milliy xarakterdagi frazeologizmlarning semantik xususiyatlari.....	619
Eshto‘xtarova M.	Adabiy til va sheva munosabati.....	624
Xurramova T.M.	«Go‘ro‘g‘li» turkum dostonlarida leksik dialektizmlarning qo‘llanilishi («Go‘ro‘g‘lining tug‘ilishi», «Malla savdogar», «Oltin qoboq» dostonlari misolida).....	632
Jo‘rayeva M.S.	O‘tkir Hoshimovning «Qalbingga quloq sol» hikoyasida ekspressivlikni ta’minlovchi vosita sukutning qo‘llanilishi.....	638
To‘raliyev B.E.	Savdogar nutqining lingvistik tadqiqi…….	642
Bo‘riyev Jamshid	Maxtumqulı mısralarıda go‘zallık tushunchası...	650
Qobilov M.E.	Bolaga ism qo‘yish borasidagi islomiy qarashlar……..	655
Raximova Umida	Maxtumquli she’riyatida qofiya estetikasining lingvopoetik talqini	657

O‘ZBEKISTON RESPUBLIKASI
OLIY TA’LIM, FAN VA INNOVATSIYALAR VAZIRLIGI

TERMIZ DAVLAT UNIVERSITETI
SURXONDARYO VILOYATI
TURKMAN MILLIY MADANIYAT MARKAZI

MAXTUMQULI FIROG‘IY TAVALLUDINING 300 YILLIGIGA BAG‘ISHLANGAN «MAXTUMQULI – DO‘STLIK KUYCHISI» mavzusidagi xalqaro ilmiy-amaliy konferensiya materiallari

2024-yil, 20-aprel

Muharrir: Maxmaraimova Sh.T.
Musahhih: O.Nizomiddinov
Texnik muharrir: A.Bo‘riyev
Kompyuterda sahifalovchi: F.Abdimurodov

Bosishga ruxsat etildi: 17.04.2024-yil.
Ofset bosma qog‘ozi. Qog‘oz bichimi 60x84 $^{1}/_{16}$.
“Times New Roman” garniturasi. Ofset bosma usuli.
Shartli b.t. 40,25. Adadi 100 nusxa. Buyurtma № 36.

Termiz davlat universiteti NMM bosmaxonasida chop etildi.
Manzil: Termiz shahri, “Barkamol avlod” ko‘chasi, 43-uy.

9434